



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

8
1985

54-йил чиқиши

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Нинель ВЛАДИМИРОВА
Жуманиёз ЖАББОРОВ
ЗУЛФИЯ
Абдусайд НҶЧИМОВ
/масъул секретарь/
Тоҳир МАЛИК
МИРМУҲСИН
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ
Умарали НОРМАТОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим РАХИМ
Туроб ТҶЛА
Худойберди ТҶХТАБОЕВ
/бош редактор ўринбосари/
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Ўнтам УСМОНОВ
Раҳмат ФАЙЗИЙ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ
Иброҳим ЮСУПОВ
Нурали ҚОБУЛ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

Жуманиёз Жабборов. Саратон нафаси	3
Муҳаммад Солиҳ. Сенга сўз излайман муносиб	79
Келди Қодиров. Тонгги ўйлар	84
Қутлибека Раҳимбоева. Улкан, кучли бўлиб яшаймиз	87
Нуриддин Бобоҳўжаев. Нурли йўл	112
Очил шоир Эшмурод ўғли. Сенсиз жило топмас қалбимнинг рози	116

НАСР

Уткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. Роман. Давоми	7
---	---

ДРАМАТУРГИЯ

Шухрат. Дўстимнинг ўғли. Пьеса	91
--	----

ҲИКОЯЛАР

Аҳмад Аъзам. Ноинсоф Мусо	117
Анвар Дадабоев. Битта арпа нон	127

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла туғилган куннинг 80 йиллигига. Собир Абдулла. Шеърлар. Ҳаёт йўли. Романдан парча	131
Рус ёзувчиси Михаил Зошченко туғилган куннинг 100 йиллигига Михаил Зошченко. Ҳикоялар	149

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Жўлмирза Оймирзаев. Шеърлар	147
---------------------------------------	-----

ШОИР ҚАЛБИ ДУНЕНИ ТИНГЛАР

Маҳмуд Дарвиш. Шеър	158
Антонио Жастино. Шеърлар	159

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Мухим мавзу	161
-----------------------	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

Мирпўлат Мирзаев. Баҳор мамлақати	200
---	-----

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Эргашали Умаров. Ўзбек сўзлари Навоий даврида қандай жаранглаган	164
Салима Икромова. Алишер Навоий асарлари француз тилида	168

ЖАЖЖИ ТАДҚИҚОТ

Мирзааҳмад Азаматов. Мавлоно Хоразмий	171
---	-----

ЖУРНАЛХОН МУЛОҲАЗАЛАРИ

Йўлдош Солижонов. Ижод — жасорат, шеър — жозоба	173
---	-----

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Омон Мухторов. Мўъжиза. Қисса	176
---	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Абдулла Қаҳҳор. Узинг шифо бер	204
Мухтор Худойқулов. Янги масаллар	205
Эргаш Мажидов. Туюқлар	206
Уткир Саидов. Битта китоб ўқидим	206



Жуманиёз Жабборов

Саратон нафаси

Авжда саратоним,
 Камолот фасли,
 Ёппа шарбат ичра қолмиш мевазор.
 Гарчанд ҳар лаҳзаси олов нафасли,
 Дилни қитиклайди аммо беозор.

Дунёда бетакрор нима бор ўзи,
 Миллион йилдан буён келар юртга ёз.
 Лекин ҳар ташрифин бордир ўз сўзи,
 Ҳар бири ўзича сўлим ва мумтоз.

Гўёким ҳудудсиз туташ кўк булут,
 Мунтазам яшиллик бир-бирга пайваст.
 Бир ён анор эса, бир ёни шотут,
 Олам олмаларнинг хушбўйидан маст.

Агар ўч бўлсангиз лаззату болга,
 Бизнинг бу боғ аро кезинг-чи лаҳза,
 Райҳонлар роз айтиб ширин шамолга,
 Солгай қонингизга гилослар ларза.

Полизда қовунлар, ишқомда узум,
 Асал мавжлар аро турарқанман шод,
 Бу бойлик мағзини кўради кўзим,
 Дилда она-ерга буюк эътиқод.

Оқ фасл бошланур арафа кун бу,
 Беҳад далаларда гуркирар пахта.
 Во ажаб! Ўзига хос бир якун бу,
 Неки бор гулшану дову дарахтда.

Тафаккур вужудинг тамом этур банд,
 Унди интилишдан бу ёруғ амал.

Лаҳзани беҳуда берма, эй, фарзанд,
Ҳосилга ёшликдан кўябил тамал.

Фақат яратишга яралур одам,
Ижод уйғоқ эрур ҳужайрасида.
Унинг мевасидир бу етук олам,
Бу борлиқ — меҳнатга улуғ қасида!

* * *

Патёла шаҳри бу. «Тошкент» кўчаси.
Панжобда қаердан дилга азиз ном?
Гўё пойтахтимнинг машҳур Кўкчаси
Бунга бир кўчасин этгандек инъом.

Илик бир шаббода ҳис этдим шу чоғ,
Меҳрнинг дунёда минг жилоси бор.
Қандай соз! Шаҳру кент, дарё билан тоғ
Ўзаро ҳурматин этганда изҳор.

Бу пайт Кўкчадаги кино — саройда
Аниқки, ҳинд куйи янграмоқда шўх.
Файз беҳад — эҳтиром барқ урган жойда,
Хусумат бор жойда инсон ўзи йўқ.

Гагра шаънига

Гагра бир мўъжиза бўстондир бу Гуржистон аро,
Ё у зумрад кўзгу янглиғ мавж аро, уммон аро.

Мингта гулшаннинг жилоси бир чаманда жам бўлиб,
Қанча рангу қанча хушбўй жой талошур жон аро.

Офтоб, ўпдинг зилол водийни меҳринг бирла хўб,
Эй, денгиз, ардоқла фарзандингни ер-осмон аро.

Неча дўстлар давра қурдик, дам олиб, ижод этиб,
Янграгайдир энди Гаграм шеър аро, дoston аро.

Сен гўзаллик ташнаси, эй, кўзларим, соҳилга боқ,
Ҳар санамларким, солур минг ғалва қалбу қон аро.

Сирғалиб тандан ғубор, ўн ёш яшарсанг не ажаб,
Чол эсанг, гурлаб кетарсан неча бир полвон аро.

Бул саодатманд Ватан ичра чаманлар неча юз,
Гаграмиз антиқа манзилдир улуғ имкон аро.

Денгиз лавҳалари


Денгизлар маликаси эрур гўзал Фарангиз,
Фарангиз чўмилганда сиз денгизга қарангиз.

Яшнаб кетади уммон, шодлигидан мавж уриб,
Эй, тўлқинлар, қиз сочин киприк бўлиб тарангиз.

Ана, сузиб борар у уфқларни кучгудай,
Бу шўх лавҳа қошида ожиз ҳар манзарангиз.

Фарангизга бахт тиланг, омад тиланг, завқ тиланг,
Тобе бўлсин йўлида оғир, олис маррангиз.

Сабаб Фарангиз бўлиб, кўзимга дур кўринди
Ҳар биллурий қатрангиз, ҳар бир садаф заррангиз.





85.
B 6-VI.

Расмни Рустам ЗУФАРОВ чизган



Ўткир Ҳошимов

ИККИ ЭШИК ОРАСИ

Роман¹

У аввал менга, кейин ойим билан бобомга қаради. Юзига қон тепиб, бўғриқди. Кўйлагининг қайрилган енгини тушириб индамай кетаётган эди, ойим кўзлари олайиб йўлини тўсди.

— Қаёққа?

— Ойи! — Кимсан акам нажот кутгандек бобомга қаради. — Бормасам бўлмайди.

— Нима! — Ойим қоп-қора, қалин лаблари титраб, Кимсан акамни қучоқлаб олди. — Бормайсан! Тилаб-тилаб олган боламни ажалнинг оғзига юбормайман!

Шундагина рўй берган воқеанинг даҳшатини бирдан ҳис этдим у эгим сесканиб кетди.

— Йўқ! Йў-ўқ! — Ойим чўккалаб қолди. Кимсан акамнинг оёғини қўшқўллаб чангаллади. — Кетмайсан!

Бир чеккада карахт бўлиб турардим. Нимадир биқинимга қаттиқ ботаётганини энди сездим... Узум егандан кўра заҳар еганимиз яхши-масми? Беҳуш бир алпозда саватни ерга қўйдим.

Зор қақшаб йиғлашидан кўнгли эриди шекилли, бобом Кимсан акамнинг оёғидан қучоқлаб мук тушиб ўтирган ойимнинг бошига эгилди.

— Онаси, — деди секин. — Юртга келган тўй... Ҳамма урушга борса-ю, Кимсан тошбақадек бошини ичига тортиб ўтирса ярашадими? Уз қулоғим билан эшитдим, уруш нари борса, бир-икки ойда битаркан.

...Кимсан акам эртасига пешиндан кейин қайтди. Бобом — далада, мен супа олдида ўтириб, кир юваётган эдим. Икки кўзи эшикка термулиб ўтирган ойим чопиб бориб, Кимсан акамни қучоқлади.

— Нима бўлди? — деди чирқиллаб. — Тезроқ гапирсанг-чи!

Кимсан акам негадир кўзини ойимдан олиб қочди.

— Керак бўлса ўзимиз чақирамиз дейишди.

— Майли, болам, шошма, — ойим палакати ариган одамдек юзи ёришиб кетди. — Айтибди-ку, керак бўлса ўзлари чақиради. Ажабмас, унғача уруш битиб қолса...

Бир пиёла чойдан кейин ойим йўлга отланиб қолди. Кечаги саватга бошқатдан узум уздирди.

— Тоғангдан хабар олай энди, — деди кўйманиб. — Ким билсин, ҳали уям урушга отланиб қолдимикин. Гулдек хотинини қон қақшатиб...

Ҳовлида Кимсан акам икковимиз қолдик. Нуқул рўпарасида сўппайиб туришдан уялиб, кир ёйиш баҳонасида супа томонга кетаётган эдим, Кимсан акам қўли билан имо қилди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

— Үтир, Робия... Гап бор.

Сўз оҳангиданоқ ҳаммасини тушундим. Юрагим шув этиб кетди. У мендан олдин айвон пешига бориб ўтирди. Кўзларида чуқур, ўйчан маъно бор эди. Офтобда қорайган юзига тер тепчиб чиққан, лаблари қимтилган. Бир кунда янаям улғайиб қолгандек...

— Нима бўлди? — дедим юрагим зириллаб.

У индамади. Негадир жилмайиб қўйди. Орага юракни сирқиратувчи сукунат чўкди. Аллақерда қовоғари ғўнғиллади. Молхонада «галанска» сигир хомуш пишқириб қўйди.

Кимсан акам илкис бош кўтариб, кўзимга қаттиқ тикилди.

— Кутасан-а? — шундай дедию ҳамиша ювош, ўйчан боқадиган кўзларида олов ярқ этди. — Сен кутсанг, жанг қилишим осонроқ бўлади, Робия...

— Кетадиган бўлдингизми? — дедим овозим титраб.

— Йўқ, аввал сен айт. Кутасанми? Ростингни айт.

Украб йиғлаб юбордим.

— Нега кутмас эканман! Сиздан бошқа кимим бор! — дедим кафтим билан юзимни тўсиб.

Бир маҳал у секин қўлимни силади. Кафтимни тушуриб, юзини юзимга теккизгудек яқин келди. Ундан офтоб ҳиди, ер иси аралаш одамнинг юрагини ўйнатиб юборадиган аллақандай ёқимли бўй таралар, кўзлари маъюс кулиб турарди.

— Нима қилай? — дедим жиққа ёш тўла кўзларимни кўзига қадаб. — Онт ичайми? Нон урсин! Кутмасам нон кўр қилсин, Кимсан ака!

У титраб кетди. Бошимни оҳиста силади. «Нега ўпмайсан, жинни! Упсанг-чи, бағрингга боссанг-чи!» Билмадим, қўрқдимми, уялдими, қадоқ босган йўғон бошмалдоғи билан юзимга оқиб тушган ёшни артди.

— Онт ичма, Робия! — деди овози қалтираб. — Биламан-ку! Бир оғиз гапинг кифоя.

У яна жимиб қолди. Мен бўлсам, Кимсан акамнинг бақувват, қадоқ босган қайноқ кафтига юзимни умрбод босиб ўтиришни, унинг тўхтовсиз гапиришини, аллақандай сирли нарсаларни айтишини хоҳлардим. Кўзимни юмиб олдим.

— Робия! — деди у бир маҳал. — Менга қийиқча тикиб қўясан-а? Ҳов анавиндагига ўхшаб, четига отимизни ёзиб қўясан-а?..

Яна йиғлаб юбордим.

— Йиғлоқ! — деди у ёш болани овуtgандек, бурнимни беозор чимчилаб. Шимининг чўнтагига қўл суқиб, ярим варақ қоғозни хонтахтага, чала ейилган узум ғужумлари ёнига ташлади. — Бир ҳафтадан кейин жўнайдиган бўлдим. Военкоматдагилар, ҳозирча биз томонлардан ҳеч кимни урушга олмаяпти, деган эди... Зўрға кўндирдим. Ойимга тушунти-раман.

«Военкоматни зўрға кўндирганмиш». Нимага шунча шошилинч? Керак пайтида ўзлари чақирисарди-ку!

Кимсан акам кўнглимдан ўтаётганини сезди.

— Робия! — деди менга эмас, пахса девор тагида патирлашиб чўқишаётган мусичаларга қараб. — Шунақа қилиш керак эди, Робия! Уруш кетаяпти.

...Ойим қоронғу тушганда келди. Тоғам ҳам военкоматга югурмоқчи экан, Раъно янгам қўймабди. Ойим тоғамни узиб-узиб олибди. «Подадан олдин чанг кўтарма, ғунчадай хотинингни ташлаб уруш қилишни ким қўйибди сенга? — дебди. — Мана, жиянинг ҳам ҳовлиқиб бориб, бўшашиб қайтди, керак пайтида ўзлари топиб олармиш».

Ойим гапиряпти-ю, менинг икки кўзим Кимсан акамда...

Якшанба куни ҳовлимиз одамга тўлди.

Унча-мунча колхозчи чарлаб чақирса бормайдиган, дўпписи ерга тушиб кетса бировга пул бериб олдирадиган Умар-закунчи ҳам пешонаси-га мунчоқ тақилган жийрон отини гижинглатиб келди. Бобом қўй сўйди...

Рашид абзи одатдаги юмушини қилиб, самовар қайнатишга тушди. Дошқозонда ош дамланди...

Ойим йиғлаб, оламни бузиб юборса керак, деб кўрққан эдим. Хайрият, йиғламади. Иккаламиз Кимсан акамга атаб патир ёпдик, бўғирсоқ пиширдик. Бошига янги дўппи, эгнига жужун кўйлак, шим кийиб олган Кимсан акам икки юзи қип-қизариб, дамба-дам ёнимизга келади. (Ҳали улфатлари билан уйга кириб бобомдан бекитиқча Рашид абзининг мусалласини ичишаётганини кўрувдим). Нуқул ҳазил қилади. «Ойи, тўй юборяписизми, нонингиз бунча кўп? Ие, Робиянинг пазанда бўпкетганини қаранг, ойи! Шундоқ қизни қўлдан чиқариб бўладими?»

Ойим унинг қочирғини тушунмайди.

— Сенинг синглинг бўлади-ю, пазанда бўлмайдимми? — дейди кулиб.

Ажаб, одам йиғлаб юборишдан кўрқиб кулса ғалати бўларкан. Хизмат қилиб юрибман-у, нуқул Кимсан акамга термулиб қарайман.

— Робия! — шундоқ ёнбошимда дўриллаган овоздан чўчиб тушдим.

Қарасам ҳар елкасида иккитадан йигит ўтирса бемалол кўтарадиган, кесилган жигардек қалин лабида мўйлов ўсган Парча опа девор тагида ғўладек оёқларини чўзиб, бир лаган ошни тиззасига қўйиб ураяпти.

— Роби! Бир қошиқ сув минан ютадиган оканг бор-де! — деди ошни гуваладек думалоқлаб оғзига тиқаркан. — Совчи қўйса тегардим!

«Вой, кўнглингга қўтир жомашов. Жинни! Кимсан акам ўзимгаям керак!...»

Энсам қотиб бурилиб кетаётсам, шолча ташланган супада буғалтир Соли-сўпоқ билан ўтирган Умар-закунчи ўрнидан туриб, қўлини баланд кўтарди.

— Ҳурматли колхозчилар! — деди жарангдор овозда. — Бир минут диққат...

Ҳовлида ғовур-ғувур қилаётганлар секин-секин тинчиб қолишди.

— Ўртоқлар! — «қовун сўйса бўладиган» даражада силлиқ дазмолланган шим кийган Закунчи ўртага чиқди. — Ўртоқ колхозчилар! Ватанимиз бошига оғир синов тушди. Қаҳрамон совет жангчилари немисфашист босқинчиларига қарши шиддатли жанг олиб бормоқда! — У кўрсаткич бармоғи билан ингичка, чиройли мўйловини силаб қўйди. — Фронтга добровольний отланганлар орасида бизнинг колхоз аъзоси, стахановчи кетмончимиз Кимсан Ҳусанов ҳам борлигидан фахрланамиз! Буёққа кел, укам!

Кимсан акам қўлини сочиққа артиб, айвондан тушди. Хижолатдан юзлари ловуллаб супа олдига келди.

— Раҳмат, ука! — Закунчи унинг елкасига қоқди. — Душманга омон берма! Фашист босқинчиларига ўлим!

Гардиши кенг шляпа, оқ китель кийган Соли-сўпоқ дўмбоқ қўллари билан қарсақ чалди. Чекка-чеккадан маъқулловчи хитоблар эшитилди.

Умар-закунчи жойига ўтиргандан кейин Кимсан акам нима қилишини билмай эсанкираб турди-да, одамлар орасидан ўтиб, айвонга йўналди. Шу пайт гулзор томондан Оқсоқолнинг йўғон овози эшитилди:

— Шошма, болам! — У катта-катта қадамлар билан яқин келиб Кимсан акамнинг елкасига кафтини қўйди. — Бир нарсани айтиб кўяй. Уруш деган палакат — ўйин эмас. Буни ҳеч ким билмаса ҳам Дума билан мен биламиз. Душманни аяма, аммо ўзингниям эҳтиёт қил, — Оқсоқол Кимсан акамнинг пешонасидан ўпди. — Баракалла болам! Ҳақиқий ота ўғил экансан. Белида белбоғи бор йигит экансан! Қани, ҳалойиқ! У одамларга юзланиб ҳайқирди: — Илойим юртимизга қасд қилганлар паст бўлсин, ер билан яксон бўлсин! Кимсанбой ой бориб — омон келсин!

Ҳовлини тўлдирган одамлар баравар оёққа қалқди. Кимсан акам бир йўла шунча мақтовни умрида энди эшитаётгани учунми, ўзини қаёққа қўйишини билмас, шолғомдек қизариб, гоҳ ерга қарар, гоҳ дарахтларнинг учини томоша қилар, нуқул шимининг чўнтагига қўлини суқиб атрофига аланглар, чамаси бунақа «азоб»дан тезроқ қутулишни ўйлар эди.

— Ҳусанбой! — Оқсоқол кафтини оғзига карнай қилиб бақирди. — Қаёқдасан, Дума?!

Одамлар тўдасидан бобом чиқиб келди.

— Обке! — деди Оқсоқол.

Аллақаёқдан ойим пайдо бўлди.

— Чоп қизим! — деди шивирлаб. — Патирни обчиқ!

Бостирмага учиб кирдиму эски сандиқ устидан дастурхонга ўралган патирни олдим. Патир ҳали иссиқ эди... Одамлар орасидан ўтиб келиб, нонни бобомга бердим. Бобом худди чақалоқ болани авайлаб кўтаргандек икки қўллаб кўксига босганча супа олдига олиб борди-да, Оқсоқолга узатди.

Оқсоқол патирни боши устидан баланд кўтарди.

— Халойиқ! — деди овози титраб. — Дунёда нондан табаррук нарса йўқ! Нондан юз ўгирган имондан юз ўгиради. Ке, ўғлим, тишла! — У патирнинг икки четидан тутиб турди. Кимсан акам хиёл эгилиб бир чеккасини тишлади. — Баракалла, — деди Оқсоқол. — Илоё, туз-насибанг узилмасин.

У бир чеккаси тишланган патирни бобомга узатди, бобом ойимга, ойим менга... Мен шоша-пиша уйга кирдим-да, патирни тахмондаги кўрпаклар орасига яширдим.

* * *

Тонг қоронғусида йўлга тушдик. Бобом Умар-закунчининг улов жўнатишини кутмасдан ўзининг эшакаравасини тахт қилди. Аравада Кимсан акамнинг қопи боғичидан ушлаб ойим ўтирибди. Араванинг бир томонида Оқсоқол, иккинчи томонида бобом тупроқ кечиб кетяпти. Кимсан акам иккаламиз орқароқда боряпмиз. Бобом халачўп билан эшакнинг биқинига нуқиб «хих-хих»лайди. Эшак дик-дик қадам босади. Филдираклар овозсиз шириллайди. Чанг кўтарилади. Шом еган ой ғариб мўлтирайди. Гоҳ Кимсан акамга, гоҳ ойимга қарайман. Ғира-ширада Кимсан акамнинг юзини аниқ кўролмайман. Лекин атрофни томоша қилиб бораётганини пайқайман. Назаримда у негадир жилмаяётганга ўхшайди. Ойим икки букилиб олган. Худди қоп-қора тошдан ясалган ҳайкалдек.

Алвастикўприқдан ўтаётганимизда қоронғи ўпқонда илондек вишиллаётган сувга қараб, ваҳмим келди. Оқсоқолнинг ҳам юраги сиқилди шекилли, Алвастикўприк шовқинини босиб шанғиллади.

— Кеча Хирмонтепа томонга ўтгандим. Буғдой жонивор бошоғини тўкаман, деб турибди. Закунчига айтсам, ҳали вақт бор, раҳбарларнинг ишига аралашманг, деб сўкиб берди.

— Э, раҳбар бўлган отасини гўрига! — Бобомнинг оғзидан ёмон сўз чиқиб кетди. — Бу йил ёз эрта келди, ўроққа тушмасак бўлмайди.

Боядан бери индамай кетаётган Кимсан акам бирдан жонланиб кетди:

— Тушаверинглар, дада! У-бу деб закунчилик қилса, айтинглар: ҳеч ким уйига ортиб кетаётгани йўқ-ку, денглар. Ҳарна вақтлроқ йиғиштириб олганларинг.

Шу баҳона, гап-гапга уланди. Ҳосилни тезроқ йиғиб олиш, фронтга кўпроқ ёрдам бериш... Кечки маккани вақтида экиш...

Эшак қадамига қараб манзилга етиб боргунимизча кун ёйилди.

Анча йил илгари дадам билан Тошкентга келганимизда кўрган вокзалим ғира-шира ёдимда эди. Уша ғиштин бино. Уша зиналар. Аммо унда одам бунақа қалин эмасди. Ҳозир ҳаммаёқ бозорга ўхшаб кетибди. Қоп орқалаганлар, чамадон кўтарганлар, ёқасига белги тақилган ҳарбийлар... Одамдан от-улов кўп. Қоп-қора «эмка» машиналари, «полуторка»лар, отараваю эшакарава. Ҳатто оғзидан кўпиги осилиб, пастки жағини уёқ-буёққа қийшайтирганча кавш қайтараётган туягача бор.

Кимсан акам «мен ҳозир» дедию қизғиш ғиштин бино эшиги олдида турган одамларни туртиб-суртиб ичкари шўнғиди. Бир соатчадан кейин қайтиб чиқди.

Қоп орқалаган бобом, унинг кетидан тугунни маҳкам ушлаганча мен, менинг билагимга ёпишган ойим, энг охирида — қаддини ғоз тутган

Оқсоқол, «пўшт-пўштлаб» перрон томон юрдик. Кимсан акам бу ерда ҳам «ҳозир келаман» деганча узоқ йўқ бўлиб кетди.

Ҳаво эрталабдан қизиб кетган. Вокзал биноси олдида поезд тўхтаб турибди. Тахта вагонлар, дарвозадек кенг эшигини очиб турибди. Дераза йўқ. Урнида патнисдек туйнук. Аллақаёқдан гармон овози қулоққа чалинади. Узоқроқда чилдирма бака-банг қилади. Кимдир йиғлайди, кимдир кулади. Каттакон осма соатнинг миллари ўндан йигирма минут ўтганини кўрсатиб турибди.

Бир маҳал Кимсан акам ҳаллослаб келиб қолди. Худди шу пайт «По ваго-онам!» деган асабий қичқириқ янгради. Йиғи-сиғи, музика, кулгу — ҳаммаси аралашиб кетди.

Кимсан акам аввал ойимни қучоқлади. Қизик, ойим шундайм йиғламади. Фақат энтикиб нафас олаётганини сездим.

— Болам, жон болам, ўзингни эҳтиёт қил... Хўпми, жон болам.

Кимсан акам унинг қучоғидан чиқишга уринар, аммо ойим қўйиб юборгиси келмас эди.

— Хавотир олманг ойи! — деди у шоша-пиша. — Нариси билан уч ойда келаман. Мана кўрасиз. Гирмонни бошини янчиб келамиз!

— Иссиқроқ кийиниб юр, болам! — Ойим Кимсан акамнинг у юзидан — бу юзидан ўпаркан тайинлади. — Қопда аччиқтош бор, томоғинг оғриси ғарғара қилгин, хўпми?

Қарасам, Кимсан акам ойимга юзини тутиб беряпти-ю, икки кўзи менда. Кулмоқчи бўлади, аммо лаблари аянчли титрайди. Амаллаб ойимнинг қучоғидан чиқишү билан дадам икки елкасига осилиб, пешона-сидан ўпди.

— Ой бориб, омон кел, ўғлим! — деди бўғиқ овозда.

Яна ўша асабий ҳайқириқ янгради:

— По ваго-о-о-нам!

Кимсан акам дадам билан хайрлашаётганида ҳам икки кўзини мендан узмади. Шу топда Оқсоқолниям ёмон кўриб кетдим. Кимсан акамни қучоқлаб олди. Ҳадеганда бўшата қолмади.

Кимсан акам ниҳоят ёнимга келди. Терлаб кетган, энтикиб нафас олаяпти. Кўзи кулиб турибди-ю, лаблари титрайди.

Беш-олти қадам нарида турган дадам билан ойим томонга ўғринча қараб олди-да, қўлини чўзди. Кафтимни маҳкам қисиб шивирлади.

— Кутасан-а?

— Кимсан ака... Кимсан ака! — Кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Вагонлар шиддатли тарақлади. Бир маҳал ўзимга келсам, Кимсан акам, елкасида қоп, бир қўлида тугун, поезд ёнида чопиб кетяпти. Вагонлардан бирининг очиқ эшигидан беш-олти қўл баравар чўзилиб. Кимсан акамни қоп-мопи билан ичкарига тортиб олишди.

Ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди:

— Ўзига топширдим, болам!

— Тезроқ келинг, дадаси!

— Хайр адажон!

— Бегим, хат ёзинг, бегим!

— Юзинг ёруғ бўлсин, ўғлим! Бошинг тошдан бўлсин!

Бу — бобомнинг хитоби эканини кейин пайқадим. Ниҳоят охирги вагон ҳам тарақ-туруқ қилиб ўтиб кетди. Олислаб бораётган паровоз нола чеккандек чўзиб гудок чалди. Йиғи-сиғи бир авжига чиқди-ю, кейин сукунат чўкди.

Музика тинди. Чилдирманинг бака-банги ўчди. Гармон ҳам нола чекмай қўйди. Қизиган темир иси, машина мойининг ҳиди гупиллаб кетди.

— Сув! Сув опке!

Бобомнинг хавотирли хитобидан сесканиб тушдим. Ойим шундоқ ерга ўтириб қолган, ранги қув ўчиб, рўмоли елкасига сирғалиб тушган, кўзи юмуқ эди. Икки чеккасидаги сочи оқариб кетганини энди сездим.

Наҳотки, бир кечада?...

Эллик қадамча нарида тумшуғи эгик қувурдан шариллаб сув оқиб ётарди. Ҳовучимга сув тўлдириб, орқага қараб чопдим. Етиб келгунимча

кафтларим орасидан оқиб, нарисидан билан икки қўлтум қолди. Бобом ҳамон типирчилар, ойим ранги бўздай оқарганча кўзи юмуқ, бошини бир томонга ташлаб ўтирар, бобом елкасидан тутиб турмаса, гурсиллаб йиқилиши аниқ эди.

Ховучимдаги сувни ойимнинг юзига сепдим. Ойим бир сесканди, аммо кўзини очмади.

— Уғли-им!.. — деди ожиз инграб. — Жон болам, ёлғизим...

— Мен борман-ку, ойижон, — дедим йиғидан лабим титраб. — Нима, мен сизнинг болангиз эмасманми?

Димоғимга машина мойининг чучмал иси, қулоғимга вагонларнинг шарақ-шуруқ урилиши, ғилдирак садолари, паровознинг видолашгандек нолон гудок чалиши маҳкам ўрнашиб қолди.

...Майли, ўшанда-ку, ойимнинг ўз дарди ўзига етиб ортарди. Устига устак, Кимсан акам иккаламиз бир-биримизга кўнгил қўйганимизни билмас эди. Кейин... кейин билди-ку? Билиб ўзиям суюнди-ку, ахир!

Нимага энди бунақа деяпти?! Нимага мени «қизим» деб чақирадиган Шомурод тоғамга раво кўраяпти? Тўғри, уруш битганига беш йилдан ошди. Аммо беш йил нима бўпти? Керак бўлса ўн йил, йигирма йил кутаман! Умрим борица кутаман! Мабодо Кимсан акам йўқ бўлганида ҳам мен ўзим борман-ку! Бундан чиқди, Кимсан акам ҳам бор-да! Наҳотки ойим умидини узган бўлса?

Ойим иккаламиз бир-биримизнинг бағримизга кириб ўтирар эканмиз, шуларни ўйлаб эзилардим. Аллақаерда ҳаққуш нола қилади, шамол беҳи барглари шитирлатади. Айвон бурчагида Музаффар ётибди. Орачора инграйди. Синган қўли оғриётган бўлса керак...

— Жилла курса шу болага раҳминг келса-чи, қизим, — Ойим бўғинлари шиқирлаб ўрнидан турди. Музаффарнинг тепасига бориб, кафтини пешонасига босди. — Менгаям осон тутма, жон болам, сенга ёмонликни раво кўрсам, имонимдан жудо бўлай.

Бу гапни шунақа ишонч билан айтдики, ичимда бир нима узилиб кетгандек бўлди. Авваллари ҳам шунга ўхшаган аҳволга тушганман.

Кимсан акамни кузатганимиздан кейин икки ойча ўтиб Очил акадан совчилар келганди.

Йиғлаб-йиғлаб Кимсан акамга хат ёзганимда...

Умар-закунчи бутун уй ичимизни қора ер билан битта қилганида...

Бобом ўлганида... Уруш битиб, уйга яна совчилар қатнаб қолганида...

Ҳар гал ичимдаги ўша ип таранг тортилиб, чидаб бўлмас азоб берар, ўзимни қўйишга жой тополмай қолардим. Лекин ўша ипнинг борлиги яхши экан. Азоб берса ҳам, жонимни суғуриб олса ҳам...

Ҳозир ип узилиб кетди. Узилди-ю, оғриғу алам сезмадим. Вужудим бўм-бўш бўлиб қолди. Бўм-бўш. Жимжит.

Одам қимматбаҳо нарсасини йўқотса ачинади. Тухматга қолса бошини тоғ-тошга уради. Қадри ерга урилса, исён кўтаради. Яқин кишиларидан айрилса дод солади... Лекин умидингдан айрилсанг ғалати бўларкан. Ҳеч нимага, ҳеч кимга, ҳатто ўз қадрингга ҳам ачинмайсан. Дод солмайсан. Исён кўтармайсан... Гўё сен ўлгансан. Узинг ўлиб, қуруқ суратинг қолган...

УЧИНЧИ ҚИСМ

ТўРТИНЧИ БОБ

КИЧКИНТОЙ МУЗАФФАР ҲИКОЯСИ

Тўй

Қўлим сингани баҳона, уч ҳафтача аммамникида қолиб кетдим. Аввалига дадам ҳар куни келиб турарди. Кейин тўсатдан биттаям келмай қўйди. Дадамни қўмсаб йиғлаган эдим, аммам юпатди:

— Шошма, болам! Дадангни иши кўпайиб кетди. Битсин, борасан. Роби опанг ҳам боради.

Дадамнинг иши билан нима ишим бор! Менга дадамнинг ўзи керак! Нега келмайди? Майли, уришсаям, сўксаям.

«Қора аммам» ҳар кеча қўлимга шўрпахта боғлайди. Шўрпахта яхши-ю, ҳидини ёмон кўраман.

Қочиб кетай, десам, Алвастикўприкдан қўрқаман... Роби опам ҳам ўзгариб қолди. Авваллари ҳар куни қурутми, пистами олиб келарди, мени ўйнатарди. Энди ўйнамай қўйди. Ҳеч ким билан гаплашмайди. Аммам йўғида бурчак-бурчакка бориб йиғлайди. Ниҳоят, «Қора аммам» уйимизга олиб борди. Дадам ҳам мени соғиниб қолган экан. Кўриб суюниб кетди. Оқсоқланиб келганча ердан даст кўтариб юзимдан ўпди. Қизиқ, дадамдан тамаки иси эмас, оҳақ хиди келарди. Қарасам, уйимиз бошқача бўлиб кетибди: деворлар оқланган, уйнинг синган деразасига янги кўз солинган. Ҳовли топ-тоза... Дадамнинг ўзиям ўзгариб қопти. Ёшариб кетганга ўхшайди.

Шу кеча дадамнинг елкасидаги чандиғини силаб, маза қилиб ухладим.

Аммам бизникига серкатнов бўлиб қолди. Бир кун тугун кўтариб келади, бир кун сават... Ҳатто бир марта икки букилиб, ўздан катта қопни орқалаб келиб қолди. Ўзи мушздай келади-ю, орқасида тандирдек қоп. Эшигимиз кичкина эмасми, қоп сиғмай қолди. Бостирма соясида жўхори уқалаб ўтирган дадам югуриб бормаса, аммам бечора эшикка тиқилиб тураверган бўларди. Икковлашиб қопни тортқилаб ичкари олиб киришди.

— Шунча жойдан кўтариб келдингизми, опа, нима зарил! — деди дадам ачиниб.

Аммам янаям қорайиб, тердан ялтираб кетган пешонасини рўмолининг учига артиб, тушунтирди:

— Янги кўрпа қавимаса бўларканми? Дўст бор, душман бор, — у ҳар сафаргидан қаттиқроқ ҳарсиллар, ичидаги «одамчалар» овози борича хуштак чалар эди.

Эртасига офтобрўя айвонга ўтириб олиб, кўрпа қавишга тушди. Мен бўлсам ҳали битмаган кўрпа устида думалаб ўйнадим. Маза!

— Амма, Робия опам қачон келадила?

— Келади, киргиттон, келади, — деди аммам елкамга қоқиб. —

Яқинда бутунлай келади.

— Менга қурут обкеладилами?

— Қурут нима бўпти, ишкалат обкелади. Яхши кўрасанми, опангни?

— Жудаям!

Аммам жуволдиз тутган қўлини муаллақ кўтарганча узоқ жимиб қолди. Кейин негадир тескари қараб рўмолининг учини кўзига босди...

Ёнғоқ пишган кезлари уйимизда тўй бўлди. Абдувалининг дадаси — Туя сартарош бостирма панасида қўй сўйиб, оёғидан олма шохига осиб қўйди. Ҳовлининг ўртасидан чуқур қазилди. Беш-олтита эркак «ҳа, бўл, ҳа, бўл!» қилганча эшикдан қиялатиб дошқозон олиб киришди. Бояги чуқурчага ўрнатишди. Биз ҳам ясаниб олганмиз. Дадам атайлаб Тошкентга тушиб, менга янги костюм-шим, оёғимга ботинка олиб келган. Бошимда яп-янги бахмал дўппи. Жиягига кўзмунчоқ қадалган. Чойхонада мени кўриб «қадрдон бўлиб қолган» эркаклар эшикдан кириш билан кўз қисишади.

— Муборак бўлсин, гирой!

— Ия, посон бўпкетибсиз-ку! Дўппингизни бизга сотинг, гирой!

— Ҳо! Дадангиз оберсин!

Қоронғи тушар-тушмас тумонат одам тўпланди. Башанг кийинган эркаклар, ясан-тусан қилган хотинлар. Кўтармада шунча кўп бола борлигини билмаган эканман. Балки доим дадамга эргашиб юриб, болаларга қўшилмаганим учун шу кунгача Абдувалидан бошқасини кўрмагандирман.

Томорқадаги жўхоризор ичида бекинмачоқ ўйнаб юрсак, кўча томонда шовқин-сурон эшитилди.

— Юр, — деди Абдували қўлимдан тутиб. — Куёв келяпти!

Ҳеч балога тушунмадим.

— Қанақа куёв?

— Вой, жинни, билмайсанми, даданг хотин оляпти-ку! Куёв-да!

Пастак эшикдан ҳовлига чошиб кирдик. Қарасам, ҳовли ўртасида ловуллаб гулхан ёняпти. Каттакон тўнкадан чарсиллаб олов сачраяпти. Дошқозон бошида куйманаётган сариқ хотин — Абдувалининг ойиси гулхан атрофида ирғишлаётган болаларга қўлидаги чўмични ўқталиб бақиряпти:

— Ёниб кетасан, тинмагур така! Ёниб кетасан!

Дадамни танитай қолибман. Вуй! Шу — ўзимнинг дадамми? Эғнида ҳаворанг костюм, бошида яп-янги чуст дўппи. Мўйлови текис тарашланган. Ие, дадамнинг шунча ордени бор эканми? Битта... Иккита... Учта...

Дадамнинг ёнида келаётган Илҳом чойхоначи қўлтиғига қистириб олган тўнни дарров кийгизди.

— Кийиб олинг, куёвбола!

Дадам илжайиб қўлини орқасига қилиб турди. Беқасам тўнни кийгизишди-да, етаклаб гулхан ёнига олиб келишди. Дадам қаддини ғоз тутиб боряпти. Чўлоқланишиям сезилмайди. Кўзи тушиб қолармикин, деган умидда яқин борган эдим, қандайдир нотаниш хотин елкамга туртди:

— Қоч, ўралашма!

Дадамни аланга атрофидан уч марта айлантиришди. Кимдир эски курси келтириб гулхан яқинига қўйди. Яна бир одам дўпписига уқпар қадалган кичкина болани дадамнинг тиззасига ўтқазди. Уша заҳоти кулоқни ёргудек бўлиб чилдирма бака-банглаб кетди. Кўйлагининг олдини ёқавайрон қилиб ечган дойракаш бир томонга кифт ташлаб, чилдирмани ғайрат билан савалай бошлади. Кейин Илҳом чойхоначи ўртага гулхан ёнига чиқди. Юзлари қизариб, чўтири ҳам билинмай кетибди.

— Катта ашула! — деди ўзидан-ўзи бақириб. Қўлидаги ликопчани оғзига рўпара келтириб, чинқироқ овозда ашула бошлаб юборди:

Боғ аро-о-о қўйсам қадам...

Юзи баттар қизариб, бўйин томирлари ўқловдай бўртиб чиқди. Гулхан шуъласидан узоқда, қоронғида ўтирган аллакимнинг, завқи тошиб кетди шекилли, овози борича «дўст» тортди:

— Ҳа-дў-ўст, барака топ! Ойдек юзингдан аканг! Сендан бошқа ўлмасин!

Маъза қилиб ашула эшитаётсам, биров елкамга туртди. Қарасам, Абдувалининг ойиси. Қўлида чўмич.

— Юр! — деди имлаб. Бостирмага олиб кирди. Шифтига шишаси синиқ фонус осилган бостирмада сон-саноқсиз тугун-терсақлар орасида «Қора аммам» ўтирган экан. Негадир ўпкаси тўлиб юзимдан ўпди. Анчагача бағрига босиб турди.

— Шўрва ичдингми, болам?

— Қўйворинг, — дедим типирчилаб. — Ашула эшитаман.

— Қўйинг, опа, бола ўйнасин.

Нимқоронғи бурчакда чўккалаб ўтирганча тугунларга нон, туршак солаётган, қарғашойи кўйлак кийган хотинни энди кўрдим.

— Тўй деган болаларники бўлади. — У биз томонга ярқ этиб қаради-да, ишини давом эттираркан, қўшиб қўйди. — Уйнайвер, болам.

Қизиқ, қарғашойи кўйлақли хотиннинг овози ҳам, ўзиям дағал эди. Лекин негадир олдига боргим келди. Нимага унақа бўлганини билмайман.

— Узидан тиниб-тинчиб кетса кошкийди, Башоратхон! — деди «Қора аммам» бурчакка қараб.

— Билмадим, савоб иш қилдимми, гуноҳми. Шу норастанни деб... — Ма, болам, ўртоқларинг билан е. Келсанг яна бераман! — Аммам тугунларни апил-тапил титкилаб, чўнтақларимни қовурма чучвара, попуққанд, яна алланималарга тўлдириб ташлади.

Ҳовлига отилиб чиқдим.

Уйин-кулги ҳамон давом этарди. Чилдирма тараклайди. Илҳом чойхоначи ликопчани ютиб юборгудак оғзини катта очиб ашула айтади.

Авжига чиққанда нуқул ликопчани ликиллатади. Исиб кетганидан юзини елпияпти, бечора! Дадам айвонда беқасам кўрпачада ўтирибди. Олдида безатилган патнис. Икки ёнида ўртоқлари.

Сопол товоққа тўлатиб сут қуйишади-да, «олинг-олинг» деб бирига узатишади. Хайронман, дадам сутни ёмон кўрарди-ку!

— Сутмас, жинни! Бўза! — Абдували билағонлик билан тушунтирди. — Одамни маст қилади!

Худди шу пайт кимдир: «Оқсоқол келдилар», деб қолди. Тўйхонага бирдан жимлик чўкди. Қарасам, айвонда — жўралари орасида ўтирган дадам ҳам сипо бўлиб қопти. Илҳом чойхоначи бўза қуйилаётган косани олиб, ими-жимиди уйга кириб кетди. Дадам дик этиб ўрнидан турди.

Кўча эшикдан кириб келган Табиб бувани дарров танидим. Ясаниб олибди: бошидаги қозоннусха дўпписи яп-янги. У четга чиқиб икки қўлини кўксига қўйди.

— Қадамларига ҳасанот, Оқсоқол...

Оқ ятак кийган Оқсоқол бува қаддини ғоз тутиб, айвон томон юрди. «Қора аммам» айтган Оқсоқол шу! Аввал ҳам кўрганман: далага обшиқозонга борганида. Аммо олдига яқин боришга уялганман. Ҳовлининг тўрт тарафида чордона қуриб ўтирганлар гур этиб ўрнидан турди. Дадам айвондан илдам тушди, Оқсоқол буванинг кафтини кўшқўллаб қисди.

— Қани, марҳамат, — деди айвонга имо қилиб.

Оқсоқол дадамнинг елкасига қоқди.

— Кўшганинг билан қўша қари, болам, — дедию тик турган одамларга ўгирилди. — Болаларим, — деди салмоқлаб. Ҳовли ўртасидаги тўнка ёниб бўлиб яхлит чўғга айланиб қолган, Оқсоқол буванинг узун, куюқ соқоли, қотма юзи, кўзларида қизғиш нур шўълаланар эди. — Мана шу хонадондан қут-барака аримасин. Умид билан бир ёстиққа бош қўйган икки ёш ували-жували бўлсин... — У бир зум жимиб қолди-да, чўғга айланган тўнкага анча тикилиб қолди. — Халойиқ! — деди яна. — Шу хонадонда яна бир одам бор: бола, норасти! Шомурод шу болани опичлаб катта қияпти. Илоё шу йигитчаниям умри узоқ бўлсин. Бахти безавол бўлсин!

Одамлар маъқуллаб чувиллашди. Кимдир қўлтиғимдан олиб даст кўтарди. Бир зумда ўзимни Олимжон акамнинг елкасида кўрдим. У посон кийинган, бошида ихчам айвонли шапка бор эди:

— Қалайсан? — деди шивирлаб.

— Яхши!

Оқсоқол буванинг гапи ҳали тугамаган экан.

— Биласизлар... — деди чўғдан кўз узмай. — Шомуроднинг опасини танийсизлар. Шу муштипар хотиннинг умри боқий бўлсин. Кимсанжон эсон-омон келсин, яхши тўйлар қилиб, Думанинг руҳини шод этайлик.

Одамлар тагин гувиллаб маъқуллади.

— Амманг яхшилар-а? — деди Олимжон акам ҳамон елкасида кўтариб тураркан жилмайиб.

— «Қора аммам»ми?

Олимжон акам кулиб юборди.

— Эртага-чи, келин келганда сочқи сочишади. Сенам тергин, хўпми?..

...Бу сафар Абдувалининг ойиси шўрва эмас, мохора пиширди. Эркаклардан кўра хотинлар кўпроқ йиғилди.

Абдували сочқи сочиладиган пайтни яхши биларкан. Кўчадан сурнай товуши келиши билан бақирди.

— Чоп!

Эшикка ёпирилган хотинлар орасидан «калла» қилиб ўтиб, ташқари чиқдим. Анча нарида қоронғи кўчада қўқонарава келяпти. Ортида яна бир араванинг шовқини. Болалар, қий-чув қилиб араваларга осилдик. Отлар пишқирди, филдираклар тарақлаб, чанг-тўзон кўтарилди. Чилдирма кечагидан ҳам баландроқ бака-банглаб кетди. Сурнай чўзиб нағма қилди. Аравани тўлдириб ўтирган хотинлар ёр-ёр айтишди:

Тоғда тойчоқ кишнайди, от бўлдим деб, ёр-ёр.
Уйда келин йиғлайди, ёт бўлдим деб, ёр-ёр.
Йиғлама қиз, йиғлама, туй сеники, ёр-ёр,
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.

Ҳовлимизга яқин қолганда беш-олти хотин олдинда бораётган қўқонаравага пешвоз чиқди. Иккинчи арава ҳам тўхтади. Парча холанинг дўриллаган овози қулоғимга чалинди.

— Ҳо-о! Қуда пошша! Гулдай қизимизнинг баҳоси шу бўлдимми? Чўзинг-да, мундоқ бели синмаганидан!

Чилдирма баттар авжига чиқди. Сурнай энтикиб-энтикиб нола қилди. Келинни аравадан туширишган заҳоти ҳаммаёқ дўпир-дўпир бўлиб кетди. Бир тўда хотин палакнинг тўрт бурчидан ушлаганча келиннинг боши устида тутиб ҳовлимиз томон юрди. Бири ингичка, бири йўғон овозда тагин ёр-ёр айтишди.

Дукур-дукур от келдиё, от келди,
Чиқиб қаранг, ким келдиё, ким келди?
Салласи катта ёр келдиё, ёр келди,
Шоп мўйловли эр келдиё, эр келди...

Хотинлар қийқириб кулди. Уртароқда кетаётган Парча хола яна дўриллади:

— Кошкийди-я, менгаям салласи катта эрдан ато қилса!

Келин тўдаси «ёр-ёр» айтганча эшикка яқинлашди. Ҳовлидаги фонусларнинг нури ғира-шира ёритиб турган эшик олдида «Қора аммам»ни кўриб қолдим. Қўлида боғичи ечилган қийиқча. Бошидан рўмоли сирғалиб елкасига тушган. Негадир титрайди.

Бошига палак ёпинган келин яқин келиши билан аммам тўда устига сочқи сочди. Попукқандлар ерга тушиб сакраб кетди. Танга-чақалар жиринглади. Узимни ерга отдим. Махси кийган семиз-ориқ оёқлар орасидан эмаклар ўтиб, попуққандлар, тангаларга ёпишдим. Битта оқ танга ялтироқ амиркон махси-кавуш кийган хотиннинг оёғи орасига кириб кетганини аниқ кўрдим. Аксига олиб ялтироқ кавуш тангани босдию тўхтади-қолди. Алам устида оёғига туширмоқчи бўлиб турган эдим, юзимга алланима тегиб ғашимни келтирди. Бошимни кўтариб қарасам — соч. Икки ўрим узун соч юзимга тегиб турибди. Муңча узун! Худди Роби опамникига ўхшайди.

Сурнай шўх-шўх куй чалди. Исириқ ҳиди келди. Оёқлар орасида адашиб, димиқиб кетдим. Эмаклар бир чеккага чиқиб олдим. Шимимнинг чангини қўқайтганимда ёнимга Абдували чопиб келди.

— Юрсанг-чи, тортишмачоқ кўрамиз!

Хотинлар келинни ўртага олганча бошига палак тутиб, уйга кириб кетишаётган экан. Иккаламиз тўдага қўшилиб айвонга чиқдик. Тиқилишиб уйга кирдик.

Уй ичи ёп-ёруғ. Шифтга илинган ўттизинчи фонуснинг пилиги баландлатиб қўйилган, тоқчалардаги чойнак, пиёлалар, мис баркашлар ялтирайди. Тахмонда янги кўрпа-тўшаклар, бурчакда эскироқ палак осибди...

Келинни ўраб келган хотинлар бир бурчакка ўтиб, пойлаб туришди. Уша заҳоти уй ичи хотин-халажга тўлиб кетди.

— Қани, қуда пошшалар! — Абдувалининг ойиси кураш тушадиган полвондек гердайиб ўртага чиқди. — Куёв томон билан беллашаман деганлар борми? — У каттакон чорси қийиқчанинг бир учидан тутиб силкитди. Беш-олти хотин Абдувалининг ойисидан кейин сафга тизилди. Худди поездга ўхшаб, бир-бирининг белидан кучоқлаб олишди.

Келин томондан кўкракбурма кўйлак кийган гавдали хотин ўртага чиқди. Абдувалининг ойиси тутиб турган қийиқчанинг нариги четидан ушлади.

— Биз-да, ўша беллашадиган!

— Менга беринг, ўзим эплиман! — Парча холанинг дўриллаган овозидан тоқчадаги баркашлар зириллаб кетгандек бўлди. У лапанглаб келиб, кўкракбурма кўйлакли хотиннинг қўлидаги қийиқчага талпинди. — Сиз нари туравуринг!

— Вой, Парча, ўлгур! Сенга бас келиб бўладими, ҳўкиздай кучинг бор! — Абдувалининг ойиси қийиқчанинг бериги бурчидан тортиб қўлтиғи тагига тиқмоқчи эди, Парча хола, чит кўйлагининг энгини шимариб гурзидай билагини намойиш қилганча қийиқчага чанг солди. Келин томон хотинлар қий-чув қилиб сафга тизилишди. Куёв тарафда — Абдувалининг ойиси, яна бешта хотин. Келин тарафда — Парча хола, Оқсоқол буванинг менга камзул тикиб берган келини Потима хола, тағин уч киши...

— Овора бўлмайла! — Парча хола орқасида турган хотинларга елкаси оша қараб кулди. — Ўзим боплайман ҳаммасини!

Рост айтган экан. Қийиқчанинг бурчагидан ушлаб сал тортган эди, Абдувалининг ойиси, унинг орқасида турган бешта хотин худди паровоз бир силтаганда тарақ-туруқ қилиб кетган поезддек баравар мункиб тушди. Чираниб ўзларини орқага ташлашди. Айниқса Абдувалининг ойисига жабр бўлди. Икки қўллаб қийиқчага ёпишганча, орқадаги хотинларга далда берди:

— Ҳа, эгачилар! Бўш келманглар!

«Эгачилар» минг урингани билан қани нафи тегса? Парча хола қийиқчани бир қўллаб ушлаб турибди. Тортаётганиям йўқ. Қоп-қора, қалин лабини осилтириб нуқул илжаяди.

— Парча ўлгур! — Абдувалининг ойиси астойдил ялинди. — Ён берсанг-чи, куёв томон деган номимиз бор.

Парча хола дўриллаб кулди:

— Куёвни ўқи ўзганми? Биззи келинни нимаси кам куёвиздан?

— Юрсанг-чи! — Абдували ойисининг терлаб кетганига раҳми келди шекилли, қаттиқ шивирлади. — Биз ҳам куёв томон-ку!

Чопқиллаб бориб «ҳа-ҳа»лашаётган «куёв томонга» қўшилдик.

Парча хола қилт этмайди.

Охири Парча холанинг орқасида турган кўкракбурма кўйлакли хотин бир нима деб қулоғига пичирлаган эди, Парча хола инсофга келди.

— Шунақами, ҳа, майли, — деди-да, қийиқчани сал бўшатди. Бизлар роса чираниб орқага тортаётган эканмиз, остин-устин тоғора бўлиб наматга думалаб тушдик.

Уша заҳоти хотинлар икки томонга тарқалиб, йўл очишди. Уй бурчагидаги эски палак лопиллади-да, дадам чиқиб келди. Юзлари қизарган, бошидаги дўпписи қийшайиброқ қолган, оқ шойи кўйлақда, оёғида хиром этик. У илжайган кўйи, оқсоқланмасликка ҳаракат қилиб, келин томон юрди. Яқин келиб, келиннинг бошидан паранжисини олди.

Э, ўзимнинг Роби опам-ку! Боя «сочқи» тераётганимда юзимга теккан соч ростданам Роби опамники экан-да!

Овозим борича бақириб юбордим:

— Роби опа!

Нотаниш бир хотин қулоғимни оғритиб чимчилади.

— Жим!..

Роби опам ярқ этиб менга қаради. Ўзгариб кетибди. Қошига ўсма тортилган. Кўзлари маъюс...

Ҳушимни тўплаб олгунимча дадам Роби опамни белидан кучоқлаб даст кўтарди. Роби опамнинг бошидаги ғижим рўмол сирғалиб, елкасига тушди. Икки ўрим сочи тўлғониб кетди. Дадамнинг оқсоқланиши энди билинди. Хотинлардан бири талатўпда оёғини босди шекилли, дадам бир чайқалди-ю, аммо йиқилмади. Роби опамни кўтарганча гўшанга ичига кириб, ғойиб бўлди...

...Яна уч кун «Қора аммам»нинг ичидаги «одамчалар» чалаётган «хуштак»ни эшитиб ётишга мажбур бўлдим. Келинсалом, чаллар, балобаттар. Уйимиздан одам аримайди. Дадам билан Роби опам кундузи мени эркалашади-ю, кечаси олдиларига киргизишмайди.

Охири ҳаммаёқ тинчиб қолди. «Қора аммам» айвонда ўтириб

тугунини йиғиштирди. Махсисини кийди. Роби опамнинг пешонасидан ўпди.

— Раҳмат қизим! Юзимни ёруғ қилдинг, — деди овози титраб. — Қўша қаригин, ўзингдан кўпайгин, болам...

Кейин менинг пешонамдан ўпди.

— Мана, болам, Роби опанг кўчиб келди. Энди ҳечам кетмайди. Аммамни эшиккача кузатиб борган Роби опам кўзлари қизариб қайтиб келди...

Кечқурун Роби опам шавла қилди. Гармдорини эзиб-эзиб шавла еётган дадамга эркалик қилдим.

— Сиз билан ётаман!

Дадам Роби опамга бир қараб олди-да, елкамга қоқди.

— Хўп, ўғлим, мен сени ачом-ачом қилиб ётаман.

— Роби опам билан ётмайсиз, ётмайсиз, — дедим ҳиқиллаб.

Роби опам кулди:

— Дадангни нима қиламан, Музаффар, албатта сен билан ётадилар-да!

Негадир дадамнинг қоши чимирилди. Қўлини эски сочиққа артди-да, чўнтагини кавлаб, газета, тамаки халта чиқарди.

— Емайсизми? — деди Роби опам. — Толиқиб кетгандирсиз.

— Бўлдим! — дадам тўнғиллаб папирос тутатди.

Бари бир айтганимни қилдим. Роби опам уйнинг ўртасига катта ўрин солди. Ҳатто тўшак устига чойшаб ҳам ёзди. Дадамни кучоқлаб олдимутаниш тамаки исини туйиб, елкасидаги чандиғини ўйнаганча ухлаб қолдим.

...Эрталаб дадам чой ичиб чиқиб кетганидан кейин Роби опам дастурхонни йиғиштираркан, ғалати гап айтиб қолди.

— Энди сениям тўй қиламиз, чирманда чалинади, боламаст бўлади...

— Нима, менам хотин оламанми? — дедим ўшшайиб.

Роби опам шу қадар қаҳ-қаҳ уриб кулдики, сурма тортилган чиройли кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Жиннивой! — деди кулгидан энтикиб. — Сеники бошқача тўй бўлади. — У бир нима эсига тушгандек тахмон томонга юрди. — Шошма, Музаффар! Қани, бисотимизни кўрайлик-чи, сенинг тўйингга аталган нималар бор экан?

У «ҳозир бир нарса кўрсатаман» дегандек кўзини қисиб қўйди-да, туясандиқ устига тахланган кўрпачаларни тушира бошлади. Ҳар бир кўрпачани кигиз устига ташлаш учун эгилганида сочи елкасидан ошиб тушади, учи ерга тегиб кетади. Хинадан сарғайган бармоғини лабига босиб сирли жилмаяди: «Ҳозир кўрамиз».

Ниҳоят, ўринни ағдариб бўлгач, чўккалаб ўтириб, сандиқни очди. Қуриб, сарғайиб кетган беш-олтита ёнғоқ баргини бир чеккага олиб қўйди. Кейин ҳар хил латта-путталар, бир жуфт калиш чиқди. Охири яп-янги амиркон этикчани сандиқдан олиб узатди.

— Мана! — деди кўз-кўз қилиб. — Қани, кийиб кўр-чи!

Кигиз устига ўтириб, этикчани кийсам, лоп-лойиқ келди. Шунақа чиройлики! Қўнжида қизил ипак билан тикилган гулиям бор!

— Юриб кўр-чи, оёғингни қисмаяптими?

Юмшоқ намат устида юриб кўрган эдим, этикчам ғирчиллади.

— Вой, Роби опа, ғарчиям бор экан! — дедим севиниб.

— Шошма, ҳали унданам яхши нарсалар бор, — Роби опам сандиқни титкилаб, беқасам тўнча, чиқарди.

— Бунияма кий-чи!

Тўн ҳам лойиқ келди.

— Мана энди тўйболанинг ўзи бўлдинг! — Роби опам ўтирган жойида мени кучоқлади.

Мазахўрак бўлиб қолдим.

— Қаранг, яна қаранг! — дедим ялиниб.

— Ҳозир-да! — Роби опам жилмайиб, тағин сандиққа қўл тикди. Бурчагига гул солинган қизил қийиқча илашиб чиқди. Роби опам қийиқчани тиззасига ёйиб узоқ қараб қолди. Қийиқчани секин-секин силади. Аввал

ранги ўчди. Кейин лаблари пирпирай бошлади. Қийиқчани юзига босдию елкалари титраб-титраб, бирдан ўзини намот тўшалган ерга отди.

— Ночорман! — деди ўкраб. — Шўрим курсин!

Қаддини ростлаб, қийиқчани бағрига босганча яна мук тушди.

— Кечиринг мени! — деди қийиқчани юзига босиб. — Рози бўлинг!

Сурма аралаш, кўз ёшидан қийиқча бир зумда қоп-қора бўлиб кетди. У қийиқчани лабига босганча бўғиқ овозда аянчли чинқирди.

— Бошимни қаёққа олиб кетай! — Икки қўлини қийиқча аралаш баланд кўтариб сочини чангаллади. — Уруш қилмай уйинг куйгурлар! Боланг ўлгурлар! — У илон чаққан одамдек бутун гавдаси билан бетоқат тўлғанар, сочи тўзғиб, кўзлари олайиб кетган эди.

Қўрқиб кетдим. Дадамнинг «Яхши бола бўлмасанг, Роби опанг кетиб қолади» дегани эсимга тушди.

— Йиғламанг! — дедим қучоқлаб. — Роби опа, йиғламанг, ойи... Майли, дадамминан ётмайман, сизминан ётаман.

У ўтирган жойида мени бағрига босди. Кўз ёшидан жиққа ҳўл бўлиб кетган юзиمنى юзига босиб, ингради.

— Болажон! Шўргинам курсин, болажон!

БЕШИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

1. Уйда келин йиғлайди, ёт бўлдим деб...

Одатда, ҳар қандай қиз ҳам ота-онасининг бағридан чиқиб кетаётганида йиғлайди. Лекин минг йиғлагани билан юрагининг туб-тубини ёритиб, илитиб турадиган нур бўлади. Янги ҳаёт, ҳали ўзи кўрмаган, аммо орзу қилган кунни ғира-шира тасаввур қилиб юрган янги, сирли олам келиннинг кўз ёшини ширин қилиб юборади. Менга бунақаси насиб этмади. Менинг йиғим унақа эмас.

Биз чиққан арава Нўғайқўрғондан Кўтармага етгунча қоронғи тушди. Ойим ирим қилиб аравани Алвастикўприкдан юргизмади. Идора томондан айланиб келдик. Арава тагига қалин қилиб солинган кўрпачада паранжи ёпиниб ўтирибман. Бир томонда ойим, бир томонимда Фотима келин. Хотинлар тўхтовсиз ёр-ёр айтади.

«Тоғда тойчоқ кишнайди от бўлдим деб ёр-ёр,
Уйда келин йиғлайди, ёт бўлдим деб ёр-ёр...»

Арава пештахтасига ўтириб олган Олимжон бақириб-чақириб отни ниқтайди. Дам ўтмай «дрр» деб тўхтатади. Арқон тортиб йўлни кесиб чиққан йигит-яланглар шовқин солади.

— Кўрманани ташлаб кетмайсизми, хола?!

Ойим ҳарсиллаб нафас олганча қоронғида тугунчани титкилайди.

— Кўрмана сендан айлансин, болам! — деб бирига чорси, бирига одми дўппи улашади. Арава ғийқиллаб яна йўлга тушади. Орқада келаётган хотинлар авжига чиқади:

Осмонда юлдуз кўрдим: Олтин Қозик, ёр-ёр
Тушаётган келиннинг кўнгли нозик, ёр-ёр.

Икки букилиб ўтирган кўйи унсиз йиғлайман. Ойим елкамдан қучоқлаб, нафаси ғижиллаганча қулоғимга шивирлайди:

— Ақалли шу бугун чеҳрангни очиб ўтиргин, жон болам. Куйдирмагин, мени...

Арава бурчагида супадек жойни эгаллаб ўтирган Парча опа дўриллайди:

— Қўйвуринг, хола! Суюнганидан йиғлавотти. Ҳали гўшангага кирганида кўрасиз, ҳиринглаб безор қилади, — у ўз гапи ўзига нашьа қилиб, ҳе-ҳелаб кулади. — Менгаям эр топсангиз-чи, хола!

Қулоғимда нуқул бир хил оҳанг жаранглайди:

Уйда келин йиғлайди, ёт бўлдим деб ёр-ёр...

Чиндан ҳам ёт бўлдим! Кимсан акамга, орзу-умидларимга, ўзимга! Қизиқ, ўзимга-ўзим ётман энди... Аравада чайқалиб-чайқалиб овоз чиқармай йиғлаб бораяпман-у, хаёлимга ғалати ўйлар келади. Шу хонадонга — Кимсан акамларнинг уйига келган кунларимиз ошхонага кирсам, бир товоқ шакар турибди. Очарчилик йиллари эмасмиди, кўриб ўзимни тутиб туролмадим. Кафтимга сиққанча олиб, оғзимга солдим у алаимдан йиғлаб юбордим. Шакар деб ўйлаганим — туз экан. Унда-ку, бола эдим, туз билан шакарни ажратолмасдим. Энди-чи? Ҳовучимни тўлатиб туз еб, шакар шимган одамдек илжайиб туришим керак. Нега?

... Хотинлар тортишмачоқ қилаётганида Музаффарга кўзим тушиб қолди. Уям мени кўриб, «Роби опа!» деб бақириб юборди. Карахт бўлиб турган одам, бир сесканиб тушдим. Шу бола энди менинг ўғлим. Алла айтмасдан, бешик тебратмасдан туриб беш яшар болага она бўлиб қолдим. Ажаб, Музаффарнинг овозида ҳам ҳайрат, ҳам қувонч бор эди. Нимага шунақа бўлганини билмайман. Лекин кўнглимда аввал ўзим сезмаган меҳрми, илиқликми уйғонди.

...Ҳозир ҳам шу болани севинтирмоқчи эдим. Ойим Музаффарга қилган сарполарни кўрсатиб, боланинг қувонишини томоша қилсам, ўзимнинг ҳам кўнглим ёришармикин, дегандим... Қаёқдан билай! Қўлимга қийиқча илашиб чиқишини туш кўрибманми? Ахир бу — Кимсан акамга атаб тиккан гулларим-ку! Ахир бу қийиқчалар Шомурод акага эмас, Кимсан акамга насиб қилиши керак эди-ку! Уша куни, қиёмат-қойим бўлиб кетган вокзалда хайрлаша туриб: «Кутасан-а, менга қийиқча тикиб қўясан-а?!» деган эди-ку! Ана ўша қийиқчалар! Ярим сандиқ! Ҳаммасининг четига «К», «Р» деган ҳарф босилган, атиргул расми солинган. Фақат бу гулларнинг эгаси йўқ энди. Эгаси бошқа...

2. Суймаганга суйкалма!

Бўйи етган қизнинг орзуси осмондаги юлдузга ўхшайди. Узоқдан ярақлаб кўринади-ю, на етасан, на тутасан — олисда милтираб тураверади. Менинг юлдузим — Кимсан акам эди. У олдимга келди. Кафтимга қўнди. Рашид абзининг мўрчасидан Фотима-Зухра келин билан қайтаётганимизда, Кимсан акам Очил акани урмоқчи бўлганида, Шомурод тоғамнинг (энди менинг эрим бўлиб қолган Шомурод аканинг) никоҳ тўйи куни иккаламиз Тошкентга томошага борганимизда... юлдузим ёнимда эди. Қўлимдан юлиб олишди. Ҳеч кимдан сўрамасдам...

...Уруш бошланганига анча бўлиб қолганига қарамай турмуш унча ўзгармаган эди. Фақат туз билан совун камайиб кетди. Нонни карточка билан оладиган қилиб қўйишди. Колхозчилар-ку, майли, озми-кўпми дондуни бор. Разъезддаги рабочийларга жабр бўлди. Почтахонага чиқсам, нон дўкони олдида турна қатор навбат кутиб турган одамларни кўриб юрагим эзилади...

Урушгача мўрчасидан бўлак ҳеч вақоси билан танилмаган Рашид абзи тўсатдан энг машҳур одамга айланиб қолди. Ёғоч оёғини дикиллашиб кетаётган Абзини одамлар орзиқиб кутадиган, узоқдан кўриниши билан олдига чопиб борадиган бўлишди. Кунора ё ойим, ё мен Абзининг келишига сабр қилмай, почтахонага югурамыз.

Далада иш кўпайиб кетди. Буғдойни ўриб бўлди кетидан карам узишга тушдик. Бобом билан Оқсоқол тонг қоронғусида эшакаравага ўтириб жўнаб қолишади. Фотима-Зухра келинларга қўшилиб, мен ҳам

далага югураман. Фотима келин тушликкача амаллаб чидайди, бироқ кун оғиши билан бетоқат бўла бошлайди:

— Кўкрагим ёрилиб кетай деяпти, Зўра! Болам йиғлапти, Тоҳирим оч қолди!..

— Э, жиннимисан! — Зухра келин опасини юпатади. — Жа, ваҳманинг уяясан-да! Ойим борлар-ку!

Фотима келин йиғламоқдан бери бўлиб ҳасрат қилади:

— Шунақаям ота бўладими, Робияхон! Икки ўғлини ўз қўли билан урушга жўнатиб келса-я!

Фотима келин нолиганича бор. Кимсан акамни кузатганимиздан кейин икки ҳафта ўтмай, Холпош хола ойимнинг олдига йиғлаб чиқиб қолди.

— Ургилай, овсинжон! Чолим ўлгур ёмон иш қилди. Шокирим билан Зокирим урушга кетамиз, деган экан, ҳовлиқма, деб йўлга солиш ўрнига ўзи ётақлаб военкоматга оборибди. Ҳеч қимга айтмай жўнатиб келди. Болаларим билан рози-ризолик ҳам тилашолмай қолдим, овсинжон!

Ойим уни юпатишга уринди:

— Нафасингизни иссиқ қилинг, айланай. Юртга келган тўй. Мана, Кимсаннинг ҳам кетди-ку! Утирибман яратганга топшириб...

— Сизники иззат-икром билан кетди. Бир кун бўлсаям дийдорига тўйиб қолдингиз. Менинг чолим ақалли хайрлашганим қўймади!

«Ёв қувдими, мунча ҳовлиқдингиз» десам, «мен белида белбоғи бор ўғил ўстирганман!» деб керилади.

...Чамаси, Фотима келин ҳам эрининг тўсатдан урушга жўнаганига чидолмайди. Зухра келин опасини юпатади:

— Ношукурчилик қилма, Потти! Хат келди-ку! Иккалови соғ-саломат экан. Танк ҳайдашни ўрганяпмиз, деб ёзибди-ку!

— Сенга нима? — Фотима келин синглисига адоват билан ўқраяди. — Икки орада менга жабр бўлди...

Сезаман, Фотима келин: «сени орқа этагингда оғирлигинг йўқ, бола туғиб азобини тортмагансан, меники иккита» демоқчи бўлади. Зухра келин ҳам опасининг таънасини тушунади. Юпқа лаблари титраб нари кетади. Бари бир Зухра келин рост айтяпти. Булар ношукурчилик қилмаса бўлади. Шокир ака билан Зокир ака бир жойга тушибди. Жони соғ экан. Кимсан акамдан бўлса на хат бор, на хабар.

Ўша куни ҳам одатдагидек ярим кечада уйга қайтдим. Молхонада сигир мўърар, хира чироқ липиллаб турган ошхонада ивирсиб юрган ойимнинг қораси кўзга чалинарди.

Ҳовлига кирганимни қандайдир ички сезги билан ҳис қилди. Еттинчи лампани кўтариб зипиллаб айвонга чиқди. Қўлида тутиб келаётган чироқ ёғдусида юзи мамнун ёришиб кетганини, нуқул кулимсираётганини кўрдиму чопиб олди бордим.

— Келдимми? — дедим юрагим ўйнаб.

— Суюнчи берсанг айтаман! — Ойим лампани хонтахтага қўйдида, «суюнчи»ни ҳам унутиб, токча олди борди. Учбурчак хатни қўлимга тутқазди. — Абзи обкелди. Умридан барака топсин! Ўқи, қизим, овозингни чиқариб ўқи!

Хатни юлқиб олдим. Қўлларим титрар, қаламда ёзилган сўзлар чироқ шуъласида сакраб-сакраб кетаётганга ўхшар эди.

— «Ушбу мактубим тезда етиб маълум бўлсинким, гўзал Тошкентнинг Нўғайқўрғон қишлоғида ўйнаб-кулиб юрган дадамга, ойимга, Робияга («Робияга» деган сўзнинг тагига чизиб қўйилганини кўриб юрагим гупиллаб кетди), Кимсанингиздан соғинчли салом. Мен соғ-саломатман. Машқ қилаяпмиз. Қачон фронтга кетишимиз маълум эмас. Яна хат ёзаман...»

— Бўлдими? — деди ойим кўзимга қараб.

— Шу...

— Тўғри... — Ойим бош силкиб тасдиқлади. — Абзи ўқиганидаям шунақа эди. Адреси бор эканми?

Хатнинг орқасини қарасам, «Полевая почта» деб номерини ёзибди.

— Хат ёз, дарров ёз! — Ойим типирчилаб қолди. — Шошма, олдин қорнингни тўйғазиб ол... Худога шукур, болагинамнинг жони соғ экан.

...Чироқни уйга олиб кириб, энди хат ёзишга ўтирган эдим, молхонада тагин сигир мўъради, ўша томондан ойимнинг куюнчаклик билан жаврагани эшитилди.

— Сутини тортиб қўйди. Куюкканга ўхшайди жонивор! Бобонг тушмагур ҳам думини тутқазмайди. Далада ётиб қолишга бало борми?.. Бу ёқда ўзимнинг мазам йўқ. Икки оёғимнинг қақшаб оғриганига чидолмайман. Комил табибдан бўрсиқ ёғи олиб сурсаммикин...

Қизиқ, шу пайтгача ойимнинг оёғи ҳеч оғримаганди-ку. Комил табибнинг номини эшитишим билан кўзойнагини ялтираб қоронғида қўлимга хат тутқазган Очилбой хаёлимга келди. Бутун Нўғайкўрғон ҳувиллаб қолди-ю, бу олифта юрибди кўзойнагини тақиб. Ҳеч бўлмаса далага чиқса ўладими? Жимитдек укаси Олимжон эртадан кечгача тиним билмайди. Катталар билан баравар ишлайди...

Зум ўтмай эшикдан ойим мўралади.

— Ёзаяпсанми?! Ёзгин: урушга кирмаганингиз яхши бўпти, дегин. Ҳаммамиз дуойи жонингизни қилиб юрибмиз, сиз машқ қилиб бўлгунча уруш ҳам битиб қолармиш дегин. Ҳали тоғамни чақиришгани йўқ. Зоҳид қора ўғлини уйлантирди, келин шаҳарлик экан. Чақичмон маҳалласидан экан, деб ёзгин, хўпми? Битта кўчқорни боқиб ётибмиз, сиз келишингизга оёғингизнинг тагига сўймоқчимиз, дейиш эсингдан чиқмасин.

Ойим бидир-бидир қилиб, ҳамма гапни бир йўла айтди-да, яна ҳовлига тушиб кетди.

«Ушбу хатим...» деб энди ёза бошлаган эдим кўча томонда эшак ҳангради. Бобомнинг «ишш» деган овози келди. Ойим молхонада туриб бақирди.

— Суюнчи беринг, дадаси, хат келди. Умригинасидан барака топкур Абзи ўз қўли билан обкеб берди.

— Ие, қани, Роби, ўқи! — деди бобом қоронғи айвонга туртиниб чиқаркан.

Хатим яна чала қолди.

Бир қўлимда чироқ, бир қўлимда учбурчак хатни кўтариб, айвонга чиқдим. Кимсан акамнинг хатини ўқиб бўлгунимча бобом дастурхондаги овқатга қўл урмади. Ҳаммасини эшитганидан кейин рўпарамда ўтирган ойимга юзланди.

— Айтмовдимми! Аввал ўқитади. Пашистни ер тишлатиш йўлини ўргатади. Кимсан қаёққа ташласа, олчиси билан тушадиган бола! Кўрасан, бир ой-икки ой ўтсин, «Кимсан Ҳусанов гирой бўлди» деган хабар келади. Бугун Закунчи айтди, доброволлар тез гирой бўларкан!

— Гирой бўлмасаям гўрга! Тезроқ келса бўлгани, — деди ойим орзумандлик билан.

Бобом «Э, сен нимани тушунардинг» дегандек қўл силтади. Шошилмай шўрва ичаркан, менга қаради.

— Чироқ керакмас! Обкириб хатингни ёзавер.

Қайтиб уйга кирдим. Бобомнинг — «Яратган неъматингга шукур», — деб кекиргани эшитилди. — Эртадан Кўтармага борамиз. Сабзи кавлаймиз.

Кейин ойим икковлари негадир овозини пасайтириб, пичир-пичир қила бошлади. Аввалига хат ёзиш билан андармон бўлиб, парво қилмадим-у, бобомнинг «Ҳовлиқма, пакана, бу умр савдоси» деган қулоғимга чалиниб, сергак тортидим.

— Нима қипти, гулдай йигит, — бу ойимнинг овози эди. — Улар ҳам тўй кўриб қолсак, дейди-да! Унча-мунча одаммас, маълим бўлади.

— Бари бир хотинсан-да! — Бобом жаҳли чиқиб кетди шекилли, овозини баралла қўйиб, чийиллади. — Хотин кишининг сочи узун, ақли қисқа бўлади. Сени бўйинг ҳам, сочинг ҳам, ақлинг ҳам калта! Хўш, маълим бўлса нима қипти! Шохи борми? Қизингни олдидан ўтдингми?

Ойим овозини пасайтириб бир нима деди. Тўсатдан кўнглимга ғулғула тушди. Хатни чала ташлаб, чироқ кўтарганча айвонга чиқдим.

— Вой, ёзиб бўлдингми? — деди ойим хижолатомуз жилмайиб. — Барака топ, қизим, бор, энди битта чой дамлаб кел.

Чироқни хонтахтага қўйиб, ошхонага кетдим. Совиб қолган самоварга тараша ташлаб қайнатгунимча анча вақт ўтди. Чойнак кўтариб келсам, чолкамбир ҳалиям бир ниманинг маслаҳатини қилишяпти.

— Баракалла, қизим! — деди бобом узатган пиёламни олиб. — Илоё бахтинг очилсин!

Икковлари бир-бирига зимдан қараб олишди. Ташқарида эшак хангради, молхонада сигир мўради... Ойим бемаврид илжайди.

— Бобожониси... Анави... табибнинг ўғли бор-ку, ҳаҳ, оти нимаиди-я! **✓**Очилбой! Онаси бечора, денг, эшигимизнинг турумини бузаяпти. Олти марта тугун кўтариб келса-я! Қизимиз ҳали ёш, тўйга тайёргарлигимиз йўқ, десам қўймайди.

Ойимнинг оғзига қараб бақрайиб қолдим.

— Нимага тайёргарлигимиз бўлмас экан. Биттаун битта қизимиздан, молимиз эмас, жонимизниям аямаймиз. Табибдек одам билан қуда бўлсак... Тақдир қўшган бўлса... — Бобом кўз қири билан менга қаради. — Албатта, Кимсан акаси бўлганда-ку, тўйга ўзи бош бўларди-я!

Кимсан акамнинг номини эшитишим билан сесканиб тушдим. Сакраб ўрнимдан турдим. Чойнак хонтахтага ағанаб, оёғимга тўкилди. Тиззам жазиллаб ачишди. Ўқдек учиб, қоронғи уйга кирдим, ўзимни ерга отдим. Ўша заҳоти бошимда ойим пайдо бўлди.

— Вой ўлмасам, вой, шўрим, — деди титраб. — Ёмон куйдими? Қани, кўрсат!

Наматни муштлаганча чинқириб юбордим:

— Керакмас! Кетинг.

Ойим юзларимни силаб, бошимни тиззасига олди.

— Ёмон куйдими? Қаёқда турган экан бу палакат!

— Керакмас, — дедим яна. — Бошимга ураманми?

Ойим эсанкираб қолди.

— Унақа дема, қизим, — деди ёлбориб. — Нима қилай, болам! Қиз маъни борки бир кунмас бир кун бошига шу савдо тушади-да! Онанг бўлганимдан кейин бахтингни ўйлайман-да, жон болам.

Охири гапи ҳукмномадек эшитилдию юлқиниб қучоғидан чиқдим.

— Боққанингизни таъна қилаяспизми? — дедим чақчайиб. — Бўпти, кетаман. Кетаман, уйингиздан!

Ойим ҳайрон бўлгандек кўзимга узоқ термулиб қолди. Қоронғида чуқур хўрсинди.

— Болам, — деди бош чайқаб. — Бу дунёга келиб топган бахтим Кимсан билан сен-ку! Менам тўйингни кўрсам дейман...

Тағин гапиради-я! Кафтларим билан юзимни тўсиб олдим.

— Қочинг! — дедим чинқириб. Кўргани кўзим йўқ ўшани!

Эшиқдан бобомнинг асабий товуши келди.

— Падарингга минг лаънат, сендақа паканани! Нима қиласан, болани қийнаб!

Ойим мени қайтадан қучоқлади.

— Вой, мен оёқ-қўлидан боғлаётганим йўқ-ку, бобоси!

— Э, ўл! — Бобом яна ўшқирди. — Отанг Орифхўжабойнинг ўғлига унашаман деганида, ўламан саттор тегмайман, деб йиғлаганинг эсингдан чиқдими? Томорқанинг тўйнуғидан эмаклаб чиқиб, бўйнимга осилиб ялинган ким эди!

— Вой ўлай, мен нима қилдим? — деди ойим йиғламсираб. — Йўқ десанг садқаи сар!

✓ — Комилни жавобини бериб юбор! — Бобом «гап шу» дегандек кескин бурилиб, эшиқдан нари кетди.

...Анчадан кейин ҳаммаёқ тинчиб қолди. Фақат молхонада сигир мўърайди. Хонтахтада турган чироқ атрофида парвона унсиз чарх уради. Дереза олдига келдим. Осмонда кемтик ой муаллақ осилиб турар, хира нур сочар эди. Билмайман негадир шу топда Кимсан акам ҳам яримта ойга термулиб, мени ўйлаётгандек бўлиб кетди. Худди ой — синиқ тошойнао

бир томонда у, бир томонда мен, кўзгуга қараб, бир-биримизга термулиб турибмиз.

Кимсан акам нимага унақа қилди? Нимага оймга айтмади? Робияга кўнглим бор деса шунча гап-сўз йўқ эди... Қайтага оймниям хафа қилиб қўйдим...

Ёзаман, ҳаммасини ёзаман! Очил ака совчи юборганиниям, бобом оймни сўкиб берганиниям...

3. «Яхши кўриш — айб эмас!»

Куз эрта тушди. Картошка кавлаш ёмғирга қолиб кетди. Эҳтимол, куз ҳам, ёғингарчилик ҳам вақтида бошлангандир-у, колхозда эркак зоти қолмагани учун ўзимиз ишни чўзиб юборгандирмиз.

Уч кундан бери тинимсиз ёмғир ёғади. Дала ботқоққа айланиб кетган. Пайкалга кирсангиз, этикка лой чиппа ёпишиб, оёғингиз билан қўшиб суғуриб оламан, дейди. Бобом ишнинг кўзини билади. Худди сарёғ кесгандек, кетмонни авайлаб ташлайди. Биттаям картошкага шикаст етказмайди. Картошкани кавлаш бир ҳисса азоб бўлса, териш ўн чандон азоб. Палакни тортсангиз картошка билан қўшилиб бир ботмон лой чиқади. Хайриятки, ҳосил мўл. Аммо лойдан картошкани ажратиб олгунча қўлингиз акашак бўлиб қолади. Пахталик ёқасидан ёмғир ичингизга сизиб тушиб, ғашингизни келтиради. Терлаб кетасиз. Пахталикни ечсангиз — совуқ, кийсангиз — иссиқ...

Кечга яқин пайкал бошида Умар-закунчининг жийрони кўринди. Одамлар дарров ерга эгилди. Бурнидан буғ чиқиб турган от шўлт-шўлт лойга ботиб, яқин келди. Жийрон, этагига гардиқтирмасликка уринган таннозлардек нуқул думини гажак қилади. Аксига олиб ҳар қадам босганида думига лой сачрайди. Эгаси эрталабдан бери чоптириб юрган шекилли, човлари оппоқ кўпириб кетган. Аввалгидек гижингламайди. Закунчининг ўзи ҳам бурнидан тортса йиқилгудек аллозда, кўзлари киртайган. Бошидаги чақмоқ телпак ҳўл бўлиб, мушукнинг терисига ўхшаб қолган...

— Ҳорманглар-ов! — деди у отнинг жиловини тортиб. От, оғзидан буғ чиқариб, пишқирди. Лойга ботган оёқларини ҳорғин депсиди.

Хотин-халаж чекка-чеккадан «саломат» деб ишини давом эттираверди.

— Бўш келманглар, азаматлар! Кўриб турасизлар: бизнинг картошка душман устига снаряд бўлиб ёғилади! — Умар-закунчи от жиловини силтаб, бобом томонга юрди. Жийроннинг ҳам, ўзининг ҳам шашти аввалгидай баланд эмас. Шу бечорагаям қийин. Хотини бўлмаса, болачақаси бўлмаса...

Тўғри, авваллари мен ҳам Закунчини ёмон кўрардим. Одам ўзи қўрққан кишисини ҳеч қачон яхши кўролмайди. Қўрқдингми — ишонмайсан, ишонмадингми — ёмон кўрасан.

Уруш бошланганидан бери Умар-закунчи ўзгариб қолган. Тўғри, ҳалиям тонг бўзармасидан эшикни қамчи дастаси билан тақиллатиб келади. Аммо энди «...наҳс босиб ётибсан» демайди, «ўртоқлар, уруш кетяпти ахир», деб тушунтиради. Қизиқ, битта гапни икки хил қилиб айтса, таъсири икки хил бўларкан. Ҳозир одамлар Закунчига анча кўникиб қолишди. Бўлмаса раис зуғум ўтказиб юрган кезлари не-не ғийбатлар тарқалмаган эди. «Закунчи прокурор экан, пора олиб қамалай деб турганида қишлоққа қочиб кепти». «Хотини қиз чиқмагани учун алаmidан Кўқондаги ҳовли-жойини ташлаб келган экан!»

Ориф оқсоқолнинг гапи тўғри чиқди — Закунчи ишнинг кўзини биларкан. Кейинги уч-тўрт ой ичида жуда ўзгариб кетди: одамларга анча меҳрибон бўлиб қолди.

Ҳозир ҳам ҳеч кимга дағдаға қилмади. Бобомнинг олдига бориб жийрондан сакраб тушди. Хиром этиги лойга ботиб кетди.

— Ҳорманг, Ҳусан ака! — деди қамчи тасмасини благагига илиб, бобом билан қўшқўллаб кўришаркан. — Кўз-қулоқ бўлиб туринг. Данадек картошкани липпасига қистирган одамни трибуналга бераман.

— Хотиржам бўлинг! — Бобом лой ёпишавериб сирпанчиқ бўлиб қолган кетмон дастасини қайтадан чангаллади. — Одамларимиз унақа диёнатсиз эмас.

— Сиз шунақа дейсиз-да! — Зақунчи шимининг чўнтагидан ялтироқ кути чиқарди. Қулоғини чимириб ҳадеб лой тепаётган отнинг жиловидан бир қўллаб тутганча, амаллаб гугурт чизди. — Диёнат нима қилади ҳозирги одамларда! Олтинчи бригадада бир хотин ярим қоп шолғом ўмариб кетаётганида ушлаб олдим. Нега ўғирладинг, десам, сигирим оч, дейди. Фронгда йигитларимиз жон олиб, жон бериб ётибди-ю, бу қанжиқ сигирини ўйлаб жони ҳалак! — У жаҳл билан жийронга минди. — Эҳтиёт бўлинг!

Лойдан оғирлашиб кетган пақирдаги картошкани сават замбилга ағдардим. Замбил ёнида Олимжон дийдираб турибди. Эрталабдан буён лой чангаллаб музлаб кетди, бечора. Нуқул икки қўлини чопонининг қўлтиғига тиқиб, лойини артган бўлади, куҳ-куҳлаб кафтини иситади. Бошидаги чамандагул дўпписидан юзига кир бўёқ сизиб тушаяпти.

Нари борса, энди ўн ёшга чиққан бу боланинг чайирлигига ҳайрон қоламан. Катталар билан баравар ишлайди. Картошка теради. Зилдек замбилни чираниб кўтариб аравага ташийди. Иккита аравамиз бор. Биттаси колхознинг ридвон араваси, биттаси бобомнинг эшакараваси. Бири юк ортиб омборга кетса, иккинчиси келиб туради.

— Совуқ едингми, Олимжон? — дедим ачиниб.

— Совуқмас, опа! — Олимжон лой юқи кафти билан ёмғирдан ҳўл бўлган юзини артиб яқин келди.

— Олдик! — деди қиз боланикига ўхшаган ингичка овозда. Лекин ўша заҳоти қувонч билан қичқириб юборди: — Ака!

Замбилнинг орқа бандини шошилиб кўтарган эканман, беш-олтита картошка ерга тўкилди. Жаҳл билан қаддимни ростлаб қарасам, Олимжоннинг ёнида Очил ака турибди. Бошида айвони кенг шапка, эгнида плаш. Оёғида брезент туфли. Лой кечиб келгани учун туфлисининг рангини ажратиб бўлмади. Лекин қачондир оқ бўлгани кўриниб турибди. Тринка шими тиззасигача лойга ботиб кетган.

— Ҳорманглар! — у бу гапни хушчақчақлик билан айтгиси келди-ю, овози қандайдир ясама, ишончсиз чиқди. Ёмғирдан намланган кўзойнагини ечиб, плашининг ёқасига артди. Қулоғига илган эди, кўзойнаги ҳўл бўлиб баттар хиралашди шекилли, шоша-пиша яна ечди-да, плашининг астарига арта бошлади. Митти кўзларини пирпиратиб илжайди.

— Чарчамаяпсизми?

— Раҳмат, сиз сўрагандан бери! — дедим энсам қотиб. Лойга тўкилган картошкаларни замбилга ташладим. — Кўтар, Олимжон! Очил ҳовлиққанча кўзойнагини тақди.

— Йўқ, — деди ҳовлиқиб. — Менам қарашгани келдим, Робияхон, хўп денг, кўтаришай!

Олимжон, қутулганига шукур қилгандек илжайиб турар, кўзларида «кўриб қўйинг опа, бизнинг акамиз шунақа» деганга ўхшаш ифода бор эди. Совчи юбориб менга шунча азоб берганининг алами ҳалиям кўнглимда турган экан. Жаҳлим чиқиб кетди.

Мен Кимсан акамнинг хатини кутиб, кечалари тиканакка ағанаб чиқай-да бу киши совчи юборсин?! Эркакман деганларнинг ҳаммаси урушда юрсин-да, бу киши тўй қилгилари келсин!

— Нима? — дедим кафтимни қулоғимга тўтиб. — Кечирасиз, бир нима дедингизми?

У баттар хижолат чекиб илжайди. Ёмғирда кўзойнаги хира йилтираб кетди.

— Қарашгани келдим, — деди юпқа лаби титраб.

— Йўғ-е! Фронгга ёрдам бермоқчи бўпсиз-да. Шошманг. Ҳозир... Шундай деганча эски пақирни кўтариб, пуштага қараб чопдим.

Қўлларим музлаб қолганига парво қилмадим. Челак тўлиши билан олиб келиб замбилга тўқдим. Ўша заҳоти яна пуштага югурдим. Олимжон ҳайрон. Нуқул чопонининг энгига бурнини артади. Акаси бўлса томошахонага кириб қолган одамдек анқайиб турибди. Замбил тўлиб кетди. Охириги пақирдаги картошка хирмондек уюлиб кетган замбилга сиғмай тошиб тушди. Тўкилган картошкаларни битта-битталаб замбилга жойладим-да, орқа томондаги тутқични ушлаб буюрдим:

— Қани, олдик!

Замбилни кўтаришим билан кўз олдим жимирлашиб кетди. Белим қирс этди. Бутун кучимни тўплаб, овозим борица ҳайқирдим:

— Кетдик!

Аравагача бир юз ўттиз қадам! Аниқ биламан. Нариги пуштада бир юз ўн қадам эди. У пушта билан бунисининг ораси йигирма қадам бўлса, бундан чиқди, бир юз ўттиз қадам! Бу — Олимжоннинг қадами билан. Ҳозир тезроқ юрсак юз қадамда етамиз! Ўзинг қувват бер! Кимсан акамнинг этиги катта, тўпиқларимни уриб, яра қилиб юборган. Майли, чидайман! Фақат йиқилиб тушмасам бўлди! Қўлларим узилиб кетай деяпти. Нима қилдим, замбилга олти пуд юк ордим шекилли? Зарилмиди. Майли! Ажаб қилдим. Мен чидайман, ўлсам ҳам чидайман. Уям чидасин! Жонидан сўйган одами қон кечиб юрган қизга совчи юбориш қанақа бўлишини билиб қўйсин.

Ўзимга қойилман! Очил ака гандираклаган сайин кучимга куч қўшиляпти. Кўриб турибман. Айвони кенг шапкасининг икки четидан сув сизиб гарданидан оқиб тушяпти. Ана, чиллакдек қўллари қалтирай бошлади. Плашининг елкалари жиққа ҳўл бўлиб кетди. Оёқлари чалишиб кетяпти.

Бир маҳал у тўхтаб қолди. Ўзим оёқда зўрға турибману зарда билан замбилни итардим.

— Қани, ҳа!

У елкаси оша орқага ўгирилиб қаради. Ҳижолатли жилмайди.

— Туфлим... — деди секин. — Тушиб қолди.

Қарасам, ростдан ҳам чап оёғида туфли йўқ. Пайпоғи лойга ботиб борапти.

— Этигингиз йўқмиди? — дедим юк залворидан чираниб. — Майли, янаги сафар этик кийиб келасиз.

Олимжон лойга ботиб қолган бир пой туфлини кўтариб, замбил ёнига келган эди, Очил ака жеркиб берди:

— Бор, ишингни қил!

Ниҳоят, ёмғирда мудраб турган ҳўкизлар, ярмигача картошка билан тўлган аравага етдик. Замбилни ерга қўйишимиз билан энгил тортиб, қаддимни ростладим. Шунда ҳам бўш келишни хоҳламасдим.

— Ағдармайсизми, замбилни! Ергамас, аравага...

— Ҳозир! — у замбил тўла картошка устига таппа ўтириб қолди. Ҳансираб нафас олди. Рангида ранг қолмаган, оғзини балиқдек каппа-каппа очар, гуноҳ иш қилиб қўйиб, дакки эшитишдан чўчиган боладек аянчли илжайар эди. Олимжон келтириб берган бир пой туфлини у қўлидан бу қўлига олганча мен томон бурилди.

— Робияхон, — деди ҳансираб, — совчиларни қайтарибсиз?..

— Нима? — ҳеч балога тушунмагандек қараб турдим-да, ҳаҳолаб кулдим. — Э, совчимни? Кимсан акам нима деганди сизга? Эсингиздами? Баҳорда... хат берганингизда?

— Робияхон... — у кўзойнаги ортидан кўзимга илтижоли мўлтираб қараган эди, бақириб бердим:

— Э, туринг-э!

У сапчиб ўрнидан турди. Шу билан тоза бўлиб қоладигандек, замбилдаги картошкаларни силаб қўйди.

— Кечирасиз, Робияхон, — деди. Кўзойнагини чўнтагига солди. Ёмғир тагида шумшайиб турганича, шапкасини ечди. Бошидан буғ кўтариларди. Киприкларини пирпиратганича, митти кўзларини юзимга тикди. — Робия, мени кечиринг. Менам маълимга ўхшаб адабиётчи

Бўлмоқчи эдим. Мен... маълимни яхши кўрардим... Бизниям ўқитганлар...

«Қанақа маълим? Кимни айтаяпти? Ҳа-а! Дадам!»

Юрагим бир қалқиб тушди. Дадам! Қаёқда экан ҳозир?! Балки жангга киргандир? Қанийди, шунақа бўлса!.. Қанийди дадам ҳам Кимсан акамдек «добровол» бўлсаю душманни қийратса! Одамлар олдида бошимни баланд кўтариб юрсам! Уша прокурор Хўжақулони топиб айтсам сен туфайли еттини битиргим келмай, мактабдан кетиб қолган эдим, эшитиб қўй, дадам айбдор эмас экан-ку, қаҳрамон бўпти-ку, десам...

Очил ака, кўзи яхши кўрмаса ҳам, мунғайиб қолганимни сезди.

— Робия, — деди илтижо билан... — Мен... мен... — деди юпқа лаби титраб. — Сизни севаман... Анчадан бери...

Мен нима дардда-ю, бу нима дейди! Ижирғаниб кетдим. Аммо индамадим.

— Йўқ, мен рост айтяпман, Робияхон! — у кетиб қолишимдан кўрққандек, шоша-пиша давом этди: — Яхши кўриш — айб эмас-ку, тўғрими?

Тўнчасига ўралиб, дийдираб турган Олимжон ҳеч нимага тушунмай гоҳ акасига, гоҳ менга қараб, илжайиб қўйди. Бурнини тортди.

— Мендан рози бўлинг! — деди Очил ака тўсатдан. Овозида вазмин хотиржамлик бор эди. — Эртага жўнаяпман.

Шундай деди-да кўзойнагини тақиб, юзимга бир қараб қўйди. Оҳиста бурилиб, укасининг елкасига қўл ташлаганча, бир оёғида туфли, бир оёғида пайпоқ билан сирғаниб-сирғаниб, оқшом қоронғулигига сингиб кетди.

Анграйиб қолдим. Ҳамон симиллаб ёмғир ёғар, белим сирқиллаб, икки кафтим ачишар, аллақачон кун ботганига қарамай таҳдидли қизариб турган осмондан қор иси келар эди.

Симиллаб ёмғир ёғарган бўлса, ошман баққилан кечотарилсин!

4. «Ё мениям олиб кетинг, ё ўлдилинг»...

Кўнглим бўм-бўш бўлиб қолди. Ҳеч кимни кўргим келмас, биров савалаб ташлагандек, аъзойи-баданам сирқираб оғрирди. Уйга келсам — зимистон. Ойим Холпош холаникига чиққанга ўхшайди.

Токчадаги лампани ёқиб, кўрпачага чўкканча бир зум ўтириб қолдим. Пилиги сўхта чироқ чирс-чирс қилади, ташқарида ёмғир шитирлайди. Баданам увишиб кетаяпти. Бутун олам, ҳаттоки ичим ҳам зах босиб кетгандек. Ҳеч нимани ўйлагим келмас, лойга қорилган сон-саноқсиз картошклар, қилтиллаб замбил кўтариб бораётган Очил ака, бурнини тортиб турган Олимжон кўз ўнгимдан бирма-бир ўтарди. Кейин Кимсан акам пайдо бўлди: кулиб турибди. Хат ёзганига икки ойдан ошди. Қизиқ, қаердайкин, ҳозир? Балки худди шунақа зах босган ерда, лойга беланиб ётиб, милтиқ отаётгандир? Балки у томонларда аллақачон қор тушгандир. Лойдан қор яхши. Совуқ бўлсаям бари бир, балчиққа ботмайди.

Эртага картошкани қазиб бўлсак, индиндан кечки карамга тушамиз. Армияда карамшўрва беради, дейишади. Балки худди ўша мен узган карамдан Кимсан акамга шўрва пиширишар.

Овқатни ўйлашим билан қорним очгани ёдимга тушди. Ҳали пешинда картошка қайнатиб еган эдик... Энди тушликда бир вақтлардагидек қўй сўйиб шўрва солишлар, ош дамлашлар йўқ. Майли, устимиз юпун бўлсаям, чалақурсоқ юрсак ҳам тўрга! Ишқилиб, уруш тезроқ битсин. Кимсан акам тезроқ келсин.

Ҳали Парча опа ҳовлиқиб гапириб қолди. Дўмбирободлик Раҳим сариқнинг ўғлидан «қора хат» кепти. Сариқ бечора шумхабар олиб борган Абзини роса дуоибад қилибди. Кейин биттаю битта боласига аза очибди...

«Қора хат...» Кейинги пайтда шу совуқ сўз кўпайиб қолди. Қизиқ, Кимсан акамдан нега хабар йўқ? Хат келган бўлса Рашид абзи мастликда тушириб қолдирдимикин? Йўқ, бобом айтди-ку, уруш бошлангандан бери ичмай қўйганмиш. Улибдими, хат бўлса ўзи олиб келарди.

Белимга бир бало бўлдимиз? Нима зарил эди, Очил акага аччиқ қилиб, шунча юк кўтариб... Нима деди? «Рози бўлинг, эртага жўнайман» дедими? Ҳазир ҳам ўлгудай захарман-да! Бечорани бекордан-бекорга шунча калака қилдим. Тўғри айтди, яхши кўриш айб эмаску! Яна нима деди? Дадамни гапирди, чин юракдан гапирди... Дадам тирикмикан? Балки уям урушга киргандир. Кимсан акам билан кўришиб қолишса... Бир-бирини танишармикан? Ҳайронман, ойимдан нимага дарак йўқ? Даладан қайтмадимикан? Йўғ-е, тўқайдаги бригадага кетишганди-ку. Ораси яқин. Аллақачон келган. Ҳолпош холаникига чиққан. Овсинларнинг шунақа одати бор: иккаласи бир-бирини далда бериб гаплашиб ўтиришади. Туриш керак. Ҳазир кўзим илинса — тамом. Қотиб ўхлаб қоламан... Мунча совуқ? Қор ёғди шекилли... Танча очсакми?.. Шошма, сигир соғилганмикан!

Йўқ, турмасам бўлмайди! Ҳали замон бобом келади. Овқат иситмасам жаҳли чиқади.

Сирқираб кетаётган белимни аранг кўтариб, ўрнимдан турдим. Айвон тоқчаларидаги хурмачаларни қарасам, иккаласи ҳам сутга тўла. Бундан чиқди, ойим сигирни соғибди. Қизиқ, нега мўърамайди? Арқонга ўралашиб бўғилиб-нетиб қолмаганмикан?

Чироқ шишасини рўмолим билан пана қилиб ҳовлига тушдим. Ёмғир ҳамон эзилиб ёғар, қор иси кучайган эди. Молхона бурчагида ётган сигир чироқни кўриб пишиллаб ўрнимдан турди. Кўзлари ялтираб шу томонга қаради. Белига лой чаплаб қўйилибди...

Чироқни авайлаб тутганча ошхонага кирдим. Тувоқни очсам, қозон бўм-бўш. Ие, ҳар куни бобом иккаламизнинг насибамиз қозонда турарди-ку! Учоққа олов ёқилмаганини аниқ кўрдим. Кўнглимга ғулғула тушди. Бир гап бўлган! Ойим жилла қурса бир қошиқ обиёфон пиширарди. Овқат қилмаган, чироқ ёнмаган, ўзиям йўқ! Ё Кимсан акамдан...

Ҳаёлимга келган даҳшатли фикрдан эгим уюшиб кетди. Чироқни ўчоқ бошига қўйдим ҳовлига отилдим. Тезроқ Оқсоқол буваникига чиқиш керак. Юрагим қинидан чиққудек бўлиб, кўча эшик томонга югурдим. Сочларим жиққа сув бўлиб кетган, нимчам елкамга ёпишиб қолган, оёғимдаги кавуш лойга ботиб, шалоплаб ғашимни келтирар, лекин ҳаёлимда фақат битта фикр бор эди. «Ишқилиб тинчлик бўлсин!»

Лой кўчадан сирғаниб бораётсам бошида қора гуппи-чўпон ёпиниб келаётган одам кўринди. Эркакми-хотинми — билиб бўлмайди. Бўйи бир қарич, қоп-қора шарпа. Худди тўнтариб қўйилган хумчага ўхшайди.

Ун қадамча қолганда шарпа тўхтади.

— Йобияпа! — деди ингичка овозда.

Товушидан таниб, кўнглимга илиқлик ёйилди. Фотима келиннинг қизи.

— Сенмисан, Попук? — дедим яқин бориб. — Ойим сизларникига чиқмадиларми?

— Чиқдила, — деди қизалоқ, чопон ёқасидан мўралаб. — Бувимла эттилаки, овсинлайи укалайиникига кетибдила. Укалайи уюшга кетайкан. Бувамла Кўтаймага бойайканла.

Қизалоқ айтган янгликни идрок этгунимча ҳийла вақт ўтди. Бундан чиқди Шомурод тоғам урушга жўнаяпти. Ойим Кўтармага кетган.

Эсимни йиғиб олгунимча қизалоқ узоқлаб кетди.

— Тўхта, Ойпопук! — дедим қичқириб. — Уйингга обориб қўрман. Қоронғида кўрқиб юрмагин.

Қизалоқ тўхтади. Тескари тўнкариб қўйилган хумчадек гавдасини ўгириб бурилди.

— Қўйқмийман, ҳайий, Йобияпа! — деди ингичка овозда.

Ёмғир остида бир зум туриб қолдим. Юрагим анча таскин топди. Нимага шунақа бўлганини кейин англадим. Демак, тинчлик экан. Кимсан акамдан ёмон хабар келмабди. Лекин ўша заҳоти Раъно келинойим кўз ўнгимда пайдо бўлди. Ўзимни ёмон кўриб кетдим. Раъно янгам! Олти ойлик келин. Ҳоли нима кечади энди? Ёлғиз ўзи нима қилади?

Ҳовлига кириб, талмовсираб турсам, кўчадан эшак ҳанграгани эшитилди. Бобомнинг эшаги илгари бошқача эди. Кўча бошига етиши

билан, «эшитиб қўйинглар, биз келаяпмиз» дегандек, овозини баралла қўйиб ҳангилларди. Ҳозир унақа эмас. Нола чеккандек қисқагина ҳанграйдю овози ўчади.

Чопони ҳўл бўлиб кетган бобомнинг қўлига сув қуярканман, у менга қарамасдан суриштирди:

— Ойинг қани?

Ҳозир Ойпопукдан эшитган гапимни айтган эдим, бобом хўрсинди.

— Битта ўзинг қўрқмайсанми? Оқсоқол бувангникига чиқиб ётақол.

Бу — «мен кетдим» дегани эди.

Шундоқ мушкул пайтда Раъно янгамнинг ёнида бўлгим келарди. Қон йиғлаб ўтиргандир шўрлик!

— Менам борай, — дедим бобомга ялиниб. — Эрталаб ўшанақаси далага чиқа қоламан.

Икковлашиб йўлга тушдик.

Бобом бўйи калта бўлганида зарда қилгандек катта-катта қадам ташлаб лой кечиб кетаяпти. Жуссаси кичкина бўлса ҳам бақувват, чайир. Худди ерга чуқур қоқилган қозиққа ўхшайди. Одатда узун қозиқни уёқ-бу ёққа ликиллашиб бир тортсангиз суғирилиб чиқади. Лекин калта қозиқ ерга бир ёпишдими, силжимади.

Бобом ҳам шунақа. Қоронғида пишиллаб тез юриб бораяпти. Сирпанмайдиам. Алвастикўприкдан ўтиб олсак бўлди. Уёқ узоқмас. Фақат кўприкдан ўтишга тоқатим йўқ. Яқин келишимиз билан тубсиз чуқурликда, зулмат қўйнида қулоқни қоматга келтириб вошиллаб ётган жарга қарамаслик учун қадамимни тезлатдим. Бобомнинг товонини босиб олишимга оз қолди.

Бобом ёмғирдан тайғаноқ бўлиб кетган шағаллардан сирғаниб темир йўл устига чиқаркан, норозилик билан тўнғиллади:

— Шу иш етмай турувди! Қор ёғаяпти. Ерда нарса ётибди ҳали.

Алвастикўприк ваҳимаси билан сезмаган эканман. Юзимга совуқ учқунлар урилаётганини энди пайқадим. Темир йўл излари хира йилтираб ётар, олисда разъезд чироқлари қизғиш липиллаб турарди. Чироққа қараган эдим, қор учқунлари қуюқлашиб бораётганини кўрдим. Пастда эса Бўрижар ҳамон шариллайди...

Сирли шивирлаб турган ёнғоқзор орасидан чиқиб Кўтармага етгунимизча ер билинар-билимас оқарди. Кўча четидаги дарахтлар табиатнинг аёвсиз қаҳри олдида таслим бўлгандек хомуш бош эгди. Сомонсувоқ қилинган томларни қировдек юпқа қор босди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

Кўтармадаги ҳовлилар бизнинг қишлоқдагига ўхшаган зич эмас. Бири бу ерда, бошқаси у ерда. Шомурод тоғамники энг чеккада. Икки пахса пастак девор билан ўралган ҳовли. Ташқари томонда дераза йўқлиги учун уй ҳам ҳовли девори билан туташиб кетган. Фақат баландроқ — уч пахса. Сомон сувоқ қилинган томнинг у ер-бу ерида ёғоч тарновлар диккайиб турибди.

Ота-бола пастак эшикка яқинлашган эдик, ёнғоққа боғлаб қўйилган от пишқириб, сувлиғини шиқирлатди. Умар-закунчининг оти. Демак, тоғамни кузатишга уям кепти. Шомурод тоғам Текстилда ишласа ҳам барқ бир шу колхознинг кишиси-да! Яхши, раис одамгарчилик қипти! Бобом билан олдинма-кетин ҳовлига кирдик. Ошхонанинг очиқ эшигидан ланғиллаб ёнаётган олов кўрнади. Учоқ бошида куйманаётган ойимнинг қорасини узоқдан танидим. Ёғоч чўмичда ҳадеб қозон кавлапти.

Бобом эркакларнинг гўнғир-гўнғир овози келаётган уйга йўналди. Мен ошхонага киришим билан қурум босган устунга суяниб, юпқа лаблари титраганча йиғлаётган Раъно келинойимга кўзим тушди. Оппоқ кўйлак устидан кийган бахмал нимчаси кўксига чиппа ёпишиб, қоматини кўз-кўз қилаётгандек. Жун рўмол тагидан чиқиб турган паришон сочларида қор учқунлари йилтирайди.

— Унақа қилманг, келинпошша! — ойим чўмични айлантларар экан, опатди. — Ирим ёмон бўлади, Раънохон! Юртга келган тўй...

— Керакмас бунақа тўй, керакмас! — Раъно келинойим кўзи тўла ёш

билан ойимга юзланди. — Мен нима қиламан?! Бир ўзим нима қиламан бу ҳовлида!

Ойим чўмични қозон қулоғига илиб, Раъно келинойимни қучоқлади:

— Ношукурлик қилманг, жон болам. Эл бор, юрт бор. Мана бизлар бормиз.

Ойим бирдан менга кўзи тушиб, қувониб кетди.

— Ие, ана синглингиз! — деди шу билан Раъно келинойимнинг дарди энгиллашиб қоладигандек дадилланиб. — Мана, Робия бор! Келиб туради. Ҳар куни келасан-а, қизим?

Келинойим менга ўгирилди. Ўчоқдан олов шуъласи тушиб турар, янгамнинг йиғидан қизарган юзи янаям чиройли бўлиб кетганга ўхшарди.

— Йиғламанг, — дедим қучоқлаб. Димоғимга ғалати, ширин атир иси урилди.

— Пешонам қурсин! — деди у лаблари титраб.

— Қўйинг, келинойи! Кўрасиз, ҳадемай уруш битади. Ой бориб — омон келадилар.

Ойим ошхона эшигидан айвонга мўралади.

— Бўлди, болам, бўлди, — деди овозини пасайтириб. — Эрингиз кўрса кўнгли бузилади. Ана ўзи!..

Айвон томондан Шомурод тоғамнинг йўталгани эшитилди. Аввал ойим, кетидан мен ўша томонга юрдик. Тоғам токчасида фонус ёниб турган айвон ўртасида тўхтаб, шу томонга қаради. У елкасига куёвлигида кийган беқасам тўнини ташлаб олган, негадир жилмайиб турар эди. Яқин боришим билан айвон пештоқига келди-да, эгилиб пешонамдан ўпди.

— Вой-бў! Катта қиз бўпқопсан-ку, — деди кулиб. — Асли тўйингни ўтказиб кетсам бўларкан-да!

Бўза ичган шекилли, димоғимга ачимсиқроқ ҳид урилди. Уялиб тескари қарадим.

— Тўйингни менсиз ўтказиб қўймагин тағин! — у кулиб туриб бармоғи билан пўписа қилди. — Келиб ўзим узатаман, хўпми?

— Сенсиз тўй қилармидик, укам! — ойим пилдираб айвонга чиқди-да, токчада турган аллақандай тугунчани тоғамга узади. — Ма, қопингга солиби қўй. Тайинли жойга қўй, эсингдан чиқмасин.

— Нима бу? — тоғам ҳамон кулимсираб ойимга қаради.

— Қурут! — деди ойим тантана билан. — Галанска сигирнинг қатиғидан. Ярмини ўзинг е, ярмини Кимсанга бер, хўпми? Кимсаним қурутни яхши кўрарди. Соғиниб қолгандир.

— Хўп, опа, Кимсаннинг улушини албатта обориб бераман! — дея тоғам ойимни юпатди. — Хавотир олманг. Ўз қўлига топшираман.

У ойимга ҳам, менга ҳам эмас, ошхона томонга қараб турганини пайқадим. Кўча эшигида тугун кўтарган хотинлар кўринди. Ойим, қоронғида кимлигини танимаса ҳам йўл-йўлакай гапириб, ўша ёққа югурди:

— Вой, айланайлар! Келинлар, овора бўпсизлар-да...

Нима қилишимни билмай ошхонага қайтиб кирдим. Раъно келинойимга далда бергим, бир нималар деб овутигим келарди. Йўқ, келинойим ошхонада кўринмасди. Каттакон қозон қайнаб кўпириб кетибди. Шўрваннинг кўпигини сидириб энди ҳовлига чиқмоқчи бўлиб турган эдим, ташқарида, ошхона деворининг нариги томонида Раъно келинойимнинг овози эшитилди:

— Ўзингиз хоҳлагансиз. Биламан. Урушга боргингиз келиб қолган.

— Қўй энди, йиғламагин, жоним. Нима қилай, ҳажижизга ўхшаб, одамларга шумшук кўриниб юрайми? Эркакларнинг ҳаммаси урушда, тушундингми, урушда!..

— Нима, бу ерда керакмасмисиз? Ҳеч кимга керак бўлмасангиз менга кераксиз, билдингизми?

— Биламан, Раъно, биламан! Билганим учун шунақа қилаяпман-да. Уруш қанча тез битса, шунча яхши. Сенгаям яхши, менгаям.

Сукунат чўқди. Уларни чўчитиб юборишдан қўрқар, чўмични чангаллаганча ўчоқ бошида чўнқайиб қилт этмай ўтирардим.

— Менга қара, Раъно, — деди Шомурод тоғам овозини пасайтириб. — Ростини айт, мабодо кўнглинг аччиқ нарса тусаётгани йўқми?

— Э, боринг!

— Йўқ, ростини айт. Агар шунақа бўлса... — тоғам овозини тагин ҳам пасайтирди. — Ўғил бўлса отини Музаффар кўйгин, хўпми? Музаффар нима дегани биласанми? Ғолиб дегани. Ғалаба дегани, тушундингми! Яна жимиб қолишди. Қозон қаттиқроқ биқирлай бошлади. Тоғам билан келинойимнинг овози эшитилаётган девор туйнугидан қор учқунлари ошхонага учиб қириб, ўчоқ тафтада ерга тушмай эриб кетди.

— Э, қочинг! Доим шунақа ёқмай турганида шилқимлик қиласиз, — Энди Раъно келинойимнинг овозида алам эмас, эркалик бор эди.

— Ростдан ҳам кўнглинг...

— Йўқ! — Раъно келинойим овозини баланд кўйиб юборди. — Йўқ дедим-ку!

Нимадир шапир-шупур қилди, тоғам энтикди.

— Раъно!

— Ёпишманг... Шилқим!

Зум ўтмай Раъно келинойимнинг ўксиб-ўксиб йиғлагани эшитилди.

— Чидолмайман, эшитяпсизми, чидолмайман, сизсиз! — у дод солиб юбормаслик учун ўз кафти билан оғзини тўсди шекилли, дами қайтиб ингради.

Шомурод тоғам тагин уф тортди.

— Раъно, — деди секин, — жоним!

— Обкетинг! — Раъно келинойимнинг бўғзидан бўғиқ нидо отилиб чиқди. — Обкетинг! Аскарларнинг кир-чирини ювман. Овқат пиширман! Ярасини боғлайман! Жон Шомурод ака, обкетинг!

— Раъно! — асабийлашганидан тоғамнинг овози баланд, кескин чиқди. — Қўйсанг-чи энди.

— Обкети-нг! — Раъно келинойим ялиниб илтижо қилди.

— Раъно, жиннимисан? Турсанг-чи! Ана, ҳаммаёғинг шалаббо бўлди.

Айвонда биров томоқ қирди. Умар-закунчининг янгроқ овози жаранглади:

— Қаёққа кетди, бизнинг солдат?

— Тур, Раъно, тургин, жоним! Мени чақиришаяпти.

Туйнук орқасида Раъно келинойим паст, аммо ғазаб тўла оҳангда пичирлади:

— Башаранг қурсин! Қаёқдан келди бу сўхтаси совуқ! Шу куниям холи кўйишмайди.

Тоғам ошхона эшиги олдидан ўтиб айвонга чиқди. Яна жимлик чўқди. Ўчоқдаги олов пасайиб ҳолди. Ўтин ташлай десам, ўрнимдан туришга қўрқаман. Бир маҳал эркаклар ўтирган уй томондан қийқириқ кулги келди. Чамаси, Шомурод тоғам қайтиб кириши билан Умар-закунчи аския қилди шекилли, тоғамнинг фабрикада ишлайдиган ҳамкасблари баравар қаҳқаҳа отишди. Раъно келинойим бир даста косани биқинига тираб, ошхонага кирди. Чехраси маъюс, рўмол тагидан чиқиб турган сочига, нимчасининг елкасига қор қўнган, оппоқ кўйлагининг этагига қор аралаш лой ёпишиб қолган эди. Паришон тарзда косаларни ўчоқ бошига кўйиб тўнка устига ўтирди. Шу ўтиришда оппоқ фариштага ўхшар эди...

Ойим тоғамникида ётиб қолди. Тонготарга яқин бобом иккаламиз йўлга тушдик. Сомонсувоқ қилинган томлар устини бир қарич қор босган, ёришиб келаётган осмонда учқунлар ғужғон ўйнар эди. Негадир биринчи қор ёғишини узоқ касал бўлиб ётган одамнинг жон таслим қилишига ўхшатаман. Бемор тўшагига ёпишиб инқиллаб ёта-ёта охири омонатини топширади азоблардан қутулганига шукр қилгандек тинчиб чехраси ёришади.

Бир ҳафтадан бери ёмғир азобидан эзилиб кетган ер, ниҳоят, оппоқ кафанга ўралиб, тинчиди. Ҳаммаёқ жим-жит. Фақат Бўрижар яқинида ёнғоқзор устида қарғалар шодон қағиллайди. Қиличини қайраб келаётган қишга пешвоз чиқиб, қаҳратон совуқлар бошланишидан дарак беради, тантана қилади.

ОЛТИНЧИ БОБ
«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

Юлдузи юлдузига тўғри кепти...

Раънохон келиним Шомуродга ялакат данакдек ёпишиб қолган экан. Вокзалга борганда бўйнига чирмашиб олди. Қани қўйиб юборса! Яккаш «меняям обкетинг» деб чирқиллайди. Узим-ку Кимсанам билан худди шу ерда хайрлашганим эсимга тушиб юрагим сел бўлиб кетаяпти. Иложим қанча? Келинимни юпатдим.

— Сафарга кетаётган эрингизни йиғлаб кузатманг, ирими ёмон бўлади, — дедим. Кошки кўнса!

Эрта куздан бери оёқ-қўли шишиб ётган қудам ҳам куёвимни кўриб қолай деб вокзалга чиқибди. Касал хотин трамвайга ўтириб, шундан шунга кепти. Икки ўртада уям юракни сиқади.

— Шомуроджон, ўғлим, яхши-ёмон гапирган бўлсам рози бўлинг, ўзим сезиб турибман, сиз келгунингизча йўқман... — дейди.

Яхшиям Умар-закунчи бор экан. Саҳар-мардонлаб арава чақиртирган ҳам, ўзи бош бўлиб вокзалга олиб чиққан ҳам шу бўлди. Қудам ҳадеб нолийверган эди, жаҳли чиқиб кетди.

— Совет жангчисининг қайнонаси бунақа бўлмайди, — деб уришиб берди.

Раънохон бўлса ҳеч ким билан иши йўқ. Эридан ажралгиси келмайди. Этни тирноқдан ажратмай тўнғиз қўпгур гирмон бўлмаса, шу азоблар йўқ эди!

Поезд жўнай деб турганида оломон орасида Комил табиб билан хотинига кўзим тушиб қолди. Лазакат бечора йиғлайвериб шишиб кетибди. Очилбойни жўнатишаяпти экан. Ўз ташвишим билан бўлиб беҳабар қолибман. Совчиликдан қайтарганимга аразлаган бўлса керак, деган эдим. Йўқ, Лазакат мени қучоқлаб йиғлади:

— Болагинам яқиндаги нарсани яхши кўрмасди! Ҳоли нима кечади энди!

— Унақа деманг, онаси, — Комил табиб хотинини юпатди. — Очилбой — пок бола. Пок одам хор бўлмайди. Адолат деган нарса бор-ку дунёда.

Лазакат шўрлик баттар чирқиллади:

— Уруш адолатни биладими?

— Бари бир. Ҳақ деган нарса бор, онаси...

Поезд кетганидан кейин разм солсам, Раънохон адойи тамом бўпти.

— Уч-тўрт кун онангизни бағрида тура қолинг, — дедим.

Тўғри-да, ҳарна кўнгли ёзилгани! Қолаверса, касал онасига мадад бўлади. Раис ҳам Раънохоннинг аҳволини сизди шекилли, ҳайтовур йўқ демади. Она-болани аравага ўтказиб қудамникига — Янги маҳаллага олиб кетди.

Комил табиб, Лазакат — учовлашиб, қор кечиб йўлга тушдик.

Лазакат ўқтин-ўқтин «боламнинг кўзи яхши кўрмасди-ку, энди нима бўлади», деб нолир, Комил табиб эса вазминлик билан индамай борар, қор ёғиб турган осмонга қараб-қараб қўяр эди.

Нўғайқўрғонга етиб келгунимизча кун оғди.

Эрталаб «ҳа-бўл, ҳа-бўл» билан маҳсимни пайтавасиз кийган эканман, зах уриб, оёғим акашак бўлиб қолди.

Уйга келсам ҳеч ким йўқ. Чолим билан Робия далага чиқиб кетган шекилли, сигир мўъраб молхонани бошига кўтаряпти. Ҳовлиқиб томорқага чиқдим. Узумзор этагидаги жўхорининг сўтасини териб олган бўлсак ҳам, поясини йиғишга қўлимиз тегмаган эди. Қорга ботиб икки қучоқ жўхорипоя юлиб чиқдим. Сигирга, қўйга бердим.

Учоққа олов ёққан эдимки, кўча эшиги тағин тақиллаб қолди. Кетма-кет овоз келди:

— Хусан абзи! Ай, Хусан абзи!

Рашид абзининг овози! У ҳамманинг отига «абзи» қўшиб гапиради. Балки шунинг учун ўзиниям «абзи» деб чақирар. Чўмични ўчоқ бошига ташлаб югурдим. Абзи эшикни ланг очиб, илжайиб турибди. Бошида қизил «нўғай дўппи», ёнбошида тақриб чиқиб кетган сумка. Ёғоч оёғининг почасини шимариб олган, соғ оёғидаги этик қорга беланган...

— Суюнчи бериғиз опай! — деди илжайиб. Ингичка, сариқ мўйлови учиб қўйди.

— Вой оғзингиздан айланай! — Абзининг музлаб кетган озғин юзидан ўпиб олдим. — Кимсандан хат борми?

— Мана, кўриб қўйғиз! — у учбурчак хатни боши устида баланд кўтарди.

Хатни қўлидан қандай юлиб олганимни билмайман. У ёғини айлантираман, бу ёғини айлантираман. Қани саводим бўлсаю шариллатиб ўқий қолсам. Бир маҳал ўзимга келсам, Абзи ёғоч оёғини қорга чуқур-чуқур ботириб кетиб қолапти. Чопиб бориб қўлидан ушладим.

— Шошманг, суюнчи олмайсизми? — шунақа дедим, нима суюнчи беришни ўзим билмасдим.

— Юқ, киракмий!

Ҳоли-жонига қўймай ҳовлига судрадим. Рашид абзи айвон олдида тик турганича бир пиёла чой ичди.

— Уқиб берсангиз-чи, барака топгур! — дедим ялиниб. — Саводингиз бор-ку ахир.

Рашид абзи негадир хатни овоз чиқармай ўқиди.

— Уғлиғиз молодец! — деди бош бармоғини миҳ қилиб. — Тулада суғишга кирган. Пехотада. Лично Жуков ўғлиғизни хвалить қилган, — у негадир илжайди. — Оҳо! Тўй була тигиш.

— Ҳой, мундоқ овоз чиқариб ўқисангиз-чи, ўргилай, — дедим ичим қуриб. — Нима дебди? Қанақа Жуков? Қанақа тўй?..

— Килин курасиз, опай, килин!

Рашид абзи хатни ўқигани билан Кимсаннинг гапларини тузук-қуруқ тушунмадим. Хатни чўнгаллаб Оқсоқолникига югурдим. Овсиним танча четида ётган чолининг белига Комил табиб тайёрлаб берган «туркана» дорини сураётган экан. Айвонда кутиб турдим. Ниҳоят ичкаридан овсиним чақиргани эшитилди. Киришим билан Оқсоқол инқиллаб, ёстиққа суяниб ўтирди.

— Кимсанданми? — деди қўлини чўзиб. — Қани, бер-чи!

Шоша-пиша хатни қўшқўллаб узатдим.

— Овозингизни чиқариб ўқинг, барака топгур.

Оқсоқол хатга диққат билан тикилиб қолди. Кўзига қайрилиб тушган қуюқ кўкимтир қошлари чимирилди. Сандак устидаги патнисда ётган жийда-туршакларга тикилганча, Кимсаннинг хатини эшитишга шайланиб, ҳали ўтирибман, ҳали ўтирибман, Оқсоқолдан садо чиқмайди.

— Нима дебди, Кимсанжон? — овсинимнинг ҳам тоқати тоқ бўлди шекилли, чолига қаради. — Соғ-саломат юрган эканми?

— Соғ бўлмаса хат ёзармиди! — Оқсоқол жеркиб берди. — Хати майда экан, кўзим ўтмаяпти.

Шу пайт қув-қув йўталаётган ўғилчасини кўтариб Потма келин кириб қолди.

— Вой айланай, яхшиям уйда экансиз, ўқинг, сиз ўқинг! — дедим суюниб.

Потма келин, ўғилчасини қайнонасига узатаркан, Оқсоқолга қараб кулиб юборди:

— Вой отажон, хатни тескари ўқияпсиз-ку, албатта кўзингиз ўтмайди-да.

— Ўзинг тескари! — Оқсоқол мўйловини бураб, хатни узатди. — Арабча имлода хат ўнгдан чапга ўқилади, бизнинг имлода чапдан ўнгга! Сендан яхши биламан.

Потма келин хатни қўлига олиб, яна кулди:

— Тўғри-ку, ўтган куни Шокир акамнинг хатигаю кўзингиз ўтмовди.

— Гапинг рост бўлса ўқи! — деди Оқсоқол тўнғиллаб. — Қани, Кимсанбой нима деб ёзибдйкин?

Болагинам доно-да! Дадаси билан мендан ташқари Оқсоқолга, Хол-пош холасига, Потма-Зўра келинойларига номма-ном дуойи салом айтибди. Шокир акам, Зокир акамдан хабар борми, деб сўрабди. Хужумга ўтишгани, немисга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолганини, ўзи хизмат қилаётган жойга Жуков деган катта командир келганини ёзибди. Шундоқ катта одам Кимсаннинг қўлини қисиб «маладес» деганмиш...

— Ана! Нима дегандим, сенга! — Оқсоқол хат ўқиётган Потма келиннинг гапини кесиб менга қаради. — Ўғлинг гирой бўлади десам ишонмагандинг. Жуковни биласанми ўзи? Сталиннинг ўнг қўли! Шундоқ одам, Кимсанни «маладес» дебдими, бундан чиқди, ўғлингни белида белбоғи бор экан. Жуковни ўзиям белида белбоғи бор саркарда! Кўрасан, Шокирим билан Зокирим ҳам гирой бўлади. Ака-ука битта танкда, пашистни қурвақадек эзғилаётган эмиш! Немис Москвани олишга кўзи етмай думини қисиб қолди энди. Гитлер Гудруён деган генералига «қор тушгунча Масковни оламан дегандинг, ололмадингми, энди онангни учқўрғондан кўрасан» дебди. Баттар бўлсин! Эртас, индин ўзиям қия бўб кетади. Ўқи, болам, ўқийвур!

Потма келин ўқияптию, Кимсаннинг шундоқ ёнимда ўтириб гапираётгандек. Ўзим ўргилай, ақлли ўғлимдан! «Дадажон», «ойижон» деган тилларингдан онанг айлансин!

— «Дадажон, ойижон — Потма келин шошилмасдан хатнинг давомини ўқий бошлади, — эшитишимга қараганда Робияга совчилар келаятганмиш. Ушанда бир гапни айтишга уялгандим. Энди айтиб қўяй: Робияни узатиб юборманглар. Агар шундай қилсанглар Тошкентнинг суви менга ҳаром. Қизингиз билан аҳду-паймон қилиб қўйганмиз. Мени ўғлим десангиз Робиянинг бошини боғлаб қўйинглар, борган куним тўй қиламиз...»

Анграйиб қолдим. Мен Оқсоқолга қарайман, Оқсоқол — овсинимга, овсиним — менга. Боядан бери хатни булбулигўёдак ўқиётган Потма келин ҳам тўхтаб қолди.

— Нима? — дедим гарангсиз.

Қарасам, Потма келин хатнинг ўша жойини пичирлаб қайтадан ўқияпти.

— Вой ўлай... — дедим бўшашиб. — Ахир, Кимсан... Робия...

Оқсоқол кўрпа тагини очиб носини сандалга туплади.

— Хўш, нима бўпти? — деди қўлини пахса қилиб. — Икки ёшнинг юлдузи юлдузига тўғри келган бўлса, сен нимага обидийда қиласан, аҳмоқ хотин? Ўқи, ўша жойини яна ўқи, қизим!

Потма келин ўша гапларни қайтадан ўқиди.

— Ана! — Оқсоқол шаҳд билан қаддини ростлаган эди, белининг боди тутиб қолди шекилли, оҳ чекиб ёстиққа ёнбошлади. Бирпасда пешонаси терлаб кетди. — Падарига лаънат, қаёқдан ёпишди бу дард! — деди инграб. Белининг оғришига мен айбдордек ёнбошлаб ётган жойида ўдағайлади: — Ўғлинг Робияни яхши кўради. Энди тушундингми? Ё ҳалиям ақлинг етмаяптими? Робия суқсурдай қиз бўлса, синашта бўлса, тагин нима дейсан, хумгазак? Бу ёққа бер! — Оқсоқол хатни Потма келинни қўлидан юлиб олди-да, буклаб-буклаб ёстиқнинг тагига тикди. — Уртоқ Жуковдек одам ўғлингни қўлини қиссаю бу ноз қилиб ўтирса! — У бирдан овсинимга қараб дағдаға қилди: — Нега мулла минган эшакдек анграясан? Тур ўрнингдан!

Муттасил йўталаётган неварасини бурнини пайдар-пай этагига артаётган овсиним талмовсираб чолига қаради:

— Нима дейсиз?

— Нима дердим! Умрингда тўй кўрмаганмисан? Пайшанба куни маълум ош қиламиз, уқдингми? Нон ёп, бало-баттар қил! Кимсанбойга мен вакил ота бўламан. Эртага икковимиз совчи бўлиб Думаникига чиқамиз.

Овсиним чолидан эшитган дўқнинг аламини келинидан олди.

— Туғишни билган, бола боқишним элагин-да, сигирдек хотин! — деди неварасини Потма келинга узатиб. — Ма, гултожихўроз дамлаб ичир! Томоғига тепки кепти!

Потма келин йиғлаётган ўғилчасини кўтариб, чиқиб кетди. Боядан бери хаёлимда ўралашаётган гап энди тилимга келди:

— Менга қаранг, Оқсоқол... Эл-юрт нима дейди? Булар келин туширишинг харажатидан қочиб, асраб олган қизини ўғлига сув текин олиб берапти, демайдими?

— Э, яна гапиради-я! — Оқсоқол бели оғриганига қарамай, қаддини ростлади. Афти буришиб кетди. Сандал устига ёзилган қуроқ дастурхонни жаҳл билан муштлади. Туршак-жийдалар ҳар ёққа сачраб кетди. — Икки ёш бир-бирларига кўнгил қўйганми, ахир! Оғзига кучи етмаганлар билан нима ишинг бор? Айтим-ку, қизингга мен совчи бўп чиқаман. Анови мумсик чолингга айтиб қўй: шу пайтгача Ориф оқсоқол совчи бўлиб борган хонадондан қиличи синиб қайтганмас. Гап шу: қиз — Думаники, ўғил — меники. Тушундингми?

ЕТТИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

Оппоқ тонг

Қор тушгани билан ҳали ер музламаган эди. Картошканинг қолганини шу бугун қазиб олмасак — тамом. Кечаси ер яхлайдию шунча нарса нобуд бўлади. Ҳалиям қор учқунлаб турар, аммо ҳозирча ҳаво илиқ эди. Бобом кафти билан қорни суриб ташлаб палакни топади-да, кетмон уради. Хотин-халаж шоша-пиша картошкани териб, замбилга юклайди. Олимжон иккаламиз пайкал четида турган ҳўкизаровага ташиймиз. Нимадир деб боланинг кўнглини кўтаргим келади.

— Аканг кетдиларми?

— Бугун кузатиб келишди! — бола оғзидан буғ чиқариб энтикиб-энтикиб нафас олади. — Акам яхшилар-а, опа?

— Яхшилар! Кўрасан яқинда орден тақиб келадилар.

Кўзойнагини йилтиратиб «яхши кўриш айб эмас-ку!» деб илтижо қилган Очил ака, тоғамнинг бўйнига осилиб, «меням обкетинг» деб ялинган Раъно келинойим, оппоқ қор босган дала, қўлга олсангиз чаёндек чақайтган муздек картошклар — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кўз ўнгимдан ўтади, бошим айланади...

Хайрият, кун ботмасидан охири эгатдаги картошкани ҳам териб олдик. Қорга ботиб қолган ҳўкизаравани ҳай-ҳайлаб катта йўлга олиб чиққунча терлаб кетдик.

Бобом, қуруқ аравани тортишга ҳам мадори қолмаган эшагини «хих-хих»лаб йўлга чиқди. Уйга етгунимизча қоронғи тушди.

Ойимнинг овқати ҳалиям пишмаган экан, бобомнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Эсипаст, пакана! — деди тўнғиллаб. — Бир қошиқ обиёвгон пишириб қўёлмасанг!

— Сабр қилинг, дадажониси! Ҳозир пишади, бирам ширин гўжа қайнатиб қўйдимки, оғзингизда эриб кетади.

— Э, гўжангням!.. — бобом пиёлага чой тўлдириб, жаҳл билан бир кўтарган эди, оғзи куйиб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Чойни тупуриб ташлаб, чийиллади. — Қайноқ десанг ўласанми, пакана?! Ёши олтмишга чиқибди-ю, чой қайнатишни билмайди!

— Эҳтиёт бўлинг-да, дадажониси, — деди ойим илжайиб. — Шомуродни кузатгунимча кеч бўлиб кетди-да... Айтганча, Комил табиб ҳам ўғлини жўнатди.

Бобом ҳадеганда жаҳлидан тушадиганга ўхшамасди. Дастурхондаги туршакларни кафтининг орқаси билан туртиб менга имо қилди:

— Юр!

Энди ўрнимиздан турган эдик, оймим бобомга ялинчоқлик билан қаради.

— Дадаси-и-и! — деди чўзиб. — Оқсоқол, келиши билан чиқсин, дегандилар.

— Нима қилай, белини силаб қўяйми? — деди бобом чийиллаб. — Хотинига силатсин! — кейин у менга қараб тўнғиллади; — Юр анқай-масдан!

Ота-бола ҳовлига тушдик. Қоронғи қуққлашиб кетган бўлса ҳам ҳовли сатҳини қорнинг кўкимтир нури ёритар, гултожихўрозлар кўчада қолган етим боладек қор остида бошини ўксик эгиб турарди. Токзор этагидаги жўхоризор орасига киришимиз билан устимга шувуллаб қор ёғила бошлади.

Бобом тўғри қилаяпти. Жўхориюяларни шу бугун ўриб олмасак бўлмайди. Ҳозирча ер юмшоқ. Эртага музлаб қолса, иш янаям оғирлашади. Бобом зич ўсган пояларининг беш-олтитасини кафтига жуфтлаб бир тортса, илдиз-пилдизи билан суғирилиб чиқади. Лекин ташиш — бориб турган азоб. Қор тагида қолган поялар зил-замбил бўлиб кетган. Ҳар биттасининг илдизига қор аралаш бир ботмон лой илашиб чиқади. Аввал илдизга илинган лойни оёғим билан сидириб тозалайман. Кейин бир қучоқ қилиб кўтараман. Ҳўл бўлиб кетган япроқлар юзимга тегиб, ғашимни келтиради. Бостирмага ташиб киргандан кейин ҳаммасини алоҳида-алоҳида ёйиб қўйиш керак. Жўхориюяни устма-уст ташласа бўлмайди. Моғор босиб, чириб кетади. Кўкламда, илик узилди кунларига мол эмсиз қолади. Бостирма туйнугидан кирган совуқ шамол тинимсиз изиллайди.

Оймим томорқа эшигидан киришимни пойлаб туради. Қўлимдаги жўхориюяларга ёпишиб, бостирмага ташишга кўмаклашади. Кўриб турибман, бобомнинг олдига боришга қўрқаяпти. Кўзига кўринса сўкиш эшитади.

Қиш — мисоли ёмон касал. Келиши осон, кетиши қийин. Биз биринчи қор ёғиши билан шунчалик қийналиб қолдик. Кимсан акам нима қилаяпти экан?... Уёқларда туп деса тупук яхлармиш...

Ниҳоят ҳамма жўхориюяни ташиб бўлдик. Ҳаво совуқлигига қарамай терлаб, бўкиб кетган бобом, очиққан экан шекилли, қошиқ солишга сабри чидамай, олдидаги гўжани косаси билан кўтариб, ҳўриллатиб ичиб қўя қолди.

— Яна сузиб келайми? — деди оймим унинг кўзига тикилиб.

— Эрталабга қолсин! — бобом товоқ тагини яларкан, тушунтирди: — Гўжанинг совуғи жа ичишли бўлади.

— Оқсоқолникига чиқасизми? Зарил иши бор экан.

— Оббо! — баданига энди иссиқ ўтган бобом роҳати бузилганидан ғаши келиб баттар ижирғанди. — Шу Оқсоқолам ғирт аҳмоқ одам-да! Нима иши бор экан, ярим кечада! — шундай дедию бари бир сандалдан суғурилиб чиқди.

— Идишларни ювақол, болам! — деди оймим менга қарамай.

Чиқиб кетаётганимда чол-кампир пичир-пичир қилаётганини сездим. Бобомнинг «А?» дегани қулоғимга чалинди. Тағин нима гап? Мендан яширадиган нима сирлари чиқиб қолди яна?

Хаёл билан ним қоронғу ошхонага кирганимни биламан, сарпойчан оёғимга аллақандар нам, қитиқловчи жунли нарса урилди. Утакам ёрилиб, қўлимдаги товоқларни ташлаб юборай дедим.

— Пишт-е! — оёғимга суйкалган мушукни бир тепган эдим, бағиллаб уч қадамча нарига бориб тушди. Сакраб ҳовлига чиқиб кетди. Зум ўтмай ўша томондан бобомнинг товуши келди:

— Қани, маслаҳатлашиб кўрайлик-чи!

Яна қанақа маслаҳат? Кўнглим хижил тортиб, лип-лип чироқ ёғдусида товоқларни шоша-пиша ювдим, уйга кирдим. Бурчакдаги сандиқни очиб

атрофига Кимсан акамнинг яккаю ягона оҳорли тўни, дўппилари, латта-пўталарни уйиб ташлаган ойим, ўтирган жойда елкаси оша қаради. Еттинчи лампа ёруғида юзи шодон қизариб кетган эди.

— Сенам ўзинга етгунча пишиқсан, — деди негадир кулиб. — Қиз бола шайтон бўлади, дегани шу-да!

— Нега унақа дейсиз?

Ойим ўрнидан дик этиб турди.

— Вой-вой-вой, содда муғомбир-ей! — икки қўллаб юзимдан ушлаб кўзларимга тикилди. Кўзларида қувноқ табассум аралаш меҳр бор эди. Шунинг учун совчи келса бир сапчиб тушаётган экансан-да!

Икки юзим ловуллаб ёниб кетаётганини сезиб турар, кўзимни қаёққа яширишни билмасдим.

— Шу гапни ўзимга айтсанг бўлмасмиди, шайтон қиз?! — деди ойим, эркалаб.

— Улардан хат келдимиз?

— Келди-келди! — ойим тағин кулди. — Сен ўқийдиган хатмас. Қиз болага уят бўлади.

Бутун вужудимда ширин бир титроқ турди. Беихтиёр ойимнинг қўлидан юлқиниб чиқиб бериги уйга кирдим. Деразанинг буғланиб қолган ойнасини артиб ҳовлига қарадим. Вақт ярим кечадан ошган бўлса ҳам ташқари ёруғ эди. Боягина етимчалардек дийдираб турган гултожихў-розлар ҳам, молхонанинг қор босган томи ҳам кўзимга оламжаҳон бўлиб кўринар, қор деган нарса шунақа покиза бўлишини, қиш деган нарса шунақа иссиқ бўлишини биринчи марта кўриб турганимга ўзим ҳайрон эдим. Оёғимга сўйкалган мушукнинг ҳўл елкасини силадим. Мунча юмшоқ! Қор мунча тиниқ! Ҳаммаёқ ёп-ёруғ! Шунақанги ёруғки, кашта тикса бўлади! Хаёлимга шу ўй илиниши билан тахмондаги қутини титкилашга тушдим. Мана, янги қийиқча!

Нинадан ип ўтказишга анча қийналдим-у, парво қилмадим. Зарари йўқ. Ипак қалин бўлади-да, ўзи. Ана, бўлди! Дераза ёруғ! Чироқ керакмас. Қорнинг ўзи ёритиб турибди.

Дераза тагига ўтирганча зангори қийиқчага қизил ипак билан «К» «Р» деган ҳарфларни босишга киришдим. Ойим, мени ухлаб қолди деб ўйладими, уялтиргиси келмадими, ҳайтовур буёққа кирмади. Сезиб турибман: нариги уйда чироқ ёниқ. Ойим бобомни кутаяпти. Ним қоронғида кашта қинғир-қийиқчи чиқди. Нима бўпти? Кимсан акам келса айтаман. «Қор ёруғида тикканман» дейман. Кимсан акам ҳайрон қолади.

Ниҳоят, ҳовли томондан қорнинг ғирчиллагани, бобомнинг айвонга чиқиб, гурсиллатиб ер тепгани эшитилди.

— Онаси! Пайшанбага хабар қилавер!

Ҳозир ойим кириб келишини билиб, қийиқчани қутига яширдим-да, совиб қолган сандалга оёғимни тикқанча ўзимни ухлаганга солиб ётиб олдим. Ташқарида, дераза ортида оппоқ, тип-тиниқ тонг отиб келар эди.

САККИЗИНЧИ БОБ

«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

Қизимга она — ўғлимга қайнонаман

Робияни тонг отмасдан ишга жўнатдим. Ўлар энди, қиз бола ўзининг «маълум оши»да ўзи ўралашиб юрса. Қўни-қўшни «учиб-қўниб» турган экан, демайдимиз?

Кимсанимни кузатган ўша саратон кунидан бери бунақа чиройли патир ёпмаган эдим. Қонда қолган буғдой уннинг ҳаммасини қордим. Чолимнинг ўзи айтди. Эрталаб отамдан қолган энг катта бисотим — патгиламни эшакаравага ортиб бозорга олиб кетаркан, тайинлади:

— Ёғ солиб патир ёп, онаси! Ҳаммаси рисоладагидек бўлсин!

Нонни узаяпману нукул Кимсан билан гаплашаман. Мана, болам, ҳаммаси таомилдагидек бўлаяпти. Вой, бола-я, кўпайгур-а, кўнглинда-ку шу ният бор экан, кетаётганинда бир оғиз айтмайсанми? Шунақа, шунақа, ойи, менинг кўнглим Робияда, демайсанми!

Пешинга яқин Оқсоқолниқидан тўй келди. Ярим қоп гуруч, бир чирпит ёғ, бир қоп ун. Седана сепилган ҳолва, майиз, калла-қанд... Гилам пулига келган ёғ билан гуручни Оқсоқолниқига чолимни ўзи олиб бориб берувди. Ҳолва, майизлар қаёқдан пайдо бўлди? Оқсоқолнинг иши-да!

Чолим Кимсан келса оёғига сўймоқчи бўлиб юрган кўчқорни бўғизлади. Ўз кўли билан ош дамлади. Бир пасда анча одам тўпланди. Байрамларда киядиган мовут камзули устидан овсинимнинг иссиқ рўмолини белига боғлаб олган Оқсоқол айвонда ўтириб ҳаммага буйруқ берапти:

— Магизни мўлроқ сол, пакана! Эрингга ўхшаш қурумсоқлик қилма. Ҳолвадан ташла, ҳолвадан!.. Нега анграяпсан, Абзи? Самоварингни суви қуриб кетди-ку. Эритиб қўйсанг, нақд ўзингни тутантириқ қилиб ташлайман!

Патнисларга ҳолва ташлаётиб, разм солиб қарасам, Абзи ғалатиноқ кўринди кўзимга. Оқсоқол ҳазилашиб дашном берса, нукул таъзим қилади. Сарик киприкларини пирпиратиб, илжаймоқчи бўлади-ю, лаби титрайди. Ичиб олганми...

Оқсоқол патнис ташиб юрган Холпош овсинимга тегишади:

— Ҳой семиз, кўзинга қара! Йиқилиб-нетиб юрма тагин. Сени кўтариб олишинг ўзи бўладими?

Лўмбиллаб хизмат қилиб юрган овсиним шарақлаб кулади:

— Ҳамма кўтармасаям сиз борсиз-ку, чол! Менга жонингиз куймасин-да, ўзингизга қаранг. Белингизга шамол тегмасин!

— Ишинг бўлмасин, тегса меникига тегади, сеникигамас!

Ҳазил-ҳузул билан меҳмонларга патнис тарқатилди. Ошхонада сопол лаганларни ювиб ўтирсам айвон томондан Оқсоқолнинг суюниб ҳайқиргани эшитилди:

— Ие, ана, келин болаям кеп қолди!

Йўғ-е! Наҳотки Робия одамларни кўзига кўринса? Ҳайрон бўлиб ҳовлига чиқдиму Раънохонни кўриб қувониб кетдим. Келиним ҳалиям онасининг уйида бўлса керак деб ўйлагандим. Қаранг, ўзи кепти!

Югуриб бориб икки юзидан ўпдим.

— Билгандек келганингизни қаранг! Шомуроддан хат-хабар борми?

Келиним чиройли қундуз ёқали пальто кийиб олган, кўҳли кўзлари маъюс қулиб турарди. Упаётганимда димоғимга бинафша ҳиди урилди.

— Ҳозирча йўқ, — деди секин. — Тўйнинг устидан чиқиб қопман шекил!

— Жон келин, шошиб қолдик. Укангиз хат ёзибди. Робиянинг бошини боғлаб қўйинглар, дебди. Оқсоқолнинг маслаҳати билан шу ишни бугун қила қолдик. Хабар бермоқчи эдик, поччангиз бозорга кетди. Қайси куни Робия Кўтармага борса йўқ экансиз. Қудам тузукмилар?

— Шукр... — Раънохон майин жилмайди. — Кеча қайтдим.

Жуда дилбар-да, келиним. Аразлаб ҳам ўтирмади. Қундуз ёқали пальтосини ечиб ташлаб, дарров лаган ювишга тушиб кетди.

— Менга табелчилик қиласиз, дейишяпти, — деди лаганини қуруқ сочиққа арта туриб. — Майлими?

— Ким айтди?

— Раис, Умар ака...

— Яхши-да! — дедим чин дилдан суюниб. — Лойга беланиб кетмон чопгандан кўра табелчи бўлсангиз ёмонми, Раънохон! Саводингиз бор, ҳисоб-китобни биласиз...

Ош сузилаётганда поча-пўстин кийган Умар-закунчи ҳам келиб қолди. Ёнида Соли сўпоқ... Буғалтир сўпоқ бўлсаям яхши, бечора! Кетмончигами, сувчигами ҳақ тегмай қолса, нимага тегмаганини эринмасдан тушунтиради. Колхоз МТСдан қарздор бўлиб қолганини, тракторга жеросин

етмаганини, ҳосил яхши унмаганини... Хуллас, инсофли одам. Икковлари олдинма-кейин кириб келишлари билан одамлар янаям жонланиб кетди.

— Тўйлар муборак бўлсин! — деди Зақунчи чехраси ёришиб. Бошидан чақмоқ телпагини олган эди, қоп-қора сочлари чеккасига ёйилиб тушди. — Табриклаймиз! — У аввал айвонда ўтирган Оқсоқол билан, кейин чолим билан қўл олишиб кўришди. — Ака! — деди қор босган беҳи тагида турган Комил табибга қамчи билан имо қилиб. — Ташқарига чиқинг, гап бор!

Комил табиб эшикка йўл олди. Бир оздан кейин икки букчайиб қоп орқалаб кираётган эди, Оқсоқолнинг кўзи тушиб, зардаси қайнаб кетди:

— Ҳой сўпоқ! — деди қўлини пахса қилиб. — Аканг тенги одамга қоп орқалатгани уялмайсанми? Хирсдай кучинг бор. Ол ўзинг!

Оқсоқол Комил табибни қаттиқ иззат қилади. Луқмони ҳақимнинг нафаси теккан дейди. Бугун Нўғайқўрғонда фақат шу одамни сизлаб гапиради. Табибнинг ўзиям чақалоқ болагача «сизлайди». Чолимнинг айтишича, табиб сигирини ҳам сизлаб чақираркан. «Чу» демай, «чуинг» деркан...

Соли сўпоқ «хўп бўлади» деб ўша томонга пилдиради. Пак-пакана, семиз гавдасини лапанглатиб табибнинг ёнига борди. Қўярда-қўймай елкасидан қопни олди.

— Мана бу — бошқа гап! — Оқсоқол хижолат чекиброқ туриб қолган табибни чақирди. — Баққа келинг, Комилбой. Жойингизни билиб ўтиринг.

Шляпаси қийшайиб кетган Соли сўпоқ қопни айвон тагида тираб қўйди-да, терлаб-пишиб яна бир қоп нарса орқалаб кирди.

— Совет жангчисининг тўйига колхоздан совға! — деди Умар-зақунчи тантана билан. — Ватанимиз учун жон фидо қилаётган аскардан биз ҳам ҳеч нима аямаймиз. — У чолимга қараб кулиб қўйди. — Бир қоп ун, бир қоп гуруч! Правление номидан.

Чолим шошиб қолди.

— Ўтиринг, раис, ўтиринг, — деди икки қўлини кўксига қўйиб. — Ҳозир ош сузамиз.

Умар-зақунчи Оқсоқол билан Комил табибнинг ёнига, айвонга чиқди. Қозон очилиши билан ҳовлини ош иси тутиб кетди. Чолим яхлит гўштларни капгир учига илиб олиб, тоғорага солаётган эди, Оқсоқол ўтирган жойида мўйловини бураб қўйди.

— Бугун қўшалоқ байрам, Дума! Эшитдингми, аскарларимиз немисни Волга-Масков каналининг нариги бетига улоқтириб ташлашибди.

Умар-зақунчи Оқсоқолнинг елкасига қўл ташлади.

— Оқсоқол — маладес! Ҳамма нарсадан хабардорсиз-а!

Оқсоқол унга қарамай, чолимга буюрди:

— Ошнинг олдини тоғорага бос! Сергўстроқ бўлсин. Устига патир қўй. Ҳолва билан магиздан тугунга ўрагин-да, омборга пиёз тозалаб ётганларга юбор!

Чолим тоғорага ош босди. Патир, ҳолваларни алоҳида тугунларга ўраб, қўлига бердим. Эшакарава қорда чуқур-чуқур из қолдириб йўлга тушганидан кейин ҳовлига кирсам, Комил табиб лаганларга ош сузиб тарқатапти.

Кўп ўтмай Оқсоқолнинг асабий овози гулдиради:

— Чой! Ухлаб қолдингми, абзи! Меҳмонларга чой бермайсанми?

Раънохон ошхонадан чиқиб, югуриб олдимга келди.

— Оқсоқол чой сўраяптилар.

— Вой ўлсин, Абзи қаёққа кетди?

Беҳи тагида қайнаб турган самовар олдига борсам, Рашид абзи йўқ. Каттакон мис самовар устида олтита чойнак тумшуғини тумшуғига тираб, териб қўйилибди. Жўмракни бураган эдим, сув жилдираб тушди. Шоша-пиша чойнакларни хонтахта устига қўйиб, самовар қопқоғини очсам, тагида икки қултум сув қолибди. Яхшиям эриб кетмагани! Абзининг бунақа одати йўқ эди-ку! Ичиб йиқилиб қолдим, нима бало!

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

«Шумқадам» абзи

Из тушмаган қордан юришнинг гашти ғалати бўлади. Ҳамма ёқ жимжит. Йўл четидаги қор босган толлар турмушнинг баланд-пастини кўравериб, ҳар қандай мушкулотни хотиржамлик билан кутиб олишга ўрганиб кетган қариялардек оппоқ бошини қуйи солганча ўйга чўмган. Хўроз қичқирмайди, қушлар чирқилламайди. Фақат идора яқинидаги МТС томондан якка тракторнинг ўқтин-ўқтин гупиллагани эшитилади. Пастак деворлар ортидаги тандирдан зоғора ҳиди анқийди.

Бугун бизникида зоғора эмас, патир ёпиляпти... Бир пасдан кейин уйимизга одамлар йиғилади. Ойим айтгандек «ирим-сирими»ни қилишадиди-да, бутун қишлоққа хабар тарқалади: «Робиянинг боши боғланди». Қизик, «боши боғланди...» Ғалати гап-а!

Омборга етиб келганимда кун ҳали ёришмаган, аммо олисдаги тоғлар қирраси ҳаво очиқ бўлишидан дарак бериб гунафшаранг тусда товланиб кўринарди. Колхоз омбори — томи сомонсувоқ қилинган пастак, узун бостирма. Қамиш босилган том ҳар йили қайта-қайта сувалаверганидан қалин тортиб кетган: ярим газ келади. Бунинг устига қор ёғиб, томни янаям қалин қилиб юборган. Биров пахса деворга ҳазиллашиб туртиб юборса, аzza-баzza босиб қоладигандек. Арава сиғадиган дарвозаси бор. Дераза ўрнига қинғир-қийшиқ тахталар қоқиб қўйилган. Нарироқда тунука томли идора. Идора рўпарасида чойхона. Ҳовуз атрофидаги қор босган толлар устида қарғалар чарх уриб қағиллайди. Ундан нарида Умарзакунчининг тунука томли уйи. Берироқда атрофи пахса девор билан ўралган МТС ҳовлиси. Бояги трактор йўтал тутган одамдек ора-чора гуп-гуп қилиб қўяди, аммо муттасил тарилламайди. Уша томондан осмонга ўқтин-ўқтин кўкимтир тутун кўтарилади. Омбор дарвозаси юзига ёпиб қўйилган экан. Тоб ташлаб қолган дарвозанинг бир тавақасини очгунча ҳарсиллаб кетдим. Тагини қор босиб қолибди. Энди ичкари кирмоқчи эдим, идора пештоқидаги тўртбурчак қора карнай қитир-қитир қилди. Ҳаммага таниш бўлиб қолган йўғон, салобатли овоз эшитилди. Совет Информбюросининг қирқ биринчи йил йигирма тўққизинчи ноябрь ахбороти эълон қилинди. Демак, кечаги ахборот. Диктор душман танк қисмлари Яхрома деган жойда Волга-Москва канали кўпригидан ўтишгани, аммо бизнинг қўшинларимиз фашистларни каналнинг нариги бетига улоқтириб ташлаб, қарши ҳужумга ўтишганини айтди. Негадир найзали милтиқ кўтариб, қор босган далада душманларни қувиб кетаётган Кимсан акам кўз ўнгимга келди. Бизникилар ҳужумга ўтган бўлса, бундан чиқди, бир-икки ойда узоғи билан баҳорда уруш битади. Кимсан акам келади-да, кейин...

Юрагим ширин орзиқиб кетди. Майли, ойим уялтирсаям майли, бугун Кимсан акамнинг хатини бари бир сўраб оламан. Адресини биламан-да, яна хат ёзаман.

Совуқ, зах омборга киришим билан пиёз иси димоғимга урилди. Омбор ичи ним қоронғи. Рўпарадаги дераза ўрнига қоқилган тахталар орасидан тарам-тарам ингичка нур тушиб турар, аммо омборни ёритишга ожизлик қиларди.

Бир муддат туриб қолдим, кўзим қоронғиликка ўргангандан кейин омборнинг бир бурчагида тоғдек уюлиб ётган пиёз, нариги бурчагидаги карамларни илғадим. Пиёз тўдаси ёнида қанор қоплар тахлаб қўйилган эди. Бугун пиёз саралаймиз. Йиригини қопга солиб тайёрлаб қўямиз, фронтга жўнатишади, данакдек майдаларини уруғликка ажратамиз.

Қоплардан бирини тагимга ёзиб энди пиёз саралай бошлаган эдим, дарвозадан тушиб турган нур хиралашди.

— Қайси бирингсан, хой? — деган кескин товуш эшитилди.

Танидим. Башор опа! Дарвоза олдида қўлини белига тираб турибди. У чапанича катта-катта қадам ташлаб, тепамга келди. Димоғимга лампамой ҳиди урилди.

— Улсин мотор ўт олмаяпти! — деди ёнимга чўнқайиб, — МТСда ўзимдан бошқа ҳеч зот қолмади. Нима бало, булар мени эркак, деб ўйлайди шекилли!

Башор опа — шаддод хотин. Унча-мунча эркакни бир чўқишда қочиради. Нўғайқўрғонда биринчи бўлиб трактор ҳайдаган аёл ҳам, Йўлдош отанинг қўлидан мақтов қоғоз олган ҳам шу.

Ойимнинг айтишига қараганда, у ёши ўттизни қоралаб қолгунча ҳам эрга темабди. Бир марта совчиларни олдига солиб қувлагандан кейин юзидан атир ўрнига лампамой ҳиди анқиб турадиган, қайнонасини токчага чиқариб қўядиган бунақа келинни ҳеч ким ҳавас қилмай қўйибди. Сўфинамо отаси, мусичадек беозор онаси «қиз кўргунча туз кўрсам бўларкан» деб куёвдан умидини узганида Башор опа Тошкентга серқатнов бўлиб қолибди. Бир кун кош-кўзи қоп-қора суқсурдай йигитни бошлаб кепти-да: «Шу йигит сизнинг куёвингиз бўлади. Кўнсангиз узатинг, кўнмасангиз ҳозир куёвингиз билан қочиб кетаман», дебди. Сўфинамо ота: «Эл-юрт ўртасида шарманда қилдинг», деб соқолини юлибди. Она бечора: «Оқ сутимни оққа, кўк сутимни кўкка совурдим», деб йиғлабди. Башор опа пинагини бузмай сабзи тўғраётганмиш. Куёвни подшолар ҳам сийлаган. Ош дамлаш керак-да, ахир. Ота-она тақдирга тан бериб, раисни маслаҳатга чақирибди. Оқсоқол индамай чиқиб кетибди-да, жума куни фалончиникида тўй, деб ҳаммага айтиб чиқибди.

Башор опа урушгача Почча билан иноқ яшар эди. Ичкуёвнинг отини ҳеч ким билмас, каттаю кичик ҳамма Почча деб чақирарди. Поччани мен ҳам кўрганман. Колхозда дуч келган ишни қилиб кетаверарди.

Ҳар кимнинг ўзига яраша ташвиши бор. Башор опа ўн йил турмуш қуриб бола кўрмаган. Икки ойча бурун Почча ҳам урушга кетди. Одамларнинг гапига қараганда, Башор опа эрини вагонга чиқара туриб: «Гитлерни ўзини ўлдириб, хотинини банди қилиб обкемасангиз, сиздақа эрни уч талоқ қўйдим. Гитлернинг хотинини чўри қилиб ишлатмасам, хумордан чиқмайман!» — деб тайинлаганмиш.

Омбор энди сал ёришганда Фотима-Зухра келинлар бошлашиб келиб қолишди. Фотима келин елкамга қоқиб кўришаркан, сирли жилмайди.

— Моро бўлсин, пошша қиз!

Зухра келин қопқора кўзини қисиб қўйди. Уялиб Башор опага қарадим. Ҳозир аския қилади. Зухра келин «гапирма» деб опасига имлади шекилли, Фотима келин жиддий тортиб ёнимизга чўкди.

— Трактор юрмай қолдими? — деди Башор опага юзланиб.

— Сенлар қарашмаганингга юрмаяпти!

— Вой-вой-вой! — Фотима келин ҳуркиб ўзини орқага ташлади. — Мен тракторнинг ёнига бороларканманми?

— Улмайсан! Эринг ҳайдаган тракторни сен ҳайдолмайсанми? Сен Шокир аканг минган тракторни оласан, сен, — у Зухра келинга юзланди, — Зокир акангникини. Ҳарна иккита ёрдамчи бўлади.

— Йўғ-е, — деди Зухра келин бош чайқаб.

Дарвозанинг очиқ тавақасида тагин бир соя пайдо бўлди. Гап узилиб қолди. Уша томондан Парча опанинг дўриллаган овози келди.

— Ассаломалайкўм! Ҳормайла!

— Утир! — Башор опа унга бурчакроқдан жой кўрсатди. — Вой, жонингни қадрини билмай ўл! Ерга ўтирсанг ҳам ҳеч бало қилмайди. Ёғинг кўп сани!

Ҳазил-ҳузул билан бирпасда аллақанча пиёзни қанорларга жойладик. Иш қийин эмас, фақат омбор зах, бунинг устига ачиган карам билан пиёз иси димоқни ёради. Ҳаво илиқ бўлсаям, бари бир қорнинг захри бор. Қимирламай ўтирганимиз учун тиззаларимиз увишиб қолган... Охири ҳаммамиз жимиб қолдик. Чамаси, ҳар ким ўзича хаёл сурар, ҳар ким олисларда юрган ўз одамини ўйлар эди.

Димоғимга
урилди
лампамой
ҳиди
урилди
Родина
23.02.2023
У. ХОШИМОВ
◆ ИККИ ЭШИК ОРАСИ

Ярашганда
сирли жилмайди
Моро бўлсин!
пошша қиз!

Башор опанинг юраги сиқилиб кетди шекилли, атайлаб шанғиллади:
 — Тўйни қачон қиламиз энди, Парча?
 — Кимнинг тўйини этвоссиз, опа?
 — Вой, ўзингни соддаликка солмай... — Башор опа муғомбирона кулимсиради. — Рашид абзи совчи қўйибди-ку, сенга!
 Парча астойдил ажабланди. Кейин қўлидаги муштдек пиёзни қопга ташлаб қўл силтади:
 — Э, бўмийди опа!
 Башор опа астойдил жаҳли чиққандай хитоб қилди:
 — Вой кўнглингни кўчасидан ўргилдим. Унда Закунчига оберай? Ажаб, ҳеч аразламайдиган Парча опа бирдан тўрсайиб олди.
 — Керакмас! — деди йиғламсираб. — Кўзи ёмон!
 Гап яна узилди, пиёзнинг шитир-шитири авжига чиқди. Ачиган карам иси димоққа урилди. Ташқарида кун ёйилиб кетганига қарамай, совуқ забтига олиб, оёғимга сўзак кира бошлади.
 — Адасини туш кўрибман, — деди бир маҳал Фотима келин. Овози негадир ғамгин эди.
 Башор опа гапга мавзу топилганидан севиниб шодон кулди.
 — Тўғрисини айт: нима қилаётганмиш эринг?
 Фотима келин ерга қаради. Лўппи юзи қизарди. Башор опа қаҳ-қаҳ уриб кулди.
 — Рост-да, эрини соғинган хотиннинг тушига нима кирарди!
 Омборнинг қамишлар осилиб ётган шифтини кўтариб юборгудай кулги янгради.
 — Узингиз Поччани ҳар куни шунақа туш кўраётгандирсиз-да! — деди Зухра келин бижиллаб.
 Башор опа тўсатдан жиддий тортди.
 — Қанийди-я, поччанг ёнимда бўлса, — деди хўрсиниб. — Ҳар куни ўн марта деса, ўн марта ош қилиб берардим. Уз қўлим билан едириб қўярдим. Сув иситиб, оёқларини ювардим. — У бошини ҳам қилиб ух тортди. — Қанийди олдимда бўлса!..
 Ташқарида от кишнади. Дарвозадан Умар-закунчи кириб келди. Бошида чақмоқ телпак, эғнида ихчам почапўстин, қўлида қамчи.
 — Ҳорманглар-ов! — деди тетик оҳангда. — Настроена зўр-ку! Демак, иш беш!
 Раиснинг ҳурмати учун ўрнимиздан турдик. Парча Башор опанинг бояги нияти эсидан чиқмаган экан шекилли, қайлиғидан уялган келинчақдек омбор бурчагига лапанглаб қочди. Башор опа ўрнидан турмаса ҳам бир қўзғалиб қўйди.
 — Ие, сиз ҳам ҳашарга келдингизми? — деди Закунчи унга қараб. — МТС нима қилади сизсиз?
 — Мен-ку, ҳашарга доим келаман! — Башор опа унинг кўзига тик қараб таъкидлади. — Сизлар ҳам ҳашар қилмасанглар бўлмайди. Менга иккита ёрдамчи керак.
 — Билмадим! — Умар-закунчи юзини ўгирди. — Закун бўйича МТС — мустақил ташкилот.
 — Мустақил бўлгани билан трактор колхознинг ерини ҳайдайдими? — деди Башор опа кескинлик билан.
 — Билмадим! — Закунчи тез-тез юриб нари кетди. — Тезроқ қимирланглар! — деди дарвоза олдида тўхтаб. — Эртага фронтга бир вагон пиёз жўнатамиз.
 Ташқарида от туёқларининг қорга бўғиқ урилиб дукиллаши эшитилди.
 — Э, ўл, закун-пакунинг билан! — деди Башор опа энсаси қотиб. Тракторни томорқамга обориб ишляпманми, олифта-қуруқ!
 Қизиқ, Закунчи келиб кетиши билан орага ғашлик тушди. Башор опа Парча опага ҳазил қилиб, бир-икки гап отди-ю, лекин суҳбат илимади.
 — Ҳой, ким бор!
 Бобомнинг товушини таниб бир сапчиб тушдим. Фотима-Зухра келинлар менга ярқ этиб қарашди. Башор опа ўрнидан тургунча дарвозада эски қулоқчин кийган бобом кўринди. Қўлтиғида каттагина тоғора. Бир

қўлида тугун. Димоққа ош иси урилди. Башор опа сўрамаса ҳам, бобом тушунтирди:

— Тўй, Башоратхон, тўйни бошлаб қўйдик! Робияга тўй келди, Кимсанга унаштирдик.

Нима қилишимни билмай қолдим. Ташқарига қочиб чиқай десам, дарвоза олдида бобом турибди. Боя Парча қочиб борган бурчакка ўзимни урдим. Башор опа бир зумда шундай ернинг ўзига дастурхон ёзди. Бобом кетиб бўлганини билиб, энди қочиб қолмоқчи эдим, Башор опа қўлимдан маҳкам тутди.

— Эрга тегишга уялмаган, ошини ейишга ноз қиласанми, қиз тушмагур, ўтир бундоқ!

Лаган тўла зарчавали сап-сарик ошга Парча шоша-пиша қўл чўзган эди, Башор опа билагига қарсиллатиб туширди:

— Шошма, нафсинг қургур, аввал патирдан е, ҳолвадан оғзинга сол. Кейин ҳамма ош сеники!

Қорним очиб кетган бўлсаям, ошдан бир-икки чўқиб қўлимни артдим. Башор опа пиёз ҳиди анқиб турган лаблари билан икки юзимдан қаттиқ ўпди.

— Бахтли бўл, жон синглим. Қайлиғинг омон-эсон келсин!

Қоронғи тушиб, одам одамни ажратолмайдиган бўлиб қолгунча пиёз тозалаб, қанор қопларга жойладик. Чамамда, ҳаммамизнинг кайфимиз чоғ эди. Башор опа увишиб қолган оёқларини уқалаб ўрнидан тураётганда Парчага дашном берди.

— Ноз қилмасдан Закунчига тега қолсанг-ку, сениям ошингни ердик.

Парча қоронғида дўриллади:

— Ош емасамам майли, кўзи хунук!

Бўшаган тоғорани дастурхонга ўраб кўтараётган эдим, Фотима келин қўймади.

— Ўзим, келинпошша, — деди кулиб. — Сизни аяш керак, нима қилсаям келинсиз...

Учаламиз тизилишиб йўлга тушдик. Кечки изғирин турган, совуқ эди. Қор дарров музлабди. Оёқ ости ғичир-ғичир қилади. Осмон тип-тиниқ, йирик-йирик юлдузлар совуқдан титраб йилтирайди. Қишлоқ жимжит. Олисда — разъезд томонда поезднинг тарақа-туруқ овози келади. Қани ўша поездга осилиб олсаму Кимсан акамнинг олдига обориб қўйса. «Айтганингиз бўлди. Кимсан ака, кўнглингизни тинч қилинг, энди менга совчи келмайди», десам.

Қоронғи бўлса ҳам Оқсоқолнинг қўшқанот дарвозаси олдида турган отни узоқдан танидим: Умар-закунчининг оти! Парво қилмадим. Нима қипти. Умар-закунчи Оқсоқолнига келгандир-да!

Аммо Фотима келин тоғорани биқинига босганча негадир хавотирланиб синглисидан сўради:

— Тинчликмикан, Зўра?

— Билмасам, — деди Зухра келин ҳам овози титраб. — Бунақа пайтда келадиган одати йўқ эди-ку!

Музлаган қорни ғарч-ғурч босганча қадамимизни тезлаштирдик. Дарвозага яқин келишим билан дилни ўртаб юборадиган фарёд қулоғимга ўқдек кирди.

— Вой, боле-ем! Қўшмозор бўлган боле-ем!

Фотима келин тоғорани қорга улоқтириб ичкарига отилди. Кетидан Зухра келин, ундан кейин мен ҳовлига чопиб кирдим. Айвон тоқчасида фонус хира ёниб турарди. Холпош хола сочларини ёйганича, айвонда оёғини узатиб ўтирар, тиззасига муштлаб додлар эди.

— Қўшмозор бўлган бол-е-ем!

Бир томондан Фотима келин, бир томондан Зухра келин қайнонасини қучоқлаб олишди. Холпош хола гоҳ у келинига, гоҳ бу келинига талмовсираб қаради. Аммо иккаласини ҳам танимади шекилли, яна тиззасига шапатилади.

— Уйинг куйгур Рашид абзи! Боланг ўлгур Рашид абзи!

Фотима келин «А?!» деб қисқа хитоб қилди-да, шилқ этиб айвон

тагига, қори куралган ерга йиқилди. Зухра келин қайнонасини ёқасига ёпишиб, кучи борича силкита бошлади.

— Нима бўлди, айтинг! — деди чинқириб. — Нима қилди?

Бусиз ҳам чайқалиб ўтирган Холпош хола кўзи олайиб, ёнбошига ағдарилди. Зум ўтмай хириллаб нафас ола бошлади, Зухра келин тўсатдан бошидаги рўмолини юлқиб ташлади. Икки қўллаб сочини юлганича ёввойи овозда чинқираб юборди.

— Зокир ака-а-а!

Ҳушим жойига келганда Фотима келиннинг бошида «Ойи, туринг, ойижон» деб чирқиллаётган Ойпопукка кўзим тушди. Энди йўлга кирган Тоҳир эса иштончанг айвон бурчагида совуқдан дийдираб турарди.

Ерпарчин бўлиб ётган Фотима келинни кўтаришга кучим етмади. Юзига қор ишқалаган эдим, амаллаб кўзини очди.

— Туш кўрмай мен ўлай, — деди инграб. — Бешик кўрмай мен ўлай!

Қор обкелиб аввал Холпош холага, кейин Зухра келинга сурдим. Холпош хола ингради:

— Шокир! Зокир! Болажонларим!

Нариги уйдан аввал ёқавайрон Ориф оқсоқол, кетидан ранги ўчган табиб билан Умар-закунчи чиқиб келишди.

— Подадан бурун чанг кўтарма! — Оқсоқол хотинига дағдаға қилди. — Аниқлаймиз! Ҳаммасини аниқлаймиз! Керак бўлса Калининнинг ўзига бораман. — У сўзини тасдиқлаб олмоқчи бўлгандек табибга қаради. Абзи хато қилган. Адашиб бошқа хатни олиб келган. Мени ўғилларим бекорга ўлиб кетадиган болалармас.

Холпош хола тагин фарёд чекди.

— Бир эмас, иккитасидан баравар ажралсам-а!

Иккала келин икки ёқда дод солишар, Ойпопук Фотима келинни қучоқлаб «Ойи дадамга нима қилди!» — деб чинқираб, даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйган кичкинтой Тоҳир эса совуқдан дийдираб анграйиб турар эди.

Нима қилишимни, кимни овутишнйам билмасдим. Аллақаердан ойим пайдо бўлди. Югуриб келиб Холпош холани қучоқлади.

— Ўзингизни босинг, овсинжон! — деди ўзиям йиғлаб. — Адашган, овсин, почтачи адашган.

«Почтачи» деган сўз қулоғига чалиниши билан Холпош хола баттар чинқирди.

— Уйда йўғимизда Попукка ташлаб кетибди. Сизникида юрганимда ташлаб кетибди!.. Ҳалигина қандоқ хурсанд эдим-а! Овсиним тўй кўрди, деб қандоқ суюнган эдим-а, овсинжон! Қўш боламдан айрилиб қолавераманми?

Фонус ёниб турган токчадаги ярим варақ кулранг қоғозга энди кўзим тушди. Худди қўлимни чақиб оладигандек, қоғозни қўрқа-пйса ушлаб фонусга тутдим. Қизиқ, русчани яхши билмасам ҳам хат мазмунини дарров тушундим.

Ёш қўйилиб келаётган кўзларимни артиб-артиб, босма ҳарфда ёзилган хатни ўқидим. «...Танк механиги сержант Зокир Орипов Москва остоналарида, Мединск районида бўлган шиддатли жангларда ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ватан, қаҳрамон жангчи Орипов хизматларини унутмайди. Капитан Максимов».

Хатнинг ҳаммаси босма ҳарфда, фақат «Зокир Орипов» деган сўзлар қўлда ёзилган эди.

Бундан чиқди, Зокир ака ҳалок бўлган. Бундан чиқди, Шокир ака тирик... Энди шуни айтиб, Холпош холани «суюнтирмоқчи» эдим, токчада ётган худди шунақа иккинчи қоғозни кўрдим. Қўлларим титраганча иккинчи хатни ҳам ўқиб чиқдим. Бунисиям худди биринчисига ўхшаган. Бунисига ҳам капитан Максимов қўл қўйган фақат «танк механиги сержант Зокир Орипов» деган сўзлар ўрнига «оддий ўқчи солдат Шокир Орипов» деб ёзилган эди.

Ориф оқсоқол «Бизнинг азаматлар битта танкда хизмат қилади» деб гапириб юргани эсимга тушдию ҳаммасини англадим...

Айвоннинг бир томонида Фотима келин: «Шокир ака!» деб дод солар, иккинчи томонида Зухра келин: «Зокир ака», деб оҳ чекар, Холпош хола эса ойимнинг қучоғида тебранганча ҳамон нола қилар эди.

— Уйгинанг куйгур, Рашид абзи! Шумқадам абзи!

— Абзида нима гуноҳ! — Оқсоқол шундай Ҳайқирдики, токчадаги фонуснинг пилиги липиллаб кетди. Доим Оқсоқолдан зириллаб турадиган Холпош хола ҳам, келинлари ҳам бу сафар эътибор беришмади.

Биринчи бўлиб Умар-закунчи ўзини ўнглаб олди. Фонуснинг пилигини кўтарган эди, айвон ёришиб кетди.

— Яхшимас, ўртоқлар... — деди юпатувчан оҳангда. — Бунақа дод-фарёд қилиш яхшимас. — У бир зум жимиб қолдию бошидан чақмоқ телпагини олди. — Начора, бу — ҳаёт-мамот жанги. Ундан кўра Шокир-жон билан Зокиржоннинг хотирасини...

Бирдан Оқсоқолнинг кўзида ўт чақнади. Назаримда мўйлови ҳам диккайиб кетгандек бўлди. Токчадаги телефон тутқични юлқиб Закунчига ўқталди.

— Йўқол, хотира-потиранг билан! — деди хириллаб. — Йўқол!

Умар-закунчи «мана бу овсарни қаранглар», дегандек елка қисиб чақмоқ телпагини бошига кийди. Айвон зинасидан тушиб кетаётганда Оқсоқол унинг кетидан ғазаб билан Ҳайқирди.

— Мени ўғилларим ўлмайди! Ориф оқсоқолнинг ўладиган боласи йўқ!

Оқсоқолнинг овози ҳам, қўллари ҳам, соқоли ҳам муттасил титрарди. Унинг «йўқол» дегани оғир ботди, шекилли Умар-закунчи ҳовлига тушиб бурилиб қаради.

— Нима қилайлик; Оқсоқол, — деди лабини буриброк, — уруш қурбонсиз бўлмайди, — у чирт этиб тупурдию дарвоза томон кетди.

Бобом бутун вужуди қалтираётган Оқсоқолни қучоқлади.

— Қўй, ўртоқ! — деди ялиниб. — Хатолик ўтган. Мени айтди дейсан, командири билмасдан ёзган.

Оқсоқол оғзини каппа-каппа очиб ҳансираб турди-да, кесилган дарахтдек шилқ этиб ерга ўтириб қолди. Табиб тиз чўкканча унинг қўлларини уқалай бошлади.

Бу қандай гап! Бу қандай адолатсизлик! Ҳалигина бизникида «маълум оши» бериб қувонган одамлар уйга кириши билан бошига тоғдек кулфат тушса! Ҳамиша ўзгаларнинг кўз ёшини артиб юрган Оқсоқол бугун ўзининг дардига даво тополмаса!

Ҳали бошимга бундан оғир кунлар тушишини, бундан баттар бедодликлар кўришимни, Кимсан акам иккаламизнинг ўртамизда синдирилган нон увол кетиб, ушатирилган ҳолва бекор бўлишини билмаган эканман.

Шу топда биров: «Беҳуда овора бўлаяпсан, суйганинг қайтиб келмайди, бир йил эмас, беш йил эмас, ўн йил кутасан-да, охири Кимсан аканг уёқда қолиб яхши кўрган янганг — Раъно келинойингнинг эрига хотин бўласан, севасанми-севмайсанми, вақти-соати етиб шу одамдан ўғил туғасан» деса, ўша заҳоти юрагим ёрилиб ўлган бўлардим.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

УНИНЧИ БОБ

КИЧКИНТОЙ МУЗАФФАР ҲИКОЯСИ

1. Суюнчи беринг! Ойим ўғил туғдилар!

Ойим икки ойдан бери касал эди. Қорни ўзидан-ўзи катта бўлиб кетаверди. Кир ювса, ҳовли супурса, дарров бели оғрийди. Эсимда, жийда гўллаган кунлари дадам унга қаттиқ тайинлади. «Энди ишга чиқма. Шу аҳволда трактор Ҳайдашни ким қўйибди сенга!»

Ойим ишга чиқмагани менга маза бўлди. Кун бўйи ёнида ўралашиб

юрман. Абдували иккаламиз ҳовлида роса тўполон қилиб ўйнаймиз. «Қора аммам» бизниқига деярли ҳар куни келади. «Шовқин солманглар, ойингни қулоғига ёқмайди,» деб чирқиллайди. Кечқурунлари айвонда ўтириб олиб, жажжи кўрпачалар тикади.

Бугун ойим жуда қийналди. Ҳовлида бостирма соясида ўрик еб ўтирган эдим, уйдан ойимнинг чинқиргани эшитилди. Қўрқиб кетдим. Чопиб уйга кирсам, «Қора аммам» ойимни қучоқлаб олибди. Ойим кўрпачада ўтирган ерида бутун гавдаси билан тебраниб ўзини уёқдан-буёққа ташлаяпти. Кўзлари юмук, лабини тишлаб инграйди, пешонаси терлаб кетган... Чопиб бориб бўйнига осилдим. Пешонаси муздек эди.

— Ойи! — дедим қўрқиб. — Ойи, нима қилди?

Ойим кўзларини ярим очиб илтижоли термулди.

— Жон болам, чиқиб кет! — деди ялиниб. — Жон болам, оҳ! Ойижон!

«Қора аммам» мени ойимдан нари сурди.

— Бор! — деди нафаси баттар ғижиллаб. — Дадангни чақир. Айт, Лазакат холангни топиб келсин. Дарров! — Уй ўртасида гарансиб турган эдим, аммамнинг жаҳли чиқиб кетди: — Борсанг-чи, тезроқ! Табиб бувангни хотинини айтиб келсин!

Ҳаллослаб чопганча чойхонага яқинлашиб қолган эдим, биров отимни айтиб чақирди. Қарасам — дадам! Елкасида кетмон, кўчанинг нариги бетида келаётган экан! Жонҳолатда бақириб юбордим:

— Дада! Ойим касал бўп қолдилар! Лазакат холани нақираркансиз!

— Нима? — дадам қаттиқ оқсоқланганча яқин келди. Ранги қув ўчиб кетди. — Ма, — деди кетмонни менга узатиб. — Чоп уйга! — У кескин бурилди-да, йиқилиб кетгудай оқсоқланганча катта йўлга югурди. — Ҳой! — деди анча нарига борганда тўхтаб. — Ҳеч кимга айтма. Ойинг касал бўлганини биров билмасин.

Ҳеч балога тушунмадим. Кетмонни елкамга олмоқчи эдим, кучим етмади, зил-замбил экан. Ҳовлимизнинг эшигига етгунча терлаб кетдим. Уша заҳоти орқа томондан дадамнинг ялинган овозда гапиргани эшитилди:

— Жон опа, худо хайрингизни берсин, тезроқ!

Қарасам, дадам оқсоқланганча шу томонга чопаяпти. Ун қадамча нарида дока рўмоли елкасига тушиб кетган Лазакат хола келаяпти. Дадам, қўйиб берса Лазакат холани қўлидан судраб чоптириб кетадигандек важоҳатда.

— Тезроқ! — деди ҳам жеркиб, ҳам ялиниб.

— Вой, укам, ваҳима қилманг. Бу савдо ҳар хотиннинг бошида бор.

Биламан, Олимжон акамнинг ойиси-да! Яхши хотин. Табиб буванинг ўзига ўхшаган юмшоққина. У пилдираб эшикдан кириб бораркан, дадамга тайинлади.

— Кирманглар! Эркакни кўрса тўлғоқ қочади.

Дадам эшик олдида серрайиб туриб қолди. Ҳансираб нафас олар, кўзлари бежо, аммо ҳовлига киришга журъат этолмасди.

— Бор гугурт опчиқ! — деди чўнтагини титкилаб.

Чопиб, ҳовлига кирдим.

«Қора аммам» билан Лазакат хола бир нима деб юпатишди шекилли, ойим жимиб қолди. Ним қоронғи ўчоқбошида ётган гугуртини пайпаслаб топдим. Ҳовлига отилиб чиқишим билан ойимнинг чинқириғи қулоғимни тешиб юборай деди.

— Ойижон! Рози бўлинг!

Йиғлагим келди-ю, йиғлай олмадим. Даҳшат ичида ташқарига югурдим. Чиқсам дадам ёнғоқ тагида ўтирибди. Кетмонни тик қилиб, бандини икки сони орасига қисиб олган. Ёнғоқ остидаги харсангтошга кетмонни қўйиб, қўлидаги яна битта тош билан кетмон юзини тарақлатиб уряпти.

Кетмон юзи бирпасда чўтир бўлиб кетди. Ичкарида ойим чинқирган сайин дадам кетмонни қаттиқроқ савалайди. «Жанг-жанг», «жанг-жанг» деган товуш қулоқни тешиб юборгудек бўлади.

Бир маҳал ичкаридан «инга-инга» деган ингичка, ожиз овоз келди. Қизиқ, дадам ҳеч нимани сезмаяпти, ҳеч нимани эшитмаяпти; деб ўйлаган эдим. Йўқ, ҳаммасини билиб турган экан. Бирдан қўлидан тош тушиб кетди. Кетмонни улоқтириб, қаддини ростлади. Терлаб кетган, мўйлови титраб турарди.

— Югур! — деди бақириб. — Э, тўхта! — Шимининг чўнтагига қўл солиб, шалвираб кетган ҳамёнини олди, титроқ қўллари билан кўкиш қоғоз пул чиқарди. — Ма! Доя холангга бер!

Пулни олиб ҳовлига югурган эдим, эшик олдида аммамга урилиб кетдим.

— Ўғил! — деди «Қора аммам мени» нари суриб, дадам томонга югураркан. — Битта ўғлинг иккита бўлди, укам! Муборак бўлсин!

Дадам шу томонга талпинган эди, оёғи панд берди шекилли, қалқиб кетди. Аммам, муштдеккина бўлса ҳам бақувват экан, дадамни ушлаб қолди. Дадам негадир кафти билан юзини тўсди.

— Отини Омон қўямиз! — деди овози титраб. — Омон бўлсин, опа. Умри узоқ бўлсин.

2. «Паҳлавон»нинг бешиги

«Қора аммам»нинг маслаҳати билан ўша заҳоти кўчага югурдим. — Суюнчи беринглар! Ойим ўғил туғдилар!

Энг аввал Абдувалиларникига кирдим. Билиб қўйсин, энди бизнинг ҳам укамиз бор. Ўғил укамиз! Отини Омон қўямиз!

Абдувалининг ўзига ўхшаган сариқ ойиси дўппимга ўрик тўлдириб берди.

— Хайрият-ей! — деди суюниб. — Омон-эсон қутилибди, бечора!

Ўрик тўла дўппимни маҳкам ушлаганча чойхона томонга чопиб кетаётсам, кетимдан Абдували ҳам етиб олди. Унинг ойиси туғмаган-у, бари бир суюнчига шерик бўлмоқчи. Майли, шу қилганига дадасининг сартарошхонасига кириб, суюнчи сўрайман.

Туя амаки иккаламизга биттадан йигирма тийинлик берди. Илҳом чойхоначи бўлса жудаям сахийлик қилиб юборди.

— Ие, гирой, сиз укалик бўласизу бизни суюнчидан қочирасизми? — деб менга кўк, Абдувалига сариқ пул тутқазди.

Укали бўлиш яхши экан! Бирпасда анча-мунча нарсалик бўпқолдим. Чақа пул, танга пул, қоғоз пул... Қўйним туршак билан ёнғоққа тўлиб кетди.

Ўша куни Қора аммам чақалоқни «паҳлавондек» деб мақтаганида укам камида дадамдек бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, кичкинагина. Ўзи кичкина-ю, овози баланд. Биттаям қоши йўқ. Гаврапўшни кўтаришим билан, митти кўзларини очиб, мени кўрадию овуниш ўрнига баттар йиғлайди. Оғзида биттаям тиши йўқ. Ойим келиши билан овуниб қолади. Кичкина бўлиб ойимни танигани-чи!

Ойим бешикни секин-секин тебратади. Бешик муттасил ғирчиллайди...

Ойимнинг айтишига қараганда, бу — менинг бешигим экан. Эски бўлгани учун ғирчиллармиш. Бугун «Қора аммам» укамга янги бешик олиб келаркан.

Янги бешикни олиб келиш қизиқ бўларкан. «Қора аммам», Парча хола, яна уч-тўрт хотин безатилган бешикни кўтариб, эшикдан алла айтиб киришди.

Алла болам, аллаё-алла!
Ширин қўзим, аллаё-алла!
Бағримдаги тойчоғим, алла!
Бешикдаги мунчоғим, алла!

Ўзиям бешикмисан, бешик! Устига чўғдек қизил гаврапўш ёпилган, гаврапўш четларига чақалоқнинг қўйлакчалари, иштончалари, уқпар қадалган дўпписи чатиб қўйилган... Хотинлар алла айтиб, уйга йўл олишди.

Абдували иккимиз эргашиб кирдик. Бир пасда меҳмондорчилик бошланди.

Ҳамма-ҳамма билан, Парча хола шиннига нон ботириб ураяпти. Тахмон олдида Лазакат хола янги бешикка бошқатдан жой сола бошлади.

Аввал тувак-сумакларни қўйди. Кейин шилдир-шилдир қилаётган қовусни (биламан, чақалоқнинг тўшакчаси, ичида тариқ пўсти бор) ёзди. Устидан оппоқ йўргак ташлади.

Аммам хокандозда тутаб турган исириқ кўтариб кирди. Ҳарсиллаб нафас олганча алланималар деб пичирлаб, бешик атрофида хокандозни айлантирди. Лазакат хола пиёлани оғзича келадиган кулчани бешик бошига қўйди-да, устига ёстиқча ташлади.

— Ҳой, Робиябону?! — деди айвон томонга қараб. — Обкелинг.

Ясаниб олган ойим йўргакланган укамни кўтариб кирди.

Аммам укамни ойимнинг қўлидан олиб ўша томонга ўтаётган эди, Парча хола ўтирган жойида қўлини чўзди.

— Менга беринг! — деди дўриллаб. — Узатвораман!

— Йўқ-йўқ, худо хайрингни берсин! — деди Лазакат хола шоша-пиша қўл силтаб. — Чақалоқ бечора қўрқиб, шайтонлаб-нетиб юрмасин! Шиннингни ейвер!

Бир уй хотин кулиб юборишди. Айниқса Парча холанинг ўзи кулганда уй ичи гулдираб кетгандек бўлди.

— Бу гапизам тўғри, опа! — деди каттакон кафти билан қалин лабига ёпишган шинни юқини артиб. — Мени қоронғида кўрса, котта одам кўрқади-ку!

Тағин қаҳқаҳа янгради! Аммам укамни Лазакат холага авайлаб узатди. Лазакат хола чақалоқни кўрпачага ётқизиб, йўргагини ечди. Укамнинг чап оёғини авайлаб букиб тиззасини ўнг қўлининг учига тегизди.

— Етдими? — деган эди, уй тўла хотинлар қий-чув қилиб юборишди:

— Етди! Етди!

Лазакат хола энди укамнинг ўнг ёғини букиб, чап қўлининг учига тегизди.

— Етдими?

— Етди! Етди!

Боядан бери индамай ётган укамга бунақа ёқмади шекилли, йиғлаб юборди. Аммо хотинлар бемалол кулишар, остонада турган ойим ҳам мамнун жилмаяр эди.

— Вой, манов болани ширинлигини! — Парча хола дўриллаб, хитоб қилди. — Вой жужуқларингдан айланай!

Тағин кулги кўтарилди.

— Туф, де кўзинг тегади! — Лазакат хола укамни аста кўтариб, негадир бешикка кўндаланг ётқизмоқчи бўлди.

— Қаёққа ётқизай? — деб сўради баланд овозда. — Шуёққами?

Хотинлар чувиллашиб кетишди:

— Йўқ! Йўқ!

Лазакат хола энди укамнинг оёғини ёстиқ томонга айлантириб ётқизмоқчи бўлди:

— Буёққами?

Хотинлар кула-кула баттар чувиллашди.

— Йўқ! Йўқ!

Ие, Лазакат хола қанақа ўзи! Ёстиқ қаёқдалигини билмайдими? Укам йиғлаб ётибдику, булар кулади! Энди жаҳлим чиқиб турган эди, Лазакат хола ниҳоят чақалоқни қанақа ётқизиш кераклигини «тушунди». Укамни тўғри ётқизди.

— Буёққами?

— Ҳа! Ҳа! — хотинлар қий-чув билан тасдиқлашди. — Шуёққа!

Лазакат хола оёқ-қўлларини питирлатиб йиғлаётган укамни чаққонлик билан бешикка боғлади-да, дуо қилди.

— Илоё умринг узоқ бўлсин. Бахтли бўлгин! Инсофли-тофиқли бўл. Меҳнаткаш бўл.

Қизиқ, укам бир пасда овуниб қолди.

— Хой, ким бор! — деди Лазакат хола ёнбошида турган тугунни ечиб. Абдували шуни кутиб турган эканми, ўша томонга биринчи бўлиб отилди. Лазакат холанинг тугунидан қип-қизил, чиройли патир чиқди. Абдували патирни тишлаганча ташқарига қочди.

— Ушла! Ушланглар! — хотинлар кула-кула Абдувалини тутиб олмоқчи бўлгандек қўл узатди. Нима қилишимни билмай Абдувалининг кетидан мен ҳам ҳовлига отилдим.

...Патирни ўртоқларимиз билан бўлишиб ёгандан кейин ўйинга берилиб кетибмиз. Кунботар паллада уйга кирсам, хотинлар тарқаб бўпти. Бурчакда чўғдек гаврапўш ёпилган янги бешик олдида чўккалаган ойим укамга кўкрак тутаяпти. Аммам кавшандозда ўтириб махсисини кийяпти. Уй ичини исириқ ҳиди тутиб кетган.

«Қора аммам»нинг одатини биламан. Махси кийдимми — бўлди, уйга кетади.

— Кетманг! — дедим ялиниб. — «Қора амма», кетманг.

Ойим ярқ этиб биз томонга қаради. Амманинг йўлга отланиб қолгани унга ҳам ёқмаган шекилли, зардалироқ оҳангда гапирди:

— Ҳеч бўлмаса, шу бугун қолинг, ойи! Борасиз-да, ўша уйингизга.

— Қўй, жон болам! — аммам ойимга қараб гапираркан, ўтирган жойида чўзилиб, менинг елкамга қақди. — Бир ойдан бери шуёққа қатнайвериби, чолимниям чироғини ўчириб қўйдим.

Ойим аразлаб юзини ўгирди. Қаддини ростламоқчи эди, укам ҳали эмиб бўлмаган экан шекилли, ғингшиб йиғлади. Аммам шоша-пиша яқин борди.

— Қимирлама! — деди ойимнинг елкасига қоқиб.

— Шу бугун қолинг ахир, — ойим астойдил ялиниди.

Аммам ғиж-ғиж нафас олиб хўрсинди:

— Биласанми, — деди маъюс оҳангда. — Шу кеча Кимсанни туш кўрибман. Бевовта бўлиб юрибди. Бора қолай.

Негадир ойим сесканиб кетгандек бўлди. Укам чириллаб йиғлаётганига қарамай, гаврапўш устини ёпиб, дик этиб ўрнидан турди.

— Йўқ-йўқ! — деди аммам бош чайқаб. — Утиравер, болани эмиз.

Ойим қулоқ солмади. Қора аммамнинг тугунини кўтариб эшикка йўналди.

Ун биринчи боб

«ҚОРА АММА» ҲИКОЯСИ

Энг бегуноҳ одам

Биламан, шу ишни яхши қилмадим. Нима бўлгандаям бугун қизимнинг олдида ётиб қолишим керак эди. Ешим етмишга кириб, неварали бўлдим, бешик тўйи кўрдим. Шукур қилсам бўлмайдимми? Бу кунларга ким етдию ким етмади!

Биламан, Робиянинг дили оғриди. Музаффарни айтмайсизми? Бола бечора: «Амма, кетманг,» деб оёғимга ёпишди. Яхшиям Шомурод йўқ экан. Дуч келиб қолса, қўлимдан судраб уйга обкирарди-ю, қайтиб чиқармасди. Ҳаммасиям майли-ку, бир ишим нотўғри бўлди. Кимсанни гапирмасам бўларди.

Нима қилай, ахир! Ростдан ҳам туш кўрдим-да! Кеча кечаси бир чимдим ухладимми-йўқми, билмайман. Бешик тайёрлаш, сарпо-сириғни жойлаш билан тонготар овора бўлдим. Охири, ёстиққа шундай ёнбошлабман-у, кўзим илинибди. Кимсанимни аниқ-таниқ кўрдим. Кетмон дастасидан ушлаб турибди. Бошидаги дўпписига лой сачраганмиш. «Болам, дўппингни қоқиб ташла, лой тегибди», десам, қовоғини солиб турганмиш. «Хат ёзсанглар бўлмайдимми?» дермиш. Бирдан урушга кетгани эсимга тушиб, йиғлаб юборибман...

Нега хат ёзмайлик, ёздик. Оқсоқолнинг қўшалок ўғлидан «Қорахат» келганидан кейин ҳам Робия кўп ёзди. Аммо Кимсандан жавоб келмади.

Ҳеч банданинг бошига фарзанд доғини солмасин экан. Юрса ер титрайдиган Ҳолпош овсиним уч кунда шилиниб тушди. Бечора уч кунда адойи-тамом бўлди. «Болам»лаб йиғлайвериб, кўзида ёш, танида мадор қолмади. Қўшалок ўғлининг еттиси куни бутунлай овози чиқмай қолди. Сочини юлиб йиғлаганиям баҳарнав экан. Сандалга тиқилиб олади-да, бир бурчакка термулиб ўтираверади, ўтираверади. Биров чақирса анграяди. Потма-Зўра келинлар эрталаб туриб, уввос тортганиниям эшитмайди.

Оқсоқол аввал сельсоветга чиқиб келди. Кейин тиззадан қор кечиб Тошкентга — военкоматга жўнади. Икки гапнинг бирида: «Йўқ, Ориф оқсоқолнинг ўғиллари бекорга ўлиб кетадиган болалармас, керак бўлса Московга, Калинин оқсоқолнинг ўзигаям бораман» дейди.

Янги йил қандай кирганини билмайман. Кетма-кет қор ёғиб, қаҳратон совуқ тушди. Маҳалланинг ҳовузида сув пасайиб кетган, Робия шўрлик ҳар куни елкасига обкаш илиб, Бўрижардан сув ташийди. Ёлғиз ўзимизгамас, Оқсоқолларгаям. Бошига тоғдек ғам тушиб турган Потма-Зўра келинларга шунақа пайтда ёрдам бермаса, қачон беради!

«Дард устига чипқон» дегандек, Кимсандан на хат бор, на хабар.

Оқсоқолниқиди аза очилган кундан бошлаб, Рашид абзи ҳеч кимнинг эшигини тақиллатмай қўйган. Ҳар куни гоҳ Робия, гоҳ мен почтага қатнаймиз... Қайси куни чолим почтага чиқса абзи ичиб, разиздаги¹ қор босган скамейкада ёнбошлаб ўтирган экан. Чолим «унақа қилманг», совуқда қотиб қоласиз», деса кўнмабди. «Ўз ҳолимга қўйинг, Ҳусан абзи», деб йиғлабди.

...Лавлаги қайнатган эдим. Учоқдаги чўғни танчага солиб, энди лавлагини сузиб келсам Оқсоқол билан овсиним бошлашиб чиқиб қолишди. Оқсоқол қулоғини қийиқча билан танғиб олган. Овсиним қалин рўмол ўраган. Нуқул ҳарсиллайди. Ранги бир ҳолатда.

Овсиним чиққанига хурсанд бўлдим. Ҳарна дарди бўлинади. Сандал тўрига чолим билан Оқсоқол, берироққа овсиним, мен, Робия ўтирдик. Шунча қистасам ҳам овсиним туз тотмади. Мушук ўлгур, токчада юрган сичқонни қуваман, деб лампанинг шишасини синдириб қўйганидан бери лип-лип чироққа кунимиз қолган. Лип-лип чироқ сасиб, юракни сиқиб юборади.

Оқсоқол хуноб бўлиб кетди шекилли, рапидадек қўли билан каттакон лавлаги бўлагини чангаллаб пуфларкан, тирсаги билан чолимни туртди.

— Зиқна бўлмай ўл! Битта лампашиша сотиб олсанг, давлатинг камайиб қоладими!

Чолим лавлаги чайнаб туриб, тўнғиллади:

— Бойвачча бўлсанг, бер битта фонусингни!

— Хўп! — Оқсоқол лавлагини оғзига тикди. — Қизинг чиқсин-да, кўнгли тусаган фонусни обкелсин. Локин бунақа кўрсичқонга ўхшаб ўтирма! — у гоҳ кампирига, гоҳ менга қаради-да, хўрсинди: — Овсининг қирқ қиламан деяпти.

Овсиним дастурхон попугини ўйнаганча жим ўтирарди.

— Дуримни сотиб келдим, — деди у хаста, бўғиқ оҳангда. — Икки болага икки жонлиқ сўймасам бўлмайди. — Унинг томоғини йиғи бўғиб келди-ю, йиғлашга кучи етмади. Лаблари титраб кафти билан юзини яширди.

Оқсоқол қўлидаги лавлаги бўлагини дастурхонга қўйди.

¹ «Разъезд» демоқчи (Ред.)

— Дума! — деди чолимга юзланиб. — Майли, маърака қилгиси келса қилсин-у, локин... — унинг гап оҳанги ўзгариб, овози дадиллашди. — Қайси куни Тошкентга борсам, военкоматда қизиқ гап айтишди. «Қора хат» ёзишда адашувлар бўлиб тураркан. Гулистон маҳаллалик бир лейтенантдан ҳам «қора хат» келган экан. Военкоматдагилар почтага жўнатибди, почтадагилар йигитнинг уйига обориб берибди. У бечораларам нима қилсин, вазифаси-да! Йигитнинг ота-онаси аза очибди. Боланинг қирқи ўтган куни нима бўпти де? — Оқсоқол аввал чолимга, кейин овсинимга қараб жилмайди. Овози тантанали тус олди: — Лейтенантдан хат кепқопти! Госпиталдан!

Ичимда чироқ ёнгандек бўлди. Ярқ этиб, овсинимга қарасам, ҳалиям дастурхон попугини ўйнаб ўтирибди. Чоли бу гапни илгариям айтган бўлса керак, парво ҳам қилмади. Оқсоқол овозини янаям баланд қўйиб, шанғиллади:

— Бўмба тушганда лейтенант қорга кўмилиб қолган экан. Уртоқлари ўлди, деб командирга хабар берибди. Командир ҳовлиқиб хат ёзибди. Йигит бўлса бир жойиям тирналмай қор тагида ётган экан. Ҳушига келиб, қорни кавлаб чиқибди. Кантуз бўлган экан! — Оқсоқол ўзининг гапидан ўзи энгил тортиб, кулимсиради. Бармоғини бигиз қилиб тушунтирди: — Эшитдингми, онаси! Сен бўлсанг қирқ қиламан, деб ётибсан.

Овсиним индамай юзини ўгирди. Чолим лавлагини кўлида муаллақ тутганча сўради:

— Кантуз? Нима у?

— Кантузми? — Оқсоқол, «шуниям билмайсанми саводсиз», дегандек, аччиғи чиқиброқ тушунтирди: — Кантуз дегани шуки, яъни масалан, биров қулоғини тагида варанглатиб милтиқ отди. Гаранг бўл қоласанми? Ана ўшанақа-да! Менинг ўғилларим ҳам жа нари борса, кантуз бўлган.

— Хайрият-э! — дедим энгил тортиб. — Илоё, Зокиржон билан Зокиржон кантуз бўлгани рост бўлсин!

— Кўрасан! Кантуз булган! — Оқсоқол ишонч билан гапини қайтарди. — Кантуз бўлган! Бугун Зокиржон тушимга кирибди. Карамга сув боғлаб юрганмиш. Аканг қани, десам, биласиз-ку, акам Кўтармада буғдой ўраяпти, дейди. Сув — ёруғлик, буғдой — насиба. Бундан чиқди, иккаласиниям насибаси узилмаган.

Овсиним суюниш ўрнига алам билан хўрсинди.

— Мен турай... — деди титраб кетаётган лабини тишлаб.

«Ўтиринг» деб қисташимга қарамай, оғир кўзғолиб ўридан турди.

— Қизим, бор, холангни кузатиб ке! — Оқсоқол Робияга буюрди: — Зўрага айтсанг, ошхонадаги фонусни беради.

Овсиним совуқдан дийдираб хайрлашаркан, елкамга қоқди.

— Индинга вақтлироқ чиқинг, қирқ — хотинларнинг маъракаси.

Уйга қайтиб кирсам, Оқсоқол чолимнинг қулоғига эгилиб бир нималарни гапиряпти.

— Баққа ке! — деб бармоғи билан мени ҳам имлади. — Ҳаммасини аниқладим, — деди пичирлаб. — Танк ёниб кетибди! Иккаласиям... Унинг соқоли титраб кетди. — Овсинингга айт! Оқсоқол билиб кептилар, кантуз бўлган экан, де! Бир йилда иккаласиям оёққа туриб кетармиш, де! Уқдингми! — у лип-лип чироққа узоқ тикилиб қолди. Чироқнинг ожиз нурида кўзлари ўйчан, ғамгин кўринарди. Йиғлаб юбормаслик учун тескари қарадим. Совуқ, дилгир жимжитликда чолимнинг хўрсингани эшитилди. Бир маҳал кимдир дераза олтидан гурсиллаб югуриб ўтди. Ўша заҳоти эшик очилиб, аллакимнинг каттакон гавдаси кўринди. Аввалига танимабман, қарасам — Парча! Бошидаги йиртиқ рўмоли, гунгурсдек елкалари қорга беланган. У тап этиб остонага ўтириб қолди.

— Шўрим қуриб қолди, Ҳусан тоғ! — дедию хўнграб йиғлаб юборди. Ҳаммамиз сапчиб ўрнимиздан туриб кетдик.

— Нима гап? — чолим билан Оқсоқол баравар сўрашди.

Парча Оқсоқолни энди кўрди шекилли, бошидан рўмолини юлқиб олиб, юзини артди.

— Вой, яхшиям шўтта экансиз, Оқсоқол, — деди дўриллаб. — Шўргинам қуриб қолди!

— Тушунтириб гапирсанг-чи, мундоқ! — Оқсоқол жаҳл билан қўлини пахса қилди.

— Уйимни ўғри босди! — Парча рўмолни юзига босиб баттар хўнгиллаб йиғлашга тушди.

Оқсоқол билан чолим шоша-пиша тўн кийишди.

— Қачон? Қанақа ўғри?

— Вой ман қаттан биламан? — Парча алам билан дўриллади.

— Нимангни опти? — деди чолим ҳовлиқиб калишини кияркан.

— Оса гўргайди-я! Битимни оладими? — Парча йиртиқ рўмолининг учига пўнғиллаб бурнини қоқди. — Ташаб кетибди.

— Нимани? — Оқсоқол билан чолим баравар ҳайқиришди.

— Мангина ўлай, — деди Парча дўриллаб. — Пешидан табибникага борувдим. Атала қилишган экан, икки косагина ичдим... Ундан Башор опамникага ўтдим... Ошқовоқ сувига қориб зоғора ёпаётган экан... Фираширада уйимга келсам, айвонимда бир нарса турибди. Инсми-жинсми, деб яқинроқ борсам, эчки! Нақ туядек келади!

— Нима! — Оқсоқол тажангланиб ўшқирди. — Қанақа эчки?

— Вой ман қаттан биламан? — Парча мунғайиб қоғоғини солди. — Олдига боришга қўрқдим.

— Э, ўл-а! — бобом энсаси қотиб чийиллади. — Бировнинг эчкиси адашиб кириб қолган...

— Адашиб кирса, бойлоқ турадимиз? — Парча яна ҳиқиллаб йиғлашга тушди. — Айвонимни устунига боғлаб қўйибди-ку.

— Қани юр-чи... — чолим билан Оқсоқол Парчани олдига солиб чиқиб кетишди.

Вой ғалваларинг курсин-а. Битта эчки деб шунча ваҳима кўтарасанми, эсипаст! Алла-паллагача дилим ўйнаб, ўзимга келолмасам-а!..

Робия фонус олиб чиққанидан кейин кўп ўтмай чолим билан Оқсоқол қайтиб келишди.

— Нима бўпти? — деб сўраган эдим, Оқсоқол кафтидаги ғижимланиб кетган қоғозни Робияга узатди.

— Уқиб кўр-чи, — деди, — абзеникидан топдик, эшигига қистириб қўйган экан.

Робия қоғозни фонус ёруғига тутиб, ҳижжалаброқ ўқиди:

— «Мини шумқадам димағиз. Мин шумқадам имасман... — Робия бир пас тутилиб қолди-да, давом этди. — Почтада, столда икки похоронка ёта. Бириси — Дўмбирободға Сулаймон абзифа... Бириси Хирмонтепаға — Хадича отинға. Мин Уфаға китам. Ни булса була! Миндан рози бўлиғиз...»

Робия хатни ўқиб бўлиб, Оқсоқолга узатди. Аммо Оқсоқол қайрилиб ҳам қарамади. Ҳаммамиз карахт бўлиб қолган эдик. Жимлик чўқди.

— Бўлса камбағалга бўлсин дебди-да, — деди чолим ўйчан алпозда. — Эчкисини Парчага ташлаб кетибди... Бир одамда диёнат бўлса шунчалик бўлади-да, ўртоқ!

— Қайтариш керак! — Оқсоқол Робиянинг қўлидан хатни олди.

— Тўғри! — деди чолим. — Қишлиқ-қировлик кунда Уфага қандоқ етиб боради. Ўзи яримта одам бўлса... Бир ғарибни сарсон қилиб қўямизми? Сельсоветга айтсак, Исмоил мелиса...

— Э! — Оқсоқол аччиқланиб унинг гапини кесди. — Нима, Абзи дезиртирми, мелисанинг олдига тушиб келадиган! Ўзимиз борамиз.

Иккала ўртоқ иссиқроқ кийиниб, тагин чиқиб кетишди.

...Чолим кун ёйилганида бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб қайтиб келди. Робия икковимиз «нима бўлди» деб баравар қараган эдик, чолим музлаб кетган қўлини танчага тиқиб, оғир бош чайқади.

— Йўқ, — деди соқоли титраб. — Тошканнинг вокзалига бориб келдик. Билетни олдиндан обқўйган шекилли. — У бир нуқтага тикилиб узоқ ўтирди-да, оҳиста қўшиб қўйди: — Диёнатли одам эди. Оқсоқол жуда хафа. Кела-келгунча овсинингни койиб келди. «Ҳаммасини шу қилди» дейди...

— Овсинимда нима айб? — дедим секин.

Чолим носқовоқни силаб яна анча жим қолди.

— Тўғри, — деди ўйланиб. — Аммо Абзи яхши одам эди. Қаерга борсаям, жони соғ бўлсин...

...Рашид абзи кетдию Кимсанимдан хат келмай қўйди.

Яхши келса ҳут — ёмон келса ют

Икки ҳафта бўлдики, бўғот орқасида мов мушук кечаси билан миёвлаб чиқади. Аввалига ўлмаган қул, ҳут келган бўлса, баҳорга ҳам омон-эсон чиқдим, деб сўнган эдим. Қаёқда! Том қамишидан сариқ сумалак осилиб, энди эрувгарчилик бошланади, деб турганимизда совуқ авжига чиқиб қиш қайтиб келди.

Утин-чўпнинг тайини йўқ. Эрталаб деразаларни қиров босади. Робия иккаламиз писиллаган сандалга тиқилиб кечаси билан совқотиб чиқамиз. Чолим билан Оқсоқол қиш чўзилиб кетаётганидан тажанг. Гўнгни-ку қаҳратон қиш демай далага олиб чиқишган. Аммо ҳали қанча юмуш бор! Ариқ тозалаш, ер ҳайдаш. Эҳ-ҳе!

Овсиним ётиқли касал бўлиб қолганидан бери Оқсоқол уйига сиғмайди. Қаллаи саҳарлаб чолимнинг олдига чиқади. Бугун ҳам тонг отмасидан чопонига ўралиб кириб келди. Робия молхонада сигирга қарар, мен энди чой дамлаб келган эдим.

— Падарига лаънат! — Оқсоқол сандал тўрида ўтириб, чой ҳўпларкан бўралаб сўкинди. — Кеча кечқурун янги ой чиқди. Қарасам, ўроғи яна ёнбошлаб турибди. Ой ўзига тинч бўлса, ер нотинч бўлади. Ҳали-вери қишнинг кети кўринмайди, шекилли.

— Кузги буғдой чириб кетмаса гўргайди, — деди чолим бош чайқаб.

— Ҳайронман, ҳавонинг бу кетиши бўлса...

Кўча эшик зардали тақилладию оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди.

Учовлашиб, олдинма-кейин дарвозага чиқсак, Умар-закунчи отини гижинглатиб турибди. Бошида чақмоқ телпак, эгнида поча-пўстин, қўлида қамчи.

— Йилинг уйқу, мучалинг ёстиқми? — деди туёғи билан қор титкилаётган отини жиловини силтаб.

Оқсоқолни кўрдию Закунчининг кўзлари қисилиб кетди.

— Сен нима қилаяпсан бу ерда, — деди ингичка мўйлови титраб. — Иккита келинингни сўқимга боқиб қўйибсанми?!

Ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Шу гапни Оқсоқолга айтяптими? Бутун Нўғайқўрғонда чолимдан бўлак биронта одам шу пайтгача сенсирмаган Оқсоқолга-я?!

Жанжал чиқишини сезиб, юрагим увишиб кетди. Қўрқув ичида бурилиб қарасам, Оқсоқол қовоғини уйиб, Закунчига чақчайиб турибди. Энтикиб нафас олаётгани учунми, ҳаво совуқлигиданми, оппоқ мўйлови тагидан қуюқ ҳовур кўтариляпти. Оқсоқол бир хатладию, Закунчига яқин борди.

— Менга қара, — деди жиловга қўл чўзиб. От ҳуркиб, бошини кўтарди. Сувлиғи шиқирлаб кетди. — Бешигимни тебратганмисан?!

Закунчи лабининг бир буржи билан илжайди, лекин ўша заҳоти жиддий тортди.

— Чиқиш керак-да, далага! — деди мурасага чақирган оҳангда. Сизгаям қойилмасман, Дума! — у чолимга юзланди. — Шунча иш турибдию... Ҳайронман, икковларингни гапинг ҳеч адо бўлмайди.

Закунчи от жиловини бурди.

— Йўқ, шошма! — Оқсоқол қорда сирғаниб ўша томонга отилди. Бу сафар бир талпиниб жиловдан ушлаб қолди. — Агар яна бир марта сансирасанг...

Оқсоқол у ёғини айтмади. Аммо Закунчининг ранги гезариб кетганини пайқадим.

— Қўйворинг! — деди жilовини тортиб. — Тўғри гап тукқанингга ёкмайди.

Чолим амаллаб Оқсоқолнинг қўлидан от жilовини айирди. Жийрон кескин бурилган эди, туёғидан сачраган қор Оқсоқолнинг юзига сачради.

— Гап шу! — Закунчи отини ниқтаб нарироққа борди-да, эгар устида бурилиб қаради. — Ҳозирча колхознинг хўжайини менман. Финг деганни — рабчий батальонга жўнатиб, уй ичини кўчирма қилиб юбораман!

От думини гажак қилганча қор сачратиб чопиб кетди. Ҳаммамиз орқасидан қараб қолдик. Оқсоқол ҳамон ўзига келолмас, соқоли титрар, пишқириб нафас оларди.

— Қўй, ўртоқ... — чолим уни юпатди. — Шу аҳмоққа тенг келиб ўтирасанми? — Бир пас ўйлаб туриб, елкасини қисди. Туппа-тузук одам сиёғига кириб қолувди-ку бу падарлаънат. Нимага яна закунчиликка ўтди?

— Гап закунчиликдамас! — Оқсоқол ижирғаниб юзини ўгирди. — «Қора хат» келган куни сўкканимнинг аламини олаяпти.

— Вой аблаҳ-ей! — чолим дўстининг елкасига қокди. — Қўявур, ит акиллади-қўйди-да...

— Ҳайвон! — Оқсоқол муштини тугди. — Болалари ўлди, энди қўлидан ҳеч нима келмайди демоқчи. — У овози титраб алам билан бош чайқади. — Одамзот ҳам шунчалик ифлос бўладими!

— Юр, борсак борайлик далага! — чолим ўртоғини судради. — Қани, кўрайлик-чи, нима юмуш бор экан.

...Робия иккаламиз энди бир пиёла чой ичган эдик, дарвоза яна тақиллади. Бўйинг лаҳатда чиригур Закунчи яна келди шекилли!

Робия дик этиб танчадан турган эди, эшик ғийқиллаб очилди. Уйга аввал лампамой ҳиди, кетидан энглари доғ-дуғ бўлиб кетган пахталик кийган, қалин жун рўмол ўраган Башорат кириб келди. Кесакига суянганча тик туриб қор босган этигини ечди, салом берди. Кўнглим ёришди.

— Вой сизмидингиз, мен анави гўрсўхта деб...

Башорат шоша-пиша сандал четига ўтирди. Мой юққан, совуқдан торс-торс ёрилган қўлини танчага суқди.

— Улсин, мунча совуқ! — деди ҳансираб. — Ие, танчангизданам муз чиқаяпти-ку, хола.

Робия чойнак кўтариб, чиқиб кетаётган эди, имо билан тўхтатди.

— Утир! Чойга бало борми, совуқ кунда. Одам қатнайвериб безор бўлади.

Робия ийманиброқ сандал четига қайтиб ўтирди. Башорат бекордан-бекорга уйма-уй санғимайди. Гапи бор. Шуни билиб, юзига термилдим. Жимлик чўкди. Ташқарида мушук миёвлади. Башорат кулимсираб қўйди.

— Мушугингизни эрга берсангиз бўлмайдими, хола? — Зора-мора кунлар исиб кетармиди!

Робия уялиб, юзини ўгирди. Жуда шаддод-да, Башорат тушмагур!

Олдимда қиз бола ўтирибдиям демайди.

— Қишнинг бир куни қолсаям қўрқ дегани шу-да. Ҳали аямажиз бор, ахмон-дахмон...

— Қуриб кетсин ахмониям, дахмониям!.. — Башорат жаҳл билан сўзимни кесди. Бошидаги рўмолини юлиб олиб, ёнига ташлади. — Иш қолиб кетаяпти, хола!

Юзига қараб туриб, раҳмим келди. Совуқдан қорайиб кетган, ёши қирқнинг нари-берисидаю чекка сочлари оқарибди.

— Поччадан хат борми? — дедим секин. (Гапим қурсин! Укам тенги одамни «почча» десам! Нима қилай, Нўғайқўрғоннинг ҳаммаси Башоратнинг эрини «почча» деб ўрганган).

— Келди! — у жўн гап айтгандек хотиржам бош силкиди. —

Разведгруппада экан.

Боядан бери жим ўтирган Робия хўрсинди:

— Кимсан акамдан анчадан бери хабар йўқ.

— Ҳеч нима қилмайди! — Башорат аввал Робияга, кейин менга

юпатувчан алпозда қараб қўйди. — Урушда юрган одам ҳар куни хат ёзолмайди.

Яна жимлик чўкди. Ташқарида тагин мушук миёвлади.

— Хола! — Башорат илкис бош кўтариб, кўзимга қаттиқ тикилди. — Робияни менга берасиз!

Томдан тараша тушгандек гапириши ғалати эшитилди.

— Кўркманг, қизингизни обқочиб кетмайман, холажон! Келин қилиб оберадиган укам йўқ.

Қарасам, Робия ҳам ҳайрон қолиб, аланг-жаланг бўлаяпти.

— Шогирдликка берасиз! — Башорат Робияга юзланди. — Менга шогирд бўласан, трактор ҳайдайсан!

Робияни билмадим, мен бир сапчиб тушдим.

— Қиз бола боши билан...

— Рост, опа, — деди Робия сочининг учини ўйнаб. — Қанақа бўларкин!

— Нима, мен эркакманми? — Башоратнинг овози қатъий жаранглаб кетди. — Ё сендан ортиқ ерим борми?!

— Ахир у ерда эркаклар ишласа... деган эдим, — Башорат баттар аччиқланди.

— МТСда битта эркак бор. Уша эркак менман! — деди алам билан. — Кўчага чиқсам эркакман, уйга кирсам хотинман! Нима қилайлик! Қиш сурилиб кетяпти. Эртага йилт этиб офтоб чиқса, шунча жойни ким ҳайдайди?

— Тўғри-ку, лекин Робия... Бобоси...

— Хотиржам бўлинг! — Башорат яна оғзимга урди. — Чолингиз билан аллақачон гапни пишитиб қўйганман. Трактор ҳайдаш — аэроплан учириш эмас! Кимсан акангга ўзим хат ёзаман. Қаллиғинг трактор ҳайдаяпти, десам хурсанд бўлади. Сен трактор ҳайдашни қанча тез ўргансанг, Кимсан аканг шунча тез келади.

Робия гоҳ менга, гоҳ Башоратга қараб талмовсираб турган эди, Башорат бақириб берди:

— Утаканг ёрилмасин! Оқсоқолнинг қўшалоқ келинлариям боради. Ҳеч бўлмаса биттаси эрининг ўрнига трактор ҳайдайди. Қани, отлан! Сочингни чамбарак қилиб ол! Келинкўрарга кетаётганинг йўқ!

Шундоқ дедию Робиянинг кўлидан судрагудек бўлиб етаклаб чиқди-кетди. Ҳай-ҳайлаганимча қолавердим.

УН ИККИНЧИ БОБ

РОБИЯ ҲИКОЯСИ

1. От ўрнини той босар

Башор опа рост айтган экан. Трактор ҳайдаш — аэроплан миниш эмас. Тўғри, аввалига трактор ғилдирагининг ҳар биттаси омочдек келадиган тишларини кўриб, кўрқдим. Дудбурондан кўкимтир тутун чиқиб партиллаётганида босиб кетмасайди, деб юрагимга ваҳима тушди, лампамой исидан неча кунгача кўнглим айниб юрди. Аммо одам қилган ишни одам қила олар экан.

Бугун эгарга биринчи марта ўтирдим. Башор опа билан эмас, бир ўзим. Мотор гуриллайди. Дудбурондан тутун кўтарилади. Пўстин ташланган темир эгарга миниб олиб, МТСнинг қор босган ҳовлисида трактор ҳайдаб кетаяпман. Худди дostonдаги тулпор минган Барчинойдек! Қанийди, ҳозир Кимсан акам шу ерда бўлса! Қаранг, Кимсан ака! Кўряпсизми, мен трактор ҳайдаяпман! Энди менинг кўлимдан ҳамма иш келади. Кўраяпсизми, трактор менинг измимга бўйсуниб, хоҳлаган

*Шунинг ў
наҳас билан
аниқлиги
кўчилиш
жойи.*

томонимга юраяпти. Эшитяпсизми, Кимсан ака, тракторимнинг овозини эшитяпсизми?

Ие, анавилар ким? — Оқсоқол-ку! Ёнида Зухра келин. МТС дарвозасидан кириб келишяпти! Оқсоқолнинг келинлари тракторчи бўлишни хоҳламаган эди-ку! Энди Оқсоқолнинг ўзи бошлаб келяпти Зухра келинни! Ўзим яхши кўрадиган Зухра келинни!

Бир маҳал қарасам, тракторни тўппа-тўғри ўша томонга ҳайдаб бораяпман. Зухра келин кўрқиб кетгандан Оқсоқолнинг орқасига беркиниб олди. Вой келинойим тушмагур-ей! Мана, ҳозир, тўхтатаман! Трактор ҳайдаш — аэроплан миниш эмас!

Бир маҳал Башор опа бостирмадан югуриб чиқди. Эриган қорда сирғана-сирғана чопиб келиб, трактор олдини тўсди.

— Ўчир-е! — деди бақириб.

Юмшоқ қор устига сакраб тушдим. Зухра келин Оқсоқолнинг орқасидан секин мўралади. Эғнида униққан бахмал камзул, оёғида эски этик, юпқа лаблари титраганча жилмайиб турибди.

— Кўрдингми? — деди Оқсоқол унга ўгирилиб. — Буям омоч ҳайдашдек бир гап.

— Босиб кетса-чи! — деди Зухра келин чиройли кўзларини пирпира-тиб.

Ҳалиям ҳуркиб турган Зухра келинни қучоқлаб олдим.

— Кўрқманг, ўзим ўргатаман, — дедим кулиб.

— Ана! Ўзи ўргатади, — Оқсоқол узун тўнининг барини қайириб, шимининг чўнтагидан носвой шишасини чиқарди. Нос отиб, атрофга қаради. — Кўклам кириб қолди, — деди ҳавони искаб, — сезаяпсанми, Башор, тупроқ ҳиди келаяпти. Ер уйғонди. — У каттакон кафти билан ёшланган кўзларини артди. — Башор! Зокиримнинг трактори қайси?

— Ремонт қилаяпмиз, — Башор опа МТС бостирмасига имо қилди.

— Тузатасан! Зўра қарашади, — Оқсоқол келинига юзланди. —

Ушани сен минасан, уқдингми!

Зухра келин индамай бош ирғади.

— Буниси Шокирникими? — Оқсоқол мен минган трактор филдирагининг қор юкиб, ялтираб турган тишини силади. — Майли, бунисини сенга бердим. Сенам ўзимнинг қизимсан-да.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, Оқсоқол! — Башор опа Зухра келиннинг кўлидан тутди. — Ўғлингни тракторини уч кунда отдек қилиб бераман!

— Шошма, ўв! — Оқсоқол Зухра келинни бостирмага етаклаб кетаётган Башор опани тўхтатди — Баққа ке, — деди бармоғини илган қилиб.

Башор опа кулимсираб қайтиб келди.

— Келинларингиздан биттаси тракторчи бўлсин деган сенсан тўғрими! Зўрани обкеган менман, ростми?

Башор опа «тўғри» дегандек бош силкиди.

— Шу гапим қулоғингда бўлсин! — Оқсоқол носини қорга тўпириб этиги билан эзғилади. — Агар Зўра айтганингни қилмаса, терисига сомон тикаман.

— Йўк, Оқсоқол, Зухраҳон унақа жувонмас-ку...

— Шошма! — Оқсоқол Башор опанинг гапини кесди. — Агар Зўра эрининг ўрнини босолмаса, нима қилишни ўзим биламан. Локин Зўранин бошидан бир тола соч ҳаддодат тўкилса, сени сўяман! Уқдингми!

— Хўп, оқсоқол, хўп! — Башор опа «вой чоли тушмагур-ей» дегандек кула-кула Зухра келинни бостирмага етаклади.

— Юр, эрингни тракторини кўрсатаман.

Ҳаво илиб қолган бўлса ҳам МТС омбори зах, ним қоронғи эди. Қиш билан қимирламай туриб, занглаб кетган тракторнинг қаерига қўтегизсангиз, муздек темир кафтингизни жизиллатиб куйдиргандек бўлади. Зухра келин аввалига трактордан ҳуркиб турдию бирпасда ўзи қизиқиб кетди. Гоҳ Башор опадан, гоҳ менадан «манави нима, буниси-чи» деб суриштиришга тушди.

Пешинга яқин бостирмага Умар-закунчи кириб келди. Қизиқ, Закунчи қаерга борса, аввал отининг кишнаши эшитиларди. Йўқ, бу сафар пиёда келди. Аммо кўлида қамчи бор эди. Бундан чиқди, отини МТС дарвозасида қолдирган.

— Баракалла, азаматлар! — деди хушчақчақ овозда. Кўзларида табассум порлаб жилмайди. — Яшанглар!

Қизиқ, бу одамнинг қанақалигини ҳеч билиб бўлмайди. Бир қарасанг юзидан заҳар томади. Қўйиб берса, ҳаммани қамчи билан савалагудек бўлади. Бир қарасанг — бундан меҳрибон одам йўқ.

Закунчи трактор орқасида турган Зуҳра келинни энди кўрди.

— Ие, яна битта колхозчимизни тортиб олдингизми? — деди овози ўзгариб.

— Ёмонми! — Башор опа қошини чимирди. — Битта тракторчи йигирмата одамнинг ишини қилади, Уртоқ Хўжаев!

Закунчи лабини қимтиганча ердан кўз узмай турган Зуҳра келинга тезгина қараб олди.

— Майли, — деди рози бўлиб. — Ишни тезлатсанглар бўлди. Илтимос, — деди қамчиси билан қор юққан этигининг қўнжигга қарсиллатиб уриб, ярим расмий, ярим тантанали оҳангда. Бир соатдан кейин клубга чиқинглар.

У кескин бурилиб, бостирма эшигига юрган эди, Башор опа сўради:

— Тинчликми, ишқилиб?

Закунчи тўхтаб, бурилди:

— Тинчлик! Яхши гап бор!

2. Осмон юлдузсиз эмас

Уруш бошланганидан бери клуб эшигига шунча одам тўпланмаган эди. Ҳаво илиқ, оёқ остида аталадек сарғимтир қор пилчирар, юпун кийинган болалар уёқдан-буёққа югурар, чоллар, хотин-халаж — ҳамманинг кўзида қандайдир сирли ҳаяжон бор эди. Одамлар ҳайрон, худди ёнида турган киши ҳаммасидан хабардору ўзи эшитмай қолгандек, шеригидан сўрайди:

— Нима гап ўзи? Нима бўпти?

Хаёлимга ярқ этиб ғалати ўй келди: уруш битган бўлса-я? Ҳар куни радиода бизникилар қарши ҳужумга ўтиб, кўп қишлоқларни озод қилишаётганини гапиради-ку. Тўғри, ҳали душман Москвадан узоқда эмас. Лекин бизникилар нуқул босиб бораверганидан кейин немис таслим бўлган бўлса, ажабмас! Ҳали Закунчиам, яхши гап бор, деди-ку! Оқсоқолнинг ҳам чеҳраси очиқ. Кошкийди, уруш тугаган бўлса!

Пахталик чопонидан, жун рўмолидан зах аралаш тер ҳиди анқиб турган хотин-халажни тирсагим билан нари-бери суриб Оқсоқолга яқинроқ боришга уриндим.

Менинг хаёлимга келган ўй бошқаларним миясида айланаётган экан. Тўда орасидан аёл кишининг ҳаяжонли хитоби эшитилди:

— Уруш тамом бўптими!

Бир пасда ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди. Ҳассага суянган чоллар, кўзида умид ёнган хотинлар Оқсоқолнинг атрофини ҳалқадек ўраб олишди.

Сийрак соқолли чол чувалган салласини қайта ўрар экан, хаста овозда сўради:

— Тушунтириб гапирсангиз-чи, Оқсоқол, Гитлер тўнғиз кўпиптими?!

— Бердисини айтгунча уриб ўлдирасанларми, барака топгурлар! — деди Оқсоқол. — Ичкари кирсаларинг-чи!

Оломон орасидан бояги аёлнинг асабийроқ товуши келди:

— Ҳеч ким йўқ-ку, уёқда. Ўзингиз айтиб қўя қолинг: уруш тамом бўптими, ишқилиб! Болаларим отасини соғиниб кетди-ку.

Ўша томонда Башор опанинг ўктам овози янгради:

— Болаларни баҳона қилмай ўзим соғиндим, деб қўя қол!
Гурра кулги кўтарилди. Оқсоқол ҳам илжайди.

— Башор тўғри айтади, Қумри! Жалол махсумни соғинган бўлсанг, тез-тез хат ёзиб тур. Эрта-индин ўзиям кепқолади. Душман беш юз минг аскардан айрилиб, Масковдан юз чақирим нарига қочди. Эшитдингми! Қани, кираверинглар.

У клубнинг очиқ турган қўш тавақали эшигидан ичкари кириб кетди. Уша заҳоти ҳамма ур-сур билан зинага ёприлди. Ўртага тушиб қолган эканман, оломоннинг ўзи оёғимни ерга тегизмай клубга обкириб қўйди. Ҳамма қий-чув солиб, дуч келган жойга ўтирди. Олдинги қаторни болалар эгаллаб олишди. Улар орасида жияги ситилиб кетган дўппи кийган Олимжонни кўриб қолдим. Залда эркаклар йўқ ҳисоб — деярли ҳаммаси хотинлар, чоллар эди, ҳамма ғовур-ғувур қилар, умид билан саҳнага тикилар, лекин саҳнадаги қизил мовут ёпилган стол бўш эди. Стол орқасида беш-олтита суянчиғи баланд курси қатор тизиб қўйилибди.

Клубга яқин орада одам кирмагани учун зах босиб кетган, катта-катта деразаларнинг синиқ ойнасидан шамол гуриллайди. Кузда чакка ўтган шекилли, бир вақтлар гул солинган деворлар нам босиб, бўёғи кўчиб тушибди. Урушдан илгари саҳна тепасида «Меҳнатдан келса бойлик — турмушнинг ҳам чиройлик!» деган шиор бўларди. Ҳозир «Ҳамма нарса фронт учун!» деган ёзув илиб қўйилибди.

Саҳнага энг аввал Умар-закунчи кириб келди. У кулранг костюм-шим кийган, бўйнига бўйинбоғ тақиб ясаниб олган эди. Тўрт-беш қадам юриб тўхтади-да, саҳна бурчагига қараб, чапак чала бошлади. Пастдагилар индамай ўтирганидан ғаш келди шекилли, «сенлар ҳам чал», дегандек ғайрат билан қарсак ура кетди. Залда ўтирганлар нима гаплигини билмаса ҳам жўр бўлди. Саҳна бурчагидан бошланг, сочига оқ оралаган тўла гавдали киши чиқиб келди. Мовут костюмининг ўнг енги шалвираб ётар, оғир-оғир қадам босар эди. Меҳмон яқин келган заҳоти Закунчи баланд суянчиқли курсилардан бирини чаққонлик билан суриб рўпара қилди. Шоша-пиша чўнтагидан рўмолча чиқариб, курсини артди-да, меҳмонни авайлаб ўтказди. Янаям қаттиқроқ қарсак чала бошлади. Меҳмон ягона чап қўлини силкитиб, «бўлди-бўлди» дегандек имо қилди.

Умар-закунчи эса турган жойида мулойим жилмайиб ҳамон қарсак чалар, колхозчиларни ҳам шунга ундаётгандек бўлар эди. Меҳмоннинг вақти тиғиз эканми ёки шовқин-сурондан қулоғи битдими, ўрнидан туриб кетди.

— Ўртоқлар! — деди бақириб. — Ўртоқ колхозчилар... — Илтимос...

Умар-закунчи жилмайган қўйи, тинчий бошлаган залдан кўз узмай, меҳмоннинг қулоғига бир нимани шивирлади. Меҳмон жойига қайтиб ўтирганидан кейин жарангдор овозда, дона-дона қилиб гап бошлади:

— Ҳурматли колхозчилар! Бугун бизнинг колхозда қўшалоқ байрам! Биринчи, энг муҳим байрам шуки, сизлар билан гаплашиб олиш учун райкомнинг биринчи секретари — янги секретари ҳурматли ўртоқ Абдураҳмонов ташриф буюрдилар!

Умар-закунчи охири сўзларни тантана билан эълон қилиб, шу қадар қаттиқ чапак чалдики, зал тагин жунбушга келди.

— Ҳурматли ўртоқ Абдураҳмонов! — Умар-закунчининг жарангдор овози шовқинни босиб кетди. — Бизнинг хўжалик аъзолари сизни — Улуғ Ватан урушининг қаҳрамони, жонажон Ватанимиз учун қон кечган жасоратли жангчини, райкомимизнинг отасини чин юракдан табриклайдилар. Хуш келибсиз, колхозимизга, ўртоқ Абдураҳмонов.

Оломон қайтадан ғайратга тушиб чапак чала бошлади.

— Ўртоқлар! — деди Абдураҳмонов титроқ, хаста овозда. Ёнида жилмайиб турган Закунчини зўрлагодек бўлиб, жойига ўтказди. — Дўстлар! Юртимизнинг бошига оғир кун тушганида кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ҳалол меҳнат қилаётганингиз учун ҳаммангизга район партия комитети номидан минг раҳмат! Райком ҳимматларингизни билади. «Қизилдеҳқон»чилар фронтга пландан ташқари ўн тонна қуруқ мева юборганини, юз минг сўмлик заём олганини, жангчиларимизга иссиқ

кийим жўнатганини ҳаммасини биламиз. Душман Москва остоналарида енгилди. Шармандаси чиқиб қочяпти. Бунда сизларнинг ҳам улушинглар бор.

Энди Закунчи ундамаса ҳам одамларнинг ўзи гувиллаб қарсак ура бошлади. Абдурахмонов ягона қўлини кўтариб шовқинни тўхтатди.

— Мен районда янги одамман, — деди толиққан овозда. — Фронтдан яқинда қайтдим... Аммо бу колхозга урушдан аввал ҳам келганман. Тўғрими, Оқсоқол?

Залнинг ўртарағидан Ориф оқсоқолнинг баланд овози эшитилди:

— Баракалла! Келгансиз.

— Дума қаёқдалар, дума?

Ҳамма аланг-жаланг бўлиб қолди. Бобом охири қаторда ўтирган экан. Урнидан тургани билан биров кўриб-бирова кўрмади.

— Буёқдаман! — деди чийиллаб. — Гапираверинг, эшитаяпман.

— Бу жой, — меҳмон бўш курсиларга имо қилди, — сизларники. Колхозни йўрғақлаб, бешигини тебратганларники. Қани, марҳамат, жойларингни билиб ўтиринглар.

Умар-закунчи дик этиб ўрнидан турди.

— Шуларга асраб қўйибмиз-да жойни! Қани, Оқсоқол, Ҳусан ака, президиумга марҳамат.

Оқсоқол билан бобом саҳна бурчагидаги зинадан узун-қисқа бўлиб чиқиб боришаётганида тагин қарсакбозлик бўлиб кетди.

— Мен бугун жуда хурсандман! — меҳмон залга қараб жилмайди. — «Қизилдеҳқон»дан чиққан қаҳрамон жангчини қутлашга келдим. — У ягона қўлини мовут костюмининг ич чўнтагига суқиб газета чиқарди.

— Раънохон, чиқинг! — деди Умар-закунчи ўртарақдаги қаторга имо қилиб.

Сочини чамбарак қилиб ўраган, пальто кийган Раъно келинойим одамлар орасидан илдам ўтиб, саҳнага чиқди. Қарасам, икки юзи қизариб, чиройли кўзлари ёниб турибди.

— Уқинг! — Закунчи меҳмоннинг қўлидан газетани олиб, Раъно келинойимга узатди.

Раъно келинойим газета қатини ёзаётганда «Қизил Ўзбекистон» эканини пайқадим. У гоҳ саҳнада ўтирганларга, гоҳ пастдагиларга ширин жилмайган кўйи қараб қўйди-да, шариллатиб ўқиб кетди:

— «Тошкентлик паҳлавон. Марказий фронтнинг оддий аскар артиллериячи Очил Комилов урушдан аввал энг тинч кәсб — ўқитувчиликни орзу қилганди. Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтида ўқир эди. Унинг мақсади ёш авлодни тарбиялаш эди. Немис-фашист босқинчилари юртимизга бостириб киргач, қўлига қурол олди...»

Зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолган, ҳатто биринчи қаторга ўтириб олган болалар ҳам чурқ этмас, ора-чора одамларнинг йўталгани тарновдан эриб тушаётган қорнинг шилдираши эшитилиб турарди.

Бир маҳал эшикка яқинроқ жойда хотин киши ҳиқиллади.

— Очилим... болагинам...

Башор опанинг зардали товуши жимжит залда қаттиқ янгради.

— Ўғлингиз иш кўрсатганига суюниш ўрнига обидийда қиласиз-а, Лазакат хола!

Раъно келинойим ҳамон газета ўқир, овози тиниқ, ҳаяжонли жаранглар эди.

Бир замбил картошкани кўтаролмай, қўллари қалтираб турган Очил ака кўз ўнгимга келди. Наҳотки ўша Очил ака шунчалик иш кўрсатган бўлса! Бундан чиқди, юрагида ўт бор экан-да! Мен бўлсам, бечорани калака қилиб юрибман.

Раъно келинойим артиллерист Очил Комиловнинг Вязма деган жойда бир жангда ўн битта немис танкини пачақлагани, Олий Бош қўмондоннинг буйруғига биноан Жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганини ўқиётганида овози тантанали тус олди.

Газетани ўқиб бўлиб меҳмонга узатган эди. Умар-закунчи чаққонлик

қилиб тортиб олди. Келинойимга бир нима деди-ю, қайтадан янграган қарсақлар овозидан эшитиб бўлмади. Раъно келинойим мамнун жилмайиб пастга тушиб кетди.

Умар-закунчи пастга қараб қичқирди:

— Комил ака! Уртоқ Комил ака!

Комил амаки дераза олдида ўтирган экан. Шошилмай ўрнидан турди. Бошида эскирок юмалоқ дўппи, эгнида чопон. Сийрак соқоли ҳар доимгидек текис тарашланган. Янги райком Комил амакини танир экан.

— Ие, ўзимизнинг табиб-ку! — деди кулимсираб.

— Шу-да! — Закунчи дарров гапни илиб кетди. — Табиб бўлгани билан кетмонни ҳаммадан яхши уради. Стахановчи. Аммо қўлиям енгил. Любой касални уч кунда тузатади.

— Қани чиқаверинг, Комилбой! — деди Ориф оқсоқол мўйловини ҳафсала билан бураб.

Табиб одамлар орасидан секин-секин ўтиб бурчақдаги зинадан саҳнага чиқди. Абдурахмонов ўрнидан оғир кўзғалиб, Комил амакининг рўпарасига борди. Табиб унинг узатган чап қўлини қўшқўллаб қисди.

Умар-закунчи саҳна бурчагига бир имо қилган эди, буғалтир Соли сўпоқ пилдираб чиқиб келди. Чамаси, боядан бери кутиб турган бўлса керак, қўлида тугун бор эди.

— Уртоқ Комил ака! — деди Закунчи тантана билан. — Шундоқ қаҳрамон ўғилни ўстириб тарбиялаганингиз учун минг раҳмат сизга. Мана бу колхоз правлениеси номидан совға!

Шундай дедию тугунни ечди. Ичидан яп-янги беқасам тўн чиқди. Табиб хижолат чекиб турар, гоҳ саҳнадагиларга, гоҳ залга қарар, чамаси нима қилишини билмасди. Соли сўпоқ тугун орасидаги буклоғлиқ дўппини столга ташлади-да, шоша-пиша Комил амакининг эгнидаги чопонни ечиб олди. Закунчи янги чопонни ўз қўли билан кийгизди. Қизил қийиқчани чаққон айлантириб, табибнинг белига боғлади.

Соли сўпоқ дўппининг қатини очиб, кафтига қарсиллатиб ураётган эди, Оқсоқол илдам ўрнидан турди.

— Буёққа ол! — деди қўл чўзиб. — Калинин юқиб қолади. Шу қўлинг билан бошингни қашигансан, биламан.

Қийқириқ, кулгу бўлиб кетди. Оқсоқол табибнинг бошидаги юмалоқ дўппини авайлаб ечиб, қўлига тутқазди-да, янгисини кийгазди.

— Баракалла, Комилбой! — деди табибнинг пешонасидан ўпиб. — Белида белбоғи бор ўғил ўстирибсиз.

Оқсоқол жойига бориб ўтираётганида тагин қарсақбозлик бошланди. Қизиқ, ҳали ўзининг шаънига қарсақ чалинганида ғаши келган Абдурахмонов энди қувониб кетди. Бир қўллаб чапак чалолмагани учунми, нуқул чап қўлини «баракалла» дегандек ҳавода силкитар, кўзларида қувонч порлар эди.

Умар-закунчи табибга юзланиб, тантанали оҳангда сўради:

— Сўз берайликми?

Табиб елкасини қисди.

— Мен нима дейман... — Залга қараб олди-да, паст, вазмин товушда қўшиб қўйди. — Уруш тезроқ битсин. Жумла мўмин қатори Очилим ҳам эсон-омон келсин! Яхши тўйлар қилайлик!

...Комил амаки саҳнадан тушиб кетаётганида Закунчи тагин миннат-дорчилик билдирди.

— Раҳмат сизга, қишлоғимиздан чиққан қаҳрамон Очил Камиловнинг отаси!..

Бобомнинг эшакаравасида уйга қайтарканмиз, бугунги тантаналар кўз ўнгимдан кетмас, нам босган кўзойнак ортидан термулиб турган Очил аканинг митти кўзлари хаёлимда жонланар, «яхши кўриш айб эмаску», деб ялинган овози қулоғимда жаранглар эди. Билмадим, негадир ўша заҳоти хаёлимга Кимсан акам келди. Қанийди Кимсан акам ҳам орден олса! Клубда шунақа мажлис бўлиб, райкомнинг ўзи келса! Ҳамма Кимсан акамни мақтаса!

Бобом қулоқчини қийшайиб кетган телпагини бостирганича эшак

жиловидан тутиб борар, арава ғилдираги остида кечки совуқда қайтадан музлаган қор қисирлар, ҳаво очилиб кетган, қоп-қора, чуқур осмонда бодроқдек юлдузлар порлар эди.

3. «Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётгонинг қани?»

Ер селгир-селгимас, тракторни далага солдик. Кутиб ўтиришга вақт йўқ. Башор опа ёнига Зуҳра келинни олиб, Бўрижар этагидаги биринчи бригадани шудгор қилишга тушиб кетди. Менинг зиммамга Кўтармадаги олтинчи бригада тушган. Ёрдамчим — Олимжон.

Биламан, бола бечора мактабга ёлчитиб бормаяпти. Тушлик бўлмасидан жилдини кўтариб келиб қолади. «Иккита ўқидик, учта ўқидик», деб баҳона қилади. Сув ташийди, ёнимга ўтириб олиб трактор ҳайдагиси келади. Қўли рулга аранг етади-ю, катталардек жиддий бўлиб, бултурги марзалар дўппайиб турган даладан кўз узмай боради...

Бугун ҳам шунақа бўлди. Пайкал четидаги бир туп жийда тагида тушлик қилиб ўтирардим. Офтоб мулойим жилмайиб, елкани қизитади. Осмонда эринчоқ булутлар вазмин сузиб боради. Ариқ бўйидаги майсалар орасида очилган жимитдек зангори гуллар устида бойқизи сарғиш қанотини пирпиратиб учади.

Энди бир бурда зоғора еган эдим, дала бошида Олимжон кўринди. Жилдини боши устида пирпирак қилиб айлантириб чопиб келди.

— Сув опкелайми? — деди жилдини жийда шохига илиб. Ҳарсиллаб нафас олар, терлаб кетган эди.

— Шошма, қорнингни тўйғизиб ол!

— Битта зоғорани бўлашиб едик. Зоғора яхши-ку, дарров тиқилиши ёмон. Чой йўқ.

Олимжон зоғорани чала-чулпа чайнаган кўйи пачоқ челақни кўтариб, пайкалнинг нариги бошига югуриб кетди. Тол тагида булоқ бор. Суви тоза, муздек.

Керосин ҳиди анқиб турган челақдан сув ичиб тушлиқни тугатдик.

— Акам яхшилар-а? — Олимжон бурнининг учида илиниб турган сув томчисини артиб мамнун жилмайди.

Кулдим.

— Айтмовмидим, аканг орден оладилар деб.

— Сизам яхшисиз! — Олимжон ёйилиб илжайди. — Тракторга сув обораими?

— Майли, кетдик.

Олимжон челақни кўтарганча ҳайдалган шудгордан тиззасигача тупроқ кечиб трактор томонга югурди. Мендан олдин етиб бориб, моторга сув қуя бошлади.

Ҳар қандай ишнинг ҳам охири қийин бўлади. Пайкални қўлдан чиқариб қўя қолайлик, деб ҳарчанд уринсам ҳам, бир парча ҳайдалмаган ер қолди. Даланинг у бошидан бу бошига икки марта бориб келсак, тамом. Кечаси тракторни бешинчи бригадага олиб ўтамиз-да, эрталабдан янги жойда иш бошлаймиз.

Иккаламиз ҳам чарчаган эдик. Олисда, ҳўмрайган тўда-тўда булутлар орасида қуёш қонталаш нур сачратиб бир зум осилиб турдию уфқ ортига думалаб кетди. Шамол кучайди. Кун бўйи эринчоқ кезиб юрган булутлар офтоб ботганидан кейин қаҳрли тус олди. Шиддат билан бостириб кела бошлади. Трактор устида безовта чарх ураётган қарғаларнинг чағ-чуғи кучайди. Кўнглимга ғашлик чўқди. Ёмғир ёғмасга гўрга эди. Буёқда қоронғи тушиб кетяпти.

Бир маҳал трактор тумшуғидан буғ кўтарилиб, ҳеч нима кўринмай қолди.

— Ҳозир сув обкеламан.

Ёнимда ўтирган Олимжон сакраб, ерга тушди. Имиллаб бораётган трактор биқинидаги пақирни юлқиб ояди-да, қоронғулик чўка бошлаган шудгордан югуриб кетди.

— Қўрқмайсанми? — дедим бақириб.

Олимжон трактор шовқинидан гапимни эшитмади шекилли, қайрилиб қарамади. Бир пасда ним қоронғи зулматга сингиб кетди. Тракторни тўхтатишим билан мотор ўчиб қолди. Э, ўла! Энг ёмони мана шу — ўчиб қолиши! Моторни қайтадан ўт олдириш осон бўлса экан.

Ерга тушишим билан этик кўнжидан лой аралаш тупроқ оёғимга тўкилди. Трактор тумшуғида осилиб ётган каттакон темир тутқични бурай бошладим. Увалло уринаман, қани айланса! Пастга боссам, кўлимни юқорига итариб ташлайди, юқорига кўтарсам, ўчакишгандек пастга силтайди. Бир зумда терлаб кетдим. Шамол кучайган, кунботар томонда чақмоқ ялтирар, зулмат қоплаган осмонда қарғалар шамол арғимчоғида учиб бор овозда шовқин солар эди.

Олимжон кетган томонга қараб кўлимни карнай қилганча чақирдим.

— Олим-жо-он!

Шамол овозимни тескари ёққа олиб кетди. Ўзимнинг ожизлигим ўзимга алам қилди. Олимжон нима қилиб берарди! Мен буролмаган тутқични айлантиришга ёш боланинг кучи етармиди! Башор опа бўлса бошқа гап! Бунақа қайсар тракторнинг «эсини жойига киргизиб» кўйишни билади.

Башор опани ўйлашим билан ярқ этиб хаёлимга келди. Бир сафар МТС ҳовлисида тракторнинг тутқичини айлантиролмаи хуноб бўлиб турганимда Башор опа осонгина юргизиб берганди. Тутқични қияроқ солиб, бутун гавдаси билан бир босганида мотор пат-пат қилиб ишлаб кетган.

Мен ҳам шундай қилдим. Тутқични суғуриб олиб, бошқатдан, ёнбошлаброқ тикдим-да, бандидан кўшқўллаб ушлаганча биқинимга тираб, бутун гавдам билан босдим. Тутқич зўриқиб айланди. Трактор «поп» этди. «Овозинг чиқаркан-у, ер югтур!» Тутқични суғуриб қайтадан солдим. Бу сафар мотор икки марта потиллади. Дудбурондан тутун аралаш чиққан чўғ қоронғида аниқ кўринди. Ҳаққиси уч гал! Энди юриб кетади. Бу сафар бутун гавдам билан ёнбошлаб бир силтаган эдим, тутқич банди сал пастлади-ю, шунақанги кучли зарб билан биқинимга урилдики, кўзимдан олов чиқиб кетди. Ўнг биқинимда чидаб бўлмас оғриқ сездим у нафасим чиқмай қолди. Кейин нима бўлганини билмайман. Қоронғида соядек сўппайиб турган трактор ғира-шира кўриниб, муттасил чағ-чуғ қилаётган қарғалар, осмонда зангори қиличдек ялт-юлт қилиб ўчаётган чақмоқ — ҳаммаси ғойиб бўлди.

Ўзимга сачраган ёмғирдан ҳушимга келдим. Охири ёғибди-да, деган ўй ғира-шира миямга урилди. Ҳали кўзимни очмасимданоқ биқиним увишиб қолганини, увишган бўлсаям чидаб бўлмас даражада ачишиб оғриётганини идрок этдим.

— Опа, туринг, опа?!

Ўзимга яна ёмғир сачради. Қизиқ, ёмғирдан керосин ҳиди келяпти.

Кўзимни очиб, қоп-қора, думалоқ нарсани кўрдим.

Олимжоннинг йиғламсираган овози қулоғимга кирди.

— Туринг опа, туринг..

Синчиклаб қарасам, бояги думалоқ нарса — челақ экан.

— Тепдими? — деди Олимжон бошимга эгилиб. Энди у йиғламас, аммо овозида ваҳима бор эди.

Трактор тутқичи тепганини энди эсладим.

— Ҳеч нима қилмайди!

Болани тинчитиш учун қаддимни ростламоқчи эдим, биров биқинимга пичоқ санчгандек ловуллаб ачишди. Ҳарчанд ўзимни тутай десам ҳам бўлмади. Ўнг ёнбошимни чангаллаганча йиқилиб тушдим. Ўзим нам тупроққа урилди. Димоғимга ер ҳиди кирди. Қизиқ, гувиллаб турган шамол шовқинига қарамай тупроқнинг ожиз шивирлашини аниқ эшитгандай бўлдим. Ичим ёниб борарди.

— Сув! — дедим инграб.

Олимжон бошимга эгилди.

— Мана, — деди жиякларидан чакиллаб сув томаётган дўппини қўшқўллаб тутиб. — Яхши сув, опа. Ўзимам ичдим.

Бошимни кўтариб уч-тўрт қултум ичдим. Анча ўзимга келдим. Амаллаб қаддимни ростладим. Рўпарада қоп-қора соядек трактор сўппайиб турар, тумшугидаги темир тутқич қоронғида хира йилтирар, бошимиз устидаги қарғалар сийраклашиб қолган, аммо, чақмоқ борган сайн кўпроқ ялтирар, осмондан қисқа-қисқа бўғиқ гумбурлаган садо эшитиларди.

— Туринг, опажон! — деди Олимжон қўлимдан тортиб. — Кетамиз, ҳозир жала қуяди.

Ўрнимдан тураётганимда биқиним яна ловуллаб ёнди. Томоғим қуриб борар, сув ичгим келар, лекин кўнглим айнарди.

Олимжон ўрнимдан турганимга қувониб кетди. Дадилланиб елкасини тутди.

— Бизаникига борамиз-а? — деди мени суяб юришга уриниб. — Дадамларда-чи, кийик ўт бор. Уч марта ичсангиз тузалиб кетасиз! Дадамларда-чи, опа, мўмиё бор. Бир марта ичсангиз бўлди.

Ҳар қадам қўйганимда биқинимга янгидан пичоқ санчилар, кўз ўнгим қоронғилашиб, аъзой-баданымдан совуқ тер чиқиб кетаётганини ўзим сезиб турардим. Чап қўлим ҳам сирқиллаб оғриётганини энди билдим. Бундан чиқди, тутқич тепганида биқиним аралаш қўлимга ҳам урилгану қизиқ устида сезмаганман. Пайкал четига амаллаб чиқдигу уёғига қадам босишга мадорим қолмади.

— Шошма, Олимжон... — болани қўрқитмаслик учун дадилроқ гапиршига шунча уринсам ҳам овозим инграб чиқди. — Дам олайлик.

Ҳали иккаламиз зоғора еб тушлик қилган жийда тагига ўтириб қолдим. Шундай бошимиз устида чақмоқ чақди. Бу сафар шу қадар шиддатли ялтирадики, осмонни икки бўлакка тилимлаб ташлагандек бўлди. Кўкимтир нурда Олимжоннинг қўрқувдан дум-думалоқ бўлиб кетган кўзларини, жийда шохиди илиниб турган жилдини кўрдим. Ўша заҳоти еру кўкни титратиб момақалдиروқ гумбурлади. Юзимга илиқ, йирик томчи тушди. Ўтирган жойимда қўл чўзиб Олимжоннинг бошини силадим.

— Сен кетавер, хўпми? Эрталаб мактабга боришинг керак. Бор, жилдингни ол. Дафтаринг ҳўл бўлиб қолади.

— Опа! — Олимжон мени қучоқлаб олди. Елкалари силкиниб, ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди. — Кетмайман! — деди бақириб. — Сизсиз кетмайман. Керакмас мактаби, опа.

Ўрнимдан кўзгалишим билан биқиним тағин санчиб кетди.

— Яхши, — гандираклаб оёққа қалқдим. — Кетамиз. Лекин сизларникигамас. Етиб боргунимизча тонг отади. Биласанми... — иложи борича дадилроқ қадам босишга уриниб, елкасидан ушладим. — Мен Кўтармада қоламан, Раъно келинойимникида. Хўпми? Трактор далада қолганини айтмасам бўлмайди.

Тағин чақмоқ чарсиллади. Уст-боши жиққа сув бўлиб кетган Олимжоннинг йиғидан титраб турган лабларини аниқ кўрдим. Момақалдиروқ сурон солди.

— Юр! — дедим йўл бошлаб.

Кўча четидаги куртак чиқарган толлар шамол қаҳридан титраб ора-чора чақмоқ чаққанида сесканиб кетар, ҳаммаёқни ер ютиб юборгандек ваҳимали жимлик чўкқанди. Вақт-вақти билан момақалдироқ гумбурлаб, сукунатни портлатар, аммо ўша заҳоти ҳаммаёқни аввалгидан ҳам чуқур сукунат босар, ёмғирнинг шовуллаши бу хатарли жимжитликни янаям чуқурлаштириб юбораётгандек бўлар эди.

Раъно келинойимнинг эшиги орқасидан тамбаланган экан. Ғирасидан мўраласам, ҳовли ёнбошидаги уйда хира нур кўринди. Хайрият! Бошим ғувиллаганча эшик кесакисига суяниб, темир ҳалқани қоқдим. Кўнглим беҳузур бўлиб борар, ҳозир йиқилиб тушишимни ҳис қилиб турардим.

Ҳалқани дурустроқ тақиллатишга мадорим етмади. Олимжон ҳалқани кўшқўллаб ушлади-да, кучи борича эшикка ура бошлади.

— Кенной! — деди бақириб. — Очинг!

Уй томондан қандайдир шарпа кўрингандек бўлди. Олимжон ҳалқани янаям қаттиқроқ урди. Тағин момақалди роқ гумбурлади. Бир маҳал кўзимни очсам, ичкарида чироқ йўқ. Ҳозир ёниб турувди-ку. Олимжонга ялиндим.

— Қаттиқроқ тақиллат. Момақалди роқда эшитмаяптилар.

Олимжон икки қўллаб, эшикни муштлашга тушди.

— Кенной! Раъно кенной!

Йўқ! Келинойим эшитмади. Бундан чиқди, чарчаган. Эртароқ ётиб, дам олгиси келган. Ёмғир кучайиб кетди. Эшик кесақисидан сомон сувоқ иси анқиб, кўнглим беҳузур бўлди.

Бир маҳал ҳушимни тўплаб қарасам, Олимжон пастак деворга тирмашаяпти. Зум ўтмай деворга миниб олди.

— Их, тикан бор экан! — деди ёғиниб.

Кейинги лаҳзада унинг ҳовли томонга гуп этиб тушгани, шап-шуп лой босиб уй томонга боргани, «кенной» деб чақиргани эшитилди. Уй эшиги ёйқиллаб очилди. Дарвозанинг тирқишидан яна мўралаб, қоронғида ҳеч нимани кўролмадим. Бола тушмагур келинойимни кўрқитиб юбормасайди!

Шу пайт аллақандай эркак кишининг «Ҳароми!..» деб сўкингани, Олимжоннинг «қўйворинг» деб ялингани эшитилди.

Эшикни кучим борича муштладим.

— Очинг, кенной, менман! — дедим бақириб.

Кимдир оғир, шахдам қадамлар билан эшикка яқинлашди.

— Қўйворинг! — бу сафар Олимжоннинг овози бўғилиб чиқди.

Тамба сурилди. Эшикнинг бир тавақаси очилди-да, кимдир Олимжонни ёқасидан мушук боладек чангаллаб улоқтириб юборди. У гандираклаб келганча куч билан менга урилди. Биқиним баттар санчиб, кўз олдим қоронғулашиб кетди. Олимжон, менга озор берганини билиб, типирчилаб қаддини ростлади. Шу пайт чақмоқ ярқ этдию рўпарамда вазоҳат билан турган бошяланг Умар-закунчини кўрдим.

— Ие, оймқиз, сизам шу ердამисиз? — деди ғазабдан кўзлари ёниб. — Бемаҳалда пишириб қўйибдими бировникида!

— Бировмас, ўзимни янгам, — оғзимга келган гап шу бўлди.

— Тракторни катта холаңгникига ташлаб келдингми? — Умар-закунчи кўзимга шунчалик вазоҳат билан тикилдими, тилим айланмай қолди. У бошини эгиб эшикдан чиқиб бораркан, нафрат билан сўкинди: — Падарингга лаънат! Ҳаммангни қамоқда чиритиш керак!

Ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай турган эдим, айвон томонда Раъно келинойимнинг шарпаси кўринди, чақмоқ чақди. Келинойим айвондан сакраб тушиб шу томонга югурди. Бошида оппоқ шоҳи рўмол, эғнида бахмал нимча, оппоқ шоҳи кўйлак.

— Вой, Робияхон, сизмисиз! Ўтакамни ўн бўлиб юбординглар-а! У мени кучоқлаб олди. Юзимдан ўпа бошлаганида димоғимга гунафша ҳиди урилди.

— Ким бу? — деди Олимжонга қараб.

Келинойим билан кўришарканман, ҳеч нимага тушунолмасдим. Олимжон эса томоғини силаб-силаб қўяр, ёмғирда букиб кетган муштдеккина гавдасини букчайтириб чуқур-чуқур нафас оларди.

— Бўйним оғрияпти, опа, бўғди у мени...

Раъно келинойим меҳрибонлик билан боланинг елкасига қоқди:

— Раис амакинг танимай қолибдилар-да, — деди олатиб. — Сени ўғри деб гумон қилганлар. Ҳозир ёмон кўп. Қани, ичкарига киринглар, — айвонга чиқиб бораркан, у ўгирилиб қаради. — Қайси шамол учирди, Робияхон! Уй ичиларингиз тинчми, Кимсанбойдан хат борми?

Беихтиёр кетидан эргашдим. Негадир Раъно келинойим тинимсиз гапирарди.

— Умар акам билан шудгор қилинган гектарларнинг ҳисоб-китобини

ёзаётувдим. Лампамой ўлгур тамом бўп қолди. Кимсанбойдан хат-хабар борми ахир? Дума — поччам, эгачимлар яхши юришибдими? Турмуш ҳам ўлсин, вақт топиб хабар ололмайман.

Олимжоннинг елкасидан қучганча уй остонасига энди қадам қўйган эдим, тагин момақалди роқ гумбурлади. Бу сафар шунақанги қаттиқ сурон солдики, назаримда осмон чил-чил бўлиб кетди. Кетма-кет чақмоқ чақиб, пастак деразалардан, эшиқдан отилиб кирган нур уй ичини сутдек ёритиб юборди. Ерга ёзилгану нари-бери юмалоқ-ёстиқ қилиб қўйилган тўшак, иккита ёстиқ, бурчакдаги хонтахта устида турган яримлаган вино шишаси, попуққандлар, хонтахта бурчагида дўппайиб турган Умар-закунчининг чақмоқ телпаги кўринди.

Ажаб, бир зумда боядан бери азоб бераётган оғриқ унутилди. Бошимнинг айланиши тиниб қолди. Яна чақмоқ чақиб, уй ичини ёритди. Келинойимнинг оппоқ рўмолини, оппоқ кўйлагини тагин бир марта кўрдим. Биринчи қор ёғиб турган ўша кечада, келинойим ошхона орқасига ўтиб «сизсиз ўлиб қоламан» деб Шомурод тоғамнинг бўйнига осилганида ҳам шу кийимда эди. Худди шу кийимда. Фақат бошига жун рўмол ўраб олганди.

— Юр, Олимжон!

Биров ёқамдан бўғиб олаётгандай, Олимжонни судраб ҳовлига отилдим. Ўша заҳоти Раъно келинойим йўлимни тўсди.

— Бу нимаси, озиб-ёзиб бир келганда... Шундоқ ёмғирда қаёққа борасизлар? — у Олимжоннинг елкасига қўл чўзган эди, болани силтаб тортдим.

— Тегманг! Нораства болани ҳаром қилманг.

Қоронғи бўлса ҳам Раъно келинойим бир сесканиб тушганини пайқадим. У билагимдан тутмоқчи эди, қўлимга илон чирмашаётгандек этим сесканиб кетди. Узимни орқага ташладим. Олимжонни етаклаганча кўчага отилдим. Ҳовли томондан Раъно келинойимнинг ўкраб йиғлагани эшитилди:

— Қандоқ кунларга қолдим!

Ёмғирда ваҳимали шовуллаб турган ёнғоқзор ичига киргандагина ўзимга келдим. Ора-чора чақмоқ чақар, аммо қалин дарахтлар орасини аввалгидек ёритолмас, момақалди роқ эса янаям ваҳималироқ гулди-рар эди.

— Опа, бизниқига борамиз! — деди Олимжон ялиниб. У ўқтин-ўқтин бўйнини силаб қўяр, лекин энди ҳиқилламасди. Биқинимнинг оғриғи зўрайиб, нафас олсам санчиб оғрир, бутунлай ҳолдан тойган эдим.

Индамадим. Хаёлимда бошқа ўйлар чарх урар эди. Қизиқ бултур байрам арафасида Холпош холага кўкрак бурма кўйлак тиктирганим эсимга тушди. Ушанда, Рашид абзи мўрчасида чўмилиб келган кунимнинг эртасига Оқсоқолникига яна чиқсам, Холпош хола «Зингер» машинасида чок босиб ғалати ашула айтяпти.

Оқ илон, оппоқ илон, ойдинда ётгонинг қани,
Мен ёмондан айрилиб, яхшини топгонинг қани!

Эшитиб, ҳайрон бўлгандим: илонниям ашула қилиб айтадимми одам? Йўқ, ўшанда бу ашулани тушунмаган эканман. Инсон боласи илонга айланиб қолиши ҳеч гап эмас экан.

Бир томонида наъматаклар ўсиб ётган, бир томонида тубсиз жарлик шовуллаётган тор сўқмоқдан ўтгунча адои тамом бўлдим. Ожиз майсалар ниш чиқарган, лой бўлиб кетган дўнгликка ўтириб қолдим. Тагимдан шовуллаб ёмғир суви оқиб ўтар, вужудим музлаб бораётганини сезиб турардим. Ҳали пайқамаган эканман. Таги кўчган этигимдан сув сизиб кириб, пайтавам ҳўл бўлиб кетганини энди билдим. Олимжон ёмғирда дийдираб, тепамда турар, ора-чора бўйнини силаб қўяр эди.

— Алвастикўприк... — деди секин, сўнг катталардек хотиржам овозда гапирди. — Қўрқманг, опа, ўзим обориб қўяман...

РАЪНО ҲИКОЯСИ

Оғиш бурчаги

Дунёда ҳадиксираб яшашдан ортиқ азоб йўқ экан. Гўё бошингда биров қилич кўтариб тургандек, сен бўлсанг ҳар лаҳзада ўша қилич бўйнингга тушишини кутаётгандек. Бора-бора шунақанги жонингдан тўйиб кетасанки, қилич бошингни танингдан тезроқ жудо қилишини истаб қоласан. Нима бўлганидаям ҳадик азобидан қутулсам, бир чўқиб атрофга минг аланглаган қарғадек аянчли аҳволдан халос бўлсам дейсан. Мана ўша қилич бўйнимга тушди.

Бугун эрталаб энди чой ичиб бўлган эдим, эшик тақиллаб қолди. Умар аканинг тақиллатишини танийман. Бошқаларнинг дарвозасини қамчи дастаси билан саваласа ҳам, менинг эшигимни авайлаб, уч марта секин-секин қоқади. Югуриб чиқсам, эгарда жилмайиб ўтирибди. Қамчи дастаси билан чақмоқ телпагини сал кўтарди-да, чўнтагидан учбурчак хат чиқариб индамай узатди. Турган жойимда шоша-пиша ўқиб чиқдим. Шомурод акамнинг хати қисқа эди. Салом-алиқдан кейин ҳалиям сапёрлар ротасида хизмат қилаётганини айтибди. Охирида «Раъно, негадир кўнглим ғаш: ўзингни эҳтиёт қил, биласан-ку, сени жонимдан яхши кўраман» дебди.

Ўғрилиқ устида қўлга тушган одамдек этим жимирлашиб кетди.

— Нима дебди бизнинг ўртоқ?

Умар ака ҳалиям кетмаганини энди билдим, ярқ этиб қарасам, эгарда қийшиқроқ ўтирганча, кўзларини қувлик билан қисиб кулимсираяпти. Назаримда Шомурод акамни ҳам, мени ҳам масҳара қилаётганга ўхшаб кетди. Хўрлигим келди.

— Вой-бў, жаҳлингиз бурнингизнинг учида туради-я! — у от жиловини тортиб, узр оҳангида қўшиб қўйди. — Мен Дўмбрободга бораман. Сиз биринчи бригадага ўтмасангиз бўлмайди. Шудгор чўзилиб кетаяпти. Тепасида турмасанг, қимирламайди. Хўкизга ўхшаганлар, — шундай дедию отини чоптириб кетди.

Тўқайда ер ҳайдаётганлар олдига боряпману Шомурод акамнинг хатидаги охирги гап хаёлимдан кетмайди. «Кўнглим ғаш, ўзингни эҳтиёт қил...» Хотин кишининг кўнгли сезгир бўлади, дейишарди. Бундан чиқди, эркакларнинг юрагиям ёмон нарсани дарров сезаркан-да!

«Ёмон нарса!» Уша ёмон нарсага ким айбдор? Бу азоблардан қутулишнинг иложи борми! Бор бўлса нима ўша чоранинг оти? Чарчаб кетдим, ахир! Янги йил кечасидан буён икки ярим ой ўтган бўлса, шу кунлар ичида ич-этимни еб ўзимни-ўзим абгор қилдим-ку! Иккита одам овозини пасайтириброқ гаплашса, мени ғийбат қилмаяптими, деб ичимдан қиринди ўтади...

...Одам боласининг феъли қизиқ. Аввало, умид билан қурган иморатинг бир оғмасин экан. Бир оғдими бўлди, бари бир йиқиларкан. Тўсиб қоламан десанг, босиб тушиб, ўзингни ҳам парча-парча қилиб ташлашидан қўрқар экансан. Негаки, ўша иморатнинг пойдевори кўпорилишига бир чеккаси ўзинг ҳам сабабчи бўлганингни биларкансан. Бўлмаса Шомурод акам билан не умидларда бир ёстиққа бош қўйгандик. Текстиль комбинатда аёллар кам, эркаклар кўп эди. Орқамдан елиб-югурганлар ҳам оз эмасди. Мен Шомурод акамни танладим. Бирини яхши кўрган одам нимасини яхши кўрасан, деган сўроққа жавоб беролмайди. Яхши кўради, тамом-вассалом! Мен ҳам Шомурод акамнинг аллақайси жиҳатини эмас, ўзини яхши кўрардим. Онам қанча ёлборди. Бошингда отанг бўлмаса, от тепкиси отг ўтмайди, тоғаннинг ўғлига узатаман, деб увалло ялинди, кўнмадим Шомурод акамдан ажралсам ўлиб қоламан, деб ўйлардим. Эримни урушга кузатаётганимда ҳам бари бир чидолмайман, ўлиб қоламан

деб, ишонган эдим. Шомурод акамсиз қанақа яшаётганимга ҳалиям ақлим бовар қилмайди. Лекин...

...Ҳайронман, Закунчининг домига қандай илиндим? Тўғриси, биринчи кўрганда ундан кўрққан эдим... Юрагим увишиб кетганди. Кейин билсам, юрагим увишмаган, жиз этган экан. Кўрққаним ҳам шундан экан. Бу одамга рўпара келсам нима қилишимни билмай қолишимни сезган эканман. Эҳтимол, Шомурод акам ёнимда бўлганида Закунчидан кўрққан чоғдаям яқинимга йўлатмасдим... Ким билсин тагин... Билмадим, дунёда шунақа нарсалар бўладики, бировга тушунтириш уёқда турсин, ўзинг ҳам тушунмайсан...

Бегона кўчага кириб қолган одам кўрқиб кетади. Кўрқади-ю, ўша заҳоти қайтиб чиқиб кета қолмайди. Нимага шунақа қилганини ўзи ҳам билмайди. Эҳтимол, маъносини ўзи тушуниб етмаган сирли бир нарса — нотаниш манзаралар, ғалати манзиллар, алдаб-сулдаб уни ичкарига олиб кириб кетар... Бўлмаса, Шомурод акамни кузатаётган куним тиз чўкиб ялинганимда чин дилдан йиғлаганим рост эди. Аскарларнинг кирини ювишга, ярасини боғлашга рози бўлганим рост эди. Ишқилиб севган кишимнинг ёнида бўлсам дердим. Ким нима деса десин, аммо ҳалиям Шомурод акам хаёлимдан кетмайди. Шомурод акамни ўйлаган сайин ўзимнинг теримни ўзим шилиб ташлагим келади.

Мен аҳмоқ, мен уятсиз нима қилиб, қўйдим ўзи? Ҳамма кўрқадиган, бир қарашада ҳаммани зир титратиб юборадиган Умар-закунчи менга шунчалик меҳрибонлигини, лозим бўлса, оёғимга тиз чўкиб ялинишини кўриб қўйинглар, дегим келдими? Сенлар Закунчини кўрганда титрайсан, Закунчи эса менинг олдимда қалтираб қолади, демоқчи бўлдимми? Билмадим! Балки мен ҳалиям ёш боладирман. Онаси қўлига урган сайин ширинликка баттароқ талпинадиган гўдакдан фарқим йўқдир. Бироқ, биладан, бу ширинлик — ҳаром! Ичида заҳар бор! Шунақанги аччиқ заҳарки, Умар ака билан мени ўлдирса майли. Икки орада бегуноҳ Шомурод акамни ҳам жувонмарг қилади. Энг аввал энг айбсиз одамни ўлдиради. Шомурод акамни!

Уша — биринчи қор тушган кеча, Шомурод акамнинг улфатлари тўпланган паллада Умар-закунчини ҳаммадан кўра мен ёмон кўрган эдим. Ошхона орқасига ўтиб, эр-хотин хайрлашаётганимизда ҳам бир лаҳза холи қўймади. Айвонга чиқиб Шомурод акамни чақирди. Эрталаб нима учун атайлаб арава чақиргани-ю, нимага Шомурод акамни ўзи бош бўлиб вокзалга олиб чиқганини ҳам тушунмадим. Бунақа нарсаларни ўйлаб ўтиришга вақтим ҳам, тоқатим ҳам йўқ эди.

Поезд тез жўнади. Шомурод акам билан тузук-қуруқ хайрлашолмадик. Фақат у мени бағрига босиб шивирлагани эсимда қолди:

— Ўзингни эҳтиёт қил, Раъно. Хат ёзаман.

Ҳушимга келсам, поезд аллақачон кетиб бўлган, қор босган вокзал хувиллаб қолган, ойим эгачимга суянгача унсиз йиғлар эди.

— Кетдикми! — деди Умар-закунчи қор юққан пиймасининг қўнжига қамчи уриб. — Иш кўп. Ҳали аллақанча картошка қазилмай ётибди.

Ойим гоҳ эгачимга, гоҳ Закунчига қараб ялинди:

— Илоё умрларингдан барака топинглар. Қизим бағримда уч-тўрт кун турсин. Ҳарна дардини унутади.

Эгачим дарров рози бўлдию Умар-закунчи иккиланиб қолди.

— Иш кўп-да, хола, — деди қошини чимириб. Лекин ҳар томонни ўйлаб, инсофга келди шекилли, пиймаси билан ғарч-ғурч қор босиб, вокзал эшиги томон юрди. — Бўпти! — деди қатъият билан. — Ўзим обориб қўяман.

Комил табиб билан Лазакат хола ҳам ўғлини кузатишга келган экан. Энди кўрдим. Эгачим, адашиб қоладигандек табибнинг қўлидан тутган Лазакат хола бизга эргашган эди, Закунчи жеркиб берди:

— Сизлар бораверинглар.

Арава юмшоқ қорда чуқур из қолдириб, юриб кетди. Онамининг

пинжиги тегилиб ўтирарканман, совуқни ҳам, ёғиб турган қорни ҳам сезмасдим. Бир маҳал арава ҳайдаб кетаётган Закунчи папирос чекди. Бурилиб орқасига қаради.

— Ташвиш қилманг, хола! — деди юпатиб. — Колхоз Раънохонга оталик қилади.

Совуқда дийдираб ўтирган ойим бирдан жонланди.

— Укам! Шу... Раънохон текстилда ишлайверса. Ўзининг ўрганган жойи. — У режасини аввалдан пишитиб қўйган шекилли, овози тетиклашди. — Ҳайҳотдек ҳовлида битта ўзи нима қилади. Ёнида қайнота-қайнонаси бўлмаса...

Закунчи индамади. Отга қамчи урди. Арава қор қоплаган тош йўлда илдам юриб кетди.

— Барака топинг, укам! — деди ойим Закунчининг индамаганидан дадилланиб. — Ҳарна ёнимда бўлади-ку!

Закунчи қордан оқариб кетган чақмоқ телпагини кафти билан юқори кўтариб орқага ўгирилди.

— Уйланг, хола! — деди вазминлик билан. — Бирламчи гап шуки, Раънохоннинг қайнона-қайнотаси йўқ дейиш инсофдан эмас. Дума — яхши одам. Иккиламчи, маҳалла-кўйдагилар нима дейди? Фалончи куёви урушга кетишини кутиб турган экан, қизини чиқариб кетди, деб ғийбат қилмайдими? — у ойимнинг кўзига тегилиб, таъкидлади. — Қолаверса, қизингиз қаровсиз қолмайди. Колхоз оталик қилади.

Беҳуш бир тарзда ўтирар, у ёғи менга бари бир эди. Текстилда ишлайманми ёки колхоздами, ойимнинг олдида тураманми ёки Кўтармадами — нима фарқи бор?! Шомурод акам ёнимда бўлмаганидан кейин ҳаммаси бир гўр эмасми!

— Биздаям ҳар битта одам ҳисоблоғлиқ! — деди Закунчи қатъий оҳангда. — Тем боле Раънохондек саводли одам!

Ҳалати бир янгиликни уйимга борганимдан кейин билдим. Қизиқ, ойим шу пайтгача айтмаганига ҳайрон қолдим. Ростов деган шаҳардан эвакуация қилинган ранглар, кўм-кўк кўзлари катта-катта рус хотин бизниқига жойлашган экан.

— Маржа опанг жа меҳрибон чиқиб қолди, қизим, — деди ойим мени тинчлантириб. — Иссиқ-совуғимдан хабар олиб турибди, буям ўзимнинг қизим-да!

Маруся опа ойимнинг гапига анча тушунадиган бўлиб қолган экан. Катта-катта, маънос кўзлари билан жилмайди.

— Яқши, апа! — деди кулимсираб.

Текстилда рус хотинлар билан тиллашганим учун русчани бинойидек билиб олгандим. Ярим кечагача Маруся опа билан дардлашиб ўтирдик. Мен уни ойим тенги кампир деб ўйлаган эдим. Сочлари оқара бошлаган, кўзининг икки бурчини ажин босган... Йўқ, ўттиз учга чиққан экан. Эри офицер экан. Ҳарбий чегарада хизмат қиларкан. Улик-тириклигини ўзи ҳам билмасмиш. Ўзи «Ростсельмаш» деган заводда ишларкан. Ростовга душман яқин келганида ҳаммани эвакуация қилишибди. Маруся опа тўрт яшар Вова деган ўғли билан поездга ўтириб энди йўлга чиққанида немис олдин поездни ўққа тутибди. Кейин бомба ташлаб, ёндириб юборибди. Маруся опа ловуллаб турган вагондан ўғлини кўтариб омон-эсон олиб чиқибди. Аммо эллик қадамча наридаги ўрмонга етиб борганидан кейин Вовочкани (у худди шунақа «Вовочка» деди) ерга қўйса, шилқ этиб йиқилибди. Қизик, боланинг чеккасида нўхатдек жойи қорайиб турган эмиш. Вагон томини тешиб ўтган ўқ Вовочканинг чеккасига теккан экан.

Маруся опа ўғлини ўз қўли билан гўр кавлаб қайин тагига кўмганини айтиб бераётганида юм-юм йиғлади. Тошкентда қурилаётган янги ҳарбий заводда ишлаётганини, ойимни яхши кўриб

Онаси
"ёнимдан"
кавча
дими,
боргани
"Вовочка"
демолибди.

қолганини айтди... Ачиндим, юпатдим, «Уйимизнинг түри сизники, насиб етса эрингиз сизни топиб олади» деб далда бердим.

...Бир ҳафтадан кейин ярим кечада Янги маҳалладаги тор кўчамизга Умар закунчининг ўзи арава ҳайдаб келганида, «ташвиш чекманг, хола, қизингизга ўзим оталик қиламан, Раънохонни табелчи қилиб тайинладим» деганида ойим ноилож рози бўлди. Устига-устак Маруся опа ҳам далда берди:

— Боравер Раъно! Сенинг онанг — менинг онам. Хавотир олма.

...Онамнинг бағридан олиб чиққунча мулойим илжайиб турган Закунчи Кўтармага келиши билан ўзгарди-қолди. Ҳар куни идорага қақириб, дағдаға қилади:

— Савод борми ўзи? Ҳисобни биласизми? Ким айтади сизни рабочий классдан чиққан деб, ўртоқ табелчи?

Кун бўйи гоҳ далага, гоҳ омборга югураман. Қанча картошка, қанча шолғом қавлангани, қанча пиёз тозалаб, ҳимоя фондига ажратилгани, омборга қанча жўхори топширилгани — ҳаммасини ҳисоб-китоб қилишга вақтим ҳам, ақлим ҳам етмайди. Унга сайин Закунчининг кулранг кўзларида совуқ ўт чақнайди.

— Қанақа одамсиз ўзи? Закунни биласизми? Бунақа чалакам-чатти ҳисоблашда ўн йилни шилқ этиб бўйингизга илиб қўйишадику!

Дўқ қиладию хатоим нимадалигини айтмайди. Узимдан ўзим кўрқаман. Балки ростдан ҳам хато қилаётгандирман! Шундан кўра қор чангаллаб қарам узганим, сассиқ омборга кириб пиёз тозалаганим минг марта яхшимасми? Охири бўлмади. Эгачим хабар олгани келганида ҳаммасини айтиб бердим.

— Вой ўлсин! — деди эгачим лабини буриб. — Эл-юрт нима бўлса сизам шусиз-да, келин! Чолимга айтаман, эртага Закунчига тушунтиради.

Дума поччам «тушунтирди» шекилли, индинига идорага кирсам, Умар-закунчи бутунлай бошқа одамга айланиб қопти.

— Раънохон! — деди астойдил куюниб. — Нега тушунмайсиз? Ахир сиз колхознинг раҳбар составига кирасиз. Раҳбарларнинг ўзаро гапи бўлади. Уйдаги сирни кўчага обчиқишнинг нима кераги бор? Саводсиз поччангиз нимани тушунарди?

«Табелчилик қилмайман» деб, оёқ тираб туриб олган эдим, азза-базза ялинди:

— Раънохон! Жон синглим! Сиздан бошқа ким эплайди бу ишни! Мен — колхознинг отасиман, тўғрими? Бундан чиқди сизнинг ҳам отангизман! Ота деган шунақа бўлади-да! Боласини яхши кўрганда эркалайди, жаҳли чиққанда койийди. Шунгаям хафа бўласизми? Боринг. Эртага омборда қарам тозалайдиганларга кўз-қулоқ бўлиб туринг...

Энди чиқиб кетаётсам, яна тўхтатди.

— Ҳа, айтгандай, бизнинг солдатдан хат келяптими? Маладес! Хат ёзсангиз, мендан салом айтинг...

Янги йил кечаси бир ўзимга қозон осгим келмади. Чой дамладим. Иккита зоғора билан тўртта туршакни дастурхонга қўйиб тамадди қилган бўлдим.

Қор ёғяпти. Ҳаммаёқ жимжит. Хонтахта устидаги лампа чирс-чирс қилиб қўяди. Керосинга сув аралашганми, нима бало? Утирган жойимда кўзим илинибди. Бир маҳал кўча эшик тақиллагандек бўлди. Чўчиб кўзимни очдим. Бу сафар аниқ эшитдим. Биров эшикни секин-секин тақиллатяпти.

Юрагим дуқиллаганча ҳовлига тушдим, кўнглим ёришиб кетди. Робия келган! Байрамда келинойинг ёлғиз қолмасин, деб юборишган. Шоша-пиша эшикка яқин бордим.

— Робияхон!

— Мен! — эркак овозини эшитиб, қўрқиб кетдим.

— Кимсиз? — дедим титраб.

— Нега қўрқасиз, Раънохон! Байрам билан табриклагани келдим.

✓
Закунчи
бу режими
ёки кимсиз?
Келган ан
гам вазе
Кимсиз
эди. Ра
хал хал
◆ Кимсиз
эди. Не
айл кел
Робия э
таним қ
нечини
сўзлай
бўлади?
Виз. Не
◆ Робия
Визия "д
мурт б
Шайх
Хўшам
у. Байрам
Ишқ! Кел
лақо!

Мумкинми, бир минутга!

Умар-закунчининг овозини эшитиб, беихтиёр занжирни туширдим. У қўлида каттагина тугун билан лип этиб ичкари кирди.

— Тишш! — деди бармоғини лабига босиб. — Бир минутга кирдим. Эшикни бекитинг! Бу замоннинг одамларини биласиз-ку, оғзи билан юради.

Таклиф қилмасам ҳам, айвондан ўтиб, уйга кирди. Кавшандозда туриб, тугунни узатди.

— Олсангиз-чи, қўлим узилиб кетди.

Нима қилишимни билмай тугунни олдим. Чиндан ҳам зил-замбил экан.

— Эҳтиёт бўлинг, — деди у кулимсираб, — ёғи оқиб кетади.

Закунчи кавшандозга чўнқайиб этигини еча бошлаганидан кейингина ҳушим ўзимга келди.

— Нима бу? — дедим тугунга имо қилиб.

— Қўлим музлаб кетди! — у калта пўстинини ечиб бир чеккага ташлади. Бошидан қор босган чақмоқ телпагини олган эди, сочи ёйилиб пешонасига тушди.

— Меҳмонниям шунақа кутадами, Раънохон? — деди таъномуз бош чайқаб. — Бугун байрам. Одамлар бир-бирини йўқлайдиган кун... — Таклиф кутиб ўтирмай сандал четига чўкди. Қўлини танчага тикди. — Эҳтиёт бўлинг, кўмирнинг ҳиди бор экан.

Кўзлари мулойим сузилиб турганини кўриб, кўнглимга шубҳа ўрмалади. Кайфи борми, нима бало!

Уй ўртасида серрайиб туриб қолгандим. Юрагим гурсиллаб урганча, оёқ-қўлим бўшашиб кетаётганини сезиб турар, нима дейишни, нима қилишни билмасдим.

— Нима ўзи? — хаёлимга биринчи келган гап шу бўлди. Эҳтимол, «нима қилиб юрибсан, бу ерда?» демоқчи бўлгандирману кўрққанимдан айтолмагандирман. — Нима бу? — дедим қўлимдаги тугунни силкитиб.

— Утирсангизчи! — деди қовоғини солиб. — Янги йилда колхозчиларни табриклаш вазифамга кирадими ахир! Мунча қовоқ-димоф қиласиз, ўртоқ табелчи?!

Энди у росмана раисга — Умар-закунчига айланган эди. Кўнглим жойига тушди, тугунни сандалга қўйиб, танчанинг этак томонига ўтирдим. У қўлини илтиб олди, тугунни ечди. Устига иккита жиззали патир босилган бир лаган палов кўринди. Уша заҳоти уйни ош иси тутиб кетди. Чинакам қовурма палов! Шомурод акамни урушга жўнатган кунимиздан бери ош емаган эдим. Беихтиёр тескари қарадим.

— Шаҳардан меҳмонлар келишганди, — деди у тушунтириб, — сизга илдиндим.

Ош босилган лаганнынг ёнида бир шиша арақ, бир шиша шампан борлигини энди пайқадим. Юрагимга яна ғулғула тушди. У арақ шишасининг орқасига кафти билан уч-тўрт урган эди, пўкак отилиб кетди. Арақ томчилари сачраб, лампанинг шишаси чирсиллаб дарз еди. Боядан бери сеҳрланиб қолгандек жим ўтирган одам, энди ҳушимни тўплаб, дик этиб ўрнимдан турдим. Хаёлимга келган баҳонадан ўзим суюниб кетдим.

— Дума поччамникига боришим керак. Ҳозир Робияхон келиб кетди. Бормасам бўлмайди.

— Борасиз! — Умар-закунчи кўзимга хотиржам тикилди. — Мениям ишим бошимдан ошиб ётибди. Утиринг! — у гап орасида шампан шишасининг зарини кўчира бошлади. — Утирсангиз-чи! — деди жеркиб-роқ. — Урушдан аламзада бўлган қанча оила бор! Ҳаммасига кириб чиқмасам бўлмайди! Бир минут ўтириш мумкинми ахир? — у кўзимга жиддият билан тикилди. — Вақтим зиқ деяпман-ку!

Бу гапни шунчалик самимий айтди-ки, беихтиёр сандал четига чўкдим. — Ушланг! — деди шампан тўла пиёлани узатиб. — Биламан, ичмагансиз. Аммо бугун бошқача кун... Бугун ичса бўлади. Шунинг учун ичайликки, кириб келаётган Янги йил — қирқ иккинчи йил урушнинг

охирги йили бўлсин! Жангчиларимиз Берлингача бориб фашистларни янчиб ташласин! Урушга кетганлар соғ-саломат, қаҳрамон бўлиб қайтишсин! Энг муҳими... — у жилмайиб таъкидлади. — Эрингиз омон-эсон келсин.

Беихтиёр пиёлани лабимга олиб бордим уша заҳоти дастурхонга қўйдим.

— Мени хафа қиялпсиз, Раънохон! — деди Умар-закунчи ҳамон арақ тўла пиёлани қўлида тутиб тураркан. — Онангизга берган ваъдамни шу кунгача бажаролмадим. Раз мен колхознинг отаси эканманми, сиздан хабар олиб туришим керак. Фақат ишда эмас. Мана бунақа улуғ айём кунларида ҳам...

Ярим пиёла шампан ичимга олов бўлиб кирди. Бошим айланиб кетди. Уч-турт чуқим ош олишим билан у тагин пиёлани тўлдирди.

— Йўқ! — дедим қатъий бош чайқаб. — Бўлди.

— Шунақа тилак айтаманки, ичмасангиз бўлмайди! — Закунчи пиёласини пиёламга чўқиштирди. Кўкиш кўзларида яна ўша самимий олов порлаб кетди. — Шомурод укамиз тезроқ келсину янаги йил, янаги шу кунларда уйингизда чақалоқ йиғиси эшитилсин!

Уялиб кетдим. Пиёлани дастурхонга қўймоқчи эдим, у қўлимга ёпишди.

— И-и-и! Нима, қаршимисиз шу ниятга? Шомурод акангиздан шунчалик безганмисиз?.. Агар у кишини чинакам яхши кўрсангиз, оппоқ қилиб оласиз!

Ичим ловуллаб кетаётганига қарамай қасдма-қасдликка ичиб юбордим. Лекин хато қилганимни, бемаъни иш қилганимни тушуниб етганимда кўз ўнгим жимирлашиб борар, хонтахта устидаги лампа хиралашиб қолганга ўхшар, негадир ўзимдан-ўзим кулгим қистар эди. Қизик, ҳамма кўрқадиган, ҳамма ёмон кўрадиган Умар-закунчи шуми? Тавба! Туппа-тузук одамгарчилиги бор экан-ку!

У қачон ёнимга ўтиб олгани эсимда йўқ. Бир маҳал елкамга қўл ташлагани, «Раъно, жоним!» деб энтиккани, юзимга қайноқ нафаси урилганини элас-элас пайқадиму кўрқиб кетдим.

— Кетинг, — дедим юлқиниб. — Кетинг! Додлайман! Ҳозир додлайман! Қоч!..

— Раъно! — у янаям қаттиқроқ тармашди. — Тушунсанг-чи, тентак!

— Керакмас! — бўғзимдан йиғи аралаш илтижо отилиб чиқди. — Шомурод ака!

Гандираклар ўрнимдан турдим. Кўчага отилмоқчи эдим, у тиз чўкиб оёғимдан ушлаб олди. Сочлари ёйилиб кетган, кўзларида йиғлагудек ялинч ифода бор эди.

— Раъно! — деди ёлбориб. — Тушунсанг-чи! Кетимдан эргашиб юрганлар сон-мингта! Қизлар, жувонлар...

— Боравер ўшаларга! — қанчалик қаттиқ типирчиласам у оёғимга шунчалик қаттиқ ёпишарди.

— Яхши кўраман, тентак! — деди юпқа лаблари, ингичка мўйлови титраб. — Бошимга ураманми уларни! Сен кераксан менга! Биламан, сенга муносиб эмасман! Нима қилай, севаман сени! Биринчи кўрган кунимдан бери оромим йўқ, Раъно!

— Керакмас, қочинг! Шомурод ака! — кучим борича силтанган эдим, ерга ўтириб қолдим.

— Раъно! Жоним! Гўзалим! Нима қилай? Ҳеч кимнинг олдида эгилмаган бошим... — тўсатдан унинг кўзларида ёш кўринди. — Улдириб қўя қол мени... Сен... сен... бошқачасан. Қанақалигингни ўзинг билмайсан, Раъно!

Биринчи марта кўрганимда юрагим сесканиб кетгани, ваҳимага тушганим лоп этиб хаёлимга келди.

— Илтимос, — дедим ялиниб. — Керакмас... Умар ака...

...Билмадим, эҳтимол, хотин кишини шону шуҳрат ҳам, илму амал ҳам, эркакнинг кучи ҳам забт этолмас. Аммо ширин сўз олдида, мақтов олдида эрмайдиган аёл йўқ. Балки мен шунақадирман...

✓
бу ҳақда
жа!
беихтиёр,
илм-бўри
мен
Умар-закунчи
РОМАН
РАЪНО
◆ Раъно
ишқини
билмай
қачон
мен
ишқини
Раъно-бу
Мен
◆ ИККИ ЭШИК ОРАСИ
У. ХОШИМОВ

✓
Мен
қачон
бу
71
бу
Мен
Мен

Уша куні тонг отгунча йиғлаб чиқдим. Беномус, шарманда! Ким деган одам бўлдинг! Сенам инсонмисан!.. Узимни ўлдиргим келарди. Гўё эртага кўчага чиқишим билан сирим оламга ошкор бўладигандек. Ҳамма менга қўлини бигиз қилиб, «мана эрига хиёнат қилган бузуқ мана шу!» дейдигандек! Ундан кўра жонимни ола қолгани яхшимасми!»

Қизиқ, ҳеч нима бўлмади! Ҳеч нима! Ҳеч ким менга шубҳаланиб ҳам қарамади. Биров таънаям қилмади. Шундаям, аввалига ҳар кимга бир термулиб, ҳуркиб юрдим. Кейин ғалати аҳволга тушдим. Ҳар қадамида мингта қиз кўз тикиб турганига қарамай мени, ёлғиз мени яхши кўрган Умар ака, ҳаммани зир қақшатадиган Умар-закунчи ўша кунни шунчалик ялингани, оёғимга йиқилгудек илтижо қилгани учун севинишга ўхшаш ҳис пайдо бўлди. Ажаб, бу одамни биринчи кўргандаёқ юрагим жиз этгани бежиз эмас экан-да, бундан чиқди, уям мени яхши кўраркан-да!

Шуни ўйлашим билан лоп этиб Шомурод акам эсимга тушарди. Шунда ўзимни-ўзим оқлашга уринаётганимни, хато қилганимни, ифлос одамга айланиб қолганимни ўйлардим уша заҳоти тағин ўзимга юпанч топардим. «Бўлди! Иккинчи бунақа нобакорлик қилмайман. Закунчи бўлмоқ тугул худо бўлмайдим! Эндиям эшигимдан кириб келсин-чи, косов олиб ҳайдайман!»

Ажаб! Иккинчи марта тағин ярим кечада эшик тақиллатганида ҳайдаш уёқда турсин, оёқ-қўлим бўшашиб эшикни ўзим очдим. Бўлмаса, ўша куниям Шомурод акамдан хат келган эди... Ҳамон тушунолмаيمان. Нима бу? Мен кимман ўзи!

Бора-бора Умар акамни уч кун кўрмасам соғинадиган бўлиб қолдим. Йўқ, унақа... келиши учунмас. Узоқдан бўлсаям кўрсам бас. Соғиниб-соғиниб Умар ака билан кўришганимиздан кейин эса Шомурод акам лоп этиб яна хаёлимга келади. Кечаси билан юм-юм йиғлаб чиқаман. Гўё мен иккита Раъноман. Биттаси — Шомурод акамники, биттаси — Умар аканики.

Энди фақат бир нарсадан — одамларнинг маломатидан кўрқадиган бўлиб қолдим. Бир кунмас-бир кун сир очиладию эл ўртасида расвои жаҳон бўламан.

Салкам уч ойдан бери бошимда осилиб турган қилич шу эди. Мана, бугун ўша қилич бўйнимга тушди.

Эшик тақиллаганида туз-пуз сўраб чиққан қўшни бўлса керак, деб чироқни ўчирдим. Умар акам ишни пухта қилади. Шу кунгача бу ерга қатнашини ҳеч ким билмайди. Атайлаб отини колхоз молхонасига ташлаб, пиёда келади. Қўшни бўлса тақиллатиб-тақиллатиб қайтиб кетар деб умид қилиб турсам, айвон тегида биров «кеннойи» деб бақирдию юрагим қинидан чиқиб кетай деди. Умар акамнинг жаҳли ёмон. «Чиқманг» деб қўлига ёпишганимга қарамай айвонга отилди. Девордан ошиб тушган «ўғри»ни бир нима қилди шекилли, ёш боланинг «қўйворинг» деб ялинганини эшитиб тахта бўлиб қолдим. Бола — Комил табибнинг ўғли эканини кейин билдим. Хайрият. Бола экан, алдаб-сулдаб жўнатса бўлади. Лекин эшик орқасида Робия пойлаб турганини ким билибди! Шунчалик жонкуяр экансан, Дума — буванг билан қора таппи ойинг шунчалик меҳрибон экан, янги йил кечасида, Умар-закунчи уйимга бостириб кирганида қаёқда эдиларинг! Ушанда шу муштипар ёлғиз қолди-ку, холи нима кечдийкин, деб хабар олишга ярамадиларинг-ку! Эримнинг уруғи тезагимнинг қуруғи, деб шуни айтади-да! Энди уйимга бостириб келдингми! Нима ҳаққинг бор? Умар ака чиқишга чиқиб кетдию Робиянинг олдида сир бериб қўйдим. Нима деганимни, қандай баҳона рўқач қилганимни билмайман. Фақат Робиянинг ҳар сўзидан заҳар томиб, айтган гапи қулоғимга ўқдек кирди. «Болани ҳаром қилманг!» Худди шунақа деди.

Уйга кирдим. Ора-чора чақмоқ чақиб, уй ичи ёришиб кетарди. Яримлаган вино шишаси. Умар акам унутиб қолдирган телпаги, ярим-ёрти йиғиштирилган тўшакка кўзим тушдию бўшашиб ўтириб қолди. Тамом! Ҳаммаси тамом бўлди! Робия кўрди. Ҳаммасини кўрди. Вино шишаси, Умар акамнинг телпаги, кўшалок ёстиқли тўшак... ҳаммасини! Шўрим

курсин! Ҳозироқ бориб оқизмай-томизмай Дума — чолга, қора-мўнди онасига чақиб беради. Эртага узун-қисқа бўлиб бошимга келишади. Шарманда бўлдим!

Умар акамнинг телпагини қўлтиғимга қистириб йўлга тушдим. Кўчалар кимсасиз, ҳамон жала қуяр эди. Чақмоқ чақиб, йўлдаги ҳалқобларни ойнадек ёритади. Момақалдироқ энгил тортиб гулдирайди.

Чойхона ётиб қолган, клубда чироқ йўқ. Фақат — Умар акамнинг тунука томли уйдаги темир панжарали баланд деразасидан хира нур тушиб турарди. Хайрият, Умар ака ухламаган экан. Эшикни муштим билан тақиллатган эдим; очилиб кетди, занжири илинмаган экан. Ойнаванд айвон зинасидан елкасига тўн ташлаган Умар акам тушиб келди.

— Ие, Раънохон! Келинг!

Ўнинчи лампа ёритиб турган уйга кирдим у тиз чўкиб, Умар акамнинг яланг оёқларини қучоқлаганча йиғлаб юбордим.

— Умар ака! Жон Умар ака! Мени никоҳингизга олинг! — дедим ёлбориб. — Жонимдан тўйиб кетдим. Ажалидан беш кун бурун ўлмасин десангиз, никоҳингизга олинг! Қийналиб кетдим, Умар ака!

Ташқарида кетма-кет чақмоқ чақар, лампанинг нури яшин ёлқинида хиралашгандек уй ичи оппоқ ёришиб кетар, мен бўлса, ҳамон унинг сарпойчан оёғини қўйиб юбормадим.

— Олинг мени, Умар ака, барака топгур ҳалоллаб олинг! Ахир яхши кўрасизу мени, ўзингиз айтгансиз-ку!

Бир маҳал у бошимни титроқ қўллари билан силади.

— Жоним! — деди овози қалтираб. — Биласан, сен менинг хотинмансан. Тўғрими? — у чўккалаб ўтирганча юзимдан ўпди. Негадир лаблари совуқ эди. — Сен меникисан! — деди кўзимга тикилиб. — Ақл билан иш қилайлик. Сен ақлли хотинсан-ку, Раъно!

У қўлтиғимдан кўтариб, ёнига ўтқазди. Елкамдан қучоқлаганча узоқ жим ўтирди-да, ўксик хўрсинди.

— Узинг ўйла, Раъно. Уртамизга бир коса сув қўйиб, никоҳ ўқитиш ҳеч гапмас. Хоҳласанг, эртагаёқ шу ишни қиламиз.

— Худо хайрингизни берсин! — дедим ҳиқиллаб. — Жонимдан тўйиб кетдим!

— Шошма! — у яна бошимни силади. — Хўп, сен айтгандек бўлди дейлик... Кейин нима бўлишини биласанми! Буёғини ўйладингми ҳеч?

— Уёғи билан нима ишим бор? Наридан борса одамлар ғийбат қилар. Қилса қилавермайдими! — Қайрилиб қараган эдим, ёшли кўзимдан ўпди.

— Тентак! — деди жилмайиб. — Агар шу иш овоза бўлса, совет жангчисининг хотинига кўз олайтирган раҳбар сифатида мени нима қилишларини биласанми?

У ўрнидан сапчиб турди. Дераза тоқчасида ётган кумуш портсигардан папирос олиб, чекди.

— Эртага сенга уйланаман, индинга штрафной батальонга жўнатишади! Абдурахмонов отишга ўқ тополмай юрибди ўзи!.. — у тепамга келиб, ҳар сўзни таъкидлаб ҳайқирди. — Қўлимни боғлаб, штрафной батальонга жўнатишади. Тушундингми? Олдинги линияга, душманнинг ўқиға! Розимисан! Ун кундан кейин мендан «қора хат» келса, хурсанд бўласанми?

Тағин йиғлаб юбордим.

— Нима қилай ахир, Умар ака! Нима қилай? Эл-юрт ўртасида қай юз билан бош кўтариб юраман! Шўрим курсин!

— Хотиржам бўлинг! — Умар ака тағин сизлашга ўтди. Тишларини ғижирлатиб, қатъий овозда таъкидлади. — Сизнинг обрўйингизга путур етмайди, ўртоқ табелчи! Комилнинг ўғлини тинчитиш осон. Анави... Робиянғизга келсак, унияма тилини қисик қилиб қўйиш қўлимиздан келади. — У тағин ёнимга ўтириб бошимни силади. — Жиннивой, бари бир сен меникисан-ку, жоним. Менга ишонмайсанми? Бўлди! Йиғлаганингда-чи, янаям чиройли бўлиб кетасан!

УМАР-ЗАКУНЧИ ҲИКОЯСИ

Тагингда отинг борми,
узанги узилгунча суриб қол!

Ёмон иш бўлди! Қўймижоз Комил табибу мишиқи боласини сариқ чақага олмайман. Қўрқадиган жойим йўқ. Ҳамма гап табибнинг урушда юрган тўпчи ўғлида. Ҳайронман, кўзойнак тақмаса, овқат ейишга оғзини тополмайдиган бу шапкўр, қандоқ қилиб шундоқ орденни олдийкин! Жанговар Қизил Байроқ ордени-я! Салкам Қаҳрамонлик унвонидай гап. Райком секретари ўртоқ Абдурахмоновнинг шахсан ўзи колхозга келиб мажлис ўтказмаган бўлсаям майлиди. Камбағални иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади! Уша мажлисдан кейин тилини бир қариқ қилиб, калтак еган боласини етаклаб, райкомга борса нима бўлади! Аввалги раҳбарлар билан алоқамиз яхши эди. Буниси, янги одам, ўлгудек нон емас кўринади. Уша куниям Сўпоқ дамлаб қўйган ошга турмай кетди-қолди. Бунисиям майли... Анави иккала чолни президиумга чақиргани-чи? «Колхозни опичлаб катта қилгансизлар» дедими? Комил табибни кўриб, «ие, сизмисиз» деб қувониб кетдими? Бундан чиқди, ҳаммасини танийди. Ҳаммасининг тили бир. Эртага райкомга бориб арз қилса... Уша кунни Абдурахмонов кета туриб нима деди? «Қарсақбозликка ўчроқ кўрина-сизми, раис!» Қарсақ чалсам сенинг ҳурматингга чалдим-ку, ношукур банда! Хурсанд бўлиш ўрнига...

Йўқ, энг аввал табибни тинчитиш керак. Кўнади! Кўнмай қаёққа борарди. Боринги, боламни қўрқитибсан, деб зақун талашган чоғидаям ўзига жабр қилади. Қўлидан нима келарди? Мен табелчи билан кундалик ҳисоботни кўраётган эдим. Биров девордан таппа ошиб тушди. Колхоз раҳбариманми, ахир! Ҳозир — яхшидан ёмон кўп. Қоронғида қаёқдан биламан, табибнинг ўғлими, урушдан қочган дезиртирми! Тутиб олмоқчи бўлдим, вассалом!

Боринги, ўртоқ Абдурахмонов сўраб қолди: отчётларни нега идорада эмас, эри фронтда юрган аёлнинг уйида кўрасиз, деди. Нима қипти! Табелчи идорага келмади. Бетоб бўлиб, уйига эртарақ қайтган экан. Бугунги ҳисоб-китоб эртага қолиб кетмасин, деб ўзим бордим. Раис дегани хўжаликнинг отаси бўладими ахир! Нима, ота ўз қизининг уйига боришга ҳадди йўқми! Шундан гап чиқаришнинг ўзи уят эмасми!

Ана шунақа, ўртоқ Абдурахмонов! Фронт орқасида жон олиб жон бериб ётган бир заҳматкашга туҳмат қилиш, большевикка ярашмайдиган иш деб ўйлайман! Айниқса фронтовикнинг хотинини чалпишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Боринги, табиб райкомга бормади. Бормайдиям бу қўймижоз! Лекин чопқиллаб бориб, Оқсоқолга маслаҳат солади. Ўзи колхозда иккита ғаламис бор. Биттаси — Оқсоқол, биттаси — Дума! Элни шулар бузиб юради. Аммо иккаласиям аллақачон ўйиндан чиққан! Ҳаёт ҳам қарта ўйинидек гап. Тузми, кузурми — бари бир ўйиндан чиқдим, тамом. Сариқ чақалик қиммати қолмайди. Бир чеккада қалшиб ётаверади. Оқсоқол билан Ҳусан-дума ҳам шунақа — ўйиндан чиққан қарталар! Бири раисликдан, бири бригадирликдан тушганига олти йил бўляпти. Биламан, иккаласиям аламзада. Лекин олти йилдан бери ҳеч балони эпполмаган чолларнинг қўлидан энди нима келарди! Шунақа-ку, аммо ўша охири мажлисда Абдурахмонов нимага буларнинг кетини шунча кўтарди! Нияти нима!

Қизик, янги келган куним колхоз аъзолари мени раис қилиб сайлашга қарши бўлганида, Ориф оқсоқол нимага ёнимни олди? Нега биринчи бўлиб ўзи овоз берди! Буям етмагандек ҳашар бошлаб, мана шу уйни

қуриб беришга нима учун бош-қош бўлди! Қўрққанидан қилдими! Йўқ, Оқсоқол илоннинг ёғини ялаган одам! Қани, кўрайликчи, қаёққача бораркан бу бола, деб ўйлади. Чучварани хом санабсан, Оқсоқол! Сен шохида юрсанг, мен баргида юраман! Сен ўйлагандан кўра узоққа, жуда узоққа кетаман ҳали! Мана, бешинчи йил кетяпти, «Қизилдеҳқон» районда энг илғор хўжалик. Буни Абдураҳмоновнинг ўзи ҳам тан олди. Хўш, шу ишларни саводсиз Оқсоқол қилдими, менми! Тўғри, Оқсоқол отдан тушсаям эгардан тушгиси келмайди.

Болаларидан «қора хат» келган кунни мени ҳақорат қилди. Биламан, буям алампдан. Ким ўзи у? Мен кимман-у, у ким? Филга акиллаган лайчадек гап! Саводи бўлмаса, илми бўлмаса, авваллари бир эмас, икки ўғлим танкис, деб кўкрагига уриб юрарди, энди улар ҳам йўқ. Узатган қўли қаёққа етарди! Ўзиям кейинги пайтда калтакланган итдай думини қисиб қолди-ку!

Дума-чи?! Дума ким бўпти?! Хоҳласам, эртагаёқ рабочий батальонга жўнатаман! Ёши олтмишга етмаган, атайлаб паспортини ўзгартириб олган дейман, тамом! Қачондир босмачи билан олишган бўлса, олишгандир. Керак бўлса буёғиниям текширтириб кўрамир. Қўлимда шунақа далил борки, хоҳласам Думанинг хони-монини куйдириб юбораман. Уйда аристон муаллимни сақлаганми — сақлаган! Муаллим қамалганми? Қамалган! Тоғам — тажрибали юрист. Бунақа гапларни ҳеч кимга, ҳатто менга ҳам айтмаган. Аммо Дума ўша аристон домла билан ҳамтовоқ бўлганми — бўлган! Уёғини сўраганда илондан қолган илонваччани — Робияни боқиб катта қилдими — қилди! Ким билсин, балки Оқсоқол билан Дума маслаҳатни бир ерга қўйиб қизини атайлабдан изимдан юборгандир! Жуда яхши-да! Изимдан юриш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!

Чарчадим. Улай агар чарчадим. Минг лаънат урушигаям, раислигигаям. Билмаганлар амалдор одамга осон тутади. Егани олдида, емагани кетида, нима деса оғзининг ели деб ўйлайди. Бўлмаган гап! Амал курсисига миндингми, бошинга темир қалпоқ, оёғинга темир пайпоқ кийиб олишинг керак. Ана шундагина ўзингдан юқорироқда турганлар бошингга тепса, жонинг ҳузур қилгандай илжаясан. Йўқ, фақат илжайишнинг ўзи камлик қилади. Оёғини ялайсан. Қанча қаттиқ тепса, шунча иштаҳа билан ялайсан. Яламай кўр-чи! Бир тепади, икки тепади... Учинчисида... обориб қўяди! Шунақа! Амалдорликниям чидаганга чиқарган, азобига чидайсан. Лекин амалдор бўлишнинг яхши томониям бор-да! Ўзингдан пастроқ турганларни темир пайпоқ кийган оёғинг билан тепасан! Ушанда жонинг ҳақиқатданам роҳат қилади. Одамлар сендан кўрқса, кўзингга қараб мўлтираб турса, бундан ортиқ роҳат борми? Бўлмаса, уям одам. Боши думалоқ, чоти айри. Лекин тўғри гапирасанми, нотўғримми, бари бир таъзим қилиб туради! Қандай яхши!..

Тонг ёришиб қолди. Ташқарида жала тинди шекилли, тунука томнинг бўғиқ гувиллаши тўхтади. Ёнимда Раъно ётибди. Сочлари паришон ёйилган, ғира-шира тонг нурида оппоқ юзи янаям тиниқроқ кўринади. Иягидаги жимитдек холи қоп-қора, ўпгиси келади одамнинг. Думба еган чақалоқдек ширин тамшаниб ухлашини-чи?!

Нимагаям илакишиб қолдим шу хотинга? Қурмагур ўзиям бошқачада! Қойилман! Бировнинг қўйнида ётган суюкли хотинини юлиб олиш осонми. Бунақа ишни қарчиғайдек чаққон, шердек довюрак одам эплайди. Ҳали оёғимга йиқилиб йиғладими! Вой тентаг-ей! Дунёнинг ишлари шу экан-да! Аввал сен унинг оёғига йиқиласан, кейин у сеникига йиқилади. Асли ҳаётнинг турган-битгани олди-берди экан-да!

Қўқонда уйланганим, хотинимга кўнглим илимай ажрашганимни билладими-йўқми? Билади! Одамлар қўйга ўхшайди! Сурувда битта қўй маъраса ҳаммаси жўр бўлгандай, битта одам «ғинг» этиб гап чиқардимми, бас! Бошқалар қўшилишиб вайсайверади. Раис бўлган кунимданоқ колхозчилар менинг ўтмишимни титкилагани аниқ. Хўш, нима бўпти? Қўрқадиган жойим борми! Ҳаммасини законий қилганман. Ушанда акам норози бўлиб, уйдан ҳайдашгача борган эди. Аҳмоқ! Ўзинг кимсан! Наридан борса битта атласфурушсан-да! Хотинимни сен эмас, мен қучоқлаб

ётаман-ку, овсар! Мен билан нима ишинг бор? Тўғри, акам обидийда қилганича бор. Нима бўлганида ҳам хотинининг олдида юзи шувит: қайнсинглиси кўнглимга ўтиришмай қолди. Совуқми-ей, нима бало?! Яқинига борсам, атир ўрнига ачимсиқ тер ҳиди келади.

Яхшиям тоғам Тошкентга ишга келган экан. Жонимга оро кирди. Яқин-яқинлардаям районнинг энг катта хўжайини — прокурор эди! Тоғамнинг номини эшитганда тиззаси қалтирамайдиган одам йўқ эди. Шу киши бўлмаса юридик техникумни битирган ўрта мутахассис сифатида биронта адвокатурада юрардим-да ивирсиб. Қолаверса, аввалги райком Алихон ака тоғамнинг қил ўтмас улфати эди. Хўп замонлар экан-да ўшанда!

Раисликка сайлашаётганида агрономияни яхши билади, деб мақташгани-чи! Нима, нотўғрими? Районда сабзавот планини биринчи бўлиб бажариб келаётган ким. Хўжаев! Фронтга энг кўп маҳсулот юбораётган ким? Хўжаев! Мудофаа фондига энг кўп маблағ ажратаётган ким? Хўжаев! Битта раис бўлса менчалик бўлади-да! Мана, колхозни ипидан-игнасигача билиб олдим. Деҳқон боласи ер илмини билмайдими? Уёғини сўраса, юристан! Финг деган ношукур билан закун тилида гаплашиб қўйиш қўлимиздан келади...

...Нега чўчийди бу? Тушига эри кирдим, нима бало?! Қуриб кетмагур, офатижон-да ўзиям. Олов-да, олов! Биринчи марта кўрганимдаёқ юрагим жиз этгани бежиз эмас экан. Аслида-ку Шомуродни колхоздан кўчириб юбориш ниятим бор эди. Текстилда ишлайди. Узи колхоз ерида турса, томорқаси бўлса-ю, далага чиқиб, кетмон чопмаса! Борсин ўша фабрикасига! Ё бўлмаса хўжалигидан бир киши далага чиқсин! Аввал бўйдоқ эди, энди хотини бор. Усма-сурма қилиб ўтирмай кетмон чопсин!

Шуни айтиб қўйиш учун отни ниқтаб, эшигига борсам... ёнғоқ тагида атлас кўйлак-лозим кийган келин ер супуряпти. Қирқокил сочининг ярмиси елкасидан ошиб ерга тегай-тегай деб турибди. Юзини аниқ кўрмасам ҳам юрагим гупиллаб кетди!

Жиловдан тортишим билан от кишнаб юборди. Келинчак хаёл суриб турган эканми, ҳуркович кийикдек сапчиб тушди. «Вой», дедию, бир қўллаб юзини яширди. Қўлидан супургиси тушиб кетди.

— Қўрқманг, келин, — дедиму овозим титраб кетганини сездим.

Келин елкаси оша ёйилиб тушган сочини орқасига олиб ташлади. Салом бериб, кафтини юзидан олган эди, томоғим қуруқшаб кетди. Нуқул ютингим келади. Ё тавба, шунақаям гўзал қиз бўларкан жаҳонда! Ҳозир йиғлаб юборишга тайёрдек пирпираб турган узун киприклари, ҳам ҳайрон, ҳам ҳадиксираш билан боқувчи қоп-қора кўзлари, ўсма қўйилган қайрилма қошию хина сурилган қўллари, билагузук таққан оппоқ билаклари...

— Куёв ишга кетдиларми? — дедим бошқа гап тополмай.

— Ҳа... — келин чўчиб тушганидан хижолат чеқди шенилли, жилмайди. Оппоқ юзи қизариб, ёришиб кетгандай бўлди. — Бугун биринчи сменадалар, — деди секин. Ноз қилгандек чиройли қошини чимириб кулимсиради. Шу туришида «Кўрдингизми, ноинсоф куёвни, мендек парини ташлаб, ишига кетиб қолди» деганга ўхшаш маъно бор эди. Билмадим, балки мен шунақа деб ўйлагандирман.

Ўзимни босиб, жиловни тортдим.

— Келин, — дедим иложи борича совуққон оҳангда. — Мен Шомуродни яхши биламан. Ўзимизнинг йигит. Майли, хоҳлаган сменада ишлайверсин. Аммо колхозда яшагандан кейин ҳеч бўлмаса биттангиз дала юмушларига қарашиб турганингиз маъқулмикин?..

— Вой! — келин кўзимга ҳайрат аралаш истиғно билан қаради. — Менам фабрикада ишлайман-ку!

Бу гапни шунақа ширин ишонч билан айтдики, тағин эсанкираб қолдим.

— Майли, чиллангиз чиқсин, кейин бир гап бўлар, — дедимда отимга қамчи уриб чоптириб кетдим. Ўзимни шунча зўрласам ҳам, кучим етмади: эллик қадамча боргандан кейин орқага бурилиб қарадим. Келин бир

қўлида супурги билан ним табассум қилиб қараб турганини кўрдиму юрагимга ўт тушгандай бўлди. Ажаб, юрсам ҳам, турсам ҳам кўз ўнгимдан кетмайдиган бўлиб қолди. Эрталаблари атайлаб эшигининг олдидан ўтаман. Баъзан ёнғоқ тагида шакароб қилиб сув сепаётган бўлади, баъзан сочи елкасига ёйилиб кўча супураётганининг устига келиб қоламан. «Ҳорманг келин» дейману тўхташга қўрқиб ўтиб кетаман.

Уруш бошланиб, ҳамманинг ташвиши кўпайди. Менинг-ку, броним бор. Шомурод нимага кетмайди! Колхозчи бўлса-ку, военкомат билан гаплашиб, зинғиллатиб урушга жўнатардим! Текстилга кучим етмайди-да! Хайрият, униям гали келди. Ҳеч кимни кузатишга бормасам ҳам Шомуродникига бордим. Юрагим лахча чўғдек ёниб кетяптию Раънога қайрилиб қарамайман.

Рости, ўша куни Раънонинг кекса онасига раҳмим келди. Раис сифатида унга оталик қиламан, деган гапниям чин юракдан айтдим. Улай агар, Раънони колхозга олиб келиб, табелчи қилиб тайинлаганимда ҳам шайтонга ҳайф бериб юрардим. Аммо, Янги йил кечасида Сўпоқнинг уйида ўтириш қилганимизда, тоғам ҳамиятимга тегадиган оғир гап қилди:

— Сениям оёғингни тўртта қилайлик, мундоқ, нима бало ё мижозинг сушти?

Бу гапни кулиб айтди. Дастурхон атрофидаги юрист ўртоқлари ҳазилга олиб, кулгига қўшилган бўлишди. Аммо менинг юрагим шиғиллаб кетди. Мастлик — рўстлик! Тоғам шу гапни Сўпоқнинг олдида айтиб чатоқ қилди. Ҳозир-ку, Сўпоқ эгасининг суяк ташлашини кутган итдай думини ликиллаб юрибди. Аммо бир куни орадан гап қочсаю душманга айланиб қолса, ҳар нима кутиш мумкин ундан.

— Ҳайронман, ока, — деди тоғамга қараб. — Ҳозир дарахтни бир тепсанг мингта қиз ёғилади. Раис ёлғондан оғиз солсалар ростдан остоналарига келиб ётиб оладиганларнинг сон-саногини йўқ. Мундоқ кўз остига олганларини айтсинлар, ўзимиз совчи бўлайлик. Биз ҳам тўйнинг ошини ейлик бундоқ, а лаббай?! Уёғини сўрасангиз шундоқ куёвга ўзимиз ҳам...

Сўпоқ илжайиб кўзимга қарадию ғазабдан титраб кетганимни кўриб, овози ўчди. «Аҳмоқ! Ҳозир ўз ҳузурини ўйлайдиган замонми! Уруш кетяпти, хунаса!» Важоҳатимни кўриб, итдай думини қисиб қолди. Чойни янгилаш баҳонасида уйдан чиқиб кетди.

Гап бошқа ёққа айландию, хаёлимга лоп этиб Раъно келди. Қўлидан супурги тушганча, ҳуркович табассум билан жилмайиб турган Раъно! Эр кўрган хотин эракни соғинмайдими?! Кечалари ёстиқ қучоқлаб ётиш жонига теккандир ахир... Шунақа-ку, мен жўн одам эмас, раҳбарман. Раисман! Каттакон ҳўжаликнинг отасиман. Қайси ота ўз қизига... Э, оталикка бало борми! Наридан эридан уч-тўрт ёш каттадирман. Нима қипти?! Унгаям яхши, менгаям! Шунақа-ку дунёда бундан нозик масала йўқ. Агар ўзи жон деб турган бўлса ҳеч кимга чурқ этиб, оғиз очмайди-я! Бордию эшикдан киришим билан дод солиб, оламни бошига кўтарса-чи! Ана, шармандалик! Ҳаммаёққа дўмбира қиладиганлар озми?

Тугун кўтариб, Раънонинг остонасига борганимда оёғим қалтираб турарди. Эшикни қарс этиб, юзимга ёпади, деб ўйлагандим. Йўқ, ёлмади. Тўғри, аввалига қўрқиб кетди, аммо ҳайдамади. Ўзи уйига киргизганидан кейин, бирга ўтириб, бирга ичганидан кейин... Бўлди-да.

Тўғри! Ҳаммаси тўғри! Лекин ўшанда иш бунчалик чуқурлашиб кетишини билмаган эканман. Бу номаъқулчиликни бир марта қилдим, иккинчи қилмайман, деб онт ичгандим. Қаёқда! Уч кун кўрмасам қўмсаб қоламан. Ярим кечада борсам, ухламай кутиб ўтирган бўлади.

Тоғам, донишманд тоғам бир гапни кўп қайтарарди. «Бу дунёнинг жаннати ҳам хотин, дўзах ҳам. Хотин кишига жиловингни бериб қўйдингми, тамом! Жаннатда юрибман деб, дўзахга тушиб қолганингни ўзинг ҳам билмайсан». Тўғри айтган экан. Мана, дўзахга тушдим. Бугун дўзахнинг нақд ўзига тушиб қолдим.

Қайрилма киприкларини пирпиратиб бемалол ухлашини қаранг! Эрининг уйида ётгандек! Эртага мени урушга юборишадими, предавой-

да немис ўқидан ўлиб кетаманми, бунга нима? Эри урушдан келган кунининг тўшагидаям шунақа — ойдек бўлиб ётаверади-да! Кечаси нимага ҳайдаб юбормадим!

— Туринг! Тонг ёришиб кетди-ку!

Сесканиб уйғонишига ўлайми! Худди қаерда ётганини билмайдигандек. Худди буерга биринчи марта келиб, биринчи марта ётиб қолгандек. Қайрилма киприкларини пирпиратиб, ширин жилмаяди тагин! Ургилдим ширин керишишингдан!

— Шунақа ухлабманки!

— Қолганини уйингизда ухлайсиз!

Дарров сергак тортасан-а! Сочини ёйилиб кетгани-чи!

— Чой қўяйми?

Хотин киши товуқ мия бўлади-да! Шу топда чой ўтадим томоқдан? Начора, алдаб-сулдаб йўлга солмасам, яна гапни айлантиради.

— Бўла қолинг энди! Тонг отиб кетди-ку.

Шу-да, мушук-да булар! Асабинг қўзиб турганида суйкалади. Худди атайлаб қилгандек.

— Энди нима бўлади?

Илтижולי термулишини қара!

— Кечаси нима дедим сизга? Ишингизга борсангиз-чи!

Ана, қўйиб берсанг йиғлаб оламни бузади. Кипригида ёш илиниб турибди. Бир йиғлашга тушдим, тамом, камида ярим соат чўзади, бу.

— Илтимос, Раъно! Сен боравергин. Буёғини ўзим тўғрилайман. Хавотир олма. Хўпми, жоним!

«Жоним» эмиш! Иши битган эркакка бориб турган ҳурлиқо ҳам алвасти бўлиб кўринади. Қизиғи шуки, соғинганинда шунақа гапни чин юракдан яна айтаверасан. «Жоним» дейсан, «азизим» дейсан. Минг лаънат бу ёлғончи дунёга!

Бўлди-бўлди, ёш боладек мунғайиб нима қиласан! Кет дегандан кейин кетиш керак-да. Ҳа маладес! Сендан бошқа ғам-ташвишим йўқми!

Хайрият-ей, қутулдим!

Кечаси нима деди? Никоҳимга олармишман? Қўйиб берсанг ҳеч қаёққа чиқмайман, деб ўтириб олишдан ҳам тоймайди. Бу кишим эрлик, тўкис бўлиб олсинлар-да, азобини мен тортай! Хотин кишининг мушукдан фарқи йўқ, дедим-ку! Орқасини силасанг, бас, дарров тиззангга чиқади. Эси бор эркак, ўша заҳоти силашни бас қилади. Яна силадингми, тамом, ўрмалаб елкангга минади. Юзингни ялаб-ялаб бошингга чиқиб олганини ўзинг билмай қоласан. Бошингга чиқдим, тамом! Икки дунёда қайтиб тушмайди. Хоҳласа ёнғоқ чақади, хоҳласа — тош. Бу кишиям мулойим бўлиб бошимга чиқмоқчи! Чучварани хом санабсан! Тиззамда ўтириш ёқадими, марҳамат, ўтиравер, аммо бошимга чиқармайман. Ёқмаса — пишт! Тўрт томонинг қибла!

Давоми бор.

Шоҳмурод ва Абдуллаевларга 43
фирма-мушукларини пирпиратиб
билм билм чўзиб шўнақадек
алдабдиларини, биринчи марта, бу
ёвдорнинг вакили чўзиб келди.
У хотини бошқа эри, ақсикни, келса -
никоҳини дунё-мушукларини
биринчи, равои ва тавсирини ташвиш,
сикни ёвдорлар, ёвдор шўнақадек
билганини тўрибди.



Муҳаммад Солиҳ

Сенга сўз
излайман муносиб

Унутма,
фақат сен ҳурсан!

Қўлингни қўлига берма,
У кулса, бўлмагин хурсанд,
Бу гулларни қўйгил, терма,
Унутма, фақат сен ҳурсан!

У сенинг қошингда — тўнка,
Кел, менинг ёнимга, ўлтир,
Жон ато этгунча унга,
Яхшиси, кел мени ўлдир!

Бари бир қўлингни берма,
Қўлимга бермагил хурсанд,
Менинг ҳам гулларим терма,
Унутма, фақат сен ҳурсан!

* * *

«Сочлар — боя сени адаштирган тун.
Бу эса — тонг мисол осуда манглай.
Орзу каби дудоқ, хаёлдай бурун
Ва илоҳнинг ўзи кўтарган танглай.»

Теран-теранликка гизлаб эркини
Сокин боқаётган кўзлар. Еноклар.
Сочларнинг остига бекор беркиниб
Олган тажрибасиз, жужук қулоқлар.

Сийна — мусичанинг икки боласи...»
Шу ерда дафъатан чарчаб қоласан,
Сўздан йироқлашар унинг тасвири —

Сенга бошқа услуб керак, эй, дайди,
Нафас билан чизмоқ мумкин бўлсайди,
Балким чизар эдинг унинг расмини!

* * *

Яхшими, ёмонми, касбимиз — сўздор.
Биз айтган сўздан тош эримаса ҳам,
Чиқиб кетмаса ҳам илон инидан,
Бу касбдан тонмаймиз бари бир.

Девор пайдо бўлса рўпарамизда
Унга ҳам бошларни урмаймиз —
Иш шу бўлгандан сўнг, гапирамиз-да,
Сўзлаймиз деворга, қараб турмаймиз.

* * *

Ахир, иш кутмоқда. Давлатнинг иши.
Хотин зир югурар,
Мен ураман дўқ.
Балконга қарайман тиришиб —
Ҳали ҳам кўйлагим қуригани йўқ!

Ахир, кутиб турар севимли Ватан,
Кўйлак-чи, буғланиб тамом бўлмас ҳеч —
Қандайдир дазмолнинг хиёнатидан
Давлатнинг ишига бораманми кеч?

Яна идорага етиб боргунча,
Йўлда, шiorларга қарашим керак,
Токи иш олдидан, ҳеч бўлмаганда,
Илҳомланиб олсин бу юрак!

Шеър санъати

Аёллар юзидан буюк Инқилоб
Сидириб ташлаган паранжиларни
Шоирлар, ўзича ишлатди шу тоб —
Юпун сўзларига кийдирди барин.

«Бу шеърлар мавҳум» деб қилмангиз пичинг,
Шеър нозик паранжи ичида яшар —
Уни ҳам сидириб ташламоқ учун
Балки, лозим бўлар яна бир Ҳашар.

Юрак

Хар бир сонияда юз бор тинтилган,
Юз бор сўроқланган шаппатдай диёр —
Сенми, ҳали ўша кўкка интилган,
Сенми қоронғида ахтарган зиё?!¹

Фаровон ҳаётдан ношукур банда
Нон эмас, эрк ҳақда куйлаган сенми —
Ёмон отлиқ бўлиб ҳаммага бунда
Яна ҳамма ҳақда ўйлаган сенми!?

Сенми тутиб қолган адл қамчисин,
Сенми ҳақ жазога халақит берган —
Сенми нишон олган кўзёш томчисин,
Сенми ҳали ўша такаббур мерган?!¹

Сенми ҳамон бўйинсунмаган бўйин,
Қақраган лабларнинг ол қаҳри — сенми?!
Қуллар саҳросида кўтариб қуюн,
Ҳеч не кўрмагандай, лол даҳрий сенми?!¹

Соқчи уйқуда, деб умид-ла боққан,
Қочишни кўзлаган сенми пиёда —
Бу оғир занжирни шалдиратмоққа
Журъат этган сенми жимжит дунёда?!¹

А-ҳа, сенми?!¹

Табиат муҳофазаси ҳақида

Сенга нима бўлди, жоним, Қорақум —
Қайга ғойиб бўлди буюк шамоллар,
Улуғ исён қони, қани талотум,
Жайронлар қаерда, қани жалоллар?..¹

Бир қошиқ қонимдан кечсанг, айтаман:
Қорақум, сен — қумсан, оддий қумсан — бас!
Сени ташлаб кетди ёввойи саман,
Сени аллақачон тарк этди йўлбарс!..¹

Тоғларим, сизга-да бир бало бўлди.
Салобат йўқ бордош¹ куришингизда,
Кўрдиму кўзимга жиққа ёш тўлди —
Тоғларим, шиддат йўқ туришингизда..¹

Агар шафқат қилиб ўлдирмасангиз,
Сизга ҳам чин гапни айтай шу нафас:
Бугун ҳеч ким кўрқмас гулдирасангиз,
Бугун хўмрайсангиз ҳеч ким чекинмас!..¹

Кечикканлар

Мен ҳаётдан ортда қолдим — кечикдим мен
поездга,
Бекатда бир зум толдим, тилим айланмай сўзга.

¹ Бордош, мордош — шевада «чордона» дегани.

Уфққа бир балиқ мисол шўнғиди сўнги вагон,
Қўлимда қолди патта, қолди-ку катта тугун

Ёлғиз эмас эканман-ку, пайдо бўлди бир одам,
У ҳам мендай кечикибди — сал тикланди иродам.

Дақиқа ўтар-ўтмас, ҳансираган, ичиккан
Минг киши етиб келди — ҳаммаси ҳам кечиккан.

Бирпасда миллион бўлди одам сони бекатда,
Ҳар кимда миллион тугун, миллион кераксиз патта.

Халқ турибди, деярли халқ... ҳеч ким англамас
лекин:
Ҳар кечиккан бўлса ҳамма, ким поездда кетди —
ким?!

* * *

Жоним, жонгинам,
Севгилим, меҳрибоним, жигарим,
Жигаргўшагинам.

Яна қайси сўзлар қолди, кўрсатинг менга!

Ёлғизим, ягонам,
Қорачиққинам.

Яна нималар бор бисотингизда?

Мен инжиқ чол каби,
оладигани битта гул,
аммо барча тувакларни эринмай
пайпаслайдиган чол каби,
сенга сўз излайман муносиб...

* * *

Жудолик дев каби келмайди доим,
Баъзан у мушукдай келади сассиз;
Панжалари момик, мулойим,
Ўткир тирноқлари махфий — кўринмас.

Кўтармоқ учун ҳам бу жудоликни
Шарт эмас девларга хос бир ирода —
Оддий одам бўлса етади, яъни
Бошига жудолик тушган бир одам.

* * *

«Мен ҳеч кимга бўйинсунмасман,
Балки менга бўйсунар қисмат.
Мен сиз эккан жойда унмасман,
Фақат руҳга қиларман хизмат.

Мен сизларга раҳм қилмасман,
Яъни ўзни аямайман ҳеч.

«Оқ — қора!» деб ваҳм қилмасман —
Йўқ, сочимни бўямайман ҳеч.

Букилмасман қувончу ғамдан,
Сўрамасман сиздан нафақа,
Яъни мен бу моддий оламда
Хур руҳ учун яшарман фақат!..»

Эсда йўқ, бу юксак сўзларни
Қай китобда, қачон ўқидим...
Балки, танҳо қолган кезлари
Зериккандан ўзим тўқидим...

* * *

Мен ҳаётга ўчман, ҳаётга хасис —
Қисмат энг ширин жон берибди менга,
Шу қадар ширин жон, шу қадар азиз,
Уни қурбон қилса арзир Ватанга!

● Ақл ва маъно дурлари ●

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлаган

* * *

Бир катта йиғинда одамлар донишманддан сўрашди:
— Сиз нима учун кам гапириб кўп ўйлайсиз?
Донишманд узоқ хаёлга чўмди ва салмоқлаб жавоб берди:
— Оз сўз — олтин. Сергал одам ўзини мақтаганини ва бировларни ғийбат қилганини билмай қолади.

* * *

Бир донишманднинг нақл қилишича, мазах ва ҳақорат иродали одамга таъсир этмайди. Аммо бўш ва иродасиз одамни ҳалок қилади. Мана бунинг далили: Сукрот комедия ёзиб, мазах қилганларга кулги билан жавоб берди. Плиагр эса ўзини осди...

* * *

Уч тоифа кишига одамнинг раҳми келади: жоҳилга қарам бўлган донога, кучсизга асир бўлган кучлига, бахилга муҳтож бўлган сахийга. Ярамас киши ўзгаларнинг ёмон томонини очишга, яхши томонини яширишга мойил бўлади. Бундай кишиларнинг иши одам танасидаги ярани топиб, ўша ерга қўнган пашшанинг инига ўхшайди. Ўзгаларнинг мусибатига шодланмаслик керак, чунки замон ўтиши билан ўша мусибат кулган кишининг бошига ҳам тушиши мумкин! Оқил киши жоҳил билан, ҳушёр киши маст билан асло тортишмайди.

* * *

Низом ал-Мулк олижаноб донишманд экан. Биров ҳадя келтирса, ҳаммага бар-баробар бўлиб бераркан. Бир куни деҳқон учта эртанги бодринг келтирибди. Низом ал-Мулк олдин-кейин учала бодрингни бир ўзи еб қўйибди, боғбонга инъом ҳам берибди. Донишманд дам олгани чиққанда Нодим:

— Жаноб, Сиз нима учун учала бодрингни бир ўзингиз еб қўйдингиз, бундай одатингиз йўқ, эди-ку! — дебди.

— Бодринглар аччиқ экан, бошқаларга берсам улар ранжиб гапириб юборар, деҳқоннинг эса кўнгли оғрир эди, — жавоб берибди Низом ал-Мулк.

Келди Қодиров



Тонгги йўллар

* * *

Не-не йўлни ўтиб келдим мен,
Мен — азиз давримизнинг чорак асри.
У йўлларни ажриқ босди секин-секин,
Аммо мени чорлади у йўллар тасвири.
Олис йўллар!

Юлдуз жимиридек,
Имлаб-имлаб мени чақирди.
Мовий рангга кирган баҳор тонгидек,
Рухимга,
ҳиссимга

отилиб кирди.
Борлиғимда бўлган шу мовий-мовий
Йўллар —

юралка туташ томирлар.
Улар на хаёлий ва на самовий,
Уларда балқийди умримдаги сирлар.
Ҳар бир из ва ҳар бир одимимдан
Анқиб турар саодат иси.
Излар ва одимлар сақланар ёдимда,
Шундан бошланади буюк келгуси!

Карвон

(Ғафур Ғуломга)

Куй тинди...
Рухимда зилдай шукуҳ бор.
Карвон давом этар, тинди оч бўрон.
Давом этар руҳда, ҳисда шиддаткор,
Фикрлар,

хаёллар юкланган карвон.
Ортда қолиб кетди: не-не йўл, сўкмоқ,
Кун билан тунларнинг беаёв жанги.

Чорлади гоҳ фараҳ, истиқболнинг гоҳ
Тунги теранликда маъюс жаранги.
«Ахир, карвон деган бехатар бўлмас»,
Юзма-юз ташланди не-не қароқчи.
Йўл деганда не-не синов дуч келмас,
Бизни бошлаб юрди тонг бўлиб соқчи.
Катта бир довулга йўлиққандек боғ,
Юлиндик,

юлқиндик,

силқиди юрак.

Карвон давом этиб бормоқда бироқ,
Гарчи унинг бу кун

Сафлари сийрак...

Тўсатдан инграйман яралангандай,

Лабларим оқариб айланар бўзга.

Сафларимиз худди саралангандай,

Орада кимлардир кўринмас кўзга.

Кимдир термилади кўкка мунғайиб,

Жимгина йиғлайди кимдир ҳали ҳам.

Кимнингдир орзуси хаста ва ғариб,

«Дастурхон устида бир насиба кам».

Ҳамон нон осифлиқ турар тахмонда,

Бир чети тишланган —

Салгина кемтик.

Кемтик толе билан ёри армонда,

Аммо унинг порлоқ ёди билан тик.

Ахир, тик яшасин,

Унинг ҳаққи бор,

Лекин мени қийнар шундай бир савол:

Нега инсон берар инсонга озор,

Нега одам қилур одам қаддин дол?

Саҳрода адашган тева сингари

Бўзлаш-ку азалдан бизга бегона.

Ҳолбуки, йўқ бугун сафдошлар бари,

Шунқорин зориқиб кутар бу хона,

Ҳолбуки, гуллади яна шафтоли,

Ниммовий рангларда тонг жилваси бор.

Ғунча бисотини ёзмоқда олу,

Ғунчанинг нигоҳи бунча беғубор!

Офтоб нурларига қорилиб, ана,

Куртаклар ёзмоқда азамат чинор.

Ҳовлидаги ўрик мавж урди яна,

Афсус, йўқ кўчатин ўтқазган шунқор.

Унинг невараси — Олимжон, бу дам

Капалак қуваркан гиёҳлар аро,

Бувиси учун — у юпанч бўлса ҳам,

Эртадан кечгача қилур илтижо:

«Бургутдек акангнинг кетмас ҳеч доғи,

Ҳамиша балқийди кўз ўнгимда жим.

Кимлардир у кунни унутди чоғи,

Асрагин, кўрқаман, кексалик балким...»

У кунлар, уммонлар тагига чўккан

Тош каби йўқолиб кетмас бенишон:

Қоп-қора ҳайкалдек кўзи ўйилган,

Хўмрайиб турибди у кун, онажон!..

Олам ям-яшилдир,

Муқаддас замин —

Навқирон ёшида барқ уриб ётар.

У гўё меҳрга зордек олар тин,

Тун эса тонг бўлиб қалбни уйғотар!

Шукуҳ

Жимжит водийлар бўйлаб
Аста юриб бораман,
Далада чўкиб ётар
Кузнинг вазмин виқори.
Намхуш-намхуш ҳаводан
Тўйиб нафас оламан,
Порлар менинг қаршимда
Тоғларнинг кумуш қори...

Ана... йиғиб олинган
Кенг ер — чексиз пахтазор,
Уюм-уюм чаноқни
Аччиқ шамол ўйнайди.
Гарчи бўлиқ ҳосилин
Териб олиб кетишган,
Эгатлар аро офтоб
Гўё ҳамон бўйлайди.

Ҳув, яланг чўққиларнинг
Тепасида кўланка,
Оқ туманлар ўрмалар
Даралар орасига.
Бир руҳий юксаклик бор,
Бир теран шукуҳ балқиб —
Ётар... Дўстгинам, шулар
Дил малҳами, аслида.

Пастликда яраланган
Арслондек сакрар дарё.
Тўда-тўда юришар
Ён-бағирда яйрашиб,
Қора кўзли жайронлар.
Улар жуда гўзалдир,
Тўхтаб қолишар гоҳо
Бир ёввойи қарашиб.

Сокин экинзор ичра
Менга азиз бўлган эл.
Бунда,
бўм-бўш далани
Тарашлайди бетиним
Сомон тусли сариқ ел,
Сомон тусли сариқ ел...

Бу менинг экинзорим,
Мен ўзим ижодкори.
Ўзбегимдек хаёлчан
Пахтазорни севаман.
Севаман шовуллашин
Мен унинг юрт қатори,
Япроқларин ёмғирмас,
Кўзёш билан ювганман.

Менинг тузи ҳалолим,
Менинг азиз насибам,
Уни жондан севмакка
Ахир, мутлақ ҳаққим бор.
Бокқил тўйиб, дўстгинам,
Силсила кумуш тоғлар —
Зил одимли карвондек,
Силжиб борар улғувор.

Ана, баланд чўққини
Ҳурпайиб босди булут,
Сомон тусли сариқ ел
Янгидан эсди шу чоқ.
Бораман бўшаб қолган
Экинзорлар оралаб,
Шамол, момақалдироқ,
Чақмоққа очиб кучоқ!..

• Ақл ва маъно дурлари •

* * *

Бир амир оёқ оғриғи бўлиб, ўз қошига шифокорни чорлабди.
— Тезда оёғимни тузат, менинг зарур ишларим кўп, менсиз давлат ишлари барбод бўлади, — дебди.
— Тиришиб кўраман. Лекин давлат ишларини оёқ эмас, бош ҳал қилар эди-ку! — дебди шифокор.

* * *

Карл Маркс ўлим тўшагида ётган буюк немис шоири Ҳенрих Ҳейнени кўргани келди. Аёллар беморни чойшабда ўриндан ўринга кўчиришаётган эди. Шу вақт Марксга кўзи тушган Ҳейне кулимсираб:
— Қаранг, дўстим, хонимлар мени қўлларида ҳануз кўтариб юрибдилар, — деди.

Қутлибека Раҳимбоева



Улкан, кучли бўлиб яшаймиз

* * *

Бошимда бир осмон юлдуз-шам,
Тонг қуёш бергунча ёнади.

Ой шунча олисда бўлса ҳам
Юзимни силайди онадай.

Сой узун ўйларга толдирмас,
Узади ўйларим тизимин.

Дарахтлар кийинган гул-либос
Оғриғин олади кўзимнинг.

Югурсам, югурар сўқмоқлар,
Ўзимни қолдирмас ҳеч ёлғиз.

Ўтирсам, майсалар кучоқлар,
Шивирлар кийикўт ҳам ялғиз.

Мен ғариб эмасман, билсангиз:
Дўстим кўп бу ойдин кечада.

Бари бир ўзингиз келсангиз,
Баридан кетаман, кечаман!

Синглим Аноргулга

Бўш фурсат топдикми — чопардик боққа,
Боғ — гўзал оғочлар яшайдиган уй.
Шодлик жилмаярди менга тўрт ёқдан,
Сенинг-чи, юзингга ёйиларди ўй.

Қанчалар ёлвордим. Қанча ялиндим:
Ранглар хоҳламади. Гапирмади гап.
Ўзинг тушунардинг улар тилини,
Сўнг сўйлаб берардинг негадир титраб.

Чизганда қаламинг изида ранглар
Гоҳ қуёш, гоҳ дарё бўлиб қоларди.
Дарёдан келарди, ростдан, оҳанглар,
Ростдан учкун сочиб, қуёш ёнарди.

Мен кетдим шеър учун дали-девона,
Узоқдан соғиниб ёздим саломлар.
Орзунг ой мисоли эди ягона —
Тошкент. Қутлуғ даргоҳ. Улуғ рассомлар.

«Чизган сувратингни ишли қишлоқда
Ўзидан ортиб ким кўрар, ким англа...» —
Дейишди. Бурилдинг ўзга сўқмоққа,
Йиғладинг, ортингдан йиғлади ранглар.

Ҳозир вазмин эринг, гулдай қизинг бор,
Одамлар тилида афсона бахтинг.
Серташвиш идора. Серташвиш рўзгор.
Сувратни ўйлашга етмайди вақтинг.

Фақат ер яшилдан кийинган чоғлар
Ё гулоб тотгандай қизарса осмон,
Оқ олмалар осиб чайқалса боғлар —
Жонингни қийнайди бир аччиқ армон.

Сен шунда ранглардан эшитасан сир,
Айтиб берай дейсан, аясан эринг.
Далада толиққан кишига, ахир,
Бирпас оёқ ёзиб чўзилган ширин.

«Кетаман!» — Ёниқ сўз ичингдан чакмоқ
Сингари чиқади бирдан отилиб.
Бу хаёл. Суврат, деб тинч ўйни бузмоқ,
Биласан, ботирлик эмас, қотиллик.

Бағрингга қаттиқроқ босасан қизчанг,
Руҳингга қайтади бошқа тантана.
Кўксингда потирлаб ҳориган қушча —
Орзунг қанотларин йиғади яна.

Юмушинг озайган қишки оқшомда
Мактублар йўллайсан, менга кетма-кет.
«Опа, сувратлар йўқ бизнинг томонда,
Кутаман, кўп суврат олиб келинг», деб.

Чиндан ҳам кутасан, жуда интизор,
Бораман. Юрагинг очиб ташлайсан.
Тинглайман овозинг синдирмай бир бор,
Зум маъюс тортасан, зумда яшнайсан.

Сувратлар бераман. Кўрасан секин,
Қичқириб юборар кўзинг да дардлар.
Айб кимда, мунисам, билмайман, лекин
Мен сендан кечирим сўрайман ҳар гал.

Қўшиққа

Ҳозир икки кўзим икки дона чўғ,
Бошимдан-оёғим оташхонадир.
Кучимга тенг келар куч йўқ, лашкар йўқ,
Дардингни қучоқлаб, дардим ёнадир.

Қўшиқ ул нимадир? Қўшиқ ул қушдир,
Одамлар руҳини кўтариб учган.

Қушим, ҳасрат қилмай, менга тушунтир,
Ким ўша шодлигинг билдирмай ичган?!

Ҳа, кўрқма, жонингга жонимни берай,
Ҳа, кўрқма, мен сенинг энг яқин кишинг.
Сен учун тиканлар устида юрай,
Ҳа, шундай баландроқ сайрагин, қушим.

Ҳозир икки кўзим икки дона чўғ,
Бошимдан-оёғим оташхонадир.
Кучимга тенг келар куч йўк, лашкар йўк,
Дардларинг бағримда эриб борадир.

Қиш яхши

Тераклар ўхшамас озғин ўсмирга,
Букчайган чолларга ўхшамас толлар.
Қиш кийим тикдирди барига бирдай,
Оқшомда кўли гул чеварлар ёллаб.

Кўпроқ кўрганига ишонар кўзинг,
Тегрангда подшолик қилар оқ ранглар.
Шу хаёл ҳовури иситиб кўксинг,
Лабингда чиройли овоз жаранглар.

Қуёш қиздирмайди, лекин ярқираб,
Ёруғлик сочади. Ёруғлик — азиз.
Бошингни деворга турмайсан тираб,
Топасан оёғинг сиғадиган из.

Аёз қайлардадир ўтирар тергаб,
Мудрасанг, ханжари билан туртади.
Барча томирларинг яшайди сергак,
Ҳаловат киролмай заҳар ютади.

Куйчисиз салтанат ғариб саналар,
Ғариблар сафига қўшилмайди қиш.
Муножот айтмаса ҳамки қарғалар,
Ҳар қалай ҳўкизмас, сайрайдиган қуш.

Дарёни соғинсанг, ётмайсан бўзлаб,
Қирғоққа чиқасан. Қарайсан пастга.
Ўзини кўрсатмай ҳикматлар сўзлаб,
Тип-тиниқ дарёлар оқади аста.

Қиш яхши. Фақат бир кичик нуқси бор:
Йўллар муз. Муз амри билан юрасан.
Майда одимлайсан келгунча баҳор,
Ё иссиқ уйингдан чиқмай турасан.

Инсон

Тўйиб кетдинг йиғлашдан, кўзим,
Жавдираш-да жонингга тегди.
Қуёшман, деб ишонтир ўзинг,
Ўтлиман, деб йўлагин энди.

Булуларни куйдираман, деб,
Кул этаман, деб жуда ишон.
Ишон, тунни ўлдираман, деб,
Келтираман, деб, дунёга тонг.

Ётиб ювош қайғу комида
Юрак, билдим, кичрайдинг чексиз.
Денгизман, деб ўйла камида,
Довулларни ютгувчи денгиз.

Мақсад бўлсин қайиғинг исми,
Нафратни сол, муҳаббатни сол.
Мардлик, ростлик каби жон-жисми
Метин-метин аскарларинг ол.

Кетдик. Ҳамма бўлдимиз ҳозир,
Жасурларнинг ёди бўлсин ёр.
Шу туришда мамлакатмиз бир,
Нури, суви ҳам орзуси бор.

Ҳориганга ҳордиқ йўк, аниқ,
Маида-чуйда гапни ташлаймиз.
Мамлакатмиз. Шу номга лойиқ,
Улкан, кучли бўлиб яшаймиз.

• Ақл ва маъно дурлари •

* * *

Комик актёр Ҳожи Сиддиқ дўсти Миршоҳид Мироқилов билан аския айта туриб жон берган. Мана бу аскияни эса машҳур санъаткор Юсуфжон қизиқ ўлим тўшагида ётган устози Саъди махсум билан айтишган.

Юсуфжон қизиқ:

— Юрагимизни аламзада қилиб кетгандан кўра бошида дунёга келмангиз ҳам бўлар экан.

Саъди махсум:

— Узимнинг ҳам оёғим тортмовди-ю, дадамлар ҳол-жонимга қўймай олиб келдилар-да.

Юсуфжон қизиқ:

— Устоз, энди ўлим ҳақ, ҳаммамизнинг бошимизда ҳам бор. Сиз кетиб, биз қолмаймиз. Вахлироқ борсангиз, биздан олдин ўтган қизиқларга салом айтинг.

Саъди махсум жиддий:

— Қани, мен бориб кўрай-чи, мабодо каттароқ тўй-пўй бўлса, хат юбораман, кечикмай тезроқ боринглар...

* * *

Диккенс ҳақида Корней Чуковский ёзади:

«Унинг фантазияси шу даражада фавқуллодда кучли ва жонли эдики, ўзи ўйлаб топган нарсалар гўё чинакам, реал ҳаётдаги воқеалар сингари таъсир этарди. «Домби ва ўғли» романида боланинг ўлимини тасвирлашга тўғри келди, шунда ҳаётдаги бу ўлимдан адиб шунчалик таъсирландики, уни тасвирлаб бўлгач, тун билан кўзларида жиққа ёш, кўчаларни айланаб чиқди.

Кулгили одамларни, воқеаларни тасвир қилганда эса у кўпинча стол ёнида ўтирган ҳолда юзларини кулгили бужмайтиради, ҳуштак чалар, кимгадир кўзларини қисар, ўзича куларди».



Шухрат



Расмларни Хайрулла
ЛУТФУЛЛАЕВ чизган.

Икки парда, беш кўринишли драма

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Ўткир Қиличев — прокурор 55 ёшларда.
Мастура — Қиличевнинг опаси.
Холида — Қиличевнинг хотини.
Манзура — Мастуранинг қизи, 20—21 ёшда.
Қурбон — Ўткир Қиличевнинг фронтдош дўсти.
Интиқом — Қурбоннинг ўғли, 27—28 ёшда.
Меҳринисо — Қурбоннинг хотини.
Терговчи.
Секретарь қиз.

Воқеа 1970 йиллар бошида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Йўл ёқаси, хилватроқ чет. Манзура кимнидир кутиб турибди. Бировнинг узокдан келаётганини кўриб, яшнаб кетади. Интиқом кўринади. Қамти келадилар. Интиқом хомуш.

МАНЗУРА. Салом, Интиқом ака! Нега хомушсиз? Танижонингиз соғми? Мен машиначида бўлдим. Тўй сарполаримни бирам чиройли тикибди! Кийганимни кўрсангиз, танимай қоласиз.

Манзуранинг қувончи ва ҳаяжони Интиқомга таъсир қилмайди. У ҳамон хомуш.

Нима гап, Интиқом ака? Нега хафасиз? Тинчликми? Сарполаримнинг қимматга тушаётганидан хафамисиз? Фасонини кўрсангиз эди! Машиначи ўлгурнинг осмондан келганича бор. Жуда уста экан. Гапиринг, нега индамайсиз?

ИНТИҚОМ. Сизга ёқса бўлди-да. Манзураҳон. Мен нима дердим.

МАНЗУРА (*эркаланиб*). Сизга ҳам ёқсин-да! Битта менга ёққанига рози эмасман. Ё сизга бари бирми?

ИНТИҚОМ. Кечаси билан алланимабало тушлар кўриб, ухлолмадим. Институтга борсам, миш-миш. Мен билан бир кафедрада ишлайдиган Бердиалиев бор-ку...

МАНЗУРА (*бир хунук хабар кутаётгандек унинг оғзига тикилиб*). Хўш? Хўш?

ИНТИҚОМ. Лекциядан чиқиши билан коридорда тўхтатиб, икки киши олиб кетибди.

МАНЗУРА. Қанақа одамлар экан?

ИНТИҚОМ. Яна икки соат лекциям бор, деса, ҳозир келасиз, дейишибди. Мен борганда ҳали йўқ эди. Ҳамма ёқда турли-турман миш-миш...

МАНЗУРА. Қанақа миш-миш...

ИНТИҚОМ. Миш-миш бўлгандан кейин яхшиликка бўлмайди-да, Манзураҳон. Кимдир ОБХССдан дейди. Кимдир прокуратурадан дейди. Хуллас, хунук гаплар!

МАНЗУРА. Нима бало, уйда қиладиган яширин иши бормиди?

ИНТИҚОМ. Билмасам.

МАНЗУРА. Сиз билан жуда ҳам яқин эмасди, шекилли?

ИНТИҚОМ. Бир кафедрада ишлардик-да!

МАНЗУРА. Ҳа, шунга шунча хафаликми? Битта сиз бирга ишлайсизми? Ўзининг бир балоси бордир-да! Юринг, кинога кирамиз, ҳақни ноҳақ қилмасин! Бо, шунга шунча ташвишми! Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар.

ИНТИҚОМ. Кечирасиз, Манзураҳон, бошим тарс ёрилиб кетай деяпти. Сиз кутиб қолманг, деб келдим.

МАНЗУРА. Юринг, кинога кирсангиз, ёзилиб кетасиз. Мени соғингансиз.

ИНТИҚОМ. Соғинишга соғинганман-ку, лекин нима учундир кўнглим хира. Чироқ ёқса ёримай турибди.

МАНЗУРА. Бердиалиев билан қилган бирон ишингиз борми?

ИНТИҚОМ. Бердиалиев билан нима ишим бўлади, Манзураҳон. У ёши катта одам бўлса!

МАНЗУРА. Шунақайкан, бунча ташвишланасиз! Ўзингиз ҳам тоза ваҳиманинг кони бўлибсиз! Юринг, кетдик!

ИНТИҚОМ. Бугунча кечирасиз, Манзураҳон. Уйга борай.

МАНЗУРА (*бўшашиб*). Ўзингиз биласиз, зорим бор, зўрим йўқ. Уйга борсангиз, кўнглингиз ёзилиб кетадими?

ИНТИҚОМ. Билмадим-ку, кинога оёғим тортмаяпти.

МАНЗУРА. Шунчалик тез кўнглингизга урдимми?

Манзура тарвузи қўлтиғидан тушиб, хафа бўлиб қолади. Буни кўрган Интиқом унинг кўнглини кўтармоқчи бўлади.

ИНТИҚОМ. Хафа бўляпсизми? Манзураҳон! Менинг ҳам майлимга қаранг-да. Юрагимга ҳозир қил сиғмайди.

МАНЗУРА. Уйга бориб нима қиласиз, одам тафтини одам олади, ахир.

ИНТИҚОМ. Шундайку-я...

МАНЗУРА. Бўпти. Кетдик!

Интиқом орқасига тисарилади. Манзура қистагандек қўлидан тортади.

ИНТИҚОМ. Эртагача хайр! Эртага соат бешда, фонтан олдида кутаман. Кинога ҳам билет олиб қўяман.

Интиқом сахнанинг у бошидан бу бошига юра бошлайди. Манзура ҳайрон бўлиб қолади. Энди бир-икки қадам қўйиб, кетмоқчи бўлиши билан Интиқомнинг қаршисида икки киши пайдо бўлади. Унинг биттаси йўлини тўсади.

НОТАНИШ. Салом!

ИНТИҚОМ. Салом. (*Бўшашади.*)

НОТАНИШ. Биз билан бир ерга кириб чиқсангиз.

Интиқом бўшашиб тушади. Икки йигит икки ёнига ўтади, олдинга бошлайди. Интиқом ҳамма нарсага тушунади.

ИНТИҚОМ. Манзураҳон! Хайр!

Манзура ҳаяжон билан орқасига қайтади. Интиқом томон талпинади.

МАНЗУРА. Интиқом ака!

Бу пайтда Интиқом ва нотаниш киши сахнадан чиқиб кетади. Уларнинг ортидан ҳаяжонланиб, ташвишланиб Манзура чиқади.

Иккинчи кўриниш

Прокурор Ўткир Қиличевнинг уйи. Замонавий квартиралардан бири. Ҳатта жижҳозланган. Прокурор толиқиб кириб келади. Хотини Холида пешвоз чиқади.

ХОЛИДА. Опангиз телефон қилдилар. Укам уёқ-буёққа кетиб қолмасин, дедилар. Тўйлари яқинлашиб қолганга ўхшайди. Тўёнага ваъда қилган гиламингизни олиб бердингизми? Галга солманг, ёлғиз тоғасиз — уят бўлади!

ЎТКИР. Магазиндан гилам келди деб хабар қилишган эди, опамга айтувдим, олиб кетишгандир. Кўнгли тўлдими-тўлмадими — билмадим.

ХОЛИДА. Ишқилиб тузуккинамиди! Прокурор тоғаси деган номингиз бор-а!

ЎТКИР. Кўрибманми? Телефон қилишгандан кейин ёмон бўлмас, тузукдир!

ХОЛИДА. Тайинлаб айтган бўлсангиз, яхши-я, бўлмаса балого қолдингиз. Ҳали шунга келяптиларми! Кўнгиллари тўлмаган бўлса, ваз кўрсатмасдан дарров алмаштириб беринг, оғзингизнинг ели. Хафа бўладилар! Ўзлари ҳам, шу кенжамдан қутилиб олсам, гўримда оёғимни узатиб ётардим, деб куйиб-пишиб юрибдилар. Ишқилиб, ёғин-сочинга қолмай, тўйлари йўлини ўтказиб олсинлар.

УТКИР. Опам тушкур чирангани-чиранган! Кўрпасига қараб оёғини узатсаю бўлади. Олдинги қизида ҳам бир муккалаб турган эди. Мана бунисида ҳам орқа-ўнгига қарамай уриниб ётибди.

ХОЛИДА. Орзули дунё-да, дадаси, унақа деманг! Шунисига келганда туриб беринг. Гупчагидан сал кўтариб юборсангиз, кифоя! Ахир ҳеч кимдан кам эмассиз. Хурсанд бўладилар. У кишидан бошқа кимингиз ҳам бор: битта сизу битта опангиз экан!

УТКИР (кулиб). Опамга бунақа қўли очиқлик қиялпсан, ўзингга навбат келганда ўқимни синдириб юборадиганга ўхшайсан, хотин. Ҳамма нарсанинг ўртамиёнаси яхши!

ХОЛИДА. Йўқ, йўқ, кечирасиз, дадаси, ўртамиёнаси кетмайди. Данғиллатиб тўй қилиб берасиз, не ҳасратда катта қилган биттаю битта қизим бор-а! Одамлар бир йил ўн икки ой оғзидан бол томиб гапириб юрмаса, асти ҳисобмас! Шу эсингизда турсин! Ана, опамнинг ўзлари келиб қолдилар.

Эшикда хомуш Мастура кўринади. Совуққина кўришади. «Тўйи бузилибди» деб ўйлаган Уткир унинг кўзига боқади.

УТКИР. Тинчликми опа?

МАСТУРА. Тинчлигим қурсин! Менга бир фалокат ёпишганга ўхшайди, ука. Оғзим ошга етганда бурним қонамаса гўрга эди!

УТКИР. Хўш-хўш?

МАСТУРА. Жиянинг йиғлаб келди. Куёв бўлмиш қамалиб қолибди.

УТКИР. Қамалиб қолибди?

МАСТУРА, Ҳа, шўримга шўрва тўкилиб, бошим қотганича олдинга келдим. Бир маслаҳат бер! Нима гап? Нега қамалади? Магазинчи бўлмаса, базада ишламаса! Муаллим нарса нимага қамалади?

УТКИР. Ешлик қилиб, бирон ерда... Ҳозир ичкилик деган бир бало бор, кўп ёшларни издан чиқаради. Суриштириб кўрамиз, опажон, ортиқча хафа бўлманг.

МАСТУРА. Шундай қил, ука. Жиянинг йиғлайвериб мени хун қилиб юборди. Эшикдан йиғлаб кирса, жон-поним чиқиб кетди. Подадан олдин чанг чиқарма, бундоқ гап суриштир, нима гапу нима сўз, десам, қани қулоқ солса! Бу кунимдан ўлганим яхши, энди нима деган одам бўлдим, ўртоқларим олдида қандай бошимни кўтариб юраман, дейди. На иссиққа кўнади, на совуққа!

УТКИР. Нимага қамалганини айтмайдимиз?

МАСТУРА. Елчителигина гапирмайди, нуқул йиғлайди. Икки гапнинг бирида: «Шу кунимдан ўлганим яхши!» дейди. Эрталаб институтдан бир ўртоғини олиб кетишган экан.

УТКИР. Ипакдакқина юмшоқ йигит куёвим, деган эдингиз-ку, опа?

МАСТУРА. Ким билади, ука, одамнинг олеси ичида. Мов мушукка ўхшаб сирти йилтиллаб кўринганми, билмадим. Хўш, нима қилдик, ука? Қачон аниғини билиб берасан? Суриштир, қўлингдан келган яхшилигингни қил, эл орасида шарманда бўлиб қолмайлик. Фотихасида бўлмадинг, суриштириб бермадинг, егим бола экан, ўзи топиб уйланаётган экан деб, мен лақма ўлгур, қўлга тушдимми! Жон ука, ҳаракатингни қил, галга солма. Укинчли иш бўлмасин. Бу аҳволда жиянинг ўзини бир нарса қилиб қўяди.

УТКИР. Хўп, опа, мана, ҳозир-да. Қизингизга айтинг, бунақа жиннилик қилмасин! Қиз бола деган босиқроқ бўлади. *(Телефон трубкасини олади.)* Фамилияси нима эди?

МАСТУРА. Кимнинг?

УТКИР. Кимнинг бўларди, куёв боланинг-да.

МАСТУРА. Ҳа, хаёлим қурсин!.. Ҳа, ука, бир кунда жинни бўлаёздим. Етдим деганда йиқилмасам эди! Фамилиясини қаёқдан

биламан, исми ҳам ғалатиноқ эди. (*Ўйланиб қолади.*) Имтиҳомми, Илҳомми? Йўқ-йўқ, башқачароқ эди.

ЎТК И Р (*бирдан жонланиб*). Интиқом Қурбоновмасми!

М А С Т У Р А. Шунақа шекилли.

ЎТК И Р. Отаси фронтда ҳалок бўлган?

М А С Т У Р А. Онаси, ерга қўйсам чанг ўтиради, кўкка қўйсам тўзон ўтиради, деб катта қилган биттаю битта ўғлим, айланай, деётган эди. Эри урушдан қайтмаган шекилли. Шу боламини бегона эшикка бошлаб бормай, ўгай отанинг даккисини емасин, деб қайта уй-жой қилмадим, айланай, қизингизнинг кўзёши оқмайди, ҳар қанча кўзёши бўлса ўзим оқизиб бўлганман, деб ҳасрат дафтарини очаётган эди. Онаси яхши, қаттиқчиликни кўрган хотин эди. Шунинг учун ҳам дарров рози бўла қолган эдим. Бу шошганим бурнимдан булоқ бўлиб чиқмаса гўрга эди!

ЎТК И Р (*телефонда гаплаша бошлайди, опасига қўли билан «бир пас жим турунг» ишорасини қилади*). Ҳа, Ҳа! Қурбонов! Муаллим. Борми? Хўш, нима иш экан?

Узоқ кулоқ солиб туради ва бўшашиб телефонни қўяди. Унинг бу ўзгаришидан опани ваҳима босади.

М А С Т У Р А. Нима гап экан, ука? Нега бўшашиб тушдинг? Тинчликми?

ЎТК И Р. Куёвингиз менинг фронтвой ўртоғимнинг ўғли экан-ку, Интиқом!

М А С Т У Р А (*қувониб*). Эҳтимол, ука, эҳтимол... Ўртоғингнинг ўғли бўлса, яна яхши! Мен етти ёт бегона деб чўчинқираб юрувдим. Мана буёғидан ҳам кўнглим тинчиди. Ўртоғингнинг ўғли бўлса, ёмон боламасдир, ука!

ЎТК И Р. Ёмон бола эмас эди...

М А С Т У Р А. Энди ёмон иш қилиб қўйибдими?

Ўткир телефонда эшитганини опасига айтишга журъат қилмайди. Иккиланиб, ваз қидириб қолади.

ЎТК И Р. Майли, опа, сиз сабр қилатурунг. Мен эртага яна суриштириб кўраман.

М А С Т У Р А (*хавотирланиб*). Нега бунақа дейсан? Гуноҳи оғир эканми? Нега индамайсан?

ЎТК И Р. Майли, сиз бораверинг...

Х О Л И Д А. Вой, қанақасиз? Опам қаёққа борадилар. Мен ошни дамлаб қўйдим. Еб кетадилар.

Опанинг қулоғига гап кирмайди. У укасининг гапидан қаттиқ хавотирга тушиб қолган.

М А С Т У Р А. Ҳа, ука, сен нега зоғоранинг хабиридай қовушмай қолдинг? Телефонда хунук бир гап эшитдингми! Гапир, ахир одам ўлдирмагандир-ку. Йўл тўсиб бировнинг чўнтагини кавламагандир. Том тешиб, ўғирликка тушибдими! Нега индамайсан!

ЎТК И Р. Бу телефондаги гап. Оловдан олдин тутун чиқармай турунг. Эртага ишга борай, делосини олай, кўриб чиқай. Кейин сизга оқибатини билдираман.

М А С Т У Р А. Йўқ, ука, бу гапингни тагида бир балоси бор. Мендан ниманидир яширяпсан. Ҳалигина «хафа бўлманг, опа» деб бошқа тил билан гаплашиб турган эдинг. Телефондан кейин ўзгариб қолдинг. Мени кузатиш пайига тушиб қолдинг! Айт, ростини айтавер. Нима бўлса пешонамдан кўрдим.

Х О Л И Д А. Айтаверинг, опангиздан ҳам сир тутасизми? Билганлари яхши.

Ўткир опасига айтолмаганидан аламини хотинидан олади.

ЎТКИР. Сен ёмон тоғнинг тепасидаги қорашақшақдек шакиллай берма. Бор, ошинг тагига олиб кетди.

ХОЛИДА. Ҳа, бунча! Аямажизда туғилган одамдек гапларингиз совуқ. Қўполлик ҳам эви билан-да! Мен энди қорашақшақ бўлдимми?

МАСТУРА. Ҳой, барака топгур келин, хафа бўлма. Укамнинг феъли-атворини энди кўряпсизми? Ўзингизнинг синашта эрингиз. Мени уйдан ҳайдаяпти-ку!

ЎТКИР. Ҳайдаётганим йўқ, опа, кечирасиз. Оғзимдан чиқиб кетибди. *(Хотинига.)* Бор ошингни суз. Тушда тузукроқ овқат қилмаган эдим. Қорин ҳам пиёз пўсти бўлиб кетди. *(Хотинидан узр сўрагандек оҳангда.)* Ошинг сергўштгинами ахир?

ХОЛИДА. Сиз тўясиз, қўрқманг.

ЎТКИР *(юмшатмоқ бўлиб).* Сенга ҳам етсин-да!

ХОЛИДА. Менга ҳам етади. Опамларга ҳам етади. Гўштингизни ўғирлаб олиб бориб берадиган ғарибу бенаво опа-синглим йўқ, хавотир олманг.

ЎТКИР. Ана ҳолос, пишди гилос, қуюшқондан чиқиб кетдинг, хотин!

МАСТУРА. Ҳой, ҳой, уйи буғдойга тўлгурлар, жанжалларингни менинг келишимга олиб қўйганмидинглар. Мен ўзим нима ғамда юрибману сизлар ниманинг жанжалини қиласизлар. Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади, уйи буғдойга тўлгурлар! Менинг кўнглимни ғаш қилдинг, ука, очигини айтмадинг.

ЎТКИР. Кўнглингиз ғаш бўлмасин, опа! Эртага ҳаммасини билиб, ўзим хабар қиламан.

МАСТУРА. Менга хабар бериб нима қиласан, ука, Тўғрила, эл-элат олдида юзим шувит бўлиб қолмасин. Ҳали тақ этса, эшикка қараб, жиянинг ҳам қон йиғлаб ўтиргандир. Мен борақолай! Бутун умидим сендан, ука. Сезиб турибман, иши оғирга ўхшайди. Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқади, деганларидек, битмайдиган иш йўқ. Кечагина прокурор бўлганинг йўқ. Биттаю битта опам қон қақшаб қолмасин, десанг, йўлини топасан, дўст-душман олдида юзимни ерга қаратмайсан. Шуни билиб қўй. Йўқ, иложи йўқ, десанг, ўша куни опангнинг ўлгани. Тушундингми!

Ўткирнинг тили сўзга келмайди. Хотини жавоб қилади.

ХОЛИДА *(Мастурага қараб).* Сиздан бошқа кимлари бор, опа. Хотиржам бўлаверинг. Эҳтимол, унчалик оғир иш эмасдир. *(Эрига.)* Бир нима десангиз-чи, ҳой одам! Оғзингизга сўк солиб олдингизми, нима бало!

Ўткир саросимада қолган одамдек бошини қалқитадию аниқ бир нарса даёлмайди. Ўткир ва Холиданинг шунча зўрлашига қарамасдан Мастура йўлга тушади.

Қаёққа борасиз, опа, ўтиринг. Ошимни сузиб келаман.

ЎТКИР. Ўтиринг.

МАСТУРА. Кейин, айланай келин. Ҳозир кўнглимга ош сиғадими! Ош емаган еримми!

ХОЛИДА *(опанинг кетиши аниқ бўлиб қолганини кўриб).* Ўтирсангиз бўларди, ҳозир сузиб келардим. Майли, ҳозир безовта бўлиб турибсиз. Бўлмаса жавоб бермасдим. Етадиган бўлиб бир келинг, опа! Бу келганингиз ҳисобмас!

МАСТУРА. Хўп, айланай, Мана шу ташвишлардан қутулиб, кенжамни жойига омон-эсон қўндириб олай, кейин бемалол келиб,

ошингизни ҳам ейман. Хайр, ука! Бутун умидим сендан, ука! Бепарво бўлма!

Мастура шошинқираганча чиқиб кетади. Ўткир хотинига ташланади.

ЎТКИР. Сен нега булбулигўё бўлиб қолдинг? Тилингни посангисини олиб ташладинг? Ишнинг нималигидан хабаринг йўқ, нукул бижиллайсан. Биласанми, куёв бўлмиш нимага қамалган?

ХОЛИДА. Билмасам.

ЎТКИР. Билмасанг, ҳар нарсага човлингни солаверма.

ХОЛИДА (*узр сўрагандек*). Опангиз бечора куйиб кетаётганига раҳмим келиб... Наҳотки, кўрмаяпсиз!

ЎТКИР. Кўряпман! Илож қанча! Қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб нима қиламан.

ХОЛИДА. Иши ўлгур нима экан ўзи?

ЎТКИР. Оғзингдан бировга гулламасанг, айтаман. (*Бояги тўқнашувдан мурасага келаётган бир оҳангда*) Ҳозирча ҳатто опамга ҳам билдирма!

ХОЛИДА. Ҳа, айтақолинг! Оғзим кўчада қолибдими!

ЎТКИР. Пора!! Бир болани пулга ўқишга киритган экан. Группавой.

ХОЛИДА. Вой, ўлмасам!!! Опам бечора энди нима қиладилар?

ЎТКИР. Дим! Оғзингни юм! Қани, олдин иш билан танишиб чиқай-чи.

ХОЛИДА. Барака топкур, ўзингизга эҳтиёт бўлинг! Опам деб... Порани ёмон деб эштаман.

Учинчи кўриниш

Прокурор Ўткир Қиличевнинг кабинети. Деворда Ленин сурати. Бурчакда сейф. Секретарь қиз кириб келади. Ўткир сейфдан дело олиб кўряпти.

СЕКРЕТАРЬ ҚИЗ. Бир хотин жуда зурур ишим бор деб ҳеч қўймапти. Кеча ҳам йўғингизда икки марта келиб кетган эди.

ЎТКИР. Бугун қабул кунимас шекилли.

СЕКРЕТАРЬ ҚИЗ. Айтдим, бўлмапти. Эрим фронтда ўлган дейди. Йиглайди.

Ўткирнинг хаёлидан Интиқомнинг онаси ўтади. Бирдан хушёр тортади.

ЎТКИР. Чақиринг. Чақиринг. Кирсин!

СЕКРЕТАРЬ ҚИЗ. Тайинлаб киритаман. Узоқ ўтирмайди.

ЎТКИР. Майли. Индаманг. Кираверсин!

Ўткир стол устидаги папкаларни йиғиштириб, эшикдан кириб келаётган Меҳринисога пешвоз чиқади.

Келинг, Меҳринисо, келинг!

МЕҲРИНИСО. Мени худо уриб қолди, Ўткиржон! Дардим аримаган, пешонаси шўр банда эканман.

ЎТКИР. Хўш? Хўш?

МЕҲРИНИСО. Эшитгандирсиз?

ЎТКИР. Эшитдим. Яхши бўлмабди!

МЕҲРИНИСО. Нимасини айтасиз, айланай! Мўмин-қобилгина бола эди. Ўзингизнинг қўлингизда катта бўлган. Билмадим, фалокат қаерда уни пойлаб турган экан? Ишонинг, Ўткиржон, ўғлим бу ишни

қилмайди. Тухмат! Битта-яримта устомон қилғуликни қилиб қўйиб, унинг устига ағдариб кетган. Ағдариб кетган, Ҳтиқиржон! Ҳғлим қўй оғзидан чўп олмаган бола-я! Емай-едириб, ичмай-ичириб катта қилганман-а! Энди нима бўлади, Ҳтиқиржон! Сизни орқа қилиб келдим. Отаси ўрнида оталик қилинг. Отаси сизга топшириб кетган...

ҲТҚИР. Ҳм... Тўғри, отаси ўртоғим эди. Жанговар ўртоғим эди. Фронгда топиб, фронгда қолдириб келган дўстим.

Меҳринисо сумкасидан сурат чиқариб, Ҳтиқирга узатади.

МЕҲРИНИСО. Мана, иккаланглар бирга тушган суратинглар ҳам ёнимда, Ҳтиқиржон. Туғишган оға-инидек ёнма-ён ўтирибсиз. Қандай меҳрибон, ҳалол киши эди дадаси! Буни қаранг, тирикдай кулиб турибди. Битта нусхаси сизда бор-а, Ҳтиқиржон?

ҲТҚИР. Бор. Уйда. Альбомда.

МЕҲРИНИСО. Отаси тирик бўлганда бу ишлар бошимизга тушмасиди. Пешонам шўр бўлиб туғилган эканман, Ҳтиқиржон! Эсимни танибманки, бошим ташвишдан чиқмайди. Эр қилиб ҳам беш кун ўйнаб-кулмадим. Уруш бошланиб, бу ёғи бундоқ бўлиб кетди. Кўрган-кечирганларим сал унут бўлиб, бутун умидимни шу битта ўғлимга боғлаб ўтирувдим. Мана бу ҳам тухмат балосига йўлиқиш мени қон йиғлатиб ўтирибди. Йўқ, Ҳтиқиржон, ўғлим унақа ноҳўя ишларни қилмайди. Ҳалол бола! Биров йўлдан урган! Ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ қилинг, Ҳтиқиржон. Раҳмингиз келсин. *(Суратга қараб.)* Буни қаранг, ўртоғингиз ёнингизда қандай очиқ юз билан турибди. Шу кунларда унинг арвоҳи безовта бўлиб, чарх уриб қолгандир! Раҳматли кеча тушимда мен билан гаплашмади. Нукул: «Интиқом қани? Нега ёлғиз қолиб уни сафарга юборасан», дейди. Ҳўмрайди, койийди. Умрида бирон марта койимаган, Ҳўмрайиб боқмаган одам сўкиб бердилар. «Ҳой, сизга нима бўлди, дадаси? Бунақа одатингиз йўқ эди-ку», десам, индамайди. Ҳзи ҳам қорайиб, униқиш кетган.

Ҳа, Ҳтиқиржон, мен эмас, арвоқлар ҳам безовта бўлиб қолди. Оғзим ошга етганда бурним қонаб қолмаса эди! Сизга қариндош бўлдим деб қувониб юрган эдим, буни ҳам худо кўп кўрмаса эди!

ҲТҚИР. Ҳақиқат қиламиз, Меҳринисо!.. Сиз ортиқча куйина-верманг. Тергов ҳали тугагани йўқ.

МЕҲРИНИСО. Ҳукм қилиб юборса-чи!

ҲТҚИР. Жинояти бўлса ҳукм қилади-да, нима иложимиз бор. Қонунни ҳатлаб ўтолмаймиз.

МЕҲРИНИСО. Сиз шу ерда туриб-а?

ҲТҚИР. Қонун олдида мен кимман? Оддий гражданман.

МЕҲРИНИСО. Вой, ўлмасам! Бутун умидим сиздан эди-ку, Ҳтиқиржон! Энди нима қилдим. Ҳолимга маймунлар йиғлаб қолмаса эди!

ҲТҚИР (кулиб). «Ҳтиқиржон прокурор. Бораману арзимни қиламан, ўғлимни олдимга солиб беради», деб ўйлаганмидингиз?

МЕҲРИНИСО (бўшашиб). Унчалик бўлмаса ҳам... Ахир отасининг қадрдонисиз. Интиқом ўғлингиздай нарса! Ҳз қўлингизда катта бўлган. Эсингизда борми, саккизинчи синфни битириб: «Энди ишлайман, онамни боқаман», деганда, «Йўқ, ўғлим, аввал етуклик аттестатингни ол. Кейин институтга ҳаракат қил. Қундузги бўлмаса кечқурунгида ўқи», деб йўлга солгансиз. Олдинига оғриниб юрса ҳам, кейин сўзингизга кириб, олий маълумотли бўлди, ундан аспирантурага ўтди. Энди ақли тўлиб йўлини топганда мана шу кунларга қолиб ўтирибди. Ҳар нарса денг, Ҳтиқиржон, ана, элак-элак қилиб кўрарсиз-ку, ўғлимда гуноҳ йўқ. Ҳақ ноҳақ бўлмасин деб қошингизга келдим.

ҲТҚИР. Бу бошқа гап.

МЕҲРИНИСО. Тухмат ёмон бўлади, Ҳтиқиржон! Машойиҳлар бекорга «Қуруқ тухматдан, бевақт ўлимдан ўзи асрасин!» демаган.

Ақлингни ўғирлаб, бахтингни қора қилиб қўяди. Тухматнинг оёғи тез юради, Ўткиржон! Тухматга ишингиз тушмаган, билмайсиз. Тухматнинг иситмаси баланд бўлади!

ЎТКИР (*Меҳринисонинг соддалигидан жилмаяди*). Сал-пал биларман. Меҳринисо. Буёғидан хотиржам бўлинг. Ўғлингиз тухматга қолмайди. Сиз сабр қилинг, подадан олдин чанг чиқариб, айюҳаннос солманг. Тергов тугасин, делоси билан танишиб чиқай. Сарасини сарак, пучагини пучак қилайлик.

МЕҲРИНИСО. Раҳмат, Ўткиржон! Барака топинг. Бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг. Сиз биздек етим-есирнинг бошини силасангиз, омадингизни берсин, тани-жонингиз соғ бўлсин. Яхши ҳам сиз бор экансиз, бўлмаса кавушимни судраб кимнинг эшигини қоқардим у ким менинг арзимга қулоқ соларди! Шу иш шундоқ бўлибдики, ўтирсам ҳам йиғлайман, турсам ҳам... Азага борган ўз дардини айтиб йиғлайди, дегандек, мен ўлгур, ўз ҳасратим билан бўлиб, ўртоғимни ҳам сўрамабман. Холидахонни бир кўрганимда тоби қочиб юрган эди, одек бўлиб кетдимиз? Бола-чақалар яхшими!

ЎТКИР. Шукр, раҳмат! Яхши.

МЕҲРИНИСО. Сўраб қўйинг.

ЎТКИР. Уйга боринг. Гаплашиб ўтириб келасиз. Ўртоғингизнинг ҳам қулоғига кирган экан. Хафа бўлаётган эди.

МЕҲРИНИСО. Дўст эшитса, хафа бўладиган иш-да, Ўткиржон! Ҳеч кимнинг бошига бу кунларни солгулик қилмасин! Киши қилар ишидан адашиб қоларкан! Майли, ўғлимнинг кўргулиги экан, ҳақни ноҳақ қилмасин! Шу ишлар бир ёқлик бўлсин, Ўткиржон, ўзим бориб, ўртоғим билан гаплашиб ётиб келаман. Тўй маслаҳати ҳам ўзингиз билан бўлади, қариндош бўлиб қолганмиз-а, Ўткиржон. Интиқом аввал фронтдош дўстингизнинг ўғли, бўлса, энди куёвингиз. Фарзандларингиз қаторига олиб, бундан буёқ ўзингиз оталик қиласиз. Ҳозирча ўртоғимга салом айтинг! Хайр, айланай, хайр! То ўғлимнинг иши ўнглианиб кетгунча сизни безовта қилиб тураман-да, Ўткиржон. Хафа бўлмайсиз. Қора кун курсин! Узоққа чўзилмас-а, Ўткиржон!

ЎТКИР. Тергов борапти. Кузатиб турибман. Тезлатамиз.

МЕҲРИНИСО. Шундай қилинг, айланай, тезлатинг. Интиқомингиз етимликда ўсган эмасми, юраги жуда тор, унар-унмасга тажанг бўлаверади. Ҳали қон бўлиб, бошини қаерга уришини билмай ўтиргандир, болам бечора! Тухмат ўлсин, тухмат!

Меҳринисо хайрлашиб чиқади. Боши қотганича Ўткир ёлғиз қолади.

ЎТКИР (*ўзича*). Мана бу ҳам кўзёши билан илтимос қилиб кетди. Боласи тушкур тўғри юрса бўлмайдимиз? Ўзинг-ку, қийинчилик кўриб етим ўсдинг, оёғингни тўғри боссанг бўлмасмиди! Энди нима бўлди? Бир томони, қадрдон фронтдош дўстимнинг биттаю битта ўғли, бир томондан, жиян куёвим бўлаётган йигит. Уёқда жияним ўртаниб ётибди, буёқда оналар оёғи куйган товукдек питирлаб юрибди. Менчи, менга осонми? Булар прокурорнинг қўлидан ҳамма нарса келади, деб ўйлайди. Қонун унинг қўлида гўё резинаю истаган томонига истаганча чўзади, чўзгиси келмаса, жиноятни ўчириб ташлайди. Қонун муқаддас эканини, ҳамма учун тенг эканини, ҳеч кимнинг уни бузишга, ўз измига солиб ишлатишга, ёру биродар, қавм-қариндош илтимос билан четлаб ўтишга ҳаққи йўқлигини билишмайди. Прокурормисан, тамом, ҳамма нарсага қурбинг етади. Жиноятчини оқлаб юборишинг бегуноҳни қамашинг мумкин. Ҳеч-да!!! Прокурор — адолат қўрғони эшигида соқчи. Уни қўриқлайди ва ҳимоя қилади. Унинг деворидан бевақт гишти тушиб кетса, у жавобгар. Прокурор билиб туриб қонунни бузса, жиноятчиларни ким жазолайди? Қонунни бузган ёки менсимаган, уни ўз манфаати йўлида ишлатган прокурор энг мудҳиш одамдир. У оддий жиноятчидан кўра бешбаттар айбдор. Унинг гуноҳи

кечирилмасдир. Баъзилар прокурорлик маза иш деб билади. Маза эмиш! Ҳақиқатни юзага чиқаргунча ўпкаси узилиб кетади, шунақа устомон жиноятчилар борки, энка-тинкангни чиқариб юборади. Калавани шунақа чуватиб юборадик, учини топгунча она сутинг оғзингга келади, қон бўлиб кетасан. Бунинг устига ўртоқларнинг, ошна-оғайнининг, мана бунга ўхшаган қариндошларнинг илтимосини айтмайсизми! Хўш, мана шу ишни олинг. Қўш бармоқ. Қайси бирини тишлама — оғриydi. Иккаласи ҳам тўғрилаб юбор дейди. Тўғри-лашнинг ўзи бўладими? Виждонни булғаш керак. Муқаддас атаган қўрғонингни вайрон этиш керак. Инсофнинг башарасига туфлаб, жиноятчининг кир қўлини ўпишинг керак. Бунинг учун прокурор эмас, шарлатон бўлиш лозим. Тўғрилаб бермасанг, сен ёмонсан, инсофинг йўқ, ёру дўстни ҳурмат қилмайсан, шишиниб кетгансан! Ажабо! Кишилар қизиқ: ўз ишини тўғрилайман деб, бошқа одамни жиноят ботқоғига итараётганини ўйламаydi. «Йўлини қил!» дейди. «Йўлини қил!» дегани қонунни шундай бузки, ҳеч ким билмай қолсин, ҳатто қонуннинг ўзи ҳам сезмай қолсин дегани. Виждон-чи, виждон ҳам билмай қоладими?

Эй, Интиқом, Интиқом! Нодон йигит, нима иш қилиб қўйдинг? Ўзингни қийнаб, бошқаларни ҳам азобга қўйдингку. Тўғри, отангдан мен қарздорман. Менга учган ўққа кўкрагини тутиб, оғир яраланди, жон берди. Оҳ, азиз дўстим! Эҳтимол, ўзинг тирик бўлганигда ўғлинг бу нотўғри йўлга кирмасмиди? Йўқ, кирмас эди! Бу эгри йўлга киришга қўймас эдинг. Қандай покиза, бағри кенг, ҳақиқатгўй йигит эдинг! Бари эсимда, Қурбон!..

Бирдан саҳна қоронғи тортиб, саҳна орқасида Ўткир билан Қурбон пайдо бўлади. Қурбон оғир яраланган. Орқасида отишма боряпти.

Қ У Р Б О Н. Ўткир, мени қўй, ўзингни эҳтиёт қил. Ярам оғир, судрашнинг кераги йўқ.

Ў Т К И Р. Бекор айтибсан!.. Сени ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман.

Қ У Р Б О Н. Бекорга сен ҳам ҳалок бўласан!

Ў Т К И Р. Майли! Бирга жангга кирганмиз, бирга ўламмиз.

Қ У Р Б О Н. Ахир бу мардликка кирмайди.

Ў Т К И Р. Мардликка кирадимми-йўқми, билмайман, лекин қандай қилиб сени шу аҳволда ташлаб кетаман? Ундан кўра ўлганим яхши эмасми! Билиб гапиряпсанми, Қурбон?

Қ У Р Б О Н. Сенга битта илтимосим бор, Ўткир! Ана шу илтимосим ҳаққи-ҳурмати, сен кет. Бу ярадан соғ қолишимга ақлим етмайди. Кўз олдим қоронғилашиб келяпти. Тиззамда дармоним қуриди. Рангим ҳам бўздек оқариб кетгандир.

Ў Т К И Р (*унга тикилиб, сир бермайди*). Йўқ, яхшисан. Ваҳимага тушма! Бунақа одатинг йўқ эди-ку, Қурбон!

Қ У Р Б О Н. Ўз дардим ўзимга аён. Сен тилёғламалик қилма, сенга ярашмайди. Қандай бўлсанг, шундайлигингча қол! Бу ёлғонинг билан мени ғафлатда қолдирма! Анча гапим бор.

Ў Т К И Р. Хўш, хўш? Айт ўша гапингни!

Қ У Р Б О Н. Эсингда борми, биринчи марта жангга кириш олдида бир-биримизга сўз берган эдик: ким тирик қолса, ҳалок бўлганинг фарзандини оталиғига олади!

Ў Т К И Р. Эсимда. Тошга битилгандек, то тирик эканман, дилимдан ўчмайди.

Қ У Р Б О Н. Ҳа, балли! Мана энди ўша аҳдингни бажариш сенинг зимманга тушяпти. Мана, мен кетяпман...

Ў Т К И Р. Қўйсанг-чи, бемаъни гапни қилма!

Қ У Р Б О Н. Дўстим бўлсанг, гапимни бўлма! Қулоқ сол. Хабаринг бор, хотиним оғироёқ эди. Шу кунларда кўзи ёригандир. Уғил бўлса, исмини Интиқом қўй, деб хотинимга ёзганман. Озарбайжонларда

шундай чиройли исм бор экан. Унга оталиқ қилиш сенга қолди, дўстим! Елғизимнинг пешонасини сила, йўлга сол, чироғимни парпиратиб ёқсин! Хотиним эр қилмоқчи бўлса, монёлик қилма. Умри куймасин. Лекин Интиқомни етаклаб бегона эшикка олиб бормасин. Онамда қолдирсин!

ЎТКИР (*ўпкаси тўлиб*). Нималар деяпсан ўзи, Қурбон? Алжирама!

ҚУРБОН. Алжираётганим йўқ. Юрагимдаги гапимни гапириб қоляпман. Сен уқиб қол!

ЎТКИР. Тушундим, дўстим, тушундим. Сен бир оз дам ол, жуда ҳаяжонланиб кетдинг.

ҚУРБОН. Мана, мен энди енгил тортдим. Юрагимни бўшатиб олдим. Бемалол чўзилишим мумкин.

Қурбон бўшашиб, Ўткирнинг кўксига бошини қўяди. Ўткир уни ухлаяпти деб гумон қилиб, аста ерга ётқизади. Ана шунда унинг жон бераётганини пайқаб қолади.

ЎТКИР. Қурбон! Қурбон! Менга қара, кўзингни оч! (*Ўткир фарёд уриб юборади.*) Наҳотки одамнинг жони шунчалик тез узилса! Қурбон! Қурбон! (*Қурбоннинг устига ўзини ташлайди.*) Мен, дўстим юрагини бўшатапти десам, сен васият қилаётганмидинг, Қурбон? Алвидо, дўстим!

Чирок ўчиб, яна ёнади. Ўткир кабинетига ўтирибди. Уйқудан уйғонгандек кўзини уқалаб ўрнидан туради.

Туш кўрдимми? Кечагина бўлгандек кўз олдимдан ўтди-я! Туш эмас, ҳақиқат. Мен уни ўз қўлим билан кўмдим. Кейин, иккинчи марта яралансам ҳам, омон қайтдим. Қурбоннинг оиласидан хабар олдим. Интиқомни бағримга босдим. Уни деб онаси ҳам бошқа эр қилмади, Қурбоннинг арвоқини чирқиллатмади... Елғизининг кўзёшини оқизмади. Интиқом ипак киймаса ҳам, тоза кийиб улғайди. Олий маълумот олди. «Мана энди йўлини топди, ўзидан тинчиди» дебману гафлатда қолибман. Келиб-келиб жиноятга қўл урганда хабар топибман. Энди нима бўлди? Наҳотки, шу қилган иши жиноят эканини билмаган бўлса! Жиноятни қилиб қўйиб, мана энди мендан ёрдам кутади. Менчи! Мен ёрдам беришга қодирманми?

Ўткир телефон қилиб, терговчини чақиради. Терговчи киради.

ТЕРГОВЧИ. Хизмат?

ЎТКИР. Қурбоннинг иши қалай кетяпти?

ТЕРГОВЧИ. Тергов борапти. Ўлғудай тажанг йигит экан, саволларга жавоб бергиси келмайди. Еки пичинг отиш билан вақтни ўтказади.

ЎТКИР. Улар неча киши?

ТЕРГОВЧИ. Уч киши.

ЎТКИР. Улар қалай?

ТЕРГОВЧИ. Иқрор. Қаёққа қочиб борарди, фактлар налицо!

ЎТКИР. Қурбоннинг шериклиги аниқландими?

ТЕРГОВЧИ. Ўзи шахсан бўйнига олмайдию гувоҳлар тасдиқлаб турибди.

ЎТКИР. Ҳм... Бир-бири билан юзма-юз қилдингизми?

ТЕРГОВЧИ. Қилдим. Қурбон тонади ёки жанжаллашиб кетади ёки бақиради. Биринчи марта пора олишига ўхшамайди. Омонат кассаси дафтарчасида анчагина пули бор.

ЎТКИР. Уйланадиган экан, йиғиб юрган пулидир-да.

ТЕРГОВЧИ. Эҳтимол... Сиз унинг фронтда ўлган дадасини таниркансиз, шекилли!

УТКИР. Бир взводда жанг қилганмиз. Ажойиб йигит эди! Ҳалигина онаси ҳам келиб кетди.

ТЕРГОВЧИ. Кеча сиз йўғингизда менга ҳам учрашган эди. Жуда эзилиб кетибди. Ёлғиз ўғли экан!

УТКИР. Ҳа, ёлғиз ўғли. Шу билан онасини ҳам адо қилади, боласи тушмагур! Майли, терговни давом эттираверинг. Вақти-вақти билан менга доклад қилиб туринг.

ТЕРГОВЧИ. Хўп.

УТКИР. Шу ҳафта ичи тергов тугайдими?

ТЕРГОВЧИ. Тугаши керак. Қурбонов жавоб бермай, баъзан чалкаштириб, бизни қийнапти. Бўлмаса...

УТКИР. Жавоб беради, жавоб бермай қаёққа боради.

ТЕРГОВЧИ. Менга рухсатми?

УТКИР. Майли, боринг. Тезлатинг. *(Терговчи чиқади.)* Аҳвол мана шу. Шерикларинг тасдиқлаб турганидан кейин иложи қанча. Энди нима бўлди?

П А Р Д А ёпилади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи кўриниш

Прокурорнинг аввалги кўринишдаги кабинети. Уткир Қиличев Интиқомни суҳбатга чақирган. Суҳбат қизиган пайт.

УТКИР. Хўп, яхши. Енингиздан омонат кассаси дафтарчаси чиқибди. Ўзингизникими?

ИНТИҚОМ. Енимдан чиққандан кейин, менинг фамилиямга ёзилгандан кейин, меники бўлади-да.

УТКИР. Сўз ўинамасдан тўғри жавоб бераверинг. Сизникими?

ИНТИҚОМ. Албатта.

УТКИР. Айтинг-чи, шунча пул қаёқдан йиғилди?

ИНТИҚОМ. Чайқовчилик қилгандирман. Еки йўл тўсганми-канман?

УТКИР. Интиқом! Мен сизни таниёлмаяпман. Тўғри жавоб бераверсангиз-чи!

ИНТИҚОМ. Маошимдан йиғган бўлсам керак.

УТКИР. Тилингиз билан жавоб қилаверинг, Интиқом!

ИНТИҚОМ. Шундайми, справкадан кўра тилим билан берган жавобим сизга маъқулми?

УТКИР. Интиқом! Нега бунақа қиласиз? Мен сизни сира таниёлмаяпман. Қачондан бунақа пичингчи, сўз ўйнайдиган бўлиб қолдингиз?

ИНТИҚОМ. Аввалдан.

УТКИР. Йўқ, аввал бунақа эмас эдингиз.

ИНТИҚОМ. Эҳтимол.

УТКИР. Тавба? Хўш, маошингиз қанча? *(Шу орада делодан справкани топади.)* Бир юз етмиш сўм. Тўғрими?

ИНТИҚОМ. Муҳрлаб бергандан кейин тўғри бўлса керак.

УТКИР *(энсаси қотиб).* Бу фан кандидати бўлганингиздан бери. Унгача-чи?

ИНТИҚОМ *(ўйлаган бўлиб).* Эсимда йўқ!

УТКИР. Аспирантлик стипендияси шекилли?

ИНТИҚОМ. Ишлаб туриб ўқиганман.

УТКИР. Кандидат бўлганингизга ҳали икки йил тўлгани йўқ. То ёқлаб, тасдиқланиб, маошингиз 170 сўм бўлганича бирор йил ўтгандир.

Шундан буён наҳот шунча пул эконоом қилолдингиз. Кўпроқ эмасми? (Интиқом бошини қуйи солади.) Айтинг, бу пул қаёқдан келган?

ИНТИҚОМ (ғазабланиб). Уғирлаганман!

УТКИР (хотиржам). Уғирлашга-ку ўғирламагансиз. Лекин бошқачароқ йўл билан келган. Шуни айтинг!

ИНТИҚОМ. Уғирлаганман деяпман-ку, бу камми!

УТКИР. Албатта, кам. Сизнинг қилган ишингиз ўғирликдан ёмон, Интиқом! Жуда ёмон!

Интиқом ёниб кетади.

ИНТИҚОМ. Меникини кўзингиз кўрдими? Мен чўнтак кесган, йўл тўсган муттаҳамдан ҳам ёмон бўлдимми? Кўчада юрасизми? Хусусий машиналарни кўрасизми? Шуларнинг ҳаммаси пешона теридан топилган пулга олинганмикин? Данғиллама участкаларни томоша қилдингизми? Оқ уй, ола баргак. Нақшин дарвозасида гаражи ҳам бор. Эрта-индин машина олади. Шулар ҳам бели букилиб, қўли қадоқ бўлиб топган пулларига солинганмикин? Бир суриштириб кўрмайсизми, ўртоқ прокурор. Магазинчи ва базачи бойваччаларнинг рўзгор тутишини кўрганмисиз? Курортга бориб, ҳаражат қилишларига кўзингиз тушганми? Улар мендан ортиқ маош олишмайди. Бу давлатлар қаёқдан келаётган экан, қизиқмадингизми, ўртоқ прокурор?

УТКИР (синамоқчи бўлгандек, салмоқланиб). Қўрқоқнинг кўзига қўшалоқ кўринади, дегандек, жуда ҳаммани ҳаромхўрга чиқариб юбордингиз-ку?

ИНТИҚОМ. Ҳаммаси бўлмаса, ярмидан кўпи шунақа. Теридан бити семириб юрибди.

УТКИР. Ҳамма шунақа бўлиб кетибдию биз ғафлатда қолибмиз, деб ўйлабман.

ИНТИҚОМ. Камми!

УТКИР. Сиз айтганча ҳам эмас!

ИНТИҚОМ. Ахир йилдан-йилга болалаб кетяпти-ку. Ахир бир чаласавод магазинчининг ҳаёти ўн беш йил ўқиб, олий маълумот олган, уч йил аспирантура қилган, кадидатликни ёқлаб, ўн йилдан ортиқ докторант бўлган фан доктори ёки ўттиз йил дарс берган профессорниқидан яхши. Хотинининг бармоқларида қўш-қўш бриллиант узуклар, бўйнида Қизил денгизнинг олтинранг ғадир-будир йирик марваридидан тўрт-беш қатор. Энг асил, ҳали модага кирмаган нарсаларни ўшалар кияди. Залларидаги биллур қандиллар билан япон магнитофонларини айтмай қўяқолай! Хўш, бунга нима дейсиз?

УТКИР. Бунақалар ҳам топилади. Ҳаммаси вақти-соати билан ҳисоб-китобини беради. Қонун ҳеч кимни кечирмайди! Ҳеч ким қонундан қочиб қутулолмайди.

ИНТИҚОМ. Қачон? Улар маишатини қилиб, узун кекириб юрибди. Уларни кўриб кишиларнинг қаҳри келяпти.

УТКИР (истеҳзо билан). Нима, чорраҳада туриб, қўлига олтин узук таққан, тўкис кийинганларни қамоққа олайликми? Бировни қамаш энгил эмас! Қонун тартиботи бор. Сиз битта нарсани унут-япсиз, ука, кишиларимиз яхши яшайдиган, ору-ҳавас қиладиган бўлиб қолди. Бир хонадонда аввалги вақтдагидек бир киши эмас, эркак хотин баробар ишлайди. Мукофотлари бор, ўн учинчи маош бор. Бунинг устига баъзиларнинг томорқаси, қўшимча ҳунари бор. Болачақаси катта бўлиб ёнига киради. Биз ахир жуда тежамли, меҳнаткаш халқмиз. Менинг бобом айтгандек, «очидан ўлган мусулмоннинг белбоғида яримта кулча бўлади». Сиз бу ёғини ҳисобга олмасдан, ўчоқ бошида гуриллаб ёнган оловни кўриб, хонадонга ўт кетди, деб юрибсиз, ука. Ҳаётга кўзингизни очиброқ қаранг. Кишиларнинг меҳнаткашлигига, билимдон, удабурро бўлиб кетганига, бир-бирини дўстона қўллаб-қўлтиқлашларига назар ташланг. Сизни бу ваҳимангиз қуруқ кекириқ. Катта йўлдан четлаб қолибсиз, ука. Илмнинг қуруқ ўзини

олибсизу ҳаёт оқимини қанчалик ўзгариб кетганини пайкамай қолибсиз. Аслида сиз билан бунақа ади-бади айтишиб ўтирмас эдим-ку, дўстимнинг ўғлисиз. Қани, бир синаб кўрай, дедим. Боши берк кўчага кириб қолибсиз, Интиқом ука! Ақлни бир шамоллатиб олинг, моғор хиди келади. Нима қилиб бу ерда ўтиришингиз сабабини яхши билдим.

ИНТИҚОМ (*менсимагандек гапиради*). Сабаби нима экан?

ЎТКИР. Шунча гапларингиздан кейин буни тушуниб олишга катта ақл керакмас. Ҳамма қиялпти-ку, деб ўйлагансиз. Бир қилгансиз, ҳеч ким билмаган. Икки қилгансиз, силлиқ ўтган. Кейин... Қонун бузишдан ташқари маърифат ишимизга қанча маънавий зарар етказганингизни биласизми!

ИНТИҚОМ. Қанақа зарар етказибман?

ЎТКИР. Эҳтимол сиз пулини олиб ўқишга киритган бола келажакда ажойиб олим ёки давлат арбоби бўладиган таланти боланинг ўрнини эгаллаб қўйгандир. Халқ яхши бир мутахассисдан ажралди. Сиз киритган ноқобил бола ўқиёлмай, бир йилда кетиб қолибди. Демак, яхши бир студентнинг ўрни куйди. Давлатга қанча зарар етди. Демак, ҳам маънавий, ҳам моддий зарар етди.

ИНТИҚОМ. Мен пора олганим йўқ.

ЎТКИР. Ҳа, нима олдингиз?

ИНТИҚОМ. Миннатдорчилик билдириб ташлаб кетибди.

ЎТКИР. Мукофот денг!

Бу таъна Интиқомга оғир ботади, ўзини аранг босиб жавоб қилади.

ИНТИҚОМ. Таъна қилманг... Айтайлик, меники пора экан, унда катта-кичик амалдорларнинг уйига именение баҳонаси билан келадиган совға-саломлару ўғил-қизларининг тўйларида қилинаётган катта-катта тўёналар нима! Курортга кетаётганида «бизни ҳам эслаб, бир-икки кун ўйнаб қўйинг» деб қўлига тутилаётган инъомларчи! Аввало, ўша совға-салом, тўёна ва инъомлар ўзи қаёқдан келган, маошдан берилаётганмикин?

ЎТКИР. Бу гапингизда жон бор. Маъқул. Ҳамма нотўғри хатти-ҳаракатлар қонунга хилоф. Совет кишисининг ахлоқига зид ишлар. Ахир буларни ҳам ҳамма қилаётгани йўқ. Сезилган ерда жиноятчи жазосини оляпти. Утган ой газетанинг тўртинчи бетида чиққан фельетонни ўқимадингизми? Ушанақаларнинг пўстаги роса қоқилган. Прокурор ўз ишини бошлайди. Материаллар келиб тушди.

ИНТИҚОМ (*истеҳзо билан*). Унтадан, ҳатто юзтадан биттасини жавобгарликка тортасиз, холос. У ҳам сал ўтмасдан қайтиб келиб, яна ишини топиб кетади.

ЎТКИР (*кулиб*). Нима, отиб ташлайликми?

ИНТИҚОМ. Отиб ташланг, демайману, гапни очигини айтсам, эвлаб ололмайсизлар. Кўраётган тадбирларингнинг таъсир кучи кам! Шунақа расвоси чиққан одамлардан эл-юрт ҳазар қилса эди, ёнма-ён ўтириб, бир пиёла чой ичишдан ор қилса эди! Йўқ, қамалиб кетган бўлса, курортдан келаётгандек қўй сўйиб, дастурхон тузаб кутиб олишади. Ундан ҳеч ким юз ўғирмайди. Сал ўтмай яна қаддини тиклаб, бировга сўз бермайди.

ЎТКИР. Жуда ошириб юбордингиз, ука. Кўзингиз муболағали кўрадиган бўлиб қолибди.

ИНТИҚОМ. Елғонми?

ЎТКИР. Шунақалари ҳам бўлади. Ука, шаҳар бедарвозаю бепосбон эмас! Ўйлаб муҳокама қилинг. (*Бирдан жонланиб*.) Менга ҳаммадан ҳам ҳаётимиз нуқсонларини нуқул қора ва йўғон чиқиқларда кўришингиз жуда ғалати туйилапти! Бу кўз сизда қаёқдан пайдо бўлди!

ИНТИҚОМ. Елғиз менинг кўзим шунақа эмасдир!

ЎТКИР (*ҳайрада қолиб*). Шерикларингиз ҳам борми?

ИНТИҚОМ. Йўқ. Аҳолининг ҳалол меҳнат билан яшайдиган кўпчилик қисми шундай ўйлайди.

ЎТКИР. Йўқ, мумкин эмас, ошириб юбордингиз.

ИНТИҚОМ. Сиз жуда жўнлаштиряпсиз. Очиғини айтайлик, сиз амалдорлар эрталаб машинада ғир этиб ўтиб, кечқурун ҳориб-толиб уйга қайтиб, оддий кишилардан олиссиз. Тўйларда ҳам сизларга алоҳида хонада дастурхон тузаб қўядилар. Буёқдагиларнинг гап-сўзини, муҳокамасини эшитмайсизлар. Тўғрироғи, улар сизларнинг қошларингга дардини ютиб гаплашади, сираси гапни қисқа, қилиб қўяқолади. Бир томони сизлардан ҳайиқади. Мажлисларда-ку, қанақа гаплар бўлишини биласиз.

ЎТКИР. Улусдан олиссизлар, денг.

ИНТИҚОМ. Олис эмассизлару алоҳидароқ яшайсизлар. Вақтларинг ҳам бўлмайди. Эҳтимол, яна бошқа сабаблари ҳам бордир.

ЎТКИР. Кечирасиз! Биз халқнинг худди ичидамиз. Ичидан чиққанмиз. Ичида яшаймиз!

ИНТИҚОМ. Бўлмаса, бу тартибсизликларнинг авж олиб боришига сабаб нима?

ЎТКИР (*ишонч билан*). Авж олаётгани йўқ. Аксинча, йилдан-йил барҳам топиб боряпти!

ИНТИҚОМ (*ишонмайди*). Берган маълумотингизда шундай бўлса ажабмас, аммо ҳаётда...

ЎТКИР. Қўйинг, ука, ҳаддан ошиб кетдингиз. Жуда маҳмадана экансиз!

ИНТИҚОМ (*бўш келмасдан*). Тўғри гап тукқанингга ёқмайди, ўртоқ прокурор. Бу гапларни сизга ҳаддим сиққанидан айтдим, дадамнинг фронтдош дўсти бўлганингиздан айтдим. Бошқа жойда айтиб бўладими!..

ЎТКИР (*Интиқомнинг гапига қулоқ солмасдан*). Хўш, омонат кассадаги пуллар қаёқдан келган?

ИНТИҚОМ. Ўзимники.

ЎТКИР. Мени қаердан келганлиги қизиқтиряпти. Майли, айтманг, ҳаммаси аён. Аллақайси бевурдларга эргашиб қилган ҳунарингиз самараси бу. Ана шу беозор топилган лаққа пулларнинг энг кейингиси балиқ қилтаногидай томоғингизга қадалиб қолган. Ўзимиз олиб ташлаймиз. Майли, сиз бораверинг. Терговчига батафсил айтиб берасиз. Чаласига гувоҳлар бор. Нодон йигит!

Интиқом чиқиб кетади.

Мен қилмишига пушаймон бўлиб, узр сўрайди десам, баланддан келади. «Ҳамма қилганда мен ҳам қилсам нима бўлибди», демоқчи, нодон. Наҳотки, фан кандидати бўлган бир одамнинг ҳаёт ҳақиқатига фаҳми етмаса!

Бешинчи кўриниш

Аввалги сахна. Прокурорнинг кабинети. Лекин бошқа кун. Ўткир прокурорлик кийимида эмас, галстук тақиб, дўппи кийган. Опаси Мастура кириб келади. Ўткир ҳайрон қолади.

ЎТКИР. Келинг, опа! Буёқда нима қилиб дайдиб юрибсиз?
МАСТУРА. Шунақа, ука, дайдиб қолдим. Дайдитиб қўйдиларинг. Нега кеча уйингга телефон қилсам, трубкани олмадинглар? Опангнинг бир иши тушиши билан ўзингни қуруққа олиб қочяпсанми! (*Ўткир гапирмоқчи бўлади, у гапиртирмайди.*) Қўрқма ука, мен туфайли амалингдан тушиб қолмайсан!

ЎТКИР. Қизиқсиз-а, опа! Кеча уйда йўқ эдик. Эр-хотин именениега кетган эдик, болалар магнитофон қўйиб ўтирган бўлса, эшитишмаган.

МАСТУРА. Ҳм... Именениега боришга вақт топдинг-ку... Қалай

ўтирибсан, опа, деб йўл-йўлакай бирров кириб ўтишга фурсатинг бўлмайдими! Тагингда машина. Олдингда қон йиғлаб кетганимни билардинг. Жиянингни хун бўлаётганидан хабардор эдинг! Ўзингнинг ишинг бўлса, бўзчининг мокисидек қатнаб қоласан. Ўглингни уйлантирганинг эсингдами? «Қалай, кўрпасини қавиб бўлдингизми? Пахта етадими? Атлас кўрпадан нечта қилсак бўлади? Буvasига ҳам бош оёқ сарупо қилинадими», деб кунда икки марталаб кириб ўтардинг. Келинингизнинг маслаҳатлари бор экан, деб, олдинга солиб олиб кетардинг. Бошимга қора кун тушибдики, бирор марта хабар олмасанг-а! Баракалла, ука! Бунчалик беғонапарвар бўлмасанг. Хотинингдан ҳам дарак йўқ. Яхшиям қўшалоқ-қўшалоқ опа-синглинг йўқ, биттаман! Ҳой, бола, кўзингни оч, ота-онадан сену мен қолдик. Мен ҳам кузда қолган сариқ япроқдек қилтиллаб турибман. Сал совуқ шамол турса, ширт этиб узилиб кетаман. Яйраб қоласан! *(Ийғлайди.)*

ЎТКИР. Ҳой, опа, нега хафа бўляпсиз? Бир томони иш...

М А С Т У Р А. Ҳа, дунёда битта сен ишлайсан! Бошқаларнинг ҳаммаси бекорчи!

ЎТКИР. Кечирасиз, опа, тавба қилдим.

М А С Т У Р А. Бошимга шу қора кун тушибдики, укам бирон хушxabар билан келиб қолармикин, деб тиқ этса кўзим эшикда. Сен бўлсанг, парвойи палак! Меҳмондорчиликда айшингни қилиб юрибсан! Ҳой, ука ёг еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош, деган қадимгиларнинг сўзи бор. Ҳозир амалдорсан, нафинг тегади, шيرانг бор, ошна-оғайнинг кўп, бир ерга борсанг, тўрга таклиф этади, «келинг-келинг» дегучинг кўп. Бир амалдан тушиб кўргин, сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетади. Кеча эгилиб, қўлингни олганлар энди сенинг салом беришингни кутади, кўриб ўзини кўрмасликка солиб кетади. Идорангга телефон қилиб, кейин яна уйингга бориб, алоҳида тўйга таклиф этадиганлар камайиб қолади. Ана ўшанда бармоғингни тишлаб «оҳ, опажон» деб қолма, ука! Мендан ҳам хабар олиб тур. Онам раҳматликнинг ўлим олдидан: «Бева опангдан беxabар бўлма!» дегани эсингдан чиқдими? Уят, уят, ука! Умрим бино бўлиб, бир ишим тушиб, эшигингга бошимни уриб борсаму наҳотки, шу кунгача дарагинг бўлмаса! Ука деган шунақа бемехр бўладими!

ЎТКИР. Эсимда. Ҳамма илтимосингиз эсимда, опажон!

М А С Т У Р А. Ҳаммаси, деганинг нимаси! Сендан битта илтимос қилдим, холос! Сонини кўпайтириб, обрўйингни ошир!

ЎТКИР. Битта бўлса ҳам ўнтага арзийди!

М А С Т У Р А. Хўш, нима бўлди!

ЎТКИР. Бўляпти! Тергов кетяпти!

М А С Т У Р А. Тергов деган ўлгур резинадай шунақа чўзиладиган наrsa бўладими? Бу ёқда жиянинг мени қон қилиб юборди-ку! Кўрсанг танимайсан, олқинди совундай кичкина тортиб кетган. Бир ҳовуч устихон! Уни кўриб бир куяман.

ЎТКИР. Энди нима қилай, опа! Иши анча чатоқ.

М А С Т У Р А *(чўчиб тушади).* Чатоқ?

ЎТКИР. Анчагина чалкаш. Районлардан гувоҳ чақирриш керак.

М А С Т У Р А. Ҳали у қамалиб кетиб, бизни шарманда қилмайсанми, ишқилиб.

ЎТКИР. Эҳтимол.


М А С Т У Р А. Вой, ўлмасам! Ўйлаб гапиряпсанми, ука! Келаси ойнинг ўрталарига тўйни белгилаганмиз-а!

ЎТКИР. Хабарим бор.

М А С Т У Р А. Хабаринг бўла туриб, шунга йўл қўясанми? Шундан кейин қайси юзинг билан менга қарайсан? Жиянингга нима дейсан? Эшитган қулоқ нима дейди? Уят-а, уят!

ЎТКИР. Нима деса, шуни дейди-да, опажон! Қонун деган наrsa бор. Қонунни бузолмайман. Қонунни бузиб, ўзим қамалиб кетсам майлими?

М А С Т У Р А. Нега қамалар экансан?



ЎТКИР. Қонунни бузиш ҳам жиноят-да!

МАСТУРА. Менинг бир ишим тушганда шу гапни топдингми, ука? Қўлга тушиб, икки-уч кун ётиб чиқиб кетаётганлар қанақа?

ЎТКИР. Билмадим. Айби йўқлардир-да!

МАСТУРА. Билмайсан, ука, билмайсан! Бегонапараст бўлиб кетгансан. Ўзингникига навбат келганда...

Эшик очилиб, Меҳринисо кириб келади. Мастурани кўриб ҳайрон бўлиб қолади. Келиб оғир кўришади. Уткирга салом беради.

МЕҲРИНИСО. Сиз ҳам шу ердамингиз, Мастура опа?

МАСТУРА. Ҳа, келинг?

МЕҲРИНИСО. Келганим қурсин. Оёғи куйган товукдек зириллаб юрибман. Бугун бир хабар эшитиб қолдим. Шу ростми, деб Уткиржоннинг олдига кириб келяпман.

МАСТУРА. Нима хабар экан, хушхабарми?

МЕҲРИНИСО. Оҳ, айланай, қуда, хушхабар бўлса, ковушимни судраб прокурорнинг эшигида юрармидим. Иши тугаб, судга оширилаётганмиш деб эшитдим.

МАСТУРА. Шу ростми?

ЎТКИР. Рост.

МАСТУРА. Вой, ўлмасам, нега боядан бери менга чурқ этмадинг?

ЎТКИР. Гапиргани қўйяпсизми! Гинахонликдан оғзингиз бўшамайди. Ишни судга ҳали оширганимиз йўқ суд кўрмаса иложи йўқ.

МАСТУРА. Ҳали сенларни лақиллатиб юрибман дегин?

ЎТКИР. Нега лақиллайсиз! Бошида ҳам тергов ҳал қилади дедим-ку.

МАСТУРА. Сизларнинг қўйингизни пуч ёнғоққа тўлдириб қўйиб, ўз ишимни қилдим дегин, ҳали?

ЎТКИР. Ўз ишимни эмас, қонуннинг талабини бажардим.

МАСТУРА. Бизга келганда қонунни қаттиқ ушлабсан-да, ука! Иккита беванинг қўлидан нима иш келади, дебсан-да! Қонуннинг кучи бизга етибди-да!

ЎТКИР. Қонун ҳаммага баробар, опа! Қонунни бузишга мен эмас, мендан каттанинг ҳам ҳаққи йўқ.

МЕҲРИНИСО. Фронгда ҳалок бўлган, ўз қўлингиз билан устига тупроқ тортган дўстингизнинг ҳам хотирасини қилмадингизми, Уткиржон?

ЎТКИР. Менинг ўрнимда ўша фронгда ҳалок бўлган дўстим Қурбон бўлса ҳам худди шундоқ қиларди.

МЕҲРИНИСО (бўшашиб). Ким билади...

ЎТКИР. Ишонинг, худди шундай қиларди. Ҳақиқат йўлида, адолат тантанаси учун жонини фидо қиладиган йигит эди. Оқопларда инсофу адолат, ҳақгўйлигу ҳақиқат тўғрисида жуда кўп суҳбатлар қилганмиш. Қурбонни яхши биламан! Унинг руҳи мендан хафа бўлмайди.

МАСТУРА. Гапга уста бўлиб кетибсан, ука. Сенинг бунақа жиблажибон бўлиб кетганингдан хабарим йўқ экан! Майли, ука, омон бўл!

ЎТКИР. Ахир менинг бу гапим Интиқом қамалиб кетади, деган сўз эмас-ку!

МЕҲРИНИСО. Сиз шунақа деб турганингиздан кейин...

ЎТКИР. Йўқ-йўқ! Ҳали суд бор, унинг маслаҳатчилари бор, ҳимоя бор. Ҳали терговчи элак-элак қилиб чиқади. Адолат тарозусига солиб тортади. Пучини пуч, тўқини тўқ қилади, саралайди.

МАСТУРА. Ҳа, ука, энди бизнинг қўлга хўрозқанд бериб, алдамай қўяқол.

ЎТКИР. Ана шу-да, тўғри гапга ишонмайсизлар. Қани суд

адолат торозусига солсин-чи, нима бўлади? Отаси фронтда жонбозлик кўрсатиб ҳалок бўлганини, албатта, ҳисобга олади, энгиллатса ажаб эмас!

М А С Т У Р А. Сен томоша қилиб турасан, шунақами?

У Т К И Р. Нега? Судда ўзим иштирок этсам керак. Ҳаммасини айтаман.

М А С Т У Р А. Шундай қилиб, терговда ишни бир ёқлик қилолмадинг. Еки қилгинг келмадими?

У Т К И Р. Жуда қизиқсиз-да, опа! Бу группавой иш бўлса, жиноят ошкор бўлса. Мен қанақа қилиб сизнинг айтганингизни қиламан! Тухмат бўлса экан, тасодифий бир иш бўлса экан...

М Е Ҳ Р И Н И С О. Ишонмайман, ўғлимнинг пора олганига ишонмайман. Тухмат, Уткиржон, тухмат! Жувонмарг бўлгур шериклари устмонлик қилиб бутун гуноҳни унинг устига ағдаряпти. Уғлим бечора қўй оғзидан чўп олган бола эмас!

У Т К И Р. Ҳа, ростанам, Меҳринисо, Бердиалиев деган ўртоғи олдига тез-тез келиб турармиди?

М Е Ҳ Р И Н И С О. Ҳалиги қорачадан келган, ўрта бўй лўлибашара кишими? Ўртоғи қаёқда, айланай. Кап-катта, бола-чақалик одам. Домлам, домлам деб юргувчи эди. Кейинги пайтларда бир-икки марта шомдан кейин келган эди. У ҳам қамалибди, шекилли? Нимабало, ўша ўлгур ўғлимнинг оёғидан тортяптими? Кўзи қаттиқ, ўзи сувилонга ўхшаб жилпанглаб турган эди-я?

У Т К И Р. Буларни йўлдан оздирган ўша!

М Е Ҳ Р И Н И С О. Ҳа, нодон болам! Уғлимга неча марта «Шу домлангнинг ўғри мушукка ўхшаб шомдан кейин келиши хунук. Бунча серқатнов бўлиб қолди», дедим-а! Мана оқибати. Тенг тенги билан, тезак қопи билан! Энди нима бўлди! Яхшилаб текширинг, айланай! Уғлимда гуноҳ йўқ, тухмат.

У Т К И Р. Хўп, бу илтимосларингиз қулоғимда бўлади.

М А С Т У Р А. Қулоғида бўлади-я, бўлади. Қулоғингда гап турмайдиган бўлиб қолибди, ука. Бошқаларники турмаса, бизники турмайди. Тургани шуми: икки бевани чирқиллатиб, жиянингни қон йиғлатиб, ишни судга ошираман деб ўтирибсан.

У Т К И Р. Бошқа иложи йўқ.

М А С Т У Р А. Албатта, биз бева-бечорага қолганда иложи йўқ.

У Т К И Р (*хафа бўлиб*). Қани айтинг, кимнинг иложини қилибман, айтинг. Кишини ўтмас пичоқ бўлиб сўйманг-да, опа!

М А С Т У Р А. Мен эшигингда қоровул бўлмасам, қаёқдан биламан. Жуда ҳам фаришта эмасдирсан!

У Т К И Р. Ана, холос! Сиз шунақа деб турганингиздан кейин бошқалар...

М А С Т У Р А. Бошқалар деб нолимай қўя қол. Бошқаларнинг амали бор, амали бўлмаса, илтимосининг нами бор — ишини битказиб кетади. Жабр-жабр биз бева-бечораларга, ука!

У Т К И Р. Опа!

М А С Т У Р А. Опаламай қўяқол! Сенинг опангдан афзал опажонларинг акажонларинг бор. Ўшаларнинг сўзи сенга ўтади. Биз — қуруқ қошиқ, оғиз йиртаман.

У Т К И Р. Нима деярганингизни билиясизми, опа?

М А С Т У Р А. Билияман. Кабинетингда ўтирганимни ҳам кўриб турибман. Ҳайдаб чиқар! Менга ўхшаган опанинг сенга нима кераги бор. Ҳайда! (*Кетишга тараддудланади.*) Ҳай, майли, қизимнинг пешонаси шўр экан. Юринг, қуда, бу ғози йўқ гаплардан фойда йўқ. Сизга ҳам жабр бўлди, етдим деганда йиқилиб, энди оғзингиз ошга етганда бурнингиз қонади. Укамнинг дили тош қотиб кетган экан, қуда. Мен билмасдан унга арзу додимни қилиб юрибман, юринг. Отанамнинг арвоҳига солдим.

Мастура шиддат билан кабинетдан чиқади. Меҳринисо орқада қолиб, Уткирга мурожаат этади.

МЕХРИНИСО. Уткиржон, менинг опангизга ўхшаб бақириб-чақиришга ҳаққим йўқ. У киши жигарингиз. Мен етти ёт бегона. Лекин Интиқом фронтдош дўстингиздан қолган биттаю битта ёдгор. Инсоф ўзингизга берсин! Ўғлим бечоранинг ёшгина умри куйиб кетмасин!

МАСТУРА (*эшикдан бошини суқиб*). Кимдан инсоф сўраяпсиз, айланай. Инсофи бор одам опасининг бошига қора кун тушганда кўзини шунақа лўқ қилиб турадими! Кабинетдан ҳайдагудек қилиб чиқарадими?

УТКИР. Утираверинг, опа, сизни ҳеч ким ҳайдаётгани йўқ. Бу кабинет кимлардан қолмаган.

МАСТУРА (*энсаси қотиб*). Бошингда қолсин кабинетинг! Ўзингдан баттар совуқ.

Мастура шартта эшикни ёпади. Кетидан Мехринисо чиқади.

УТКИР. Мана туғишган опамдан келаётган гап! Ҳақиқатни ҳимоя қилмоқ энгил гап эмас! Қонунни бузсанг ҳам ишини тўғрилаб берсанг — оламда сен яхши, сендан инсофи одам йўқ. Бўлмаса... Мехринисонинг дилидан не-не гаплар ўтганини ҳам билиб турибман. Унга осон эмас! Менга осонми? Интиқом жонажон дўстимнинг менга васият қилиб қолдирган ёдгор ўғли-я! Шу иш бошланибдики, бошим қотади. Минг томонини ўйлайман. Ҳаммасидан қонун устун чиқадию тилимни тескари тишлайман, чидайман! Аввалги гаплар ёнимдан ўтган бўлса, опамнинг бугунги гапи жонимдан ўтиб кетди. На чора! Ёниб турибди, менинг жоним ачиши эсига келмайди. Прокурорни мансаб деган ким? Прокурорнинг ўзи хон, кўланкаси майдон деган ким? Прокурорлик — оғир меҳнат. Унинг мана бунақа аламлари бор. Қонунни ҳимоя қилмоқ учун бир қоп юрагу бир олам бардош керак.

Уткир столи ғаладонидан дори олиб, тилининг остига ташлайди. Бошини қўлининг устига қўяди.

Саҳна қоронғи тортиб, Қурбон ҳарбий кийимда пайдо бўлади.

ҚУРБОН. Ҳа, дўстим Уткир, ишларинг қалай? Жуда хо-мушсан? Ўғлимнинг иши сенга тушибдими?

УТКИР. Ҳа, жиноят билан қўлимга тушди.

ҚУРБОН. Энди нима қилмоқчисан?

УТКИР. Бошим қотган!

ҚУРБОН. Нега бошинг қотади?

УТКИР. Бир томони — сенинг ўғлинг, менга топшириб кетган-сан. Бир томони — қонун!

ҚУРБОН. Нима, жинояти аниқми?

УТКИР. Гап шунда-да.

ҚУРБОН. Бўлмаса, ниманинг андишасига борасан?

УТКИР. Сенинг! Сенга берган сўзимнинг.

ҚУРБОН. Мен сенга ўғлим жиноят қилса оқла, деганмидим?

УТКИР. Ҳамма айтганларингни қилдим. Оёққа туришида кўмак бердим. Лекин жиноятга қўл урганидан беҳабар қолибман. Айт-чи, дўстим, менинг ўрнимда сен бўлсанг, нима қилардинг?

ҚУРБОН. Аввало, жиноят қилишининг олдини олардим.

УТКИР. Ололмапман, кечир. Бутун изтиробимнинг боши шунда.

ҚУРБОН. Демак, энди уни оқлаш йўлини қидирыпсанми? Қонуннинг тешик ерини топиб, ундан Интиқомни олиб чиқиб кетмоқчимсан?

УТКИР. Йўқ, йўқ! Қонунни на ҳатлаб ўтиб бўлади, на унинг тешиги бор. Қонун муқаддас нарса. Унинг қошида таъзим қиламан. Қонунни оёқ ости қилиш учун эмас, қилнинг қийғича ҳам қалқимасдан ўтиш учун прокурорлик либосини кийганман.

ҚУРБОН. Ҳа, балли! Унда яна нима дейсан?

УТКИР. Сенинг хотиранг қошида ҳайронман.

ҚУРБОН. Менинг хотирамни покиза тутмоқ истасанг, мен жон

фидо қилган юртнинг ҳаёт қонунларига гард юқтирма! Мен мана шу софлик учун, совет ҳаётининг барқарорлиги учун жон фидо этганман. Буни сен яхши биласан! Менинг кўзларим сизларда, сизларнинг хатти-ҳаракатларингда, қулоғим сўзларингизда. Мени тинч ётсин, арвоҳи чирқилламасин, десангиз, ҳалол яшанг. Эгриликларга, нопокликларга бешафқат бўлинг!

ЎТК И Р. Демак, ўғлингни қонун асосида жазоласам, мендан хафа бўлмайсан, шундайми?

ҚУРБОН. Асло! Ўғлим ҳаётимиз ахлоқ қонунларини бузиб яшасин, ҳаром еб, ҳаром ичиб, руҳимни безовта қилсин, деб жанг қилмадим ва ҳалок бўлмадим. Буни яхши биласан!

ЎТК И Р. Албатта!

ҚУРБОН. Вассалом! Бошқа гапга ўрин йўқ!

Қурбон бошини қуйи солганича бир оз сукутда қолади. Кўзида ёш қалқийди.

ЎТК И Р. Йиғлаяпсанми, Қурбон?

ҚУРБОН. Ҳа, ўғлимнинг шу йўлга кирганидан, жиноятчига айланганидан ўкиняпман. Тентак ўғлим. Наҳотки менинг ўғлим, биттаю битта арзанда ўғлим, менинг хотирамни унутиб, шу ҳаром йўлга кирган бўлса, қабримга тош отса! Ишонгим келмайди! Ўткир, дўстим, яхшилаб текширдингми?

ЎТК И Р. Бўлмасам-чи! Шу иш қўлимизга тушибдики, сени ўйлайман. Сенинг андишангни қиламан. Менга ҳам энгил эмас!

ҚУРБОН. Биламан. Сенга ишонаман, дўстим. Жанг кўргансан, идеалларимиз учун қон тўккансан, ҳақни ноҳақ, эгрини тўғри демайсан. Хотиним ҳам ёниб кетгандир.

ЎТК И Р. Нимасини айтасан, дўстим. Жизғинак бўлиб ётибди. Уни кўрганимда яна бир эзиламан.

ҚУРБОН. Бечора хотиним. Шу ташвиш етмаган экан! Ундан беҳабар қолма!

ЎТК И Р. Хотиржам бўл!

ҚУРБОН. Тентак ўғил!! Мени буёқда, онангни уёқда безовта қилиб қўйдинг. Нодон! Нодон! Нодон!!!

Қурбон аста-секин ғойиб бўлади. Ўткир бошини кўтариб, атрофга аланглайди.

ЎТК И Р. Туш кўрдимми? Қурбон билан гаплашдим, шекилли! Бечора! У ҳам бетинч бўлиб, безовталаниб юрибди. Мангулик ётоғидан чиқиб тентиб юрибди. Аввалгидан анча ўзгариб кетибди. Бу ўғлининг ташвишидан бўлса керак. Бўлмасам-чи! Тентак фарзандларнинг нотўғри, ножўя ҳаракатлари ота-онани ҳатто қабрида бегинч қилади. «Ота-онанг арвоҳини чирқиллатма!» деганлари шу бўлса керак. Бечора дўстим! Қабрингда ҳам тинч ётолмайсан!» «Тентак ўғлим!» деди шекилли Қурбон. Ҳа, чиндан ҳам тентак. Узига жабр қилиб, онасини тентиратиб, отасини қабрида безовта қилган тентак! Азиз умрининг қадрига етмаган, қонун билан ўйнашган тентак!

Ўткир телефонни олиб, терговчини чақиради.

Бу — мен, Ўткир Қиличевман. Бердиалиев ва Қурбоновлар ишини шу ҳафта ичи, албатта, тугатинг ва судга оширинг! Мен билан маслаҳатлашадиган ери йўқ? Саволлар-чи? Яхши! Вассалом! Пора-хўрга шафқат йўқ!

П А Р Д А ёпилади.

1981—1982 йил
Москва — Тошкент.

Нуриддин Бобохўжаев

НУРЛИ ЙЎЛ

(Шу куннинг ҳикояси)

— Раҳмат,

чойни кейин...

Қани, борайлик

Энг чекка қишлоққа, боғчага бошланг,
 Асфальт йўлдан эмас, бундоқ юрайлик. —
 Туйқус бу таклифдан мезбон ҳангу манг.
 Ахир, бутун ҳафта кун-тун тинмади,
 Ороланиб қолди қирғоқда тутлар.
 Бир ҳафтаки, қушлар шохга инмади,
 Раҳбар ўтар йўлдан юлинди ўтлар.
 Сувчи, тракторчи янги кийишди,
 Мактаб болалари ёдладилар шеър.
 Кимгадир раҳматлар...

Кимни «эзишди» —

Ҳисоб олишганда ҳар кеч бирма-бир...
 ...«Волга» сирғанади, мункийди тез-тез,
 Икки раҳбар икки хаёл билан банд:
 «Йўлда кўприклари тамом яроқсиз.»
 «Оқшом директорга чора кўраман!»

— Нега қирғоқларда яккам-дуккам тут,
 Юлғун, сершоҳ терак, букчайган толлар?
 Усмайдими беҳи, ўрик, олмурут?
 Қачон

жиддий ишлар

мутасаддилар?

Ахир, кўриб чиқдик: бир йил ичида
 Ўн минг сўм сарфланган тут кўчат учун.
 Қайга ўтқазилди,

кўкарди нечта? —

Ҳисоб олиними йилда бирор кун?

«Ҳисобсиз сўмларни жамласак агар,
 Бўлади бир йилда курсак зўр шаҳар.» —
 Дилидан ўтказди, мезбон хаёлчан,
 Пасту баланд пайкал ҳушин тортқилар.
 Ястанган чоллардай замин ҳам толган,
 Замин ҳам гўёки қистар,

сўроқлар:

«Ем бермай сут кутган чорвадор каби
Бир хил қаралмайди,
бир хил меҳр йўк.
Ҳар қарич ер — жумбоқ,
ҳар ер мактаби,
Ўзининг абжади,
сеҳрига тўлик.

Қизик, гоҳ ҳосилга тош кўшишади,
Ошириб ёзишар гоҳ пайт рақамни.
Катта гектарларни яширишади,
Ҳисобга олишмас эҳтиёж — камни.

Шуларни раҳбарга кўрқмасдан айтинг,
Айтинг яширмасдан бор сирни, раҳбар.
Номақбул нима иш бўлса йўқотинг,
Бор ерни кўрсатинг, бор ерни, раҳбар!»

Уйқудан тургандай, томирида қон
Қоялардан оққан шалоладай тез.
Аммо меҳмон вазмин,
камгап,
совуққон,

Қай жумбоқ билан банд —
ким билар
бу кез.

...«Гулҳовуз» — марказдан олис бир қишлоқ,
Уйлар пастқам-пастқам кўча чанг-ғубор.
Атрофи бий дала — ҳосилсиз қумлоқ,
На почта, чойхона, медреса бор.

Раҳбар чор атрофга боқиб ёнади:
Қамишдан, тахтадан тикланган девор.
Муздек сув ичади, боз сўранади:
«Наҳот, бизда шу хил қишлоқлар ҳам бор?
Қишлоқ совети ҳам жуда олисда,
Қандай яшаб бўлар бунда телефонсиз?
Қатнов қандай бўлар бу ерда қишда,
Қандоқ магазин бу шакарсиз, нонсиз?
Қай хил яшаётир деҳқон, муаллим,
Бирорта ҳовлида учратмадик душ?
Улар билан суҳбат қурганикин ким? —
Учгандай бўлар-а бошдан ақл-хуш!»

— Боғчани кўрайлик? — сўрар мезбондан, —
Борми қассобхона, қаерда ҳаммом?
Нечта шундай қишлоқ?

Айтинг: қачондан

Ҳам ишлаб, ҳам чиндан оламиз ором?!
Битта хонадон ҳам, юзтаси ҳам — бир,
Яшаш тарзи қандай — масъулмиз бизлар.
Газлашганми? Қишга олганми кўмир?
Қай ишни текширди сўнгги мажлислар?..
Дала шийпонига келдилар тушда,
Деҳқон даврасига тиз чўкди раҳбар.
Бир бурда нон татиб,

сўнгра туришда
Қилган суҳбатлардан тўлдирди дафтар...
Табелчи танишди, гаплашди хушҳол.
Бундай гаплашолмас оға-ини ҳам.

Аввал гангиб қолди бўлиб турди лол,
Сухбат давомида тенгқур ва ўктам.
Обкомга у бир хат йўллаган эди,
Хатки, икки энлик, мўъжаз ва содда:
«Пахтакор Набишер — Набиҳор энди —
Хатдамас, айтаман барин сухбатда.»
Раҳбар табелчини қўлтиқлаб олди,
Гап кетди томорқа, шоли, маошдан.
«Хат»даги дардини эсига солди,
Сўзлаб дардин тўкди у ҳам бир бошдан:
Ўттиз йил бригадир бўлган Набишер,
План тўлдирмади ўтган икки йил.
Ерга кирар эди, ёрилсайди ер,
Ё тўхтаб қолмади бу юрак савил:
Қўйларин, молларин сотса бўларди,
Олса бўлар эди тарозини ҳам.
Юз ёруғ бўларди, план тўларди,
Лекин бундан яхши сингани қасам!
Олиб-сотарликни билмаган деҳқон,
Деҳқон ризқ улашиб,

ердан ризқ олган.

Покликда йўқ асло деҳқонга тенг жон,
Наҳот, бугун ундан алданса Ватан?!
Йўқ, йўқ, бу йўлларга кирмади Наби,
Деҳқончилигига сиғинди, холос.
«Айблаб юрманг, — деди, — аъзоларимни,
Қай хил жазо бўлса — бари менга,

оз!»

...Далада туғилган, дейишар эди,
Эгатлар ичида қотган суяги.
Ҳар битта мажлисда мақталар эди,
Қайларда чиқмади унинг сурати.
У ҳалол, соддадил, соҳибкор, деҳқон,
Қанча-қанча олим унга қўл берган.
Хатто катталар ҳам кўришгани он
Ҳурмат қилиб, дилдан унга йўл берган.
Набишер районда иш бузгани йўқ,
Фақат таъналарга садосиз кулди.
Шу, шу, беиш юрар, эшитгани дўқ,
«Ҳурмат тахтаси»дан расми юлинди.
Икки йил деҳқон-чун оғир йил бўлган,
Фақат Набишерга эмас, албатта.
Нопоклик қаърида план тўлдирган
Колхоз, совхоз ёдда, районлар ёдда!

Раҳбар уқиб етди: ростликлардан кек,
Гумон, шубҳалардан туғилганин ўч.
Сувни кўрмай туйқус ечганлар этик,
Беғараз дилларга қўндирган ўкинч...

Табелчи дўпписин олиб қўлига,
Нимдош костюмининг ёнига артди.
Боқиб боғ томонга, қишлоқ йўлига,
Яна бир кечмишни куйиниб айтди:
...Норбува урушда тили кесилган,
Битта оёғидан ажраб қайтган мард.
Қурт тутиб, қўй боқиб елгани-елган,
Ҳассага суянган сал эгик қомат.
Мана шу Норбува ер қилиб бунёд,

Юрагин тафтидан яратолди боғ.
Ховучлаб сув ташиб,

этсинлар, деб, ёд,
Эллик хил ниҳолни қилганди ардоғ.
Еркаллак тут ўсди сонсиз, саноксиз,
Баргга муҳтожликни билмай қолдилар.
Қанча тепаликлар ташна, қаровсиз,
Боғ бўлса унмасми нур тўла гавҳар.
Боғи юртга чирой, элга берди наф.
Аммо Норбувани тергашиб далил,
Участка қурди, деб тарқатдилар гап,
Икки йилки, сўроқ берар муттасил.
Дўмса тақдирига асрлар гувоҳ,
Гувоҳдир ёнида қақраган дўмса.
Битта мевасини сотмаган асло,
Сотса, бўлар эди пулга чўмилса!
Яшаб, ишлаб юриб, бирорта гул ҳам,
Бирорта бодом ҳам экмаганлар бор.
Давлат ерин экиб, ҳеч чекмасдан ғам,
Мўмай пулни ёнга урганлар бисёр.
Икки тепаликка, ҳув, ана, қаранг,
Туя ўркачидай иккига тақсим.
Бири — қақраган дашт,
бири —

турфа ранг,
Турфа ранг бахш этган гиёҳлар айтсин.
Тутлар, нашватилар, тоқлар гапирсин,
Гапирсин тўрт норғул яшнаган ёнғоқ.
Қирда боғ кўраман, деганлар кирсин,
Курорт берар гаштдан тафти баландрок.
Косадай, косадай шафтоли, ҳай-ҳай,
Шийпон ёнидаги жамбуллар — роҳат.
Сайр истар ҳар кўнгил сафар чоғламай
Шу боғни бир кезса, шифо, ҳордиқ, бахт.
Қанийди ҳар қишлоқ, ҳар бир овулда
Норбува «соқов»дай бўлса биттадан.
Булбул сайрамасми ҳар япроқ, гулда,
Дилдан фахр этмасми элу юрт, Ватан!
Маъзур тутинг мени,

адолат — ҳоким,
Одиллик меҳридан юраклар қонсин.
Ким ноҳақ, ишончсиз,
ҳақли бўлса ким —
Жазоми,
шарафми —

тегишин олсин!
...Бир хатда, суҳбатда шунча маъно бор —
Ҳаётнинг сеҳрли китобчалари.
Жонли мулоқотда турмуш улуғвор,
Ҳар куртак улуғвор кўрганнинг сари.

...«Волга» сирғанади, мункийди тез-тез,
Икки раҳбар икки хаёл билан банд:
«Бошлиққа хос эмас бефарқлик, эссиз.»
«Энди якка-якка суҳбат қураман.»

...Беш йилки районни тебратиб бундоқ —
Бундоқ ҳолатларга дуч келмаганди.
Босар олис йўли бўлди ойдинрок,
Аммо бу галгидай терламаганди...



Очил шоир Эшмурод ўғли

СЕНСИЗ ЖИЛО ТОПМАС ҚАЛБИМНИНГ РОЗИ

Бобо деҳқон

Кўклам чоғи она-ерга,
Куйиб-пишиб, ботиб терга,
Уруғ қадар куйдириб жон —
Бобо деҳқон, бобо деҳқон.

Экиш чоғи — вақт ғанимат,
Кундан-кунга ошар суръат.
Олдда турар катта довон,
Бобо деҳқон, бобо деҳқон.

Мининг энди «пўлат от»ни,
Бой бермасдан вақт-соатни.

Ўзга душман сўнг пушаймон,
Бобо деҳқон, бобо деҳқон.

Буғдой, макка бўлсин мўл-кўл,
Олтинга кон саҳрою чўл,
Ҳамма ерда марди майдон —
Бобо деҳқон, бобо деҳқон.

Қани, дўстлар, юринг олға,
Катта бўлсин юртга совға.
Аҳдимиз шу, бўлинг омон,
Бобо деҳқон, бобо деҳқон.

• * *

Сен дилрабо, оҳанграбо дилсозим,
Сенсиз жило топмас қалбимнинг рози.
Шўх куйингга қўшилганда овозим,
Дилкаш замон куйга тўлган, дуторим.

Қўлга олсам, наво қилиб сўзлайсан,
Ором бериш одатингни бузмайсан.
Эзгу ҳис-ла юракларни кўзлайсан,
Эл ичига йўл бошлаган, дуторим.

Сени чертсам рисолада айтгандай,
Қалбим жўшар йигит чоғим қайтгандай.
Санъат борми, бу дунёда, айт, сендай?
Суруримнинг тилсимисан, дуторим.

Аҳмад Аъзам

НОИНСОФ МУСО

Мусо яхши йигит — қобилиятли, киришимли. Лекин сал ўйинқароқ. Буни ўзи ҳам билади, бироқ кўп куйинавермайди. Бошқалар, масалан, хонада у билан ёнма-ён ўтирадиган Турғун ака насиҳат қилса, Мусо: «Бола бўлсин — шўх бўлсин», дея қутулиб кетади. Мусо ўзининг яна бир талай камчиликларини билади, лекин бошқа нарсадан гарчи феъл-атворидаги нуқсон ҳисобланмаса ҳам — камхаржликдан сал қийналади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: отаси уни едирса-ичирса, вояга етказса, беш йил ўқитса-ю, ҳали ҳам унга пул юбориб турса! Мусоқулбой — отасоқол иягига битган давангир йигит — энди уни боқиш уёқда турсин, ўзининг бир бош, бир қулоғини ҳам эплотмаса, ҳар борганида отасига сарғайиб, укаларининг ризқидан юлиб келса! Яхшими шу?

Йўқ, Мусо «берсанг — ейман, урсанг — ўламан» деган лапашанглардан эмас, ўзини боқиш, мустақил яшаш йўлларини кўп ахтаради.

Баъзан кечалари ухламай ўйланиб чиқади: хазина топиб олса, лотереяга «Волга» ютса, спортлотодан ҳамма номери тўғри чиқиб қолса!.. Мусо антикиблар кетади, бироқ...

Ўйлаб-ўйлаб, ахийри бир кун директорга кирди, «Домла, сал ойлигимни оширишнинг иложи йўқми?» деди. Директор иложи йўқлигини айтди: «Штатлар санокли. Сенинг ойлигингни ошириш учун бировнинг ойлигини туширишим ё бўшатишимга тўғри келади. Бунга жиддий асос бўлиши керак. Сени кўтариш учун ҳам жиддий асос керак. Мақолаларинг билан илмий жамоатчилик ўртасида обрў қозондингми? Янгилик олиб кирдингми? Нечта мақоланг босилди. Биронта ҳам йўқми? Баракалла! Диссертация нима бўлди? Ҳозир столга қўй уни — шартта зўр ишга ўтказиш ҳақида буйруқ бераман! — Директор бош чайқади. — Ҳа, ўғлим-а, Қудратовни қара, сен қатори ойлик олади, тўртта боласи бор, бирон марта олдимга кириб ойликдан гапирмаган-а!» Ер ёрилмадию Мусо кириб кетмади. Қабулхонадан минг пушаймон билан, ер бўлиб чиқди. Шу воқеадан кейин роппа-роса уч кун ўтгач, ишхонада хунук гап тарқалди: кимдир аспирант қизлар — Карима билан Мунавварнинг стипендиясини ўғирлаб қўйибди. Упа-элик, тақинчоқ-пақинчоқларига тегмапти-ю, лекин стипендияни ўмариб кетибди. Тушликка чиқаётганларида сумкада экан, қайтиб келишса — йўқ!

Бошланди: қаватда ким бор эди, хонага ким кирган, тушликка ким чиқмаган, кимнинг қўли эгрироқ... Аёллар жонланиб, оғиз пойлаган, эркаклар бурчак-бурчакда сўкинган... Хунук гап ажина шамолдек жилпанглаб юрди-юрди-да, қабулхонага, ундан тўппа-тўғри директорнинг қулоғига кириб кетди.

Мусонинг дами ичига тушиб, бировнинг кўзига қарашга ботинолмади. Айниқса, котиба қиз ҳаммани мажлисга чақириб юрганини эшитиб, тоза тамом бўлди. Бўйнига арқон солиб кушхонага судралган қўйдек, директор кабинетига кирдию бурчакдаги курсига ўзини таппа ташлади — ҳукмини кутди.

Директор сўзини бу гапнинг ишхона учун нақадар шармандалик, бениҳоя хунуклигидан бошлади, «пулни олган» («ўғри» демади) бегона эмаслиги, қизларга стипендия текканини билиб, тушликка чиқишларини пойлаган одамлигини айтиб, «Ким тушликда шу ерда қолган бўлса, ўша олган», деди. Мусо ўтирган жойида чўкиб кетди. Директор давом этиб, «Балки ўша ноинсоф ҳозир ичимизда ўтиргандир», деб тахмин қилди. Бу Мусога: «Ҳой, Мусо, инсофинг борми? Тур ўрнингда, ҳамманинг ўртасида бўйнингга ол!» дегандек эшитилди. Ҳамма унга қараётгандек, ҳамма уни ўғри тутиб, мардларча бўйнига олишини кутаётгандек туюлди. «Мен олмадим. Олмаганимни ўзим аниқ биламан, ахир», дея ўзига таскин берди шўрлик. Хайрият, ҳеч ким «пулни Мусо олган», деб ўрнидан сапчиб турмади, Мусонинг бугун тушликка эртaroқ чиқиб, дарров қайтганини сотиб қўймади. Бундан ташқари, директорнинг мажлис чақиришдан мақсади ўғрини топишдан кўра (қайдан топади!), пулни очиқ-сочиқ ташлаб кетган қизларни тергаш, маҳаллий комитетдан ёрдам уюштириш, энг асосийси — бу хунук гапни ишхона остонасидан четга ҳатлатмасликни қаттиқ уқтириб қўйишдан иборат экан. Энди, бу ер улуг жой, илм даргоҳи бўлса, Мусога ўхшаганининг нечтаси не умидда тупроғини ялаб ётсаю бир нобакор, нокас...

Мажлисдан бош чайқаб, афсус билдириб тарқалдилар. Мусонинг назарида одамлар пулидан ажралган қизларга эмас, пулни олган одамга ачинаётгандек, тўғрироғи, унинг ўзини назарда тутиб, «Шундай йигит-а!» деяётгандек эдилар.

Йўқолган пул икки кунча одамларнинг оғзида ширин сақич бўлди. Ҳеч ким ўзида терговчилик масъулияти, жавобгарлигини ҳис қилмагани учун, орқаваротдан икки-уч киши ўғри деб топилди, барча яхши-ёмон томонлари тарозига солинган, яна шу тартибда — орқаваротдан оқланди. Шундай қизиқ воқеани бошқа жойда айтиш қатағон этилгани сабабли, гап фақат ишхонада қизиди. Учтадан йигирма бешталик, тўрттадан беш, биттадан уч сўмлик экан йўқолган пуллар. Мунаввар Ҳалима опа берган эллик сўм қарзини қайтариши, Карима пул тўплаб, қишлоқ пальто олиши керак экан. Ноинсоф, шу муштипарларнинг ҳақиқага кўз олайтирибди. Кейин умуман ўғирлик ҳақида гап кетди. Тўртта одам йиғилган жойда қадим замонлардаги каллакесар, йўлтўсар, томтешар, қулфбузар, чўнтаккесар ўғрилар ҳақида даҳшатли ва қизиқарли ҳангомалар айтилди. Э, хуллас, Насриддин афанди қирқ ўғрини қандай алдаган бўлса, ишхонадаги бир ўғри қирқ тўғрини шундай лақиллатди — уни ҳеч ким тополмади.

Бу ҳангомалар босилгунча Мусо ўзини-ўзи еб қўйди. Хайриятки, ҳеч ким ундан шубҳаланмади, унинг ҳам кўнгли тинчиди. Ҳамма қатори қизларга ёрдам маъносидан ундан ҳам беш сўм сўрашганда, дарров берди, гуноҳдан фориғ бўлгандек, жуда енгил тортди. Агар ундан гумонсирашса, боёқиш ўзини қандай оқлашни ҳам билмасди: директорга пулим йўқ, деб ким кўзёш тўқди — Мусо; доим тушликка ким қарз сўрайди — Мусо; ким ойлгим кам дейди — Мусо; шундай бўлса ҳам ким тез-тез ресторанларда давра давра суради — Мусо (айш-ишратга қайдан топади?); ким қизларнинг хонасида лақиллаб юради — Мусо; энди, худди ўша кун, тушлик пайтида ишхонада ким бор эди — Мусо-да!

Ҳамкасбларини қўяверинг, шунча далил-исботни синчиклаб таҳлил қилиб чиққан Мусо ҳам қизларнинг стипендиясини ўзи эмас, бошқа биров илиб кетганига жуда-жуда ҳайрон эди.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтди. Мусога Шибутани деган бир америкалик олимнинг «Социал психология» деган китоби жуда зарур эди, сўроқлай-сўроқлай, охири бир файласуф дўстиникидан топиб келди. Хонада ҳеч ким йўқ: Турғун ака бетоб экан, телефон қилди, Абдухалил жавоб сўраб қаёққадир жўнади. Мусо эрталабдан бери Шибутанининг китобидан бош кўтармай, олтмиш саҳифача ўқиди, етти-саккиз бет кўчирма олди. Узининг бошида ҳам психологияга оид фикрлар ғивирлаб-югургилаб қолди. «Уятчанлик — уятчанликдан уялишдир. Агар ҳамма одамлар бир-бирига кўнгилларидаги уятли ҳис-туйғуларни ошкор

айтаверсалар, уятчанлик йўқолиб кетади. Нега бировлар ўзлари шикоят қилганда уялмайдилар-у, бошқа кишининг шикоятига ғашлари келади?» деб ўйга чўмди. Мусо ана шундай ғалати, ўзига ҳам тушунарсизроқ бўлган фикрлар оғушида ҳаяжонланиб ўтирганда, эшик ғийқ этиб очилди ва Мукамбарнинг чиройли юзи кўринди.

— Мумкинми?

— О, албатта! Қадамларига ҳасанот, — деди Мусо ўтирган жойида.

Мукамбар эшикни эҳтиёткорлик билан ёпди, Мусога қараб илжай-гандек бўлди.

— Яхшимисиз?..

— Сояи давлатларида!

Мукамбар деразага бир қараб қўйди, ўнғайсизланиб, бошини қуйи солди, локланган тирноқларига тикилди-да, бегона овозда:

— Бугун менга ҳазиллашдингизми? — деди.

Мусо гавдасини орқага ташлаб ястанди.

— Ҳазиллашдим.

У эрталабдан бери китобга мук тушиб чарчаган, ҳозир эса ростдан ҳам ҳазиллашгиси, беш-ўн минут ҳордиқ чиқаргиси келар эди. Мукамбар — истараси иссиқ, ширингина жувон — ҳамиша ҳазилни кўтаради.

— Ҳазиллашдим, — деб такрорлади Мусо. — Паспортингизни олдим-да, ариза ёзиб, ЗАГСга топшириб келдим. Қалай, боплабманми? У ёқда сиз, бу ёқда мен, бағримизни жизза кабоб қилиб юраверамизми?

Мукамбар «Кўйинг, шунақа бачкана гапларни» дегандек, қўл силтади.

— Сумкамни кавлаштирдингизми?

Мусо қўлларини кўксига чалиштирди.

— Энди, нима десам экан, аввало «сумкам» эмас, «сумкамиз» денг, хўпми? Иннайкейин...

Мукамбар унга ғалати тикилди, нимадир демоқчи эди, яна эшик очилиб, ташвишманд қиёфада Ҳалима опа кирди. Мукамбар жим қолди. Ҳалима опа унга савол назари билан қаради.

— Нима бўлди? — деди.

— Билмасам, — деди Мукамбар тутилиңқираб. — Мусо ҳазиллашибдимми...

Ҳалима опа танглайини тақиллатди, бошини сарак-сарак қилди.

— Эй укам-эй, укам. Келиб-келиб пулдан ҳазиллашасизми?

Мусонинг кўнглига хавотир оралади:

— Тўхтанглар, қанақа пул?

Мукамбар қизаринди.

— Ўзингиз... Сумкани кавладим, дедингиз-ку?

Мусонинг ичида нимадир узилиб тушгандек бўлди:

— Э, кўйинглар-э! Наҳотки мен... Эрталабдан бери хонадан чиққанам йўқ, ахир!

Мукамбар мунғайди, қўлларини қовуштириб, кифтларини қисганда, кичкина жувон, баттар кичрайди.

— Йўғ-э, Мусавой, ким сизни... — дея Ҳалима опа гапининг давомини ичига ютди.

— Нима, яна пул йўқолдимми? — деди Мусо юраги увишиб.

Ҳалима опа билан Мукамбар индамай тасдиқлашди. Мусо каловланиб қолди.

— Шу... Тез-тез қарз сўрасам, кимнинг пули йўқолса... Дарров мени ўғри тутасизларми!

— Ҳай-ҳай, Мусажон, нималар деяпсиз? Опангизман-а, айланай! Сиздай йигитдан шу иш чиқадими? Сиздан гумонсираган одам кўр бўлади-я, кўр!

Ҳалима опа Мусонинг елкасига устма-уст қоққанча, куйиб-пишиб тушунтирди. Гап бундай бўлган экан: Мукамбар эрталаб сумкасидаги кармончага йигирма сўм солган; троллейбусда чақаси йўқ экан, пул узатса, ҳайдовчи нақ қирқ тийинга абонемент берибди; ҳозир пастки қаватга, кутубхонага тушиб, Турсуной билан беш минутгина гаплашиб қайтиб чиқса, сумкасида икки сўму олтмиш тийин турган экан-у, йигирма

сўм йўқ эмиш. Ҳалима опага айтса, «Э, ўлибдими! Аввал сўрайлик, Мусо-посо ҳазиллашгандир», дебди. Кейин Мукамбар тўппа-тўғри Мусонинг олдига чошиб келаверибди. Устига устак, Мусонинг ҳам ҳазиллашгиси келиб...

— Пулдан бошқа ҳазил қуриб кетган экан-да, — деб бўғилди Мусо.

Ҳалима опа ўйланиб турди-да, сўнгра:

— Яна ўша олдимикан? — деди.

— Ўшаларинг ким? — деди Мусо.

— Ким бўларди! — деди Ҳалима опа. — «Турнахон»-да. Сув илонга ўхшамай ўлгур!

Мусо шу пайтгача ўғрини бурни иягига ёпишган аллақандай ялмоғиз кампир ёки ҳамма ёғини жун босган, бадбашара, оғзи қийшиқ, бир кўзига чарм сирилган эркак сифатида тасаввур қилганиданми, қош-кўзи, оёқ-кўли жойида бўлган росмана одам, устига-устак, қиз бола эканлигини эшитиб, кўрқиб кетди.

— Йўғ-э?!

— Ий-э, Мусавой, буни ҳамма билади-ку!

— Рост, — деди Мукамбар ҳам.

— Маҳзуна Зокированынг ҳар ойлигидан йигирма беш сўм йўқолаверади. Кейин билсак, шу олган экан. Менинг ўттиз сўмим, Турсунойнинг соати, Мапуз бечоранынг қирқ етти сўми, тунов кунги пуллар...

Мусо анграиб қолди.

— У, энағар-э! Э, э, кечирасизлар, оғзимдан чиқиб кетди.

— Улсин! — деди Мукамбар. — Бор-йўғи йигирма сўм экан. Тешиб чиқсин.

— Йигирма сўм ҳам пул-да, ахир, — деди Мусо.

— Шуни айтинг, — деди Ҳалима опа.

— Нима, шунча хотин бир бўлиб ўртага олмайсизларми? — деди Мусо. — Бу... Нуқул оғзимга сўкиниш келяпти-я! Наҳотки уни тийиб кўёлмасаларинг? Директорга айтинглар. Ҳеч бўлмаса...

— Ушлаб олмасак қандай айтамыз?

Мусо қўлларини орқага қилиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

— Бу ҳам тўғри. Лекин бир иложини топиш керак-да. Наҳотки уни ушлаб бўлмаса, а? Пул қачон йўқолди? Ҳозирми?

— Шу гаплашиб тургунимизча вақт ўтди-да, — деди Мукамбар негадир Мусога умид билан термулиб.

— Та-ак, — деди Мусо, Мукамбарнинг термулишидан таъсирланиб. — Текшириб кўрсак-чи?

— Қандай? — деди Ҳалима опа.

Мусо ўйланиб қолди, қошларини чимирди.

— Замира... бу «Турнахон» хонасида ўтирибдими?

— Ўтиргандир, — деди Мукамбар.

— Хонасида, — деди Ҳалима опа.

— Унда пул шу ерда. Ишхонада, — деди Мусо. Унинг калласига ажойиб фикр келган эди. — Ҳалима опа, ҳозир сиз аччиққина чой дамласангиз-да, «Турнахон»ни чақирсангиз? Мукамбар бу пайтда...

— Э-э, мен кўрқаман.

— Сезиб қолади, — деди Ҳалима опа.

— Бирон йўлини топиш керак-да — деди Мусо қизишиб. — Қачонгача бундай бўлади! Ҳадеб пул йўқолаверса, «Турнахон» ялло қилиб юрса!

— Бари бир, жуда ноқулай. Ўғри бўлгани билан одамнинг юзи иссиқ, — деди Ҳалима опа.

— Ҳа, ўша иссиқ юзини унинг, — деди Мусо. — Юзим иссиқ деб ўғирлик қилаверадими! Сизларнинг шунақа кўнгилчанликларингни билади-да.

Аёллар индашмади.

— Бугун йигирма сўм ўғирлайди, эртага кассадан ҳаммамизнинг ойлигимизни ўмариб кетади. Ўғри онадан ўғри туғилмайди, уни ўзимизнинг кўнгилчанлигимиз етиштиради. Унинг гуноҳига ўзимиз ҳам

шерик, — деб Мусо ташвиқотга зўр берди. — Майли, сизлар индаманглар — пулларинг кўп, маошларинг ошиб-тошиб ётибди! Ҳар замонда бир камбағал эллик-олтмиш сўм олса олибди-да, камайиб кетармиди! Қайтанга яхши — савобга қоласизлар!

— Ҳалима опа, биздан нима кетди, бир уриниб кўрайлик, — деди Мукамбар оқаринқираб.

Ҳалима опа индамади.

— Эҳ, қиз бола бўлганимдами! — деб хитоб қилди Мусо.

Ҳалима опа Мукамбарга қаради:

— Маҳзуна Зокировнага айтсакми?

Мукамбар Мусога қаради. Мусонинг ғаши келди:

— Уни аралаштиришнинг нима кераги бор?

— У киши Замирани бирон иш билан чақирсалар, Мукамбар иккаламиз...

— Во! — деди Мусо, Маҳзуна Зокировнанинг бу ишга аралашидан норози бўлса ҳам. — Зўр! Икковларинг қараб чиқасизлар.

Аниқлик киритадиган ҳеч нарса бўлмаса ҳам, Мусо бутун тадбирни қайта тушунтириб чиқди: Маҳзуна Зокировна «Турнахон»ни чойга, йўқ, тўғри келмайди, яхшиси, бирон нарсани ўқишга чақиради (ҳозир докторлик ишини машинка қилдирыпти, шунга ёрдамлашинг, деса ҳам бўлади); Ҳалима опа билан Мукамбар бу пайтда «Турнахон»нинг сумкасини, столи тортмаларини синчиклаб қараб чиқадилар. Натижасини келиб Мусога айтадилар.

— Пулни топиб олсак нима қиламиз? — деди Ҳалима опа.

Мусо ҳайрон қолди: ростдан ҳам, кейин нима қилишади? У «Натijasини менга айтинглар», деганида фақатгина бу ишга раҳбарлигини таъкидлаган, нарёғини ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

— Кейинми, — деб кифтини учирди у. — Кейин... Аввал топайлик, кейин бир гап бўлар.

— Ҳеч кўнглим чопмаяпти-да, — деди Ҳалима опа.

— Оббо! — деди Мусо. — Мунча кўрқасизлар! Ахир, эшик ёпиқ туради-ку. Узи шу аёллар билан бир ишни битириш қийин. Сал нарсага дарров «Вой, ўлмасам, бир балоси чиқмаса эди», деб ваҳима қилишади.

— Пул топилмаса-чи?

— Топилади, Ҳалима опа, топилади, мени айтди денг, топилади. Топилмай қайга боради? Қанот чиқариб учиб кетмайди-ку,

Ҳалима опа оғир сўлиш олди.

— Тезроқ боринглар, — деди Мусо. — Хонадан битта-битта чиқинглар — «Турнахон» коридорда бўлса, шубҳага тушиши мумкин. Кейин, бунақа ҳаяжонланиб юрмай, бамайлихотир, гўё ҳеч гап йўқдай, пул йўқолганини билмагандек тутинг-да ўзингизни, Мукамбар!

Ҳалима опа аввал эшикни очиб коридорга қаради, сўнгра, худди Замиранинг хонасига кираётгандек, бир-бир босиб, эҳтиёткорлик билан чиқди.

Мусо кулиб юборди. Мукамбар ҳам ожизгина, ўлганининг кундан илжайиб қўйди.

— Сиздан зўр изқувар чиқар экан-да, — деди.

— Ҳе, ўзимизни хор қилиб юрибмиз-да, — деди Мусо, бирдан кўнгли кўтарилиб.

Улар ниманидир кутиб, жим ўтирдилар.

Мусони хаёл олиб қочди: Америка, каньон, прериялар... Гангстерлар гиж-биж тўлиб ётган Колорадо... У махфий полиция департаментининг бошлиғи, Мукамбар эса унга котиба. Мусо давлат банкини ўмариб кетган ўта хавфли жиноятчиларни тузоққа туширадиган махфий кодли операцияга раҳбарлик қилмоқда. Мукамбар машинка ёнига ўтириб, унинг кўрсатмаларини ёзиб олмоқда...

— Энди бораверайми? — деб сўради Мукамбар.

Мусо бош ирғади — рухсат.

— Ростини айтсам, жуда кўрқяпман, — деди Мукамбар.

Мусо осмондан ерга тушди, «Америка»дан қайтди.

— Ҳеч қўрқинчли жойи йўқ, — деди у. — Энг муҳими — пулни топиш. Э, аттанг, ўғирлашини олдиндан билганимизда, пулларнинг номерини ёзиб қўйган бўлардик.

— Бари бир танийман, — деди Мукамбар жонланиб. — Битта ўн сўмлик, иккита беш сўмлик. Беш сўмликлар янги, ўн сўмлик тоза эскирган эди.

Мусо қидирув операциясига янада чуқурроқ кираётгандек ҳис қилди ўзини.

— Эскилиги-ку яхши. Бирон белгиси, доғ-поғи эсингизда қолмаганми?

— Билмасам, кўрсам танийман лекин. Тоza абгор эди.

— Да, майли, топилсин-чи. Синчиклаб қаранглар.

Мукамбар одатдагига ўхшамайдиган бир юриш билан эшикка борди. Чиқаётганида шундай катта эшикнинг кесақисига елкасини уриб олди.

«Иккита беш сўмлик, битта ўн сўмлик», деди Мусо ўзича. У мана шу пулни кўз ўнгига келтирди. Ҳалима опа «Турнахон»нинг сумкаси ичидаги қизил кармончани (Мусо кузатувчан йигит, бу кармончани Замира кўтариб юрганга ҳам эътибор берган) очаётганида шу ўн сўмлик чиқади. Икки буклоғлик. Унинг ичида эса яп-янги иккита беш сўмликнинг четлари кўм-кўк чизилиб, туради («Ҳамма, ҳамма одам пулнинг йиригини албатта сиртга, майдароғини ичга олиб тахлайди. Қизиғ-а?») Мусо айниқса шу ўн сўмликни аниқ кўрди: латтадай эскирган, ранги униққан, ғижим...

Эшик тарақ этиб очилган эди, Мусо чўчиб тушди. Ҳалима опа, ортидан ёв қувлангандек, ҳовлиқиб кирди. Мусо сапчиб турди.

— Нима бўлди? Топилдими?

— Энди, энди. Маҳзуна Зокировна Замирани чақирди. Ҳозир сизни ҳам чақиради, — дея Ҳалима опа кўйлагининг ёқаси билан елпинди, чуқур-чуқур нафас олди. — Чойингиз йўқми? Ичим ёниб боряпти.

— Ие, мени чақириб нима қилади? Нима иши бор экан?

— Бир ўзим қўрқаман, деяптилар. Ноқулай-да унга ҳам, — деди Ҳалима опа ва чойнакнинг қопқоғини очиб кўрди.

— Мендан бошқа одам қуриб кетибдими?

— У кишига бу ишни сизнинг маслаҳатингиз билан қилаётганимизни айтдим...

— Э-э, — деди Мусо, бирдан кўнглига ғулғула тушиб.

— Жуда калласи ишлайдиган бола экан, деб айтдилар. Ўзи ҳам келсин, бир ўзим бўлсам, Замира сезиб қолади, дедилар.

«Э, каллам ишламай ўлсин!» деди Мусо ичида.

— Ҳозир борайми?

— Йўқ, ўзлари телефон қиладилар. Агар жуда боргингиз келмаётган бўлса...

— Лекин, Мусажон, менинг юрагим ўйнаб кетяпти-да.

— Қўйсангиз-чи шунақа гапларни.

— Рост. Мана, сиз ҳам хавотирланиб қолдингиз-ку.

— Мен-а?

Мусо Ҳалима опага мағрур бир тарзда қараб қўйди.

— Хўп, мен Мукамбарни чақирай, — дея Ҳалима опа чиқиб кетди.

Мусо Замирага рўпара келишни ўйлади... Телефон қаттиқ жиринглади. Мусо кўпдан бери тип-тикка бигизнинг устига ўтиргану бигиз пайт пойлаб бирдан санчилгандек, отилиб турди. Стул ағанади. Мусо трубкани кўтарди.

— Раҳмонов?! — Маҳзуна Зокирвонанинг овози лоқайд эшитилди.

— Ҳа, мен... — деди Мусо.

— Салом алайкум.

Қўлини кўксига қўйганини Мусонинг ўзи ҳам сезмай қолди:

— Э, кечирасиз. Салом алайкум!

— Раҳмонов, ҳозир ишнинг биринчи боби машинкадан чиқди. Шуни, мана, Замирахон билан аслига солиштиряпмиз. Ярим соатгина қарашмай-сизми? Ҳозир келинг, хўпми?

Маҳзуна Зокирвонанинг овозида қўрқиш, ноқулайлик, ҳаяжон — ҳеч

нарса билинмас эди. Аксинча, ўзини Замирани фош этиш операциясига алоқаси йўқлигини писанда қилиб турар эди.

Мусонинг кўнгли сал жойига тушгандек бўлди.

Лекин коридор кимсасиз, ним қоронғи, жимжит экан. Кўпи куйиб, бор-йўғи ухта қолган неон чироқларидан бири сирли тарзда липиллаб, коридорни қалқитиб кўрсатар эди.

Мусо шифтга хавотир билан қараб қўйди. Ҳозир Замираларнинг хонасида Ҳалима опа билан Мукамбарнинг тинтув ўтказаетганини ўйлаб, негадир кўнглини ваҳм босди, тубида кашалотлар оғзини очиб ётган ўпқоннинг устидан муаллақ юзиб ўтаётгандек, қадамни авайлаб босди.

Маҳзуна Зокировна тўрда — эшикка қараб, Замира куйида — Маҳзуна Зокировнага рўбарў ўтирган экан.

— «Зигмунд Фрейднинг психоанализ назарияси ўз ўзидан вужудга келмаган — у буржуа жамиятидаги маънавий инқирознинг инъикоси эди».

Элликларга кириб, сочларига оқ оралай бошлаган Маҳзуна Зокировна ўқишдан тўхтаб, бошини кўтарди, олтин гардишли кўзойнагининг бир шишаси «йилт» этиб совуқ чақнади.

— Келинг.

Олиманинг нигоҳи ҳеч қандай маънони ифода этмас, одамни кўрқитар даражада бўм-бўш эди.

— Салом алайкум, — деди Мусо, негадир овози қалтираб.

Замира ерга қараганча товуш чиқармай бош ирғади. Мусога ўғирлик содир бўлгандек, Маҳзуна Зокировна билан ўзининг орасида Замирандан бекитадиган ҳеч қандай гап йўқдек туюлди.

Замира столга сингиб кетгудек эгилиб олган эди. Мусо унинг ёнидаги курсида ўтирди.

— Олдингиздаги иккинчи нусхами? Учинчи бетни очинг. Фрейд ҳақидаги жойини топдингизми? Қаранг. Замирахон, қаерда эдик?

Замира индамай қўл чўзиб, бояги жумлани кўрсатди.

— ...«инъикосидир», шундайми? Бошладик. «Йигирманчи аср бошида Европа буржуазияси орасидаги тушкунлик, ахлоқ категорияларининг дарз кетиши, келажакдан умидсизланиш оқибатида... Фрейд ўзининг эротик таълимотини яратди. Айрим жиҳатларни медицина, жумладан, психиатрия учун қимматли бўлгани ҳолда, ижтимоий ва илмий жиҳатдан хато бўлган бу таълимот...»

Мусо Замирага зимдан разм солди: Замиранинг чўзинчоқ, суяги туртган юзи кўкаринқираб, маъносиз қотган, бурни ўшшайиб, юпқа лабларига сезилар-сезилмас соя ташлаб турарди (Мусо шуни ҳам аниқ кўрди).

«Ростдан ҳам шу ўғирлаган».

— Раҳмонов, қараяпсизми?

Мусо шошиб қолди.

— Ҳа, қараяпман. Фрейд ҳақида гап кетяпти.

Маҳзуна Зокировна ростакмига жаҳл билан тикилди.

— Раҳмонов, мен сизни пашша кўришга чақирмадим. Кейин хаёл сурарсиз.

Мусо қоғозга қаради, қаторлар липиллаб, ҳарфлар хира тортди.

— «Эдип комплекси», «Электра комплекси» деган ғайриилмий схемалар бўйича ўғил онани отадан, қиз отани онадан рашк қилар эмиш».

Мусо кизиқиброқ тинглай бошлади.

— «Фрейднинг реакция қарашлари Фарб ва Америка Қўшма Штатларига кенг ёйилиб...»

Шу аснода коридордан ғалати шивир келиб, Мусо қулоқларини динг қилди. У гап-сўзларни эшитмаса ҳам Ҳалима опа билан Мукамбарни товушларидан таниди. Ўзини қаерга қўйишини билмай, Маҳзуна Зокировнага, кейин Замирага, яна Маҳзуна Зокировнага қаради.

— «...Унинг... издошлари...»

Бирдан Мусонинг кўзлари Замиранинг ўқиб бўлиб ағдариб қўйилган оқ қоғоз устидаги қўлларига тушди. Қонсиз эти суякка тортилган, кўм-кўк томирлари жилвираб турган, тирсаккача яланғоч қўлдаги билинар-

билиммас титроқни пайқаб, кўнгли бир хил бўлиб, сесканиб кетди: «Ўғриларнинг қўли титрайди!»

Қўлга бирин-сирин қизғиш, кўнглини айнитадиган даражада ёқимсиз доначалар тошиб чиқа бошлаганда, Мусо менга шундай кўриняпти шекилли, деб кўзларини юмиб очди; бу орада доначалар хира тортиб, бир тийинлик тангадек нопормон доғларга айланди, кўм-кўк томирлар остида билинмай қолди.

Замира бирдан қўлини тортиди, «им-м», дея инграганча, оғзини чангаллаб, букчайиб қолди.

Мусонинг юрагини алланарса тимдалаб-юлиб ўтгандай бўлди. Маҳзуна Зокировна ҳам кўрқиб кетди.

— Ҳа-ҳа, Замирахон, нима бўлди?

Замира яна бир инграндию эшикка отилди. Маҳзуна Зокировна «Замирахон!» деганча ўрнидан турди, Мусога қараб ҳайрон қотди.

«Эшитди! Уларнинг шивирини эшитди!»

Маҳзуна Зокировна дарров ўзини босиб, кўзойнагини қўлига олди.

— Раҳмонов, нима бўлди ўзи?

Мусо жавоб беришдан олдин коридор томонга қулоқ тутди: унинг ҳисобича, худди ҳозир Замиранинг вағиллаши, Мукамбарнинг чийиллаши, Ҳалима опанинг ҳайҳайлаши эшитилиши, нимадир гурс этиши, нимадир синиши, эшик қарс очилиб-ёпилиши керак эди. Лекин буларнинг ўрнига неон чироқнинг ғўнғиллаши элас-элас келди — тинчлик эди.

— Билмадим, қуянчиқ-пуянчиғи тутиб қолди шекилли.

Маҳзуна Зокировна кулмоқчи бўлди-ю, лекин дарров лабларини йиғиштириб олди.

— Қўполлик қилманг, Раҳмонов.

Замира тезда қайтиб кирди, тўғри жойига келиб ўтирди.

— Тишим бирдан санчиб қолса бўладими! — деди у яна қоғозга мук тушиб.

«Бўлади», деди Мусо ичида.

Маҳзуна Зокировна Мусо билан кўз уриштирди-да, ўта меҳрибонлик билан:

— Ҳалиям оғрияптими? — деди.

— Аналгин қўйдим, — деди Замира.

Мусо Замиранинг қўлига қаради: ҳеч қанақа донача-понача, доғ-поғ йўқ; қонсиз эти суягига тортилган, кўм-кўк томирлари жилвираб, тирсаги туртган, оддий ориқ қўл; қалтирамас, саҳифа устида хотиржам чўзилиб ётар эди.

«Пулни бекитиб келди!»

Ҳозир шу қўлдаги томирлар кўкимтир илонлардек ўрмалаб чиқиб қочиши керакдек эди...

— «Фрейднинг оригинал кўринган идеяларига эргашган бу олимлар...»

Мусо Маҳзуна Зокировнани тўсатдан ёмон кўриб кетди. Шу дақиқадан бошлаб ундан кўрқиши ҳам ўз-ўзидан йўқолди; кўнглининг бир буржида ачинишга ўхшаган бир нарса уйғондию ўчди — олиманинг тигдек кескир овозида ҳеч қанақа куч-пуч йўқ, бор-йўғи совуқ экан.

Маҳзуна Зокировна ўқийверди, Мусо эса унинг кўзойнагига ошкора тикилиб олди, агар у ҳам қараса, «бўлди қилайлик» деган ишора беришга чоғланди. Лекин олима бош кўтармади; сўзлар холодильник музхонасидаги катак пластмассада қотган, қирралари салгина ейилган муз парчалари каби шалдираб тўкилаверди...

Мусо Маҳзуна Зокировнанинг энди нега диссертацияга ёпишиб олганига тушуна олмади: ахир, Замиранинг хотиржам ўтиришидан ишни тинчитиб келгани шундоқ кўриниб турибди-ку. Олима ҳеч бўлмаса Мусога жавоб берса бўларди.

Ниҳоят Маҳзуна Зокировна худди чарчаган одамдек уф тортиди, кўзойнагини олиб, кўзларини уқалади...

Мусо Замирадани олдин чиқди, тўғри Ҳалима опаларнинг хонасига

кирди. Ҳалима опа жуда дарғазаб, Мукамбар эса умидсиз бир қиёфада ўтирган экан.

Ҳалима опа Мусони кўриши биланоқ ёрилди:

— Йўқ! Ҳамма жойни титиб чиқдик. Фақат тангаси бор. Бир сўм ҳам пул йўқ.

— Боя коридорда мунча шивир-шивир қилдиларинг?

— Сен кир, мен кир қилиб турган эдик-да.

— «Турнахон» шу пайтда чиқдимми?

— Энди эшигини тортмоқчи эдим, шўп этиб чиқиб қолса бўладими! Демак, Мусо янглишмапти.

— У бекорга оғзини чангаллаб чопгани йўқ. Шивир-шивирларингни эшитиб турган эди. Пулни бирон жойига қистириб чиқди. Сизлар йўқ нарсани ахтарибсизлар.

— Яшшамай ўлгур-эй! — деди Ҳалима опа.

— Усталигини! — деди Мукамбар.

— Қўйинглар, энди фойдасиз, — деди Мусо. — Йигирма сўмларинг ҳам кетди — қулоғини ушлаб, чинқариб.

Ҳалима опанинг ғазоби ошди:

— Нега кўяр эканмиз! Ҳозир бориб шартта бетига айтаман, ўғрисан, деб.

Мукамбар нима деярд экан деб, Мусога қаради.

— Ўзини бир... обиск қилсак, — деди Мусо юрак ютиб. — Қуруқ ғалва кўтаргандан кўра...

— Э, энди шунинг башарасини кўргани тоқатим йўқ, — деди Мукамбар.

Лекин Ҳалима опанинг алами ҳали-бери ўчмоқчи эмас эди.

— Йўлдошни чиқариб юборамиз-да, ҳамма хотин-қизларни текшира-миз деймиз.

— Кўнмаса-чи? — деди Мукамбар жунжикиб.

— Кўнмай кўрсин-чи! — деди Ҳалима опа. — Зўрлаб ечинтираман.

— Бир юлишмайсизларми? — Мусонинг завқи келди.

— Эҳ-ҳе, ҳали қариганим йўқ, — дея сал шаштидан тушди Ҳалима опа. — Битта қоқсуякка кучим етмай, нима қилиб юрибман.

...Мусо «тинтув» натижасига беҳад қизиққанидан коридорда кутишга аҳд қилди. Бирон дақиқалардан сўнг Йўлдош ака, «Ҳа, Мусавой, ўғри мушукдек коридорни пойлаяпсиз?» деган ёқимсиз гап айтиб ўтди.

Сал ўтмай Замиранинг вағиллаши, Мукамбарнинг чийиллаши эшитилди. Нимадир гурс этди, нимадир сингандек бўлди...

Мусо турган жойида тахтадек қотди.

Эшик қарс очилди-да, Замира отилиб чиқди, бутун қаватни бошига кўтариб вағиллаганича, Мусонинг ёнидан ўтиб кетди.

Мусо ғалати бир шиддат билан ўзини эшикка урди, ичкари киргач, шартта эшикни қулфлаб олди. Танглайи қуриб қолган экан, суви янгиланмаган графинни кўтарди.

Қаватда бор одамларнинг ҳаммаси, нима гап экан, деб коридорга чиқди шекилли, ғала-ғовур бошланди.

Кимдир эшикни тортиб кўрди.

Ташқарига қарашга на журъат, на мадор бор эди Мусода.

Кейин Мусонинг тушига ҳам кирмайдиган ажабтовур воқеалар содир бўлибди: «Турнахон» шу вағиллаганича, Ҳалима опанинг айтишича, лўттивозлик қилиб қабулхонага, ундан тўппа-тўғри директорнинг олдига кирибди, ўзидан кетиб қолибди (Мусо бунини эшитганда тишини тишига босди, «Елғон!» деди); сув-пув ичирган бўлиб, «ўзига келтиришса», яна вағиллабди, «Мени ўғри тутиб, коридорда шарманда қилишмоқчи эди, зўрға қутулиб қочдим. Қочганимни Мусо ҳам кўрди», депти (Мусо бунини эшитганда ўтирган жойида бир сапчиб тушиб, сўкиниб юборди); директор уни отанг яхши, онанг яхши, деб тинчитишга уринибди, кейин Ҳалима опа билан Мукамбарни чақариб, пича дағдаға қилибди, «Учовингни ҳам ишдан бўшатиб юбораман», депти (Мусо бунини эшитганда «Шунчаки йўлига-да», деди); директор аёлларни «Турна-

хон»дан кечирим сўратгач, учаласига ҳам бу хунук гапни ишхона остонасидан четга ҳатлатмасликни қаттиқ уқтирибди (Мусо буни эшитганда индамади).

Бу ҳангома одамларнинг оғзида кўп ҳам турмади, фақат икки-уч кун бурчак-бурчакларда, Замирага эшиттирмай, шивир-шивир бўлди. «Изқуварлар»нинг бўшлигидан кулишди, Замиранинг устакорлигидан ҳайратланишди.

Лекин ҳеч ким Мусони тилга олмади. На Ҳалима опа, на Мукамбар, на Маҳзуна Зокировна бу ҳақда чурқ этмагани учун, ҳеч ким ундан шубҳаланмади.

Қайтага, Маҳзуна Зокировна Мусонинг берган саломига мутлақо алик олмай қўйди. Мусога одаммисан ҳам демай ўтадиган бу аёл Замирани ҳар кўрганида қуюқ сўрашадиган, уй ичларигача суриштирадиган бўлиб қолди.

Мусо раҳбарлик қилган маҳфий операция муваффақиятсизликка учраганидан кейин икки ойлар ўтгач, ишхонада «Штатлар қисқарармиш», деган нохуш гап ўрмалади. Мусо бу илмий даргоҳга ҳали кўп фойда келтиришига ишонса ҳам, негадир ўзидан хавотирга тушиб қолди.

Лекин директор ундан қутулишни хаёлига келтирмаган, аксинча, «Бу болани студентлигидан бери биламан, ундан кўп иш чиқиши мумкин. Келаси йили Москвага — аспирантурага шуни юборсакмикан?» депти. Мусо жуда қувонди.

«Хатга тушганлар» орасида Замира ҳам бор экан. Мусо буни эшитганда Замирага ачинди, дил-дилидан ачинди. Ҳар қалай, ўғирлик деганида ҳам сал-пал обрў бўлиши керакмикан, ишқилиб, унга Замиранинг ўғирлиги жуда абгор, бечора бўлиб туюлди. Бу ўғирликни на фош қилиб бўлади, на фош қилгандан кейин мақтаниб.... Бор-йўғи йигирма сўм экан, арзимаган нарса. Шунга силлиққина ишдан кетказилди. Одам деган мунча майдалашмаса-да: майда ўғри, майда изқувар... Дунёда шундай катта ишлар бўлаётган пайтда бу гаплар энди чўнтакдан тушиб қолди-да.

Дунёдаги ҳамма катта нарса майдадан улғаяди. Лекин Мусоник тескари — у каттадан майдалашиб кетяпти. Одамлар бир ишда хатога йўл қўйсалар, шундан керакли сабоқ оладилар. Аммо Мусо бечоранинг хатоси ҳам кулгили. Мана, энди ўйлаб кўрса, ўшанда нега шунча ҳовлиққанини тушуна олмайди: «Менга шу зарилмиди?..», деб хижолат тортади.

Хижолатдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Қуруқ хижолатнинг сабоқлик жойи ҳам йўқ.

«Қачон одам бўламан?», деб ўйлайди Мусо. Назарида, ўзи билан одамлик ўртасида бир масофа бордек, бу масофадан лой кечиб ўтиш керакдек эди...

Хуллас, яна шундай хунук ҳодиса рўй берадиган бўлса, Мусонинг бирданига ўзини катта одам билиб, бир четда аралашмай туришига ишонч йўқ.

Яна ҳам ким билади, катта ишлар ўз йўлига — катта одамлар зиммасида, лекин шунақа майда-чуйда ҳодисаларда Мусога ўхшаган ўйинқароқларнинг виждони таскин топмай, ҳовлиқиб юриши ҳам керакдир — эшагига яраша тушови-да, оламшумул ишлар қўлидан келмагандан кейин, жилла қурмаса, арзимас нарсалардан кўз юмишмасин. Яна шундай мақол ҳам бор: «Ўғирлик игнадан бошланади.»

Виждон деган нарсанинг ҳамма ишга, катта-кичик демай, бирдек тумшуғини суқишини, шунинг учун ҳам ўзининг ҳали кўп лой кечишини Мусо ҳозирча тасаввур қилолмайди.

БИТТА АРПА НОН

Рам дадаси ҳаётлигида ўргатган барча гапларни овозининг борича ёддан айтар, кўзларидан дув-дув ёш қуйилар эди.

— Эй, парвардигор, еру осмонни яратувчи сен! Сендан бошқа ким менга ёрдам қўлини чўза олади. Меҳрибон Шива! Тоғларни тилка-пора қилишга, дарёларни ортга буришга қодирсан. — Рамнинг кийикникига ўхшаш қора кўзларидан ёш тинмасди. У Шиванинг булутларни ўпиб турган тоққа ўйиб ишланган баҳайбат ҳайкалига қараганча икки қўлини юзига олиб келиб, тиз чўккан ва эгилган ҳолда яна илтижо қила кетди: — Укамни очдан ўлдирдинг, отамга раҳм этмадинг, энди касал онамни ҳам ўтда куйдирайми? Сенга ишонаман, онажонимни паноҳингда асра, яна озгина сабр қил, муқаддас илонимни ўргатиб заҳарини олай, унгача онамни очликдан ўлдириб қўймагин, сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Онам омон қолса, сенга гуллар сочаман, мендек бечорага раҳминг келсин...

Барча илтижоларини совуқ ҳайкал тинглагандай туюлди унга. Эндигина саккиз баҳорни кўрган камбағал Рам бир йилдан ошибдики, очликдан шишиб ўлган дадаси ўрнига онасини не машаққатлар билан боқиб келади. Онаси Варма «тош шаҳри» деб аталмиш Мхабулпрамга яқин қашшоқлар кўчасидаги кулбада туради. Уч кундирки, туз тотгани йўқ. Унинг рангида ҳаёт аломати қолмаган. Рам уйга кириб, онасига термилди. У «тузукман» дегандай илжайиш аломатини қилди. Бола ҳушини йиғиб олиб, қатъий бир қарорга келгандай бўлди.

— Нон топиб келмагунимча уйга қайтмайман! — у кулба бурчагидаги илон ётган саватни кўрқибгина кўтариб, қозиқдаги найни олиб, қўлтиғига қистирди.

— Рам, қайт орқанга. Болагинам, кел олдимга, дийдорингга бир тўйиб олай.

Рам кўзи жиққа ёшга тўлиб, унга бир муддат қараб турди-да, худди онасининг дийдорини сўнги бор кўраётгандай, шартта бурилиб чиқиб кетди. Онанинг у томон чўзилган чиллакдай қўли бир оз кўтарилиб, кейин «шилқ» этиб ёнига тушди.

— Одамлар, келиб қолинглар! Жаноблар, бери келинлар, заҳари олинмаган илонни ўйнатаман! Вишна ҳаққи, қасамёд қиламанки, илоннинг заҳари олинмаган, фақат биттагина арпа нонга яраша пул берсаларинг бўлгани, кела қолинглар!!!

Най овози баралла янгради. Семизликдан қорни осилиб тушган бананфуруш бой Рамни мазах қилиб, одамларга уни кўрсатиб, пичинг ота бошлади:

— Халойиқ, бу шумтакага ишонманглар, ёлғон гапиряпти, заҳари олинмаган эмиш. Сендақаларнинг кўпини кўрганмиз. Ёлғончи, муттаҳам!

Инсон ҳаёлини бир зум лол қолдирувчи най садоси юракни эзарди. Сават қопқоғи секин-аста қимирлаб кўтарила бошлади. 2-3 газлик кобранинг ноксимон калласи, сўнг танаси одам баравар кўтарилиб, у ён-бу ёнга тебраниб ўйнай бошлади. Боланинг кўзи жиринглаб тушаётган битта-иккита чақалардан узилмасди. «Ҳали битта нонга пича бор», деб қўйди Рам фикран. Кўзи илонда, лекин ҳаёли онаизорида эди.

Илон тўлғаниб, боланинг оёғи, бели бўйлаб чирмаша бошлади. Нозик елкаларини бир бор ўради. Чордона қуриб ўтирган яланғоч ҳинди бир қорхонли олдиндан сезиб, бақириб юборди. Бирдан қий-чув бошланди, оломон тўрт томонга қараб тирақайлади. «Заҳари бор экан, қочинглар!» — деган овозлар эшитилди.

Тош йўл устида бўйнидан бир неча томчи қон оққан, панжалари

орасида эса бир неча чақа, Рам кўзи очиқ ҳолда Шива томон қараганча жонсиз ётар эди. Шива эса, боланинг қисматига бепарво, саккизта қўлини кўтариб, «Бутун оламини кўтариб турибман» дегандай савлат тўкиб виқор билан илжайиб турарди...

Коломбо — Деҳли.

СЕВГИ БАЛЛАДАСИ

Атлантика океани қирғоғидаги бу жозибадор қасрнинг муаллифи мана шу 27 яшар испан меъмори Александро эканлигига япон олимлари, инглиз рассомлари, италия ҳайкалтарошлари ҳам ишонмасалар керак. Айниқса, Ҳиндистон мамлакатидан келган меҳмонлар бу замонавий меъморчилик ёдгорлигини ўзларининг асрлар оша жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётган Тож маҳалларига ўхшатишади.

Елизавета давлат ишларидан бўшамай қолган пайтларда бир йилда 2-3 марта келиб, қизидан хабар олиб кетадиган отаси билан учрашганида, дунёда ундан бахтиёр қиз йўқдай ҳис қиларди ўзини. Чунки унинг отасидан бошқа ҳеч кими ҳам йўқ эди. Лекин худди онасидай яқин бўлиб, уни ёшлигидан тарбиялаб катта қилган хизматкор хотинга ҳам суянар эди. Инглиз, француз тилларини шу хотиндан ўрганган. Уни туққан онаси эса, отаси Япония элчихонасида консуллик даражасида ишлаб юрган пайтида бўйидаги гумонаси билан денгиз саёҳатида сайр пайтида атом бомбаси нурланишидан етти ой минг азобда қийналиб, Мадрид касалхонасида вафот этган. Елизаветани она қорнидан сунъий равишда туғдириб олинган эди. Орадан йиллар ўтди, қиз жуда ҳам гўзал, ақлли бўлиб ўсди, лекин рангида қони йўқ, оппоқ эди.

Отаси Елизаветани Жанубий Африканинг денгиз соҳилларида, Авлиё Лаптевлар кўлида, Ўрта Ер денгизида даволатди. Мана бугун Елизавета ҳаётида яна бир қувончли кун содир бўлди. Дунёда яккаю-ягона, юрагига энг яқин одами — отаси билан машҳур ёш меъмор Александро қурдирган янги қасрни томоша қилгани моторли қайиқларда сайрга чиқишган. Янги қаср узоқдан эртаклардаги ғаройиб юшона — боғи эрамга ўхшарди. Улкан сарой шундай усталик билан қурилганки, қараган кишига худди океанга ағдарилиб тушаётганга ўхшайди. Ундаги жаҳоннинг ҳар қайси ерларидан келтирилган оқ мрамрлар, сопол ғиштчалар, офтобда товланиб, бино ҳуснига ҳусн қўшар эди. Унинг гўзаллиги яна шунда эдики, унда Қадимий Осийё, Яқин Шарқ меъморчилиги анъаналари ўз ифодасини топган эди. Бинонинг ранги қуёш йўналишига қараб турлича товланади.

Қизнинг отаси ёш, доим юзидан табассум аримайдиган ижодкорга келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб, яхши истаклар билдирди. Елизавета эса, Александрога қараб бу ажиб қасрни ҳам, отасини ҳам унутди — бутун фикр-хаёли шу гўзал, кенг елкали йигитга қадалди. Ёш меъмор ҳам шу пайтгача Мадридда бундай гўзал, сутдай оқ паривашни учратмаган эди. Қизнинг отаси бир оз дам олиш мақсадида қаҳвахонага кириб кетди. Александро қизни кўлидан ушлаб саройни томоша қилдиргани бошлади. Бунда дунёнинг барча ўсимликлари, гуллари, сайроқи қушлари бор эди. Шу куни иккаласи бир-бирига кўп йиллардан бери таниш энг яқин кишилардай ўрганиб қолишди. Энди уларни ҳеч қандай куч айиролмас эди. Йигит қизни оромбахш яхна ичимликлар билан меҳмон қилди. Канор эррларидан келтирилган тўти қушлардан ҳатто бир жуфтани унга совға этди. Кун бўйи бирга сайр қилиб, дам олишди. Қизнинг отаси ҳам уларнинг бугунги хоҳишларига қаршилиқ кўрсатолмади.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Йигит қизни бир кун кўрмаса чидолмас, эртанги кунни уйқусиз, орзиқиб кутарди.

Ниҳоят, аҳдлашилганига кўра, висол дамлари — тўй куни ҳам белгиланди. Уларнинг тўйи «Сув париси» деб номи дунёга кетган машҳур кема ресторанида бўлди. Мушаклар отилди, ноз-неъматлар тортилди. Уйин-кулги тонггача давом этди. Йигит ўзида йўқ бахтиёр эди. Қиз ҳам тушими, ўнгими — севги куйида маст эди. Йигит қизнинг юзидан, кўзидан бўса олар, қиз ҳам бутун вужудини, борини унинг ихтиёрига ташлаган эди. Бир вақт Александронинг қоп-қора сочларидан силаб савол ташлади:

— Мен учун ҳам шундай сарой қуриб берасизми?

— Албатта, — деб жавоб берди Александро, — бунинг учун лойиҳаларимни Япония, Америка, Африка, Европа мамлакатларига сотишим керак, сен кўрган қаср шаҳар ҳокими учун қурилган, шунинг учун кўп мамлакатлар буюртма бермоқда. Бойиб, пулим кўпайганида, албатта, шундай қасрни сенга атаб қуриб бераман, жоним.

Қиздан садо чиқмади. Йигитнинг бўйнидаги нозик, енгил қўли шилқ этиб кўрпага тушиб кетди. Ранги бўздай оқарган, қўли, юзи совиб қолган эди. Қиз кўзини очмас, ҳатто нафас олиши ҳам сезилмас эди. Йигит тезлик билан врач чақирди, ўзини қаёққа уришни билмасди. Энг кучли врачлар ҳам, ҳатто Лондон, Париждан чақирилган профессорлар ҳам қизнинг касали сирини билишолмади. Ҳамма врачлар бир неча кунлаб қилган ёрдамлари зое кетгач, қизнинг касалига даво топувчи шифокор, асбоб-ускуна ихтиро қилингунича уни барокамерада музлатиб, сақлаб туриш керак, деган хулосага келишди. Йигит ҳам иложсиз рози бўлди. У қизнинг тузалиб кетишига ишонар, руҳан қийналар, ўз устида ихтиро ишлари олиб бориб, овунарди. Эрталаб қуёш чиқаётганида, кечқурун қуёш шафағи ер ортига ботаётганида, Елизавета узоқ-узоқлардан унинг кўз олдига келар эди...

Йиллар ўта бошлади, Александро жаҳонга машҳур меъмор бўлиб танилди. Унинг ҳар бир лойиҳаси жаҳон бозорида ким ошди савдоси билан миллион-миллионга баҳоланадиган бўлди. У бойиб, қизга берган ваъдасининг устидан чиқди. Нокеан соҳилига ундан ҳам гўзал, афсонавий қаср қурдирди. Лекин бу қасрда ўзи ва яна бир неча хизматкорларидан бўлак ҳеч ким йўқ, Елизаветасиз унга бу ер жуда зерикарли туюла бошлади.

Қанча-қанча сувлар оқди. Соатлар, ойлар, йиллар ўтди. Александро бели букчайиб, ҳассасиз ўтиролмайдиган бўлиб қолди. 67 ёшини нишонлаётган кунининг эртасига шаҳар касалхонасидан хабар қилишиб, Елизаветага ёпишган дарднинг сири топилганлиги, қиз оёққа туриб кетганини, эртага жавоб беришларини айтишди. Чолнинг вужудини совуқ тер босиб кетди. «Қуруқ қунданнинг энди кимга кераги бор?» деган гап ўтди кўнглидан. Катта, қашаматли тошойна олдига борди, рўпарасида бели букчайган, юзлари тиришган, оппоқ соқолли нуроний чол турарди. Кўзига ёш келди. Қандай қилиб кўриниш беради Елизаветага бу аҳволда. У қаримаган бўлиши керак, шундай деган эди профессор. Кеч ҳам ўтди. Деярлик мижжа қоқмай чиқди Александро. Пардани кўтариб, узоқ-узоқларга боқди. Осмондан бўса олиб турган оппоқ булутлар, ялтираб турган оқ кемалар узоқдан товланарди. Соат миллари, аксига олгандай, имилларди. Хизматкор ёрдамида янги кийимларини кийди-да, енгил машинада касалхонага, қирқ тўрт йилдан бери уйқуда ётган Елизаветани кўргани йўл олди...

Врачлар Елизаветага бу ерда узоқ ётгани, кекса меъмор сарфлаган миллион-миллион пули бадалига у қайта тирилганлигини тушунтиришди. Александро ҳар куни у ётган камерани ушлаб чеккан оҳ-фиғонлари, шифо сўраб қилган нолалари, барокамерани тавоф қилишларини унга айтдилар.

Қизнинг дардига Япон профессорлари даво топган эдилар.

Касалхона эшиги очилиб, 18 ёшли гўзал Елизавета қучоғини очиб, узоқ соғинган кишидай кекса Александрони бағрига босиб, юм-юм йиғлади. Кўзларидан оққан маржон-маржон ёш чолнинг елкасини ҳўл қилиб юборди. Александро ўзида аллақандай ўзгариш юз берганини сезди, назарида ёшлиги қайтиб келгандай бўлди. Чунки у ўз ҳаётини, поклигини, вужудини фақат Елизаветани деб сақлаб қолган эди. Унинг юз-кўзларидан

узоқ силаб, бўса олди. Кўпдан бери йўқотган нарсасини топиб олгандай бўлди. Қиз кўзларига ишонмас, назарида худди бошқа шаҳарга келиб қолгандай, шаҳар эса таниб бўлмас даражада бутунлай ўзгариб кетгандай эди. Атрофда осмонўпар бинолар. Елизавета орзу қилган ажойиб бинога киришди. Бино у тасаввур қилганидан ҳам зиёда эди. Елизаветанинг отаси ҳам фарзанд доғида ҳаётдан аллақачон кўз юмиб кетган эди. Отасини эслади: «Дунёда тенги йўқ отажоним, ғойибона қучаман сени. Яккаю-ягона қизингнинг соғлиғи деб не-не азоб-уқубатларга бардош бердинг, уни ўйлаб иккинчи уйланмай ўтдинг, қиблагоҳим, падари бузрукворим...»

Энди унга Александродан бошқа ҳеч кими йўқлиги сезилиб қолди. У Александронинг бағрига сингиб кетадигандай унга талпинди, ширин ёшлик кунларини эшлашди. Ёшлик эҳтироси қизнинг вужудини тобора аланга олдирадди, лекин кекса меъмор ёшлик лаззатларидан, ширин-ширин ҳиссиётлардан узоқда эди.

— Александро, нега хомушсан, ахир у дунёдан қайтиб келдимку, янги ҳаёт бошлаймиз, мен сеникиман, ихтиёрим сенда, азизим, биз ҳам ота-она бўламиз, сени ҳеч кимга бермайман, мени қанча йиллар орзиқиб кутибсан, сен учун ҳамма нарсага тайёрман, уйқунг келяпти шекилли, ҳозир ширин қаҳва дамлаб келаман, ҳозир...

Бир неча дақиқадан сўнг қаҳва ҳам тайёр бўлди.

— Мана маза қилиб ичгин, кел ўзим ичкизиб қўяқолай, ўшанда биринчи қаср битганида, сайр вақтида ҳам ўзим қўлим билан ичкизиб қўйган эдим.

Аммо кекса Александро Елизаветанинг ширин сўзларини энди эшитмас, чунки у ҳаётдан кўз юмган эди. Унинг кўзлари юмилмаган, қизнинг жамолига тўймагандай очиқ, Александронинг ўша ёшлик пайтидаги эҳтирос, меҳри уларда абадий сақланиб қолган эди. Қиз худога нола қилар, ўзини ҳарёққа ташлар, нажот сўрар эди.

Елизавета оқ қон касалига учраганини, Александро уни қирқ тўрт йил кутганини, бунга сабаб Нагасаки устида портлаган даҳшатли атом бомбаси эканини тушуниб етмаган эди. Врачлар бу мудҳиш сирни ундан яширган эдилар.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, бир куни Елизавета мазкур касалнинг сирини тушунади, бу машъум ҳодиса уни меҳрибон онасидан, азиз, инсонга фақат бир мартагина nasib этадиган севгисидан жудо қилганини англаб олади...

Мадрид 1979 йил.

Ўзбекистон ССР халқ шоири
Собир Абдулла туғилган
куннинг 80 йиллигига



Собир Абдулла

Ҳар лаҳза-лаҳза

Кўзимдир интизор ҳар лаҳза-лаҳза,
Кўнгил ҳам беқарор ҳар лаҳза-лаҳза.
Тилимда доимо номинг этиб ёд,
Соғинчим ошкор ҳар лаҳза-лаҳза.
Хаёлимни мудом ёнингга судрар,
Инону ихтиёр ҳар лаҳза-лаҳза.
Сенингсиз кеча-кундуз қоп-қоронғи,
Жаҳон ҳам менга тор ҳар лаҳза-лаҳза.
Кунимни, дилбарим, ҳижронга қўйдинг,
Ўтиб безътибор ҳар лаҳза-лаҳза.
Яшарман ваъдаи васлингни ўйлаб —
Йўлинг пойлашда, ёр, ҳар лаҳза-лаҳза.
Отим Собир эди, сабрим тугади,
Кетиб тандан мадор ҳар лаҳза-лаҳза.

Ёшликка мурожаат

Бос йўлни бир маромда, шошма, адашма ёшлик,
Шошсанг адаштирар йўл, албатта, шошма ёшлик.
Шўх бўл, олов-юрак бўл, ёшликни ҳусни ортсин,
Мағрурланиб ва лекин ҳаддингдан ошма ёшлик.
Дарёдек ўшқириб оқ, денгиз мисоли ҳайқир,
Шу нисбатинг кифоя, атрофга тошма ёшлик.
Ўт бўл, алангалангин, куйдир тўсиқни йўлда,
Ўчма, ўчишни билма, хасдек туташма ёшлик.
Ишқ ўйнаб соф кўнгилда, сев эл билан Ватанни,
Дуч келса йўлда ағёр, кўрқма, бўшашма ёшлик.
Кенг бўл жаҳон каби сен, дилга жаҳонни сиғдир,
Олтинни бир тепиб ўт, дунё талашма ёшлик.
Кексайганида Собир, ёшликни қадри ўтди,
Қилгай унга узокдан нозу карашма ёшлик.

Пахтазор «Саёҳатнома»си

Мушоира

Чархий:

Юз шукрим, дориламон
Даврондадирмиз шодмон,
Бир зумда сайри осмон,
Азми сафар осон экан.

Собир Абдулла:

Эркин нафас, кенг синалар,
Олдин томон талпиналар,
Энгил учиб машиналар,
Ул «Волга» ном жонон экан.

Чархий:

Тўрт шоиру етти адиб,
Қилмоқ сафар бўлди насиб,
Бизларга йўлдошу ҳабиб
Илҳомчимиз даврон экан.

Собир Абдулла:

Завқ уйғотиб тоғу довон,
Асфальтлашиб йўллар, равон,
Биз ўзни қуш этдик гумон,
Ким учса, беармон экан.

Чархий:

Машиналар турнақатор,
Йўл бехатар, дил навбахор,
Жонга ҳузур, танга мадор,
Элга қулай имкон экан.

Собир Абдулла:

Бормоқдамиз ёзмоқ бўлиб,
Тобора шавқ-завққа тўлиб,

Сухбатлашиб, қаҳ-қаҳ кулиб,
Сўзлашда тил бийрон экан.

Чархий:

Келдик етиб шаҳри Қўқон,
Шеър булбулига ошиён,
Ундан ўтиб Найманча жон,
Ҳарёғи боғ-бўстон экан.

Собир Абдулла:

Тўғри йўл олдик Бешарик,
Дил равшану кўнгил ёруғ,
Ташвишу ғамдан зарра йўк,
Аммо қувонч чандон экан.

Чархий:

«Киров»га етдик йўл юриб,
Куз фаслининг гаштин суриб,
Мўл пахтани чўглаб кўриб,
Шодликка тўлган он экан.

Собир Абдулла:

Фурсат топиб, вақт улгутиб,
Хурсанд бўлиб, қўлдан тутиб,
Активлари олди кутиб,
Раҳбар йигит чаққон экан.

Чархий:

Сухбат ширин этди давом,
Ҳар қайсиси ширинкалом,
Айлаб улар бизларни ром,
Юз шеър ун дoston экан.

Ўзбекистон ССР халқ шоири Собир Абдулла адабий гурунгларида: «халқдан узоқ бўлган ижод сувсиз дарё» деган иборани кўп такрорларди. Шу жиҳатдан келиб чиқиб ижодкор асарларига назар ташласак, газалларию дostonларининг, драмаларию романининг мазмуни ва шаклига халқ оғзаки ижоди ҳамда классик адабиёт зеб берганини кўраимиз. Собир Абдулла ўзбек совет шоирлари орасида биринчи бўлиб шарқ шеърини анъаналарини давом эттириб, беш ярим минг мисрадан иборат «Девон» тузди.

Ижодкор дўстлари уни бежиз классик адабиёт билан совет адабиётини боғлаб турувчи кўприклардан бири, деб айтмасдилар. У классик поэзиямида мавжуд бўлган барча

жанрларда қалам тебратди. Шеърини асарларининг асосий қисмини аруз вазнида ёзди. Собир Абдулла аруз вазнининг энгил ва равон шакллариини қидириб топиб, унга янги мазмун ва замон руҳини сингдирди. Шунинг учун ҳам унинг газаллари эл орасида катта қадр топди.

Ижодкор ўзбек совет драматургияси ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Унинг ижодида хос бўлган хусусият — фольклордаги гуманизм ва халқпарварлик, ватанпарварлик ғояларини янги ижтимоий шароит замирига кўчириб таҳлил этгани драма асарларида ёрқинроқ намоён бўлди. Айниқса драматург яратган қатор хотин-қизларнинг образлари миллийлиги, сажимийлиги, аёлларга хос нафосати ва назокати билан

Собир Абдулла:

Тўпланди шеър мухлислари,
Қайноқ муҳаббат ҳислари,
Зални кўмиб олқишлари,
Халқ бахтиёр, шодон экан.

Чархий:

Айлаб давом кенг, анжуман,
Залга кўчиб келди чаман,
Шеър тинглаган, гул ушлаган
Ёшу қари мезбон экан.

Собир Абдулла:

Тун, Бешариқ аҳли ўраб,
Соғу саломатлик сўраб,
Турганимизда гуркираб,
Ўткинчилар ҳайрон экан.

Чархий:

Қўшхонага етдик, жўнаб,
Чиқдик дала, шу кеч тунаб,
Совхозчилар майдон тузаб,
Кенг, ям-яшил майдон экан.

Собир Абдулла:

Илк субҳидам, чиқмай кўёш,
Термоқда пахта кекса, ёш,
Диллар билан диллар тўташ,
Бир тан экан, бир жон экан.

Чархий:

Илҳом учун меҳнат хуруш,
Имкон қани, турмакка бўш,
Биз ҳам териб, қўшдик улуш,
Сув бўйида шийпон экан.

Собир Абдулла:

Совхозки, «Киров»дир, баланд,
Фан ҳикматидан баҳраманд,

Меҳнат қилиб, халқ аржуманд,
Кўнгли баҳористон экан.

Чархий:

Кездик, суриб, гашт йўлма-йўл,
Кенг пахта майдон ўнгу сўл,
Бултургидан ҳосили мўл —
Ҳаддан зиёд бўлгон экан.

Собир Абдулла:

Йўлнинг чети кетгунча тол,
Кўргач буни, бердик савол:
Олдик жавоб: дафъи шамол,
Тўсмоқ учун кўрғон экан.

Чархий:

Машҳур эрур «Деҳқон тўда»,
Ўтди асрлар қайғуда,
Энди гўзал бўпти жуда,
Халқи асил деҳқон экан.

Собир Абдулла:

Сир соҳили шўру қақир,
Қирлар ғариб, ерлар фақир,
Ўйнаб оқиб сув ҳам, ахир,
Ноёб эмас, арзон экан.

Чархий:

Совхоз экиб чўлга чинор,
Қурмиш иморатлар қатор,
Меҳмонга доим интизор,
Гулхона уй, айвон экан.

Собир Абдулла:

Биллоҳ, эмас зарбулмасал,
Тарвуз, қовун қанду асал,
Ҳар ташна чўл бўлса касал,
Сув — дорию дармон экан.

эътиборга лойиқ. Обидахон («Муқимий»), Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»), Барчиной («Алломиш»), Гул («Гул ва Наврўз»), Муҳаббат («Истеъдод») каби образларнинг томошабинларга маъқул бўлиш сирининг илди-зи ана шунда.

Собир Абдулла ўзбек демократ шоири — Муқимийга бағишланган драма ва романида Муқимий образини ижодкор яшаган даврнинг бутун зиддиятлари жараёнида кўрсатишга интилган.

«Ҳасан билан Кимсан», «Дўлга богир», «Беш саргузашт» сингари асарлари эса унинг кичкинтойлар учун ҳам баракали ижод қилганига далилдир.

Собир Абдулланинг Навоий, Фурқат, Муқимий ва Ҳамза

ижодига оид илмий мақолалари адабиётшуносликда ўз қимматига эга. Таржимачилик борасида ҳам Собир Абдулланинг муносиб дастхати бор. Унинг бир қатор асарлари қардош халқлар тилларига ўгирилган. Собир Абдулла серқирра ва сермахсул ижодкорлардан бири эди. Санъаткорнинг ёзув столида ниҳоясига етмай қолган, лекин ўқувчиларга тақдим қилиниши лозим бўлган талай асарлари бор. Шоирнинг тугилганига саксон йил тўлиши муносабати билан берилаётган ғазаллар, саёҳатнома ҳамда «Ҳаёт йўли» номли романидан олинган мазкур парча биринчи марта эълон қилиняпти. Демак, Собир Абдулла мухлислари билан ўзининг янги асарлари орқали учрашяпти.

Чархий:

Қўлга қалам олдик шу дам,
«Илҳом париси» бўлди жам,
Нуқсонларин ёзмоқ эсам:
Баржаста бенуқсон экан.

Собир Абдулла:

Ёздик шошиб, қайтиб келиб,
Дафтарни улғайтиб келиб,
Таърифларин айтиб келиб,
Хўб камтарин инсон экан.

Чархий:

Қутлуғ замон деҳқонлари,
Меҳнат уларнинг шонлари,
Кўрдик, «оқ олтин» конлари
Шеърларда истехсон экан.

Собир Абдулла:

Бўлдик мукаллиф чойга биз,
Салқин, фараҳбахш жойга биз,
Меҳмонки, август ойга биз,
Сермева дастурхон экан.

Чархий:

Не хоҳласанг бор; мўлу кўл,
Меҳмон қилур ҳаттоки чўл,
Кўнглим тилар анжир нукул,
Бу хоҳишим пинҳон экан.

Собир Абдулла:

Хуллас, кезиб биз икки кун,
Халқ ҳимматин ёзмоқ учун,
Гоҳо ярим, гоҳо бутун —
Ёздик. Деманг, ёлғон экан!..

Чархий:

Ростдир, не ёздик биз, кезиб,
Кўрдик уни, билдик, сезиб,
Оппоқ қоғозларга чизиб,
Уртада туз ҳам нон экан.

Собир Абдулла:

Куз фаслининг эрта-кечи,
Иш қисталанг, кунлар зичи,
Ҳар бир грамм кўрсатгичи
Осмон ўпар хирмон экан.

Чархий:

Меҳнат қилиб тиклашда шон,
Олдда борар ушбу район,
Юртга аён, элга аён,
Олдинги аҳд-паймон экан.

Собир Абдулла:

Бу йил улуғвор, мўътабар,
Ҳар йилгидек қучсин зафар,
«Юз минг» қўшиб айтсак агар,
Мўлжалда тўрт миллион экан.

Чархий:

Қилсак ёзишни мухтасар,
Илҳомланиб, бўлди асар,
Айб айламанг, тушса назар,
Айб айламак бўҳтон экан.

Собир Абдулла:

Чунки, ёзиб ер бошида,
Совхозчиларнинг қошида,
Чархийки, етмиш ёшида,
Собир каби чаққон экан.

* * *

Иккинчи кун Яйпан томон,
Кеч пайти йўл олдик равон,
Гул «Ўзбекистон» бу район,
Бизни кутиб турғон экан.

28 август, 1970 йил,
Бешариқ-Нурсух.

Собир Абдулла

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Романдан парча

Касалхона бош врач Рагулевнинг кабинети, Ирода ўз-ўзидан изтироб чекар экан, қўли стол устидаги нарсалар атрофида тимискиланарди. Рагулев қайгадир телефон қилиб, бир одам билан саломлашди:

— Ассалому алайкум, Муҳаммаджон ака. Сизни Рагулев безовта қияпти.

— Эшитаман, — деган овоз келди.

— Бўзга доктор жўнатмоқчи эдик, ўша томонга кетадиган машина борми, йўқми, билмоқчийдим.

— Бу ҳақда ўртоқ Шораҳимов ҳам телефон қилиб, сўрагани, сиз яна яхши эсимга солдингиз. Уртоқ Урмоновнинг машинаси гаражда ремонтдан чиқиб, бугун қайтади, ҳозир тайинлайман, шофёрни топиб сизга хабар қилишади. Хотиржам бўлинг.

Рагулев раҳмат айтиб, телефон трубкасини қўйдию Иродага мамнуният билан қаради:

— Мана, машинангиз ҳам тайёр. Энди кассирлик ишимиз қолди.

— Қандай кассирлик ишимиз?..

— Қоида бўйича, командировкага бораётганларга аванс тўланади.

— Қўйсангиз-чи! Пулим бор, аванснинг ҳожати йўқ!

— Камтарлик ҳам эвида-да. У ерда ҳеч ким сизни танймайди. Чўлга кетаётганингизни унутманг. Тавба!

— Ахир!.. Мен!..

— Ахир, сиз бизга бегона эмассиз, шу касалхонанинг шифокорларидан бирисиз, биз сизни Бўзга жўнатыпмиз, қонуний ҳақингизни олинг, деяпмиз.

Рагулев ўзини тутолмай кулиб юборди. Ирода бу самимий меҳрибончиликлар олдида ўзини ожиз сезди, ерга қаради, қизариб — бўзарди, сочини беихтиёр ўриб, миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат! Мен энди қариндошимизникига бориб, нарсаларимни олиб келай.

— Майли! Аммо кеч қолманг. Машина берай десам, ўзим ҳам бир ерга шошяпман, қайтиб келиб, сизни кузатиб қўяман.

Икки соатлардан кейин Ирода уста Абдуқаҳҳор билан касалхона ёнига келганларида дарвоза олдида усти очик «ГАЗ» машинаси турганини ва рулда мўйловли шофёр ўтирганини кўришди.

Рагулев борган жойидан қайтиб келиб, Иродани кутмоқда эди. Қоғоз қутиларга жойланган дори ва тиббий анжомларни машинага олиб чиқишни буюриб, хайрлашиш олдида Иродани четга тортди:

— Бўзни ўзлаштириш ҳукумат штабининг бошлиғи жуда талабчан, қаттиққўл, тик сўз одам. Сиз ана шу одамнинг қўл остида ишлайсиз. Ҳамма

гап шундаки, сиз ишда, машаққатларга сабр-бардошли бўлишда, қийинчиликларни енгишда ўзингизни кўрсатолмас экансиз, у одамдан ширин сўз эшитмайсиз! Шунини ҳам айтиб қўяйки, ўртоқ Ўрмонов қаттиққўл, тошбағир кўрингани билан, жуда оққўнгил, сезгир, меҳрибон киши, бирикки суҳбатдаёқ у ҳар қандай кишини сара-пучакка ажратиб олади. Қисқаси, ўртоқ Ўрмонов сизни қайтиб бу ерга юбормаса керак. Оқ йўл, синглим!

Хайрлашар эканлар, уста Абдуқаҳҳор ҳам машинага чиқиб олди ва Ироданинг қулоғига шивирлади:

— Вокзалда ўзим кутиб олган эдим, ўзим кузатаман, қизим. Ахир, камера храненадан юкларни олиш керак-ку?

Мўйловли шофёр луқма ташлади:

— Сизнинг қизингиз бўла туриб, Андижон кўчаларини билмасликларига, унинг устига чамадонлари станцияда туришига ишонмаяпман. Машҳур уста Абдуқаҳҳорнинг қизи-я?

Уста Абдуқаҳҳор Иродага қаради, Ирода унга кўз қисди, бу ишоранинг маъносини пайқаган уста Абдуқаҳҳор шофёрга жавоб қайтарди:

— Илмини оширгани Тошкентга кетмоқчи эди. Бўзга бориб ўзингни кўрсатасан, ўқишга келаси йил юборамиз, деб станциядан қайтариб олиб келишди.

Уста Абдуқаҳҳор билан Ирода қуюқ хайрлашди. Машина Асака томон йўл олди, Ирода машинанинг орқа ўриндиғига ўтириб, кўм-кўк, кенг далаларни, узоқлардан кўриниб турган тепалик адирларни энтикиб-энтикиб томоша қилиб борар экан, шофёр машинани секинлатиб, уни ёнидаги ўринга таклиф қилди:

— Бу ерга ўтиб олақолинг, синглим, гаплашиб кетамиз.

Бу таклиф Иродага ҳам маъқул тушиб, ўтиб ўтирди. Машина яна олдинга босди, шофёرنинг қўли рулда-ю, кўзи йўлда, гапга тушиб кетди:

— Кўп жойларда бўлдимиз Асакамиздек хушхаво, хушманзара, серсув, шираи шарбатга кон жойни кўрмадим! Асакада кўп бўлганмисиз?

— Ҳа. Ёшлигимда бўлганман, кейинчалик ўқиш билан банд бўлиб, келаолганим йўқ.

— Шаҳрихонда-чи?

— Шаҳрихонни кўрмадим.

— Шаҳрихонни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз. Мен ўзим Шаҳрихонликман. Урушдан қайтиб келиб, райисполкомда ишлаб юрган эдим, олти ойча бўлди, Бўзни ўзлаштириш штабига ўтдим. Бошлиқ зарби тез, талабчан одам, юрагингни ҳовучлаб турасан киши.

Буни эшитиб, Ироданинг юраги орқасига тортиб кетди, лекин сирни бой бермай, аста суриштиришга тушди:

— Кўпол одам, денг?

— Кўпол эмасу интизоми қаттиқ. Ҳарбий интизом билан пишган менга ўхшашларга билинмайдию тартибга ўрганмаган жони ширин одам ўртоқ Ўрмоновнинг қаттиққўллигига чидаш беролмайди.

— Қовоғи доим солиқми?

— Йўқ, унчалик эмас, дилкаш, жонсарак, серҳаракат одам, ўзиям ишлайди, бошқаларни ҳам ишлатади. Агар бировнинг салгина муғамбирлигини сезиб қолса борми, ундан кейин кўраверинг. Ажойиб одам. Мана, Асакага ҳам келиб қолдик. Тўхтаимизми, кетаверганимиз тузукми?

— Кетаверайлик.

— Бу ҳам маъқул. Шаҳрихонда эшикка кириб, бола-чақадан хабар олиб ўтишга тўғри келади. Тўрт кундан бери Андижонданман.

— Шаҳрихондан нарисини ҳам анча борми?

— Анча бор. Йўл ҳам яхши эмас, трактор, бульдозерлар ўйиб ташлаган. Унинг устига чанг. Ҳарҳолда кун ботмай етиб борганимиз яхши.

Машина Асакадан ўнгга бурилиб, станцияни орқада қолдириб, Шаҳрихонга йўл олди. Ирода сумкасидан «блокнот»и билан қаламини олиб, олдин ёзганларини кўздан кечирди ва бир нималар ёзабошлади. Бироқ, шофёرنинг бошлаган узундан-узоқ изоҳга ўхшаш сўзи Ирода учун

шу пайт ортиқча туюлса ҳам муроса юзасидан «эшитяпман, қулоғим сизда» дегандек, бошини қимирлатиб тасдиқларди.

Шофёр гапириб бўлиб, Иродага савол берди:

— Бўзга ўзингиз кўнгилли бўлиб боряпсизми ёки мажбурият орқасида, дегандек.

— Кўнгилли бўлиб. Нима эди?

— Шунчаки айтдим қўйдим-да. Энди Шаҳрихонгача гаплашмай кетсак ҳам бўлади. Оҳ, ўзимнинг Шаҳрихоним!

— Шундай гўзал жой, денг?

— Бўлмасам-чи! Айниқса, мен учун. Биз уч ўғил эдик, акам жангда ҳалок бўлди, укам чап қўлидан ажраб қайтди: Соғ.

Бошланган сўзни эшитишга бардоши етмаган Ирода пичинг қилди:

— Шаҳрихонгача гаплашмай кетамиз, деб қўйиб, тағин... А?..

— Лавз ҳалол! Бўпти, тўхтатдик!

* * *

Шофёр уйда ушланиб қолиб, Шаҳрихондан кечикиб йўлга чиқдилар, йўл ёмонлиги устига чангу тўзон жадаллашга монелик қилиб, қуёш ботаётганда Бўзга кириб бордилар, чорраҳа — қишлоқ маркази, атрофи «алмисоқ»дан қолган баланд-паст кулбалар олдида болалар чувиллашиб, бир-бирини қувиб ўйнашмоқда, машина сигнал бермай, эҳтиёткорлик билан ўннга бурилиб, бир болохона олдида тўхтади:

— Мана, Бўзга ҳам етиб келдик, тушсангиз ҳам бўлади.

Ичкаридан бировнинг бақиргани эшитилди:

— Қодирали!

— Лаббай!

— Шунақаям бўладими?!

Шофёр ичкарига шошилди. Ирода унинг кетидан ичкарига уч-тўрт одим босди-ю, киришга юраги довламай қулоқ солди:

— Ремонт тугаши билан жўнадим. Эшик-эллер тинч, салом айтишди, телефон қилишган экан, ишламапти.

— Машина йўқ, телефон ишламайди. Бир ўзинг келдингми?

— Меҳмон бор. Муҳаммаджон ака тайинлаган эдилар, олиб келдим.

Янги доктор.

— Эркакми?

— Ёшгина аёл.

— Нима-нима?.. Қаердан келган экан, билмадингми?

— Андижон касалхонасининг энг яхши докторларидан бирини танлашиб юборишди, чамамда.

— Бу, бошқа гап. Чақир.

Қодирали Иродани бошлаб кирди, булар кирганда лампа чироқ ёкиб бошланг, кўйлак энгларини шимариб гўштни тўғрамча қилаётган барваста, тўладан келган одам қараб турар эди, у тортиниб турган Ирода билан илиқ кўришиб, жой кўрсатди:

— Утиринг, қизим, Қодирали, сен қозон остига ўт қалаб, бир ювиб юборгин. Бугун ҳам келмассан деб, ўзимга қозон каبوب қилмоқчи эдим, энди гўштининг қолганини ҳам тўғраймизу қовурмага айлантириб юбора қоламиз.

Ташқарига чиққан Қодирали қўлтиғида ўтин, бир қўлида Ироданинг чамадонини кўтариб кирди, ўтинни ташлаб, тағин чиқиб кетди. Ирода томошабин бўлиб туришни ўзига эп билмай, аввал қўл ювиб келиб, Урмоновдан пичоқни сўради:

— Менга беринг, амаки, ҳаммасини ўзим қиламан.

— Пазандаликка ҳам лаёқатим бор, денг?

— Бўлмасам-чи!

— Тасанно! Аммо-лекин, менда янги фикр туғилди, яхшиси, палов қила қолайлик, Қодирали, сен Раҳмонберди чолниқига бориб сабзи олиб чиқ. Узини ҳам таклиф қил, меҳмон келди, ош қияпмиз, дегин!

Ироданинг яна бир оғир чамадонини кўтариб кирган Қодирали, уни бир четга қўйиб, Раҳмонберди чолникига шошилди, Ўрмонов яна қўшимча қилди:

— Меҳмоннинг докторлигини айтма, чўчиб кетади.

— Хўп!

Қодирали кула-кула чиқиб кетди, Ўрмонов ҳам унга қўшилиб кулди. Ирода бу ҳолатга тушунолмади, ноқулай вазиятда Ўрмоновга назар ташлади. Ўрмонов унга «меҳмоннинг докторлигини айтма»нинг сабабини изоҳлаб берди:

— Бу қишлоқнинг кичиккина докторхонаси бор, унинг олақуроқ оти билан, сўлаги ўйнаган араваси ҳам бор, бу оту арава гоҳ-гоҳ Шаҳрихон касалхонасига касал ташийди, олисдаги қўшни қишлоқларга доктор олиб боради, Раҳмонберди чол шу «скорий помош»ни ҳайдайди, ҳам докторхонага қоровуллик қилади. Аммо, бу шўринг қурғур докторхона ҳеч докторга ялчимайди, доим қулф. Бундан Раҳмонберди чол хуноб! Кимлар келиб-кетганини мен гапириб ўтирмайину ҳали келса, чолнинг ўз оғзидан эшита қолганингиз маъқул.

Сочини бошига турмаклар, қозон ювишга уринаётган Ирода сўзланди:

— Балки шароит ёмондир, балки бошқа сабаблар бордир, шунинг учун докторга ялчимаётгандир?

— Ҳамма гап шунда. Шароит нима қилсин. Авваламбор, докторхона эски мачитга жойлашган, қоронғи хонада яшаб, касал қабул қилинади. Иккинчидан бу ерга юбориладиган докторлар хом, тажрибасиз, чўлни курорт деб ўйлаб, саёҳатга келган омонат докторлар бўлган. Улар халқни ўз атрофига тортиш ўрнига «Касалга соғайиш керак бўлса, ўзи келар!» қабалида хонадан чиқмай ўтиргани учун ҳам ўринларини тез-тез алмаштириб туришган. Жавонда, халтада гуруч бор, синглим, чироққа солиб, шифокорлик кўзи билан бир-бир қараб чиқинг, Ўзган девзираси хўп яхшию, майда тоши ёмон. Одамга ўрганган одам ёлғиз қолса, тажанглиги ошиб, кенг саҳрога ҳам сиғмай қолар экан, баъзан кечки пайтларда ўзим ёлғиз, ўз элимда мусофирга ўхшаб қоламан. Дарвоқе, Тошкент шевасида гапиришингизга қараганда ўша ёқликка ўхшайсиз?

— Ҳа. Тошкентликман.

— Бу сўроғим кўнглингизга келмасин. Андижон касалхонасининг врачлари, албатта, шу ерлик бўлиши шарт эмас, лекин андижонлик беморнинг хаста қалбидан йўл топиши, қалб билан бемор ўртасида таржимон бўлиши шарт. Бир кекса доктор билан ҳамсуҳбат бўлганимда у шундай деган эди: «Мен, кўп дориларнинг номини ёд билишимдан мақтанмайман, балки, шу дориларга беморнинг эҳтиёжи тушмаслиги учун, касалнинг олдини олиш йўллари билганлигимдан фахрланаман.» Буни сизга ўхшаш ёш шифокорлар эшитиб қўйсаларингиз зарар қилмайди.

— Раҳмат, амаки. Ажойиб одам экансиз.

— Сиз ҳам ажойиб бўлиб кўриняпсиз. Бир-икки ҳафта ўтмаёқ, болачақани, очиқроқ қилиб айтганда поччамизни соғиниб, чамадонни кўтариб қолмасангиз бўлди. Тўғрими?

Ирода ерга қаради, қизарди, анчадан кейин ўз қаршисида савол назари билан тикилиб турган кишига маъноли боқди:

— Ҳали турмушга чиққан эмасман.

— Ана холос!

Шу пайт этагига сабзи тўлғазиб олган Раҳмонберди чол билан Қодирали кириб, ширин суҳбатнинг белига тепишди.

— Сабзи истаб, иккимиз бутун қишлоқни айланиб чиқдик.

Шундай дея Раҳмонберди чол этагидаги сабзини бир четга тўкиб, кафтини қоқди, сўнг сўрашди:

— Ассалому алайкум! Ош егингиз бор экан, шу дардингизни кундузи айтиб қўймайсизми, ўртоқ начайник.

— Кечирасиз, чўлда эканлигимни унутибман. Қодирали, сабзини тўғранлар, ошни ўзим қиламан.

— Сизга жуда жавр бўляпти, ўртоқ начайник, куни билан тинмайсиз, ҳориб-чарчайсиз, кечга борганда қозон-товоқ ортиқча. Хабар олиб турар эдим, кампир касал бўлиб, ўзим билан ўзим ўралашиб қолдим, садағанг кетай!

Ўрмонов чолга яқинлашиб, кўзига тикилди:

— Кампир касал денг ҳали?

— Касал! Аравага ётқизиб, Шаҳрихонга олиб борай, десам йўл ёмон. Узилиб қоладими, деб кўрқяпман. Докторни қадрни ўтди.

Ўрмонов кулимсиб, хотиржамлик билан чолнинг елкасига қоқди:
— Касалнинг тузалгиси келса, доктор ўз оёғи билан келади, деган гаплар бор. Доктор жияним ишлайман, деб кепти. Хўп, майли, ишга оламиз. Шу шарт биланки, аввал кампиримизни тузатиб берсин. Нима дедингиз, Раҳмонберди тоға?

Чолнинг кўзи ярқ этиб очилиб, Иродага ёлборгансимон термилди:

— Умрингдан барака топ, қизим! Шундай қил!

Ирода ўрнидан сапчиб турди:

— Туринг, ота! Кетдик!

Ўрмонов кўлида қапгир билан унинг йўлини тўсди:

— Ҳар қанча муолижа бўлса, эрта билан бошлайсиз, қизим. Йўл чарчоғи, очлик иккиси бир бўлиб, кўзларингиз ичига тортиб, жуда ҳорғинлигингиз манаман деб турипти. Шундай эмасми?

— Жуда яхшиман, рухсат берсангиз, ота билан бирга бориб кампирни кўриб, ош дамлагунча хотиржам бўлиб келсам.

— Майли, — деди Ўрмонов ноилож елкасини қисиб, — хоҳишингиз шу экан, қаршилигим йўқ. Лекин, тезроқ қайтинглар.

Ирода чамадондан керакли асбобларини олиб, апил-тапил сумкага жойладию чол билан йўлга тушди:

Қоронғи, йўл ўйдим-чуқур, ҳали қишлоқни бошига кўтариб ўйнаётган болалар ҳам уй-уйига тарқаган, узоқ-узоқларда итларнинг эринибгина ҳуриши сукунатни бузиб туради. Иродани бошлаб бораётган чол гапириб-гапириб кўяр эди:

— Мана, етай деб қолдик. Умрингдан барака топ, қизим, келганингдан хурсандман. Электр келади, деган миш-мишлар бор, электр келса, йўлимиз ҳам, уйимиз ҳам ёруғ деявер, қизим. Етдик. Сен шу ерда бир оз кут, қизим, мен кириб, итни боғлаб кўяй.

У Иродани эшик олдида қолдириб, ичкари кириб кетди. Осмонда жадаллаб бораётган оқ булутлар орасидан ялт этиб кўринган юлдузлар яна бир оздан кейин булут ортига яшириниб, чўлга келган шифокор қизга парда орқасидан кулиб мўралаганга ўхшаб туюларди. Анча ҳаяллаб кетган чолнинг ичкаридан йўталгани эшитилди ва кўлида ёқилган шам билан эшикни очди:

— Киравер, қизим, киравер, куттириб кўйдим.

Чол йўл бошлади кўримсиз айвондан ўтиб, яланг тавақа эшикдан энгашиб, уйга кирдилар, кампир кўзини аранг очиб, миннатдорчилик изҳор қилгандек, бошини қимирлатдию тағин кўзини юмди. Ирода ҳароратни ўлчаб, томир кўриб, қон босимини аниқлагандан кейин шошилишч укол қилишга киришди ва ёнида чўкка тушиб, чироқ тутиб турган чолга маъноли қараб олгач, аста шивирлади:

— Бориб, кичик чамадонни олиб келасиз.

— Ош. Бирга бормаймизми?!

— Йўқ. Мен боролмайман. Насибамни юборишсин. Ташлаб боролмайман, бу кеча ухламасликка тўғри келади.

— Касали оғирми?

— Оғир. Қани, туринг, ош тайёр бўлмаса, кутиб ўтирманг, чамадонни олиб келиш керак.

Чол шошиб жўнади, йўл чарчоғи билан очликни унутган Ирода чолнинг тезроқ қайтишини бетоқатлик билан кутар эди, ҳаял ўтмай, чол бир кўлида чамадон, бир кўлида осилтириб, рўмолга ўралган косада ош кўтариб кирди ва уйни паловнинг иштаҳани қитиқловчи иси тутиб кетди.

Чамадондаги дориларни кўздан кечираётган Ирода чолдан сўради:

— Шакар ёки қанд борми?

— Топилади, қизим, топилади. Тағин нима керак?..

— Аччиқ, қайноқ памил чой керак.

Ирода биринчи ёрдам ўрнида кампирнинг билак томирига глюкоза, страфантинга яна бошқа дорилар қўшиб укол қилди. Бир оз вақт ўтгач, қандчой ичкизди. Сўнгра тоғорадаги илмилик сувга кампирнинг икки оёғини солиш билан андак хотиржамланиб, рўпарада тикилиб турган чолга кулиб гапирди:

— Мана, бўлди. Энди сиз дам олишингиз мумкин.

— Унча оғир эмасми, айланай қизим?

Улар сўзлашганча айвонга чиқишди.

— Енгил касалнинг ҳам ўз вақтида олдини олмаса, аста-секин оғирлашади, — деди Ирода. — Кампирнинг қон босимлари ошиб кетипти, юрак ҳолсизланган! Бу касал билан ўйнашиб бўлмайди! Ростини айтинг ота, бирор хафачилик юз берганини эслай олмайсизми?

— Нега эслай олмас эканман! Учинчи қизимиз асакалик бир йигитга тушган, куёв колхозда омборчи, қизимиз Асака касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлаб, турмушлари яхши, ўзлари итифоқ, яқинда учинчи фарзанд кўрган эдилар. Фалокат босиб, колхоз омборини ўғри урган, қўлга тушган ўғри терговда куёвни ўзига шерик қилиб кўрсатган!..

— Жавобгарликка тортилди. Шундайми?..

— Суд беш йилга кесиб, рўзғору сигир-бузоғини колхоз ҳисобига ўтказди.

— Буёғини айтмасангиз ҳам бўлади, ипнинг учи топилди.

— Йўқ! Ҳали топганингиз йўқ, қизим. Кампир шуни ўйлай-ўйлай, бундан уч кун олдин «Ойша уч бола билан қийналиб қолди, шу ерга кўчириб келиб, куёви қутилиб келгунча ўзимизда сақлайлик», деди. Мен кўнмадим. «Бўздаги медпункт ёпиқ бўлса, очиқ бўлганда ҳам унда ҳамширага ўрин йўқ, уни уч боласи билан боқиш қўлимдан келмайди», дедим. Кампир бир кун туз татимай йиғлади. Кейин ярашиб ҳам кетдигу шундан бери мазаси йўқ.

— Бордию доктор келиб, медпункт очилди ва у қаттиқ туриб, ҳамшира бўлишини талаб қилди, унинг талаби инобатга ўтиб, ҳамшира олинадиган бўлди, сизнинг илтимосингизни ерда қолдирмай, Ойша опани ишга таклиф қилдилар. У вақтда сиз розимсиз?

— Нималар деяпсиз, болам! Бўзга сизга ўхшаган яхши докторни юборишмайди, келадиганларнинг кўпини кўрдим, ҳамшира талаб қилиш уёқда турсин, ўзларининг қилар ишини билмайди. Медпункт эски мачитнинг хонақосига жойлашган, уни ўтган йил ремонт қилиб беришган эди. Колхоз идорасини штаб эгаллаб олгандан кейин колхоз медпунктини қоронғи, кичик ҳужрага кўчириб, хонақога бўғалтирини жойлаштирди. Тағин бу қишлоқда доктор турсинми?!

— Тушунарли.

Ирода ичкарига кирди, айвон устунига суянган Раҳмонберди чол ўзича гапира кетди:

— Умридан барака топсин, ажаб эмас, қўли эм бўлиб, кампир оёққа туриб кетса. Ҳар ярим соатда укол қиладиган бўлса, бу кеча ўзиям, менам ухламаймиз шекилли. Қани энди, ўз хоҳиши билан қолса, қишлоғимиз докторга ялчирди. Унинг устига, Урмоновнинг жияни экан.

Ирода чиқиб қўл ювди, унга белбоғини ечиб узатган чол илтимос қилишга тушди:

— Мен битта қайноқ чой дамлай, ошни бирга баҳам кўрайлик, мен ҳам кампирнинг ташвишида куни билан туз татиганим йўқ, балким ўзингиз ҳам йўл юриб келиб...

— Майли.

Чол чой қайнатиш учун қумғон остига ўт қалашга тушди, Ирода болишга тирсагини суяганча кўзи илинди.

— Қизим. Доктор қизим. Овқатланинг, кейин жой қилиб бераман, кампирдан ўзим хабардор бўлиб тураман.

Ирода чўчиб уйғониб, рўпарасида чолни кўрди, кўзларини ишқалаб, туриб ўтирди:

— Кўзим кетиб қопти.

— Чарчагансиз. Овқатланинг, кейин дам оласиз.

Эрталаб ўзини тетик сезган кампир кўзини очиб, бошида ўтирган оқ халатли чиройли қизни кўрди ва унга миннатдорчилик изҳор қилди:

— Раҳмат, қизим, минг раҳмат! Кечаси билан мижжа қоқмаганингизни сезиб ётган бўлсам ҳам, кўз очиб, бир сўз дейишга мадорим бўлмади.

— Яхши бўлаётганингиздан хурсандман, ҳеч нарса тўғрисида ўйламанг, ўзингизни уринтирманг, кечқурун яна келиб кўраман. Ҳозирча хайр.

Чол чамадонни кўтариб, Ирода билан олдинма-кейин кўчага чиқдилар. Ирода кейинда келаётган Раҳмонберди чолдан сўради:

— Медпункт жойлашган мачит қаерда?

— Йироқ эмас, бир оз юргандан кейин чапга буриламиз.

— Олдинга ўтиб, ўша ерга бошланг.

Ирода чидамай яна сўради:

— Колхознинг номи нима?

— Э... Айтгани одам уялади! Бу колхоз янги тузилганда ўртоқ Охунбобоев келиб, «Халқобод» деб, ном қўйиб берган эдилар, колхоз ўша йиллари чинакам обод бўлиб, гуриллаб кетган эдию бари бир чўл-чўллигига бориб, ҳар йили планини тўлғизолмай, ўтириб қолди, ундан кейин «Катта Фарғона каналидан Бўзга сув келар эмиш, Бўзда янги колхозлар тузилар эмиш, район бўлиб, иморатлар қурилар эмиш, ҳукўмат қарори чиқипти» деган хушxabарлар тарқаб, бўзликларнинг руҳи кўтарилиб турганда уруш бошланиб, колхозни елкасида кўтариб турган азаматлар урушга кетиб, колхоз аёлларга қолди. Қишлоқни кўриб турибсиз, хароб! Урушнинг тугаганига уч йилдан ошаёзган бўлса ҳам, касалдан янги турган дармонсиз одамга ўхшайди. Уруш бўлмаганда бу вақтгача Бўз атласга айланиб кетар эди, ҳали ҳам ҳеч нарса эмас, уч-тўрт йил мобайнида Бўзда катта ўзгаришлар бўлиши аниққа ўхшайди. Мана шу дарвозадан кирамиз. Ирода ота кетидан дарвозага бурилди: мачит саҳни ишдан чиққан қишлоқ хўжалик буюмлари, сўлаги ўйнаган аравалар ва темир-терсақлар уюми билан ивирсиган, ўнг томондаги хонақодан одамларнинг дувири, шақир-шуқир чўт садоси эшитилар, чап томонда иккита ҳужра бўлиб, бирига бензин бочкалари қамалган, иккинчиси қулф эди. Раҳмонберди ота белидан калит олиб, қулфни оча бошлади:

— Мана шу қоронғи ҳужра медпункт.

— Қани, кириб кўрайликчи.

— Кириб ҳам нима қилдингиз. Бурга кўп, бу ҳужрага сомон билан беда ғамлар эдим, энди докторхонанинг ҳамма қиммат асбоблари шу ерда ишдан чиқиб ётипти.

Буни эшитиб, кўзига жиққа ёш олган Ирода беихтиёр бақирди:

— Ахир, бу жиноят-ку! Яна: «Келган докторлар туришмайди!» деб, уялмай-нетмай таъна ҳам қилишади! Кетдик!

Қайтиб йўлга тушдилар, орқада келаётган Раҳмонберди чол ҳазин товушда сўради:

— Ростини айтинг. Сиз ҳам ишлашга келганмидингиз?

— Ҳа!.. Ишлашга, қишлашга, бургага ем бўлишга!

— Улиптими, дурустроқ жой беришмасал!

— Докторхонага боп жой борми ўзи?

— Нега бўлмасин, бор. Кечаги болохонанинг тепасида тўрт хона, пастида тўрт хона бор. Шундан икки хонасини тузатиб беришса, ялчиб қолардик.

— Уша ерга борайлик.

Бу йўллардан Ирода кечаси ўтгани учун жуда узоқ туюлган эди, ялангга чиқишлари билан болохона кўринди, яқинлашганларида бир йигит дуч келиб, Ирода билан қуюқ сўрашиб йўл бошлади:

— Үртоқ Ҳрмонов билан эрталаб учрашганимизда, мен сизга айтсам, доктор жияним меҳмон бўлиб келди, энди уни жўнатмаймиз, олиб қоламиз, деган эдилар, ўша доктор жиянлари сиз бўлсангиз керак, мен сизга айтсам, хуш кўрдик!..

— Ўша доктор жиянлари мен. Ўзлари қаёқдалар?

— Кундуз куни штабда кам бўладилар. Қани, сельсоветга кирайлик, ўша ерда ўтириб турасиз. Дарвоқе, бизнинг котибни чақириб, калит бераётганларини кўрган эдим, кирайлик. Юринг-чи, биламиз.

Бу йигит қишлоқ советининг раиси, ёшлардан кўтарилган ишчан, серҳаракат бўлса ҳам, андак тўнглиги, тажанглиги сабабли қишлоқда унга «Ғани хуноб» деб лақаб қўйишган эди.

Булар қишлоқ совети идорасига қадам қўйишлари билан, катта дафтарга бир нималарни кўчириб ёзаётган қиз югуриб келиб, Ирода билан сўрашди ва ғаладондан калит олиб, унга узатди:

— Үртоқ Ҳрмоновнинг хоналарида дам олиб турар экансиз, вақтироқ келишга ҳаракат қиламан, деб кетдилар.

Ирода калитни олиб, қизга раҳмат айтдию Ғани хунобнинг «ўтиринглар, мен сизга айтсам, чой тайёр»ига ҳам кўнмай, ота билан болохонага чиқди, хонани очиб, ўз юкларини ўша хонада кўрди.

*
*

Хона супуруқсиз, китоб, газеталар тўзиган, Ҳрмонов кроватидаги оқ чойшаб ва ёстиқ авранинг кируғижимлиги кўнгилни оздиргудек эди, бу аҳволни кўриб, Ироданинг ғазаби ачинишга айланди:

«Кўриқ, ташна, саҳрога ҳаёт бахш этиш, пахтазор, мевазорга айлантириш, Бўз кўксиде шаҳар бунёд этишдек олижаноб ишга ўзини сафарбар қилган, партия, давлат чақириғига лаббай деб, бу чўлга келиб, севимли оила, бола-чақа, ёру дўстлардан йироқда, кечани кеча демай, кундузни кундуз демай, шарафли хизматга шўнғиб кетган бу ажойиб коммунистдан ўпка-гина қилишга нима ҳаққим бор?»

Кўнглидан шу мулоҳазаларни ўтказган Ирода дам олишни эсдан чиқариб, хонани саранжомлашга, чамадонини кавлаб, ўзи учун келтирган ортиқча оқ чойшаб, ёстиқ авраларни олиб, Ҳрмонов кроватидагиғижим, кир оқ чойшаб, ёстиқ авра билан алмаштиришга уринаётган эди, эшикни чертиб, кўлида патнисда нон, коса қовун кўтариб котиб қиз кирди:

— Вай! Ишга тушиб кетипсиз-ку, опагон?

— Кўрмайсизми, синглим. Ботиб кетипти. Эпақага келтириб қўяй, деяпман. Сиз овора бўлиб, нималар кўтариб юрипсиз?

— Овораси борми, Бўзимизнинг қовунидан еб кўринг, деб олиб чиқдим.

Ирода, ойнаксиз, кўзига қоғоз ёпиштирилган, кўпдан бери очилмаган деразаларни очиб, кўзи кенг ўрикзорга тушди, таажжубланиб, қараганча қолди ва ёнидаги қизга савол ташлади:

— Ҳрикзорми?

— Ҳрикзор. Кўрмаганмидингиз?

— Йўқ. Бу томонга ўтмаган эдим.

Чўл ўртасида шундай катта ўрикзор бўлиши мўъжиза! Агар буни олдинроқ эшитганимда ҳеч ишонмаган бўлар эдим.

— Сизни бу кеч уйга олиб кетаман, бизникида тунайсиз. Шунда сизга бу ўрикзор тўғрисида катта онам сўзлаб берадилар. Биласизми, доктор опа, кичкина укамга эшак еми тошган эди, этагида эшакка ем берсак ҳам қайтмади ҳозир иситмаси бор.

— Ётиптими?

— Қаёқда ётади. Болалар билан кўча чангитиб юрибди.

— Нега ҳали айтмадингиз?

— Ҳозир эсимга тушди.

— Қани, кетдик.

Ёзилган нарса ёзиғлигича қолиб, Ирода шоша-пиша кийинди ва сумкасини олиб, қиз билан йўлга тушди: ҳаво дим, қорин оч, тунги уйқусизликдан қовоқлари киртайган, унинг устига йўл чанг-тупроқ, андак олис ҳам эди, яқин борганларида, ялангликда ўйнаётган бир тўп болалар узоқдан оқ халат кийган Иродани кўра солиб, «Доктор келяпти!» деб, чинқиришганча уй-уйларига тумтарақай бўлдилар. Қиз Иродага ишора қилди:

— Бола кирган четанли эшик бизники.

Четанли эшикдан кириб борганларида бола кўрқиб, кўчага қочмоқчи эди, уни опаси дод дейишига қулоқ солмай Ироданинг ёнига келтирди. Бу ғалвадан хабардор бўлган хотинлар, болалар, уларни ўраб олишди, гап кўпайди, кампирлар ўртага тушишди:

— Эшак еми ўзи қайтиб кетади, овора бўпсиз, қизим.

Болани кўриб, касалини аниқлаган Ирода салмоқ билан сўзлай кетди:

— Қизамиқ! Ҳарорати ўттиз саккиздан ортиқ бўлган бемор кўчада, болалар орасида, тупроқ қучоғида! Ахир, бу касал юқумли бўлишидан ташқари ҳаёт учун хавфли-ку! Эшак еми эмиш, тавба! Ҳали ҳам кеч эмас, болани дарров ётқизишларинг керак! Алоҳида уйда сақлаб, даволаш лозим! Қолган болаларни бу юқумли касалликдан асраб қолиш тадорикига киришишга тўғри келади! Мен ҳозир қайтиб келаман!

Ирода ниҳоятда асабий, чарчоқ ҳолда тез-тез юриб, болохонага етиб келди зинадан зўрға кўтарилганда хонани очиқ қўйиб кетгани ёдига тушди.

Хонага кириши билан кўзи патнисдаги нонга тушди, қўлига олиб, бутун ноннинг бир четидан тишлади, дори ажратишга дармони етмай, ўтирганича кўзи илинди.

Орадан бирор соат ўтган эди, чўчиб уйғониб, бошида котиб қизни кўрди, қиз уйидан чой дамлаб келиб, уйғотишга ботинолмай, қотиб турар эди.

— Чойингиз учун раҳмат. Жуда ҳам чанқагандим, оч қоринга қовун ейишга кўрқдим, аммо ноннинг биттасини паққос тушириб, ҳузур қилдим. Айтганча, отингизни билиб олмоқчи эдим.

— Отим Ризвоной.

— Ризвоной. Укангизни ётқиздингизларми? Ё?..

— Ётқиздик. Аммо, касалхона тўғрисида чакки гапирдингиз, сиз чиққандан кейин бувим дод солиб, ҳовлини бошига кўтарди. Бориб, тушунтирмасангиз бўлмайди.

Қайноқ чойдан бир пиёла ичган Ирода иккинчи пиёласини бир ҳўплаганча, столга қўйдию чамадондан дори қидиришга тушди ва хаёлга ботди: «Эй, шўрлик Ирода, ҳаётингнинг сўқмоқ, машаққатли йўллари энди бошланяпти, мустаҳкам бўл, дадил бўл! Шундагина енгиб чиқасан, шундагина совет шифокори деган фахрли номни оқлай оласан, шундагина ушалмай кетган кўп орзу-армонларни рўёбга чиқарасан!..»

Дори ва укол асбобларини сумкага жойлаб, Ризвонойга қаради:

— Юринг.

Ётоқхона калитини қоровулга топшириб, икки қиз йўлга тушдилар, қишлоқ кўчасида одам сийрак эди. Ирода ёнида жим келаётган Ризвонойга маъноли кўз ташлади:

— Бўзда сиз баравар қизлардан борми?

— Бор! Етти йилликни бу йил беш қиз тамомладик, мендан бошқалар колхозда кетмончи бўлиб ишлашяпти, мени Ғани ака қишлоқ советига котибликка олиб қолди.

— Етти йилликни тамомлагандан кейин, ҳеч бўлмаса областдаги техникумларга бориб ўқишларингиз керак. Бу тўғрида дугоналарингиз нима дейишади? Еки ўқишга ҳавас йўқми?

— Ҳавас бор. Лекин йўл бўлсин. Мен жон деб ўқирдим, бувим тиш-тирноғи билан қарши. Отам урушдан қайтиб келмай, бувим уч бола билан қолди, унга ёрдамлашимиз керак.

— Бордию бувингизни кўндирсак, қайси ўқишга борар эдингиз?

— Менга бари бир.

— Бари бир нимаси? Ҳайлаганингиз бордир?

— Ҳайлаганим бор. Ҳақитувчилик. Иложи йўқ.

— Балки иложи бўлиб қолар. Дугоналарингиз-чи?

Улар ҳам жон деб хоҳлашарди-ю, лекин боришлари қийин. Бўлмаса, Жамила агроном, Ҳайри билан Ҳақима ҳамшира бўлиш орзусида эдилар. Илож йўқ. Колхозда ишчи кучи етишмайди. Раис қўймайди.

Ирода ўз-ўзича ўйлай кетди: «Колхозда куч етишмайди! Колхоз раиси ҳақ, бир қишлоқдан ўттиз уч йигит урушдан қайтиб келмапти! Аммо, санъатда ҳам талантлар етишмайди-ку!»

* * *

Айвондаги пашшахонада ётган бола, докторни кўриб «энди укол қилади» деб безовталанган эди, лекин у фақат дори ичкизди. Чиқиб кетаётиб эса боланинг бувиси ва ўзига қайта-қайта тайинлади:

— Қизамиқ қайтиб, соғайиб, мен рухсат бермагунимча ўридан турмаслик, турганда ҳам ташқарига чиқмаслик, болаларга қўшилмаслик, болаларни бу ерга киргизмаслик керак. Берилган дорини ҳам ўз вақтида ичиб туриши лозим.

Ризвоной Иродани нарироққача кузатиб, хайрлашди, Ирода Раҳмон-берди чолнинг кампирига берган ваъдасини эслаб, ўша томон йўл олди ва кўча эшиги олдида чолни кўриб қадамини жадаллатди:

— Салом, ота! Мени йўқотиб қўйиб, хайрон бўлдингизми?

— Ваалайкум ассалом! Нимасини айтасиз! Менинг истаганим майлику-я, ўртоқ Ҳурмонов истаганини айтмайсизми? Қодирали машина билан ҳозир келиб кетди!

— Кампир қалайлар?

— Кампир бугун отдай! Қўлингиз дард кўрмасин, қизим! Унинг соғайиб қолганидан хурсанд бўлиб турувдим, икки боласини етаклаб, Асакадан Ойша келиб қолса бўладими?! Хурсандчилик устига хурсандчилик!

— Хурсандчилик бўлаверсин. Аввал улар билан кўришиб чиқай, кейин штабга борарман.

— Юраверинг, қизим, ит боғлиқ.

Иродани ҳовли ўртасида Ойша кутиб олди. Ёқимли, очиқ чеҳра, соғлом бу жувон сиймосида Ирода чаққон медицина ҳамширасини кўрди,

• Ақл ва маъно дурлари •

* * *

Киреналик (Шимолий Афина, Қадимий Юноностон колонияси) Аникерид чавандозлик ва арава ҳайдаш маҳорати билан машҳур эди. Бир куни ўз санъатини Афлотунга кўрсатмоқчи бўлди. Отларни араваларга қўшиб, Академия боғига елдириб кетди. У аравани шундай усталик билан ҳайдардики, ҳар қайтганида гилдирак изи олдинги из устига хатосиз тушарди. Йиғилганлар йигит маҳоратига қойил қолишди. Аммо Афлотун Аникериднинг бу машғулоти-ни маъқулламади ва шундай деди:

— Бундай арзимас нарсаларга берилган киши бирор жиддий иш билан шуғуллана олмайди, чинакамига ажабланадиган нарсаларни пайқамай қолади.

* * *

Олим, фозил киши ҳаётида, фанда нимага эриша олгани ҳақида ўйлайди. Абул Ҳасан ибн Исо ал-Валволиний деган фаҳиқ (қонуншунос) ажал тўшагида ётган Абурайҳон Берунийнинг олдига киради. «У жон бераётган, нафаси фарғара билан келиб, кўкраги сиқилаётган эди, — деб ёзади қонуншунос. — Ҳундай ҳолда туриб, менга қараб:

— Сен бир куни менга «Ал жаллод ал фосида» ҳисоб ҳақида нима деган эдинг?» деб сўраб қолди.

у билан қуюқ сўрашгач, икки набирасини ёнига олиб, айвондаги чорпояда болишга суяниб ўтирган кампирга яқинлашди:

— Яхшимисиз, онахон? Қизингиз, невараларингиз келиб, хурсанд бўлиб қолдингизми?

— Ширин тилларингдан онанг ўргилсин! Мени тузатган дори эмас, сенинг ширин сўзларинг бўлди! Ҳалитдан бери кўзим тўрт эди! Ойша келиб, уйим тўлиб қолдию сенинг ўрнинг бўлак, шифокор қизим! Ойша! Овқатингни суз!

— Ўзларинг бахузур овқатланаверинглар. Мени каттамик йўқлатган эканлар, қайтиб келиб, шу ерда қоламан.

Қодирали машина билан келиб, тополмай кетганидан кампир ҳам хабардор эди, майли деди, Раҳмонберди ота Иродага ҳамроҳ бўлиб, штабга йўл олдилар.

Бу кеч Урмонов болохона остидаги бўғиқ хонада эмас, ўрикзорда эди. Ўрикзорга қадам қўйиши билан Ироданинг баҳри дили очилди. Сув сепилган, супурилган жойга тахта сўри қўйилган, Урмонов тўр майкада, бошланг ўтириб чой шопирмоқда эди, узоқдан Иродани кўриб, кўйлак кийишга шошилди ва унга тегишди:

— Бўз саҳросининг севимли шифокорига саломлар бўлсин!

Кулиша-кулиша, сўрашдилар, Урмонов Иродани ўзининг ўрнига ўтказиб, чой тутди:

— Сизга, Андижондан салом.

— Андижонга бориб келдингизми?

— Ҳа. Бордим у келдим, бола-чақанинг олдида ҳам бир соатгина бўлдим, холос. Сизга ўртоқ Шораҳимовдан салом.

— Кўришдингизми?

— Кўришиш ҳам гапми, мажлисда ёнма-ён ўтирдик. Чап қулоғингиз роса қизиган бўлса керак?

— Бундан чиқди, менинг ғийбатим бўпти-да?

— Ғийбатингиз бўлди. Жуда инжиқ доктор қиз экан, Бўзни остин-устин қилиб юборди, дедим. Айтганча, кўрасолиб айтишим зарур бўлган раҳматни унутибман. Қайтиб келиб ҳужрани танимадим, бошқа бировнинг уйига кириб қолдим чоғи деб, кўрқиб кетдим.

* * *

Иродани холи қўйиш ниятида бир нарсани баҳона қилиб болохонага чиқиб кетган Урмонов, анча ҳаяллаб тушди, Раҳмонберди чол ошдан

● *Ақл ва маъно дурлари* ●

Мен унинг қийналаётганига раҳмим келиб:

— Шундай бир ҳолда-я? — деб сўрадим.

— Менга қара, — деди Абурайҳон, — мен бу дунё билан хайрлашаётиман. Уша масалани билмай кетганимдан кўра, билиб кетганим яхшироқ эмасми?

Уша масалани унга тушунтириб бердим. У ёдлаб олди ва ўзи ҳам ваъда қилган нарсаларини менга уқтирди. Шу билан мен унинг олдидан чиқдим. Нарироқ бормай туриб Абурайҳоннинг уйдан йиғи овозини эшитдим.

* * *

— Жаноб профессор, — деб мурожаат қилди бир йигит Биллротга, — нега ичимлик ёшларнинг миясига-ю, кексаларнинг оёқларига таъсир қилади!

— Ичимлик ҳар доим заиф жойини қидиради-да, — деб жавоб берди Биллрот.

* * *

Фуше Робеспьерга:

— Мени ўзингга дўст эт, — дебди.

— Йўқ, душманлигингча қолавер, шунда мен учун хавфли бўлмайсан, — жавоб берибди Робеспьер.

насиба олиб қўл артди, Ирода олдин жуда иштаҳа билан «иш бошлаган» бўлса ҳам, ошни ярим қилар-қилмас тўйиб қолган эди, чой қўйиб узатган Раҳмонберди чол луқма ташлади:

— Олинг, қизим, қўлни артманг, мен битта қайноқ чой дамлатаман.

— Кўзи очлик қилиб кўп олдим. Тўйиб қолдим. Отларини билмайман, ўртоқ ўрмонов тушсалар, биз кетсак ҳам бўлар эди. Чарчаганим қорин тўйгандан кейин билинди.

— Ўрмоновнинг номлари Юнусжон эмиш, деб қулоғимга чалинган эди. Юнусжон тушсалар, жавоб сўраймиз.

Раҳмонберди чол қайноқ чой дамлатиш учун, чойнакни олиб, узоқлашди, Ирода эснаб олиб, дастурхон-газетани йиғиштириш, нарироққа элтиб қоқиш билан машғул эди, ёстиқ билан тўшак қўлтиқлаган ўрмонов болохонадан тушиб келди:

— Мен энди ҳар кеча шу ерда тунашга аҳд қилдим, болохона энди сизники, Ирода, хоҳланг ҳозир чиқиб дам олинг, хоҳланг бир оз суҳбатлашинг. Аммо сизни вақтли уйғотишга тўғри келади, эртага кун бўйи мен билан бўласиз, бу ер шунчаки штаб маркази, асосий ишимиз ичкарида, колхозлардан юзлаб хонадонлар кўчиб келган, минглаб одамлар ишлаяпти, бинолар қуриляпти, йўллар чиқариляпти, тепаликлар текисланяпти, бир бригада танобчиларимиз шу иссиқ кунда поёнсиз саҳрони қадамлаб юриб, метрлаб ўлчаб, карталаштириш билан банд. Улар орасида хотин-қизлар ҳам бор, колхозларга тақсимланган ерларни ҳужжатлаштириш учун улар берган аниқ ўлчов керак бўлади, шу йўл билан кенг саҳро тизгинланиб, эгаларига, қудратли совет деҳқонларига топширилади, йиллар ўтади, чўл чўллигидан тониб, ям-яшил пахтазор, мевазорга айланади, янги шаҳар қад кўтаради. Ростини айтсам, қиладиган ишимиз тўлиб-тошиб ётипти, баҳорга чиқиб ухлашга ҳам қўл тегмай қолади. Ҳозирча бу ҳақда гап тамом, қолганини эртага бўлаётган ишларни кўрсатиш мобайнида гапириб бераман.

Ирода эрта билан машинада чўл кезишга ошиқиш ўрнига ўйланиб қолди, ўрмонов бу ҳолни тушунолмаي ҳайрон бўлди:

— Боргингиз йўқми?

— Нега? Лекин эртага эрталаб қизлар билан учрашиб, суҳбатлашмоқчи эдим. Улар тўпланишиб келишса-ю, мен сиз билан кетиб қолсам...

— Қизлар билан учрашингиз жудаям зарурми?

— Жудаям зарур. Биласизми, болалар ўртасида қизамиқ тарқалган, қизлар ёрдамида эртага ҳамма болаларни кўздан кечиришим керак. Бугун бирини аниқлаб, уйда ётқиздим, назорат остига олдим.

— Раҳмат, сизга!

— Бу қишлоқ аҳолиси мени шифокор деб танимаса, тан олмаса ҳам уйма-уй юриб, ўзим-ўзимни танитаётибман. Ҳолбуки, келганимга бир ҳафта бўлаётти-ю, мени на қишлоқ совети танийди, на колхоз раиси. Ҳозирча «ўртоқ ўрмоновнинг шифокор жияни»ман.

— Бу менинг айбим. Тан оламан. Дарҳақиқат, сиз билан ҳеч кимнинг иши бўлмади, ўз ҳолингизга ташлаб қўйдик. Илгари келган докторлар ҳам мана шундай сабаблар билан кетиб қолган бўлишлари турган гап. Балки сизда ҳам кетиш фикри туғилгандир?..

— Йўқ! Мен кетмайман! Кетишни ўйлаганимда, аввало, келмас эдим, бу ерга иссиқ, тинч жойимни ташлаб, виждон амри билан йўл олдим, бу ерга шифокор бўлиб келиш умидида яшаб, ўқиб, ниятига ета олмаган бир жанг қурбонининг руҳига қасамёд қилиб, унинг орзусини рўёбга чиқариш учун келдим...

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси
Жўлмирза Оймирзаев туғилган
куннинг 75 йиллигига



Жўлмирза Оймирзаев

Москвадан қорақалпоқ келмоқда

(Ленинни кўриб қайтаётган
қорақалпоқ шаънига қўшиқ.)

Чўққи соқол, жавдиروق кўз овулдош,
Бўйи баста алп сиёқли, сербардош,
Кўнглидан жой олгандайин чўнг қуёш,
Эл ишига давлатли боғ келмоқда,
Москвадан қорақалпоқ келмоқда.

Баҳра олиб Россиянинг нуридан,
Эрк йўлини кўрсатган халқ еридан,
Кремлнинг юрагидан — тўридан
Ял-ял ёниб, бир шамчиروق келмоқда,
Москвадан қорақалпоқ келмоқда.

Қип-қизил шарф ўраганча бўйнига,
Шодликлари сиғмай кўнжу қўйнига,
Нур сочмоқчи бўлиб Аму бўйига,
Баланд обрў, чеҳраси оқ келмоқда,
Москвадан қорақалпоқ келмоқда.

Октябрда тахтга қарши ўқ отган,
Оқ подшо ҳам малайларин йўқотган,
Озодликдан элга хабар таратган,
Ўзи қувноқ, сўзи қувноқ келмоқда,
Москвадан қорақалпоқ келмоқда.

Таниқли шоир ва носир
Жўлмирза Оймирзаев қо-
рақалпоқ совет адабиёти-
нинг ривожига муносиб
ҳисса қўшиб келаётган
ижодкорлардан биридир.
Унинг «Кураш», «Амударё
тонги», «Ойгул ва Обод»,
«Ҳаёт булоғи», «Етимнинг
қалби», «Сизни севаман,
одамлар!» сингари ранг-
баранг жанрда ёзилган
қатор асарлари қардош
тилларга ҳам таржима қи-
линиб, қорақалпоқ совет
адабиётининг миқёсини
кенгайтди. Ижодкор
адабиётдаги хизматлари
учун Ўзбекистон ССР халқ
ёзувчиси ва Қорақалпоғис-
тон АССР халқ ёзувчиси,
деган юксак унвонларга
сазovor бўлди. Янги тар-
жима қилинган шеърлари-
дан берилётган ушбу на-
муналар ижодкорга ет-
миш беш ёшга тўлиши
муносабати билан журна-
лимизнинг билдирган кут-
ловидир.

Туғишган халқ боши етди осмонга,
Ғалабамиз доврұғ солди жаҳонга,
Таҳсин ўқиб бундай яхши замонга,
Ленинга кўл бериб бу чоқ келмоқда,
Москвадан қорақалпоқ келмоқда.

Одамзод

Дунё кенг, деб тўплайверма дунёни,
Ортиқча мол малол эрур бошингга.
Қолиб кетган очкўзларнинг дунёси,
Молпараст, деб одам келмас қошингга.

Дунёни дунёга сочиб ўтавер,
Феълингдан дўстларинг айлансин минг
бор.

Яқинмас, олисни доим кўзлайвер,
Ёзда ялқов бўлма, олдингда киш бор.


Ҳар нарсанинг ташвишин торт жойида,
Босар-тусарингни билмай мақтанма.
Ҳақинг тайин меҳнат қилган онингда,
Нафсинг йўртиб тушма бир кун қопқонга.

Бор-йўғингни одамлардан аяма,
Борди-келди чоғи феълинг бўлсин кенг.
Катта карвон дам ростласин соянгда,
Эр бўлсанг, бўл доим элинг билан тенг.

Элдан суюк нима ҳам бор оламда,
Суянч тоғинг, билгил, фақат эл бўлар.
Ақлу ҳушинг ишга солгин ҳар дамда,
Она юртинг сен туғилган ер бўлар.

Асил йигит ҳеч вақт дунё қувмайди,
Ҳалол одам мол-мулксиз ҳам азамат.
Мол-мулк учун она фарзанд туғмайди,
Бахт келтирар одамзодга чин меҳнат.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ таржималари.



Рус совет ёзувчиси
Михаил Зошченко туғилган
куннинг 90 йиллигига



Михаил Зошченко

Стакан

Неъмат АМИНОВ таржималари.

Яқинда бу ерда бўёқчи Иван Антонович Блохин касал бўлиб, ўлиб қолди. Унинг беваси, ўрта ёшлардаги жувон Марья Васильевна Блохина марҳумнинг қирқи куни кичкина бир маросим ўтказди.

Мени ҳам таклиф этди:

— Келинг, — деди, — худонинг бергани билан раҳматлининг арвоҳини шод қилайлик. Ҳарқалай, товуқ ва қоврилган ўрдак, қийма жигар бўлмаса-да, — деди, — истаганча чойхўрлик қилишингиз, ҳатто у-бу нарсалардан уйга ҳам олиб кетишингиз мумкин.

— Чойни унчалик хуш кўрмасам-да, майли, келишим мумкин, — дедим мен, — Иван Антонович Блохин мени жуда яхши кўрарди, ҳатто шифтимни текинга бўяб берган эди.

— Шундаякан, албатта келинг! — деди.

Пайшанба куни кириб бордим.

Анчагина одам тўпланибди. Узоқ-яқин қариндошлар. Қайниси Пётр Антонович Блохин ҳам бор. Мўйлови диккайган, заҳар бир одам. Тарвuzнинг рўпарасида ўтириб олибди. Яна денг, бошқа муҳим иши йўқдек қўлидаги паккича билан тарвuzдан кесиб олиб, еб турибди.

Мен ҳам бир стаканча чой ичиб, қониб қолдим. Кўнглим ҳеч нарса тусамайди денг. Умуман, чойи унчалик ўтиришмади, чипта ҳиди анқийди. Э, бор-э, дедим-да, стаканни бир четга суриб қўйдим. Сал эҳтиётсиз сурган эканман. Қандон шу ерда турган эди, ноҳос унга урилиб кетса бўладими. Лаънати стакан чатнагандек бўлди. Сезишмаса керак, деб ўйловдим. Сезишди, хумпарлар.

— Стакан синди, шекилли, отагинам! — дея бева гап қотди.


— Безарар, Марья Васильевна, — дедим мен, — ҳали бемалол ишлатаверса бўлади.

Тарвuzдан тўйиб олган қайниси гапга аралашди:

— Нимаси безарар! Жудаям безарар экан-да! Бир шўрлик бева уларни меҳмонга чақирсину улар бекордан-бекорга беванинг буюмларини синдираве-ришсин! Шундайми, а!

Марья Васильевна стаканни кўздан кечирди-да, баттар хафа бўлиб кетди:

— Хонадонда стаканнинг сўниши, бу — хонавайрон бўлдим, деган гап, — деди у алам билан. — Тавба, бирови стаканни синдирса, иккинчиси самоварнинг жўмрагини товлаб олса, учинчи биров — салфеткани ўғирлаб, чўнтакка урса. Оқибати нима бўлади ахир!



Расми Нодира ОРИПОВА чизган

— Бўлмасам-чи! — дея очофат қайниси бўкирди. — Бунақа меҳмонларнинг башарасини тарвуз билан мажақлаш керак!

Мен ҳеч нима демадим. Фақат рангим оқариб кетди.

— Менга қаранг, ўртоқ қайни, — дедим, — башарага тил теккизманг. Башарам ҳақида эшитиш мен учун номус. Мен, ўртоқ қайни, ҳатто туққан онамга ҳам башарамни тарвуз билан мажақлашга йўл қўймайман. Умуман, билиб қўйинг, чойингиздан чипта ҳиди келади! Сиз нобакорлар учун иккита стакан ва битта кружкани синдирса ҳам камлик қилади!

Ўзингиздан қолар гап йўқ, шундан кейин шовқин-сурон кўтарилди. Бошқаларга нисбатан қайни кўпроқ ўшқиради. Еган тарвузи калласига урган шекилли.

Бева ҳам ғазабдан қалтираб турибди.

— Менинг чойга чипта солиш одатим йўқ, — деди у, — эҳтимол ўзингиз уйингизда чойга чипта солиб, айбни бошқаларга тўнкарсиз. Бўёқчи Иван Антонович бу хил ҳақоратли ғийбатлардан гўрида тикка тургандир, балким... Шундан кейин мен сиз итфеълни сираям омон қўймайман.

Уларга қарши ҳеч нима демадим, фақат:

— Ҳаммаларингизга, қайнингизга ҳам туфураман, — дедим. — Туф!

Зудлик билан чиқиб кетдим.

Шу воқеадан икки ҳафта кейин Блохина хоним иши бўйича суддан чақириқ қозони олдим.

Ишни кўрган халқ судьяси:

— Ҳозир ҳамма судлар шунга ўхшаш ишлар билан кўмиб ташланган. Энди буниси каммиди, — деди. — Шу гражданкага икки тийин тўлаб, камеранинг ҳавосини булғамай қўяқолинг.

— Тўлашдан қочмайман, — дедим мен, — фақат принцип юзасидан ўша ёрилган стаканни менга берсин.

— Майли, олавер — деди бева. — Уша стакан билан қўшмозор бўл!

Биласизми, иккинчи куни уларнинг қоровули Семён стаканни менга опкелиб берди. Қарасам, стакан яна уч жойдан ёрилган экан. Атайлабдан қилишган.

Бунинг учун ҳам ҳеч нима демадим, фақат:

— Уша ифлосларингга айтиб қўй, — дедим стакан опкелганга, — энди уларни судма-суд судраш навбати менга келди!

Шунақа, шахсиятимга тегишса, трибуналгача кўтарилишим аниқ.

1923 йил.

Бемор



Анисья қишлоқ касалхонасига ўттиз чақирим йўл босиб келди. Тонг оқармасдан йўлга чиқиб, юриб-юриб тушликда бир қаватли оппоқ бино олдига келиб тўхтади.

Зинапояда ўтирган деҳқонсифат кишидан:

— Жарроҳ қабул қиялпими! — дея сўради.

— Жарроҳми, — деди у синчковларча тикилиб. — Нима, касалмисан!

— Касалман, — деди Анисья.

— Мен ҳам касалман, қароғим, — деди деҳқон. — Сўкошидан бўкиб қолдим... еттинчи бўлиб ёзилганман.

Анисья отни сохга боғлаб, касалхонага кирди.

Ушоққина, кекса ва ниҳоятда машҳур фельдшер Иван Кузьмич касалларни қабул қиларди. Атроф-тевароқда ҳамма уни яхши билар, таърифини келтиришар ва ҳеч қандай сабабсиз жарроҳ деб аташар эди.

Анисья жарроҳ ўтирган хонага кириб, чуқур таъзим қилди ва стул чеккасига омонат чўнқайди.

— Касалмисан! — дея сўради Иван Кузьмич.

— Касалман, — деди Анисья, — бутун вужудим тўла дард. Ҳар бир устихоним сирқираб оғрийди. Юрагим ҳам зардобга айланмоқда.

— Нима учун! Қачондан бери! — дея фельдшер бепарво сўради.

— Куздан бери, Иван Кузьмич. Эрта куздан бери. Кузда мазам қочиб қолди.

Эрим Димитрий Наумич шаҳардан келгандан бери касалман, денг. Чунончи у келганда стол ёнида хамирдан қулча ясаб ўтирувдим. Димитрий Наумич шу хил қулчани жуда ёқтирарди. Энди бўлса, Димитрий Наумич қаердайкин, деб ўйлайман. У шаҳарда, советларга депутат...

— Кечирасан, заифа, — деди фельдшер, — алдасанг майли-ю, лекин ишонтираман, деб ўйлама. Қанақа касалсан ўзи!

— Айтаяпман-ку, — деди Анисья, — стол ёнида туриб, қулча ясаётган эдим...

Бир пайт Агафья хола бамисоли қўй ҳайдагандай қўлларини ҳаракатлантириб, чопиб келяпти. «Югур, Анисьякажон, — дейди, — югур тезроқ. Шаҳардан эринг келди, қўлида хасса, халта кўтарган, кўчада турибди». Юрагим қинидан чиқиб кетай деди. Оёқларимда мадор қолмади. Лаллайиб, қулча ясаб турибман, денг... Кейин қулчани ташлаб, ҳовлига чопиб чиқдим. Ҳовлида кўёш нурлари жимирлаб турибди. Ҳаво мусаффо. Чапда оғилхонадаги сариқ бузоқча думчаси билан пашша кўрийди. Бузоқчага қарайман, кўзчалари ёшланиб турибди. Димитрий Наумич сариқ бузоқчани кўрса, қувониб кетса керак, деб ўйлайман...

Фельдшер қовоғини солиб:

— Кечирасан, бўладиган ишдан гапир, — деди.

— Гапираяпман-ку, айланай, Иван Кузьмич, — деди Анисья, — фақат аччи-гингиз чиқмасин. Ҳаммасини гапираман... Дарвозадан югуриб чиқдим. Қарасам, биласизми, чапда, черков ёнида эчки юрибди, хўроз қанот қоқяпти, ўнг томондаги ўрта йўлдан эса Димитрий Наумич келяпти. Унга қараб тош қотдим. Юрагим ўйнаб, ҳиқичоқ тугиб қолди. Вой, художоним-эй, деб ўйлайман. Вой, кўнглим айниб кетяптими, деб ўйлайман!

У бўлса босиқ, майда қадам ташлаб келяпти. Соқоллари ҳавода майин силкинади. Эгнида шаҳарча кўйлак. Оёғида мардона ботинка... ботинкани кўришим билан, ичимдан бир нима узилиб кетгандек бўлди. Вой, наҳотки мендай бир бесавод хотин шу хил илғор, совет депутатига тенг бўлсам, деб ўйлайман... Девор ёнида овсарлардек қотиб қолибман, оёғимни кўтара олмайман, қўлим билан деворни ушлаб туравердим. У бўлса, яъни Димитрий Наумич, совет депутати, бир-бир босиб менга яқин келиб, саломлашди. «Салом, Анисья Васильевна! Неча қишу неча ёздирки, Сиз билан кўришмадик...» дейди.

Мен тентак бўлсам, Димитрий Наумичнинг қўлидан тўрвани олиш ўрнига унинг ботинкаларига қараб миқ этмай тураверибман. Вой, эс-ҳушимни олиб қўйди бу эркак, деб ўйлайман. Ботинка кийибди. Шаҳардагилар билан, ҳатто комсомол қизлар билан ҳам гаплашса керак.

Димитрий Наумич йўғон овозда: «Э, шунақаман, де. Жуда нодонсан-да, Анисья Васильевна, — дейди, — энди мен сен ила нима ҳақда гаплашсам экан. Мен шаҳарлик одам бўлсам, советларга депутат бўлсам. Мен-ку, арифметикадан тўрт амални, ўнли касрни биламан. Сен бўлсанг бунақасан! Ҳатто оқ қоғозга ўз фамилиянгни ёзиб, қўл қўйишни ҳам билмайсан. Менинг ўрнимда бошқа киши бўлса, шу нодонлигинг ва саводсизлигинг учун сени бемалол ташлаб кетарди».

Мен деворга суйанганча, майли, Димитрий Наумич, нима қилай, бўлганим шу, ташлаб кетиш сиз учун ҳеч гап эмас, дедим.

У қўлларимдан тутиб юпатди: «Ҳазиллашдим, Анисья Васильевна. Қўйинг энди, кўпам ўйламанг. Узим шундай. Қўйсангиз-чи...» деди.

Юрагим қайта ўйнаб, ҳиқичоқ тута бошлади. «Димитрий Наумич, хотиржам бўлинг, мен ҳам албатта тўрт амал ва ўнли касрни ўрганишим мумкин. Еки оппоқ қоғозга фамилиямни ёзиб, қўл қўйишни ҳам. Мен сиздай саводхон кишини уялтириб қўймасман...» дедим.

Фельдшер Иван Кузьмич стулдан туриб, хонада юра бошлади.

— Валдираш ҳам эви билан-да, — деди. — Айт, касалинг нима!

— Касаллимми? Ҳозир тузукман, Иван Кузьмич. Анча енгил тортиб қолдим. Соғлиқдан шикоятим йўқ... У, Димитрий Наумич бўлса: «Ҳазиллашдим» дейди. Ҳазил эмиш.

— Албатта ҳазил-да, — деди фельдшер, — ҳазил бўлмай нима! Ҳапдори берайми!

— Э, йўқ, — деди Анисья, — Маслаҳатларинг учун раҳмат сенга, Иван Кузьмич. Қушдай енгил тортиб қолдим. Чин дилдан раҳмат. Омон бўл.

Анисья бугдой солинган тугунни столда қолдириб, эшикка йўналди. Кейин орқага ўгирилди.

— Иван Кузьмич, ўнли каср керак эди менга... уни қаердан билсам бўлади! Еки ўқитувчини излаб борсаммикин!

— Ҳа, ўқитувчининг олдига бор, — деди фельдшер хўрсиниб. — Бунинг медицинага алоқаси йўқ.

Анисья эгилиб таъзим қилиб, ташқари чиқди.

1924 йил.

М

Лимонад

Мен сизга айтсам, аслида ўзим ичувчи одаммасман. Гоҳи-гоҳида даврадагиларнинг раъйига қараб жиндай-жиндай олиб тураман.

Икки шишадан ортинги мен учун ортиқ. Саломатлигим кўтармайди. Эсимда, бир марта, аввалги хотинимнинг туғилган кунда, нақ бир «четверт»¹ ичган эдим. Бу, албатта, ёшлик пайтларим — юрак кўкрак қафасимда гурсиллаб уриб турган, каллада аллақандай ширин орзулар чарх урган бўзболалик кезларим эди.

Энди қарияпман.

Яқинда танишим, ветеринар фельдшер, ўртоқ Птицин мени кўриб қўрқиб кетди. Нуқул титрайди.

— Сизда тўлиқ девальвация юз берибди, — дейди у. — Жигарингиз қаерда, қовуғингиз қаерда — аниқлашнинг сираям иложи йўқ. Бутунлай хароб бўлибсиз, азизим.

Фельдшернинг башарасига тушурмоқ бўлдим-у, зўрға ўзимни босиб олдим. «Кел, аввал врачга бориб аниқла-чи» деб ўйладим.

Врач ҳеч қанақа девальвация топа олмади.

— Барча аъзоларингиз жойида, — деди у. — Қовуғингиз ҳам жуда яхши, оқизмайди. Юрагингизга келсак, у ҳали аъло даражада, ҳатто одатдагидан ҳам кенгроқ. Фақат ичишни ташлашингиз керак, акс ҳолда, бу осонгина ўлимга олиб келиши мумкин.

Улишни эса ҳечам истамайман. Яшашни ёқтираман. Ҳали ўзим ёшман-да ахир. НЭПнинг бошланишида эндигина қирқ учга чиққан эдим. Айтмоқчи, куч-қувватга тўла бақувват пайтим. Юрагим ҳам кўкрак қафасимда зўрға анжом еб турибди. Ҳаммадан ҳам қовуғим жойида, оқизмайди. Бу хил қовуқ билан бемалол яшаб, ўйнаб-кулиб юрса бўлади. «Фақат, — дейман ўзимга-ўзим, — ичишни узил-кесил ташлаш керак!» Бор-э, дедиму ташладим.

Ичмайман, дедимми ичмайман. Бир соат ичмадим, икки соат ичмадим. Кеч соат бешларда тушлик қилгани ошхонага бордим.

Шўрва ичдим. Энди гўштини қўлга олган эдим, ичгим келиб кетди.

«Аччиқ ичкиликнинг ўрнига ютуми осонроқ нарзан ёки лимонадга ўхшаш бирор нима ичсаммикан», деб ўйладим.

— Ув, менга қара, — деб чақирдим, — овқатни бергандан кейин лимонад ҳам келтир-да, каллаварам.

Менга ялтиллаган баркашда лимонад келтиришди. Графинда. Қадаҳчага қўяман. Бир кўтаришда ичдим. Араққа ўхшайди. Яна қўйдим. Худо ҳаққи, арақ. Вой, касофат-э! Қолганини ҳам қўйдим — ўлай агар, ҳақиқий арақнинг ўзи.

— Яна опкел! — деб қичқирдим.

Яна келтиришди.

¹ Икки ярим литр демоқчи (тарж. изоҳи).

Ичиб кўрдим. Табиий арақлигига шубҳа қолмади.

Пулини тўлагандан кейин ҳар эҳтимолга қарши огоҳлантирдим:

— Мен сендан лимонад сўраган эдим, нима келтирддинг, каллаварам! — дедим.

У бўлса:

— Бу бизда лимонад деб юритилади-да, — деди. — Тўғриси ҳам шу. Азалдан шундай... табиий лимонаднинг ўзини эса сақламаймиз. Харидор йўқ.

— Охиргисини келтир! — дедим.

Шундай қилиб ташлай олмадим. Қаттиқ аҳд қилган эдим. Фақат шароит монелик қилди. Айтмоқчи, ҳаётнинг ҳам ўз қонунлари бўларкан. Уларга бўйсунмиш лозим.

1925 йил.

Санъат шайдоси

Айтишларича, ичкиликка қарши энг зўр чора санъат экан. Мисол учун театр. Чархпалак. Еки аллақандай мусиқа студияси.

Буларнинг ҳаммаси кишини ичкилик ичиб, газак қилишдан алаҳситармиш. Дарҳақиқат шундай, биродарлар. Мисол учун бизларнинг слесаримиз Пётр Антонович Коленкоровни олайлик. Шундай одам шахс сифатида адои тамом бўла бошлади. Умуман у курк бўлган товукдай яшарди.

Одатдаги кунларда ишдан кейин овқат еб, тўйиб оларди. Байрам ва якшанба кунлари эса Пётр Антонович ичкиликка боши билан шўнғирди. Бўкиб ичарди.

Ҳафта мобайнида Пётр Антонович бирор хил маданий иш билан шуғулланмасди. Шанбада ҳаммомга бориб, бошидан сув қуйиш ҳам иш бўлдию. Унинг маданий ишлари фақат шундангина иборат эди.

Пётр Антоновичнинг бу қилиғидан яқин қариндошлари ниҳоятда ташвишда эдилар. Ҳатто кўрқардилар.

— Пётр, — дейишди улар, — ахир сиз ёш эмассиз, малакали одамсиз. Мастликда, айтайлик, тумбочкага урилиб, абжағингиз чиқиши мумкин. Жиндай камроқ ичиш керак. Оилангизга ҳам раҳмингиз келсинда мундоқ.

Қулоқ солиш қаёқда. Аввалгидек ичиб, хурсандчилик қилаверди.

Ниҳоят, маҳаллий комитетдан кўнгилчан бир киши топилди. Биласизми, у Пётр Антоновичга тўппадан тўғри шундай деди:

— Пётр Антонович, сизга айтаяпман, ичкиликка чек қўйинг. Ҳеч бўлмаса, унинг ўринга якшанба кунлари театрга тушинг. Утинаман сиздан, ҳатто билетни ҳам текинга беришим мумкин.

— Наҳотки! — деди Пётр Антонович. — Текинга бўлса, унда бир уриниб кўриш керак. Текинга бўлса тешиб чиқмас.

Бир сўз билан айтганда кўнди.

Пётр Антонович театрга тушди. Ёқди. Шундаям ёқдики, кетгиси келмай қолди. Томоша аллақачон тугаган бўлса-да, у мўминтойгина бўлиб, қимирламасдан ўтираверди.

— Энди қаёққа ҳам борардим, — деди. — Қаранг, ҳаммаёқ қоп-қоронғу. Ахир, ҳамма пардалар туширилган-ку. Оббо ғаламислар-ей, зўр нарсага ўргатишибди-да!

Ҳар қалай қийшанглаб, қийпанглаб ўз оёғи билан уйига кетди, у мутлақо ҳушёр эди.

Иккинчи дам олиш кuni яна театрга тушди. Учинчи марта билет олиш учун маҳаллий комитетга ўзи югурди.

Ҳўш, буёғи қандай бўлди, деб ўйларсиз! Театрга қизиқиб қолди. Тўғриси, райондаги энг ашаддий театр муҳлисига айланди. Театр афишасига кўзи тушиши билан бутун вужуди баргдек титрарди. Якшанба кунлари ичишни ташлади. Шанба кунлари ичишга ўтди. Ҳаммомни эса чоршанбага кўчирди.

Охирги шанбада Пётр Антонович кайфи тароқ ҳолда тумбочкага қаттиқ урилди ва якшанба кuni театрга бора олмади. Бу бутун мавсум давомида Пётр Антонович киролмай қолган ягона спектакль эди. Келаси якшанбада тузалиб қолса, албатта яна театрга тушади. Чунки санъат уни батамом асир қилган эди. Батамом...

1926 йил.

Бу нима деган гап, халойиқ, оилавий фронтда нималар бўляпти ўзи! Эркаларнинг иши бағамом касодга учрамоқда. Айниқса хотинлари долзарб масалалар билан шўғулланадиганларга оғир.

Мен сизга айтсам, яқинда шундай бир зерикарли воқеа рўй берди. Уйга қайтдим. Квартирага кирмоқчи эдим. Яъни масалан, ўз эшигимни тақиллатсам, ёпирай — очишмайди.

— Манюса, — дейман ўз хотинимга, — бу менман, келдим, Васяман ахир. Яшириниб турибди. Миқ этмайди.

Шу аснода эшик орқасидан Мишка Бочковнинг овози эшитилади. Биласизми, Мишка Бочков дегани хотиним билан бирга ишлайдиган ходим.

— Э, — дейди, — бу сизми, Васил Иванович! Бир дақиқа, биз сени киритамиз. Жиндай сабр қил, дўстим.

Биласизми, шунда бошимга калтак тушгандек бўлди.

«Бу нима гап, оилавий фронтда нималар бўляпти ўзи, халойиқ, — деб ўйладим, — эрларни ўз уйига қўйишмас-я».

Ўзимни қўлга олиб:

— Оч, жўжахўроз, — дейман, — қўрқма, сен билан муштлашмайман.

Биласизми, мен ҳақиқатан ҳам муштлаша олмайман. Кечирасиз, бўйим пакана, гавдам ҳам увоққина, майдагинаман. Муштлашишга йўл бўлсин. Бунинг устига, биласизми, қаттиқроқ ҳаракат қилсам, ичимда бир нималар муттасил қўлдираб туради. Фельдшер, ошқозонингизда овқатлар ўйинга тушади, дейди. Биласизми, бу хил ўйин мен учун жудаям кўнглилли эмас. Топибди ўйинчоғини. Бир сўз билан айтганда, фақат шунинг учун ҳам муштлаша олмайман.

Эшикни тақиллатаман.

— Оч, дейман, оч деяпман сен дайдига.

У бўлса:

— Эшикни тақиллатма, иблис. Ҳозир очаман, — дейди.

— Граждандлар, — дейман, — ахир бу қандай бедодлик! Бегона эркак сенинг хотининг билан ичкарида қамалиб олсину яна мен эшикни тақиллатмасдан жимгина ўтирармишман. Оч ҳозир! Акс ҳолда шунақаям жанжал кўтараманки.

У бўлса:

— Жиндай сабр қил, Васил Иванович, — дейди. — Коридордаги сандиқ устида бир пас ўтиратур. Фақат эҳтиёт бўл, жинчиरोқни ағдариб юборма. Уни сен қоронғида туртиниб кетмагин деб атайлаб қўйганмиз.

— Оғайнилар, — дейман, — азиз ўртоқлар. Бу қандай гап, наҳотки бу ифлос шахс шундай пайтда бегона хотининг эрига жинчиरोқ ҳақида бемалол гапириб турса! Нималар бўляпти ўзи!

У бўлса эшик ортидан зўр бериб ишонтиришга ҳаракат қилади:

— Эҳ, сен Васил Иванович, — дейди, — ҳамиша партиясиз мешчанин эдинг, бундан кейин ҳам партиясиз мешчанин бўлиб тугайсан.

— Бўлганим шу, — дейман, — партиясиз мешчанин сифатида ҳозир милицияга югураман.

Турган гап, қуйига, соқчига югурдим.

— Бирор бир чора қўллай олмаймиз, ўртоқ, — дейди соқчи. — Агар улар сизни ўлдирмоқчи бўлишса ёки умумий оилавий можаролар туфайли деразадан улоқтирсалар, бирор чора кўриш мумкин... Ҳозир эса айтарли ҳеч қандай воқеа рўй бермаган... ҳаммаси одатдагича, ўз ўрнида... Яхшиси, ўша ерга яна бир марта бориб кўринг. Эҳтимол киритишар.

Изимга қайтдим. Ҳақиқатан ҳам ярим соатлардан кейин Миша Бочков эшикни очди.

— Киринг, энди мумкин, — дейди.

Югуриб хонага кираман, қайси кўз билан кўрайки, уйда роса ичишипти, чекишипти, топташипти, расвойи радди бало қилишипти. Айтмоқчи, стол атрофида етти киши — беш хотин ва икки эркак бўлиб, ит билсин, ёзибми, маслаҳатлашибми ўтиришар эди.

Улар мени кўриб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди.

Уларнинг пешқадам ўртоғи Миша Бочков ҳам столга эгилганча кулгисининг зўридан билинар-билинемас чайқалиб турибди.

— Узр, пардон! Сиз билан бир ҳазиллашдик-да, — дейди. — Шу хил ҳолатга тушганда эрлар нима қилишларини синаб кўрмоқчи эдик.

Мен заҳарли қилиб:

— Кулиш яхши эмас, — дедим. — Модомики йиғилиш экан, аввалдан билдириш керак. Еки эшикка эълон осиб қўйиш керак эди. Умуман чекилганда хонани шамоллатиш лозим!

Улар ўтириб-ўтириб ниҳоят тарқалишди. Ортиқча ушлаб қолишга уринмадим.

1926 йил.

Ғаввос

Ғ алати бир воқеа. Икки одам муштлашиб қолишди. Икки одам уришдию кучсиз, тўғрироғи, бутунлай заиф, бетига яра-чақа тошган ўсмир ўзидан ўн ҳисса бақувват кишини дўппослади.

Кишининг ишонғиси ҳам келмайди. Уртоқлар, қанақасига кучсиз бир ўсмир химия ва физиканинг асосий қонунларига хилоф иш қила олади! Алдагандир! Еки унга фириб бергандир!

Йўқ! Фақат унинг шахсияти устун келди. Тўғриси айтсам — мардлиги. Ана шу тўфайли у ўз рақибини ура олди.

Айтдим-ку сизга, икки киши муштлашди деб. Улардан бири — бўдённий-часига мўйлов қўйган, теппадай бир эркак, яъни ғаввос, ўртоқ Филлипов. Иккинчиси — олий ўқув юрти талабаси, нимжон йигитча. Анча маълумотли, зиёлинамо студент. Бунинг устига, у машҳур совет романчиси Малашкин билан фамилиядош.

Ғаввос Филлипов, ҳали айтганимдек, ўта кучли. Зотан ғаввосликда кучсиз кишилардан фойдаланишмайди, шунинг учун ҳам у девдай бақувват эди.

Студент бўлса, жиккаккина, жуда ночор бир шахс. Кўриниши ҳам айтарли эмас. Башарасига алланамалар тошган. Эҳтимол ширинча бўлса керак. Буниси менга қоронғи.

Шундай қилиб муштлашишди.

Фақат шуни айтиш керакки, улар ўртасида синфий кураш йўқ эди. Ғоявий келишмовчиликлар ҳам бўлмаган. Иккаласининг ҳам ижтимоий келиб чиқиши туб пролетариатдан. Қўпол қилиб айтсак, ўзаро қиз талашиб қолишди! Ажаб бир кулгили аҳвол.

Шурочка деган қиз бўларди. Емон эмас, ўртача. Оғизчаси, бурунчаси — ҳаммаси жойида. Атрофдаги қизлардан ажралиб турадиган ортиқча томони кузатилмаган.

Инқилобнинг ўн иккинчи йилида ғаввос — ўртоқ Филиппов уни қаттиқ яхши кўриб қолган эди.

Қиз ҳам у билан бир оз юрди-да, кейин ярим зиёли томон оғиб кетди: Малашкинга айланишди. Эҳтимол, Малашкин унга сўзамолроқ туюлгандир. Еки унинг қўллари тозароқмикин! Бўёғи менга қоронғи. Фақат қизнинг уни дегани аниқ.

Йигит эса ўз қисматидан кўпам хурсанд эмас эди. Чунки, қараса рақибни жудаям кўрқинчли. Шундай бўлса-да, сир бой бермади. Ўз хонимчаси билан очикчасига юриб, уни турли жойларга етаклаб бораверди.

Табиий, ғаввос унинг ғашига тегарди. Тўғриси, нафас олгани қўймасди, рангини чиқармасди.

Уни ҳар хил бўлмағур номлар билан атаб масхараларди. Гоҳида ҳеч қандай сабабсиз кўкрагидан итариб юборарди. Ҳамиша шундай.

— Қани, буюқча чиқ! — дерди. — Каллангни сапчадай узиб оламан!

Бечора студент нима қилсин, чидайди. Сўзсиз нари кетади.

Бир куни ҳовлида анчагина йигитлар тўпланиб туришарди. Ҳамма шу ерда: правление ҳам, аъзолари ҳам, назорат комиссияси ҳам. Ғаввос эса бир четда турибди. Шу пайт Костя Малашкин ўз Шурочкаси билан ҳовлига кириб келди. Ғаввос назорат комиссиясига атайин эшиттириб:

— Башарасига қаранг у моховнинг, — деди. — Энди хонимчасини эшиккача кузатишга одатланибди.

Шунда студент хонимини эшиккача кузатиб, изига қайтди.

У изига қайтиб, даврага яқин келди ва ўртоқ ғаввоснинг башарасига тўсатдан мушт туширди. Ғаввос бу хил безбетликдан ҳайрон қолди ва ўз навбатида студентни уриб юборди. Студент ерга мункиди. Ғаввос югуриб келиб унинг қорнига урди, яна кераклик-кераксиз жойларига тушира бошлади.

Албатта, назорат комиссияси аъзолари ғаввосни студентдан зўрға ажратиб олишди, студентни аранг оёққа турғизишди. Пачоқланган кўксини қор билан ишқалаб, ўзига келтириб, уйига обориб қўйишди.

У ўзига келди, кечқурун тоза ҳаводан нафас олгани ташқари чиқди. Тоза ҳаводан нафас олиб изига қайтаётган эди, ғаввосни учратиб қолди. Шунда у ғаввос томон тез-тез юриб борди-да, яна унинг башарасига мушт туширди.

Бу гал назорат комиссияси йўқ эди, шунинг учун ғаввос, ўртоқ Филлипов студентни хумордан чиққунча дазмоллади. Уни шинелчасига солиб уйига олиб борди.

Орадан бир ярим ҳафталам чамаси ўтди. Студент тамом соғайиб, ўз оёғида уй йиғинига борди.

Йиғиндан қайтаётиб, йўлда яна ғаввосни учратиб қолди.

Ғаввос уни кўрмасликка олиб четга бурилиб кетмоқчи эди, лекин у яқинлашиб бориб, тўсатдан унинг лунжига мушт туширди.

Шунда аҳвол баттар хунуклашди. Студентни ағанатишди, думалатишди, ҳамма ерига уриб пўла қилишди. Уни яна шинелчасига солиб уйига олиб кетдилар.

Фақат бу гал унинг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Айтишларича, студентнинг оёқлари ишламай қолибди.

Бу воқеа кўкламда бўлган эди. Чечаклар очилди, қушлар сайради. Бизнинг ардоқли студентимиз шу жанжалдан кейин ҳар куни очиқ дераза олдида ўтирар, дам оларди. Ғаввос ҳам унга яқин келгач, доимо четга бурилиб кетарди. Ғаввос ғалати бир қилиқ чиқарди. Одамлар, ҳатто назорат комиссияси аъзолари унга яқинлашганда, у беихтиёр қалтирар, гўё биров башарасига мушт туширадигандек бошини орқага олиб қочарди.

Икки ҳафталамдан кейин студент тузалиб чиқиб, яна уч марта ғаввосни урди, шундан икки мартасида унчалик қаттиқ бўлмаса-да, ўзи ҳам калтак еди.

Учинчи гал, охиргисида ғаввос жавоб қилмади. Фақат мушт тушган башарасини кафти билан артиб олиб:

— Мен сизга таслимман! — деди. — Сиз туфайли, ўртоқ Костя Малашкин, сочимдан тирноғимгача ваҳшийга айланиб қолдим. Сиздан ўтиниб сўрайман, илтимос, мени бошқа урманг.

Шунда бир-бирлари билан келишиб олиб, дўстона хайрлашишди.

Тез орада студент ўз Шурочкасидан ажралди. Ғаввос эса «Қора шахзода» шарафига шўнғиш ниятида Қора денгизга жўнаб кетди.

Бор гап шу.

Демак, куч-куч деймизу, лекин зўрга қарши яна алланима ҳам керак экан.

1929 йил.

Яқинда рус совет адаби Михаил Зошченко таваллудига 90 йил тўлди.

Адабиёт оламида шуҳрат изидан қувиб, бир умр унга эриша олмай ўтганлар кўп бўлган. Бироқ Михаил Зошченко учун том маънодаги ҳақиқий шуҳрат ижоднинг дастлабки уч-тўрт йили ичидаёқ манаман, деб келгандек бўлди. Қисқа муддат ичида у миллионлаб китобхонлар қалбини забт этди.

Михаил Зошченконинг биринчи ҳикояси 1921 йилда эълон қилинган. Шундан бор-йўғи ўн йил ўтар-ўтмас, ўзи ҳаётлигидаёқ, икки марта унинг олти жилдли асарлар тўплами босилиб чиқди. Гўё шуҳрат Зошченкони изма-из таъқиб қилиб юрарди...

Аслида бу жуда ҳам осон бўлмаган.

Михаил Зошченко 1895 йилда Петербургда камбағал, кўчманчи расом оиласида туғилди. Унинг онаси Елена Иосифовна Сурина уй ишларидан бўш пайтларида камбағаллар ҳаётидан ҳикоялар ёзар ва «Копейка» деган газетда чоп эттирар эди. Михаил ўн икки ёшида отадан етим қолади. Камбағаллик, оиладаги етишмовчиликлар... Ҳали гимназиядалигидаёқ унинг дилига ёзувчи бўлиш орзуси тушади. Лекин бу орзу эди. Уз вақтида «ўқиш солиғи»ни тўламагани учун университетдан ҳайдалади. Шундан кейин унинг «одамлар орасида»ги дарбадарлик ҳаёти бошланади.

У «...тежир йўл поездида назоратчи, 1914 йилда — взвод командири, прапорщик, Февраль революцияси арафасида — батальон командири бўлади. Ярадорлик. Газдан заҳарланиш. Муваққат ҳукумат даврида — почта ва телеграф бошлиғи, Петербургдаги Бош почтамтнинг коменданги...

Октябрь революциясидан кейин Стрельн ва Кронштадтда чегарада туради. Сўнг ихтиёрий равишда Қизил Армия томонга ўтиб, пулемётчилар командасини бошқаради, Нарва фронтда полк командирининг адъютанти бўлади. Газ билан заҳарланиш оғир асорат қолдирган эди. Юрак касаллигига чалиниб, ҳарбий хизматдан бўшайди. Петроградда жиноят қидирув агеенти, Смоленск губернасидаги Маньково совхозида қуёнчилик ва говуқчилик инструктори, Лиговда милиция ходими бўлиб ишлайди. Сўнг яна пойтахтга қайтади. Этикдўзлик қилади, Петроград портида бухгалтер ёрдамчиси, идора хизматчиси бўлиб ишлайди...»

Ана шундан кейингина у ёзувчилик столига ўтиради.

Зошченко одамлар орасида бўлиб, турли касб, ранг-баранг тақдирли бечора-йўқсилларни кўргани учун сурункали «виждон уйғоқлиги» касалига чалинган эди. Шунинг учун у ёзмасдан тура олмас, ёзганда ҳам кеча-кундуз тинмай ёзар эди. У ўзи кўрган «бечора» кишилар дарди, орзу-умидлари билан яшашига маҳжум эди. Чунки шу «бечора» кишиларнинг кўзини очиш, уларга янги тузум уфқларини кўрсатиш, «ахлат уюмлари ортида ям-яшил ўрмон борлиги»ни аёнлаштириш, бор ҳақиқатни оддий, раво, халқчил тилда тушунтириш учун янги бир ёзувчи керак эди. Адабиётдаги бу вазифани фақат Зошченкодек тақдирга, Зошченкодек феъл-атвор ва истеъдодга эга ёзувчигина бажара олар эди.

Михаил Зошченконинг ютуғи шундаки, у қаламга олган «бечора» кишилар ундан ранжимас, аксинча унга ишонар, ҳар бир ҳикоясини ўқигандаёқ ёзувчини яхши кўриб қолар эдилар. Бу эса ёзувчининг оламшумул ютуғига айланиб борарди.

Зошченко ўз асарларининг тили ҳақида шундай ёзган эди: «Мен жуда сиқик ёзаман. Жумлаларим қисқа. Камбағалбоп. Уқувчиларимнинг кўпчилиги эҳтимол шундандир».

Ҳақ гап. Зошченконинг ютуғи — тилдаги сиқиклик, тасвирдаги соддалик, халқчиллик ва ростгўйликдан иборат. Бундан ташқари ёзувчи ўз ҳикояларида одамнинг ўзидан эмас, балки ундаги айрим иллатлардан куларди. Зинҳор одамдан эмас, иллатлардан халос бўлишга чақирар, бу иллатлардан тезроқ қутулиш учун уларга ёрдам берар эди.

Зошченкога 1939 йил 17 февралда Кремлда М. И. Калинин Меҳнат Қизил Байроқ орденини топширади.

Мураккаб инсоний ва ёзувчилик тақдирига эга бўлган М. Зошченко Гоголь, Салтыков-Шчедрин, Чехов ва бошқалар бошлаб берган рус классик сатирасини янги, ўзига хос асарлар билан бойитган улкан сўз санъаткоридир. Ундан бизга, неча-неча авлод китобхонларига мингдан ортиқ ҳикоя, фельетон, қисса ва комедиялар мерос қолган.

Маҳмуд Дарвиш
(Фаластин)

Икки қанот асири

Осмонга учаман.
Осмонга.
Муҳаббатим осмонига,
Юрагимни бошқарар
бўрон даъвати.
Пастда қолдирмоқдаман;
«ғув-ғув»лаган кабутарнинг
ишқий куйини.
Қолдирмоқдаман:
бедор бутоқларда
бўзлаётган нолани.
Муҳаббатимнинг
очиқ дарчаларидан
бостириб киради
хаёт гурроси.
Лойга беланган ой
боқар
дарпардалар ортидан.
Кексалик ҳидига
тўла
болалик жомини...

Симирдик, симирдик
энтикиб
ўзимизга келгунга қадар:
оғизда
тошиб кетди яралар.
Севгилим, эшитяпсанми?
Ўртамизда оқар
қонли дарё — айрилиқ.
Асир қилди мени
икки қанот —
Сен ва Озодлик.
Сиз нақадар узоқ!
Хаёлий соҳилларда.
Нақадар яқинсиз!
Рухимда.
Ардоқлисиз менга
иккалангиз ҳам,
онага азиз эгизак мисоли.
Қанотларим тегар
осмонга.
Муҳаббатим осмонига...

Болакайга

Сендан ёғоч отингни
тортиб олдилар,
олдилар юлдузнинг шуъласини ҳам.
Йиғлама.
Сенинг қорачиқларингда
очилмоқда
янги куннинг ғунчаси.
Биз ақллироқмиз
боладан ўйинчоқ ясовчи
барча билармонлардан.
Айтгин:
«Эй табиат, енгил юкни
сўрамам сендан,
менга бергил бақувват елка».
Эшикни ёпдиларми?

Тарикқа сув тараган,
Пўртаҳолга қараган
ким?

Оқларга бой хазина,
Қўша-қўша машина,
Қатор ўйнашлар яна
бераётган ким?

Оқ танлига пул топган,
Ҳузур-ҳаловат берган,
Ўзи тупроққа ботган,
ўлаётган ким?

Сўрангиз янгроқ-янгроқ сайраётган қушлардан,
Тўлганган улон каби йилтироқ ариқлардан,
Текислик узра сузган шаббодадан сўрангиз.
Улар жавоб қайтарар:

Бизнинг деҳқонлар...

Баланд хурмо дарахтига чиқайин, қочинг,
Кайф қилайин, шаробидан ичайин, қочинг,
Сархуш бўлиб унутайин бор-йўқлигини —
Бизнинг деҳқонлар...

Шилоанго

Шилоанго дарёси —
Бу азим дарё —
Шу қадар узунки, шу қадар узоқ.
Бу дарё
Ердаги ҳаётимиздир —
Шу қадар қисқаки, шу қадар порлоқ.

Бу дарё
Қалбдаги умидимиздир —
Шу қадар давомли, вафоли бирдек.

Бу дарё нимадир, хўш, у нимадир —
Юзидаги чўғир,
Устидаги ел?
Ҳаёт оқимими
Е ғунчами хун?
Буларнинг ҳаммаси қайга оқадир
Ва неси руёбга чиқмаган, нечун?

Муҳими —
Сувларда
Табассум каби
Жилваланиб турган ўлмас нилуфар —
Барқарор умидлар — бизнинг умидлар!
Муҳими —
Кўзларни чақнатган зиё,
Сувлар кўзгусида
Акс этган кўзлар
Ва тагин кўзларни чақнатган зиё.

Миразиз АЪЗАМ таржимаси.

МУҲИМ МАВЗУ

(Журналимиз ходими А. Асиров Ўзбекистон ССР
Қишлоқ хўжалик министри А. И. Икромов билан суҳбатлашди)

— Акмал Икромович! Бугунги мавзу ер ҳақида. Бу — шу куннинг энг муҳим масалаларидан бири, десак, янглишмасак керак. Партиямиз пленумларида, бўлиб ўтаётган бошқа кўпчилик йиғинларда шу тўғрида анча ташвишли гаплар айтилмоқда. Республикамиз қишлоқ хўжалиги, хусусан деҳқончилик ва ер аҳволи ҳақида қандай фикрдасиз?

— Шу ўринда қутилмаган бир қиёс ҳаёлимга келиб қолди. Яхши китоб қўлдан тушмайди, билими, касб-хунаридан қатъий назар барча учун баробар тушунарли, севимли бўлади. Яхши ер ҳам бамисоли яхши китобдай бир гап. Деҳқончилик илмини сув қилиб ичиб юборган деҳқон бир қарашдаёқ заминнинг аҳвол-руҳиятини «шариллатиб ўқиб» чиқади. Қаранг, миришкор деҳқоннинг ажойиб шоирдан, забардаст ёзувчидан фарқи камлигини! Шундай одамлар ҳақида илиқ, ҳаяжонли гаплар айтмай бўладими!

Республикамиз қишлоқ хўжалик ходимларининг шу йил бўлиб ўтган Кенгаши менда жуда катта таассурот қолдирди. Уша анжуманнинг суҳбатимизга бевосита алоқадорлиги шундаки, унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев ер масаласига алоҳида тўхталди.

— Ер — бизнинг асосий бойлигимиз, ризқ-рўзимиз, бебаҳо ҳазинамиз, — деди Иномжон Бузрукович. — Биз ерни қанча эъзозласак, вақтида ҳолидан хабар олиб, яхши парвариш қилсак, ўғитга тўйдирсак, маромида суғорсак, унга меҳр қўйиб парвона бўлсак, у бизга беҳисоб бойлик ҳадя этади. Аксинча, алдам-қалдам иш тутиб, фирромлик қилсак у биздан аёвсиз ўч олади. Бутун деҳқончилик тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, ерни алдаб бўлмайди. Ерни алдаган, аввало ўзини алдайди...

Мана, ер ҳақида лўнда хулоса. Бу тўғрида гап кетганда ернинг моҳир усталари деймизми, ернинг миришкор ижодкорлари деймизми, хуллас азамат деҳқон жасоратини эслаб ўтиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Гап шундаки, касбига ишқибоз деҳқонлар учун қистов-эслатувнинг кераги йўқ. Улар ташқаридан бўладиган турткини кутиб ўтирмайди, керакли ишни билиб қилаверади. Аввало, ерга алоҳида эътибор билан қарайди. Ўз навбатида ер ҳам деҳқонни доғда қолдирмайди. Ҳосилдорликни узлуксиз кўтариб келаётган бундай ер усталари сафимизда жуда кўп.

Афсуски, покиза даврага қандайдир сабаблар билан қўшилиб қолган, бу касб сирларидан беҳабар кимсалар деҳқон деган номга доғ туширмоқдалар. Бундайларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида кескин зарба берилди. Шундан буён ўтган бир йил давомида, бошқа соҳалардаги каби, қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган нуқсонларни батамом тугатиш учун шиддат билан курашиляпти. Бу курашлар жараёнида йўқ ерларни қўшиб ёзиш ёки мавжуд экинзорларни яшириш каби иллатлар бутунлай фош қилиб ташланмоқда. Ахир, кўп ҳаётий эҳтиёжлар тақдири ер билан бевосита боғлиқ-ку! Масалан, уруғчилик, чорвачилик, пилламиз,

боринги ейиш-ичишимиз, кийинишимизни ерсиз тасаввур этиб бўладими?! Хуллас, бутун тирик жонни тўйдирадиган, кийинтирадиган асосан мана шу камтарин замин. Шу туфайли уни онага қиёслаймиз-да! Ҳамма иллат шундаки, оғизда «Она, она» деяверибмиз-у, амалда ерга оқибатсизлик қилаверибмиз. Қарорларда, буйруқларда айтаверибмиз-у, уларнинг ижросини, қандай бажарилаётганини қаттиқ назорат остига олмабмиз. Айрим эгри-кўнгил, эгриқўл кишилар эса бундан фойдаланишиб, шахсий манфаат учун обдон муккасидан кетган эканлар. Алмашлаб экишлару органик ўғит солишлар, ишлов беришлару бошқа мавсумий тадбирлар қўл учиди қилинибди ёки бутунлай унутилибди. «Ернинг тили-оғзи йўқ, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади», деганлар чучварани хом санашиб. Ундайлар қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Ҳар қандай кирдикорнинг, гарчи у ниҳоятда устамонлик билан амалга оширилган бўлса ҳам, охири вой эканлиги исботланди. Шу воқеалар эгриликни кўзлаётган бошқа кишилар учун доимий мактаб бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

Ер аҳволи ҳақида гап кетганда, республикаимиз экин майдонлари анча ночорланиб қолганлигини айтмай илож йўқ. Айниқса, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон Автоном республикасида бу муҳим масалага етарли эътибор берилмаган. Биз шундайин камчиликларни йўқотиш учун аввало сўз билан иш бирлигига эришиш учун қаттиқ киришдик. Ҳақиқий аҳволни сираям яширмаймиз. Алмашлаб экиш, ишлов бериш, суғориш, шудгорлаш, ўғитлаш каби масалаларда назоратни доимо кучайтира-верамиз. Бу йўлда чакки қадам босганларга нисбатан жуда қаттиқ чоралар кўрилаверади. Ер аҳволининг ёмонлашувини тўхтатиш, тупроқ унумдорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири сифатида диққат марказимизда бўлади.

Яхшиси, суғориладиган экинзорлар ҳақида фикр юритганимиз маъқул. Суғориладиган ер республикаимиз жами майдонининг саккиз фоизидан сал ошиқроғини ташкил қилади, холос. Шунга қарамай, уни шахсий манфаат йўлида талон-торож этиш, ўзга мақсадлар учун эгаллаш каби иллатлар учраб турибди. Аниқроғи, бу ҳозирги пайтгача йўл қўйиб келинган нуқсонлардир. Энди уларни батамом тугатиш учун қатъий курашилмоқда. Шу мақсадда қилинган ишлардан айримларини айтиб ўтиш мумкин. Кейинги уч йил давомида олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики, олти минг гектардан ошиқ суғориладиган майдонлар қонунга хилоф равишда ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик тўсарруфидан чиқариб юборилган экан. Қурилиш ташкилотлари ва турли идоралар томонидан ўзбошимчалик билан ер эгаллашлар етмаганидек, баъзи бекорчи кимсаларнинг гектарлаб майдонларни қўралаб олишлари ва ундан шахсий манфаат йўлида фойдаланишлари-чи?! Масалан, Чуст районининг Мичурин номли совхозида истиқомат қилувчи Т. Аҳрорқулов ўзбошимчалик билан 2,5 гектар ерни хусусий токзор қилиб олган. Еки Пастдарғом районидаги «Москва» колхозида 9,4 гектар суғориладиган экинзорнинг беғона кишиларга пиёз экиш учун тортиқ қилиб юборилганига нима дейсиз?! Хуллас, бу каби қонунга хилоф 2425 иш аниқланди. Қонунбузарларга 7 минг сўм атрофида жарима солинди. Мурасосозликнинг бундай кўринишларига республикаимизнинг ҳамма жойида дуч келиш мумкин. Бу ҳол нимани кўрсатади? Демак, посёлка, қишлоқ Советлари ижроия комитетлари, колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ортиқча ҳотамтойлик қилмоқдалар.

Маълумки, кадрларни тўғри танлаш, улар билан ишлашни яхшилашга партияимиз ҳар доимо алоҳида эътибор бериб, бошқаларнинг диққатини ҳам шунга жалб қилиб келмоқда. Республика қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида катта нутқ сўзлаган Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев ҳар ким ўз соҳасида ишлаши кераклигини алоҳида уқтириб, бошқа касбларга ўтиб кетган қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг аниқ ҳисобига айтиб берганди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш масаласини муҳокама қилганлиги ҳам бу соҳанинг нақадар муҳимлигини исботлайди. Худди шу пленумда қишлоқ хўжалиги министрлиги номига одилонга танқидий фикрлар айтилди, кадрлар бўйича аҳволни яхшилаш кераклиги уқтирилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳар қандай лавозимда ишлаётган раҳбарлар ўз касбининг мутахассиси бўлиши, олий маълумот олиши, билим ва малакасини ошириш устида тинмай ишлаши, албатта шарт. Биз бу томонларга алоҳида эътибор билан қараяпмиз. Аммо шундай бир жиҳатлар борки, улар бевосита жойларда, ҳар бир коллективнинг ўзида амалга оширилади. Юқоридан туриб анча нарсани назорат қилиш мумкин, аммо инсон иштиёқи, кўнглидан кечаётган фикрлар, бошига тушган синоатларни-чи?! Биз ҳар бир кишига ишонач,

ғамхўрлик, дилига малҳам топиш каби масалаларда доимо хушёр бўлишимиз лозим. Бригадир, раис, агросаноат бирлашмаси бошлиғи, борингки район раҳбари ўзига қарашли ердаги пахтани бир ўзи теролмайди. Тонналарни шу жойдаги халқ, оддий кишилар барпо этади. Раҳбар эса одамлар билан тил топишиши, дардлашиши, уларнинг ишончини қозониши керак. Ишнинг муваффақияти асосан шунга боғлиқ, деб ўйлайман. Кадр танлашда биз бу томонларга алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Халқда: «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин» деган яхши гап бор. «Одам бўлиш» эса халқ билан тил топишиш, унинг ишончини оқлаш, меҳрини қозониш демакдир. Шундай фазилятлар мужассамланганда ҳар қандай мушкуллик бартараф этилади. Хуллас, партиямиз белгилаб бераётган йўл биз учун порлоқ келажакдир. Фаолиятимизни шу йўлдан огишмай давом эттираверамиз.

Ўрни келиб қолганда қалам аҳлларига ҳам бир истагимизни айтиб ўтмоқчимиз. Улар ноз-неъмат яратувчилар ҳаётини тағин ҳам чуқурроқ, теранроқ ўрганиб, шу мавзуларда ажойиб асарлар яратадилар, деб умид қиламиз.



Мулоҳаза, муҳокама, мунозара

Ўзбек сўзлари Навоий даврида қандай жаранглаган

Алишер Навоий асарларига тузилган луғатлар орасида XV аср Ҳиротда яратилган Толье Ҳиравийнинг «Бадоеул-луғат»и алоҳида ўрин тутати. Бу луғат бевосита Султон Ҳусайн Бойқаро буйруғи билан амалга оширилганлиги ва XV аср эски ўзбек тили ҳақида ноёб маълумотларни сақлаб қолганлиги билан катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Уни ўрганиш бугунги кундаги кўпгина сўзлар ўша давр Ҳирот ўзбеклари тилида бошқачароқ талаффуз қилинганлигини кўрсатади. Чунончи, тўрт сўзи, Толье Ҳиравийнинг кўрсатишича, Навоий яшаган даврда турт шаклида талаффуз қилинган экан, ўтун сўзи утун шаклида бўлган. Ҳозирги ўлум, ўртоқ сўзлари улум, уртоқ шаклида қўлланилган экан. Аскар, кўшин маъносидаги черик сўзи чирик тарзида ифода этилган. Қисқаси, «Бадоеул-луғат» маълумотларига қараганда, унда жуда кўп сўзлар шоир асарларининг нашрларида бугун, биз ишлатаётгандан бошқачароқ талаффуз қилинган экан¹. Уқувчиларда, хусусан навоийшуносларда савол туғилиши мумкин. Наҳотки юқоридаги сўзлар XV асрда бошқача талаффуз қилинган бўлса?

Толье Ҳиравий адашмадимикин? Навоий асарлари, шева материаллари, экспериментал фонетика маълумотлари луғатшунос маълумотларининг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Чунончи, Толье Ҳиравий бугунги ўлим сўзини XV асрда улум бўлганлигини кўрсатади. Шоир асарларидаги қофиялар ҳам буни тўла исботлайди. Навоий улум, улдум, улмак сўзларини ўз асарига фақат таркибида У бўлган сўзлар билан қофия қилади, яъни шоир қофиялар таркибидаги товушларнинг бир-бирига юз фоиз уйғун бўлишига ҳаракат қилган². Масалан, «Лисонут-тайр»да бу сўз уштулум (жавр, жафо) сўзи билан:

Англабон онсиз тирикликни улум
Жонга айлаб ҳажрида юз уштулум.

«Фарҳод ва Ширин» достонида қутулдум, кулмак сўзлари билан қофия бўлиб келган:

Деди жонпарвар анфосингдин улдум
Унингдин умр ранжидин қутулдум
Киши кўргайму мундоқ турфа улмак
Улусдин йиғламоқ ўрнига кулмак

Бу хилдаги мисоллар шоир асарларида жуда кўп учрайди. Агар юқоридаги сўзлар XV асрда ўлум, ўлдум, ўлмак шаклида бўлганида эди шоир интилган юз фоиз фонетик уйғунлик, тўлиқ қофия бузилган бўлур эди. Агар Навоий асарларидаги қофияларга диққат қилинса, шоир бугунги ўтун сўзига жуда кўп жойда фақат таркибида У унлиси бўлган сўзларни қофия қилгани сезилади. Масалан, «Лисонут-тайр» достонининг «Қушларнинг Фано водийсининг ниҳоятидан бақо мулкидин нишон топмоғлари» бўлимида бу сўзга бутун сўзини:

Жисм аро бир парлари қолмай бутун
Пора-пора уйлаким қоқшол утун.

¹ Ушбу мақолада XV аср орфографиясининг айрим масалалари хусусида тўхталдик.

² Навоий қофияларда юз фоиз товуш уйғунлигига интилганлиги ва бошқалардан ҳам буни талаб қилганлигини Отоийнинг:

Ул санамким сув ёқасинда паридек ўлтурур
Гояти нозуклигинин сув била ютса бўлур

байтида ўлтурур сўзига бўлур калимасини қофия қилиш айб санаганлигидан ҳам кўриш мумкин.

«Узининг шайх руҳи мададидин анга татаббуъ қилғонга қақнус тимсоли» қисмида уни узун, ун сўзларига:

Бешада умри бўлур эрмиш узун
Умрида шуғли онинг йиғмоқ утун,

Умрида ул доғи жамъ айлаб утун
Ул иш асносида тортиб дилкан ун

«Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби» ва «Хамса» дostonларида бу сўзни тутун сўзига қофия қилади:

Ҳам қурутса-ю они қилса утун
Ёруғай вайронаси бўлмаи тутун.

Килки улус ўртамагига утун
Уткариб ул ўти фалакдин тутун.

Бу мисоллар, шунингдек, Тoleъ Ҳиравий маълумотлари бугунги ўтун сўзини ҳам Навоий даврида утун шаклида бўлганлигини кўрсатади.
Навоий асарларида хусусан «Хамса» дostonларида кема сўзи кўп учрайди:

Кемаси лекин ул тараф кетти
Ки бурун ўғли кемаси етти.

Тушуб дарё киби кўнгли аро жуш
Кема оғзидек оғзи лек хомуш.

Луғат муаллифи бу сўз XV асрда, Ҳирот ўзбеклари тилида кима шаклида бўлганлигини кўрсатади. Навоий асарларидаги қофия ҳам бу сўзни ҳақиқатан кима шаклида бўлганлигидан далолат беради. Шоир «Садди Искандарий»нинг ўттиз учинчи ва «Фарҳод ва Ширин»нинг йигирма етти, йигирма саккизинчи бобларида уни нима сўзига қофия қилади:

Су узра суруб бениҳоят кима
Солиб анда бори кераклик нима.
Деди: айлаб мураттаб кималарни
Солинг анда кераклик нималарни.

Дейилган баҳр аро ҳам навъи кима
Ичинда онча халқу онча нима.

Шунингдек, луғат материаллари жой маъносидаги бугунги ўрун сўзи XV асрда урун шаклида бўлганлигини кўрсатади. Сўзининг бу шакли туфайли Навоий «Хамса» дostonларида ўндан ортиқ марта уни фақат бурун сўзига қофия қилган:

Нима офаринишда тутмай урун
Ки тебранмиш ўлғай бу елдин бурун

Керак топиб ул нақб бошин бурун
Тикиб чодир ул ерда тутқай урун.

Луғатшуноснинг кўрсатишича, бугунги куёв сўзи Навоий даври Ҳирот диалектида кэйав шаклида талаффуз қилинган. Ушбу сўзнинг фақат шу шаклигина уни «Лайли ва Мажнун»нинг ўттизинчи бобида шоирга икав сўзига тўлиқ қофия имконини берган:

Кўп зийнату зеб этиб икавни
Гулчеҳра кэлин билан кэйавни.

Луғат маълумотлари чўпон сўзи XV асрда шабан бўлганлигини кўрсатади. Навоий товушлар уйғунлигини сақлаш учун бу сўзга куйида йабан (чўл) ва боғбон сўзларини қофия қилади:

Кўртдек бўри бирла тўлди йабан
Дема куй балки туъма бўлди шабан.

Бўлди раият галаву сен шабан,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.

Толё Хиравий XV асрда қуш, тайр (қуш) ва пиёла маъноларини англатган ва қуйидаги байтда бу сўзнинг икки маънолигидан фойдаланиб, Навоий ийҳом санъати яратганлигини кўрсатади:

Эй, Навоий, демаким жону кўнгулни найладинг
Икисин қилдим фидо, чун бода нушим тутти қуш.

Шу ғазалдаги бу сўзга қофия бўлган хамуш, хуруш, майфуруш, сүруш сўзлари ҳам ҳозирги қўш сўзи XV асрда қуш бўлганлигини тасдиқлайди. «Хамса»даги қофияларга эътибор берилса, Навоий жуда кўп жойда бу сўзга фақат хуш сўзини қофия қилади:

Ул бодадин ўйла тут манга қуш,
Ким ёдима ҳаргиз ўтмасун хуш.

Толё Хиравий бугунги қўй (уй ҳайвони) сўзи XV асрда қуй шаклида ишлатилган деб кўрсатади. «Лайли ва Мажнун» достонидаги ошноруй қофияси бунини тасдиқлайди:

Олиға етишди бир сурук қуй,
Чўпони қурунди ошноруй.

Ҳозирги қўшиқ сўзи ҳам, Толё Хиравийнинг хабар беришича, эски ўзбек тилида қушук шаклида талаффуз қилинган. Бу сўзнинг «Бадоеул-васат»нинг қоф ҳарфига келтирилган ғазалда йарук, тавуқ, йазук, мамук, сүрук, ачуқ сўзлари билан қофияланиши унинг XV асрда ҳақиқатан ҳам қушук шаклида бўлганини тасдиқлайди. Луғатни синчиклаб ўқиш Навоий асарларининг текстологик тадқиқотларига жиддий тузатиш киритиш кераклигини кўрсатади. Айрим ғазалларда бир сўз бир неча сўзнинг товуш тузилишига аниқлик киритиши мумкин. Масалан, агар кенг сўзининг фонетик тузилиши бизга луғатдан кинг эканлиги маълум бўлса, «Бадоеул-васат»даги қуйидаги ғазалда унга қофиядош бўлиб келган денг, енг (емоқ, менг, энг, енг (кўйлак енги), тенг сўзлари ҳам динг, тинг, минг, йинг шаклларида бўлади:

Кўрган эл бедоди хижрондин мени ер бирла тенг
Кўрсангиз ишқ аҳлини, мендин ўпуб ер, ишқ денг.

Сарв тенг тутса ўзун қаддинг била, ул навъдур
Ким гиёҳ ўлғай қад ичра сарви раъно бирла тенг.

Ғунча ичра жола лоф урса тишинг бирёна не тонг
Бу адам кунжига қолиб, ул топибдур ерни кенг.

Турфадурким, куфр шоми рафъ ўлуб, қилғай тулуб
Субҳи имон зулфин очиб, ошкор этса ул энг.

Турфароқ буким, саодат субҳида чиқмиш дегай
Тийра бахтим ахтариким, кўрса ул энг узра менг.

Ақл васвоси хароб этмиш мени ҳужжат била
Соқие бир айш жоми тут мангау они енг.

Эй, Навоий енга пинҳон этма ул ой руқъасин
Чун санга улдур ҳамиша ашк оритмоқ бирла енг.

Демак, бир сўз ғазалнинг ўзида бешта сўзнинг фонетик тузилишига аниқлик киритмоқда. Достон ва айрим ғазаллардаги бир сўз битта сўзнинг фонетик тузилишига аниқлик киритиши мумкин. Масалан, бугунги ушатмоқ сўзининг ўзаги XV асрда ушат бўлган бўлса, қуйидаги байтда унга қофиядош бўлган урнат сўзи ҳам урнат бўлади:

Демон ул ой ўқин, эй дўст, сувур, йўқса ушат
Ким қоқиб тошлар ила, зор танимга урнат.

Чунончи қуйидаги байтдаги нарса маъносидаги нима сўзи:

Йибордим қошингга муносиб нима
Буйун тўлғама, номуносиб дема.

Ҳозирги демоқ сўзининг буйруқ шакли дима бўлиши кераклигини тақозо қилади. Ҳақиқатан ҳам бу сўз XV асрда шу шаклда бўлганлигини Толё Хиравий «Бадоеул-луғат»да кўрсатиб ўтган. Демок, сўзини XV асрда димок шаклида бўлганлиги ўз навбатида «Лисонут-тайр»да унга қофиядош бўлиб келган эмас, эмиш сўзларини имас, имиш бўлишлигини тақозо қилади:

Одам ўлғон зебу зоҳирин димас
Кимки андин фахр этар — одам имас.

Воқеъ ўлмиш қону бу боис имиш
Ким муни мақтул бадҳайът димиш.

Навой «Муҳокаматул-луғатайн»да бугунги термоқ сўзи тирмақ бўлганлигини кўрсатади. Демак куйидаги қитъадаги бермақ сўзи ҳам бирмақ бўлиши керак:

Сийми сочқучи мингдин бирдир
Ўзгаларнинг иши келди тирмақ.
Ул жиҳатдин будудур одатким
Олмоқ осондуру мушкил бирмақ.

Юқорида келтирилган мисолларда кўринадики, XV аср эски ўзбек тилидаги кўпчилик сўзлар биз тасаввур қилгандан бошқачароқ экан.

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари кандидати.

● Ақл ва маъно дурлари ●

* * *

Утган асрдаги немис биологи Эрнст Геккель зиёфатларнинг бирида руҳоний билан ёнма-ён ўтириб қолди. У сигара олган эди, Геккель гугурт чақиб берди. Аммо нима учундир руҳонийнинг қўлида ўт ўчиб қолди.

- Буни қаранг, фан чироғи ўчди, — дея руҳоний кесатди.
- Ҳайратланишнинг ҳожати йўқ, — оҳиста жавоб берди Геккель.
- Бу, черков қўлида биринчи марта бўлаётгани йўқ.

* * *

Шоҳнинг буйруғига биноан кечаси эркак билан аёлнинг бирга юриши тақиқланган эди. Бир неча миршаблар баногоҳ эркак билан чодир ёпинган аёлни учратиб қолдилар. Миршаблардан бири йўловчиларни тўхтатиб, эркакдан сўради:

- Шоҳнинг қароридан хабаринг борми?
- Йўқ...
- Ким бу аёл?..

У одам:

— Жонимнинг жононаси, юрагимнинг садпораси, — деб жавоб қилаётган ҳам эдики:

— Шу одамнинг онаси, онамининг қайнонаси, — деб сўзга аралашди ёнидаги аёл.

Миршаблар гапнинг мағзини чақиш учун ўзаро мунозара бошлаб юбордилар. Бири ундоқ деди, бири бундоқ деди.

Унгача йўловчилар кўздан ғойиб бўлган эдилар. Қани ўйлаб кўрингчи, ҳалиги одамнинг кими бўлди экан, бу аёл?..

* * *

Немис файласуфи Кантдан сўрашибди:

- Қорачадан келган аёл вафодор бўладими ёки оқ-сарикдан келганими?
- Бу саволга Кант ўша заҳоти жавоб берибди:
- Сочига оқ тушгани вафодор бўлади.

АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

Францияда улуғ шоир ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотлар XVII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўла бошлаган эди. Аммо мутафаккир ижодини мунтазам равишда ўрганиш XIX асрдан — шарқшунослик фани ўзига етарли манба тўплаган, илмий тадқиқот методлари ишлаб чиқилган бир даврдан бошланди. Француз навоийшунослигини қарор топтириш ва ривожлантириш ишига Д^р Эрбело (1625—1695), Сильвестр де Саси (1758—1838), Э. Катрмер (1782—1857), Франсуа Белен (1817—1877), Паве де Куртейль (1821—1882), Люсьен Бува каби ориенталист-тарғиботчилар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Навоий ҳақида француз адаби Луи Арагон (1897—1982) ҳам ёзган эди.

Машҳур «Шарқ кутубхонаси»нинг тузувчи-муаллифи, таниқли шарқшунос Бертельми де Моленвиль Д^р Эрбело асарларида Навоийнинг ҳаёти ва ижодига доир дастлабки маълумотлар берилган. Д^р Эрбело француз китобхонларини Шарқ адабиёти билан таништирувчи уч жилддан иборат улкан тадқиқотни араб, форс ва туркий қўлёзмалар асосида чоп эттирди. Д^р Эрбелонинг мазкур асари ўз замонасининг аънавалари руҳида битилгани сабабли чуқур илмий характерга эга эмас эди. Тадқиқот асосан китобхона қизиқиш ва кулги уйғотиш мақсадида келтирилган қўллаб-парчалардан таркиб топган. Бундан ташқари, француз олими арабча-форсча, туркийча-лотинча луғат ҳам тузган. Д^р Эрбелонинг «Шарқ кутубхонаси» муаллиф-тузувчи вафотидан сўнг икки йил ўтгач, 1697 йили Парижда нашр этилган. Муаллиф бу асарда форс шоири Саъдий ҳақидаги маълумотларни Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» мажмуасидан олган бўлиб, табиийки, мазкур манбадаги барча католарни такрорлаган.

Д^р Эрбело Алишер Навоий ижоди ҳақида ўз тадқиқотининг биринчи ва учинчи жилдларида маълумот беради. Биринчи жилдга киритилган «Навоий» сарлавҳали бу кичик мақола Д^р Эрбелони улуғ шоиримизнинг Франциядаги дастлабки тарғиботчиси, деб эътироф этишга имкон беради. Мақолада француз тадқиқотчиси Навоийнинг ижтимоий мавқеи, Хуросон аҳли орасида тутган обрўйи ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади, уни буюк шоир ва мутафаккир шахс сифатида қаламга олади. Ҳиротда шоир томонидан ташкил этилган ва кейинчалик тарихчи Хондамирга мерос сифатида қолдирилган кутубхона ҳақида батафсил маълумот келтиради. Мазкур мақолада Алишер исмининг мазмуни ҳам китобхонага тушунтириб берилади.

Француз олими ўз китобининг учинчи жилдида ўзбек шоирига мана шундай юксак баҳо берган эди: «Мир Алишер Темурланг авлоди бўлмиш Султон Ҳусайн Мирзонинг вазири бўлиб, бу одам форс шеъриятида ҳам, туркий шеъриятида ҳам камолот пиллапоясига кўтарилган».

Шу билан бирга у Навоийнинг туркий (эски ўзбек тилидаги) тўрт девони ҳақида маълумот келтириб, уларни номма-ном санаб ўтади. Бундай қисқа ва аниқ маълумотлар то XIX асрга қадар Европа ва Франция шарқшунослари учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Нвоий номи Д^р Эрбелодан сўнг бошқа бир француз тадқиқотчиси, шарқий мактаб асосчиси Сильвестр де Саси тадқиқотларида тилга олинади. XIX аср рус олими Михаил Никитинский ўз диссертациясида уқтиришича (Амир Низомиддиннинг давлат ва адабиётдаги мавқеи СПб. 1856, 3-бет) Сильвестр де Саси Давлатшоҳ Самарқандий ва Сом Мирзо маълумотларига асосланган ҳолда ўзбек адабиёти асосчиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида йирик асар ёзган. У мазкур тадқиқотида Навоий ижодининг кўп қирралилигини, ўз миллий адабиётини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаган. Хусусан, у шоир ҳақида шундай ёзади: «Алишер сиёсий арбоб ва таниқли шоир, бадий адабиётнинг барча жанрларида қалам тебратган ва адабиёт билимдони бўлган».

Сильвестр де Саси Навоийнинг таржимаи ҳолини Д^р Эрбелога нисбатан батафсилроқ ҳикоя қилади, аммо у ўз китобида шоир асарларига ҳеч қандай илмий танқидий изоҳ бермасдан қуруқ рўйхатини келтиради, холос.

Навоий ижодини Францияда тарғиб ва ташвиқ этиш ҳамда тарқатиш ишига «Колледж де Франс»да семит тиллари профессори, ўз асарлари билан катта шухрат қозонган олим, фавқулодда заковат соҳиби Катрмер Этьен Марк катта ҳисса қўшган. Брокгауз ва Эфроннинг

қомусий луғатига киритилган мақолада айтилишича (СПБ., 1893, 5-жилд, 363-бет), «тафсилотлар таҳлилида фавқулудда заковат соҳиби» бўлган рус шарқшуноси Березин Катрмернинг «улкан эрудицияси» ҳақида ёзади. В. В. Бартольд эса мўғуллар даврида Эронда барпо этилган давлат тарихи бўйича яратилган тадқиқотга француз олими ёзган кириш сўзни баҳолар экан, «Катрмернинг барча тадқиқотлари каби муқаммал» эканини уқтиради (В. В. Бартольд. Асарлар, VIII жилд, 272-бет).

М. Катрмер 1841 йилда Шарқ классик адабиёти бўйича хрестоматия нашр қилиб, унга Навойнинг «Муҳокама-ул-луғатайн» ва «Тарихи мулуки Ажам» асарларини киритади. Ҳар иккала асар Европада биринчи марта Навойнинг Парижда сақланаётган қўлёзмалари асосида чоп этилган эди. Кейинчалик олим ўзбек мутафаккири асарларини француз тилида нашрдан чиқаришнинг батафсил планини тузиб чиқади, аммо бу режа тадқиқотчи вафоти сабабли амалга ошмай қолди.

Д'Эрбело фаолияти билан Катрмер ишлари оралиғида Францияда Навой ижодини ўрганиш борасида қандайдир бўшлиқ, узилиш бўлган экан деб қарамаслик керак. Мавжуд фактлар шундан далолат берадики, бу жараён узлуксиз давом этган. Жумладан, XVIII асрда яшаб ижод этган атоқли француз ёзувчиси ва файласуфи Жан Жак Руссо Шарқ классик адабиётининг улкан муҳлиси сифатида Навой девонларини яхши билган, шунингдек, Шарқ шеърини нодир обидаларининг туркий таржималаридан (масалан, Саъдийнинг «Гулистон» асарининг туркий таржимаси ва ҳоказо) хабардор бўлган.

Хуллас, Навой асарларининг Европага тарқалиш жараёни анча мураккаб ва серқирраллидир. Навой «Саъъи сайёр»нинг Фарбий Европа тилларига қилинган энг қадимий таржимаси хусусида Е. Э. Бертельс ёзиб қолдирган маълумот бу жиҳатдан ғоят қизиқарлидир. Атоқли совет шарқшуносининг исботлашича, 1557 йилда қандайдир Христофор Армянский исмли шахс томонидан форсчадан италянчага ўгирилган шоҳ Сарандипнинг уч ўғли ҳақидаги саргузашт Низомий достони баёни эмас, балки Алишер Навойнинг «Хамса»сидаги тўртинчи достондан бир бўлимининг айнан таржимасидир. Дастлаб италянчага ўгирилган бу китоб икки аср мобайнида Фарбий Европа тилларида ўн бир мартаба, жумладан, француз тилида XVIII аср бошларида (1719) нашр этилди. Бутун XVIII аср давомида фактларни тўплаш ва мустамлакачилар томонидан денгиз ортидаги мамлакатлардан олиб келинган қўлёзмалар сонининг мунтазам ортиб бориш жараёни давом этди. Мазкур аср охирларида келиб, яъни 1795 йили Парижда Шарқ жонли тиллари мактаби очилади. 1821 йилда эса «Осиё жамияти уюшмаси» ташкил этилади.

Алишер Навой асарларини ўрганиш ва таржима қилиш ишларига француз шарқшуноси, Франциянинг Истамбулдаги бош элчиси Белен ҳам сезиларли ҳисса қўшди. У 1817 йили Парижда туғилган, «Колледж де Франс» ва «Жонли тиллар мактаби»да Сильвестр де Саси ҳамда Катрмер раҳбарлигида шарқ тилларини ўрганган. 1852 йилдан бошлаб Истамбулдаги Француз элчихонасида хизмат қилган. Бу ердаги расмий иш Беленга араб, турк ва форс тиллари бўйича билимларини амалий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш имконини берди. У ўз мақолаларини «Осиё» журналади чоп эттирган. 1861 йилда Белен мазкур журналда Навойнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир «Алишер Навой ҳақида биографик ва адабий қайдлар» номли каттақон мақола эълон қилади. Мақола шу йилнинг ўзида алоҳида китобча ҳолида нашр этилади. Белен эски ўзбек ва форс тилларидаги манбалар ҳамда Навой замондошларининг маълумотларини ўрганган ҳолда шоирнинг илмий таржимаси ҳолини тузишга жиддий киришади. У кўп ўтмай Париждаги миллий кутубхонада сақланаётган 1526 йилга мансуб қўлёзма тарихини аниқлади. Тадқиқотчи, Навой «миллий тилдан фойдаланиб, унинг бойлигини фавқулудда кенг қўламда намойиш этиб, чинакам ватанпарварлик намунасини кўрсатди», «Алишер Навой замонасининг энг таниқли ва нуфузли шоирларидан бири эди», деган ҳаққоний хулосалар чиқара олди. Шунингдек, у адибнинг ижодий доираси кенг ва ранг-баранг эканини тўғри таъкидлайди. Навойнинг Деҳлавий, Хусрав, Низомий, Жомий каби ижодкорлар тақлидчиси сифатида баҳоланишигина Белен асарларидаги нотўғри фикрдир.

Олим 1866 йили мазкур журналда Навой ҳақидаги «Шарқ фалсафаси» номли иккинчи мақоласини эълон қилди. Унга «Маҳбул-қулуб»даги сўзбоши ва бир неча боб таржима қилиб киритилган эди.

Француз олимнинг тадқиқотларидаги нотўғри фикрлар совет шарқшунослари томонидан жиддий танқидга учради. Е. Э. Бертельснинг фикрича: «Икки нотўғри фикр Белен томонидан энгил-елпи баён қилинган. Булар: Султон Хусайн ва Навой дўстлигини ортиқча идеаллаштириб кўрсатиш ҳамда шоир ижодини бутунисига тақлидчилик сифатида баҳолашдир», деб ёзган эди атоқли олим.

Белен тадқиқотлари айниқса В. В. Бартольднинг кескин танқидига учради. У олимни «ваҳимачи» деб атади. «Беленда француз риторикаси у асосланган манбалардаги шарқ риторикасидан анча-мунча ортиқроқдир». У Белен монографиясини 1920 йилда «хайратомуз» деб баҳолаган Е. Г. Браунга қарама-қарши ўлароқ, асарда манбалар ҳақида яққол тасаввур йўқ, масалан «Рават-ус сафо»нинг VII жилди қандай таркиб топгани, ундаги нималар Мирхондга, нималар Хондамирга тааллуқли эканини тушунтирмайди, деб ҳисоблайди.

Бундай эътирозли ўринлардан қатъий назар, Беленнинг Навой ижоди ҳақидаги ишлари ўз даври учун улкан аҳамиятга эга эди. Шоир асарларининг Европа тилларига таржималарини ўрганиш бобида ҳам Белен катта хизмат қилди. Шунини алоҳида айтиш керакки, Белен асарлари моҳият эътибори билан Навой ижодини Европада ўрганилишига доир энг тўғри маълумотлар берадиган бирдан-бир манба ҳисобланади.

Француз олими Паве де Куртейль Навойнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан бевосита шуғулланмаган. Шунга қарамай, унинг номини тилга олмасдан туриб француз навойшунослиги тўғрисидаги мулоҳазаларимиз тўлиқ бўлмайди. «Колледж де Франс»даги туркий тиллар кафедраси профессори (1861), Француз академиясининг аъзоси (1873) ва Петербург

Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Паве де Куртейль Францияда туркология фанини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар қилган. У 1871 йилда Навоий, Бобур, Абулғози Баҳодирхон асарларини ўқиш учун мўлжалланган «Шарқий-туркий луғат» китобини нашр эттирди. Паве де Куртейль «Бобурнома»ни француз тилига тўла таржима қилди (1871). Бу француз олимнинг фандаги энг ажойиб хизматларидандир.

Француз шарқшуносларининг Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасидаги ишларини Люсьен Бува давом эттирди. 1902 йилда Парижда бўлиб ўтган шарқшунослар анжуманида у «Муҳокамат-ул луғатайн» асарининг янги топилган қўлёзма нусхаси ҳақида атрофлича маълумот беради.

1926 йилда «Осиё» журналида Люсьен Бува темурийлар даври маданияти, санъати, меъморчилиги ва адабиёти ҳақида мақола эълон қилиб, унда Навоийнинг қисқача таржимаи ҳолини баён этади ва шоир қаламига мансуб асарлар рўйхатини келтиради. Л. Бува Навоийни олий унвон ва мансабга интилмайдиган камтарин, инсонпарвар одам сифатида таърифлайди. У шоирнинг кенг қамровли олижаноб фаолиятини алоҳида таъкидлайди ва Ҳиротда бунёд этган иншоотларини санаб кўрсатади. Л. Буванинг 1927 йилда «Мўғуллар империяси» номли китоби чоп этилади. Мазкур асарнинг бир бобида Алишер Навоий ижоди ҳақида гап кетади. В. В. Бартольднинг гувоҳлик беришича, Л. Бува бу сафар янги манбаларга мурожаат қилмайди, у аввалгидай Мирхонд, Хондамир, Бобур ва Алишер Навоийнинг оригинал асарларига таянади. Рус шарқшуноси француз олимнинг манбалар ҳақидаги маълумотларини «етарли ва тўлиқ бўлмаган манбалар сифатида баҳолайди, муаллиф (Л. Бува) Султон Ҳусайн ҳукмронлиги ҳақида ҳам, Мир Алишер ҳаёти ҳақида ҳам маълум бир тўғри тасаввур бермайди» деб таъкидлайди.

В. В. Бартольднинг Л. Бувага берган танқидий баҳосидан қатъий назар, француз шарқшуносининг тадқиқотлари ўзбек адабиёти асосчиси ижодини Франция, Европа жамоатчилиги ўртасида оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Француз шарқшуносларининг, хусусан Л. Буванинг китоблари Навоий ижодини янада, теранроқ илмий тадқиқ этишга олимларнинг диққатини жалб этди.

Салима ИКРОМОВА



МАВЛОНО ХОРАЗМИЙ

Ўзбек адабиёти тарихидаги улуғ ижодкорларнинг нодир асарлари ғоявий ва бадиий жиҳатдан баркамол, пурмаъно, таъсирчан, халқчил бўлганлиги учун адабиёт хазинасидан абадий ўрин олиб келмоқда. Ана шундай машҳур асарларни яратган ижодкорларнинг аксарияти нимагадир ўз ҳаёти, таржимаи ҳолига доир маълумотларни аниқ ва тўлароқ ёзиб қолдирмаганлар. Уларнинг номи кўпинча бадиий асар сўнггида имзо ўрнида қўлланган тахаллуслари билангина маълум бўлиб келган.

Бундай ҳолни мазкур ижодкорларнинг ниҳоятда камтаринлиги ёки шу даврларда яшаган подшолар, султонлар, хонлар, шаҳзодалар, амирлар ва бекларнинг тахт ва мамлакат таллашиб, халқни хонавайрон, обод шаҳар ва қишлоқларни хароб култепага айлантирувчи уруш-талашлари натижасида юзага келган сиёсий вазиятлар билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, ҳақиқий халқпарвар, ватанпарвар, халқчил ижодкор мамлакатлар тинч бўлишини, халқлар шод ва маъмур яшашини истайди, асарларида шунга чақиради. Улар юрт нотинч бўлган, адолат поймол қилинган пайтларда, қувғинга учраб, таъқиб остида яшаганлар. Шунинг учун ҳам ўз номлари, ота-оналари, қариндош-уруғлари, болалари кимлигини, жойи ва бошқа таржимаи ҳолига оид маълумотларни атайлаб ошқора қилмай, тахаллус билан яширишга мажбур бўлганлар.

Бу тадқиқотда ўзбек адабиёти тарихида узоқ вақт таржимаи ҳоли номаълумлиги учун «Хоразмий» нисбаси билан машҳур бўлган «Муҳаббатнома» достони муаллифи ҳақида сўз юртамиз.

Хоразмий XIV аср бошларида Хоразмда туғилган. Унинг ўқиш даври ва илк ижодий фаолияти шу ерда ўтади. У кейинчалик дунёвий адабиётнинг илк йирик намояндalarидан бўлиб етишади. Лекин адибнинг бутун ҳаёти сарсон-саргардонликда, юртма-юрт кезиш билан кечган. Чунки бу даврда феодал урушлар туфайли Ўрта Осиё ниҳоятда нотинч аҳволда эди. Хоразмий, Сайфи Саройи ва шунга ўхшаш ижодкорлар бу даврда ўз юртларини ташлаб кетиш даражасига етганлар.

Хоразмий ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида қисқа бўлса ҳам, маълумот берувчи манба унинг «Муҳаббатнома» асаридир. Шоир Арабистонда икки марта бўлган. Иккинчи марта Арабистонга борганида, юртига қайтмай, шу ёқда бутунлай қолиб кетганга ўхшайди.

Хоразмий «Муҳаббатнома»нинг муқаддимаси ва қисман хотимасида ҳамда шу асарга илова қилган шеърин «Ҳикоят»да ўз саргузаштлари ҳақида баъзи бир маълумотларни баён этади.

«Ҳикоят»да айтилишича, Хоразмий бир неча Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган, турли халқларнинг ҳаёти билан танишган ва оғир машаққатларни бошидан кечирган.

Шоир Мовароуннахрнинг кўп жойларини кезиб чиққан. Саёҳат вақтида у 1353 йилнинг охирида Олтин Ўрда хони Жонибекнинг Сирдарё музофотидаги амалдори Муҳаммадхожабек билан танишади. Муҳаммадхожабек Хоразмийдан ўша қиш фаслида ҳузурда қолиб, ўзбек тилида бир асар яратишни илтимос қилади. Форс-тожик тилидаги асарлари билан шуҳрат қозонган Хоразмий Муҳаммадхожабек илтимосини мамнуният билан қабул қилади ва «Муҳаббатнома» достонини яратади. Шу ҳақда асарда мана бундай маълумот берилган:

— Бу дафтарки бўлибтур Миср қанди,
Етти юз эллик тўрт ичра туганди.
«Муҳаббатнома» сўзин мунда йиғдим,
Камчилигин сир яқосинда битқаздим.

Тадқиқотчи Мирзааҳмад Азаматовнинг «Мавлоно Хоразмий», «Мавлоно Сайфи Саройи», «Мавлоно Саккокий ва унинг тахаллусдошлари ҳақида айрим маълумотлар», «Латофатнома» достонининг муаллифи ким?», «Шоир Роқим» мақолалари ўзбек адабиёти тарихида ўзига муносиб ўрин эгаллаган ижодкорларга бағишланган.

Жуда кўп қўлёзма манбаларини синчиклаб ўқиш ва ўрганиш натижасида ёзилган бу мақолаларда муаллиф у ёки бу шоир биографиясига, унинг асарла-

рига оид янги фикр айтишга ҳаракат қилган.

Масалан, машҳур «Муҳаббатнома» достонининг муаллифи фақат Хоразмий нисбаси билан маълум эди. М. Азаматов тарихий хроникалар ва қўлёзма манбалар асосида унинг исми Мавлоно Хожа Исҳоқ эканлигини аниқлаган. Бундан ташқари мақолада кенг журнал-хонлар учун қизикарли бошқа бир қанча фактлар, маълумотлар ҳам мавжуд.

Абдуқодир Ҳайитметов,
филология фанлари доктори

Бу шеърӣй парча шоир саёҳатлари давомида Мисрға ҳам боргани ва у ерда «Муҳаббатнома» асарини ёзишга ҳозирлик кўра бошлаганидан дарак беради. Шоир Хоразмий Мисрда ўз ватандош ва замондош шоирлардан бўлмиш Сайфи Саройи, Аҳмад Урганжий, Мавлоно Умар, Мавлоно Қози Муҳсин, Тўғли хожа, Мавлоно Имом Мавлавий, Аҳмадхожа Ас-Саройи каби классик шоирлар билан учрашган. Улар ҳам реакцион кучларнинг таъқибига учраганлиги учун ўз ватанларидан айрилган эдилар. Бу ҳақда адабиётшунос Насрулло Даврон «Совет Ўзбекистони» газетасининг 12 октябрь, 1967 йил сонида «Мисрда яшаган ўзбек шоирлари» сарлавҳали мақоласида батафсил маълумот берган: «Сайфи Саройи, Аҳмад Урганжий, **Хожа Исҳоқ Хоразмий**, Мавлоно Умар, Мавлоно Қози Муҳсин, Тўғли хожа каби шоирларимиз Мисрнинг Қоҳира ва Искандария шаҳарларида яшаб ижод этганлар».

Шоир Хоразмийнинг Мисрға бориб Сайфи Саройи билан учрашганлиги ҳақида филология фанлари доктори Э. Фозилов 1968 йилда нашрга тайёрлаган Сайфи Саройи тўпламининг кириш сўзида шундай ёзади:

«Шуниси диққатни жалб қиладики, тўпламдан (Сайфи Саройи тўплами ҳақида гап борапти — М. А.) машҳур «Муҳаббатнома» достонининг автори Хоразмийнинг қасидаси ҳам ўрин олган. Қасида ва «Муҳаббатнома» достони авторининг бир эканлигини қасида ва «Муҳаббатнома»даги образ ва услубнинг кўп жиҳатдан мос келишидан кузатса бўлади».

Ун бир номадан иборат бўлган «Муҳаббатнома» асарининг учта номаси: 4-8 ва 11-номалар форс-тожик тилида ёзилган, қолган 8 нома ўзбек тилида битилгандир.

Шоир Хоразмийдан бизга ҳозирча «Муҳаббатнома» (унга илова қилинган «Ҳикоят» билан бирга), яна иккита ўзбекча ғазал (улар «Ўзбек адабиёти» китобининг 5-томида босилган) етиб келган. Бу ғазалларнинг биринчиси «Хоразмий айтур», иккинчиси эса «Мавлавий Исҳоқ айтур» сарлавҳаси билан эълон қилинган бўлиб, у мана бундай бошланади:

**— Назар қил бизга бир соат аё маҳбуби руҳоний,
Анингтек бизни ҳуш кўр ким бекансун ақли руҳ они.**


Хоразмийнинг шоир Сайфи Саройи тўпламида бир қасидаси бор эканлигини юқорида кўрсатиб ўтган эдик. Шундай қилиб, биз «Муҳаббатнома» муаллифи мавлоно Хоразмийнинг номи Хожа Исҳоқ бўлганлигини юқоридаги маълумотлардан билиб олдик. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» достони, икки ўзбекча ғазали ва бир қасидаси етиб келган.

Булардан ташқари Мавлоно Хожа Исҳоқ Хоразмий рубойилар ва чуқур ҳажвий руҳдаги масаллар ҳам ёзган экан. Бу ҳақда «Ўзбек адабиёти тарихи»да («Фан» нашриёти, 1977 йил, 11-том, 178-бет) маълумот берилган.

Хоразмийнинг форсий асарлари ҳали топилган эмас. Мақола сўнггида шуни ҳам эслатиб ўтамизки, нома жанрида Мавлоно Хожа Исҳоқ Хоразмийдан олдин ва ундан кейин ҳам жуда кўп шоирлар ижод этганлар. Бу достонлар асосан туркий ҳамда форс-тожик тилларида ёзилгандир.

Хожа Исҳоқ Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си нома жанрида ўзбек тилида ёзилган достонларнинг энг яхши намунаси ҳисобланади.

Мирзааҳмад АЗАМАТОВ



ИЖОД — ЖАСОРАТ, ШЕЪР — ЖОЗИБА

(Биринчи китоблар ҳақида ўйлар)

Ҳозирги пайтда шеърятни муқаддас санаб, катта масъулият билан ижод қилаётган Усмон Азимов, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Муҳаммад Солиҳ, Азим Суюн, Садриддин Салимов, Қутлибека Раҳимбоева каби ёш шоирларимиз ҳам устозлар изидан бориб, умумбашарий фикрларни кўтариб чиқувчи шеърлари билан мухлисларни ҳушнуд этмоқдалар. Аммо очигини айтганда, бу рўйхатни узоқ давом эттириб бўлмайди. Ҳозир негадир, биринчи китоби биланоқ халқ назарига тушиб, шухрат топаётган ижодкорлар кўп эмас. Хўш, бунинг сабаби нимада? Нега айрим китоблар ва уларнинг муаллифлари ўқувчилар томонидан қадрланмаяпти? Кўпгина шеърлар ўқилганда нечун қалбларни ларзага солмайди? Бунинг бош сабаби, бизнингча, айрим шоирларнинг ўз қадрини, баҳосини билмаслигидир. Улар халқ учун эмас, ўзлари учун ижод қиладилар. Шу тўғрисида уларнинг асарлари китобхон қалбидан жой тополмай, бошпанасиз шеърлар бўлиб қолмоқда. Уларнинг ёзганлари китобхон қалбига етиб боролмай, ора йўлда қолиб кетаяпти. Шеърят майдонида муқим туриб қолиш учун ҳар ким энг аввало, бу ерга нима учун кириб келганлигини, унга қандай наф келтиришини бир қарра ўйлаб олса, ёмон бўлмасди.

Яқинда мен биринчи тўпламларини эълон қилган ўнлаб шоирларнинг китоблари билан танишиб чиқдим. Оқиқ эътироф этишим керакки, уларнинг аксариятида ёрқин индивидуаллик, ўзига хос оҳанг етишмайди. Мана, кўлимда Иброҳим Мусаев, Аҳмад Тошхўжаев, Турсун Али, Исмоил Тўхтамишев, Усмонжон Шукуров, Иброҳим Азимбоев, Темур Норбек, Фулом Шомуродов, Мели Фармонов ва бошқа шоирларнинг тўпламлари ҳамда «Олтин беланчак» сериясида эълон қилинган икки китобдаги йигирма бир ижодкорнинг шеърлари. Бу шоирларнинг ҳамма шеърлари заиф демоқчи эмасман, улар орасида дурустлари ҳам бор. Лекин яхлит олганда, бу китоблар ҳозирги шеърятимизнинг умумий савиясидан паст даражада ёзилган. Ваҳоланки, уларнинг аннотацияларида ҳамда кириш сўзларида ўқувчига катта ваъдалар берилади, муаллиф кўкларга кўтариб мақталади, оригинал шоир сифатида талқин этилади. Масалан, Аҳмад Тошхўжаевнинг «Юлдузлар сеҳри» номли тўпламига ёзилган аннотацияда шундай дейилади: «Шоир шеърларида оригинал фикрлашга, дунёни фалсафий идрок этишга интилади. У жўшқин туйғуларини, она юртига муҳаббатини лирик мисраларда куйлайди». Буни ўқигач, китобни яхши умид билан қўлга оламиз ва дастлаб «Ватан» сарлавҳали биринчи шеърнинг мутолаасига киришамиз:

**Ватан — аждодларга мерос ошён,
Авлодларга зарра хоки муқаддас.
У номус мисоли асралган макон,
Осмон гумбазини жанангалатган сас!**

Ёмон эмас (демак, яхши ҳам эмас) ва энди биз бундан ҳам кучлироқ бўлган образли ифодаларни, фалсафий мушоҳадаларни кутамиз. Аммо шоир бизга маълум гапларни айта бошлайди: Ватан — Муқимийнинг ҳужраси, Фурқатнинг ҳижронда кутган висол муждаси, Муса Жалилнинг кўз қораси, фазогирга теладан кўринган диёр, фарзандларга меҳрибон она ва ҳоказо... Хулоса:

**Мен-ку шу Ватаннинг қучоғида жо,
Лекин у ҳам мангу қалбимда жодир!**

Хўш, шоир Ватан ҳақида қандай оригинал фикр, фалсафий мушоҳада билдирди? Бизнинг Ватан тўғрисидаги тасаввуримизга қандай янгилик қўшди? Уйлаймизки, бу саволларнинг жавоби изоҳсиз ҳам тушунарлидир. Бугина эмас, А. Тошхўжаевнинг шеърлари чўзиқлиги, фикрий тарқоқлиги билан ҳам ўқувчини зериктиради. Айтайлик, «Сафар фалсафаси» шеърларида илгари сурилган асосий фикр охириги бандда жойлашган. Шунинг учун ўзи чиройли тўртлик, яъни сафар таассуротларидан чиқарилган хулоса. Ваҳоланки, шоир уни беш бандга чўзиб юборади. «Олис юлдузлар», «Болаликка қайтиш», «Уғлим Зоҳирга» сингари шеърлари хусусида ҳам шундай мулоҳаза билдириш мумкин.

Китобларга аннотация ёзган ўртоқлар авторларга нисбатан жуда саҳий бўлиб кетишяпти. Масалан, Иброҳим Азимбоев «ҳар бир шеърда ўзига хос янги гап айтишга интилади» дейилади. «Кўёш чечаклари» тўпламини ўқиб чиқиб, шеърхон бирон «янги гап» тополмай овора бўлади. Иброҳим Мусаев «ўз шеърларида замондошларининг ўй-фикрларини, кечинмаларини қаламга олади, тўғилган юрти манзараларини шавқ билан куйлашга

интилади». Аммо ваъда қилинган мана шу шавқ бизга юқмайди. Қуруқ мадҳиябозликни халқ оҳанги руҳида ёзилган; эҳтироссиз, шунчаки назмбозликни лирик, фалсафий шеърлар тарзида баҳолаш, тавсия этиш ўқувчини алдаш, чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Ваҳоланки, юқорида номлари зикр қилинган ижодкорлар замоннинг актуал масалаларини юксак бадиий шаклда ифодалаб беролмаяптилар. Иброҳим Мусаев, Исмоил Тўхтамишев, Турсун Али, Темур Норбек кабиларнинг кўпгина шеърлари шу туфайли китобхон қалбидан жой тополмай юрибди. Уларнинг шеърларидаги асосий камчилик ижтимоий руҳнинг етишмаслигида деб ҳисоблайман. Мазкур шоирларнинг тўпламларида Ватан, халқ, юрт, ёшлик, уруш ва тинчлик, дўстлик ва интернационал бурч тўғрисидаги шеърлар бор. Бироқ уларда эҳтирос, юксак образлилик йўқ. Шеър эса энг аввало, образли тафаккур мевасидир.

Масалан, Иброҳим Мусаевнинг «Оқшом ўйлари» тўпламидаги аксар шеърлар ҳис-туйғудан йироқ бўлиб, уларда баландпарвоз сўзлар, яланғоч образлар кўп учрайди, бақироқлик, буйруқвозлик оҳанглари етакчилик қилади. Унинг шеърларидаги лирик қаҳрамонда активлик етишмайди, ҳаётдан, меҳнатдан, атроф-муҳитдан завқланиш каби туйғулар кам ифодаланади. Аксинча, лирик қаҳрамон — шоир ёлғиз қолиб ўй суриш, хаёлга берилиш билан банд бўлади, воқеа-ҳодисалардан таъсирланиш, фахрлишини шунчаки баён этиш билан чекланади. Биз шоир ўй суриш, хаёлга берилиш, сукунат, жимлик ҳақида ёзмасин, деб кўрсатма бермоқчи эмасмиз. Ҳақиқий шоир сукунат бағрида шиддатли ҳаёт оқими, хаёл замирида зиддиятли қалб тугўнини акс эттириб бериши керак. И. Мусаевнинг шеърларида эса мана шу фазилат етишмайди.

Исмоил Тўхтамишевнинг «Чўл бойчечаги» тўпламидаги айрим шеърларда ҳарорат, бадиий тафаккур етишмайди, уларнинг ўрнини қуруқ мадҳия, баёнчилик эгаллаган. Масалан, «Комсомол монологи», «Онажон», «Биринчилар», «Отамга хат», «О, она шахрим» каби шеърлари ижодкор учун нақадар кадрли кишилар ва воқеаларга бағишланган. Аммо уларда ҳарорат етишмаслигидан авторнинг ота-онасига, устозларига, комсомолга, шахрига изҳор этмоқчи бўлган меҳр-муҳаббати бизга таъсир қилмайди, қалбимизни тўлқинлантирмайди. Сабаби, улар бадиий образли тафаккурдан йироқ бўлиб, оддий сўзлар тизмасига айлланиб қолган. Мана бу мисолларни биргалашиб ўқиб кўрайлик:

**Номинг ёзилганди чўл деб, ҳойнаҳой,
Бу қадим тарихнинг чўнг китобида.
Кундан кун яшнарсан, очасан чирой,
Кенгайиб борурсан чўл ҳисобига.
Эртаси мунаввар, сен манга фаҳрим —
О, она шахрим!**

Ёки:

**Бир замонлар атрофимга разм солиб тўймасдим,
Қара дея қистаб сени, ўз ҳолингга қўймасдим.**

Энди инсоф билан айтинг-чи, ушбу сатрларнинг оддий сўзлашув нутқидан қандай афзаллиги бор?! Бунинг устига шоирнинг тили анчайин қашшоқ, натижада бир хил сўз ҳамда иборалар деярли ҳар бир шеърда такрорланиб келаверади. Масалан, биргина «дил» сўзи 21 марта қўлланилади. Гап рақамда эмас, балки унинг ҳадеб бир хил маънода қўлланилавериши ўқувчи ихлосини қайтариб қўйишидадир. Шунингдек, И. Тўхтамишев шеърларида синоним сўзларни ёнма-ён истифода этиб, мазмунни сийқалаштириш ҳам асосий камчиликлардан ҳисобланади («ҳар бир одим, ҳар бир қадамда», «Фарҳод каби эл, юрти учун», «Маҳтал кутар баҳор, кўклами» каби). Шоир сўзлар маъносининг фарқига бормай қўллавериши туфайли «Эл-юрт деб кўз юмган ватан сардори» (ватан ҳалоскори, солдати бўлиши мумкин, аммо сардори, яъни бошлиғи бўлмайди), «Сомоларни забт этдик маҳтал» (маҳтал — зориқиб, интизор бўлиб деган маъноларни англатади, ана энди сатр мазмунини қақиб кўринг), «Чақмоқ чақнаса-да томчимас ёмғир» (томчилмас бўлиши керак) сингари ғализ жумлалар пайдо бўлади.

Ҳақиқий ижодкор китобдан китобга ўсиб бормоғи керак. Ҳар бир асари ўзининг оригиналлиги, аввалгиларига ўхшамаслиги билан ажралиб турмоғи шарт. Инқилобнинг оташнафас шоири В. Маяковский таъбири билан айтганда, ижодкорни «янги асарининг аввалгисидан бўш чиққанлиги эмас, балки унга ўхшаб қолганлиги» кўпроқ таъвишга солиши зарур.

Эндигина бир-иккита тўплам чиқарган ижодкорларнинг энг асосий камчилиги тематик торлик деб ҳисоблайман. Бинобарин, кўпчилик шоирларимизнинг фикр қамрови тор, дунёқараши чегараланган, узоқни кўзлай олмайдилар, яъни келажакка даҳлдор гап айта олмайдилар.

Ахир, Ғафур Ғулумни буюк қилган шу тафаккур чексизлиги эмасми?! Эслаб кўринг: биргина сиёҳдонни қандай тарихий-ижтимоий воқеалар билан боғлай олади! Ҳар бир шоир ўз поэтик оламини беқиёс даражада кенгайтириш учун тинимсиз изланиш, астойдил курашиши, ҳа, айнан курашиши керак. Менинг назаримда, шоирлик фаҳри ва машаққатини бўйнига олиб, адабиёт даргоҳига қадам қўйган ҳар бир ижодкор Усмон Азимовга қўшилиб шундай хитоб қилишга тамоман ҳақлидир:

**Замин — улкан, само — чексиз, олам — бесарҳад,
Сен нимасан! Бир заррасан, нуқтасан фақат.
Йўқ, шоирсан! Миттиман деб ғам чекма зинҳор,
Кенгликларга сизмай ҳайқир: «Олам бунча тор!»**

Демак, шоир ўзи митти жон бўлса ҳам кенг оламга сиғмайдиган қудратга эга бўлиши керак. Ҳаётга тийрак кўз билан боқиш бу оламни шубҳасиз, кенгайтиради. Ҳозирги замон шоири атрофида рўй бераётган барча воқеа-ҳодисаларга актив муносабат билдириши, уларни ўз сози ва овози билан куйлай олиши шарт.

Поэтик оламнинг, тематиканинг торлиги шоирларимизнинг оригинал фикрлашларига жиддий тўсиқ бўлмақда. Бу ҳолни бухоролик ёш шоир Усмон Файзий ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. У асосан ғазаллар ёзмақда. Ушбу жанрда унинг изланишлари ва интилишларини табриклаган ҳолда шунини айтиш керакки, бу ғазаллар ҳали қиёмега етмаган, кўп сакталиклар учрайди, вазиға тушмаган ўринлар бор, безан қофия ёки ритмга берилиб кетиб мазмунга путур етказиш ҳоллари рўй беради. У ҳам бошқа шоирлар сингари она юрти Бухоро тўғрисида ғазал яратибди. Ният яхши, ижодкор ўз ўлкасига бўлган меҳр-муҳаббатини тараннум этади. Лекин кўпчилик ижодкорларимизга хос бўлган қусур — тор маҳаллийчилик қобилиғига ўралашиб қолиш, қуруқ мақтов-мадҳия билан чекланиш, куйланмоқчи бўлган шаҳрининг ҳали ҳеч ким кўрмаган, ҳис этмаган фазилатларини кашф эта олмаслик, энг ёмони, умумийлик — Усмон Файзийга ҳам хосдир. Мана, унинг ғазалидан айрим байтлар:

**Кўзимга нури, аълосан, Бухоросан, Бухоросан,
Ватансан, улки зебосан, Бухоросан, Бухоросан.
Заминдек вазмину маҳваш, фалакдек рангину дилкаш,
Қиёссиз турфа маъвосан, Бухоросан, Бухоросан.**

Энди шу парчадаги Бухоро номининг ўрнига ўз шаҳрингизни (масалан, Самарқандми, Наманганми, Хоразмми) қўйиб ўқинг-чи, ҳеч нарса ўзгармайди.

Ёш шоирлар орасида айниқса, ҳозир барбод берилган муҳаббат ва ҳижрон тўғрисида шеърлар ёзиш урф бўлиб қолди.

Афсуски, аксар ёш шоирларимизнинг бу масалада оҳ-воҳдан нарига ўтмасликлари ўқувчи энсасини қотирмоқда. Масалан, Иброҳим Азимбоевнинг «Сенга шодлик бермоқ учун туғилганман» сатри билан бошланувчи шеърини олиб кўрайлик. Маъшуқага аталган саккиз мисрали бу шеърда шоир ёруғ дунёга фақат «ёрни суймоқ, барча истакларини бажо этмоқ, қирқ кокил сочларини (аслида «кокил»дан сўнг «соч» сўзининг кераги ҳам йўқ) силамоқ, ёвнинг дайди ўқларидан асрамоқ, кунига икки марта қондек қизил гул териб олқишламоқ учун туғилганлигини» айтади.

Шунингдек, Хосият Бобомуродова, Дилбар Ҳайдарова, Худойберди Эшонқулов, Эркатош Шукурова кабиларнинг муҳаббат ва ҳижрон тўғрисидаги шеърлари ҳам ўқувчида нохуш кайфият ҳосил қилади. Таниқли шоирларнинг муҳаббат тўғрисидаги шеърларини ўқувчилар нега излаб юриб ўқийдилар, ёд оладилар-у, юқоридаги шеърларга унинг рағбати йўқ? Чунки чинакам ишқий лирика қалбимизни фараҳбахш туйғуларга тўлдиради, келажакка умид туғдиради, севгининг қудратини сездиради, руҳимизни кўтаради. Бизга кўпроқ мана шундай шеърлар зарур.

Хуллас, ҳар бир ижодкор мавзу доирасини беқиёс даражада кенгайтириши керак. У ўзини халқининг куйчиси, даврнинг овози, буюк Ватан фарзанди эканлигини унутишга, тор доирада ўралашиб қолишга мутлақо ҳаққи йўқ.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
филология фанлари кандидати



Омон Мухторов

МУЪЖИЗА

Қисса

БИРИНЧИ ҚИСМ

ИЗЛАР

Номаълум шарпа

Қария қоронғи хонада, дераза олдида қотиб турарди. Кўча ҳам деярли қоронғи эди.

Жимлик. Аҳён-аҳёнда анча олисдан поезд пишқиргани ёки катта йўлдан манзилга ошиққан юк машинасининг шағиллаб ўтгани эшитиларди, холос. Бошқа пайт фақат дайди шамолнинг ҳуштагию дарахтларнинг куз тунларига хос нотинч, маҳзун шовуллагина қулоққа чалинарди.

Осмонни қоп-қора булут қоплаган. Йилт этган биронта юлдуз кўринмайди.

Ташқаридан кутилмаганда зинага шошмасдан тап-тап босилган оёқ товуши келди ва кўп ўтмай эшик оҳиста тақиллади.

Қария ён томондаги кичик хонани эгаллаган, ўғли билан келини эса, бир оз ичкарироқдаги катта бўлмада ётишар эди. У, бемаҳалда бошқаларнинг ҳаловати бузилмасин, деб, йўлакда бехосдан бирон нарсага қоқилиб кетмаслик учун эҳтиёткор қадам босганича, эшикка яқинлашди.

Ташқарида чироқ милтиллар, тирқишлардан йўлакка хирагина ёруғлик тушиб турарди.

Қария келган кишининг кимлигини олдиндан суриштириб ўтирмади. У кундузми, тунми, ҳамиша эшикни секин, аммо катта очарди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

Эшикни очганидан кейингина, остонада қандайдир номаълум шарпа қорайиб турганини сезди. У шарпанинг афт-ангорини кўрмади, чунки биринчи галда, эшикни очганидаёқ, кўзи беихтиёр чироқ нурида ярқ этган дудамага тушди. Рўй бераётган воқеанинг мағзини чақиб, бирон чора ўйлашга улгурмади. Дудама унга шу ондаёқ санчилди.

Қария худди бировга таъзим қилаётгандек, қўлларини қорнига босди ва шунинг баробарида, энди олдин туйилмаган қандайдир журъат, дадиллик ҳис этиб, бошини кўтарди. Аммо у яна номаълум шарпанинг башарасини кўролмади. Шарпа бу орада зинадан пастга сирғалиб, кўздан ғойиб бўлган эди.

Қария бармоқлари орасидан қон сизаётганини пайқади ва тезроқ ўрнига

қайтишни ўйлади. Бироқ буни эплаёлмади. Кексалиги таъсир қилди. Орқага бурилганича, икки қадам босмасдан бўшашиб, ерга аста йиқилди...

Мазкур воқеа 1981 йил 27 сентябрь тунда содир бўлган эди.
Воқеа бўйича жинойи иш қўзғалди.

Ўғилнинг ҳасрати

(Қариянинг ўғли Исмат Бўроновнинг сўроқ анкетасидан)

— Ўртоқ Бўронов! Уйингизда бўлган воқеани гапириб берсангиз.

— Менимча, нима бўлганини ўзингиз яхши биласиз, ўртоқ терговчи. Менга ҳозир буни эслаш ҳам, гапириш ҳам қийин. Мени тушунинг. Кейинги кунларда асабдан қўлларим, оёқларим мунтазам титрайдиган бўлиб қолдим. Дадамнинг ерда ғужанак бўлиб ётганлари кўз олдимдан кетмаяпти...

— Ўзингизни қўлга олинг, оғайни. Илтимос, — деди терговчи.

— Дадам қари одам эдилар. Саксонга бориб қолгандилар. Лекин бундай ўлим... Мени кечиринг, ким дадамга тажовуз қилганини билсайдим! Ҳозироқ уни ўзим шу қўлларим билан бўғиб ташлардим...

— Мен сизни тушуниб турибман. Жудолик, кутилмаган фожиа... Аммо ўзингизни тутиб, бўлган воқеани гапиришингизга тўғри келади. Сизнинг гапингиз бизга қотилни топишга ёрдам бериши мумкин...

...Исмат ўйга толди.

У ўша маҳзун куз тунда ичкари бўлмада осойишта ухлаб ётган эди.

Биров унинг елкасидан қаттиқ туртгандек бўлди. Исмат елкасида санчиқ ҳис этиб, кўзларини очди ва тепасида қўшниси Жамил турганини кўрди. Жамил бу ерда қандай пайдо бўлганига тушунолмади, бир нафас анграйди. Кейин, бегона кишининг ётоқхонага бостириб кирганидан нохушланиб, худди калла ташламоқчидай, ўрнидан сапчиди. Аммо Жамил шу аснода негадир, дадангиз, деб ташвишли пичирлагандек бўлди ва ортиқ унга қарамай, эшикка йўналди. У, дадамнинг мазалари қочиб қолгандир, деб ўйлади-да, нега бундан мен эмас, қўшни биринчи хабар топди экан, деган таажжубда Жамилга эргашди. Йўлакка чиққанида отасининг ерда ғужанак бўлиб ётганини кўрди...

— Кейин, «Тез ёрдам» чақирдик. Милиция келди. Кейин дадамни тупроққа топширдик... — Исматнинг кўзларида ёш филтиллади.

— Йиғламанг. Мана бу сувдан ичиб олинг. Қўшнингиз Жамил билан муносабатингиз ўзи қанақа?

— Тўғриси, унчалик эмас. Лекин, менимча, бунинг ишга алоқаси йўқ. Чунки хотинлар ҳовлидаги арқонга кир осишаётиб, шунчаки ғижиллашиб қолишган.

— Масалан, дейлик, қўшнингиз Жамил ўзи эшикни очиб, жиноят содир қилган, ўзи яна сизга хабар берган бўлиши ҳам мумкинми? — сўради терговчи. — Бу содда бир тахмин, холос. Мен фақат аниқламоқчиман, шу тахмин сизнинг ақлингизга сиғадими ёки йўқми?

— Билмадим. Унақа бўлмаса керак. Биз адоват даражасига бориб етмаганмиз. Яна ким билсин! Одамнинг оласи ичида, дейишди. Мен буни текширолмаман. Айниқса, ҳозир бошим қотган.

— Демак, бу ҳақда бошқа ҳеч нарса деёлмайсиз?

— Йўқ, бошқа ҳеч нарса...

Келиннинг қузатишлари

(Қариянинг келини Нодира Бўронованинг сўроқ анкетасидан)

— Ўртоқ Бўронова! Уйингизда рўй берган воқеа бўйича билганларингизни гапириб берсангиз.

— Мен нима десам экан? Мен кўп нарса билмайман...

...Воқеа рўй берган тунда у бирдан сесканиб уйғонган, эр-хотин ётадиган хонада эри билан Жамил негадир юзма-юз туришганини кўриб, қўрқиб кетганидан, нафаси ичига тушган эди.

Йўқ, кўп ўтмай Жамил, унинг орқасидан Исмат чиқиб кетишди. Кейин Исмат қайтиб кирди. Кейин яна йўлакка ошиқди.

Нодиранинг юраги бадтар орқага тортди. Шу аснода йўлақдан бехос Исматнинг «Дадажон!» деган нидоси эшитилди.

Нодира ўрнидан ирғиб турди.

У хонадан чиққанида, йўлакдаги чироқ ёқилган, Исмат бир четда бўйни, елкаларини қисганча жавдираб, қунишиб турарди.

Кейин Нодиранинг кўзи устига оқ чойшаб тортилган жасадга тушди...

Нодира терговчига шуларни гапириб берди.

— Менга кўшни билан муносабатларингиз қандай бўлганини айтиб беролмай-сизми, — деди терговчи.

— Кўшни билан? Емон эмас...

— Билишимча, эркаклар бир-бирларини ёқтиришмаган.

— Бу биз хотинларнинг айби. Мен Жамилнинг хотини билан бир марта уришганман. Шундан буён эрларимиз тумтайишиб юришибди. Ҳолбуки, биз Зулфия билан ундан кейин яна икки марта аразлашиб, икки марта ярашиб ҳам олдик.

— Ниманинг устида уришгандинглар? — қизиқсинди терговчи.

— Э, хотинлар нималар устида жанжаллашмайди, дейсиз! Биров ёғ доғлаётиб, уйингга иси ўрнашса, бўғиласан. Ёки сен кир осаётганда, нақ бурнинг остида гилам қоқса...

— Демак, бошқа бирон адоват йўқмиди?

— Йўқ, бизнинг жанжалимиз гапиришга ҳам арзимади.

Ён кўшни

(Бўроновнинг кўшниси Жамил Сатторовнинг сўроқ анкетасидан)

Жамилнинг хотини Зулфия заводда мастер эди. Кўпинча кечки сменада ишларди. Шундай пайтларда Жамил ўзини қўйишга жой тополмасди.

Уларнинг уч фарзанди — икки ўғил, бир қизлари бор. Жамил болаларга қарар, уларни овқатлантириб, ўйнатар, навбати билан ухлатар эди. Кейин хотини ишдан қайтишини кутиб ўтирарди.

Баъзан диванга чўзилганча китоб варақлар, баъзан хонадан хонага ўтиб, уйда бекордан бекорга айланиб юргани юрган эди. Жиддий бирон иш билан машғул бўлиши ҳам, тинч ётиб ухлаши ҳам қийин эканлигидан, бундай пайтларда кўпинча ҳуда-беҳуда хаёли қочар эди.

Уша сентябрь тунида ҳам Зулфия ишда, Жамил уйда эди...

— Чақиртирган экансиз. Мен Сатторов. Жамил...

— Утиб ўтиринг. Марҳамат. Бўроновлар иши бўйича сизни ҳозирча гувоҳ сифатида чақиртирдик, — деди терговчи.

— Нега «ҳозирча?»

— Бу тўғрида кейин гаплашамиз. Сизга бир неча саволлар бор. 27 сентябрь кечаси Бўроновлар уйда қандай воқеа рўй берди? Нималарни айта оласиз?

— Бутун билганимни айтaveraйми?

— Албатта, — тасдиқлади терговчи.

— Уйда хотиним ишдан қайтишини кутиб ўтирган эдим. Китоб ўқишга уриндим. Бўлмади. Қўлимга олган китоб зерикарли экан. Кўзимни юмдим. Бир маҳал ташқаридан оёқ товуши эшитилди. Хотинлар сал ҳуркиб юришади. Айниқса, кечаси товусга айланиб кетишади. Бу эркак эди, зинага битта-битта, вазмин босяпти. Хотиним эмаслигини билиб, ўрнимдан турмай қўя қолдим. Кўп ўтмай ҳалиги оёқ товуши тингандек бўлди. Соатга қарадим. Соат бирдан ўтган, Зулфия ишдан қайтишига ҳали эрта. Шунга қарамай, хотинимни кўчада кутишни ўйлаб, ўрнимдан сапчидим. Эшикдан чиқишим билан донг қотиб қолдим. Кўшнилари эшиги ланг очик, йўлакда биров чўзилиб ётибди. Ўзимни қўлга олиб, икки-уч қадам босдим. Ётган одам Қодир ота экан. Эшикдан у чўзилиб ётган ергача қон. Дарров отанинг юзини ердан кўтардим, уни тўғрига ўгириб ётқиздим. Нима воқеа бўлганига тушундим. Жон асари бормикин, деб қариянинг томирини ушладим. Шошиб қолганим учунмикин, буни аниқлаёлмадим. Орқамга югуриб, уйдан пичоқ кўтариб чиқдим. Йўлакдаги чироқни ёқиб, пичоқни Қодир отанинг оғзига тутдим. Пичоқ дами терламади. Шундан кейин Исматни уйғотиш кераклиги хаёлимга келди. Лекин пичоқ билан ичкарига кириб бораверсам, бирон англашилмовчилик бўлмасин, деб қўрқдим. Қисқаси, пичоқни уйда қолдириб, Исматнинг ёнига бордим. Менинг билганим шу...

— Кечирасиз, ҳалиги, сиз қариянинг оғзига тутган пичоқни кўрсак бўлади-ми? — сўради терговчи.

— Майли.

— Сиз муҳим бир масала устида тўхталмадингиз. Бўроновлар билан муносабат...

— Яхши ҳам, ёмон ҳам эмасмиз. Бир-биримизга аввалдан ортиқча ишимиз йўқ. Бизни ҳарҳолда, «ён қўшни-жон қўшни» деёлмайсиз.

— Аввалдан дедингизми? — қизиқсинди терговчи.

— Ҳа. Уйга кўчган пайтимиздан. Лекин бунга Қодир отани қўшмаслик керак.

— Нега?

— Қодир ота бошқача, жуда табарруқ одам эдилар. Инқилобда қатнашган у киши. Булар ўзи асли бухоролик. Амир пайтларида у зиндонда ётиб чиққан. Ушанда, ишонмайсиз, унинг баданига амирнинг одамлари эринмай миҳ қоқишган. Ота кейинчалик анча даволанган. Лекин умри охиригача бутун баданида бари бир катта-кичик чуқурчалар бор эди.

— Сиз буларни қаердан биласиз? — сўради терговчи.

— Менга ўзи баданини кўрсатган. Эр-хотин Бўроновлар билан гапимиз чиқишмаганига қарамай, ота билан яхши эдик. Мен кундузлар баъзан уйда бўш қоламан. Хотин ишга кетади. Кечки сменага борганида ҳам кундузи ухлайди. Қодир ота ҳам уйда бир ўзи, эр-хотин Бўроновлар ишда. Шундай пайтларда уйга уни бошлаб чиқиб, иккимиз анча гаплашганмиз... Қисқаси, Қодир ота урушда ҳам партизанлик қилган. Икки марта асирликдан қочган...

— Ҳўш, сиз бундай саволга жавоб берсангиз. Ота билан кўп суҳбатлашган экансиз. У сизга мабодо бирон кишининг ўзига нисбатан душманлиги ёки эскидан қасди борлиги тўғрисида гапирмаганмиди?

— Йўқ, у киши бу ҳақда оғиз очганини эсламайман...

Қодир ота ҳаётининг қисқача тарихи

(Яна Исмат Бўроновнинг сўроқ анкетасидан)

— Сизни безовта қилиб, яна суҳбатга чақирдик, ўртоқ Бўронов. Ранжимайсиз. Зарурат туғилди. Бизни дадангизнинг ҳаёти қизиқтиряпти.

— Мени кечиринг, лекин сиз қотилни қидириб топиш ўрнига гўрда ётган бечора дадамни нега суриштирасиз?!

— Булар бир-бирига боғлиқ, оғайни. Тушунинг. Улимнинг орқасида катта бир ҳаёт турибди.

— Мен бир-икки оғиз гапдан бошқа ҳеч нарса деёлмайман.

— Нега? — сўради терговчи.

— Шу кунлар дадамни кўп ўйлаяпман. Дадам ўлимларидан бир кун олдин нима учундир ўз оталарини, бобомни эсладилар. «Мен тахминан беш ёшларда, отам йигирма бешларда эди, — дедилар дадам. — Иккимиз икки отга миниб, кечаси бўйи йўл босдик. Қаёққа, қандай мақсадда кетяпмиз, билмайман. Яна, назаримда, фақат бир кеча эмас, бир неча тунлаб йўл босганга ўхшаймиз...» Дадам шуни айтиб, жим бўлиб қолдилар. Мен нарёғини суриштириб, гапнинг мағзини чақиб ўтирмадим. Бу тушми ёки ўнгмиди?! Мен сизга ақалли шуни ҳам айтиб беролмайман... Отанг бошингда тирик юганда, сенга ҳаммаси оддий туюлар экан. Отангдан айрилгач, кўзларинг мошдек очиларкан...

— Бу ҳар кимда ҳар хил бўлади. Отаси тирик пайтида унинг ҳаётини ипидан игнасигача ўрганадиган ўғиллар ҳам йўқ эмас, — деди терговчи. — Лекин майли, буни ҳозирча қўя турайлик. Қодир ота саксон йил ичида кўп воқеаларни бошдан кечирган. Борига барака, сиз болалик кунларидан ўз эслаганларингизни гапираве-ринг. Дарахтнинг сояси ўзига ўхшайди, дейишади. Мен сизни тинглаб, дадангиз тўғрисида имкон етганча билиб олишга ҳаракат қиламан.

— Гапни нимадан бошласам экан...

...Бўроновлар қишлоғи Галаосиёдан қуйроқда жойлашган эди. Бу ерда пахса деворли ҳовлилар, янги иморатлардан ташқари бир неча қадимий обидалар ҳам сақланганди.

Қишлоққа йўл олган киши энг аввал ястаниб ётган дарахтзорга рўпара келади. Йўқ, бу бошқа қишлоқларда учраб турадиган одатдаги боғлардан эмас, дарахтлар қалин ўсган, ёввойи ўт-ўланлар оёқ остида ғовлаб ётган, гўёки бир ўрмон — чинакам дарахтзор эди. Дарахтзорнинг ичкарасида кичик бир ҳовузча бор. Суви зангор, тиниқ. Сув остида ҳар хил ялтироқ тошчалар кўзга ташланарди. Ҳовуз бўйидаги уч-тўртта антиқа дарахт ҳам диққатни жалб этарди. Булар ердан ярим газ тўғрига кўтарилиб ҳовузга энгашган, худди ҳовуз устидаги осма кўприкларни эслатар эди. Дарахтзорни оралаган сўқмоқ эгри-бугри қишлоқ кўчасига бориб уланарди. Кўчанинг охирида эса бояги — қадимий обидалар: анчагина ерни

эгаллаган салобатли хонақоҳ, ундан нарироқда қуббаси учиб тушган пастак минора, олди айвонли ташландиқ масжид.

Бўроновларнинг ҳовлиси қишлоқ чеккасида, мана шу обидалар пинжида эди. Ўнг қўлда у девордан бу деворгача кетган бостирма, чап қўлда тўққиз болорли уй.

Улар турган уй ғаройиб эди — бундай уйлар эндиликда қишлоқда эмас, Бухорода ҳам кам топилади. Хона тўридаги ўнлаб катта-кичи тоқчалардан чойнак-пиёла, лампачироқ, уй-рўзгорга тегишли яна алланимабалолар жой олган. Пойгакда чуқур ташнов. Ташнов олдида ўрдак шаклида ясалган обдасталар, бухороча офтобалар. Пардаси йўқ иккита дераза синчдан қарийб шифтгача оралиқни эгаллаган; катак-катак ойначалардан иборат. Ташқаридан улар нақшинкор, кўркам, вазмин эшиклар билан қопланган.

Исмат ақлини таниганида, ҳовли юзидаги тарвақайлаб ўсган қари тут соясида, эски табуреткада оёқларини осилтириб ўтирарди. Онаси унинг атрофига гир-дикапалак, қўлида қайчи, унинг сочини тартибга солмоқчи. Исмат онасининг қўлини ушлайди, опамга тегмайсиз-ку, менга намунча ёпишасиз, дейди. Она гулдор рўмол билан танғилган бошини чайқаганча, лўппи юзидаги сурма тортилгандек кўзлари ярқираб, роҳатланиб кулади: «Опанг қизбола-ку, билмайсанми, ўғлим!»

Уларнинг уйига, шундан сўнг, кичкина, оқ кийинган қандайдир мўйсафид, ҳеч ким қақирмаса ҳамки, ҳафтада бир марта — жума кунлари келадиган бўлди. У сартарош ва афтидан, Қодир отанинг эски қадрдонларидан эди. Чол, опасининг сочига ҳам баъзан қайчи урганига қарамай, Исмат уни бир келганида онадан сўккан бўлса керак, кўпинча у кулимсираб: «Бизнинг онамизни энди тинч кўясизми, ёки йўқми?» дерди.

Исмат ота томондан на бобоси, на бувисини кўрган эди. У она томондан бобосини ҳам эсламасди. Лекин бобом деганда — онаси кейинчалик кўп ҳикоя қилганидан бўлса керак — елкалари букик, соқоли, қош-киприкларига қуюқ чанг ўтирган чол кўз олдига келарди. Она томондан бувисини яхши эсларди. Одмигина камзул кийиб, бошини дока рўмол билан елкаси аралаш танғиган жиккак, қорагина кампир.

Буви уларга ўхшаб қишлоқда эмас, нима учундир шаҳарда яшарди. Исмат онаси билан баъзан бувисини кўришга аравада кечалари шаҳарга бориб, эртаси кун ёйилмасдан яна қишлоққа қайтишар эди. Баъзан, аксинча, бувининг ўзи қуроқдан тикилган чуқур халта кўтариб, қишлоққа келиб қоларди. Унинг қўлидаги халтада оқ ҳолвами, кунжут ёки пашмакми, албатта қанд-қурс бўларди...

— Бизнинг болалигимиз қийин пайтга тўғри келди. Уруш эндигина тугаган кунлар эди. Ким уйга қайтган, ким қайтмаган. Менинг дадамдан ҳам на хат бор, на хабар. Ана-мана келса керак, деб ўзимизча умидланиб юрардик. Онамнинг бир томонида Нарзи опам, бир томонида мен, шаҳардаги бувимдан бўлак суянадиганимиз ҳам, маслаҳатгўйимиз ҳам йўқ. Шу боисдан, сал ақлим кирганида, онам орасира, мактабдан бўш пайтларда, мени ўзига эргаштириб, далага олиб чиқадиغان бўлди. У энди рўмолини манглайига қаттиқроқ танғиб, оёғига оғир этик кийиб юрар, далада куни бўйи ўт юлиб, кетмон чопар эди. Далада асосан аёллару уларнинг оёғига ўралишган болалар, холос. Мен ҳам шулар орасида. Баъзан онамга кўмаклашиб, баъзан аёлларга қумғонда чой дамлаб бераман. Улар кўпинча дарахт соясида тинч ўтириб, бир пиёла чой ҳам ичишолмайди. Иш кўп...

— Кечирасиз. Ойингиз ҳозир бормилар ўзи? — сўради терговчи.

— Йўқ, у киши, анча йил бўлди, вафот этганлар.

— Опангиз қишлоқдами?

— Ҳа, опам қишлоқда ҳалиям...

— Давом этаверинг, — деди терговчи.

— Уйга дадам кутилмаган бир фурсатда келди. Биласиз, қишлоқда эшикдарвоза доим очиқ туради. Уйни ташлаб кетаверасан. Адашмасам, ҳаволар бузила бошлаб, ерда ётган пахта ҳаммани ташвишга солган палла эди. Биз учаламиз ҳам далага чиққандик. Кеч қоронғисида уйга қайтсак, ҳовлида биров, аскар кийимида, тут тагидаги табуреткада бошини эгиб ўтирибди. Уни, ранги-рўйини кўриб, дарров таниб бўлмасди. Лекин дарвозадан ҳовлига биринчи кирган онам: «Бу даданг... Даданг, ахир!» деганча беҳосдан чайқалиб кетди. У мен билан Нарзини ўзидан олдинга ўтказди. Нарзи, кейин мен дадамнинг бағрига отилдик. Дадам бизни бағрига босаман деб, табуреткадан йиқилиб кетишига оз қолди...

— Кечирасиз. Мен шу ўринда сизни яна бир оз тўхтатаман, — деди терговчи. — Уша кунга қадар дадангиз тўғрисида нималарни билардингиз?

— Эшитганман, дадам ҳар хил душманлар билан олишган. Колхоз тузган. Раислик қилган. Раисликдан негадир тушиб, бригадир бўлиб юрганида урушга кетган... Умуман, у халқ ўртасида ҳурмат-обрўга эришган. Бир неча орден, медаллар олган. Эсимда, дадам ҳаттоки узоқда юрган йилларда ҳам, Нарзими, менми бирон ножўя иш қилсак, онам албатта: «Сенинг бу ишингни даданг кўрса,

уят бўлмасмиди, болам? Уйлаб қара!» дерди. Баъзан арзимаган нарса устида сўзлаётиб ҳам, дадамни тилга оларди: «Даданг бир куни, далада қайнаган чой таъмлироқ бўлади, дегандилар. Нонуштани далада қилақолайлик...» Яна нима десам экан? Фронддан келган хатларни онам бизга ўқиб берарди...

— Хўш, кейин-чи? — сўради терговчи.

— Дадам уйга қайтганидан кейин кўп ўтмай уни яна раисликка сайлашди. Тез орада қишлоғимизда ҳам, колхозда ҳам турмуш ўнглана бошлади. Дастурхонда нон тўққиз бўлиб, қозонда гўшт қайнайдиган кунларга етдик. Дадамни одамлар колхозни кўтаряпти, дейишиб, уйимизга кунора мухбирлар келадиган бўлишди...

— Қўлингизда ўша газеталардан қолганми?

— Афсуски, йўқ.

— Хатлар-чи? Фронддан келган хатлар? — сўради терговчи.

— Улар ҳам йўқолиб кетган.

— Балки уруш тўғрисида дадангиз гапириб берган баъзи бир муҳим воқеаларни эсларсиз?

— Биласизми... Дадам урушга кетганларида мен жуда ёш эдим. У киши қайтганидан кейин эса, ҳар биримиз ўз-ўзимиз билан овора бўлиб қолдик. Дадам умуман ўзлари ҳақида гапиришни унча ёқтирмасдилар. Орадан беш-ўн йил ўтиб, мен Тошкентга, ўқишга келдим. Икки ўртада узилиш рўй берди.

— Бари бир, булар сабаб эмас. Дадангиз, наҳотки, ўша давр тўғрисида ҳеч қачон оғиз очмаган бўлсалар? — деди терговчи.

— Арзимаган нарсалар... Масалан, қайсидир йили ёзда, дадамнинг бўш пайтлари эканми, мен билан Нарзини нима учундир кўчага етаклаб, қишлоқ айлангирдилар. Бир пайтлар биз ўйнаб юрадиган жойларга келдик...

Уйга қайтаётганимизда, дадам уруш давридан, менимча, аҳамиятсиз бир воқеани ҳикоя қилдилар... У киши икки оғайнилари билан қайиқда катта бир дарёдан сузиб ўтишлари керак. Душман ичига ёриб кириб, хандақни эгаллаш, осмонга мушак отиб, бунини бошқа ўртоқларга хабар қилиш тўғрисида буйруқ олинган. Аммо қайиқ дарёни яримлаганда, нариги қирғоққа мустаҳкам ўрнашган душман уларни пайқаб қолади. Орқага қайтиб бўлмайди. Буйруқ олинди, бажариш шарт. Чекиниш қўрқоқликдан бўлак нарса эмас. Лекин олдинга босиш ҳам имконсиз. Душман нақ қайиқни мўлжаллаб, дўлдай ўқ ёғдирипти. Ана шунда уч оғайни қайиқни дарё ўртасидаги қалин тўқайзорга буршади. Улар тўқайзорда беркинишиб, душмanning ғафлатда қоладиган пайтини пойлашади, шундай пайт келгач, бўйинларидаги вазифани бажаришади албатта. Лекин унга қадар уч кеча-кундуз тўқайзорда уйқусиз, оч ўтиришга мажбур бўлишган. Улар ўшанда навбати билан мудраб, ўлган бир отнинг хом гўштини қиймалаб чайнаганча жон асрашган...

— Етарли, — деди терговчи. — Шунини эслаганингизга ҳам раҳмат. Сиз энди менга бошқа бир нарсани айтсангиз. Дадангиз қачон, қандай қилиб Тошкентга келиб қолдилар?

— Ҳаммаси оддий. Дадам урушдан қайтиб, энди бағримиз тўлганида, онам вафот этдилар. Дадамни кўтариб юрган куч, уни суяб турган тиргак онам эканми, дадам бирдан чўқди-қолди. У қандайдир гаранг, паришон, негадир сал чайқалиб юрадиган одат чиқарди. Кечалари алламаҳалда қабристонга боради. Кундузлари шунчаки идорага бир кириб, кейин уйга келганича, кўксини ерга бериб ётади. Бировга айтган гапи аксар эсида турмайди. Бошимизга тушган бир айрилиқ етмагандек, йил ўтмасдан шаҳарда бувим ҳам қўққисдан кўз юмди. У сўнгги пайтларда қишлоққа тез-тез келиб, дадам билан бирга онамни эслаб ўтирарди. Бувимнинг ўлими дадамни энди олдингидан бадтар эсанкиратиб қўйди. Шу воқеалар ўтгач, колхозда сурункасига уч-тўрт йил план тўлмади. Дадамни бир пайтлардагига ўхшаб раисликдан бригадирликка туширишди. Лекин дадам бу ишнинг ҳам кифтини келтиролмади. У бекорчиликни касб қилиб, бора-бора бутун ҳаёти уйда шунчаки ётиш, зерикшдангина иборат бўлиб қолди. Кишининг бир ерда кўзига дунё қоронғилашганида, унинг албатта бошқа ерга сафар қилиши, турмуш тарзини ўзгартириши мақсадга мувофиқ, дейишган. Мен шу ҳикматни эслаб, дадамни Тошкентга бошлаб келдим.

«Қассоб ҳам инсон...»

(Жамил Сатторовнинг сўроқ анкетасидан)

Терговчи ўзини яна чақирганини билиб, Жамилнинг капалаги учди. Жамилнинг касби қассобчилик эди. Терговчи уни, бу қассоб экан, деб исканжага олмаётганми-кан? Дунёда ахир доя ҳам, гўрков ҳам керак. Бизнинг ўзбекларда айниқса қассобсиз иш битмайди. Катта тўйлар бор, маросимлар. Кундалик турмуш. Касбда нима айб! Ахир, қассоб ҳам инсон. Наҳотки, терговчи бунини тушунмаса?

Жамил бу гал терговчининг ҳузурига истар-истамас, бўйнига арқон солингандек бир ҳолатда келди...

— Сиз билан Бўроновлар уйининг қулфи-калити бир экан. Бунга маълум даражада қурувчилар айбдор, албатта, — деди терговчи. — Лекин, бунинг устига, зинада, эшикда, йўлакда, қариянинг баданида — биз текширган ҳамма нарсада сизнинг бармоқларингиз изи бор.

— Тушунган одам экансиз, мўрига кирган кишининг қош-кипригига қурум илашмай қолмайди. Мен рўй берган воқеадан биринчи хабар топдим. Одамларга яхшилик қилгим келди. Биласизми, баъзан шундай бўлади. Кўчада безорилар кимнидир аёвсиз дўппослашади. Сен троллейбусда кетяпсан. Сендан бўлак яна камида элликта одам бор. Троллейбус тўхтади. Лекин одамлар томоша қилишдан нарига ўтишмайди. Битта-яримтаси секингига «оҳ-воҳ» қилиб қўяди, холос. Нега? Одамлар тўхматдан, кейин овора бўлишдан қўрқишади. Оталаримиз, тўхмати ногаҳон, марги бемаҳалдан асрасин, дейишарди... Мен ўша кеча қўрқмай виждоним буюрган барча ишни қилдим, ўртоқ терговчи. Бунинг учун тўхматга қоладиган бўлсам, билмадим. Дунёда ҳақиқат йўқ экан, деб бўғилишдан бошқа қўлимдан нима ҳам келарди?

— Ҳақиқатни албатта аниқлаймиз, Сатторов. Айбдор бўлсангиз, жазонгизни тортасиз. Мабодо айбсиз бўлсангиз, ҳеч ким сизга озор етказмайди. Мен бунга кафолат бераман, — деди терговчи. — Ҳозир эса, бўғилмасдан гапни давом эттирайлик. Энг аввало, менга сизнинг ўша кундаги айрим хатти-ҳаракатларингиз тушунарли эмас.

— Қанақа хатти-ҳаракат?

— Масалан, сиз Исматни кириб уйғотганингиздан кейин, қарияга ортиқ ёрдам кўрсатиб бўлмаслигини билатуриб, нега яна ўзингиз апил-тапил «Тез ёрдам»ни чақириш пайига тушдингиз?

— Кимдир чақириши керак эди. Чақирдим. Яхшилик қилгим келди.

— Ҳадеб бир гапни қайтараверманг. Ахир, сизнинг қўшни билан муносабатингиз бошқача эди-ку... Майли. Сиз эҳтиётсизлик қилгансиз, шошгансиз, дейлик. Мен сиз айтган «мўридаги қурум»ни аввалданоқ ҳисобга олганман. Лекин кўйлагингизда қон юқи қолган экан, — деди терговчи.

— Кўйлак?! Эй... Мен буни ўйламагандим.

— Уйланг, Сатторов. Уйланг. Сиз аёлингиз ишдан қайтишини кутиб, бир неча марта ташқарига чиққан, шу ўртада шум хаёлларга борган бўлишингиз ҳам мумкин-ку, ахир! Узингиз жиноят содир қилиб, ўзингиз Исматни уйғотиб, «Тез ёрдам»нинг ташвишини қилган бўлишингиз ҳам мумкин...

— Мен қотиллик қилганим йўқ. Қилолмайман ҳам. Молни ҳам раҳмим келиб сўяман. Илож бўлмаганидан. Ишонинг.

— Узингизни қўлга олинг, Жамил Сатторов. Бўпти. Бошқа савол. Уйингизда пичоқ, яроқ дегандек ҳар хил қуроллардан коллекция йиққан экансиз. Нега бундай қилгансиз? Қассоб бўлганингиз учунми?

— Билмадим. Балки қассоб бўлганим учундир... Йўқ, тўғриси, қассобчилик менинг кундалик ишим. Сабаби тирикчилик. Коллекцияга бўлса, мен санъат деб қарайман. Мен йиққан нарсалар кўпчилиги дид билан ясалган. Айримлари қадимий.

— Яна бир савол. Эсингиздами, олдинги суҳбатимизда сиз пичоқ тўғрисида гапиргандингиз? — деди терговчи.

— Эсимда.

— Лекин у пичоқ эмас, дудама экан.

— Ўзи дудама эди. Мен пичоқ деганман.

— Нега энди?

— Дудама ҳам пичоқ...

— Кечирасиз! Сиз, ёшлиқдан қассобчилик қилган киши, буларнинг бир-биридан фарқини билмаслигингиз мумкин эмас. Қолаверса, уйингиздаги ҳалиги коллекция. Девордаги гиламчага қиличдан тортиб қаламтарошгача илиб кўйибсиз. Бу борада саводи йўқ киши коллекционерлик қилмайди. Демак, мудҳиш воқеа рўй берган кеча сизнинг қўлингизда дудама бўлган?

— Дудама...

— Қарияга ўқталган ҳам, сиз унинг оғзига тутган ҳам худди шу дудама бўлиб чиқди. Хўш, сиз бу далилга қарши нима дея оласиз? Мана, экспертиза маълумоти билан танишинг, — деди терговчи.

— Мен аҳмоқлик қилдим. Қайси жин урди мени, билмайман, аҳмоқлик қилдим...

— Нима демоқчисиз, очиқроқ гапиринг, Сатторов.

— Ўша кеча воқеа сал бошқача бўлган эди... Мен уйдан чиқиб, қўшни остонасида ётган дудамани кўрдим.

— Демак, сиз уйдан ҳеч қанақа пичоқ олиб чиққанингиз йўқ?

— Йўқ, мен ўша дудамани кўйлагим этагига артиб, қариянинг оғзига тутдим. Кейин, кўрқаннимдан, уни уйга ташлаб чиқдим. Эртаси куни бу дардисарни нима қилишимни билмай, бошим қотди. Бир кўнглим кўчага улоқтиргим келди. Лекин одам қилган қабиҳлик учун буюм гуноҳкор эмас-ку, деб ўйладим. Ундан ташқари, дудама эскидан қолган, чиройли экан. Кўзим қиймади.

— Нега менга буни олдин айтмадингиз?

— Айтишга тилим бормади. Уялдим.

— Гувоҳлик тўғрисидаги қоғозга қўл қўя туриб, нега ёлғон гапирдингиз? Бунинг ўзи жиноят эканини биларсиз?

— Аҳмоқлик қилдим. Айтяпман-ку. Бир оғиз ёлғон гапириб...

— Аввалига бир оғиз ёлғон гапирган киши кейин бемалол имонини сотиб кетаверади. Хўш, ким сизни, қолган гапларни ёлғон гапирмади, деб айта олади? Балки сизнинг Бўроновларга яхшилик қилмоқчи бўлганингиз ҳам ёлғондир? Қодир отага нисбатан бутун муносабатингиз ҳам! Сиз қарияни балки гап олиш учун баъзан алдаб ўз уйингизга олиб киргандирсиз?

— Наҳотки, мен шу қадар тубан бўлсам?

— Билмадим. Билмадим, — деди терговчи. — Менга қолса фалокат пайти ўз коллекцияси ғамини еб, воқеанинг устига этагини ёпадиган сизга ўхшаган одамлардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

— Мендан айб ўтган, лекин мен қотиллик қилганим йўқ, ўртоқ терговчи.

— Нима қилганда ҳам, биз сизни энди текшириш бир ёқлик бўлгунча ҳибсга олишга мажбурмиз.

— Майли. Менга энди бари бир.

— Сизга охирги савол. Оталарингиз Қодир ота Бўронов билан қачондир кўришганми? Икки ўртада эскидан бирон танишлик бормиди, демоқчиман, — сўради терговчи.

— Йўқ. Отам ҳовлида турган пайтимизда вафот этганлар. Биз буларни билмасдик. Ундан, ташқари, отам Бухорога ҳеч қачон бормаган...

Бир онанинг болалари

(Ишни ўрганиш давомида маълумот учун ёзиб кўйилган суҳбат варақасидан)

Нарзи Бўронова кун бўйи далада, офтобда юрган, толиққан эди.

Унга идорадан кўнғироқ қилишиб, шаҳардан меҳмон келганини айтишди.

Уларнинг уйига газеталардан кўп меҳмон келган, ҳамон келиб туришар эди.

Нарзи, бу ҳам, газетадан бўлса керак, деб ўйлади.

У оёғидаги этикни ечишга ҳам улгурмаганди. Шу кўйда колхоз идорасига қараб кетди.

Нарзи — Қодир ота кейинги йиллар қишлоқда бўлмагани учун — менадан дадам тўғрисида ҳеч ким гап сўраб ҳам ўтирмаса керак, деган хаёлга борган ва бундан кўнғлида оғриниб юрган эди... У терговчини кутмаганди. Аммо идора эшиги олдида турган хушқомат, келишган, кўзлари алланечук порлаган ёшгина йигитга тўқнашдию Нарзи дарҳол бу одатдагидек газетадан эмас, афт-ангори кўп ўхшамаса ҳамки, терговчи эканини ҳис этди.

У ҳаяжонга тўлганига қарамай, йигитдан сўз сўрашга ошиқмади. Меҳмон эканми, марҳамат, бош устига. Йигитни уйга таклиф қилди. Уйда ҳам ортиқча лом-мим демасдан дастурхон ёзди. Аввал таом, кейин калом. Қадимдан таомил шу...

— Мен дадангизнинг иши бўйича сиз билан бир оз суҳбатлашмоқчи эдим, — деди Нарзига ниҳоят терговчи.

— Мен сизни, келмайсизми, деб ўйлагандим. Раҳмат... Сизга нимани айтай?

— Дадангизни эсласангиз, — деди терговчи.

— Йўқ, сиз савол беринг, мен жавоб қилай.

— Дадангиз катта ҳаёт йўлини босиб ўтган. Йиллар давомида одамлар билан муносабатда бўлган, — деди терговчи.

— Сиз ёш экансиз, жуда ёш, менинг аскарда юрган ўғлимга ўхшайсиз. Мен сизга қандай тушунтирсам экан? Дадам хизмат қилган йилларда, ўзини курашчи деб юриб, бировнинг уйи куйса куйсин, менинг қозоним қайнаса бўлди, қабилида иш тутганлар ҳам бўлган. Бундайлар доим топилади. Лекин дадам виждони пок одам эди. Ҳақиқат бор ерда эса, ҳар қандай кек, адоват чекинади.

— Хўп, унда сиз рўй берган воқеага нима дейсиз? — сўради терговчи.

— Текшириш сизнинг ишингиз. Мен билганимни айтаман. Дадам тўғрисида

эшитиб, бундай бўлишига ақлим бовар қилмади. Самолётда учиб бордим. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим. Лекин ҳозир ҳам мен учун бу худди бир туш. Ўзимга ўзим ишонмайман.

— Демак, қисқаси, дадангининг душмани бўлмаган.

• — Асло. Дадамга бутун умрида ким душманлик қилди, деса, фақат бир кишини кўрсатиш мумкин.

— Ким экан у? — қизиқсинди терговчи.

— Йўқ. Дадамга ким қўл кўтарганини билмайман. Бу сиз ўйлаган душманлик эмас. Мен бошқа нарсани айтяпман.

— Нимани?

— Менга буни гапириш оғир. Ноқулай ҳам. Ўйласам, юрак-бағрим эзилади.

— Бари бир гапиринг, опажон. Мен билишим керак, — деди терговчи.

— Дадамга укам Исмат душманлик қилди.

— Укангиз?

— Укам... Э, қўйинг, сиз ҳам менинг дардимни янгиламанг! Бу ҳақда гаплашмайлик.

— Йўқ, мен ҳеч нарсага тушунмаяпман.

— Исматдан биронтамиз ёруғлик кўрмадик. Қайсидир йили уйда онам касал эдилар, профессорларга кўрсатаман, деб Тошкентга олиб кетди. Тошкентдан олдингидан бадтар бўлиб қайтдилар. Отамни кўярда-кўймай судради.

— Ота-онангиз Исматнинг раъйига қарашлари шартмиди? — сўради терговчи.

— Улар азалдан, қизбола бировнинг хасми, деб менга ортиқча ишлари йўқ эди. Икковлари ҳам, қизбола гўеки одам эмасдек, қачон қараманг, фақат: «Биргина ўғил! Биргина ўғлимиз!» дейишарди. Доим Исматнинг оғзига қарашарди. Исмат буни биларди. Болаликдан бирон гапи инобатга ўтмаса, қош-қовоғига тош осиларди... Э, майли, ўзига ҳавола. Гапирсам, тутаб кетаман. Ўз укам. Тақдир экан, деб қўяқолганим маъқул...

— Биласизми, мен рўй берган воқеа билан таниша бошлаганимда укангизни шубҳа остига олишим мумкин эди, — деди терговчи. — Одамзод тарихида оз бўлса-да, разил фарзанднинг ота ёки онасига суиқасд қилишига мисоллар бор. Лекин мен Исматдан шубҳаланмадим. Унинг дадангизга нисбатан ўзича меҳрини ҳис этдим. Изтиробдан куйиб, адо бўлганини кўрдим. Тўғриси, шубҳага асос ҳам, далил ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, сизнинг гапингиз мени қизиқтириб қўйди. Яна бир оз гапиринг шу ҳақда, иложи бўлса. Бу менга керак. Ишга аниқлик киритмаганда ҳам, тажриба учун.

— Бошқа нима дей?

— Масалан, Исмат ўқишга бормаса, борганда ҳам, ўқиш битгач, кексаларни овора қилмасдан, ўзи қишлоққа қайтса бўлмасмиди? — сўради терговчи.

— Ким билсин. Биз бир отанинг пушти камаридан бунёд бўлганмиз. Бир қориндан талашиб тушганмиз. Лекин одам бир қолипдан чиқмас экан. Гапни ўзимдан бошлай. Мен Бухорони ҳам, Тошкентни ҳам, бошқа шаҳарларни ҳам кўрдим. Қаерга бормай, уйимни соғиниб, ўз жойимдан яхшироқ жой йўқ экан, деган хаёл билан шувёққа келдим. Мана, ҳозир ҳам, ота-онамнинг чироғи ўчмасин, деб шу ерларда юрибман. Исмат бўлса, болалик пайтидан биров шаҳардан гапирса, ўзини томдан ташлайдиган эди.

— Нега? Бу нимадан бошланди ўзи?

— Ким билсин. Эҳтимол, бу раҳматли онамга қўшилиб бувимникига боргандан бошлангандир. Ушанда шаҳар иси унинг димоғига ўрнашиб қолгандир. Ҳарқолда, бўйи кўтарилиб-кўтарилмай, у баъзан шаҳарга бориб-келишни одат қилди. Онам, кейин урушдан қайтган дадам, унга индашмади. У шаҳарга қатнаб, кундан кунга инжиқ, эрка, сал олифта бола турқини ола бошлади. Меҳнатга тоби йўқ. Икки челақ сув келтириш, лойли кетмонни артиб-тозалаб қўйиш ҳам унга малол. Бирон иш буюрилса, кўзни шамғалат қилиб қочади. Ўйлаган ўйи: тезроқ улғайиб, шаҳарга кетиш. Узи-ку, майли, қуйиб берса, бутун қишлоқ кўч-кўронини кўтариб шаҳарга жўнаши керак. Шунақа дерди. Охири Тошкентга ўқишга кетди. Мен унинг ўқиганига қарши ҳеч нарса демайман. Чунки бу онамнинг орзуси эди. Онам кейинги йилларда бошларини кўтаролмай қолгандилар. Доим: «Икки чаккам лўқиллаб оғрияпти!» деб шикоят қилардилар. Қишлоқ касалхонасига ҳадеб қатнайвериб, жонларига текканди. Бунинг устига, дадам ҳам, ҳар бир уйда бир дўхтир бўлиши керак, аиниқса қишлоқ шароитида, ўғлимиз муолажани ўргансин, мазмунида гапириб юрардилар. Исматга афтидан қаерда ўқиши бари бир эди. Дўхтирликка кирди. Ўқиса ўқимайдими, кимлар ҳозир ўқимаяпти. Лекин мен ўшандаёқ, бу бола қушдек учиб кетди, тамом, ошёнига энди қайтиб келмайди, деб ўйлаганман. Дастурхондаги ноҳ ҳурмати, хаёлимдан шундай гап ўтган. Кўрмайсизми, ҳаммаси худди мен ўйлагандек бўлиб чиқди.

— Ғалатиноқ бир савол. Укангиз болаликдан шеър-пеър ёзмасмиди? — қизиқсинди терговчи.

— Сиз буни қаердан билдингиз? Ўзи айтдимми?

— Ўзи индагани йўқ. Сўроқ пайтида қишлоқ, болалик кунлари тўғрисида берилиб гапирди. Мен шаҳарлик бўлиб кетган йигитнинг бундай гапиришига ажабландим. Нима учундир у менга, она қишлоқ, қадрдон қишлоқ, деб шеър ёзиб юрадиган айрим шоирларни эслатди. Бугун қишлоқда ўша суҳбат ёдимга тушиб, беихтиёр шунақа хаёлга бордим.

— Тўғри, болаликдан шеър ёзарди. Беш-ўнта дафтар тўлдирган. Музыкага қизиқарди. Бир оз хонандалик ҳам қиларди. Овози ёқимли, ширали эди. Мен уни, санъатчи бўлса керак, деб ўйлардим. Йўқ, кейин бошқа ёққа қараб кетди.

— Дадагиз тўғрисидаги гапга қайтайлик, — деди терговчи. — Менимча, дадагизни Тошкентга олиб кетгани учун Исмадан гина қилиш ўринли эмас. Ойингиз вафот этгач, Қодир ота уйда ёлғиз қолиб, зерика бошлаган.

— Ёлғон. Буни агар Исмад айтган бўлса, адашибди. Балки тўқигандир. Онаминг ўлими катта мусибат бўлди. Отам бечора биринчи кунлар ёш боладек кўзёш тўкавериб, кутилмаганда қариб қолдилар. Лекин у киши бари бир уйда ёлғиз қолгани ҳам, зериккани ҳам йўқ. Мен, болаларим кечасию кундузи ёнларида бўлдим. Эрим кўнгли очик, содда одам. Деҳқон. У дадамга Исмадан кўпроқ хизмат қилса қилгандир, оз эмас. Уйлаб қаранг, бир йилда икки марта саёхатга олиб чиқди. Олдин Душанбага боришди. Кейин Ашхободни айлантириб келди. Мен билан умрида бунақа сайр қилмаган эрим. Дадамни кўққисдан овга бошлаб кетадими-ей, қўшни қишлоқлардаги қариндошлари уйига меҳмонга чақиртирадимий. Икковлари олдинлари ҳам улфат бўлиб юришарди. Лекин ўшанда шунақанги қалин бўлиб кетишдики, мен буларга — бегона одамдек — аралашолмай қолдим... Фақат биз эмас, бутун қишлоқдагилар дадамнинг ёнига вақт-бевақт бостириб келаверишарди. Гурунғ бўлган ерда ҳар қандай ҳасрат емирилади, зерикшни энди айтмай қўя қолай. Қишлоқдагилардан ташқари, дадамни сўроқлаб, ҳар қаердан ўзига ўхшаган чоллар, инқилобчи, эски фронтвиклар ҳам мунтазам келиб туришарди. Бригадирлар, колхознинг бошқа обрўли кишилари... Раисни айтмайсизми! Раисимиз ўзи ёш бўлса ҳам, димоқ-фироқни билмайдиган яхши одам, кунора эшикдан бош суқиб, ота, бир чигал иш чиқди, нима маслаҳат берасиз, дейди. Гапни чўзиб юбордим. Кекса кишига ўрганган турмуш, уй-жойни, томорқа-боғни ташлаб, Тошкентга кетиш осон деб ўйлайсизми? Торозининг бир палласига шуларни юклаб, иккинчи палласига битта юпқа чамадонни қўйиб кўрингчи, қайси бири оғирлик қиларкан?

— Мен сизни анча қийнадим. Узр, опажон. Демак, Қодир ота қишлоқдан чамадон билан чиқиб кетган?! — суриштиришда давом этди терговчи.

— Ҳа, сафар халтаси...

— Уша чамадонда нималар бор эди?

— Ортиқча ҳеч нарса олганлари йўқ... Гапирмасам-чи?! Гапирсам, яна тилим қичийди. Кейин ичингизда, бу қандай хотин, бегона одамга ўз укасини, жигарини ёмонлагани ёмонлаган, деб юрасиз. Мен уни ёмонлаш учун эмас, куйганимдан гапираман... Дадам чамадонга битта костюм, уч-тўртта кўйлакни солиб, ўзларига тегишли бутун қоғозлар, ҳужжатларни олиб кетгандилар. Бир даста расмлар, хатлар бор эди. Исмад бепарволик қилиб ҳаммасини йўқотиб юборди. Дадамдан хотира қолмади.

— У кишининг орден-медаллари нима бўлган?

— Уларни дадам ўзлари вақтида музейга берганлар.

— Уйда, сизнинг қўлингизда дадагиздан бирорта ёдгорлик ҳам сақланмаганми? — сўради терговчи.

— Менда бир-иккита қоғоз бор. Яхшиямки, нимадир бўлиб, уларни олдин олиб қўйган эканман. Шулар турибди.

— Сиз уларни менга беролмайсизми? — сўради терговчи.

— Йўқ, мен уларни ҳеч кимга бермайман.

— Шунчаки кўриш ҳам мумкин эмасми?

— Нега? Кўриш мумкин, албатта. Мен ҳозир...

«Ўзим учун ёзиб қўйганларим...

«Бухородан амир қочиб, унинг думлари ҳар бири юз, икки юз кишидан иборат шайкалар тузган. Бухоро Халқ Озодлик армиясига ёзилдим. Йил 1921. Апрель ойи. Армиянинг командири Иван Савельев, комиссари Барабошев деган одам экан. Қорақумда жанг қилдик. Фрунзенинг тавсиясига кўра мени «Бухоро Қизил юлдузи» ордени ва қилич билан мукофотлашди...

Биз кўпдан буён чўкиб ётгандик. Охир сув юзига чиқяпмиз...»

«Ушбу тилхат берилди Қодиржон Бўроновга, душмандан иккита от келтириб топширгани учун. 22.V.23 й. Қабул қилдим. Имзо...»

«Ушбу хатга биноан, бизнинг вакилимиз Қодиржон Бўроновга ҳамма ерда ишлашга имкон яратиб, ёрдам кўрсатилсин. Ҳукумат томонидан имзо чекаман. 5.XI.25 й.»

«Кеча-кундуз, маҳал-бемаҳал, баъзан қор-ёмғирда, совуқда, баъзан жазира-ма қуёшда жанг қиялпмиз. Ражаб кўрбоши, Кўр Ато, Аъзам Хўжа, Саид Мансур, Муҳиддин Махсум, Мулла Қаҳдорларни яхши танийман...»

Вобкентдан Ромитонга ўтдик. Ромитон атрофидаги Мусича, Баҳрин, Шалғами, Тоғора деган қишлоқларда бўлдик... Хунрезлик. Ҳар куни даҳшатли воқеаларга юзлашасан. Жигар-бағринг эзилади.

Саид Мансур қуюқ зиёфат устида қамал қилиниб, отишма эрталабгача давом этди. Охири кўрбоши тирик қўлга туширилди. Унинг бошини олиб, район милициясига элиб топширилди... Ато кўрбоши котиби Мулланор билан қўлга олинди. Гўрлари ўзларига қаздирилиб, отиб ташланди...

Бизнинг келаётганимизни пайқаб қолган душман қоронғи тушаётганидан фойдаланиб, кўздан ғойиб бўлди. Алламаҳалгача қидирдик. Тополмадик. Кечаси билан қор ёғиб чиқди. Эрталаб яна душманни қидириб кетдик. Бир ерга келсак, эндигина ўтиб кетган отларнинг ва ялангоёқ бир одамнинг изини кўриб қолдик. Шу из билан боравердик. Бир ариқнинг олдига келганимизда қишлоқ совети активларидан Шомуродов деган кишининг жасадига кўзимиз тушди. Ёвузлар кечаси уни уйдан олиб чиқиб, қорда ялангоёқ ҳайдашибди, шу ерга келганда қийнаб ўлдиришибди...»

«Колхоз тузиш анча машаққатли бўлди. Қишлоқ гузариди одам кўп. Мажлис боряпти. Ҳар ким ҳар нима дейди. Ғала-ғовур. Кўпчилик ўзи нима бўлаётганини тушунмайди.

Бор-йўғи 20 киши колхоз учун қўл кўтарди. Дастлабки йили мана шу 20 киши 30 гектар майдонга пахта экиб, ҳар гектаридан 6 центнердан ҳосил олдик...»

«Бормисиз, қуролдош дўстларим?! Тирикмисиз?! Нега менинг сизга йўллаган хатларим жавобсиз қоляпти?»

- Шуларни асраганингиз ўзи катта гап, опажон, — деди терговчи.
- Истасангиз қоғоз-қалам берай, керакли жойларини кўчириб олинг. Лекин сиз мендан хафа бўлмаңг.
- Мен сиздан нега хафа бўлар эканман...

Жамилнинг хотини

(Сухбатга чақирилмаган одам билан сухбат)

Йўлакда бир аёл анчадан буён уймалашарди. Терговчи ниҳоят унга эътибор қилди.

- Сиз кимни кутяпсиз?
- Сизни, — деди аёл.
- Нега кирмадингиз? — сўради терговчи.
- Кирсам бўлаверадими?
- Албатта бўлади, — деди терговчи. — Ҳукумат идораси, эшик ҳаммага очиқ. Марҳамат.

Аёл ичкарига кирди...

- Кейинги кунларда жуда қийналиб кетдик. Мен қўлдан келганча чидашга ҳаракат қиламан, лекин уч бола...
- Нималар деяпсиз? Тушунмаяпман.
- Мен Жамил Сатторовнинг хотиниман.
- Э, шунақа демайсизми? — аёлга разм солди терговчи. — Ўтиринг.
- Раҳмат. Мен балки сизнинг вақтингизни олаётгандирман, лекин иложим қолмади. Қийналиб кетдик. Мен уйда ўтирсам бирнав эди. Ҳар куни ишга бормасам бўлмайди. Борсам, уйда болалар ёлғиз.

— Кечирасиз. Сиз бўлмаганда болаларингизга доим эрингиз қарармиди? — сўради терговчи.

— Ҳа. Мен «Болалар уйи»дан чиққанман. Эрим ҳам етим. Менинг уч-тўртта дугонамни айтмаганда, яқин кишимиз йўқ. Эрим мени, болаларни яхши кўради. У киши уй ишларини ҳам қилиб кетаверарди, буни сен қил, буни мен, деб ўтирмасди. Қўл-оёқсиз қолдим. Айниқса, болалар. Мен уларга дадаси тўғрисида бирон нарса деёлмайман ҳам... Бошимни қайси деворга уришимни билмайман.

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Уксинманг, — деди терговчи. — Сиз менга бир нарсани айтинг. Сиз ўзингиз, масалан, кўнглингизда эрингиз айбдор эканига ишонасизми ёки йўқми?

— Мен ишонмайман. Мен бунга ҳеч қачон ишонмайман. Эрим қассобчилик қилиб, баъзан уйда гўштсиз қолган пайтларимиз бўлади. Қўли эгриликка ўрганмаган одам қотилликка бормайди...

— Лекин шунга қарамай, эрингизнинг қўлида ўша кеча дудама бўлган... Дарвоқе, айтинг-чи, уйда у нега коллекция йиққан?

— Йигит кишисиз, эркакларнинг феълени ўзингиз мендан яхшироқ билсангиз керак. Биров овга қизиқади, биров парранда боқади.

— Демак, сиз эрингизнинг бу ишига норозилик билан қарамайсиз?! — қизиқсинди терговчи.

— Йўқ. Китоблардан ўқиганмиз. Утган замонларда йигитман деган киши от йўрғалатиб, пичоқ тақиб юрган. Бунинг нимаси айб? Эркак доим эркак, аёл — аёл. Наҳотки, сиз эримни шунинг учун қотилга чиқарсангиз?!

— Мен ҳали ундай деганим йўқ...

— Сиз кўнглингизда бари бир эримнинг қотиллик қилишига ишоняпсизми?!

— Қизиқ экансиз. Мен қолиб, сиз мени сўроқ қилишга тушиб кетдингиз-ку, — деди терговчи. — Ҳа, майли. Кўнглимдагини ҳеч кимга айтмагандим, лекин сизга айтаман. Бўпти. Одатда жиноятчи ўзининг кўрсатган ҳунарини озми-кўпми пардалайди. Биз Жамил Сатторовнинг хатти-ҳаракатини кузатганимизда, ўша «парда» негадир кўзга ташланмаяпти. Ҳамма далиллар тўппа-тўғри унга бориб тақалапти. Аммо ҳаётда баъзан шунақаси ҳам бўлади. Бу жиноятчининг тажрибасига боғлиқ. Мен ўз шубҳамдан шубҳаланаман, деган гап бор. Қайта-қайта текшириш, эрингиз айбдорми-йўқлигини исботлаш керак. Бундан ташқари, умуман, Қодир отага нисбатан кимнинг қандай қасди бўлгани ҳали очилмаяпти. Бу — жуда муҳим. Мен буни аниқлаб, ўзим бир фикрга келмагунча бу ҳақда гапиришим қийин.

— Жамил аканинг Қодир отага қандай қасди бўлиши мумкин? Бегона одам. Бизнинг қўшни билан муносабатимиз қуюқ ҳам, суюқ ҳам эмасди. Эрим чолни бир оз ҳурмат қиларди, холос. Чолга ўғлининг азбаройи унча иши бўлмаганидан кўнгли оғриб, у билан онда-сонда гаплашиб турарди. Шу ... Ўзингиз иккиланаётган экансиз, нега Жамил акани ақалли ҳозирча бўшатиб юбормайсиз? Қотил, эҳтимолки озодликда юргандир. Менинг бечора эрим, аксинча...

— Йўқ, сиз Жамил Сатторовни шунчаки қамалиб ётибди, деб ўйламанг, — ҳамон беозор тушунтирди терговчи. — Эрингиз, қотиллик қилмаган тақдирда ҳам, бу ишда иштирок этган. У, ҳеч бўлмаганда, жиноят қуролини олиб, биздан яшириб юрган. Бунинг учун жавоб бериши керак. Мен сизга эрингизнинг ҳарҳолда айбдор эканини айтишга мажбурман.

— Бу фалокат бошимизга қаердан келди, тушунмайман. Турмушимиз тинч эди. Мен ишга ҳеч қачон бундай юрагимни ҳовучлаб бориб, уйга юрагимни ҳовучлаб қайтмасдим. Эрим баъзан кечқурунлар болаларни овқатлантириб, ўйнатгани кўчага олиб чиқарди. Мени хурсанд бўлсин, деб, яхши кўрганидан, баъзан телефон ҳам қилиб кўярди. Мана, топширган бутун ишларингизни бажардик, хоним, бизга яна нима хизматлар бор, дерди... Уша куни ҳам телефон қилди. Бунақа гаплар хаёлимизда йўқ эди.

— Тўхтанг. Тўхтанг... Уша куни эрингиз сизга тахминан соат нечаларда кўнғироқ қилганини эсламайсизми?! — сўради терговчи.

— Ҳозир эслайман... Адашмасам, етти билан саккизлар орасида.

— Эрингизнинг кайфияти қанақа эди?!

— Менимча, ҳар қачонгидек... Э, йўқ, нимадандир бир оз хафа бўлиб гапиргани, шекилли.

— Нимадан? Эслашга ҳаракат қилинг, — деди терговчи.

— Адашмасам, бошда, кўча айланяпмиз, деди. Ҳар кунги гап. Кейин, шундан кейин... эрим ўша куни, менимча, қўшнилاردан гапирди. Негадир улардан шикоят қилгандек бўлди... Цехда шовқиндан овозни яхши эшитиб бўлмайди. Мен гапга унча тушунолмадим.

— Эрингиз мудҳиш воқеа рўй беришидан бир неча соат олдин қўшни ҳақида сизга нима дейиши мумкин эди? Қизиқ! — бир оз ажаблангандек бўлди терговчи.

— Унисини билмадим. Жамил ака кечаси менга бошқа индамади. Мен рўй берган воқеадан эрталаб хабар топдим.

— Сиз менинг ёнимга келганингиз яхши бўлди, Зулфия Сатторова. Нега, деб ажабланманг. Буни кейинчалик ўзингиз билиб оласиз.

Уйдаги гап

(Жамил Сатторовнинг сўрок анкетасидан)

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, Сатторов, — деди терговчи. — Воқеа рўй берган куни, кечқурун хотинингизга қўнғироқ қилган экансиз.

— Бўлиши мумкин.

— Йўқ, сиз ўшанда қўшнилардан гапиргансиз.

— Гапирган бўлсам, гапиргандирман. Эсламайман...

...Жамил аслида буни яхши эсларди. Бироқ буларнинг бари сўзлашга арзимайди, ғийбатга ўхшайди, деган истиҳола уни тўхтатиб турарди. Ҳаммадан ҳам, бировнинг сир-асрорини кўчага олиб чиқиб дастурхон қилиш одобга кирмайди. Буни йигитчилик ҳам кўтармайди. Жамил шундай фикрда эди.

Унинг эр-хотин Бўроновлар билан чиқишмаслигига анча-мунча сабаблар бор эди.

Исмат касалхонада ишлар, хотини институтда фалсафадан дарс берарди. Уларнинг иккиси ҳам янги уйга кўчган маҳалдан қўни-қўшни олдида ўзини, биз бошқача тоифадаги одаммиз, биз эмас, сизлар бизни ҳурмат қилишларинг лозим, деган аллозда тутган, бу Жамилнинг ғашига теккан эди. Булар оқ-у, биз қора бўлдикми, деб унинг қони қайнаган эди. Эр-хотин Бўроновлар йўлакдами, кўчадами учрашган пайтлар ҳеч қачон биринчи бўлиб салом беришмасди. Жамил тўхтаб салом берганида, бошларини виқор билан силкиб, ғоз юрганча ўтиб кетишарди. Бу ҳам аввалдан унга оғир ботган эди. Аёллар жанжаллашиб қолишганидан кейин Исмат олдингидан бадтар тумтайиб юришга одатланди. Бу, эр киши ҳар қандай шароитда ҳам ўзини эрдек тутиши, хотинлар ёки болаларнинг ўртасига тушмаслиги керак, деб билган Жамилнинг кўнглига айниқса ўтиришмаган эди. Аммо булар асосий сабаб эмасди.

Баъзи бир кексалар ўз болалари уйда худди меҳмонга келиб узоқ туриб қолган одамдек ҳаёт кечиришади. Уларнинг бутун хатти-ҳаракатида, сизлар албатта ишляпсизлар, болаларим, лекин мен ҳам текинхўр эмасман, қўл қовуштириб ўтирмайман, имконим етганча сенларга ёрдам бераман, дегандек маъно сезилиб туради. Улар эрта-кеч ҳарсиллаб бозорга, магазинга югуришади, атрофдагиларга кўзлари жавдираб қарашади, бировларнинг турткиларига чидашади. Уйда ҳам ҳеч бир ишни ўзлари учун ор деб билишмайди, қандай юмуш чиқмасин, нафаслари бўғизларига тикилиб, жон-жаҳдлари билан бажаришга уринишади. Тирик юриб, бирга турганликлари учун ўз болаларидан улар гўёки узр сураётгандек бўлишади. Бундай кексаларни кўрганингда, ҳаётнинг баъзан нақадар шафқатсиз эканлигини ўйлаб, юрак-бағринг эзилади.

Қодир отанинг ўғли уйдаги ҳаёти ана шунақа эди.

Жамил қариянинг покдил, кўнгли очик инсонлигини кўриб, қаҳрамонлиги ҳақида эшитганидан сўнг, ўзича унинг аҳволига ачинадиган бўлди. Чолнинг бир ҳолати уни титратиб юборди. Чол ўзи тўғрисида ҳар гал ҳикоя қилаётиб, бу бола мени ёлгон гапиряпти, деб ўйламаётганмикин, мазмунида қисиниб, хижолат билан дам сайин Жамилнинг юз-кўзига тикиларди.

Жамил деярли ҳар куни Қодир отанинг остона супураётганини кўрарди. У, шу сабил уйни қариянинг келини ёки ўғли супурса, қўлларига чипқон чиқармиди, деб бўғиларди. Эр-хотин Бўроновлар бирон пайт куёш ёйилмагунча уйқудан туришмасди. Қария бўлса, ўз навбатида, саҳардан кўчага югуриб, уларга сут-қатиқ таширди. Жамил яна, бў икки ёшнинг оёқлари синганми, нима бало, деб жони ҳалқумига тикиларди. Мана шу вазлларга кўра Жамилнинг кундан кунга қўшнилардан ихлоси қайтган эди.

Аммо унинг ўша куни хотинига қўшнилардан гапирганига бошқа бир нарса сабаб бўлган эди...

— Эслаб кўринг, Сатторов, — деди терговчи. — Ҳозир бу мени қизиқтиряпти, билишим зарур.

— Мен бу ҳақда индамасам дегандим.

— Бўпти. Бошқа томондан келайлик. Ушанда гап Қодир ота устида борганми-ди?

— Ҳа... Қўймадингиз, айтаман, майли. Гуноҳи мендан соқит энди... Дунёда ёмон кўрганим — йигит кишининг бижиллаб, хотини билан даҳанаки жанг қилиши. Эр бўлсанг, аввало хотинни ўзингга нисбатан ҳурматга ўргат. Буни эплломасанг, яхшиси, бўйнингни қисиб, унга итоат қилавер... Бўроновлар баъзан ҳалигидек томоша кўрсатишади. Шундай пайтда ақалли бири олиб, бири қўйса гўрга эди, иккаласи баб-баравар бақириб, баб-баравар чийиллайди.

— Демак, ўша воқеа рўй берган кунни улар уришган? — деди терговчи.

— Ҳа, ўша кунни ҳам кечга томон эр-хотин уришиб қолишди. Мен уйда юрагим қиса бошлаб, болаларимни етаклаганча кўчага чиқиб кетдим.

— Хотинингизга телёфонда шу можаро ҳақида гапирдингизми?

— Мен унга, чамаси, уйда ўтиролмадик, эски томоша, дедим. Кейин, мен-ку чиқиб кетдим, уйнинг ичида, бу ноғора-ўйинда Қодир ота қанақа қилиб ўтирган экан, қарияга ачинасан киши, дегандек бўлдим.

— Кўчадан қайтганингизда можаро тугаганими? — сўради терговчи.

— Қайтганимизда можаро тинганди. Уйга яқинлашганимизда қандайдир кир халта кўтарган Қодир ота кўққисдан рўпарамиздан чиқиб қолди. У бизни кўрмадим, уялганидан кўрмаганга солдим, ёнгинамиздан тезгина ўтиб кетди. Уни тирик ҳолда охириг кўрганим шу бўлди.

— Сиз нега шунча гапни ҳозиргача менга айтмадингиз?!

— Ўзимга муносиб кўрмадим. Уялдим.

Ақл балоси

(Ёки маҳкамада бўлиб ўтган баҳс)

— Сизнинг кўнглингиз тор, Исмат Бўронов. Бир гап камлик, икки гап кўплик қилади, — деди терговчи. — Шу боисдан, анча кун сизни безовта қилмадим. Лекин энди суҳбатни давом эттирамиз.

— Қанақа суҳбат яна? Хафа бўлманг, калаванинг учини тополмай, одамларни бекорга овора қилмаяпсизми?

— Унчалик эмас, ўртоқ Бўронов. Аввало, калаванинг учи ниҳоят топилганга ўхшаяпти. Бундан ташқари, мен сизни бекорга овора қилганим йўқ. Сўнгги пайтда шахсан сизга тегишли бўлган бир қанча янги саволлар чиқди. Қисқаси, ота-бола муносабатларингиз мураккаб бўлган. Сиз буни инкор ҳам қилмаяпсиз. Хўш, сизнингча, бунга қандайдир сабаблар борми?!

— Албатта. Узингиз ўйлаб кўринг. Турли давр, турли организм...

— Соддароқ гапирсангиз, — деди терговчи.

— Дадам кеч уйланганлар. Мен йигирмага кириб, айни балоғатга етганимда, дадам олтмишга боргандилар. Мана, мен қирққа кирганимда, саксонга. Бир-биримизга меҳримиз борлигига қарамай, биз ҳар хил кишилар эдик. Мен ҳаётда шундай бўлганига қаттиқ ўкинаман. Лекин иккинчи томондан, сизга борини айтмасдан иложим йўқ.

— Демак, сизлар, ота-бола бир-бирларингизга яқин бўлмагансизлар. Мен сизни тўғри тушундимми?

— Тўғри. Яқин эмасдик. Аввалдан қандайдир яқин бўлолмадик.

— Нега? Бунга ёшдаги тафовутдан ташқари, нималарни сабаб деб биласиз? — сўради терговчи.

— Сабаби кўп... Менинг болалик пайтимда дадам урушда бўлган, буни айтганман. Кейин иш, турмуш. Кейин мен уйдан кетдим. Кейин, тўғриси, икки ўртада кутилмаган зиддиятлар ҳам чиқди.

— Қанақа зиддиятлар? Масалан?

— Гапираверса, бу катта бир дoston.

— Малол келмаса, айтаверинг.

— Малол келмайди... Мен ўқиш йиллари қишлоққа кўп бормадим. Кун ора уйга хат ҳам ёзолмадим. Бу нарса юракда болалиқдан қолган бемехрлик, кўнгиловуқлик туюлиб, дадам бунинг учун мендан ранжиган бўлсалар, ажаб эмас. Лекин мени тушуниш мумкин, деб ўйлайман. Ушанда менга жуда оғир эди. Чўнтақларим кўпинча қуп-қурук, ҳадеб қишлоққа қатнашга имконим йўқ эди. Қийналганим учун, уйга айрим талабалар сингари: «Гўзал Тошкент шаҳрида ўйнаб-кулиб юрган фалончидан соғинчли салом!» деб баландпарвоз хатлар ҳам ёзолмадим, албатта...

— Талабаликда сиз ўзи нега бунча қийналдингиз? Мен тушунмаяпман, — деди терговчи.

— Ҳаммаси ўқишга қийналиб кирганимдан бошланди. Имтиҳонларда олган баҳоларим талаб даражасига етиб-етмасди. Қишлоқда ўқиганмиз ҳарҳолда...

Хуллас, қабул комиссиясида пахта пайти теримда ўзимни кўрсатишим кераклигини бўйнимга қўйишиб, менга вақтинча ётоқсиз, нафақасиз ўқишим мумкинлигини айтишди. Пахта пайтида ҳалол ишладим. Бундан нолимайман. Лекин ётоқсиз, нафақасиз ўқишнинг қандайлигини ўзингиз тасаввур қилсангиз керак. Шу даврда она сутим оғзимга келди. Эски шаҳардаги шифти қурумдан қорайиб, деворлари нураган арзон-гаров бир кулбада ижарага турдим. Тирикчилик дардида бажармаган ишим қолмади. Бировларга дастёрлик қилдим. Киракашлик... Ниҳоят, навбатдаги имтиҳонларни яхши топшириб, аввал нафақа, кейин ётоқхонага эришдим. Лекин ўқиш йиллари кишига шуларнинг ўзи кифоя деб ўйлайсизми?

— Нима, ўшанда уйдагилар сизга ҳеч қандай ёрдам кўрсатишмадими? — ажабланди терговчи.

— Йўқ, уйдагилар менга ёрдам кўрсатишмади. Биринчи кунлардан бошқа талабаларнинг ота-оналари институт атрофида гирдикапалак бўлишганини кўрдим. Қўйиб берса, ҳар куни улар болаларини дарсга йўртаклаб, қўллариди кўтариб келишади. Узоқда юрган ота-оналар ҳам булардан қолишмайди. Мунтазам пул, совға-салом юбориб туришади. Йилига камида бир ёки икки марта келиб, ҳол-аҳвол сўрашади, янги усти-бош харид қилишади... Мен буларнинг барчасидан маҳрум эдим.

— Мен сизни ота-онангизнинг кўнглига қараб ўқишга киргансиз, деб эшитгандим.

— Буниси тўғри. Мен уйдагиларни ўйлаб ўқишга кирдим. Аммо бунга жавобан мени ҳам ўйлаш уларнинг ҳаёлига келмади. Ёрдам қилишмагани майли. Бир амаллаб қийинчилигини енгдим. Зиёни йўқ. Одамни оддий тушуниш... Мен қишлоққа кам бориб, кам хат ёзганим уйимдагиларни тўтоқтириб юборди. Айниқса, опам... Опам аҳволим қандайлигини сўраб ҳам ўтирмай, ўшанда шунақанги маломатли хатлар ёзганки, қўяверасиз.

— Уйга ёзмасангиз, дадангиз сизнинг қийналганингизни билмаган бўлишлари ҳам мумкин-ку, — деди терговчи.

— Мен ёзганимда ҳам, ҳеч қачон шикоят қилмаганман.

— Дадангиз албатта қийналганингизни билмаганлар! Мен сизнинг нега тажанглик қилганингизга тушунмаяпман. Инсон қийин пайтда ота-онаси билан дардлашмаса...

— Мен тажанглик қилганим йўқ, ишонинг.

— Бўлмаса, нега ёзмадингиз?!

— Мен ундай қилолмасдим... Биласизми, мен отабезори эмасман, лекин, тўғриси, дадам ҳаётда ҳаммадан кўп ўз-ўзини ўйлаб яшаган одам эди. Уйдан кетаётганимда, менга дадам бундай гап қилдилар: «Сен мендан ёрдам кутма, ўғлим. Мен эски партизанман, боламни бир умр суяб юришни истамайман. Ўзинг оёққа туришни ўрган!» Мен аввалига бу гапни шунчаки бир насиҳат тариқасида қабул қилдим. Аммо Тошкентга келгач, кундан-кунга унинг маъзини чақа бошладим. Ўқишга киришимдан тортиб, ҳаётга чирмашиб, одам бўлганимча, дадамдан юрак ютиб, ёрдам сўраёлмадим. Дадам эса, ўзларидан билиб, менга ҳеч қандай ғамхўрлик қилмадилар. Дадам ҳаттоки бирон марта, қандай яшаяпсан, болам, деб суриштирганлари йўқ... Мен кейинчалик бу ҳақда кўп ўйладим. Дадам кўли қисқалигидан шундай қилдими? Ундай эмас албатта. Мен раиснинг ўғли эдим, ахир! У киши хасислик, бахиллик туфайли мендан бор имтиёзни дариғ тутганмиди? Бу ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Дадамни хасис ҳам, бахил ҳам деёлмайсан!.. Дадам учун ҳаёт тўғрисидаги ўз фикри ҳамма нарсадан муҳим эди. У менга айтган азми қарорида охиригача собит турди. Гап шу!.. Ўзимча ўйлайман. Менинг дадам революционеру боласини папалаган бошқа ота-оналар капиталист эканми?! Бошқалар нима учун ўз болаларига ҳаётда барча имкониятларни яратиб беришади?! Улар нега, ҳаттоки ҳар қандай адолат чегарасини бузиб, болаларини катта йўлга чиқариб қўйишади? Дадамга бу ҳақда гапириш фойдасиз эди.

— Нима қилганда ҳам, сиз ўша йиллар қийналганингизни ота-онангиздан сир сақлаб юришингиз шарт эмасди, — деди терговчи. — Дадангиз қанчалик қатъиятли бўлмасинлар, турмушда баъзан вазият, шароит билан ҳисоблашиш кераклигига фақмлари етарди. Сиз ўзингиз, мени уйимдагилар тушунишмаяпти, менга улар қайишмаяпти, деб масалани бир оз чигаллаштириб юборганга ўхшайсиз. Бундан ташқари, уйга икки энлик хат ёзмасликка ҳеч нарса важ бўлолмайди... Умуман, дадангизни виждонли, ҳалол одам эканликлари учун айблашга бизнинг ҳаққимиз йўқ. У киши ҳаётнинг мазмунини бошқалардан кўра тўғри тушунган. Дадангиз сингари ҳам инқилобни, ҳам урушни кўрган, хизмат қилган кишилар кундан-кунга камайиб боряпти ҳозир. Бармоқ билан санарли кишилар қоляпти. Сиз кейинчалик асосан шу ҳақда ўйлаб, дадангизни кўпроқ кадрласангиз, чакки бўлмасди, албатта.

— Мен бу борада ўзимни оқламайман. Мен энди буни ҳис этяпман. Дунёда сўқир кўз доим кеч очиларкан. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ. Худди отанг бошинга абадий турадигандек туюларкан.

— Хўп, ҳозирча бу гапни шу ерда тўхтагайлик. Менга айтинг-чи, дадангиз сиз билан ҳаммаси бўлиб неча йил бирга ҳаёт кечирдилар?

— Дадам Тошкентга ўн йилча бурун келгандилар. Ушандан буён...

— Ўн йил... Қисқа мuddат эмас, шундайми? — сўради терговчи.

— Шундай...

— Мен кўпдан буён бир нарсани ўйлаб, тагига етолмаяпман. Сиз ёшлиқда дадангиз билан кам гаплашгансиз. Бунга имкон бўлмаган, дейлик. Дадангиз сизни ёш деб, кўрган-кечирганлари тўғрисида индамаган бўлишлари ҳам мумкин. Хўп, у киши Тошкентга келиб, сизнинг уйингизда турганларидан кейин-чи?! Наҳотки, узоқ ўн йил ичида ота-бола ақалли бирон марта осойишта ўтириб, ундан-бундан суҳбатлашмаган бўлсангизлар?

— Йўқ, кейин ҳам иккимиз яхши гаплашолмадик.

— Нега ахир?

— Мен сизга айтганман. Дадам ўзлари ҳақда гапиришни умуман ёқтирмасдилар.

— Кечирасиз! Бу унчалик тўғри эмас, — деди терговчи. — Менимча, кексалар, айниқса дадангиз сингари кўпни кўрган кишиларнинг кўнгли лиммо-лим косага ўхшайди. Шундай пайтда инсон, коса тўкилмасдан туриб, кимдир ундан сув ичишни истайди. Бундан ташқари, мен бегоналарга дардини ёрган одамнинг ўз фарзандига айтадиган гапи йўқлигига ишонмайман. Қисқаси, сиз дадангизга бекорга айб тўнкаясиз.

— Мен дадамга айб тўнкамайман... Сиз билан бир масалани келишиб олайлик. Мен шу пайтгача сизга нимаики деган бўлсам, ҳаммаси рост, бундан кейин ҳам фақат ростини айтаман. Сиз менга камчиликларимни кўрсатишингиз, мени койишингиз мумкин. Лекин сиз мендан ҳеч қачон ёлғон гап кутманг. Мен жиноятчи эмасман. Мен дадамнинг хунига даъвогарман. Менга ундай қарасангиз, бундан буёғи оғзимга сув олиб ўтиравераман. Сиз мени гапиришга мажбур қилолмайсиз.

— Бўпти. Келишдик, — деди терговчи.

— Мен дадамга айб тўнкаётганим йўқ. Уйда баъзан иккимиз юзма-юз ўтириб, соатлаб дадамнинг оғзини пойлаган пайтларим бўлган. Худди мухбирлардек расмий савол бериб, жавоб олишим қолган, холос. Дадам эса, суҳбатга ҳеч қачон майл билдирмаган... Дадам гапирадиган бўлса, кўпинча фақат онамни эсларди. Ушанда ҳам узоқ-юлуқ, кераксиз, қандайдир мунгли нарсаларни гапирарди. «Онангни қабри устига катта сағана ўрнатган эдик. Уйлаб қарасам, бу ишимиз унча яхши бўлмаган экан. Менга у шўрлик тош остида нафас ололмай, қисилиб ётгандек туюляпти. Қабр ўзи берк, биз гўёки уни яна бадтар қамаб қўйгандек иш қилибмиз...» Тахминан шунақа гаплар. Мен ёшлиқдан жиноятга, ҳазинлик, ҳасратга тобим йўқ. Дадамнинг гапларини эшитиб, юрагим тарс ёрилаётгандек бўларди. Очиғи, онам то ҳозир менинг ҳам кўз олдимдан кетмайди. Болалиқда асосан унинг қўлида тарбия топганим учундир, уни дадамдан ҳам кўпроқ ардоқлагим келади. Лекин дадамнинг гаплари бари бир мени, худди ўзим бояғи қоронғи қабрга кириб қолгандек, эзиб юборарди. Мен, дадам ортиқча хаёлчанлик қилмасин, деб унга аччиқ ҳақиқатни айтардим: «Дада, сиз бир куни қиёмат рўй бериб, одам гўрдан қайтиб чиқишига ҳарҳолда ишонмасиз?! Шундай экан, бу гапларнинг нима керағи бор? Мен талабалик йилларимдан одамнинг жасадга айланишини кўравериб, тушундим. Инсон ким бўлишидан қатъий назар, дунёдан ўтдими, тамом, чиқит ҳисобланади. Ҳаёт қонуни шу...» Дадам сўзимни ҳафсаласиз, сал нохуш тинглаб, сен ҳеч нарсани тушунмайсан, дегандек қўлини кескин силтарди. Шу билан суҳбатимиз ҳам тугаб қўя қоларди... Умуман, дадам уйда доим негадир андак қисилиб, мум тишлаб ўтирардилар. Мен у кишининг ҳамон онамга мотам тутгандек қиёфада юришидан хунобим ошиб, нима қиларимни билмай қийналардим.

— Дадангиз мум тишлаб ўтирганлар, ичимдагини топ, қабилида ортиқча гапирмаганлар, дейлик, мен ишондим. Лекин сиз-чи? Сиз ўзингиз нега, худди мухбирлардек савол-жавоб қилиб бўлса ҳам, бари бир дадангизни ҳеч қачон суҳбатга тортмадингиз? Дадангиз тиригида у кишининг кўрган-кечирганларига нима учун ақалли бирон марта жиддий қизиқмадингиз?

— Мендан бу борада айб ўтган, албатта. Дадам кутилмаганда риҳлат қилишларини ким билибди, дейсиз.

— Кечирасиз! Фалокат рўй бермаганида ҳам, дадангиз бир жойга бориб қолган эдилар. Сиз буни билишингиз керак эди, — деди терговчи.

— Тўғри. Лекин дунё экан, баъзан ўзинг сезмасдан лойиға ботиб қолар экансан.

— Хўп, энди марҳамат қилиб, бундай саволга жавоб берсангиз. Сизнинг дадангиз билан бошдан-оёқ бутун муносабатингиз шунақа экан, дадангизни Тошкентга олиб келиб нима қилардингиз?

— Э, йўқ, мен сизга, қўлимни кўксимга қўйиб, ҳақиқатни гапираверсам, сиз менга бунақа тўн кийдирманг, илтимос. Ҳаётдаги қарама-қаршиликлар ўз йўлига. Мен дадамнинг олдида ўзимнинг фарзандлик бурчимни бажардим. Бунинг учун мени айблаш инсофдан эмас. Катта бир ёзувчи, кимдандир нафратлана туриб ҳам уни севиш мумкин, деган экан. Мен эсам, дадамни чин юракдан яхши кўрадим. Дадам ҳам... Кейин, тўғриси, одам ёшинг улғайгани сайин кўнглингда баъзан ёлғизликни ҳис этар экансан. Мен шундай пайтда дадамга талпиндим. Буни ҳам сиздан яширмайман.

— Бўпти. Менга айтинг-чи, дадангиз қишлоқдан сизникига қандай келганларини ҳозир эсламайсизми? — сўради терговчи.

— Эслайман... Ўзлари. Битта чамадон кўтариб...

— Ўша чамадонда бир даста қоғозлар ҳам бўлган.

— Ҳа, ўзларига тегишли қоғозлар ҳам бор эди.

— Ўша ҳужжатлар кейин қандай қилиб йўқолди?

— Биласизми, янги уйга кўчаётганимизда бошқа ортиқча қоғозлар ичида булар ҳам ёқиб юборилган. Хунук иш қилганмиз, албатта. Лекин биз уларнинг дадамга керакли ҳужжатлар эканини билмаганмиз. Бир оз шошиб қолганмиз. Умуман, бепарволик, деймикин...

— Йўқ, буни шунчаки бепарволик десангиз, адашасиз. Менга шу кичик далилнинг ўзи сизнинг дадангизга нисбатан бутун муносабатингизни кўрсатиб турибди... Ҳўп, энди бундай савол. Сиз ўқишни битириб, нега қишлоққа қайтмагансиз?

— Ўқишни битириб? Билмадим...

— Йўқ, мен сизни бунинг учун тергамайман. Ҳар ким қишлоқда яшайдими, шаҳардами, ўз ихтиёри. Мен шунчаки сизни тушунмоқчиман, — деди терговчи.

— Ўқишдан кейин шаҳарда қолиб кетадиганлар оз эмас. Мен бу ҳақда унчалик ўйламаганман.

— Сиз бир пайтлар адабиёт, санъатга қизиққансиз. Ҳозир ҳам кўнглингизда бунга оз-моз қизиқиш сақланганми?

— Йўқ. У ёшликдаги ҳаваслар...

— Охирги савол... Мени кечирасиз. Сиз уйда хотинингиз билан тез-тез жанжаллашиб турасизми?

— Э, бунинг ишга нима алоқаси бор?

— Уйингизда мудҳиш воқеа рўй беришидан бир неча соат олдин ҳам сизлар уришгансизлар, — деди терговчи.

— Мен бу ҳақда гапирмай қўя қолай. Илтимос. Дадамга бунинг ҳеч қандай дахли йўқ...

Бир тўшакда тўрт киши

(Ёки маҳкамада ўтган яна бир баҳс)

— Ўртоқ Бўронова! Мен сизни бошқа чақирмасман, деб ўйлагандим. Лекин ҳозир кутилмаганда менга сизнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди, — дея Нодирага юзланди терговчи.

— Менинг ёрдамим? Қанақа ёрдам?

— Очиқ айтаверайми?

— Айтинг...

— Мен сўнги пайтда, ўзимча, рўй берган фалокатнинг бутун илдизи сизнинг уйингизда эканини ҳис этяпман, — деди терговчи.

— Вой, нега ундай деяпсиз?

— Менда шундай таассурот уйғонди. Бу албатта ҳали аниқ гап эмас. Шу боисдан, эрингизга индаганим йўқ.

— Сиз ҳаммасига эримни айбдор деб ўйлаяпсизми?

— Ҳозирча ундай дейишим қийин, — ғудранди терговчи.

— Бўлмаса, менга буни нима учун айтяпсиз?

— Мени Қодир отанинг охирги кунлардаги туриш-турмуши қизиқтиряпти.

— Буни эримдан нега сўрамадингиз?

— Эрингиз кўп нарсаларни гапирди. Лекин, шунга қарамай, у менга худди қисиниб сўзлагандек, нималарнидир сир сақлаётгандек туюлди. Мен эсам, бу ҳолда ишни давом эттиролмайман. Аёллар зийрак, ҳаётни анча нозик кузатишади. Айниқса, сиз. Мен сизнинг ўқимишли, қилни қирқ ёрадиган аёлларимиздан эканингизни ўйладим.

— Биз ёмон турмасдик. Қайнотам менинг ҳам отам эдилар. Кийимнинг яхшиси, таомнинг олди дадамники эди. Эр-хотин бирон марта дадамнинг юзларига тик қараб, гапларини икки қилмаганмиз. Аввалдан бошлаб охириги кунларгача шундай эди.

— Демак, сизнингча, отанинг туриш-турмуши ёмон бўлмаган, — деди терговчи.

— Йўқ, ҳаммаси жойида эди.

— Мен бўлсам, дадангизни уйдаги турмушдан хурсанд бўлган, деёлмайман.

— Нима, дадам биздан бировга шикоят қилган эканларми?

— Дадангиз шикоят қилганлари йўқ. Мен ўзим... Саксонга кирган кекса кишининг ҳаёти уйда охириги кунлар асосан югур-югур билан, рўзғорни деб куйманиш билан ўтган.

— Бизнинг турмушимизни биздан кўра яхшироқ билар экансиз, мендан сўраб нима қиласиз?

— Мен сиздан рост гапни кутгандим, — деди терговчи.

— Мен ростини айтялман... Дадам ўзлари табиатан нотинч, бир ерда ўтиролмайдиган одам эдилар. Бўлмаса, дадамга ҳеч қачон биров, мана бу икки челак ахлатни тўкиб келсангиз, демаган. Эр-хотин уйда ишсиз ўтирмасдик. Дадам ҳам... Ким буни ҳурматсизликка йўйса, адашади.

— Кечирасиз, сиз ҳурмат деганда нимани тушунасиз?

— Ҳурматни, менимча, ҳамма бир хилда тушунса керак.

— Шундай бўлса, қанийди. Менга қолса, отани тўрга ўтқазиб қўйиш ўрнига у кишининг хизматидан фойдаланишнинг ўзи маълум даражада ҳурматсизликка киради, — деди терговчи.

— Биз дадамга ҳеч қандай озор етказганимиз йўқ. Ишонинг. Лекин дадамни кўпроқ қадрлаб, бошимизга кўтариб юрсак арзирди. Буниси тўғри. Тилла одам эдилар дадам.

— Хўп, нега кўпроқ қадрламадинглар? Бунга бирон нима халал бердимми?

— Йўқ, ўзимиз. Бепарволик қилганмиз. Билмаганмиз. Дунё экан.

— Сиз эрингизнинг гапини қайтаряпсиз.

— Эр-хотинчилик, бўлиши мумкин.

— Сиз фалсафадан дарс берасиз. Шундайми?

— Шундай...

— Менимча, одоб — ҳурматнинг бир кўриниши. Ҳурмат деяпсиз, ҳолбуки, сизлар, эр-хотин, уйда баъзан ҳаттоки оддий одобга ҳам риоя қилмагансизлар. Отанинг олдида кун ора жанжаллашиш, ҳар қалай, одобдан бўлмаса керак! Қодир ота шундай пайтларда ўзининг уйда эканлигидан хижолат чекиб, қанчалик эзилганини биласизми? Эрингиз ҳеч қачон бу ҳақда ўйламаган. Аёл киши бўла туриб, сиз ҳам...

— Ердам, деб сиз мени қийнаш учун чақирган экансиз. Мен бу ҳақда ўйлаганман. Бир эмас, минг марта ўйлаганман... Уйлаганман. Сиз нега менинг юрагимни бунчалик бурдалайсиз?

— Узингизни қўлга олинг. Қаттиқроқ гапирганим учун узр. Хўп, бошқа савол. Сизнингча, эрингиз қанақа одам ўзи?

— Эрим ёмон эмас.

— Мен биламан, эрингиз ақлли йигит. Ростгўй. Анча самимий, — деди терговчи.

— Эрим яхши...

— Менимча, сиз ҳам ҳарҳолда ростгўй, самимий аёлсиз. Умуман, эрингизга ўхшайсиз, кишида ёмон таассурот қолдирмайсиз. Шундай экан, мен бир нарсага тушунмайман. Сизлар, масалан, нега бундай жанжаллашасизлар?

— Ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша ғурбатлари бор. Эр-хотин жанжали... Мен ўртағиздаги бутун гапни сизга дoston қилишим, наҳотки, шарт бўлса?

— Шарт эмас. Лекин сизлар аввалдан, турмуш қурганларингиздан бошлаб, мунтазам шунақа уришиб турасизларми? Шуни айтсангиз.

— Йўқ. Биз доим уришавермаймиз. Баъзан ҳафталаб, ойлаб бежанжал, тинч-тотув ҳам юраверамиз. Эрим менга яхши кўриб уйланган. Мен ҳам... Бизнинг турмушимизда ҳар қалай кўнгилсизликка нисбатан бахтли кунлар кўпроқ бўлди. Мен уйда имкон етганча ҳар қандай можаронинг олдини олишга ҳаракат қиламан.

— Эрингиз-чи? Демак, асосан эрингиз можаро кўзғайдими? — сўради терговчи.

— Сизга нима десам экан? Бўпти. Сизнинг кўнглингиз тўлса тўлақолсин. Айтаман... Турмуш ўзи зиддиятлардан иборат экан. Менинг кўнглим очиқ. Бунинг устига, ёшлиқда анча эркин ўсганман. Эримни қўлимдан келганча инжитмасликка ҳаракат қиламан. Лекин бир умр бундай қилишнинг иложи йўқ — дунёда ҳадеб бировнинг иродасига бўйсунавериб бўлмаскан. Мен баъзан ўринсиз гапиришим, эҳтиётсизлик қилиб, одамлар олдида ўзимни беихтиёр эрим кутганидан бошқача

тутишим мумкин. Эрим эса, кўнгли тор, ҳамма нарсани юрагига олаверади. Бирон талаба баҳо қўйдиргани уйга келса ҳам, хаёли қочиб, бўғилаверади. Бундан ташқари, эримнинг ора-сира қилдан қийиқ ахтариш одати ҳам йўқ эмас. Ҳар қадамда ундай қилма, бундай қил, деб ўргатишни ёқтиради. Аёл киши бировга қўл бериб саломлашмаслиги керак. Эркаклардан кимнингдир фазилати тўғрисида оғиз очолмайсан. Қаергадир меҳмонга борилса, менга тегишли саволга ҳам ўзи жавоб қайтармаса, кўнгли тўлмайди... Эрим мени ўз соясига айланишимни истайди. Мен унинг соясига айланолмаганим учун ҳам, истанг-истаманг, уйда можаро қўзғалаверади.

— Қисқаси, эрингиз можаро қўзғайди. Эрингизнинг феъли оғир.
— Оғир... Лекин мен бунинг учун эримдан ўпқаланмайман. Мен ўзимча уни оқлайман.

— Нега? — сўради терговчи.

— Айб эримда ҳам эмас. Буларнинг ҳаммасига ўтмиш айбдор.

— Ўтмиш? Қанақа ўтмиш?

— Бунинг ишга алоқаси йўқ.

— Айрим эркакларнинг феодаллигини айтяпсизми? — қизиқсинди терговчи.

— Йўқ. Менинг эримни феодал деб бўлмайди...

— Мен сизни яхши тушунмадим. Нима, сизлар ҳам бир оилани тарк этиб, қайта оила қўрганмисизлар? — сўради терговчи.

— Шунақа бўлган. Сиз буни билмасмидингиз?

— Йўқ...

— Менинг олдинги турмушим яхши бўлмади. Эрим ҳам... Иккимиз танишиб, бир-биримизга кўнглимиз чопгандек бўлди.

— Сиз бунга қисинмаслигингиз мумкин, — деди терговчи. — Оила бузилиши ёмон, албатта. Лекин инсон ҳамиша ўз бахтини излашга ҳақли. Одамни занжир билан боғлаб бўлмайди. Иккинчи марта оила қўргач, қадр-қимматни билиш ўрнига... майли, ойда-йилда бўлсин, бари бир, уришишларингиз сизлардек зиёли, фикри-ўйли кишиларга муносиб иш эмас. Хўп, сизлар неча йилдан буён бирга ҳаёт кечиряпсизлар?

— Уч-тўрт йил...

— Бундан чиқди, сиз Қодир отани фақат шу пайдан буён биласизми?

— Ҳа, шу пайдан буён...

Исмат Бўроновнинг баҳори

(Кўнгил дафтарида саҳифалар)

Бир ерда тургандан кейин, қийин экан. Исмат уйга кирса ҳам, чиқса ҳам Жамилнинг хотинига рўпара келар, у бўлса, сенларнинг касрингга биз кулфатга қолдик, дегандек ўқрайгани ўқрайган эди. Исмат фақат Жамилнинг хотини эмас, болаларидан биронтасининг ҳам кўзига тик қараёлмасди.

Аммо гап биргина бунда эмасди. Жамил исканжага олингандан буён, умуман, Исматнинг ичини қурт кемирарди. У ҳар нарса бўлиши мумкин, деб аввалдан шубҳага йўл очган, энди кундан-кунга Жамилдан шубҳаланиш ортиқча эканини ҳис этар ва бундан ўзича азобланар эди.

Терговчи яна сўхбатга чақирганида, Исмат шундай кайфиятда эди.

У терговчига Жамил тўғрисида гапириб, мен кўп ўйладим, Жамил айбдор эмас, бу ерда қандайдир англашилмовчилик борга ўхшайди, деди...

— Масалан?... — қизиқсинди терговчи.

— Биласизми, мен нега ўзи бу фалокат рўй берганига тушунмаяпман. Аввало, дадамга Жамилнингми, бошқа бировнингми қасди бўлса, ёки дейлик, дадам кейинги йилларда кимнингдир қитиқ патига тегиб юрган бўлсалар, апоқ-чапоқ эмаслигимизга қарамай, мен ҳарҳолда буни пайқамасдан қолмасдим. Унақа гап йўқ эди. Хўш, кейин, қотил дадам сингари кекса кишига суиқасд уюштириб, нимага ҳам эришарди? Ишониш қийин. Демак, бирон тасодиф рўй берганми ўшанда...

— Сиз билан шунча гаплашиб, мана энди мақсадга бир оз яқинлашяпсиз, — деди терговчи. — Хўш, қанақа тасодиф?

— Мен унисини билмайман. Биз истиқомат қилаётган кўчада бир қолипдан чиққан саккизта уй қатор терилиб турипти. Бу шароитда ҳар нарсани кутаверасан.

— Менга қишлоқда опангиз ҳам шунга яқин бир фикрни айтгандилар. Бундай тахмин менинг ўзимда ҳам йўқ эмас. Текшириш, аниқлаш керак. Мен, худди шу боисдан, ҳаммадан кўпроқ сиз билан сўхбатлашяпман.

— Нега мен билан?
— Бу тахмин ишни яна мураккаблаштиради, — деди терговчи. — Мен уйингиз атрофида айланиб, анча нарсани ўрганишимга тўғри келади.

— Уй-ку, майли, лекин мендан нимани ўрганасиз?

— Сизга нима десам экан... Менинг бошқалар билан суҳбатим, асосан, тугагандек бўлди. Сиз билан эса, қизиқ, бир ҳолатни сезяпман. Ҳар гал гаплашганимизда, сиз бутун кўнглингизни гўёки бўшатасиз. Лекин эшикдан чиқиш баробарида, мен суҳбатдан яна қониқмай қолаверганимни пайқаб, фаромушланаман. Буниси ҳалво: мен сизнинг кўнглингизда айтганингиздан кўра юз чандон кўп гаплар борлигини аниқ-равшан ҳис этаман. Сиз менга ҳали бир дунё ғаройиб хикояларни айтмай юрибсиз!

— Э, йўқ. Мен сизга керагидан ҳам ортиқ гапирдим. Дадам қолиб, мени кафтдагидек кўриб турибсиз. Ҳар гал чақирганингизда, соатлаб сўзлашамиз.

— Тўғри, ҳар гал соатлаб сўзлашамиз, — деди терговчи. — Лекин мен бари бир сиз тўғрингизда айрим оддий нарсаларни ҳам билмайман. Масалан, оиладаги турмушингиз қандай? Ҳаётингизда кимни севган, кимни севмагансиз?

— Буларга жавоб қайтариш осон. Икки оғиз сўз...

— Масалан, сиз икки марта уйланган экансиз. Биринчи марта қачон, кимга уйлангансиз? Олдин турмушингиз қандай бўлган? Нега ажралгансиз?

— Э, мен ҳаммасини ғишт қилиб териб қўйганман, денг. Яна ўзингизни гўлликка солишингизни қаранг! Дадамга буларнинг нима дахли бор? Дадам икки марта уйланмаган. Менимча, сизни шуниси қизиқтириши керак.

— Мени ҳамма нарса қизиқтиради, — деди терговчи. — Дадангиз уйланмаган. Лекин сиз янги оила қургунингизга қадар ҳам дадангиз сиз билан бирга бўлганлар. Демак, бу бевосита дадангизга ҳам тааллуқли.

— Дадам у пайтда тинч эдилар. У пайтда ҳозирги фалокат ҳам, бунақа ташвишлар ҳам йўқ эди.

— Мен сизни тушунмаяпман. Дадангиз у пайтда тинч бўлсалар, сизни ҳам, маълум даражада осойишта яшаган, деб ўйлаш мумкин. Агар чиндан шундай бўлса, оилани нега буздингиз?

— Сиз бунинг учун мени айбламоқчимисиз? Дунёда оиласи бузилган бир мен эмас. Истаганча топилади бундайлар.

— Мен бунинг учун сизни айбламайман, — деди терговчи. — Мени фақат сизнинг кўпинча пала-партиш иш тутишингиз таажжубга соляпти.

— Мен қачон пала-партиш иш тутибман?

— Кўпинча деяпман-ку. Мисол керакми? Ота-онангизга нисбатан бутун муносабатингиз... Дадангизни ўзингиз Тошкентга бошлаб келиб, ўзингиз қадрига етмаганингиз...

— Бу ҳаётнинг мураккаблиги. Айтганман сизга...

— Хўп, Жамилга муносабатингиз-чи?

— Буларнинг ҳеч бирида пала-партишлик йўқ. Хўп, уйланганим... Бир марта оилам бузилганига одамлар олдида уялиб, виждон азобига ўхшаш ҳолатни туйганим учун, бу ҳақда гапирмай юргандим. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Энди бари бир...

— Оилангиз бузилганига нега уялиб, виждонингиз қийналади? — сўради терговчи.

— Шундай пайтда бу табиий ҳол...

— Сиз, бировни бахтсиз қилдим, деб изтироб чекапсизми?

— Бу ерда кимни ким бахтсиз қилганини айтиш қийин... Гап бундай, қисқаси. Ҳозир оиладаги турмушим ўртача. Аъло даражада, деёлмайман. Чунки ўз уйимда ўзимни доим бирдек бахтли ҳис этмайман. Емон ҳам деёлмайман. Чунки Нодирдан яқин кишим йўқ дунёда... Нодирани севганман. Олдинги хотиним Маликани севмаганман. Унга аввалдан ёлғон-яшиқ, севдим, деб оғзим куйган. Ўшандан кейин умримда ёлғон гапирмасликка онт ичганман. Бор-бўлгани шу, ишонсангиз...

— Мен тушунмайман, нега сиз ҳозиргача бу гапларни мендан сир сақладингиз? — деди терговчи.

— Ўзи одамлар билан очиқ-сочиқ кам гаплашаман. Сўнги йилларда ҳеч ким билан сизчалик ҳам гаплашган эмасдим...

— Нима учун, ахир?

— Уз ёғида ўзи қоврилган одамнинг тили қисқа бўлади. Бунинг устига, киши ҳаммага тарихинг дoston бўлишини истамайсан. Маломатдан қўрқасан, деймикин...

— Сиз ҳалиям олдинги оилангиз тўғрисида менга батафсилроқ гапирмаяпсиз, — деди терговчи.

— Сўрасангиз, айтаман. Энди мени гап яширишда айбламаслигингиз учун ҳам

айтишим керак... Ёшлиқда ёввойроқ ўсан бўлсам керак, қизлардан дўст орттиролмадим. Тўғри, бир пайтлар қишлоқда Бахти деган қизни ёқтирганман, лекин бизнинг муносабатимиз узоққа бормаган. Тошкентга келиб ўқишга киргач, олдингидан бадтар ёввойлашдим. Касбим тиб эканига қарамай, қишлоқдагидек ҳамон баъзан шеър ёзиб, баъзан рубоб чертар, кайфиятим бўлганида, куйлардим. Қизлар билан ишим йўқ эди. Мен қишлоқдан, курсимиздаги қизлар кўпчилик шаҳарлик бўлишганидан, ким биландир дўстлашишга журъат ҳам қилолмасдим. Аммо йилдан йилга балоғатга етиб, баҳорга интиқ юрганганимни ўзим билардим юрагим... Ана шунда баҳор келди...

...Исмат ўқишни битириб ишга кирган йили пахта пайтида Мирза деган ҳамкасби билан уни теримга чиққан ўқувчи-талабаларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун қишлоққа жўнатишди. Ҳаммаси улар қишлоққа келиб тушган кундан бошланди.

Колхоз раҳбарлари Исмат билан Мирзага икки хонадан иборат бир уйни ажратиб беришди. Бу хоналардан бирида улар касалларни қабул қилиб, иккинчисида ётиб-туришлари керак эди. Аммо Мирзанинг антиқа одатлари бор эди. Колхоз раҳбарлари жой тайинлаб кетишгач, у Исматга, иккала хона ҳам касал кўриш учун, бунисида сен, унисиди мен одам қабул қиламан, деб туриб олди. Бўлмаса, ўзимиз қаерда яшаймиз, деган саволга ҳам у дарров жавоб топди. Мирза, ўзимиз қишлоқдагилардан биронтасининг уйида турамыз, бу ҳар жиҳатдан маъқул иш бўлади, деди. Исмат бошда унинг нега бундай қилаётганига тушунмади. Аммо қишлоқ кўчасини айланиб, уй қидира бошлашгач, ҳамма нарса ошкор бўлди-қолди... Кўчада бири пакана, бири новча — икки бола ўйнаб юарди. Уларга Мирза юзланди: «У, менга қара, сенларнинг уйларинг қайси?» Болалар йигитларга разм солишди. Ниҳоят, паст бўйли бола пахса деворли ҳовлини кўрсатди. «Анави!» «Бўш уйларинг борми ҳовлида?» сўради Мирза. Паст бўйли бола: «Бо-ор!» деди чўзиб. «Қани, юр-чи бўлмаса... Биз ёрдамчилармиз», деди Мирза. Паст бўйли бола олдинга тушди. Новчаси унга соядек эргашди. Йигитлар бир тавақали эшикдан ҳовлига киришди. «Ота-оналаринг уйдаими?» дея паст бўйли болага яна савол ташлади Мирза йўл-йўлакай. «Йўқ. Улар далада!» деди бола. «Сенинг отинг нима?» «Менинг отим Улжабой!» деди бола. «Қани, бўш уйингни кўрайлик-чи, Улжабой!». Болалар Исмат билан Мирзани бир четдаги янгигина қурилиб, деворлари андаваланган, лекин ҳали оқланмаган уйчага бошлаб киришди. «И-е, чироқ йўқ экан-ку!» деди Мирза шифтга қараб. «Ҳали чироқ ўтказмадик. Лекин лампамиз бор...» деди Улжабой уйнинг меҳмонларга ўтиришмаганидан катталардек хижолат чеккан кўйда. «Йўқ, лампа билан иш битмайди», деди Мирза. Кейин кутилмаганда уйга ҳеч алоқаси бўлмаган саволни берди: «Сигирларинг борми?» «Сигиримиз йўқ, иккита қўйимиз бор!» деди Улжабой. «Қўйингни ўзинг пишириб е!» Бизга эрталаб қаймоқ, сут керак!» деди Мирза. Сўнг сўради: «Қовун-тарвуз эканмисизлар?» «Йўқ, бу йил шолғом билан туруп экдик!» деди Улжабой. «Турупингни ҳам ўзинг е!» деди Мирза ҳафсаласи пир бўлиб. Исмат бу суҳбатга аччиғланишини ҳам, кулишини ҳам билмасди. Улар қайтиб кўчага чиқишди. Кўчанинг бир томони қирга уланган эди. Ушанга кўтариллиши. Сурп қўйлаги энгларини шимариб олган бир йигит сал оқсоқланиб, пичан босилган кичкина ғалтақаравани судраб борарди. У бошланган, сочи устарада қирилган эди. Ҳаво ёнаётганига қарамай, оёғида этик. Бир оёғининг бармоқлари қачондир ғажилганми, бир пой этигининг учи йўқ, қирқиб-қайрилганча тикиб қўйилган эди. Мирза йигитни тўхтатди. «Биз врачмиз. Ёрдамчиларга қарагани келганмиз. Лекин сизга ҳам фойдамиз тегиши мумкин, — деди Мирза. — Бизга бўш уй керак. Ундан ташқари, чанқадик, аввало бирон ерда қовун-тарвуз топилса...» «Топилади. Ҳаммаси топилади...» деди йигит. Кейин у, юринглари, деб аравасини орқага бурди. Улар кенг узун кўйлак кийган иккита хотин дошқозонда аллақандай рангли сув қайнатиб, тери ботираётган кўча муюлишига келишди. Рўпарада қамишдан тўқилган девор билан ўроғлиқ қандайдир ҳовли кўринди. Ҳовлининг эшик-дарвозаси йўқ, фақат бир бўйра ўрнидек жой очиқ қолдирилган эди. Бояги оқсоқ йигит аравани бир чеккага қўйиб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Ҳовли юзида сочи оппоқ оқарган кекса бир аёл бўйра устида жун тепкилар, бир томонда уч-тўртта ошланган тери оқариб ётарди. Терилар ёнида қизил читдан бир хил кўйлак-лозим кийиб, бошига кўк дуррача ўраган тўрт-беш ёшлар чамасидаги дўмбоққина қизалоқ. Унинг елкасида атлас камзулча. Бир энгини кийган, иккинчиси осиглиқ турарди. Қизчадан берида хушрўйгина жувон. У ҳам нечундир қизил кийган. Боласини кўтариб, оёқчаларини кўйлагига ўраганча, кекса аёлга ора-сира кўз ташлаб, нари-бери ҳорғин судраляпти. Оқсоқ йигит меҳмонларни остонада ётган шолғага ўтиргизиб, ўзи рўпарадаги уйчадан уч-тўртта тарвуз олиб келди. У шундан сўнг бошқа бир уйча эшигини очди — бу омбор бўлса керак, ҳар хил ашқол-дашқоллар кўзга ташланарди — бу ердан узун пичоқ, эски бир алюмин кеса кўтариб чиқиб, яна

улар ёнида пайдо бўлди. Косани тўнтариб, худди қўй сўядиган одамдек, пичоқни обдон чархлади. Ниҳоят, буларни ўртага ташлаб, қани, марҳамат, деди. Мирза тарвузга пичоқ санчаётиб йигитга қаради: «Бизга энди қайси уйингизни берадиган бўлдингиз, ака?» Йигит бир оз ўнғайсизлангандек бўлди. У кекса аёлга, дўмбоққина қизалоққа, боласини кўтарган жувонга бирма-бир кўз ташлаб, ниҳоят, босиқлиқ билан: «Уй кўп, қайси бири ёқса, тураверасизлар!» деди. Шуни айтиб, шарт орқага бурилганча, кўча томон йўналди.

Исмат бир карч тарвузни қўлига олди. Аммо иштаҳаси бўғилган, томоғига нимадир тиқилган эди. Мирза эса, булар бари етмагандек, унга бундай гап қилди: «Бировникида туришининг хосияти кўп, оғайни. Еганинг олдингда...» Исмат: «Сен шу ерда турсанг туравер, лекин мен кетдим, ўзим касал кўрадиган хонада туравераман. Мен бу ерда туролмайман!» деди Мирзага қўлидаги бир кесим тарвузни еб-емай, бехос ўрнидан кўзғалиб. Мирза ажаблангандек елкасини қисди.

Исмат кекса аёл билан жувоннинг, ўтирмайсизми, сиз ҳеч нарса емадингиз-ку, дейишганига ҳам қарамай, уларга ўзича миннатдорчилик билдириб, кўчага ошиқди... Кўчага чиқиб, рўпарада ясланган бепоён, кимсасиз дала томон кетди. Унга ҳаво етмаётгандек эди. Ҳозиргина кузатган манзара дам сайин бўғарди.

«Одам ҳам шунчалик назари паст, манфаатпараст бўладими! Йўқ, одам эмас бу Мирза!» Исмат далада боши оққан томон кетаётиб, жон-фиғони чиққанча, шуни хаёлидан кечирди...

— Мен шу куни ўзимнинг қордан қутулиб, ёмғирга тутилишимни қаёқдан билибман, дейсиз. Далада кетаётиб, бехосдан қирғоқларида тол ўсган ипдек ариқ бўйига чиқиб қолдим. Ариқ бўйлаб яна кетавердим. Аммо энди кўп ўтмай, ариқнинг нариги бетида негадир гарангсиз турган бир қизга беихтиёр кўзим тушди...

...Исмат бу ерда кимнидир учратишни хаёлига келтирмаганидан, қизга таажжубланиб қаради. Унга қиз ариқдан берига ўтмоқчино қандайдир иккиланаётгандек бўлиб туюлди. Қиз афтидан шаҳарлик эди. Исмат ундан шунчаки, ариқдан ўтолмаяпсизми, деб сўради. Қиз бош силкиди. Исмат ўз тахмини тўғри чиққанига суюниб, икки оёғини ариқнинг икки четига қўйганча қизга: «Келинг, ўтказиб қўяман!» деди. Қиз бу таклифга эътироз билдирмади. Қирғоққа яқинлашиб, Исматга қўлини чўзди. Исмат унинг қўлини тутди ва негадир бағрига босганча, даст кўтариб, бериги қирғоққа ўтказиб қўйди. Қиз уялиб қизаргандек бўлди. Исмат ҳам сал ўнғайсизланди. Аммо у орага тушган ноқўлайликни бартараф этиш учун дарҳол: «Сиз бу ерларда нима қилиб юрибсиз?» деб сўради. «Ўзим. Айланиб юрибман, — деди қиз. — Сиз-чи?!» Исмат гап ўз-ўзидан боғланаётганига мамнунланиб, қизга бир лаҳза бурун рўй берган бутун воқеани гапириб берди. «Сиз олижаноб одам экансиз! Ҳар ким ҳам ҳаётда бунақа нарсалар устида бош қотириб ўтирмайди!» деди қиз. Исмат ҳикоя қилган воқеа қизга уни яқинлаштиргандек, қизнинг шу баҳоси кўнглига хуш ёқиб, уни Исматга яқинлаштириб қўйгандек бўлди. Улар танишишди. Малика Исматга деярли ҳамкасб — химия факультетига ўқир экан. У бешинчи курсда таълим олаётганига қарамай, бор-йўғи атиги иккинчи марта пахтага чиқиши эмиш. Исмат бунинг сабабини сўради. Малика саломатлиги яхши эмаслигини, юраги баъзан санчишини айтди. Исмат ёшгина қиз бу дардга нега чалинганига қизиқсинди. Маликанинг ота-онаси вафот этишган, бир акаси, бир укаси билан муносабати юзкўрмас даражада экан. Исмат ундан жигарбандлари билан нима учун аразлашганини сўради. Малика, улар иккиси ҳам кўрс-қўпол, одамни қадрлашмайди, деди.

Улар кеч қоронғиси тушгунича далада суҳбатлашиб юришди. Кейин эртаси оқшомда яна кўришишга ваъдалашишди...

Исмат кун бўйи Маликага ўйлади. Уни ўзича ақлли, кўнгли очиқ, виждонли қиз, деб улуғлади. У Исматга бўй-баси келишган, ниҳоятда чиройли қиз бўлиб туюлди. Унинг қошлари қоп-қора, қалин, кўзлари сурма тортилгандек ярқироқ, қўллари нозик, бармоқлари ингичка, умуман, нақадар малоҳатли у, деб ўйлади Исмат. Дунёда бундан яхши қиз йўқ, бу сенинг манглайингга битган бахтинг, сен уни қўлдан чиқарма, деган хаёлга борди. Ҳаммасидан ҳам, назарида, Малика ҳаётда кўп изтироб чеккан, бировнинг меҳрига зориқиб юрган қиз эди.

Эртаси оқшомда иккаласи яна далада учрашишди. Исмат Маликага ўз ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилди. Малика ҳам ота-онаси бир-бирларини қаттиқ севишганини, бири вафот этгач, орадан йил ўтиб-ўтмай иккинчиси ҳам дунёдан кўз юмганини айтди. Унинг ҳикояси Исматга ўз ота-онаси ўртасидаги меҳр-оқибатни эслатиб, юрагини элитгандек бўлди. Исмат қизни бағрига босди. Олдин унинг қўлларидан ўпди. Сўнг юзи, лабларидан бўса ола бошлади. Қиз аввалига индамади. Сўнг кутилмаганда Исматни зарб билан ўзидан нарига итқитиб ташлади. Исмат нима воқеа бўлганига тушунолмай, тахтадек қотиб қолди. Малика эса, кўзларига жикқа

ёш тўлиб: «Сиз мени севмайсиз-ку! Нега ўзингизга бундай эрк беряпсиз?!» деди. Исмат терга ботиб, мен сизни ёқтирдим, энди бир умр севаман, деди. Аммо Малика унга ишонмади, истеҳзоли жилмайди.

Исмат Малика билан энди кўришиб турса, бутун ҳаёти ўзини оқлашга уриниб билан ўтишини, бунинг бахтсизлик эканини юрагининг аллабуржиди ҳис этгандек бўлди. «Биз дарҳол хайрлашимиз керак. Қайтиб ҳеч қачон кўришмаслигимиз керак!..» деб ўйлади.

Улар икки кун кўришишмади ҳам...

Аммо учинчи кун Маликанинг ўзи қўққисдан Исматнинг ҳузурига, у касал қабул қилаётган хонага кириб келди. Орада ҳеч гап ўтмагандек очиқ сўзлашиб, ажабо, унга, нега кўринмай қолдингиз, дегандек бўлди. Кейин Малика юраги санчаётганидан шикоят қилди. Исмат қизнинг юрак уришини текширди. Тўғриси, Маликанинг юраги бир маромда урар, шикояти ўринсиз эди. Нари борганда, унинг хасталигини зиқлик, шунчаки бир оз қисиниш аломати, дейиш мумкин эди, холос. Исмат унга хизмат юзасидан шуни айтиб, сен ишдан қолиб, хонада биқингандан кўра далада юриб пахта терсанг, ўзингга кўпроқ фойдали бўлармиди, деб маслаҳат бериши керак эди. Аммо Маликанинг ўзи ёнига келиб, яхши сўзлашаётгани уни қандайдир ийитиб юборди. Бунинг устига, бу қизни сен шу кўйга солдинг, сен эҳтиётсизлик қилиб, унинг шусиз ҳам мажруҳ юрагини тирнадинг, деган хаёлга бориб, ўз-ўзидан койингандек бўлди. У виждонига қарши бориб, Маликага уч кун далага чиқмасликка рухсат берди. Шу кунни оқшомда улар яна учрашишга вадалашишди...

— Малика шундан сўнг баъзан ишдан қолиб, менинг қабулимга кириб туришга одатланди. Мен виждонимга қарши бораётганимни ҳис этиб, эзилардим. Нима қилишимни билмай, бошим қотганди. Ёнимда Мирзадан бўлак маслаҳатчим йўқ. Юрак ютиб, Мирзага маслаҳат солдим. Мирзанинг эса, нима дейиши олдиндан маълум. У мендан, бу қиз сенга чиндан ёқадими, деб сўради. Бошимни силкитгач, ёқса, юраверсин, бировни ишдан озод қилиш сенинг қўлингда, кимдир сени тергаб ўтирибдими, деди. Кейин, далага бир одам кам чиқди нима-ю, кўп чиқди нима, пахта бари бир ерда қолмайди, сен шунга ҳам бўғилаверасанми, деди. Мен Мирзанинг фикрига қўшилмадим. Лекин ўшанда Маликанинг иродасига бўйсуниб, Мирза айгандек иш тутишдан бўлак чора ҳам тополмадим. Қишлоқда кунлар шу тахлитда ўтди... Пахта пайти тугаб шаҳарга қайтгач, Малика билан иккимиз яна кўришиб турдик. Бирга кўча кезар, сайр-томоша қилар, бир-биримизга аста-секин ўрганиб қолган эдик. Мен энди орамизда дастлабки кунларда ўтган бутун гапларни унута бошладим. Аммо бир кунни бехосдан олдинги гаплар қайтиб яна юзага қалқди. Малика нимадир бўлиб, юраги санчаётганини айтди. Мен унга, зиёни йўқ, бу ўтиб кетади, дедим. Кейин уни авайлагим келиб, эркалаганча, боз муҳаббат изҳор қилдим. Малика эса, истеҳзоли жилмайиб, нега ёлгон гапирасиз, сиз мени севмайсиз-ку, деди. Ана шунда, мен Маликанинг юракдан шикоят қилиши кўпдан буён ғашимга тегиб, зўрба-зўр бу ғашни босиб юрганимни, ҳалигина ҳам шундай бўлганини пайқадим. Лекин бу муҳим эмасди. Шу палла кўнглимдан, Маликанинг бурро, ишонч билан, севмайсан, дейиши унинг ақл-фаросати, бировни теран тушуниши нишонасими ёки бу севги борасидаги савод, тажриба белгисимкин, деган гап ўтди ва юрагимда куртак отган ғашлик энди барг ёзаётганини ҳис этдим. Йўқ, мен кўнглимдаги товушни ўчириб, ғашни ҳайдадим. Маликанинг олдида ёлгон сўзлаган қабиҳ одамга айланишдан қўрқиб, ўзимни оқлашга, уни чиндан севишимни айтишга ошиқдим. Унга, тахминан, сен жоним-жаҳонимсан, сени бир умрга севдим, севаман, дегандек бўлдим. Аммо Маликанинг лабларида истеҳзоли табассум яхлаб қолган эди. У, сиз мени севмайсиз, бир кунни ташлаб кетасиз, майли, йўлингиз очиқ, мен сиздан ранжиганим йўқ, ранжимайман, деди. Маликага нисбатан юрагимда қандайдир адоват, нафрат аралаш ҳолатни туйдим. Айни фурсатда, шошиб, телбаланиб, унга, мен сендан ҳеч қачон, ҳеч қаёққа кетмайман, хоҳласанг бугун, хоҳласанг эртага сен билан никоҳдан ўтамиз, бирга яшаймиз, дегандек фикр билдирдим. Маликага кутилмаганда менинг таклифим маъқул келди. Хуллас, иккимиз ўша куними, эртасигами, менинг ҳам, унинг ҳам жигарбандларидан биров билан маслаҳат қилмаган ҳолда, бу ҳақда ҳаттоки жиддийроқ ўйлаб ҳам ўтирмай, никоҳдан ўтадиган даргоҳга бориб қолдик. Мен учун ўшанда ўз ишим тантилик, нима бўлганда ҳам бахтсиз бир қизнинг олдида олижаноблик, валламатлик эди. Аммо никоҳдан ўтган кунни иккимизнинг ўртамизда илк дафъа катта бир кўнглисизлик рўй берди. Уша кунни нималардир харид қилмоқчи бўлиб кўча айланганимизда, Малика истеҳзоли жилмайиб, мана, никоҳдан ҳам ўтдик, яқинда бирга ҳам яшаймиз, лекин мен биламан, сиз мени севмайсиз, деди. Унинг бу гапни таъна оҳангида ҳадеб такрорлаши, айниқса шундай кунда гапириши менинг иззат-

нафсимга тегди. Бирдан бошимга қон қуюлди. «Хўп, мени қўятур. Сен-чи? — дедим унга. — Сен ўзинг мени севасанми?!» Малика бошини чайқади: «Йўқ, мен ҳам сизни севмайман. Мен бошқа бир йигитни севганман!..» Бу шафқатсизлик эди... Бизнинг оилавий турмушимиз шундай бошланди! Киши кўча-кўйда сайр-томоша қилиб юрганингда эмас, яшаганингдан кейин бир-бирингни чинакам билар экансан. Малика ўқишни битириб, аллақайси лабораторияга ишга кирди. Унинг иши тинч эди. Аввало ҳар куни борилмайди. Бунинг устига, кундузи соат ўн бир-ўн иккилардан соат уч-тўртгача ишласа кифоя. У ерда тартиб ўзи шунақа. Лекин шунга қарамай, Малика ишга борадиган кунда ҳам аксар юраги санчаётганини айтиб, уйда қолаверарди. Унинг уйда ҳам қиладиган ишининг тайини йўқ. Мактаблардаги синф хонасидек шифти, деворлари оқланган бир уйчада турардик. Малика ана шу ёзилмаган қоғозга ўхшаган оппоқ шифтга, деворларга тикилиб ўтиргани ўтирган. Баъзан каравотда ёнбошлаб китоб ўқийди, холос. Буниси майли... У ҳаммани камситиб, ўзини ҳамма қадрлашни истайди. Мен унинг акаси Абдукарим, укаси Шарифжон билан танишдим. Булар кўрс-кўпол ҳам, одамни қадрламайдиган кишилар ҳам эмаскан. Аксинча, Маликанинг менга нисбатан муносабатида ҳам камситиш авжига чиқа бошлади. Мен нимаки иш қилмай, унга ёқмасди. Ўзи бирон иш қилгиси келмасди... Ниҳоят, мен Нодира билан танишиб, энди олдинги тартибда Малика билан яшаёлмаслигимни ҳис этдим. Уйдан кетишдан бўлак иложим қолмади... Менинг биринчи оилам тарихи шу. Мана, сизга буни ҳам айтиб бердим.

— Хўп, бундай. Сиз Маликани севмаган, Нодирани эса севгансиз. Шундай экан, Малика сизни тергаганидек, сиз нега Нодирани баъзан тергайсиз? Нима учун осойишта яшашга ҳаракат қилмайсиз?

— Мен бунга ҳаракат қиламан. Лекин Нодирадан кўпроқ меҳр кутаман, шекилли. Аёлнинг беҳад эркинлигидан киши қўрқасан. Буни ҳам очиқ айтишим керак.

— Бўпти. Бошқа савол, — деди терговчи. — Ойингиз вақтида Тошкентга бир келган эканлар. Сиз Маликага уйланганингдан кейин келганмидилар?

— Ҳа, уйланганимдан кейин...

— Маликанинг ойингизга нисбатан муносабати қанақа эди?

— Ёмон эмас. У ойимни шунчаки қишлоқи бир аёл деб билар, унчалик иши йўқ эди.

— Демак, дадангиз ҳам Тошкентга келгач, аввалига сизнинг олдинги оилангизда яшаган. Шундайми? — сўради терговчи.

— Шундай.

— Маликанинг дадангизга муносабати қандай эди?

— Адашмасам, дадамни бир оз ҳурмат қиларди. Лекин дадамни ҳам яхши кўрмасди... Мен умуман Маликанинг дунёда кимнидир яхши кўриб, ардоқлаганини эсламайман.

— Ҳалиги йигитни-чи?

— Қайси йигит?

— Малика сизга никоҳ куни гапирган йигитни айтяпман. У ўшанда сизга озор етказиш учун жўрттага гапирганмиди ёки шундай бир йигитнинг ўзи бўлганми?

— Бўлган, албатта...

— Малика уни ростдан ҳам севганми?

— Севган бўлса керак.

— Сиз у йигитни яхши билармидингиз? Кўрганмисиз? — қизиқсинди терговчи.

— Бир кўрганман. Яхши билмайман.

— Малика ҳам қайтиб турмуш қурганми?

— У турмуш қургани йўқ.

— Хўп, бугунча етарли. Мабодо менда савол туғилса, сизни яна чақираман.

— Чақиринг, майли...

Охири келгуси сонда

Мирпўлат Мирзаев

БАҲОР МАМЛАКАТИ

(Сафар таассуротлари)

Менинг қизиқ одатим бор: нотаниш-номаълум томонларга сафарга отлангудек бўлсам, аввало уёқларни хаёлан тасаввур этишга ҳаракат қиламан. Сафарим бошлангандан кейин эса кўрган-кечирганларимни аввалги тасаввурим билан таққослай бошлайман...

Москвадан Софияга парвозим давомида бу эрмагим билан машғул бўлмадим. Сабаби, доврўғи етти иқлимга машҳур Софийани тасаввуримда яхлит гавдалантиришнинг бари бир уддасидан чиқолмасдим. Иккинчидан, бундай фол очиб ўтиришга вақтим ҳам йўқ, тасаввуримни бутунлай бошқа бир муҳим масала банд этган эди. Хусусан, Тошкент области билан биродарлашган Хасково округида ўтказиладиган ёш адиблар байрами — «Жануб баҳори» адабиёт кунларида иштирок этишим керак... Мени аэропортда болгар-совет дўстлиги жамиятининг Хасково округи бўйича секретари Иордан Иорданов кутиб олди. Биз дастлаб Софийани айландик: шаҳар ниҳоятда гўзал, турфа манзарали, муҳташам экан. Кунгай ёқдаги юксак Витоша тоғлари шаҳарнинг ҳамма бурчагидан кўзга ташланиб турибди. Баланд иморатли кўчалар гавжум. Кунлар илий бошлаганлиги учун сон-саноқсиз дўконларнинг бир қисми ташқарига кўчиб чиққан. Кезганимиз сайин замонавий маҳабатли иморатлар билан ёнма-ён «қўл ушлашиб» турган салобатли тарихий обидаларга дуч келамиз. Кейинги йилларда археологик изланишлар натижасида шаҳарнинг турли жойларидан кўҳна қалъалар, қасрлар қолдиқлари топилган экан. Улар кенг чорраҳалар ўртасида, гавжум кўчаларда бўлишига қарамай, катта эътиқод, юксак дид билан батартиб ҳолга келтирилган, путурсиз сақланиши ва зиёратга қулай бўлиши учун махсус тоннель-майдонлар қурилиб, серкатнов йўллар эса улар устидан ўтказилган, айрим жойларда бежирим «ихота» деворчалари билан ўраб қўйилган.

Пешиндан сўнг Хасковога қараб йўл олдик. Хасково билан София шаҳрининг ораси 230 километр экан. Яшил адирлар, шудгор қилиб қўйилган далалар, махсус терим машиналарига қулай бўлсин учун шох-шаббалари бир текис чилпинган олмазорлар кўз ўнгимдан ўтиб турарди. Ўнг томонимизда — олислардан ҳарир туман оғушига чўмган Родопи тоғлари кўринди. Биз йўл давомида турли хил мавзуларда суҳбатлашиб кетдик. Суҳбатимиз Тошкент области ва Хасково округининг 20 йилдан кўпроқ биродарлиги мавзусидан бошланиб, Болгариянинг кўҳна ва бой тарихи, ҳозирги кунни, санъати, адабиёти, маорифи ва маданияти, ишлаб чиқаришию қишлоқ хўжалигига оид фикр-мулоҳазаларга боғланиб борарди. Иордан Иорданов жуда билимдон ва зукко экан, табиатан ҳазилсеварлиги сезилиб турарди. Ундан машҳур Габрово ҳақида сўрадим. У бу ўлканинг антиқа феълли одамлари, урф-одатлари ҳақида гапириб берди. Суҳбатимиз боёгина қишлоқ хўжалиги соҳасида бораётганлиги учун мен Габровога нима етиштирилиши билан қизиқсиндим. У муғамбирона, самимий жилмайиб, «асосан ҳазил етиштирилади», деди. Беихтиёр бир-иккита латифалардан эслашдик.

Марокли суҳбатлар асносида вақт ўтгани ҳам билинмади. Оқшом пайти Хасковога кириб келдик. Хасково ўзининг минг йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган экан. Аҳолиси 100 минг кишидан иборат кўркам, шинам ва гавжум шаҳар. Кўчалардаги, бино пештоқларидаги шиорлардан «Жануб баҳори» байрамининг, адабиёт кунларининг тантанавор руҳи сезилиб турибди.

Мазкур байрам ҳар йили баҳор кунлари Хасковода ўтказилади. Бу байрамда Болгариянинг турли бурчакларида яшовчи ёш адиблар, ёш рассомлар, кино санъатининг ёш вакиллари ўзларининг эълон қилинган илк тўпламлари, илк

асарлари билан қатнашадилар. Икки кун давом этадиган байрам якунида барча жанрлар — шеърят ва проза, болалар адабиёти ва адабий танқиднинг энг истеъдодли вакиллари, шунингдек, энг истеъдодли ёш рассом ва ёш режиссёрлар ўтган йилги ижодий муваффақиятлари учун махсус соврин ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланадилар. Гарчи бу тантанали тадбир икки кунгина давом этса-да, унга тайёргарлик 3—4 ой аввал бошланиб, энг яхши асарлар ҳолис баҳосини олсин орқали тарғиб этилар экан. (Байрамнинг Хасковода ўтказилишига сабаб бу эзгу анъана 12 йил муқаддам хасковоликлар ташаббуси билан бошланганлигидандир.)

Адабиёт байрами икки кун давом этди. Биринчи кунги муҳокама ва мунозарада ҳар бир жанр бўйича махсус тайёргарлик билан ёзилган докладлар тингланди. Муҳокамани Болгария Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, танқидчи, профессор Иван Попиванов олиб борди. Асосий докладлар тугагач, мунозара бошланди. Мунозарада ёш ижодкорлар ҳам қизгин иштирок этишди. Гап асосан ёшларнинг ижодий изланишлари, ёритилаётган мавзулар, шеърятдаги экспериментлар, нашр масалалари хусусида борди. Мамлакат нашриётларида бир йил давомида 30 дан ортиқ илк тўплам нашр этилар экан. Уларнинг қарийб ярмини шеърят ташкил қиларкан.

Муҳокама йиғини тугагач, байрамнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Махсус майдонда рамзий олов ёқилди. Бу оловни Болгария Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг секретари Евтим Евтимов ёқди. Тантанали музыка садолари янгради. Сўнг мухташам залда шеърят кечаси бошланди. Ёш шоирларнинг шеър ўқиш усулларини, залда ўтирганларнинг тинглаш ҳолатларини кузатдим. Ёш шоирларнинг шеърларида замонавий поэзиянинг турли хил оҳанглари илғаш мумкин эди. Минбардан анъанавий усулдаги назм, сарбаст, кайфият изҳори, қасида оҳангидаги шеърлар янграрди. Ёшлар ўз шеърларини ортиқча ҳаяжонсиз, дабдабасиз, ҳар бир сатр маъносини тингловчиларга равшан етказишга ҳаракат қилишиб, деярли ёддан ўқишлари барчага маъқул тушарди. Залда эса ишчилар, зиёлилар, хуллас, шаҳарнинг турли тоифадаги вакиллари жам бўлишганди. Улар шеърлардаги маънони, туйғуларни, муаллифнинг иқтидорини жуда сезгирлик билан илғаб олишар ва муносиб олқишларарди. Мушоира тугагач, ёш режиссёрлардан бирининг илк асар — янги фильм намойиш қилинди.

Эртаси республика нашриётлари ходимлари билан учрашув бўлди. Бунда Софиядаги «Нраден младеж», Пловдив ва Варнадаги нашриётларнинг раҳбарлари ва ижодий ходимлари қатнашдилар. Бу ёш ижодкорлар ва ноширларнинг ижодий мулоқоти тарзида ўтди.

Тушликдан сўнг янги орттирган дўстларим билан шаҳар кўчаларида сайр қилдим. Ҳаво очик, осмон тиниқ. Кўчалар одамлар билан гавжум. Сайр қилиб юриб, «Тошкент» ярмаркаси ҳамда «Тошкент» универмаги рўпарасидан чиқиб қолдик. Универмаг шаҳарнинг энг кўркем савдо марказларидан бири экан. 5 минг чақиримдан зиёд масофада туриб, кадрдон шаҳринг номига кўзинг тушиб қолса, ғалати бўлиб кетаркансан.

Биродарлашган вилоятнинг ҳар бир кишиси чиндан ҳам ҳақиқий биродарларимиз экан. Қайси бири бўлмасин «Тошкент» номини жуда қадрлайди, ҳурмат билан тилга олади. «Тошкентданман» дейилса бас, кимдир Ўзбекистонга қилган саёҳатини, кимдир орттирган дўстларини, кимдир Тошкентга боғлиқ воқеаларни эслайди, чеҳрасига табассум ёйлади. Оқруг театрида «Бой ила хизматчи» спектакли 170 марта қўйилган. Пьесани болгар саҳнасида тайёрлаган машҳур артистимиз Олим Хўжаевни кўрган-билганлар ҳали-ҳануз чуқур эҳтиром билан хотирлашади...

Оқшом чоғи мухташам залда «Жануб баҳори» байрамининг тантанали яқунланиш маросими бошланди. Зал президиумидан болгар адабиёти ва санъатининг атоқли арбоблари, округ, шаҳар партия ва комсомол комитетларининг раҳбарлари, ёш ижодкорларнинг вакиллари жой олишди. Дастлаб «Жануб баҳори»нинг янги лауреатлари эълон қилинди. Уларга тилларанг пегас ҳайкалчалари, дипломлар, пул мукофотлари топширилди. Поэзия соҳасидаги бош мукофотга ёш шоир Червенко Крумов сазовор бўлди. У илк тўпламини «Осмон эшиги» деб номлабди. Ўзи хасковолик бу йигит Москвада таҳсил олмоқда — М. Горький номидаги Адабиёт институтини шу йил битиради. Янги лауреатлар орасида Червенконинг номи айtilганда зал гулдурос қарсақлар, самимий олқишлар билан тўлиб-тошди. Мен Червенко тимсолида болгар шеърятининг янги бир истеъдодини кўрдим. Мукофотлар топшириб бўлингач, янги лауреатлар қалб сўзларини айтдилар, шоирлар шеърлар ўқидилар.

Байрамнинг меҳмони сифатида менга ҳам сўз беришди. Мен кадрдон хасковоликларга Тошкентнинг, Ўзбекистоннинг қизгин саломини изҳор қилдим. Фурсатдан фойдаланиб, менга кўрсатилган барча лутфу эҳтиромлар учун чин юракдан миннатдорлигимни билдирдим. Янги лауреатларни кўтладим. Сўзим

охирида рус тилига ўгирилган шеърини ва болгар поэзиясининг атоқли вакили, Болгария Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Любомир Левчевдан қилган таржимамни ўқидим. Бу тантанали маросимда Л. Левчевнинг ўзи ҳам иштирок этмоқда эди. Маросим якунлангач, зал бўйлаб байрамнинг махсус гимни янгради. Ҳамма оёқда туриб «Жануб баҳори» кунлари билан хайрлашди. Байрам тантаналари тугагач, қолган кунларда махсус программа асосида ишлаб чиқариш коллективларида, ташкилотларда ижодий учрашувларда бўлди. Навқирон Дмитровградга, кўҳна Пловдивга саёҳат қилдик, Хасково округининг тарихий обидалари билан танишдик. Хасковода нашр этиладиган «Жануб» альманахи редакциясига таклиф этишди; округ партия комитетининг идеология секретари Н. Андреева иштирокида шаҳар ижодий зиёлилари, комсомол ходимлари ва ишчи-ёшлар вакиллари билан махсус учрашув-суҳбат ташкил қилишди.

Бўлиб ўтган учрашувлар, саёҳатлар пайтида олган таассуротларимиз барча учун мароқли бўлганлиги туфайли уларнинг энг диққатга сазоворларимиз журнал-хонлар билан баҳам кўришни лозим топдик. Болгария ҳаёти билан танишар эканмиз, дастлаб «Мир» фабрикаси коллективи ҳузурда бўлдик. Бу фабрика 1959 йили ташкил топган ва эндиликда йилига 5 миллиондан ортиқ эркаклар кўйлагини тикар экан. Шундан 3 миллиондан кўпроғини Совет Иттифоқи харид қилар экан. Фабрика коллективида икки мингдан зиёд ишчи ишлайди, уларнинг кўпчилигини коммунистлар ва комсомол-ёшлар ташкил қилади.

— Фабрикамиз сизларнинг «Қизил тонг» фирмангиз билан биродарлашган, — деди суҳбат давомида корхона партия комитети секретари. Фабрика ишчилари орасида ҳаваскор шоирлар ҳам бор экан. Урта ёшлардаги ишчи Георгий Ставрев менга ўзининг «Хасково—Тошкент» номли шеърининг қўлёзмасини тақдим қилди.

Дмитровградга қилган саёҳатимни асло унутмайман. Бу навқирон шаҳар Хасководан 15 чақирим нарида жойлашган бўлиб, таржимаи ҳоли 1947 йилдан бошланади. Шаҳар фақат ёшлар қўли билан бунёд этилган. Шунинг учун ҳам уни биздаги «Комсомольск-Амур»га қиёслашади. Шаҳарнинг аҳолиси эллик мингдан зиёд, ўртача ёш ўттиз икки-ўттиз учни ташкил этади. Шаҳар Совет Иттифоқи ёрдами билан барпо этилган кучли индустриясига ҳамда улкан маданият кошоналарига, кўркам майдонларига, чиройли бульварларига эга. Шоир Пеню Пенев номидаги истироҳат боғи айниқса чуқур таассурот қолдирди. 29 йилгина (1930—1959) умр кўрган оташин шоир П. Пенев шаҳарни бунёд этишда энг фаол қатнашганлардан бири бўлиб, ўз шеърларида, асосан, оддий одамларни, ишчилар қалбини, меҳнатини улуғлаган. «Бугунги кунда Болгарияда унинг китобларини эъзозламаган хонадон йўқ», деди ҳамроҳим И. Иорданов. Шоир вафотидан кейин унинг фидойи мухлислари — ёшлар шаҳар ёнбошидаги ўйдим-чуқур бўлиб ётган тепалик ўрнида муҳташам боғ барпо этишга қарор қилишибди. Бу парк, ҳеч қандай давлат маблағи сарфланмасдан, фақат шаҳар аҳлининг ўз хоҳиши билан тўплаган маблағи ҳисобига бунёд этилибди. Боғ бежирим зиналар орқали тепага юксалиб боради. Унинг энг кўркам жойидаги шоир қабрини зиёрат қилдик, сўқмоқларида кездик. Боғ ниҳоятда сўлим, манзарали дарахтлар, гуллар билан безанган, йиғирмадан зиёд сунъий кўлчалар кишининг баҳру дилини очади. Айрим жойларда ўриндик қўйилган хилватгўшалар, тошдан тикланган саҳналар ва унинг олдидаги шинам майдончада тўнка-курсилар... «Бу ерда, — деди Иордан саҳнага ишора қилиб, — шеърят байрамларида шоирлар билан учрашувлар бўлади, санъат байрамларида музика садолари янграйди...»

Пловдив — етти тепалик деган маънони билдиради экан. Бу шаҳар жуда кўҳна ва тарихий обидаларга бой. Бундан ўн йил бурун, археологик қазишмалар чоғида, шаҳарнинг деярли марказидан қадимги Рим амфитеатри топилибди. Анча мукамал реставрация қилинган бу обидада замонавий ансамблларнинг концертлари намойиш этилар экан. Шаҳардаги етти тепаликнинг бирида маҳобатли Алёша ҳайкали савлат тўкиб турибди. Бу ҳайкал болгар халқининг тўпроғида немис газандаларига қарши курашда фидойилик кўрсатган рус солдатига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат рамзи сифатида ўрнатилибди.

Бугунги кунда Пловдив жаҳон савдо ярмаркаси ўтказиладиган шаҳар сифатида ҳам дунёга машҳур...

Айниқса, бу ажойиб ўлканинг самимий, ширинсухан, илтифотли одамлари ҳамиша кўз ўнгимда туради. Иордан Иорданов, Иван Маринов... И. Иорданов — элликлардан ошиб қолган, барваста, қорамағиздан келган, дастлаб таъкидлаган-нимдек зукко, дангалчи одам. У бутун сафарим давомида менга ҳамроҳлик қилди.


Иван Мариновни ҳам ҳеч қачон унутмасам керак. У И. Иордановга тенгқур, тўладан келган, алп қоматли. Унинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари қалби бемисл ғайрат, ҳаётни севиш ва ундан завқланиш, олижаноблик каби фазилатлар

билан лиммо-лим эканлигини аниқ кўрсатиб туради. У округ маорифида рус тили бўйича инспектор бўлиб ишларкан.

— Хасководаги барча зиёлиларга рус тили бўйича муаллимлик қилганман, десам мақтанчоқлик бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўча-кўйда кетаётганимизда танишу нотанишлар салом бера бошлашса, хотиним сира ажабланмайди, — дейди у мамнуният билан. И. Маринов шоир сифатида ҳам танила бошлабди. Лекин у ўзини асосан рус адабиётининг таржимони, тарғиботчиси деб ҳисоблайди.

— Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сини болгарчага ўгирганман. Муҳтарам Олим Хўжаев билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлганман, — деди яна у очиқ-ойдин ғурур билан.

Биродар Хасково тупроғига қилган сафарим муҳлати ҳам охирлади. Жўнайдиган куним Софиянинг бетимсол ҳусн-жамолини яна бир карра томоша қилдим, озода, чиройли, гавжум кўчалари, маҳобатли бинолари, шаҳар уфқидаги Витоша тоғлари хотирамда муҳрланиб қолди.



Ҳийлачи шароҳчи

Абдулла Қаҳҳор

Ўзинг шифо бер

— Уҳ... оҳ... вой, вой-е, вой-дод... олло... олло... ўламан. Ҳой, Мавлонкул, кел, оғзимга сув томиз... Вой, одам бўлишим гумон, уҳ...

— Қўйинг, ота, шунақа деманг.

— Йўк, сен билмайсан, ишим қийин, ўламан, Мавлон! Бор, бор ғунажинингга қара, туғиб қўйди... Ҳой Хайрулло, ҳой оқпадар, қулоғингга пахта тикдингми?

— Лаббай, отажон?!

— Кўрпачанинг тагидаги пулдан 5 тийин олиб чиқиб пол очтириб кел! Вой, оҳ хуудо...

— Ота, полчига нима дейман?

— Вой, бу оқпадар мени жудаям куйдириб кукун қилди-да, нима дер эдинг: отам касаллар, бир пол қаранг, дейсан, вой-е, вой, вой-ээ, шуни ҳам билмайсан. Марг сендек тарбиясиз туғилғонингга, вой... а, уҳ, вой... худо! Суйган бандангга дард берасан, суюклик бандангдан дардни олсанг, нима бўлар экан, вой, вой!..

— Ота, полчи пол кўриб туриб айтдики, Кўҳинқорининг тескари пири тегибдир. Бир қора қўй сўйиб, худо йўлида хомталаш қилса, кўрмагандек бўлиб кетади, деди.

— А, нима дединг, бир қўй худойи, Хайрулло, 5 тийиннинг ҳаммасини тутқаздингми?

— Ҳ-ҳаммасини.

— Вой ер ютсин, икки дунёда ҳам одам бўлмайсан! Вой, вой, худо, ўзинг шифо бер! Бор, Мавлонни чақир. Уҳ, Қўй сўяр эмишман. Бели оғриманнинг нон ейишига қара, вой, қўй, вой-ээ, қўй, қўй...

— Ҳа, ота, нима ишингиз бор?

— Вой, вой... Уғлим Мавлон, бор, домла поччангни чақириб кел, вой, уҳ... Олло! Менга дам солиб қўйсинлар. Вой жоним.

— Ассалому алайкум, Аҳмаджон, баҳай...

— Уҳ... Бир оз тобим қочди, тақсир.

— Худо сақласин. Майли, зарари йўк, худо суйган қулига дард берадир. Қани келинг. Бир дам солиб кўяй. Тангри хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасиз. Кал Ражабниқида худойи бор экан, мени кутиб турибдирлар. Тезроқ бормасам бўлмайдир.

— Хўп, тақсир. Уҳ...

— Фе гўспандоллокун ва ала хала жойин. Муродатун дангалун, куф... Оғдарма қилиб гунг солуйсоф... Қалай, Аҳмадали, тузук бўлай дедингизми?

— Ҳа... та... қ... сир!

— Болам Мавлон, дўхтир-пўхтирга кўрсатмадингизми?

— Йўк.

— Яхши, ақллик қилибсиз. Дўхтир ҳаром ўлдириб кўяр эди. Мен дам солиб қўйдим, худо хоҳласа эрта-индин юриб кетадир. Хайр.

— Шошманг, тақсир, мана назрни олинг.


— Койиб нима қилар эдинг, ўғлим!

— Хайр.

— Хайр, тақсир, яна эртага бир дам солиб кетасиз-да?..

— Ота, отажоним!..

— Вой, дунёдан ўтдилар, меҳрибоним отам, ғамгузорим отам!.. Инноиллоҳи ваинноиллоҳи ражинун!



ЯНГИ МАСАЛЛАР

Мушук билан олапар

Бир уйда яшарди Ит билан Мушук,
Қадимдан шунақа одат бор, яъни —
Уйда пойлоқчи ит бўлгани тузук,
Зиён қилмас мушукнинг ҳам бўлгани.
Иккисини уй эгаси, шу боис —
Парваришлаб, овқатдан ҳеч қисмасди.
Бир кун сабаб бўлиб аллақандай иш —
У

Олапар билан қайгадир кетди,
Келиб қарасаки — ишлар пачава:
Уйни ўғри урибди, э-ҳа...
Пойлаб юрган экан у оббоҳолам,
Бир бошдан шошилмай қипти шип-шийдам.
Уй эгаси хуноб, ит ҳам ғазабда,
Мушук-чи, бемалол ётар офтобда.
«Ҳай! — деди Олапар. — Ухламай ўлгур,
Ўғри кирганида қаерда эдинг?»
«Шу ердайдим, — деди Мушук баҳузур, —
Келди, олди, кейин кўтариб кетди...»
«Наҳотки, сен қараб туравердинг-а?
«Хўш, менга нима?
Уйни қўриқлаш, бу — сенинг вазифанг!»
«Олдингдаги ошни олганида-ку —
Жонинг чиққанича қилар эдинг жанг,
Ҳе, нонкўр, тфу!» —
Деб нари бурилиб кетди Олапар...
Учрар мушукмижоз баъзи акалар:
Давлат минги кетса қилишмас парво,
Ўзин тийинига кўтарар ғавғо!

Оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа

(Криловдан бошқача)

Қисқичбақа, Оққуш ва Чўртанбалиқ
Ҳар бири ҳар томон тортиб, интилиб,
Юкли аравани кўзғатмоқ бўлиб —
Беҳуда овора бўлгани аниқ.
Ўртоқлар ўзаро эмасди инोक,
Шунинг-чун ишлари унмади мутлақ.
Лекин улар тўхтаб фикрлашишди,
Хилватда бир-бирга пичирлашишди:
Аравада юкни очишди аста
Ва учовлон «арра» қилиб бирпасда —
Чўртан ўмарганин тортди сув томон,
Кўтарганча олиб учди Оққушхон,
Қисқич қавагини тўлдириб олди...
Бир зумда арава бўшади-қолди.

Туюқлар


Еш ниҳолга ўғит қилар бобом тенги Тут:
— Якка мохов бўлиб ўсма, дўстлик йўлин тут.
Елғиз дарахт ўрмон бўлмас, бахти ҳеч кулмас,
Икки қўлдан чиқади қарс, болам, эсда тут.

Десалар: «Мунча ҳам ёқимли сан-а?!»
Яйра, бу — сен учун энг қутлуғ сана.
Ва лекин мақтовга қул бўлиб қолсанг,
Ўзингни дунёга келмаган сана.

Улуғлар наздида сариқ чақадир,
Чунки, у неки бор пулга чақадир.
Комин танга билан кўтарган асли,
Бу йўрғада теккан офат — чақадир.

Ўлим деди: — Илм, сендан кўра ман —
Кексаману боқий умр кўраман.
Илм деди: — Ўлим, сенинг бу мағрур
Сўзинг замирида завол кўраман.

РАССОМ ХАНДАСИ



Расмларни Р. Аҳмедов чизган.

Қадрли журналхон!

ЎЗИНГИЗГА МАЪЛУМКИ, 1986 ЙИЛ — ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРГА БОЙ ЙИЛ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛМОҚДА. 1986 ЙИЛДА КПСС XXVII СЪЗДИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЗДИ БЎЛАДИ. ЯНГИ ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНАДИ.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖАМИКИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҚАТОРИ РЕСПУБЛИКАМИЗ АДИБЛАРИ ҲАМ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮНЬ (1983), АПРЕЛЬ (1985) ПЛЕНУМЛАРИ ҚАРОРЛАРИДАН, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ КЎРСАТМАЛАРИДАН РУҲЛАНИБ, ЯНГИДАН-ЯНГИ АСАРЛАР ЯРАТИШАЯПТИ, ХАЛҚ ҲАЁТИГА ЯНАДА ЧУҚУРРОҚ КИРИБ БОРАЯПТИ.

ЖУРНАЛИМИЗ ЯҚИН СОНЛАРДАН БОШЛАБ, «КПСС XXVII СЪЗДИ ШАРАФИГА», «ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ», «ОШКОРА СУҲБАТ» (АНКЕТА), «БАҲС», «ОДАМИ ЭРСАНГ...», «ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР», «БИР ҚУЛТУМ ФОЖИАСИ», «ЖУРНАЛХОН МАВЗУ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ...» КАБИ ЯНГИ РУБРИКАЛАР ОСТИДА СИЗЛАРНИ УЙЛАНТИРГАН ҚАТОР МАСАЛАЛАРНИ ЕРИТИШНИ РЕЖАЛАШТИРГАН. АММО ҲАР ҚАНДАЙ АСАРГА ЭНГ ХОЛИС БАҲОНИ КИТОБХОН БЕРАДИ. ШУ БОИСДАН СИЗ — АЗИЗ ЖУРНАЛХОНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛАЯПМИЗ. УШБУ САВОЛЛАРИМИЗГА ЖАВОБ ЙЎЛЛАСАНГИЗ:

1. 1985 ЙИЛНИНГ ШУ ПАЙТИГАЧА ЖУРНАЛИМИЗДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АСАРЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИ СИЗГА АЙНИҚСА МАЪҚУЛ БЎЛДИ!

2. ЙИЛ БОШИДАН БЕРИ ЖУРНАЛДА ЧИҚҚАН АСАРЛАРНИНГ ҚАЙ БИРИ СИЗГА МАЪҚУЛ ТУШМАДИ!

3. ЖУРНАЛИМИЗНИНГ КЕЛГУСИ СОНЛАРИДА, ҚОЛАВЕРСА, 1986 ЙИЛДА ҚАЙСИ ЁЗУВЧИ, ШОИР, ДРАМАТУРГ ВА МУНАҚҚИДЛАРНИНГ АСАРЛАРИНИ УҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗ!

4. ЖАҲОН, РУС КЛАССИК ВА ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР АДАБИЕТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚАЙСИ АСАРЛАРИ ЖУРНАЛИМИЗДА ЧИҚИШНИ ИСТАЙСИЗ!

5. ШАХСАН ЎЗИНГИЗНИ ҚАЙСИ МУАММОЛАР ТАШВИШГА СОЛАЯПТИ! ҚАНДАЙ ПРОБЛЕМАЛАР ҲАҚИДА ДОЛЗАРБ, УТКИР АСАРЛАР, МАҚОЛАЛАР, БАҲСЛИ СУҲБАТЛАР УҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗ! (ЭНГ ЖУЪЯЛИ ТАКЛИФЛАР ЖУРНАЛДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ).

6. ИСМИ ШАРИФИНГИЗ, ЕШИНГИЗ, КАСБИНГИЗ.

МОДОМИКИ, ЖУРНАЛ СИЗЛАРНИКИ ЭКАН, ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНГИЗНИ ЁЗИБ ЮБОРАСИЗ, ДЕБ УМИД ҚИЛАМИЗ.

ДЎСТОНА ҲУРМАТ БИЛАН,
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
ЖУРНАЛИ РЕДКОЛЛЕГИЯСИ.



ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ

Рассом Э. Нурмонов



На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

{Звезда Востока}

№ 8

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1985

Рассом Х. Лутфуллаев.

Техник редактор М. Аҳмедов.

Корректор М. Еқубова

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 30.05.85 й. Босишга рухсат этилди 22.07.85 й. Қоғоз формати
70×100¹/₁₆. Р-05904. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли
босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 155994. Заказ 1039.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизиқ Байроқ орденли
босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти 41.

С: «Шарқ юлдузи», 1985.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.